



# Шарқ юлдузи

Ойлик  
адабий-бадиий,  
ижтимоий-сиёсий  
журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

---

7

1986

55 - йил чиқиши

Бош редактор

**Уткир ҲОШИМОВ**

Редколлегия:

**Ҳафиз АБДУСАМАТОВ**

**Саид АҲМАД**

**Абдусайд КҮЧИМОВ**

(масъул секретарь)

**Мурод МУҲАММАД ДУСТ**

(бош редактор ўринбосари)

**Омон МУХТОРОВ**

(поэзия бўлими мудири)

**Умарали НОРМАТОВ**

**Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА**

**Хайриддин СУЛТОНОВ**

**Зоя ТУМАНОВА**

**Туроб ТҮЛА**

**Худойберди ТҮХТАБОЕВ**

**УЙГУН**

**Улмас УМАРБЕКОВ**

**Носир ФОЗИЛОВ**

**Тўлапберган ҚАЙПБЕРГЕНОВ**

**Азиз ҚАЮМОВ**

**Ҳамид ҒУЛОМ**

---

Ғафур Ғулом номидаги    Адабиёт ва санъат    нашриёти

# УШБУ СОНДА



*Наср*

## Худойберди ТУХТАБОВ ШИРИН ҚОВУНЛАР МАМЛАКАТИДА

Роман



Ҳажвчи, руҳий оламнинг бир табиби сифатида жамиятдаги иллатни кўрганда бефарқ қолмайди, гоҳ йиғлайди, гоҳ кулади. Кулгининг шифобахш хислатидан фойдалангиси кедади. Қизиқ, кулиб ёзган нарсаси ўқувчида кўпинча йиғи, йиғлаб ёзгани кулги кўзгаёйди, иккисининг ҳам шифобахш хусусияти бўлади. Гоҳ кулиб, гоҳ йиғлаб ёзган ушбу асаримда Иллатнинг қора башарасини тасвирлаш орқали унга нисбатан кўпроқ ғазаб, кўпроқ нафрат уйғотишга ҳаракат қилдим.




*Шеърлар*

Абдулла ШЕР

БИР ПАРЧА ҒСМОН

Шеърлар

Бу бор гап! Биз ҳақмиз! Урушга йўл йўқ!  
Қани, қўлингни бер, толе ёр бўлсин!  
Она-ер бағрини тирнамасин ўқ,  
Адолат бор бўлсин, тинчлик бор бўлсин!



*Ҳикоялар ҳазини*

Уильям ФОЛКНЕР

ҚУЕШ ЗАВОЛИ

Ҳикоя

... биринчи галда ўз халқининг адабий аъналарини ривожлантиринг, чунки ҳар бир халқнинг афсоналари, урф-одатлари бебаҳо, бетакрор. Чет эл аъналарини ўзлаштириш мақсадида миллий адабиётдан, миллий тилдан юз ўгириш ярамайди. Майли, ёзувчи чет тилини, чет мамлакатларнинг маданиятини ўргансин. Бизлар кимдандир ниманидир оламиз ва кимгадир нимадир берамиз. Бироқ, мен Филиппин оролларида шаклланган адабий йўсинларга йўрғалай бошласам, очигини айтганда, ҳамма устимдан кулган бўларди. Аксинча, Филиппин ёзувчилари Америка адабиётига хос усулларда ёза бошласа ҳам ғалати кўринади. Қисқаси, ҳар қайсимиз ўзимизнинг миллий аъналаримизни ўрганишимиз даркор.




# ЎЗБЕКИСТОН ИЖОДИЙ СОЮЗЛАРИНИНГ БИРЛАШГАН ПЛЕНУМИ

## МЕХНАТ БИЛАН САНЪАТНИНГ ИТТИФОҚИ

Ижодкор зиёлилар, маданият ходимлари КПСС XXVII съезди тарихий қарорларини, унинг назарий ва амалий хулосаларини партиянинг адабиёт ва санъат ролини кўтариш йўлини амалга оширишдаги, социалистик жамият маънавий бойликларини яратишдаги, совет кишиларини бадиий бойликлардан баҳраманд қилиш ва меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги жанговар ҳаракат программаси деб қабул этдилар. Ўзбекистон ижодий союзларининг 28 апрель куни Тошкентда бўлиб ўтган бирлашган пленумида мана шулар ҳақида гапирилди.

Пленумни Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони К. Яшин очди.

«КПСС XXVII съезди қарорлари асосида адабиёт ва санъатни янада ривожлантириш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда уларнинг ролини ошириш юзасидан республика ижодий союзларининг вазифалари тўғрисида» Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев доклад қилди. (Доклад эълон қилинмоқда.)

 докладни муҳокама қилишда Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениеси президиумининг раиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ҳ. Р. Умарбеков, Ўзбекистон ССР халқ рассоми, СССР Давлат мукофоти лауреати Ч. Г. Аҳмаров, Ўзбекистон Театр жамияти правлениеси президиумининг раиси, СССР халқ артисти Б. Р. Қориева, композитор, Тошкент консерваториясининг ректори К. Н. Кенжаев, кинорежиссёр, Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати Л. Файзиев, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. Дадажонова, «Правда Востока» газетасининг редактори Г. Г. Неклесса, Ўзбекистон Архитекторлар союзи правлениесининг раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган архитектор Т. Ф. Кодирова, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг редактори, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси О. Ёқубов, Горький номидаги Тошкент

Давлат театрининг актёри, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист В. И. Цветков, Ўзбекистон Рассомлар союзи правлениесининг раиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ж. Й. Умарбеков, Ўзбекистон Композиторлар союзи правлениесининг секретари Д. Саидаминова, Урта Чирчик район «Машъал» газетасининг редактори М. Хўжаева, Бухоро областининг бош архитектори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган архитектор Н. Х. Шарипов, Ўзбекистон ССР Маданият министри М. А. Аҳмедова, Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студиясининг кинорежиссёри, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Д. И. Салимов қатнашдилар. Пленум қатнашчилари КПСС XXVII съезди қарорларини қизғин маъқуллаб, ишчанлик кайфияти, оптимизм ва дадил ташаббуслар даври, турғунликка қарши кураш ва изланишлар даври келганлигини таъкидладилар. Сўзга чиққан нотиклар дадил ўзгаришлар, адабиёт ва санъат ходимлари учун нуфузли ижтимоий куч, гражданлик мактаби бўлган ижодий союзлар олдига янги улкан вазифалар қўяётганлигини уқтириб ўтдилар. Ижодий союзлар ҳаётининг бутун муҳити санъаткорларни ҳозирги воқеликни дадил акс эттиришга илҳомлантириши зарур. Ижодий союзларда партиявий принципаллик, юксак ўзаро ижодий талабчанлик ҳукм суриши керак. Маданий оталиққа, адабиёт ва санъат арбобларининг ишлаб чиқариш коллективлари билан ижодий ҳамкорлигига кенг йўл очиш лозим.

Пленум қатнашчилари қабул қилинган резолюцияда адабиёт ва санъат арбоблари, бутун бадийий зиёлилар бундан буён ҳам меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда партиянинг фаол ёрдамчилари бўлиб, КПСС XXVII съезди қарорларини рўёбга чиқаришга муносиб ҳисса қўшадилар деб ваъда бердилар.

Республика ижодий союзларининг бирлашган пленуми ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар иштирок этдилар.

**ПАРТИЯ ҲАМ, ХАЛҚ ҲАМ ДАБДАБАЛИ, МАЗА-МАТРАСИЗ АСАРЛАРГА ВА ТУРМУШ ИКИР-ЧИКИРЛАРИ БАЕН ҚИЛИНГАН КИТОБЛАРГА, ТУТУРУҚСИЗЛИК ВА ТОР АМАЛИЁТЧИЛИККА ЭҲТИЕЖ СЕЗМАЙДИ. ЖАМИЯТ ЕЗУВЧИДАН БАДИИЙ КАШФИЁТЛАРНИ, ҲАЁТ ҲАҚИҚАТИНИ КУТМОҚДАКИ, БУ ФАЗИЛАТЛАР ҲАМИША ЧИНАКАМ САНЪАТНИНГ МОҲИЯТИ БУЛИБ КЕЛДИ.**

**М. С. ГОРБАЧЕВ.**



# ЎЗБЕКИСТОН ИЖОДИЙ СОЮЗЛАРИНИНГ БИРЛАШГАН ПЛЕНУМИДА

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ ЎРТОҚ И. Б. УСМОНХЎЖАЕВ ДОКЛАДИ

Қадрли ўртоқлар!

Аввало Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети номидан адабиёт ва санъат намоёндаларини, сиз орқали республиканинг барча ижодкор зиёлиларини қизғин ва самимий қутлайман. Партия сизнинг Ватанимиз маданияти хазинасига, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашга қўшаётган ҳиссангизни юксак қадрлайди, сизнинг ижодий меҳнатингизни эъзозлайди.

Ўзбекистон ижодий союзларининг қўшма пленуми бутун мамлакатимиз учун масъулиятли бир даврда ўтмоқда. Давримизнинг муҳим сиёсий воқеаси — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съезидан буён санокли ҳафталар ўтди. Бу том маънодаги янгиланиш съезди, стратегик хулосалар съезди бўлди. Съезд мамлакатимиз ва умуман олганда ҳозирги замон ривожланишининг кескин бурилиш даврига тўғри келди, партия ва халқни ижтимоий-иқтисодий суръатни жадаллаштириш программаси билан қуролаштирди, КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленумидан сўнг мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида кўзга ташланган буюк ўзгаришлар руҳини ўзида мужассам этди.

Бугунги кунда муҳими, — деб таъкидлади КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев, — съезд вужудга келтирган муҳитни нафақат сақлаб қолиш, балки ҳар томонлама ривожлантириш, бойитиш, ғоялар ва ишлар билан тўлдиришдир. Жадаллаштиришнинг реал жараёнга айланиши учун одамлар партиянинг новаторона мақсадларини тўлалигича идрок этишлари, қалбдан, юракдан тушунишлари керак, уларда янгича яшаш ва ишлашга, ўз меҳнатига талабчан ва танқидий муносабатда бўлишга интилиш вужудга келиши лозим.

Ҳаётнинг барча соҳалари бўйича олдимизда кўпгина мураккаб вазифалар турибди. Бироқ энг муҳимларидан бири инсон омили родини кўтаришдир. Бинобарин, барча планларнинг бажарилиши, барча мақсадларнинг амалга ошиши ана шу вазифани қандай ҳал этишимизга боғлиқ.

Мана шу ишда адабиёт ва санъат ходимлари, социализм маънавий маданиятининг роли ҳар қачонгидан ҳам ортади. В. И. Ленин васиятларига таянган ҳолда, партия уларнинг ривожланишидаги халқ ҳаёти билан алоқани мустаҳкамлаш, социалистик воқеликни ҳаққоний ва бадий юксак акс эттириш, янгиликни, илғор аъналарни кўтаринки руҳ билан ёрқин тарғиб қилиш ва жамият тараққиётига халал берувчи барча иллатларни кескин фoš этиш каби асосий йўналишларни аниқ белгилаб берди. «Партия, — деб таъкидланади съезд резолюциясида, — адабиёт ва санъатдаги партиявийлик ва халқчиллик руҳи билан сугорилган талантили жиҳатларнинг ҳаммасини қўллаб-қувватламоқда ва бундан буён ҳам қўллаб-қувватлайверади».

Съезд қарорлари ижодий изланишлар учун бепоён кенгликларга, самарали ташаббусларга чексиз имкониятлар очиб беради. Ўзбекистон ижодий союзларининг асосий вазифаси республиканинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий тараққиётида маданий омилни жадаллаштирувчи қудратли кучга айлантиришдан иборатдир.

Ўзбекистон партия ташкилоти XXVII съезд қарорларини ҳаётга татбиқ этишга ахлоқий-психологик шароитни соғломлаштириш юзасидан республикада кескин ва мураккаб кураш кетаётган пайтда киришди. Ўртоқлар, сизларга маълумки, кейинги йилларда республиканинг иқтисодида,

ижтимоий муҳитида, маънавий ҳаётида кўпгина кескин муаммолар йиғилиб қолган эди. Ўз вақтида Марказий Комитетнинг XVI ва ундан кейинги пленумларида, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида салбий ҳодисалар ва йўналишлар ҳақида тўғридан-тўғри ва очиқдан-очиқ айтилди. Сизлар ишимиздаги маълум камчиликлар, янглишишлар ва хатоларни келтириб чиқарган сабабларни, КПСС XXVII съезди республикадаги вазиятга берган ғоятда жиддий, бироқ ҳаққоний баҳоний биласиз.

Етилган муаммоларни ошқора, коллектив равишда муҳокама этиш, йўл қўйилган камчиликлар ва муваффақиятсизликларни очиқ ва принципиал танқид қилиш, КПСС Марказий Комитети ёрдамида республика партия ташкилотларининг шароитни чуқур ва реалистик таҳлил этиши тартиб-интизомни йўлга қўйишдаги фаол ишга зарурий йўналиш, изчиллик ва кўламдорлик бахш этди. Кадрлар масаласида катта ўзгаришлар амалга оширилди. Тартиб-интизом ва уюшқоқлик мустаҳкамланмоқда.

Одамлар яхшироқ ишлай бошладилар. Уларнинг гражданлик фаоллиги кучайди. Партия съездининг руҳи, унинг қарорларининг сафарбарлик қудрати беш йилликнинг биринчи йили вазифаларини муддатидан илгари ва иккинчи йили планларини Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги байрамига бажариш учун оммавий ҳаракатда яққол намоён бўлмоқда. В. И. Ленин тугилган куннинг 116 йиллигига бағишланган Коммунистик шанбалик ватанпарварлик ҳаракатининг, съезд қарорларига амалий иш билан жавоб беришга интилишининг янги далилидир.

Қисқа муддатда баъзи ижобий силжишлар кўзга ташланди ва улар ўзига йўл очмоқда. Шу йилнинг биринчи квартали якунлари кўрсатишча, республиканинг кўпгина меҳнат коллективлари яхши суръатда, бир маромда иш бошладилар. Саноат маҳсулотларининг ҳажми йиллик топшириқдаги 4 процент ўрнига 8 процентга ўсди. Ана шу ютуқнинг каттагина қисми меҳнат унумдорлиги ҳисобига қўлга киритилди.

Капитал қурилиш суръатлари ҳам ўсди. Транспорт иши бирмунча яхшиланди. Кейинги йилларда биринчи марта чакана савдо обороти плани бажарилди. Кўпгина колхоз ва совхозларнинг далаларида иш уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш кўпайди.

Бироқ биз ютуқларимизга талабчанлик билан, хом хаёлларга берилмай қараймиз. Ҳали ҳамон раҳбарликда йўл қўйилган камчиликлар ўзини билдирмоқда. Баъзи жойларда экономикага, ижтимоий соҳаларга, ғоявий ишга енгил-елпи муносабатда бўлиш ҳоллари давом этмоқда.

Кейинги йилларда катта қурилишларни авж олдириб, янги ишлаб чиқариш қувватларини жадаллик билан яратишга аҳамият бериб, улардан фойдаланиш, барча звеноларда кадрлар тайёрлаш, ишчилар синфининг ёш ўринбосарларини тайёрлаш ҳақида кам қайғурдик. Хўжалик раҳбарларининг бир қисмида иқтисодий тафаккур ва ишда ташаббускорлик етишмайди. Ҳамон экономикага сарф қилинган пул билан ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ўсиши орасида номутаносиблик мавжуд. Ўзбекистон ССРнинг мамлакат миллий даромадига қўшаётган ҳиссаси камлигича қолмоқда.

Агросаноат комплексида ҳам жиддий муаммолар мавжуд. Бизнинг биринчи галдаги вазифаларимиздан бири ишлаб чиқаришни ўстириш, «оқ олтин»нинг сифатини яхшилашдан иборат. Чорвачиликни, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ишини яхшилаш учун ҳали кўп ишларни қилишимиз керак.

Бизнинг интернационал бурчимиз Умумиттифок бойлигига республикаimiz қўшадиган ҳиссани максимал даражада кўпайтиришдир. Навбатдаги беш йилликда миллий даромаднинг 26 процентга ўстиришни таъминлашимиз, корхоналарни техник қайта қурулантириш ҳисобига маҳсулотлар салмоғини 1 миллиард 300 миллион сўмга кўпайтиришимиз керак.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг йиллик ўртача ҳажмини

14 — 16 процентга кўтариш кўзда тутилмоқда. 2000 йилгача 220 миллион кв. метр уй-жой қуришимиз лозим. Бу ўтган уч беш йилликка нисбатан 2,5 баробар кўп демакдир.

Биз олдимизда қандай улкан вазифа борлигини аниқ ҳис этиб турибмиз. Ишнинг кўлами ва янгилиги ҳаётимизнинг барча тармоқларини жиддий қайта қуришни талаб этади. Янгича ишлашга, янги муносабатларга ҳамма — раҳбарлар ҳам, меҳнаткашлар ҳам мослашишлари керак. Мана шу ғоят муҳим сиёсий ишда биз республика зиёлиларининг жуда фаол қатнашишларига умид боғлашга ҳақлимиз.

Кўз ўнгимизда миллий маданиятларнинг гуллаб-яшнаши, ўзаро бойиши тенглик, биродарларча ҳамкорлик, кўнгиллилик асосида ягона совет халқи маданиятининг тезкорлик билан шаклланиши содир бўлмоқда. Кўпмиллатли совет санъати тараққиётининг бутун тарихий тажрибаси шуни яққол кўрсатадики, айнан социализм, ленинча интернационализм принципларининг изчил амалга оширилиши, миллий маданиятларнинг гуллаб-яшнаши, уларнинг яқинлашуви, ўзаро бойиши, ғоявий бирлигининг чуқурлашувини таъминлайди.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, кейинги йилларда республика ижодкор зиёлилари яратган энг яхши китоблар, фильмлар, спектакллар, рангтасвир ва музика асарлари таъсирчан идеология воситалари аслаҳахонасига қўшилди, тарбиявий жараёнларга фаол таъсир этишга, жамиятда соғлом маънавий муҳитни мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда. Кўпгина адабиёт ва санъат усталарининг ижоди ҳақли равишда кенг ўқувчилар оммаси, томошабинлар эътирофига сазовор бўлди. Ўзбекистон сарҳадларидан ташқарида ҳам ўз мухлисларини топди. Бу — адабиёт ва санъат тараққиётини тезлаштиришнинг яхшигина старт майдони, уларнинг янги марраларга чиқиши учун қудратли базадир.

Ёзувчилар, кинематографчилар, музикачилар, артистлар ва режиссёрлар олдида жуда муҳим ижтимоий топшириқ — одамларга янгича яшаш ва ишлашга ёрдам берадиган кўтаринки руҳдаги асарлар яратиш вазифаси турибди. Шу ўринда партия ва халқ дабдабазликка, майда турмуш иқир-чиқирларини тасвирлашга, тутуруксизликка ва тор амалиётчиликка муҳтож эмаслигини ёдда тутиш лозим. Ҳаёт ҳақиқати ҳамиша том маънодаги санъатнинг моҳиятини ташкил этиб келган. Агар асар ҳақиқат билан суғорилган бўлса, у ҳамиша одамларга керак, демак, ижодкорнинг қалби давр билан ҳамоҳанг ураётган бўлади.

Бугунги кунда ҳаётимизнинг турли томонларини танқидий кўздан кечириш учун кенг йўл очилган экан, бу унинг салбий томонларини алоҳида таъкидлашни зарурат қилиб қўймайди. Афсуски бизда бюрократлар, порахўрлар ва бошқа хунук кимсаларнинг ҳали кўплиги аён. Бироқ бизнинг ёнгинамизда юксак фикрларга ва ишларга қодир жонли, тирик қаҳрамонлар яшаб, меҳнат қилаётгани ҳам ҳақиқат.

«Алвидо, гўр ёшлигим» фильмининг муваффақияти тасодифий эмас. Авторларнинг қатъий ва дадил гражданлик позицияси картинанинг қатъи ғоявий қудратга эга бўлишини таъминлади, унга кенг томошабинлар эътиборини тортди. Бироқ, бу фильм кинематографчиларимиз ва замондошларимиз образи устида ишлаётган бошқа санъат ходимлари учун одатий ҳолдан кўра истисно тарзидаги асар бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунимиз ўртага ташлаётган кўпгина жиддий ва йирик муаммолар ҳали адабиёт ва санъатда ўз аксини топгани йўқ. Ишчилар синфи ҳақида арзигулик асарлар ниҳоятда кам. Пахтакорларнинг машаққатли меҳнатини ёрқин ва истеъдод билан акс эттирувчи китоблар, пьесалар, фильмлар ҳамон яратилмаётир. Бу йил қийин бўлади. Ҳосилни сув кам бўладиган қийин шароитда етиштиришга тўғри келади. Табиийки, маданият арбоблари ҳам пахтакорларнинг ғам-ташвишларидан четда туролмайдилар. Шундай қилиш керакки, ижодкор зиёлиларимизнинг куч-ғайратлари дала ва фермаларимиз меҳнаткашларининг мардонавор меҳнатини, буюк ишларини шарафловчи асарлар яратишга қаратилсин.

Кадрли ўртоқлар, меҳнат ресурслари муаммолари ҳамisha сизнинг эътиборингизда туриши лозим. Маданият намояндалари бу муҳим ишга ҳисса қўшишга, ҳаётга большевикчасига эҳтирос билан, чуқур кириб боришга сафарбар этилганлар.

Ғоявий таъсир этишининг барча воситалари орқали инсон меҳнат ва фақат меҳнат билан шухрат қозонишини, у меҳнат билан ўсиши ва кучга тўлиб боришини кўрсатиш лозим.

Бирок меҳнат мавзуига мурожаат ҳали адабиёт ва санъат намояндалари учун ички заруратга айлангани йўқ. Шунингдек, Афғонистонда интернационал бурчини бажараётган жангчиларимизнинг жанговар анъаналарнинг ворислари эканини бадиий шаклда кўрсатиш учун нима ишлар қилинди?

Замонамизнинг ҳақиқий қаҳрамонларини оддий, камтар, лекин шарафли ишлар бораётган жойдан ахтариш лозим. Ҳаётда бу қаҳрамонлар ниҳоятда оддий одамлар, улар қаҳрамонликни ўз бурчларини бажариш деб биладилар. Шундай одамлар борки, улар кўпчилик, ана шулар ҳақида ёзиш ва гапириш керак.

Кўриниб турибдики, ўртоқлар, партия ташкилотлари раҳбарлиги остида ижодий союзлар, Маданият министрлиги, Ўзбекистон Кинематография давлат комитети, Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети, Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети замонавий, тарихий-революцион ва қаҳрамонлик — ватанпарварлик мавзуида янги бадиий асарларга давлат буюртмалари учун аниқ, муаммоли-тематик планлар ишлаб чиқишлари зарур. Олдимизда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги, В. И. Ленин таваллудининг 120 йиллиги, буюк Ғалабанинг 45 йиллигини нишонлашдек улкан воқеалар турибди. Бу саналарни адабиёт ва санъатнинг барча жанр ва турларида янги ёрқин ишлар билан кутиб олиш керак.

Маданият ходимлари олға томон муваффақиятли ҳаракатда, партия ташкилотларининг ишда том маънодаги новаторона услубини қарор топтиришдаги ҳар қачонгидан кўра фаол ёрдамчилари бўлишлари зарур. Улар одамларнинг маънавий заруратларини қондиришга, кенг меҳнатқашлар оммасини энг янги илмий-техника ахборотларидан хабардор қилишга даъват этилганлар. Илмий-техника тараққиёти ишчилар синфи, деҳқонларнинг маданий-техник савиясини кўтаришга, жамият асосий ишлаб чиқариш кучларини тайёрлаш ва такомиллаштиришни тубдан яхшилашга диққатни қаратишни талаб этади. М. С. Горбачев таъкидлаганидек, замонавий ишлаб чиқариш ташаббускор, тафаккурли, юксак уюшган, интизомли, маълумотли, бутунлай янги технологик маданият билан қуролланган ишчига мосланганлигидан келиб чиқишимиз керак. У тез-тез янгиланиб турувчи моддий-техникавий воситаларга ҳам профессионал, ҳам психологик томондан тайёр бўлиши лозим.

Экономика ва маданият ажралмасдир. Уларнинг ўзаро алоқаси қанчалик мустаҳкам бўлса, бошқариш ҳам, тарбиялаш ҳам шунчалик самарали бўлади. Халқ хўжалигини бошқаришни яхшилаш воситалари фақат илмий-техника тараққиёти суръатини жадаллаштиришга эмас, балки маданиятнинг ролини оширишга фаол аралашшга ҳам даъват этилган.

Бир сўз билан айтганда, адабиёт ва санъат ходимларининг бутун фаолияти жадаллаштириш ғоясига бўйсундирилиши лозим. Ҳар бир ижодкор мамлакат ва республика ташвишлари билан яшаши, янги инсон учун яшаш, ва ишлашимизга ҳалал бераётган барча нарсаларга қарши курашнинг энг олдинги марраларида бўлиши керак. Маданият соҳаси истеъдодли одамларнинг юзага чиқишида, улар ижодий имкониятларининг очилишида, омманинг ташаббусини қўллаб-қувватлашда кўп ишлар қилиши мумкин.

Партиянинг ижтимоий сиёсати меҳнат кишиси фаолиятининг ривожланишига ёрдам беради. Уй-жой, озиқ-овқат билан таъминлаш.

соғлиқни сақлаш даражаси, турмуш — буларнинг бари бевосита одамларнинг онги ва кайфиятида акс этади.

Бироқ ижтимоий соҳаларда бизнинг муаммоларимиз, кескин муаммоларимиз кўп.

Қишлоқ турмушини ташкил этиш алоҳида ғамхўрлик талаб қилади. Чамаси, у энг эътиборсиз участкалардан бири. Кўплаб посёлкалар ўз жамоат марказларига эга эмас. Маиший хизмат кўрсатиш бўйича республика мамлакатда охириги ўринлардан бирида турибди.

Очигини айтганда, кишиларнинг маънавий дунёсини бойитиш учун етарлича иш олиб борилмаяпти. Ҳа, чиройли рақамлар билан виждонни аллалаш осон: юзлаб маданият саройлари ва театрлар, минглаб клуб ва кинотеатрлар бор, китобларимиз миллионлаб нусхада нашр этиляпти.

Келинг, масалага бошқа томондан назар ташлайлик: мана шу сарой ва клублардаги ҳақиқий аҳвол қандай? Кўришиб турибдики, аҳолига маданий хизмат кўрсатишга оид рақамлар жуда салмоқли. Бироқ клубларнинг каттагина қисми мослаштирилган биноларга жойлашган. Уларга қатнаётган аҳоли 30 процентдан ошмайди, стадионларда эса ундан ҳам кам.

Аҳолининг бир қисми онгида илдиз отган диний хурофотнинг зарари ҳақида, ичкиликбозлик ва алкоголизмнинг йўлдан оздирувчи таъсири ва партия ҳамда халқ изчил кураш олиб бораётган яна бошқа кўплаб муаммоларга тааллуқли ёрқин ва таъсирчан асарлар ҳозирча кўзга ташланмаяпти.

Оталиқ ишларида расмиятчилик ва нуқсонлар талайгина. Фойдаланилмаётган имкониятларимиз, резервларимиз жуда кўп. Агарда биз ҳар бир иш юзасидан қарор ва кўрсатмалар берилишини кутаверадиган бўлсак, бу демак, съезддан ҳеч қандай сабоқ чиқара олмадик, деган гапдир. Кутиб ўтирмай, ишлаш, ҳаракат қилиш керак.

Бунинг учун ибратли мисоллар кўп. 60 йил муқаддам, оғир йилларда республика маданият арбоблари «Хужум» ҳаракатида нечоғлик фаол иштирок этганликларини эслайлик. Маърифат душманларининг ашаддий қаршиликларига қарамай, минглаб хотин-қизлар машъум паранжини улоқтириб ташлаб, янги жамият куришга киришдилар. Шунинг учун ҳам хотин-қизларни жамоат ишларига жалб қилиш илгаригидек ғоят муҳим масаладир.

Ёки бўлмаса катта Фарғона канали курилишининг қахрамонона эпопеясини эслаб кўрайлик. Канал рекорд даражадаги қисқа муддат — қирқ беш кунда куриб битказилди. Бунда маданият ходимларининг ҳам хизматлари бор. Улар мана шу қисқа муддат ичида 1630 спектакль, концерт намойиш қилдилар. 549 киносеанс кўрсатдилар.

Халқ ташвишлари билан яшаш бугунги кунда ҳам маданият арбобларининг жонажон иши бўлмоғи керак. Сусткашлик ва лоқайдликдан қатъиян халос бўлиш лозим, бадий зиёлилар кўпроқ ташаббус кўрсатмоқлари, одамларни янги жасоратлар сари илҳомлантирмоқлари, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга муносиб ҳисса қўшишлари зарур.

Барча куч ва имкониятларни маданиятни янада яхшилаш учун умумхалқ оммавий курашини ташкил қилиш, социалистик турмуш тарзини янада такомиллаштириш, янги анъаналарни жорий этиш учун сафарбар қилиш биринчи навбатдаги вазифалардан. Ташаббусингизни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳамиша қўллаб-қувватлайди, республика меҳнаткашлари қизғин кутиб оладилар.

Ижодий фаолият қамрови ниҳоятда кенг. Масалан, адабиёт ва санъат ходимлари Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб ВАЗ ишчилари ташаббусини қўллаб-қувватлашлари ва бир қанча мактаблар, болалар боғчалари, маданият уйлари курилишида камида тўрт кун ишлаб беришлари мумкин эди.

Хуллас, социал масалаларнинг ҳал этилиши учун ижодий союзларнинг масъулиятини оширадиган пайт келди. Ташаббуссизлик ва турғунликка барҳам бериш, социал соҳага эътиборни кучайтириш,

маданият муассасаларини оталикка олишга ижодий ёндашиш, бу ишларни адабиёт ва санъат ҳар бир ходимининг кундалик юмушига айлантириш ижодий союзларнинг вазифасидир. Партия комитетлари, ижодий союзлар анча мураккаб бўлган бу масалага диққат-эътибор беришлари керак. Аммо бу масала ғоят муҳим масаладир, чунки у бевосита инсонга, унинг турмуши, меҳнати ва жамиятдаги мавқеига тааллуқлидир.

Мисол учун архитектурани олайлик. Биронта шаҳар ягона структура яратиш, ободон хиёбонлар, мўъжаз архитектура формалари, кўкаламзорлаштириш юзасидан аниқ бир мақсадга йўналтирилган программага эга эмас. КПСС XXVII съездида бу ҳақда шундай дейилади: «Шаҳарларимизнинг архитектура кўринишини яхшилаш тўғрисида қайғураётганлар ҳақлидирлар. Миллий ифтихор манбаларига нисбатан беписандлик ҳолларига кескин партиявий талаб қўйилмоғи керак. Тарих, революция ва уларнинг ёдгорликлари халқ тарбиясининг қудратли манбаидир».

Халқнинг миллий ифтихори манбалари, баъзи ўртоқлар ўйлаганидек, фақат ўтмиш осори-атиқаларидангина иборат эмаслигини алоҳида таъкидлашни истар эдик. Бу, энг аввало, меҳнаткашларнинг ижтимоий озодлик, Совет ҳокимияти учун, Ватан экономикаси ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш учун кураши билан боғлиқ ёдгорликлардир. Буларни хотирдан соқит қилиб, юксак маънавий маданиятга эришиш асло мумкин эмас.

Ҳолбуки, маҳаллий советларнинг ижроия комитетлари, Маданият министрлиги ва унинг областлардаги ташкилотлари кўплаб ёдгорликларга етарли даражада эътибор бермаяптилар. Миллий бойликларимизни кўриқлаш юзасидан қонунларимиз бор. Буларга амал қилишни унутишга ҳаққимиз йўқ.

Ўзбекистон архитекторлари жамият социал эҳтиёжларини чуқурроқ ўрганишлари, ўтмишга нисбатан ғамхўр муносабатда бўлишлари лозим. Ҳар бир қурилаётган уй барча қулайликларга эга, кўзларни қувонтирадиган бўлсин.

Музыка соҳасида ҳам ишни қайта ташкил этиш керак. Аввалги йиллардагидек ҳозир ҳам симфоник музыка жанрлари етакчи бўлиб қоляпти. Хор учун жўрсиз музыка тобора ривожланиб борапти. Камер чолғу ва ансамбль музикаси бирмунча жонланди. Аммо кўшиқдек оммабоп жанрда муаммолар, оз эмас. Гражданлик, ватанпарварлик кўшиқлари етишмаяпти. Дала меҳнаткашлари, ишчилар синфи, ёшлар ҳақида, ёшлар ва болалар учун ёзилган кўшиқлар кам. Яхши рақс музикалари, замонавий машқлар яратиш ишлари кўнгилдагидек эмас.

Маълумки, яқинда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети мамлакатимизда концерт фаолиятини янада яхшилаш тўғрисида қарор қабул қилди. КПСС Марказий Комитети, шунингдек, Бутуниттифок музыка жамияти тузулишини зарур деб топди. Республика партия, совет ва жамоат ташкилотлари жамият фаолиятини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашлари лозим.

Радио ва телевидениега дидсиз музыка асарларининг кириб келишига қатъиян чек қўйиш керак. Бу фикр эстрада концертига ҳам тааллуқли. Ахир, ижрочилар репертуарини кўриб чиқувчи бадий кенгашлар ташкил этилган-ку! Улар тингловчилар дидини ўтмаслаштирувчи ижро номерлари учун масъул эканликларини унутмасликлари лозим. Афсуски, бунга ҳали тўлиқ эришилганича йўқ. Овоз ёзиш, радио тармоқлари пунктлари фаолияти устидан назоратни янада мустаҳкамлаш, ресторан, кафе, бар, самолёт ва поездлардаги музыка хизматига эътиборни кучайтириш зарур.

Фаол ҳаётий позицияни шакллантиришда, ўзида коммунистик идеалларни мужассам этган шахсни тарбиялашда театр санъати муҳим роль ўйнайди. Томошабин драматурглар, режиссёрлар, артистлар, театр санъатининг барча ходимларидан замонавий маънавий муаммолар теран талқин этилган асарлар кутади. Бундай спектакллар пайдо бўляпти, лекин улар кам, жуда кам. Бунинг устига, бизнинг назаримизда, унчалар яхши деб бўлмайдиган эстетик идеалларга таяниб, муваффақият қозонишга

уриниш ҳолларини сира-сира оқлаб бўлмайди. Бошқа томондан, ҳатто академик театрлар классик асарларни жуда кам саҳналаштираётганликлари ажабланарли ҳолдир. Область театрларида, айниқса ишни тубдан яхшилаш лозим.

Яқинда КПСС Марказий Комитетида театр ходимларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш театр санъатидаги мавжуд жиддий қусурларга барҳам бериш, профессионал маҳорат даражасини ошириш ва театрнинг совет турмуш тарзини кўрсатишга оид фаолиятини янада жонлантириш, буржуа идеологиясига қарши курашда жанговарлик кўрсатишни вазифа қилиб қўйди.

Театр коллективларининг ғоявий-бадий юксак саҳна асарлари яратишдаги ҳуқуқларини кенгайтириш, мустақиллигини кучайтириш ва масъулиятини оширишга қаратилган комплекс эксперимент театр ишлари самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Муҳими, бу жараён партия ва касаба союз комитетлари, бадий кенгашлар, маданият органларининг диққат марказида бўлмоғи лозим.

Барча йўналишларда ташаббус кўрсатиб ишлаш керак. «Энг кўп ўқийдиган китобхоналарга эгамиз» қабилидаги баландпарвоз гаплар билан хотиржамликка берилишга чек қўйиб, мисол учун, кишлок кутубхоналарини шахсий китоблар билан сидқидилдан бойитиш зарур: кишлок кутубхоналарининг фондлари ғоятда кам, китоб магазинлари етишмайди, танланган асарларга обуна бўлиш имкониятлари одатда йўқ даражада.

Барча область марказларида, шунингдек, бир қанча шаҳарларда суратлар галереяси ташкил этилмоқда. Бу эзгу ишда рассомлар, ҳайкалтарошлар, барча маданият арбоблари фаол иштирок этишларини истар эдик.

Яқин вақт ичида республикада Совет маданият фондининг бўлими ташкил этилади. Уйлаймизки, биронта маданият арбоби бу жамоат ташкилотининг гўзал мақсад ҳамда вазифаларидан четда қолмайди, республика меҳнаткашлари маънавий бойлигини оширишда муносиб ҳисса қўшади.

Мамлакатимиз ҳуқумати социал-маданий соҳани янада ривожлантириш учун Ўзбекистонга қўшимча 100 миллион сўм ажратди. Беш йиллик давомида аввалги йиллардагига нисбатан хийла кўп маданият уйлари, кинотеатрлар, клублар қурилади. Маданият моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилган бошқа тадбирлар ҳам кўрилмоқда.

Замон адабиёт ва санъат ходимлари олдига янги микёсдаги вазифаларни қўймоқда. Бу, шубҳасиз, маданий ҳаётга раҳбарликнинг янгича иш усулларини, республика ижодий союзлари ўз ишларини қайтадан ташкил этишларини тақозо қилади. Союзлар ишининг асосий якуни резолюциялар ва мажлислар билан эмас, балки халқнинг маънавий ҳаётини бойитишга қодир бўлган, истеъдод билан яратилган, оригинал, жамиятга керакли китоблар, фильмлар, спектакллар, картиналар ва музыка асарлари билан белгиланади.

Съезд бизга ўргатган ҳақиқат сабоғи республика ижодий союзларининг баъзи раҳбарлари ва аъзолари куни кеча мансабга сиғинишга асир бўлиб, расмийчилик, эскича биқиклик, иккиюзламачилик иллатларига қарши туролмаганликларидан тўғри хулосалар чиқаришни талаб қилади.

Бундай аҳвол ижодий союзлар ишига салбий таъсир қилмаслиги мумкин эмас эди, бир қанча бадий саъз, тутуруқсиз асарларга йўл очилди, бадий ижодкорликнинг турли соҳаларида эгалланган позициялардан орқага чекиниш рўй берди.

Қоғоз ғоят танқис бир шароитда китоб магазинлари ва кутубхоналарда ўртамиёна асарларини нашриётлар ва журналлар редакцияларига амал-тақал қилиб тиқиштирган муаллифларнинг кўплаб асарлари чанг босиб ётибди. Кинематографчилар плёнка танқислигидан нолийдилар, бироқ айни вақтда юзлаб километр плёнкалар сийқа, жўн фильмларга сарфланмоқда. Одамлар бунинг сабаби билан қизиқмоқдалар. Лекин ижодий союзлар сукут сақлаяптилар. Нашриёт ва кино комитетларида, бошқа давлат муассасаларида ҳам жимжитлик.

Маълумки, ёзувчилар, архитекторлар, кинематографчиларнинг яқинда бўлиб ўтган съездларида, шу ташкилотлар правлениеларининг пленумларида бу салбий ҳодисаларга тўғри, партиявий баҳо берилди. Ижодий союзларнинг раҳбарлик лавозимларига обрўли, маданият намояндаларининг ишончини қозонган коммунистларнинг йўллангани ҳам сезиларли ижобий роль ўйнади. Ҳамма жойда ижодий фаолиятни хушёрлик, талабчанлик билан таҳлил этиш жараёни бормоқда.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съезидга Сиёсий докладидаги қуйидаги сўзлар бизнинг ижодий ходимларимизга тўла тааллуқлидир: «Одамлар воқеаларни ёритишда етарли даражада оперативлик кўрсатилмаётганлигидан, практикага кириб келаётган илғор нарсалар учун кураш юзаки кўрсатилаётганлигидан қаноат ҳосил қилмаётирлар, айрим бадиий асарлар, телепрограммалар, кинофильмларнинг савияси пастлиги ҳақли таъналарга сабаб бўлмоқда. Уларда ғоявий ва эстетик равшанлик уёқда турсин, шунчаки оддий дид ҳам етишмайди. Кинопрокат, китоб нашр қилиш ва журнал ишини жиддий такомиллаштириш керак бўлади».

Бундан қатъий ҳулосалар чиқариб олиш лозим. Камчиликлар умумий, бироқ масъулият аниқдир. Идеологик кадрлар, ижодий союзларнинг, Маданият министрлиги, Нашриёт ва Кино комитетлари, Телевидение ва радио Давлат комитетлари, газета ва журналларнинг раҳбарлари буни доим ёдда тутишлари лозим. Бу катта санъат учун курашда муҳим ва масъулиятли роль танқидга тегишлидир. Ҳозир бошланган қайта қуришга кимдир қўшилмаётганлигини камдан-кам эшитасан. Ижодий союзларнинг барча аъзолари партиямиз, республикамиз партия ташкilotи бошлаган ижтимоий ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларини соғломлаштиришга қаратилган ишни амалда фаол қўллаб-қувватлайдилар.

Лекин бугун энди оғзаки гапларнинг ўзи етарли эмас. М. С. Горбачев Тольятти шаҳри меҳнаткашлари билан учрашувда таъкидлаганидек, партия кўрсатмаларини бажаришга оид аниқ ишлар зарур. Биз танқид ва ўз-ўзини танқидни мадҳиябозликнинг ўрнига келган ўзига хос модага айлантиришларига йўл қўя олмаймиз. Баъзи жойларда шундай бўлаётир: ўртоқлар ўзларича ўқиняптилар, гуноҳларига тавба-тазарру қияптилар, ишни эса ҳамон эскичасига юритмоқдалар. Михаил Сергеевич кўрсатиб ўтганидек, танқид ва ўз-ўзини танқид ҳаракатни талаб қилади. Агар хатоларнинг тан олинishi ортидан улар тузатилмас экан, бу носамимийликнинг биринчи белгисидир, ишни сўз билан алмаштиришдир.

Ижодий муваффақиятлар, ютуқлар билан бирга, хато ва камчиликлар ҳам жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилиши шарт. Бу ҳақда XXVII съездда жуда лўнда қилиб айтилди: «Адабий-бадиий танқид ўз елкасидан соғлом ахлоқий ҳаётни зил кетказадиган кўнгилчанлик ва амалга сиғинишларни қоқиб ташлайдиган вақт келди. Танқид муаллифларнинг иззат-нафси ва инжиқликларига қараб иш тутадиган соҳа эмас, балки ижтимоий фаолиятдир, ана шуни эсда тутмоқ керак».

Бизнинг туб бурилишлар давримиз тўғри ва очиқ сўзни талаб қилади. Масъулиятсизликни ўтмишга топшириш учун, бурчак-бурчакларда шивирлашишни бас қилиб, ҳар нарсани ўз номи билан аташга, ҳалол ҳукм чиқаришга ўрганиш керак. Бу давр талаби, партия талаби.

Партия маданият арбобларига ҳаётга фаол аралашиш, унинг йўналишларини чуқур ва синчиклаб бадиий тадқиқ қилиш йўлини кўрсатади. Бунда яқинда ташкил этилган ижодий союзлар раҳбарларининг кенгаши муҳим роль ўйнаши лозим. Унинг илк қадамлари маданият ходимлари ҳамкорлигининг яхшиланиши замирида қандай катта имкониётлар яшириниб ётганлигидан гувоҳлик беради.

Ёшлар тарбияси — ижодий союзларнинг алоҳида ғамхўрлигида. Кейинги йилларда бу соҳада маълум силжишлар бўлди. Агар илгарилари янги номларни камдан-кам учратиш мумкин бўлса, бугун журналларда, кўргазма ва концерт залларида истеъдодли ўринбосарлар ўзларини дадил намоён қилмоқдалар, катта авлоддан эстафетани қабул этиптилар.

Бироқ албатта, биз тўғри йўлни топа олмаётган ёшлар ҳам борлигини



кўриб турибмиз. Сўнги тўрт йил давомида бадий, театршунослик олий ўқув юртлари ва техникумларининг бир ярим минг битирувчиси областларда муқим ўрнашиб қола олмадилар. Уларнинг кўпчилиги ўз мутахассислиги бўйича ишламаяпти. Айни вақтда кадрларга эҳтиёж, айниқса қишлоқ жойларида жуда катта.

Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси «Ёш ижодкорлар билан ишлашни янада такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида» махсус қарор қабул қилди. Унда министрлик ва муассасалар, оммавий ахборот ва пропаганда воситалари ва, албатта, ижодий союзлар партия ва комсомол комитетларининг ёш адабиётчилар, rassom ва ижрочилар билан ишлаш фаолиятларини активлаштиришнинг муайян программаси белгиланган.

Ҳозир адабиётчилар, rassomлар, кинематографчилар, музикачилар, архитекторлар, журналистлар, театр усталарининг ёш авлоди ишга фаол киришуви, ҳаёт билан ҳамқадам бўлиши учун ҳамма биргаликда энг дадил чораларни кўриши зарур.

Ишда ҳақиқий новаторона услубни қарор топтириш учун курашда коммунистларнинг, ижодий союзлар, партия ташкилотларининг роли катта.

Совет санъаткори учун партияга аъзолик нимани билдиради? КПСС сафида бўлиш унинг ўзига ва бизнинг санъатимизга нима беради? Бу саволга аниқ ва энг яхши жавобни совет санъатининг таниқли намояндлари — Коммунистик партия аъзолари ўз ижодлари мисолида берганлар ва бермоқдалар. Маданиятимизни бойитган кўпгина ижодкорлар, композиторлар, опера кўшиқчилари ва архитекторлар, драматик актёрлар ва кинематографчиларнинг ажойиб ҳислатлари айнан ана шу партия билан, халқ билан бирлик туйғусидан туғилган.

Адабиёт ва санъатнинг сара, истеъдодли усталари — коммунистларга юксак бадий маҳорат ва тинимсиз изланиш, фаоллик ва меҳнаткашларнинг маънавий ўсиши ҳақида ғамхўрлик ҳосдир. Ижодкорнинг партияга тегишлилиги унга узокни кўришга ва яхшироқ эшитишга имкон беради. Унинг истеъдоди алоҳида қудрат ва ифодавийлик касб этади. Буларнинг барчаси расман партиясиз бўлса-да, ўзини қалбан коммунист ҳисоблайдиган ижодкорларга ҳам тўла тааллуқлидир.

Ўз-ўзидан маълумки, бу хусусиятларни инсон партия билети билан бирга олмайди, — фақат партия идеалларига ҳар лаҳза ва беғараз хизмат қилиш, замон илгари сурган реал ҳаётдаги янгиликларни илғашга интилиш, истеъдодини доимо, тинимсиз такомиллаштириш билан эгаллайди.

В. И. Ленин коммунистлар, маънавий соҳанинг нозиклиги ва ўзига хослигини англаган ҳолда, «бу жараёни планли равишда бошқаришлари ва унинг натижаларини шакллантиришлари» зарурлигини кўрсатган эди. Партия ташкилоти нафақат коллективдаги умумий маънавий мухитга, балки ижодкорнинг шахсий хулқи, маънавий қиёфасига, унинг инсон, коммунист ва граждон сифатидаги юксак ахлоқига ҳам бефарқ қараши мумкин эмас.

Янги ташкил этилган, қизиқарли, кўп қиррали, истисносиз барча ходимларни театр ёки киностудиянинг кундалик ҳаётига жалб этадиган ва бирлаштирадиган партиявий иш ижодий коллектив самарали фаолиятининг муҳим шартидир. Партия ташкилотлари олдида ижодкор зиёлилар орасида муносабатларнинг янгича услубини қарор топтириш, ижодий союз фаолияти самарадорлигини ошириш масаласи турибди.

Бироқ уларнинг барчаси ҳам принципиал позицияда турибдилар, ўз ўртоқларининг меҳнатини баҳолашда профессионал талабчанлик қилаётирлар, деб бўлмайди. Бунинг оқибати ўлароқ, ижоднинг турли соҳаларида сийқа, пала-партиш намуналар кам эмас.

Бундай фактлар ҳақида сиз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ҳужжатлари, республика матбуотининг чиқишлари, ижодий союзларнинг бўлиб ўтган съезд ва пленумлари орқали биласиз. Ҳозир партия органлари ёрдамида изчиллик билан тегишлича тартиб ўрна-

тилмоқда, ўзаро талабчанлик ва хайрихоҳликка асосланган соғлом шароит қарор топмоқда. Ғоявий принципаллик ва талабчанлик, истеъдодга ҳурмат партия ташкилотлари ижодкор зиёлилар билан ишлаш фаолиятининг нормасидир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қомитети ижодий союзлар партия ташкилотларини мустаҳкамлаш чораларини кўради, уларга ижодкор зиёлиларнинг жанговар йўлбошчиси, сиёсий негизи деб қарайди. Уларнинг бурчи коллективларда соғлом, ишлаб чиқаришда талабчан маънавий муҳит яратиш, кадрларнинг ғоявий ва профессионал ўсишларини таъминлаш, ўз меҳнатларининг натижаси учун масъулиятни кучайтиришидир.

Айни пайтда шуни таъкидлаш керакки, бирорта ҳам коммунист ижодкор фаол ишдан ва амалий назоратдан четда қолмаслиги керак. Маданият намояндаси учун партия билети танқиддан асрайдиган ёрлик эмас, коллективдаги ижодий иш ва ахлоқий-маънавий вазият учун юқори масъулиятнинг гувоҳномасидир.

Ижодий ҳаётдан «юлдуз бўлиш» касаллиги белгиларини, хушомад-гўйлик, лаганбардорлик, ҳомийбозликни йўқотиш учун ҳамма чораларни кўриш ҳам партия ташкилотларининг бурчидир.

Ҳа, ижодкорга ғамхўрлик қилиш керак. Лекин ҳақиқат ҳам, гарчи аччиқ бўлса-да, керакли дори-дармондир. Бусиз ҳеч қандай касалликни енгиб бўлмайди ва партия Устави ҳар бир коммунистдан принципалликни талаб қилади, камчиликларни дадил очишга чақиради.

Коммунист ижодкорнинг санъатдаги дўстлари билан муносабатлари қуруқ мадҳиябозлик, оғайниларча елка қоқиб кўйиш, беҳуда мақтов, ёки, аксинча, суриштирмай қаторасига ёмонлайвериш ёки яширин тазйиқ билан алмаштирилиши мумкин эмас. Бундай бўлмаслиги керак.

Коммунист ижодкор ҳамкасбларига уларнинг қобилиятларини тўла-роқ очишда, бадий истеъдодининг ҳамма қирраларини яққол намоён қилишда ёрдам беришга, ҳамма нарсада адолатли ва қаттиққўл бўлишга, биқикликдан ёки ноўрин оригиналликдан сақланишга ўргатишга, ижодда фаол ҳаракатларга рағбатлантиришга, ўзи намуна бўлиб олға бошлашга сафарбар этилгандир. Ҳамма жойда янгича иш услубини қарор топтириш, партияга эскилик ва қолоқликлардан қутулишда ёрдам бериши керак. Коммунистларнинг муҳим вазифаси, ижодий союзлар ва улар партия ташкилотларининг юксак ижтимоий бурчи шундадир.

Яна бир нарсани айтиш лозим. Синфий душманларимиз совет кишиларини гўё бизнинг хато йўлдан кетаётганимиз, нотўғри яшаётганимиз ҳақида ишонтиришга уринмоқдалар, миллий низолар ва бошқа адоват уруғларини сепиб кўрмоқдалар, социализмнинг тарихий истиқболига ишончсизлик туғдиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Иқтисодий ва мудофаа қудратимизнинг барқарорлигига, совет халқининг Коммунистик партия теварагида жипслашганлигига, барча миллатлар ва элатларнинг қардошларча дўстлигига заррача шубҳа йўқ. Лекин буржуа ташвиқотининг қинғирликларига етарли баҳо бермасликка ҳам ҳаққимиз йўқ. Ғоявий кўпоровчиликларга далиллар билан асосланган пропаганда қарши кўйилиши зарур.

Ёт қарашларни, империалистик махсус хизмат ташкилотларининг тажовузкорона хуружларини фош қилиш — республикамиз маданият арбобларининг муҳим вазифасидир. Улар сиёсий хушёрлик кўрсатиб партия ташкилотларига одамларни бизнинг социалистик ватанимизга мислсиз садоқат руҳида тарбиялашда ёрдам беришлари зарур.

Ўртоқлар! Оммада марксча-ленинча дунёқарашни, юксак граждандликни шакллантиришда, халқ ҳаётини янги маънавий қимматлар билан бойитишда республика ижодкор зиёлиларининг хизмати юксакдир. Совет кишилари адабиёт ва санъат ходимларидан қаҳрамонона замонамизни, ишчи ва деҳқонларнинг фидокорона меҳнати, инженер ва олимлар, илмий-техника тараққиёти йўлларини очадиган, мамлакатимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлайдиганларнинг изланишларини чуқур ақс эттирадиган янги асарларни кутмоқдалар.


КПСС XXVII съездининг қарорлари маданият арбобларини жамиятнинг ҳамма соҳаларида янгилашни учун курашнинг олдинги сафларида бўлишга, ўз меҳнатларининг самарадорлигини оширишга, халқнинг ўсиб бораётган маънавий ва эстетик эҳтиёжларини қондиришга сафарбар қилади.

Ўзбекистон адабиёти ва санъати намояндлари съезд қарорларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшадилар, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда партия ташкилотларининг ҳамisha фаол ёрдамчиси бўладилар, юксак ғоявийлик ва бадиий маҳорат учун тинимсиз курашадилар, деб ишонч билдиришга руҳсат бергайсиз.

Ўртоқлар, сизга катта ижодий ютуқлар тилайман! Фурсатдан фойдаланиб, сизни улкан, ёруғ байрам — Биринчи майнинг 100 йиллиги билан табриклашга, соғлиқ, бахт-саодат тилашга ижозат этгайсиз!



### *Риссом альбомидан*



Риссом М. САИДОВ. САҲНА



Уйғун,

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

## МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ

Серкуёш республикамизнинг барча санъат ва адабиёт намояндалари ҳам шу кунларда бутун совет халқи қатори Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездининг унутилмас таассуротлари билан нафас олмоқдалар ва ижод қилмоқдалар. Партиямиз Улуғ Октябрнинг музаффар ғояларини изчиллик билан давом эттириб, кудратли мамлакатимиз ҳаётининг том маънода бурилиш даврига хос программ мақсадларни, сиёсий-ижтимоий, ҳўжалик, экономика, мафкуравий, ғоявий-бадий ва маданий йўналишларни ниҳоятда ёрқин ва аниқ қилиб белгилаб берди.

Башарият тарихидан шундай бир ҳақиқат маълумки, ҳар қандай тараққийпарвар, ўз ривожланишининг олий чўққисига кўтарилган юксак бурилиш даврларининг ўзига хос кучли, мардона ва мумтоз қаҳрамонлари ҳам бўлади. Аёнки, шу билан бирга, бу даврда оловқалб қаҳрамонлар, чинакам фидойилар етишиб чиқиши табиийдир. Бу ҳодиса биз ижодкорлар зиммасига адабиётнинг абадий мавзуси — янгилик ва эскилик, саховат ва жаҳолат ўртасидаги азалий курашни янгича талқин этиш, унинг аввал очилмаган нозик қирраларини кашф қилиш, бадий ҳақиқатни ҳаёт ҳақиқати билан янада уйғунлаштириш каби юксак масъулиятли вазифалар юклайди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Михаил Сергеевич Горбачев КПСС XXVII съезди минбаридан туриб шундай деди: «Олтмиш йилдан кўпроқ вақт муқаддам В. И. Ленин XI съездда РКП(б) Марказий Комитетининг сиёсий ҳисоботи юзасидан ўтказилган музокарани яқунлаб, принципиал муҳим фикрни айтган эди: «Шу чоққача ҳалок бўлган барча революцион партиялар — кибранганликларидан ва ўз кучларининг нимада эканлигини кўра билмаганликларидан ҳамда ўзларининг заиф томонлари тўғрисида гапиришдан кўрққанликларидан ҳалок бўлдилар. Биз эса ҳалок бўлмаймиз, чунки биз ўзимизнинг заиф томонларимиз тўғрисида гапиришдан кўрқмаймиз ва заифлигимизни енгишга ўрганамиз».

Жамият ижтимоий тараққиётига берилган бу ленинча оқилона баҳо, ижодкор сифатида, мени қаттиқ ҳаяжонга солди. Биз ижод аҳли ўзимизнинг ютуқ ва камчиликларимиз ҳақида сўз юритганда ҳамиша ана шундай одилона иш тутяпмизми? Халқ ва адабиёт манфаатларидан кўра кўпроқ ўз шаън-шухратимиз, шахсий эҳтиёжларимиз ва субъектив хоҳиш-истакларимиз тўғрисида «жон» куйдирмаяпмизмикан? Кўпчилик ҳолларда яхши, ҳаёт ҳақиқатига хиёнат қилинмай яратилган асарларни четлаб, юқори лавозимли шахсларнинг ўртамиёна, баддиятдан йироқ асарларини меъёридан ортқ даражада мақтаб юборганимизда шундай хатоларга йўл кўймадикмикан?

КПСС XXVII съезди ҳужжатларининг ҳар бир ижодкор, ҳар бир коммунист саволларига реал ва ҳаётий жавоб бериши, уларни порлоқ истиқбол сари руҳлантириши, ҳозирги тарихий давр талабларига мос

эканлиги ижодий суҳбатларимизда қувонч билан қайд этилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, партиямиз съезддан съездгача ўтган залворли даврларда ўз фаолиятини, услуб ва методларини муттасил равишда такомиллаштириб бормоқда, жамиятимиз тараққиётининг олға томон ҳаракатига нимаики халақит бераётган бўлса, ўша негатив ҳодисаларга муносиб зарба бермоқда. Шунини алоҳида таъкидлашни истардим: партия биз санъаткорларни ўз ишимизда юксак профессионализм ва ғоявий етуқликка, порлоқ истиқболнинг туб масалаларини ҳал этаётган меҳнаткашлар коллективлари билан жуда мустақкам, бевосита алоқалар ўрнатишга даъват этмоқда. Очиғини айтишим керак, амалга оширилиши керак бўлган ишларимизнинг энг масъулиятлиси ҳали олдинда. Адабиётимизда ҳамон учраб турадиган, асарни баҳолашда ҳақиқатга соя ташлайдиган ошна-оғайнигарчиликнинг таъсиридан ҳам батамом халос бўлинганича йўқ. Кейинги пайтларда ҳаётини позицияси аниқ-равшан, маънавий олами бой, ҳар томонлама етук инсон образи ўрнига, замон нафаси сал-пал сезилиб турса-да, фаол замондошларимизга ўхшамайдиган қаҳрамонлар образи тасвирланган асарлар ҳамон яратилаётгани ташвишланарли ҳодисадир. Адабиётда мавжуд чидаб бўлмас мана шу ва шу сингари камчиликлар санъатимиз равнақига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди.

Кези келганда, ўртоқ М. С. Горбачевнинг КПСС XXVII съездида қилган Сиёсий докладнинг куйидаги ўринларига диққатингизни жалб этмоқчиман: «Социализм — юксак ахлоқ жамиятидир. Инсон ҳалол, номусли, пок қалбли, ўзига талабчан бўлмасдан туриб, ғоявий инсон бўлиши мумкин эмас. Янги жамият идеаллари, принциплари ва қадриятлари қанчалик зўр ғайрат билан қарор топтириб борилса тарбиямиз шунчалик самаралироқ бўлади. Ҳаётнинг поклиги учун кураш — ғоявий-тарбиявий ишлар самарадорлигини, унинг социал самарасини оширишнинг, носоғлом ҳодисалар рўй беришидан сақланишнинг энг таъсирчан усулидир».

Албатта, бу курашнинг энг олдинги жабҳаларида биз ижодкорлар турмоғимиз даркор. Партия ва ҳукуратимиз келажак авлоднинг — коммунизм қурувчи етук инсоннинг камолотига ижодкор самарали улуш кўшишига ҳамisha ундаб келади.


Адабиёт инсонни маънавий юксакликка кўтаришга, кўтаришгагина эмас, уни улуғ идеаллар қарор топишига сафарбар этишга қодир қудратли кучга эга.

Шу маънода, биз ижодкорлар зиммамизда турган масъулиятни теран ҳис этишимиз, хусусан, поклик, адолат тантанаси йўлида давом этаётган бугунги курашда барчага ибрат намунаси кўрсатмоғимиз лозим, деб ўйлайман. Шунини ҳам айтиш керакки, адабиётимиз уфқлари янги номлар ҳисобига йил сайин кенгайиб бормоқда. Ёшларнинг дадил ижодий изланишларини қўллаб-қувватлаган ҳолда, уларнинг янада фаол, ижтимоий ҳаётнинг актив иштирокчиси бўлишини ҳам истар эдим. Халқимиз онгини ошираётган улуғвор ишларда жонбозлик кўрсатиш уларнинг шарафли вазифасидир.

Совет халқларининг ҳаёти кун сайин фаровонлашиб, тарихимиз ижобий ўзгаришлар ҳисобига янада бойиб бормоқда. Бу ҳодиса адабиётда ҳам ўзининг инъикосини топмоғи лозим. Агар ҳар бир ижодкор кучини шу эзгу ишга сафарбар этса, бундай ижодкор ўзини ҳаётга ҳамнафас, давр ўғлониман, деб аташга ҳақлидир.



Расмни О. Бобожонов чизган.



Одил Ёқубов



Роман<sup>1</sup>

## ЙИГИРМАНЧИ БОБ

**Р**асул борганда шишани аллақачон яримлатган Фармонов, лўппи юзи мош еган хўроздай қип-қизил, чамаси аллақачон бўлғуси «жангу жадал»га шайланиб олганди. У гўё Расулни ялиниб-ёлвориб чақирмаган, балки Расул ўзи илтижо қилиб келгандай, уни қовоғидан қор ёғиб қарши олди.

Батамом бошқа ҳолатни кутган Расул, Музаффарнинг совуқ турқини кўрди-ю, бирдан асаби тиришиб, пойгакда тўхтади.

— Мана, илтимосингга биноан келдим. Хўш? Гапинг бўлса айт! Эшитаман!

Музаффар дарҳол ҳушёр тортди чоғи, ғайритабиий жилпанглаб, Расулга пешвоз чиқди:

— Қачондан бери бунақа расмиятчи бўп қолдинг, Расул? — Аввал бундоқ ўтир, бир пиёла чой ич!

Расул, худди силласи қуриган одамдай, эшик ёнидаги диванга чўкди, бироқ Музаффар чўзган қадаҳни олмади.

— Раҳмат. Ичимлик у ёқда турсин, томоғимдан чой ўтадиган аҳволда эмасман. Қабристондан келяпман. Дафн маросимига етиб келолмаган эдим. Шораҳим билан бирга Ойсулунинг қабрига чиқдик.

Музаффар қўлидаги қадаҳни столга қўйиб, оғир хўрсинди:

— Ҳа, яхши хотин эди Ойсулув. Лекин... на чора? Ажалга даво йўқ экан, Расул! Гўрида тинч ётсин, шўрлик!

Расул зимдан синовчан тикилди:

— Кошкийди, Ойсулув шўрлик гўрида тинч ётадиган иш қилган бўлса ўғлинг?!  
Музаффар тўсатдан дир-дир титрай бошлаган қўлларини орқасига яшириб:

— Нимага шама қияпсан, тушунмадим, Расул? — деб сўради.

— Нимага тушунмайсан? Ё ўғлингнинг нопок ишидан беҳабармисан?

— Ўғлим нопок иш қилганми, йўқми — бунга тегишли ташкилотлар ҳақиқат қилар ҳали! — деди Музаффар, аллақандай ўқсиб. — Шораҳимнинг сўзини сўзлаб, подадан олдин чанг чиқариш не керак? Сен жаҳл билан эмас, ақл билан иш қиладиган инсофли одамсан-ку, жон оғайни?

<sup>1</sup> Охири. Боши ўтган сонларда.



— Шораҳим инсофли одам эмасми?  
— Агар инсофли бўлса, агар ўғлим сен айтгандек... хато қилган бўлса...

— Хато эмас ўғлингнинг қилган иши!

— Боринги, — деди Музаффар аллақандай ёзғириб, — боринги сен айтган гап рост бўлганда ҳам (ҳолбуки рост эмас, ғирт тухмат бу, Расул, ғирт тухмат!) бу ишнинг Ойсулувнинг ўлимига нима дахли бор, ахир?

— Нега дахли бўлмас экан?

— Шунинг учун дахли йўқки, Ойсулув бечора кўпдан бери давосиз дардга мубтало бўлиб, тўшак ёзиб ётган эди! Буни сен билмасанг — бутун аҳли қишлоқ билади, Расул!

Расул ҳамон Музаффарга зимдан тикилганича, бир лаҳза жим қолди. Унинг хаёлидан: «Наҳот одам боласи шунчалик худбин бўлса, наҳот ўзидан ўзганинг дардига шунчалик бепарқ-бераҳм бўлса?» — деган фикр ўтиб, қалтираб кетди.

— Ойсулувнинг оғир бетоб бўлганини мен ҳам биламан! Бироқ, сенга битта саволим бор, Музаффар: нега сен ўз фарзандинг учун боя айтганингдек, жиноят эмас, шунчаки бир... хато қилган тантиқ зурёдинг учун, бунча қайғурасан?

— Фарзанди учун қайғурмайдиган одам борми бу дунёда? — деди Музаффар. — Сен қайғурмайсанми, Расул?

— Унда нега Ойсулувни ўз ажали билан ўлди, демоқчи бўласан? Сен ота бўлсанг, у — она! Онаизор борки, отадан ўн баробар кўпроқ қайғуради ўз жигари учун! Ойсулувни ажалидан беш кун бурун ўлдирган сенинг ўғлинг! Унинг ёвуз қилмиши! Еки сен пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса бошқага, деган гапни эшитмаганмисан?

Расул, азбаройи фиғони фалакка чиқиб, ўрнидан туриб кетди. Музаффар эса ҳамон ўша забун алфозда:

— Яна айтаман, Расул! — деб нола қилди. — Бу ишда менинг ўғлим айбдорми ё Шораҳимнинг ўғлими — буни сен билан биз ҳақиқат қиллолмаймиз. Ҳақиқат қиладиган ташкилотлар бор!

Расул юришдан таққа тўхтади:

— Эшитдим! Бу ташкилотларни аллақачон қўлга олибсан! Агар сенда инсофу адолат бўлса, бошингга қилич келса ҳам ҳақиқатга туриб берардинг. Сен бўлсанг... бунинг ўрнига ҳақиқатни топташ йўлига ўтибсан!

— Расул! — деди Музаффар зорланиб.

— Лекин билиб қўй, Музаффар, ҳақиқат эгилади, бироқ синмайди!

— Расул! — деди Музаффар, гўё юраги чок бўлиб. — Сенга нима бўлди, Расул? Ахир... наҳот менга ишонмасанг? Ахир, учовимиз ҳам бир қишлоқнинг фарзанди, оғир кунларда бир майизни бўлиб ёган, уруш кўрган биродарлармиз-ку, Расул!

— Мен ҳам шунга ҳайронман. Ахир, сен ҳам отанг фронтда ҳалок бўлиб, етим ўсган, уруш йиллари даштда тикон кечиб, фронт учун ғалла ташиган, нима бўлгандаям уруш заҳматларини бошидан кечирган йигит эдинг-ку? Қачон, нима сабабдан бундай... тошбағир, бемехр бир одамга айланиб қолдинг, Музаффар!

— Тошбағир бўп нима қилибман, хўш?

— Нима қилганинг ва нима қилаётганингни билмайсан гўё?

— Йўқ, сен айт, Расул? Нима қиппан? Одам ўлдирибманми? Агар, битта айбим... ўғлим бўлса...

— Йўқ, гап фақат ўғлингга эмас! Ҳамма бало шундаки, сен ўзингдан бошқани ўйламайдиган, фақат ўзим бўлсам, ўзим кўкарсам бас, дейдиган бир худбин бўлгансан, Музаффар!

Музаффар фиғони кўкка чиқиб:

— Ахир қайси гуноҳларим учун бу маломат, бу ҳақорат, Расул? — деб хитоб қилди.

— Қайси гуноҳларим дейсан, а? — деди Расул. — Агар, сенда зиғирча одабийлик бўлганда, ўғлингнинг жиноятини босди-босди қилишдан аввал Шораҳимнинг олдига бош эгиб бормасмидинг? Ўз



фарзандинг тақдирини ўйлашдан олдин уни ўғлининг қайғусини емасми-динг?

— Уни ўғлининг қайғусини емади деб, ким айтди сенга? Мана, кечаю кундуз Шоқосимнинг бошида ўтирибди-ку, Соҳиба?

— Мен Соҳибани эмас, сени айтяпман! Сенда диёнат бўлса ҳаммадан бурун ўғлингни ўзинг судраб бориб, Шораҳимнинг оёғи остига ташла-масмидинг, Музаффар?

Музаффар титроқ қўллари билан бир шиша сувни оғзига тутиб, охиригача ичди-да, тинкаси қуриган одамдай ўзини креслога ташлади. Унинг хаёлидан: «нега ўша кун бу одамни чақирдим? Бунча талвасага тушмасам ўшанда?» — деган фикр ўтди.

— Бу гапни айтиш осон! Авваламбор, ҳеч кимнинг бошига тушмасин, бу савдо! Бошингга тушса, сан ўзинг нима қилардинг, Расул?

Расул унинг дардманд ҳолидан кўнгли қандайдир беҳуд бўлиб, кўзини олиб қочди:

— Мен ҳам фаришта эмасман, Музаффар! — деди у сал юмшаб. — Аммо бир нарсага аминман: агар менинг болам сенинг ўғлингнинг ишини қилса, ҳалол бир йигитнинг хотинини йўлдан уриб, ўзини майиб қилиб, жуфтагини ростлаб қолса... Унда, мен билмадим нима қилардим?

— Айтишга осон бу гапни! — деди Музаффар баттар мутеланиб.

— Осонми, йўқми, бироқ бир нарсага имоним комил: сен виждонингга хилоф иш қиляпсан!

— Расул! Дўстим, Расул! Яна айтаман: жилла қурса, қирқ йиллик дўстлигимиз ҳурмати, урушда бирга чеккан заҳматларимиз ҳурмати — аввал ҳақиқат қилайлик, бу ишларни!

Музаффар уруш йилларини эсга солиши билан Расулнинг тилига келган аччиқ гаплар яна бўғзида қолди:

— Ҳа, уруш йилларини кўп эслайдиган бўпсан! Лекин бошингга бирор кулфат тушгандагина эслайсан буни! Эслаб, эски дўстларингнинг кўнгиллари эритмоқчи бўласан!..

— Йўқ! — деди Музаффар куйиниб. — Мен у кунларни ҳеч қачон унутган эмасман, Расул!

— Агар унутмаган бўлсанг бунчаликка борармидинг? Ёки уруш йиллари ёдингдаю, Шораҳимнинг сенга қилган яхшиликлари хотирангдан кўтариладими? Кўтарилган бўлса, эсингга солиб қўяй, Музаффар. Ҳозир ўз оғзинг билан айтган уруш чоғларида, беаёв саҳрода йиқилиб қолган пайтларингда сени бирда суяб, бирда пулемётингни қўлингдан олиб, оғирингни енгил қилган, яна бирда ёш болани опичлагандай опичлаб, жизғанақ чўлдан олиб ўтган ким эди? Мана шу ёмон Шораҳим эмасмиди, Музаффар, — Расул юришдан тўхтаб, Музаффарга қадалиб қаради.

— Шораҳим эди, Расул, Шораҳим!..

— Шораҳим бўлса... қани сенда виждон, қани инсофу адолат?

Музаффар қўллари билан бошини чангаллаганича узоқ ўтирди, сўнг:

— Наҳотки сен! — деб тавалло қилди. — Қил ўтмас қадрдоним деб, ишониб юрган дўстим, бу ерга фақат мени топташ учун, фақат эзиш учун келдинг, Расул? Тақдирнинг пинҳона ўйинлари сабаб, бошимга иш тушган бу мусибатли кунларимда наҳот мен шўрликни бешбаттар эзсанг, йиқилганнинг устига чиқиб тепсанг, Расул? Агар, адолат шу бўлса?..

— Сен адолатдан гапирма, Музаффар!

Расул сўзини тугатмаган ҳам эдики, шу дақиқагача аллақандай мунғайиб, ҳамдардлик кутиб, илтижо билан гапирётган Музаффар тўсатдан ўдағайлаб, хуружга ўтди:

— Хўш? Нега гапирмас эканман? Ё адолат фақат сен томонда-ю, биз...

— Шунинг учун гапирмагинки, сенинг бошингга тушган мусибат — мусибат эмас! Мусибат деб, сенинг тантиқ зурёдинг сабаб, Шораҳимнинг бошига тушган кулфатни айтадилар! Сен бўлсанг... шунчаликка бо-рибсанки, эрка фарзандингни қутқариб қолиш йўлидаги уринишларинг ҳам мусибат бўлиб туюляпти сенга!

— Ё қудратингдан! Ахир нима бўлгандаям... болам бечора жўрттага қилмагандир бу ишни? Битта ўғлимни деб...

— Кошкийди, гап битта ўғлингда бўлса! — Расул қўлини чўнтагига солиб, Белобородов берган қутичани шартта чиқарди:

— Хўш, бу қутичани танияпсанми, йўқми? Ҳа, нега кўзингни лўқ қиляпсан? Ё чиндан ҳам танимаяпсанми бу узукни?

Музаффар жон-жаҳди билан қўлларини силкитиб, орқага тисарилди:

— Ҳазилингни қўй, Расул! Улимдан хабарим бор, аммо-лекин бу матоҳингдан хабарим йўқ!

— Бу матоҳ меники эмас, сеники! Бу ўша, қудағайингдан Иван Харитоновичга бериб юборган нодир совғанг, Музаффар! Иван Харитонович айтдики...

— Қайси қудағайим? Нималар деяпсан ўзи?..

Расул заҳарханда қилди:

— Ўз қудағайлари ҳам ёдларидан чиқдими ҳали? Ёдларидан чиққан бўлса ёдларига солиб қўяй: жаноблари бу узукни қудағайлари орқали Иван Харитоновичнинг хотинига совға қилиб бериб юборган эканлар! Қудағайим бу-ноёб эҳсонни уларга билдирмай, шифохоналарига қолдириб кетибдилар.

Музаффар ёқасини ушлаб:

— Во дариғ! — деб хитоб қилди. — Эскилар ўт балосидан сақла, сув балосидан сақла, бироқ ҳаммадан бурун тухмат балосидан сақла, деганларича бор экан! Энди бир қилмаганларинг шу тухмат қолувди менга! Э, фалак! Мен буларга... мен сенларга нима ёмонлик қилдим, Расул! Расул сабр косаси тўлиб:

— Узингни овсарликка солиб, сувдан қуруқ чиқаман деб ўйлапсанми? — деди зардаси қайнаб. — Иван Харитонович билан менинг сенга нима хусуматимиз борки, сенга қарши бўҳтон уюштирсак? Айниқса, Иван Харитонович! Чамаси, Хинган тоғларида Шораҳимнинг қилган яхшиликлари ёдингдан чиққанидай, комбатимиз Белобородовнинг яхшиликлари ҳам эсингдан чиқибди, Музаффар!..

— Хинган тоғларида яхшилик қилган бўлса, бу ерда... даштда ишлаганимизда орамиздан не-не гаплар ўтган!..

— Бундан чиқди, бу пора билан ораларингдан ўтган ўша гапларни ювиб ташламоқчи экансан-да, азизим? — пичинг қилди Расул. — Гапингга на мантиқ бор, на тутуриқ!

Музаффар дағ-дағ титраб:

— Мен мантиқ-пантинингни билмайман! — деб ўшқирди. — Аммо шуни рўй-рост билиб турибманки, сенлар мени кўролмайсанлар! Ҳа, мени ҳам, ўғлимни ҳам кўролмайсанлар! Ичиқоралик, бахиллик қиляпсанлар! Ё алҳазар! Қачон биз бу тубан, нопок туйғулардан қутулар эканмиз? Расул, бирдан томирларида қони гупуриб:

— Тухта, тухта! Нима деб валдираяпсан! — деб бақириб юборди. — Сен ҳаётда нималар қипсан, қанақа буюк ишлар, улуғ кашфиётлар яратибсанки, биз сенга бахиллик қилсак?

— Улуғ ишлар қилибманми, йўқми, лекин сенлар... Ўғлим икки-мизнинг обрў-эйтиборимиз, эришган мартабаларимиз, уй-жойимиз — ҳамма-ҳаммасини кўролмайсанлар!

Расул ўзини босишга ҳарчанд уринмасин, барибир яна заҳарханда қилди:

— Ниҳоят, топдинг сабабини. Қойил! Демак, мен сени кўролмайман!

— Сен ҳам, оғайнинг Шораҳим ҳам, қадрдонинг Белобородов ҳам!

— Кошкийди, ўғлинг икковинг бу шоҳона — уй-жойлар, қўша-қўша машиналар, баланд лавозимларни ҳалол меҳнат ва ўз пешона терларинг билан орттирган бўлсаларинг! Шунда биз сенларга ҳасад қилсак!

— Бас! — деди Музаффар, баланд келишга уриниб. — Дўстлигимизга олтмиш йил тугул, олти юз йил бўлса ҳам, мен бу ҳақоратларингга чидаб туролмайман! Мен бу мулк, бу мол-дунёларимни ҳалол меҳнат билан орттирганманми ё ноҳалол — сен ҳакамлик қилолмайсан, Расул!.. Бунинг учун менга ўхшаб, ўттиз йил умрингни анов даштда ўтказ эди! Унинг қора бўронларию шўр сувларига, жазирани иссиғию гармселларига туриб бер эди! Ана, ундан кейин биздақа... бу азобларнинг ҳаммасига

мардона дош бериб, чўлни бўстон қилганлар устидан ҳукм чиқаришга ҳаққинг бўларди, Расул! Умринг бино бўптики, жонингни ҳузурини ўйлаб, бир кимса ўқимайдиган китоблар ёзасану, энди келиб, мени ҳақорат қиласан!

«Ҳа, балли, қойил!» — хаёлан деди Расул, «Боғи эрам»даги баҳслари ёдига тушиб. У бугун биринчи марта бу одам билан тортишиб, уни инсофу адолатга чақириш нечоғлик овсарлик эканини англади. Англашга англади-ю, бироқ яна ўзини тутолмади:

— Бундан чиқди, ўттиз йил даштда меҳнат қилган одам учун ҳеч қанақа қонун-қоида йўқ экан-да! Кимки, даштда каттакон бўлса ҳаммани оёқ ости қилиши, ҳамманинг бошига чиқиб, инсофу адолатни ерга топ-таши мумкин экан-да, сенингча?..

— Яна инсофу адолат! Бас! Бу баландпарвоз гаплар менинг ҳалқумимга келди, оғайни! Қўлларингдан келганини қилаверинглар! Сенга рухсат!

Расулнинг дилини киноя аралаш тизгинсиз бир ранжу алам чулғаб олди:

— Хўп, менга кўрсатган бу иззат-эйтиборинг учун ташаккур! Мен овсар, боя сенинг тавалло қилиб ёзган хатингни олганимда ўйлабманки, зиғирдек бўлса-да, қилган ишларидан пушаймон чекаётгандир деб! Бу ишлар унга жиндек бўлса ҳам сабоқ бўлгандир, деб ўйлабман мен. Минг афсуски...

— Айтдим-ку, сенга рухсат деб! — бақирди Музаффар. — Қўлларингдан келганини қилаверинглар деб!.. Тўхта, анави матоҳингни олиб кет! Музаффар Фармонов унақа... бировлардан пора олиш одати йўқ!..

Эшикка борган Расул шитоб билан қайрилиб қаради:

— Ўз иборанг билан айтганда — пора эмас, совға бу! Қилган ҳамма яхшиликларинг учун... собиқ комбат Иван Белобородовнинг сенга юборган совғаси бу! — У шундай деди-да, эшикни қарсиллатиб ёпди.

Ой ботган эканми ё ёруғдан чиққани учунми, олам Расулнинг кўзига зимистон бўлиб кўринди. У келганига минг пушаймон қилиб, қоронғида қоқилиб-сурилиб бораркан:

«Баттар бўл! — деди ўзидан-ўзи ранжиб. — Ким сенга аллақачон одамийлик кўчасидан ўтмаган бу худбиннинг олдига кел деди? Йўқ, гап фақат ундами? Агар Иван Харитонович илтимос қилмаганида, Расул, эҳтимол, бу даргоҳга қадам ҳам босмас эди. Фақат Иван Харитонович эмас, бу қутурган ҳўкизнинг ўзи ҳам ундан бир келиб кетишини сўраб, кўзёши тўкиб хат ёзмаганмиди?»

Расул бу надоматли ўйлардан юраги хун бўлиб, қайтиб борганида Шораҳим, чамаси уни кутиб, ҳануз дарвозаси олдига ёлғиз ўтирган экан:

— Ҳа, ҳормасинлар? — деб пичинг қилди. — Ётиб дардлашдингларми дейман, икки қадрдон? Ҳаа... йўқолиб кетдинг? Ё зиёфат қуюқ бўлдимми?

— Ҳа, жуда қуюқ бўлди! — Расул ҳам кинояомуз кулимсиради. — Эрталаб гапириб бераман ҳаммасини. Ҳозир силлам қуриб турибман...

— Силланг қуриган бўлса... ўз уйингга жой солдириб қўйдим, холамларнинг руҳи шод бўлсин деб! Бориб, дамингни олавер!

Ҳақиқатан, марҳум кампир турадиган хона ёп-ёруғ эди. Кимдир (балки Нигорадир?) уни шамоллатиб, ўртага қалин тўшак ёзиб қўйган экан, Расул хонага кирдию чироқни ўчириб, тўшакка чўзилди. Назарида, боши ёстиққа тегиши билан қотиб қоладигандек эди, аммо мана, бир неча соат ўтди ҳамки, ҳамон қоронғи уйда хаёлан Музаффар билан «олишиб» ётибди!..

Тўғриси айтганда, Расул чиндан ҳам Музаффарнинг аллақандай аянчли илтижо билан ёзилган бояги хатидан кейин, бу учрашувни тамоман бошқача тасаввур этганди! Унинг назарида, қишлоқда рўй берган бу фожиа, айниқса, Ойсулуннинг ўлими, Музаффарни анча ҳушига келтирган, ҳатто талвасага солиб қўйганди. Энди маълум бўлдики, унинг бу ўйлари хомхаёл экан! Лекин энг ёмони — Расул унга айтадиган ва уни мот қиладиган энг зарур, мантиқан энг кучли гаплар мана энди, зимистон уйда,

шифтга тикилиб ётганида эсига келяпти! Бу гаплар Фармоновнинг нафасини ичига тушириб, дамини шартта кесар эди. Аттанг! Уларни айтиб, хуморидан чиқолмади! Рост, дилининг энг тубида, Расул Музаффарга ҳеч қандай гап қор қилмаслигига, ҳар қандай зўр далил ҳам унга зиғирча таъсир этмаслигига ақли етар, бироқ ақли етгани ҳолда, ҳамон хаёлида ғужғон урган исёнкор ўйларини жиловлай олмас, ҳамон у билан баҳслашар, ҳамон «тортишар» эди!..

Айтмоқчи, у Музаффардан Мардон Зокировнинг асари қандай қилиб Давлат мукофотига қўйилганини ҳам сўраб билмоқчи, ҳатто буюк уруш дардларидан йироқ, бу сохта улугвор монументнинг турмуш ҳақиқатидан қанчалик узоқ эканини исботлаб бермоқчи ҳам эди. Ахир Расул ўша кенгашда дарду ҳасрат билан куйиниб айтган гаплари энг мўътабар хужжатларда эътироф этилган фикрларга ҳамоҳанг бўлсаю, бунинг учун у яна калтак тагида қолса? Лекин бир жиҳатдан, бу масалани қўзғамагани ҳам яхши бўлди! Музаффар Расулнинг қайси гапини инobatга олдики, бу гапини инobatга олса?

Чамаси, Музаффар ўз хатоларидан пушаймон чекадиган, қилмиш қидирмиш эканини ўйлайдиган мавриддан аллақачон ўтган, адолат туйғуси унинг дилини батамом тарк этган эди!

Епирай! Наҳот одам боласи шунчаликка борса? Наҳот мансаб ва мол-дунё бир маҳаллар самимийгина, камтаргина одамни батамом йўлдан оздирса?

Дарҳақиқат, кўзи кўрга жўр бўлсанг ҳам, дили кўрга жўр бўлма экан! Расул боя, Музаффарнинг: «бор, қўлларингдан келганини қилинглар!» деган ҳақоратомуз сўзларини эшитиб, эшикни қаттиқ ёпиб чиқиб кетганида, эртадан бошлабоқ адолат учун курашишга аҳд қилиб қўйган эди.

Лекин энди ўйлаб қараса... бу кураш қандай кечишини, зотан, ишни нимадан бошлашни тасаввур ҳам қилолмас экан!..

Йўқ, гап унинг ишни нимадан бошлашни билмаслигида эмас. Шораҳим учун Расул ҳар қандай курашга тайёр! Лозим бўлса район ва область мутасаддиларига ва ҳатто ундан юқорироқ ташкилотларга ҳам мурожаат қилишга тайёр. Музаффар билан унинг ўғли бу ишларда Расулдан минг чандон тадбиркор бўлса бордир, уларнинг пулларию қимматбаҳо совғаларига учиб, ҳануз ҳақиқатнинг йўлини тўсишга уринадиганлар ҳам йўқ эмасдир, аммо адолат учун шиддатли кураш бошланган ва покланиш деб ном олган бугунги кунда унинг бунчаликка бориши! Бунга ақл бовар қилмайди. Ахир Расул ҳам кўчада қолган одам эмас-ку! Олим деган номидан ташқари орқасида Иван Харитоновичдай суюнчиғи бор-ку! Шу боисдан, уни ҳозир адолат учун кураш ташвиши эмас, йўқ (курашганда кимга қарши курашади?), болалик ва ўспиринлик йиллари бирга ўтган, мана шу қишлоқ, мана шу сой бўйида ошиқ ўйнаб катта бўлган тенгдоши, уруш заҳматларини бирга тортган қуролдош оғайнимга қарши курашаманми? — деган фикр ташвишга соляпти. Назарида, эски қадрдо-нига хиёнат қилаётгандай кўнгли ғаш бўляпти. Айни замонда... ота-боланинг адолатсизлиги сабаб, Шораҳимнинг бошига тушган бу ғурбат, Шоқосимнинг тоабат мажруҳ бўлиб қолиш хавфи, Ойсулувнинг ўлими, боз устига Музаффарнинг ўз гуноҳини тангиларча тан олиш ўрнига қилган бояғи муомаласи, илон пўст ташлайдиган ҳақоратомуз гаплари, манманлиги, дўқ писандаси!.. Йўқ, бунга бардош қилиб, бир чеккада томошабин бўлиб туриш — жиноят!

Расул Нуриддинов, бу ўйлардан мияси ғовлаб, бир йўла иккита уйку дори ичди-да, тесқари бурилиб ётди.

## ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОБ

Кспедиция очган сирли лаҳим билан ҳазрат Уккоша қабрига бор-йўғи 30—40 қадам қолганда тоққа биринчи қор ёғди. Уша куни, қор ёғишидан сал аввал, тоғ ичкарасидан Нигорани излаб бир қария келди. Калтабақай, аммо миқти, чўтир юзи совуқда қорайиб

кетган, қисик кўзлари қаҳр билан ярақлаб турган бу одам, эғнида қуроқ чопон, бошида бесўнақай, мўриси мон кулоҳ, қўлида йўғон жинғил асо, узоқ йўл босиб келаётган бир дарвешни эслатарди.

Кинолардаги девоналарга ўхшаб кетадиган бу одам қабристонда пайдо бўлганда, Нигора билан Лариса лаҳим бўйлаб чодирга қайтаётган эдилар. Қариянинг важоҳатидан саросимага тушган Лариса беихтиёр орқага тисарилди, Нигора эса, қўлларини кўксига қўйиб салом берганди, қария:

— Ваалайкум ассалом! — деди, важоҳатига зид бир мулойимлик билан. — Фақир мана бул юмушларнинг мутасаддисини кўрмоқ азмида келган эдим, қизларим!

Ўзини хиёл босиб олган Нигора дарвешсифат чолга қизиқсиниб қаради.

— Экспедиция бошлиғини сўраяпган бўлсангиз... мен бўламан, ота! Қария асосини ҳавода ўйнатиб:

— Вожабо! — деб, ёқасини ушлади. — Сен бўлсанг... манов кўккўз қиз кетаберсин! Фақир ҳақир сенга айтадурғон икки оғиз сўзим бор, болам!.. Лаҳимдан чиқ! — Чўтир дарвеш, асосини амирона ниқтаб, ёнидаги қояни кўрсатди. — Яқинроқ кел, чироғим!

Алешалар кўринмас, атрофда тирик бир жон йўқ эди. Нигора Ларисага жавоб бергиси келмай, бир зум иккиланиб турди, сўнг чўтир дарвешнинг амирона хатти-ҳаракатига бўйсуниб, Ларисага жавоб берди-да (кейин билса, Лариса сал нарироқдаги бошқа бир чўнг тош панасига ўтиб, уларни кузатиб турган экан!), ўзи қариянинг рўпарасида тўхтади. У худди муаллимнинг олдида дарсини билмай, довдираб қолган ўқувчи қизчадай сезарди ўзини.

Чўтир дарвеш оппоқ, ўсиқ қошлари қаҳрли тутшиб, зарда билан томоқ қириб олгач:

— Ўзинг ёш экансан, болам, — деди паст, бироқ таҳдидли товушда. — Бировнинг завжаси, уйингда олло қовуштирган эганнинг хизматларини бажо келтириб, шукрона айтиб ўлтирмоқ ўрнига, нечун бул гуноҳи азим юмушга қўл урдинг, қароғим?..

Нигора бир лаҳза жавоб тополмай талмовсираб қолди, сўнг:

— Маъзур тутасиз, ота, — деди секин. — Ўзларидан сўрасак? Ўзлари ким бўладилар?

Чўтир дарвеш жинғил асоси билан ерни дук-дук уриб ўдағайлади.

— Фақир ҳақир бул бевафо дунёни тарк этган бир ғариби нотавсндурман! Мана, йигирма йилдирки, анов тоғ ичида... — Мўйсафид, асосини елкаси узра қорли чўққи томон ниқтади. — Бир ғорни макон қилиб, оллога ҳамду сано ўқиб ётурман. Бирдан-бир ниятим — бул норасо дунёнинг шаккок юмушларидан овлоқ юрмоқ, куним битиб, дорилбақога рихлат этсам, тонгла маҳшар-сирот кўпригига сутдай оқ бўлиб бормоқдур, болам!

Нигора бир ўйи: «иншоолло, ниятингизга етинг, ота!» демоқчи ҳам бўлди-ю, тили бормади. Бунинг ўрнига.

— Бизга нима хизмат, ота? — деб сўради.

— Хизматни айтдим, уқмадингми, эй, бандаи ношукур? — деди чўтир дарвеш, кулоҳли бошини сараклатиб. — Дунёдан умидинг йўқ эканми, ёш бошинг билан бул гуноҳи кабир ишга қўл урибсан, осий банда! Мажусийлар ва ғайридинларга қарши жангу жадалда шаҳид ўлган муслимлар, дини ислом йўлида от сурган ғозийлар — олло уларга жаннатдан жой ато қилгай! — макони бўлмиш бул табаррук гўристонни оёғости қилмоқ азмида эрмишсан! Ёдингда бўлғай, эй бандаи ғофил: пайғамбар алайҳиссаломнинг дуоси теккан бул зоти шарифга олло таоло шундай саодат ато қилганким, ул ғазовотда шаҳид ўлган ҳазратларининг муборак боши муқаддас қудуққа тушиб, юмалай-юмалай, Маккаи мукаррамадан чиққандур!

Дарвешнинг овози яна боягидай совуқ таҳдид билан дўриллади,

бирок унинг дағдағасию важоҳати бу сафар Нигорани чўчитолмади:

— Бул ривоятни эшитганман, ота.

Чўтир дарвеш кулоҳли бошини азот кўтариб ўдағайлади:

— Авваламбор, бу ривоят эмас, ҳақиқат! Қолаверса, нечук муштдек бошинг билан бул шаккок юмушга қўл уриб, куфр кетишдан тоймайсан?

— Тақсирим! — деди Нигора, бу сўз ёдига тушганидан энгил тортиб. — Тақсирим мени афв этсинлар. Лекин биз бу йўлдан қайтолмай-миз!

— Нечун?

— Чунки... бизнинг илмимизда қайд этилганки, бу ерлардан буюк аждодларимиз ҳазрат Навоий билан Мирзо Улуғбеклар ўтган. Биз уларнинг табаррук изларини топмоқ ниятидан бошқа ниятимиз йўқ, тақсир!

Дарвеш, жазаваси тутиб, бўқсасига шапатилаб урди:

— Ё алҳазар! Аждодларинг изини қидирмоқ истасанг, анов хароба қўрғон ичидан қидир! Аммо ҳазратларининг муборак мақбарасини оёғости қилма, унинг арвоҳи дуоибад қиладур сени!

Нигора кимлигини тушуниб бўлмайдиган бу «сирли» одам билан баҳслашиб ўтиришнинг фойдаси йўқлигини сизди-да, гапни тугатмоқчи бўлди:

— Афсуски, энди бу йўлдан қайтолмаймиз, тақсир.

Дарвеш асосини қояга суяб, қовоғини уйганича, алланамалар деб узоқ пичирлади, сўнг «оллоҳу акбар!» деб юзига фотиҳа тортди. Нигора унинг узундан-узоқ дуосидан фақат охирини, «илоё бул шаккок даҳрийларнинг шум ниятлари ўз бошларига етгай! Бамисоли кўйлаксолар ўйнаб, гуноҳи азимга ботган анов қалъа аҳли янглиғ бул такаббур бандаларингни ҳам қора ер ютгай, илоҳи омин!» — деган сўзларинигина илғаб олди.

Чўтир дарвеш шундай деди-да, асоси билан ерни тешиб юборгудек дук-дук уриб, юқорига, қабристон томон йўналди. Нигора шундагина қабристон чеккасидаги қайрағочлар тагида турган яна бир кулоҳли отлични кўрди.

У тоғ ичкарасида катта бир ғор борлигини, унда ўзини дами ўткир вали, деб эълон қилган бир кимса макон қуриб олганини, кўплар, айниқса, майиб-мажруҳлар унга тавоф қилиб боришларини эшитган, бирок бу «вали»нинг важоҳатидан одам қўрқулик сержаҳл, серзарда бир кимса эканини хаёлига ҳам келтирмаган эди.

Нигора пастдаги чодир томон бир-бир босиб бораркан, «авлиё»нинг ер ютган қўрғон қақидаги гаплари эсига тушиб, ичида бир кулиб қўйди.

«Эмиш, бир маҳаллар бу хароба ўрнида баланд бўлиб, унда каттакон бир қалъа қаҳ кўтарган. У пайтларда бу тоғларда ёввойи қўчқорлар, оҳулар, какликлар беҳисоб, атроф-теварақда кўркам боғлар кўп бўлган, шу боис, шаҳар аҳли тўқ-бадавлат яшаган эмиш. Аммо тўқликдан шўхлик, дегандай, бой-бадавлат бўлиб кетган қалъа аҳли, гўё риндона кайфиятга юз тутган эмиш: ҳар оқшом хилват бир гўшага йиғилишиб, кўйлаксолар ўйнашган эмиш. Ўрни, ҳаммаси кўйлакларини ечиб, бир жойга уяр, сунг уларни аралаш-қуралаш қилиб, чироқни ўчиришар эмишу, кимдир биров: «Ол!» деб фармон берармиш. Шунда ҳар ким ўзини ўртадаги уюмга отиб, қўлига илинган кўйлакни олармиш, кейин чироқни ёқишармиш ва ким-кимнинг кўйлагини олган бўлса, у ўша кечани, ўша одамнинг жуфти ҳалоли билан айш-ишратда ўтказган эмиш. Шу сабабдан бу қалъа «оллонинг қаҳрига йўлиқиб», бир кечада уни ер ютган эмишу, ундан шу хароба қолганмиш!...»

Нигора халқнинг бу доно ривоятини эслаб, сардобага яқинлашиб қолганида, тўсатдан унинг орқасидан экспедиция аъзолари «дув» этиб ёпирилиб чиқиб, уни қуршаб олишди. Лариса Нигорани қучоқлаб уёқ-буёқларини силаб кўрди.

— Вой, важоҳати қурсин бу девонанинг! Асоси билан уриб, бирор жойингни майиб қип қўймадимми, бу гумроҳ?

— Ким экан ўзи? Одамлар айтган «тубсиз» ғордаги «дами ўткир авлиё» шу эмасмикин?

Нигора кулди:

— Ҳазратлари каромат қилдиларким, агар шу бугун бор топган-тутганларимизни йғиштириб жўнаб қолмасак, бошимизга тош ёғиб, худди «иштонсолар» шахрини ер ютгандек, бизни ҳам ер ютар эмиш!..

Алёша осмонни қоплаган қора булутларга тикилиб:

— Ишқилиб, унинг шум башорати рўёбга чиқмаса деб кўр қаман, — деди. — Ҳар қалай, тош ёғмаса ҳам қор ёғиш хавфи бор бугун!..

Ҳақиқатан, гарчи кун совуқ бўлмаса ҳам, осмондаги паға-паға қора булутлар бирлашиб, қалинлашиб, аллақачон офтобни тўсиб олган, тоғ томондан қор нафаси уфурган изғирин эса бошлаган эди.

Қоронғилик тушар-тушмас изғирин баттар авж олди-ю, учқунлаб қор ёға бошлади. Сал ўтмай, майдалаб ёғаётган қор кучайиб, теварак-атроф бир зумда қалин оқ кигиз билан ёпинди.

Нигорани ваҳима босди: нима қилиш керак? Тоғда бир марта қор ёғдими — бас, қор қорга уланиб кетиши эҳтимолдан холи эмас. Унда ишни тўхтатиб, қайтиб кетишдан бошқа чора қолмайди, акс ҳолда машиналари ҳам тоғда қолиб, уч-тўрт ойдан бери не машаққат билан топган топилмаларини олиб чиқиб кетишлари ҳам амри-маҳол бўлади.

Кўпчилик Нигоранинг бу таклифига қўшилди. Елғиз Алёша ишни давом эттириш керак, деган фикрида қатъий туриб олди. Унинг айтишича, модомики, ҳазрат Уккоша қабрига бор-йўғи 20-30 қадам қолган экан, улар йўқ пайтда, кимлардир келиб, қазилма ишларини давом эттиришлари мумкин. Қарабсизки, улар кутган энг ноёб буюмлар ўғирланиб, келгуси йили қўлларини бурунларига тикиб қолаверишади!

— Бошимизга тош ёғишини башорат қилган ҳалиги «авлиё»нинг ўзи қилиши мумкин бу ишни! — дерди у, кенг чодирда уёқдан-буёққа айланиб. — Менинча, бу сохта валининг бу ерга келиши бежиз эмас. Разведка қилиб, аҳволни билиб кетиш учун келган!..

Лариса эрига пичинг қилди:

— Сенга қолса, бизни Марсдан туриб кузатаётганлар ҳам бор. Биз кетишимиз билан улар тушиб, қабрдаги ҳамма бойликларни ўмариб кетишлари ҳам мумкин!

— Ажаб эмас!

— Сенга қолса белбоғдан қор кечиб бўлса ҳам ишлайверсак!

Қисқаси баҳс кучайиб кетиб, Нигора овозга кўйишга мажбур бўлди. Кўпчилик овоз билан, қор батамом босиб қолмагунча, бор топилмаларни тезроқ тартибга келтириб, эртадан қолмай жўнашга қарор қилишди. Лаҳимни эса, ҳар эҳтимолга қарши, кўмиб ташлашга келишишди.

Кечаси улар тун яримигача ишлашди. Энг нодир топилмаларни: қулоқ, бурунлари синган бўлса ҳам, тарихий аҳамияти муқаррар ганч ҳайкалчалар — бу ҳайкалчалар бир маҳаллар бу ерда Будда дини ҳокимлик қилганини кўрсатарди! — ёқут ва забаржад қадалган кумуш зийнатлар, хум ва хумчалар, беҳисоб қилич ва қалқонларни махсус қутиларга жойлагунларича алламаҳал бўлди. Ҳар қалай, бу ишлардан чарчаган Нигора, ётишдан олдин бир лаҳза очиқ ҳавода юриш учун ташқарига чиққанида, соат бирдан ошган эди.

Ажабо: ҳали замон бутун фалакни қоплаган қора булут, энди парча-парча бўлиб тўзғиб кетгану, осмоннинг очилган жойларида оппоқ юлдузлар чарақлаб турарди! Рўпарадаги ҳайбатли чўққилар устида тобора кичрайиб, бир парчагина бўлиб қолган ой кўринад, унинг ночоргина осуда шувъласида эски кўрғон ичидаги харобалар ҳам, чодир ёнидаги катта сардоба ҳам, олисда элас-элас кўзга чалинган қабристон қайрағочлари ҳам, ҳамма-ҳаммаси бу заминга ёт, аллақандай сирли оламни эслатарди.

Нигора сўнгги пайтларда Алёшанинг Кушон давлати ҳақидаги фаразлари сабаб, ишга қанчалик қизиқиб кетмасин, уйини, оиласини, айниқса ўғилчаси билан қизчасини жуда соғинган, бутун вужуди билан Тошкентга талпинар эди. Бироқ ҳозир ўйлаб қараса, ўтган беш-олти ой давомида бу кўҳна хароба ҳам кўнглига аллақандай азиз бўп қопти. Мана, ҳозир, эр-

тага бу ерларни тарк этишини ўйларкан, юраги беихтиёр жизиллаб кетди.

Нигора қорли чўққилар устида гўё сўнаётган шамдай маъюсина милтираб турган ой шуъласида аллақандай сирли туюлган бу харобаларга тикилиб-тикилиб қараркан, ногаҳон бу ташландиқ қалъа ўрнидаги муазам шаҳар кўз олдига келди.

Тўрт бурчагида тўртта тўпотар буржлар жойлашган осмонўпар ғишт кўрғон, кўрғон ичида пештоқлари ложувард кошинлар билан қопланган кўркам бинолар, сершовқин бозорлар, тимли расталар, расталардаги атторлик, базозлик ва боққоллик дўконлари, қинғир-қийшиқ кўчалар ва бу кўчаларда исриқ солинган кашкулларини силкитиб, зиқир тушиб юрган дарвешлар, гавжум чорраҳаларда ҳолва ва қандолат пишириб ўтирган ҳолвафуруш ва қандолатфурушлар нигоҳи олдида жонлангандай бўлди. Назарида, қулоғи остида бир меъёрда жаранглаган кўнғироқ овози янграб кетди. Эҳтимол, бир маҳаллар Хуросон томон ўтаётган, ёхуд, аксинча, Хуросондан келаётган катта қарвон бу қалъага шу йўсин, нортауялар бўйнига осилган кўнғироқларнинг тиниқ жаранги остида кириб келгандир? Эҳтимол, қарвон аҳли орасида, дадаси айтгандек, ҳазрат Навоий бўлгандир? Бирда Навоий ўтган бўлса, бирда Мирзо Улуғбек, яна бирда Бобур Мирзо ўтгандир?.. Бу ерларнинг бетакрор гўзаллигига мафтун бўлган улуғ шоир анов қирларни ўйчан айланиб, Фарҳод ва Шириннинг илк мисраларини шу ерда битгандир? Ўз халқининг пешонасига сифмай буюк маърифий ишлари учун бидъат бандиларининг қаҳрига учраган улуғ мунажжим Улуғбек эса, бу азиз тупроқнинг ношуд зурриётлари билан хурофот ботқоғига ботган дин пешволари қўлида хору зор бўлишини ўйлаб, неча бор қон қақшагандир? Ҳақиқатан, ҳали ким билсин, улар топган бу сирли лаҳим нималарни инъом этади? Эҳтимол, Алёша фараз қилганидек, қудратли Кушон давлати лашкарбошиларининг беҳисоб бойликлари эмас, балки улуғ мунажжимнинг содиқ шогирдлари яширган сандиқ-сандиқ ноёб китоблар чиқар бу қабр тагидан?

Буни ўйлаши билан Нигора яна иккиланиб қолди: балки Алёшанинг гапига кириб, яна бир-икки ҳафтага бардош қилиш керакмикин? Бироқ, ундай деса... бир томони бу қор, бир томони... йўқ, Нигора уйини, эрини, айниқса, кичкинтойларини жуда-жуда соғинди! Шундай соғиндики, агар қаноти бўлса, ҳозироқ ҳамма нарсани тарк этиб, «пир» этиб учиб кетарди!

Бундан уч-тўрт кун аввал, Ойсулув холанинг азасидан кейин бу ерга дадаси келди. Аввал ойдинда элас-элас кўзга чалинган анави муазам бино қолдиқларини, сўнг улкан сардобани узоқ кўздан кечирди, сўнг Алёша билан бирга лаҳимга тушиб, уни бошдан-оёқ айланиб чиқди, топилмалар билан танишди. Хуллас, дадаси ҳам бу ердан фавқулодда бир нарса чиқиш эҳтимоли йўқ эмаслигини айтиб, ҳаммани хуш-хандон қилди. Сўнг Нигорани бир четга тортиб, узоқ суҳбатлашди. Бу йил, ҳар қанча уринишмасин, бу ишни ниҳоясига етказолмасликларини уқтирди ва уни консервация қилиб, институтга қайтишларини маслаҳат берди.

Дадаси, оғайниси Шораҳим амакининг аҳволини кўриб, жуда эзилиб кетган эканми, бурунғидан ҳам ўйчан, камгап, дили шикаста эди.

— Мен сенинг бу ишларингдан хурсандман, қизим, — деди у, Нигоранинг қорайиб-қавариб кетган қўлларини аста силаб. — Бироқ сен аёлсан, онасан. Буни ҳам унутмаслигинг керак, болам. У ёқда эринг буюк асар яратаман деб, бутун фикри-хаёли ижодда бўлса, бу ёқда сен... улуғ кашфиётлар қиламан деб, умринг далада ўтса... Фарзандларинг, айниқса қизчангнинг ҳоли не кечади? Ахир бу дунёда инсондан фақат катта ишларгина эмас, яхши фарзандлар ҳам қолиши керак-ку, болам! Фарзанд яхши одам бўлиб етишиши учун эса, унга меҳр, ҳаммадан бурун она меҳри керак.

Нигора томоғи ғип бўғилиб, юзини дадасининг катта қорамтир кафтига яширди.

— Биламан, дадажон, ҳаммасини биламан. Бироқ у-чи? Она меҳрига зор фарзанд ота меҳрига ҳам ташна эмасми, дадажон?

— Ташна, жуда ташна, болам. Лекин она меҳри бошқа... На чора, сенлар, ҳозирги ёшлар, ҳуқуқ тенглиги баҳона, худди пойгага тушган отлар-



га ўхшаб қолдиларинг. Ҳолбуки оила, ҳаёт — бу пойга эмас, болам. Оилада бир киши, ё эр, ё хотин сал паст юрмоғи лозим. Акс ҳолда, оилада ҳеч қачон ҳаловат бўлмайди. Энг ёмони — ким зўр, кимнинг ҳуқуқи баланд, менинг сендан нима кам, деган беҳуда тортишувлардан фақат фарзандлар изтироб чекади, руҳан эзилади.

— Демак сизнингча, мен унга ён босишим керак?

— Албатта, қизим. Чунки, боя айтганимдек, сен онасан! Табиат сени аёл қилиб яратган, меҳрни ҳам кўпроқ аёлга эҳсон қилган. Мана, ўз онангни ол! У ўз умрини, бутун орзу-умидлари, меҳри-оқибатини сен билан уқанг Улуғбекка бахшида этди-ку, қизим?..

— Бундан чиқди... ҳамма масъулият ёлғиз менда экану, унда... шогирдингизда ҳеч қандай масъулият йўқ экан-да?

Дадаси бошини ликиллатиб, бўш-баёвгина жилмайди.

— Мен ундай деяпганим йўқ-ку, болам? Мен фақат инсон кечиримли бўлиши керак, айниқса, эр-хотин, пойгага қўшилган отлардек, ҳадеб ким ўзар, ким ҳақ деб тортишавермаслиги керак деяпман, қизгинам! Албатта, у ҳам фақат ўз ижодини ўйлайвермаслиги керак. Оила қурдими, аравани баробар тортиши, фарзандларини ўйлаши даркор!

Дадаси бир зум жим қолиб, оғир хўрсинди.

— Мен буни айниқса Ойсулувнинг ўлимидан кейин билдим, болам. Шораҳимнинг аҳвол-руҳиясини кўриб билдим. Бундоқ ўйлаб қарасам... мен ҳам ҳамма оғирликни шўрлик онангнинг елкасига ташлаб қўйиб, ўзим фақат «улуғ» ишлар ҳақида ўйлайдиган бир худбинга айланибман.

— Дадажон! — Нигора юрагига қуйилиб келган иссиқ меҳрга бўйсуниб, яна дадасининг қўлларини лабига босди.

— Ҳолбуки ойингсиз мен ҳам билмадим нима бўламан? Хуллас, майда-чуйда низоларни, энг муҳими — ким ўзар деган бу пойгани йиғиштириб қўйиб, бир-бирларингни қадрланглар, болам. Эскилар айтмоқчи, вафо қилган — вафо топади, жафо қилган-жафо, қизим!.. — Дадаси буни аллақандай овози титраб, ички бир дард билан айтди-ю, тўсатдан:

— Беҳзод нимадир бўлиб касалхонага тушганмиш, — деди. — Бориб кўрдингми?

Нигоранинг дами ичига тушиб эсанкираб қолди.

— Йўқ, дадажон!

— Майли, нима ҳам дейман? — деди дадаси. — Тағин ўзинг биласан, болам. Аммо... сенинг ўрнингда бўлсам... мен бориб кўрардим. Дунёда энг ёмон нарса — ўчакишиш! Кечиримли бўл, қизгинам, кечиримли! Агар биз инсонлар бир-биримизни кечиритишни ўрганмасак, дунё кўзимизга қоронғи бўлиб кетади, болам!

Дадаси шундай деди-да, Нигоранинг жавобини кутмай, пешонасидан ўпиб, ўрнидан турди...

Бу суҳбатнинг эртасига Нигора, ўзини зўрлаб бўлса ҳам, Беҳзодни кўргани шаҳарга тушди. Беҳзод касалхонадан соғайиб чиқиб кетган экан, врачлардан рухсат олиб, Шоқосимни кўргани кирди.

У кирганда Шоқосим ухлаб ётган экан. Хонада бошига негадир узун кўк рўмол ташлаб олган Меҳринисо мунғайиб ўтирарди. Нигорани кўриб, юзини четга ўгирди-ю, тўсатдан пиқ-пиқ йиғлаб юборди. Нигора унинг дардлашиш истагида бир-икки марта кўзлари мўлтираб қараганини сезиб, кўнгли хиёл эриди, бироқ ҳар сафар чўпдай озиб кетган Шоқосимнинг мумдай сарғайиб қолган юзига кўзи тушиши билан, эрий бошлаган юраги қайта тош бўлиб қотарди... Шундан бери Нигора ғалати бир ҳолга тушиб қолди: бу ерларни, бошлаб қўйган ишларини ташлаб кетишга кўзи қиймайдию юраги ҳадеб уйга, болаларига талпинади, гўё ўғил-часи билан қизчасини ўн йил кўрмагандай, улар томон қанот боғлаб учгиси келади...

Чодир томондан қорни ғарч-ғурч босган оёқ товушлари, сўнг Ларисанинг овози эшитилди:

— Ҳой, қаёқларда тентираб юрибсан, Нигор? Биз сени бўри-мўри опқочиб кетмадими, деб ухлай олмай ётибмиз!

Нигора, қандайдир кўнглига жуда яқин бўлиб қолган бу тоғу тошларга, эски кўрғон харобаларига, овлоқда қорайиб турган гўристон чинорларига сўнги бор суқланиб қаради-да, хўрсина-хўрсина чодир томон юрди.

## ЙИГИРМА ИККИНЧИ БОБ

**М**ехринисо уйқу аралаш эрининг инграган овозини эшитгандай туюлиб, кўзи ярқ этиб очилиб кетди. Яланг оёқ, яланг бош, унсизгина юриб бориб, эрининг тепасида узоқ турди. Боши салладай ўраб ташланган Шоқосим, оғир нафас олиб, қаттиқ ухлаб ётар, фақат ахён-ахёндагина туш кўрибми, бошқами секин инграб, ўзича гўдраниб кўярди.

Йўк, унинг уйқуда алланималарни айтиб гўдранишлари аварияда шикастланганидан эмас, азалдан шундай одати бор. Меҳринисо дастлаб турмуш қурган пайтларида эрининг бу одатига кўника олмай, анча қийналган, баъзан ҳатто уни уйғотган пайтлари ҳам бўлганди. Шунда Шоқосим истар-истамас кўзини очиб:

— Ҳа, нима бўлди, нима қилди? — дерди эснаб.

— Бир жойингиз оғрияптими ё туш-пуш кўрдингизми? Бирам инграйсиз, бирам инграйсиз-ки!

— Ҳа, туш кўрибман. Тушимда қора девлар келиб, сени ўғирлаб кетармиш. Мен уларни қувиб бориб, қўлларидан сени тортиб олармишману, мана бунақа қилиб, маҳкам кучоқлаб, тишлаб-тишлаб ўпармишман! — Шоқосим шундай деб, Меҳринисонинг суяқларини қисирлатиб кучарди-да, баъзан тонг отгунча эркалаб чиқарди.

Бора-бора Меҳринисо эрининг бу одатларига ўрганган, гоҳо инграганини эшитиб, уйғониб кетса ҳам, уни уйғотмас, у юзи-бу юзига астагина уриб қўйса бас, Шоқосим гўдак боладай унинг пинжига кириб, кўзичоқдай ёввошгина ухлаб қоларди!..

Меҳринисо оёқ учида юриб бориб, ўз каравотига секин чўзилди. Ҳали тонг узок бўлса керак, хона қоронғи, ярмигача қиров тўнган деразадан ҳеч нарса кўринмас, чамаси, навбатчилар ҳам пинакка кетган, йўлақда тиқ этган товуш эшитилмас эди.

Ёпирай, ўша мудҳиш авариядан кейин, Меҳринисо дуч келган биринчи машинада беҳуш эрининг қонга беланган бошини тиззасига қўйиб, касалхонага келаркан, йўл-йўлакай бир нарсани аниқ тушунди: у ҳам бўлса сўнги ойларида эридан қанча гина-кудурат қилмасин, анов номард директорнинг (унинг қанчалик кўрқоқ ва нотанги эканини Шоқосим биринчи марта ўша кун билди!) иродасига бўйсуниб Меҳринисога хиёнат қилишига оз қолмасин, агар бу фалокат сабаб, эри оламдан ўтса... ўзи ҳам бу дунёда яшолмаслигига дил-дилидан иқрор бўлди!.. Ўша мудҳиш кеча, Меҳринисо Шоқосимнинг қорақон бошини атлас кўйлагига ўраб, тиззасига қўйиб ўтираркан, токи шифохонага етгунча ичида фарёд чекиб, йўл-йўлакай кўкдан илтижо қилиб келди:

«Илоё мен ўлсам ўлайки, Шоқосим акамлар ўлмасинлар! Агар кўкка бировнинг жони керак бўлса, менинг жонимни олсину, бу бегуноҳ шўрликнинг жони омон қолгай!»

Ўзиям, Шоқосим ҳушига келмай, икки кечаю кундуз ўлим билан олишиб ётганида, ичيني ит тирнайвериб, бир бурда бўлиб қолди. Йўк, у кунларнинг даҳшати ҳеч бир кимсанинг бошига тушмагай! Меҳринисо, дарди-дунёси зимистон, касалхонанинг нимқоронғи йўлагига уёқдан буёққа юриб тонг отдирар экан, бир неча марта ўз жонига қасд қилиш хаёлигача борди: агар ҳар сафар фарзандлари эсига тушиб, уларнинг чирқираб қолишини ўйламаганида, Меҳринисо, эҳтимол, бу ниятидан қайтмас ҳам эди!

Йўк, унинг илтижоси кўкларга бориб етди: бундан бир ҳафта аввал Шоқосим ҳушига келиб, илк бор сув сўради. Меҳринисо қувонч ва ҳаяжондан ўтакаси ёрилгудек бўлиб, чопқиллаганича бир чойнак сув олиб кирди, бироқ неча кун мижжа қоқмай, Шоқосимнинг бошида тонг

оттирган Соҳиба опа, уни йўлатмади, сувни ҳам, аллақандай дориларни ҳам ўзи ичирди. Шоқосим бир-икки қултум сув билан Соҳибахон берган дориларни ичди-да, яна беҳаловат-беҳузур уйку гирдобига шўнғиди. Соҳибахон эса «уф», деб энгил нафас олди ва худди сармаст одамдай алпанг-талпанг юриб, Меҳринисо ётган каравотга ўзини ташлади...

Меҳринисо шундагина эрининг «бери қайтганини» сизди, сизди-ю, унинг бош томонига ўтириб, йиғлаб тонг отдирди. Шоқосимнинг боши оқ дока билан салладай қилиб ўралган, ҳатто кўзлари ҳам дока остидан аранг кўринар, икки кундаёқ ияги ўткирлашиб, лунжлари гўё ўйиб олингандай ичига ботганди. Меҳринисо эрининг соқол босиб, озиб, унниқиб кетган қонсиз юзига, сўррайиб қолган қийғир бурнига, юмуқ кўзларига, учлари офтобда куйган қалин киприқларига тикилиб-тикилиб қараркан, сўнгги пайтлардаги қилиқлари-ю, бу камтар, хуш-хандон, танти йигитдан қилган гина-кудуратлари, унга хиёнат қилишига оз қолгани бот-бот эсига тушиб, бирда виждон азобидан юраги зирқирар, бирда ўзидан лолу ҳайрон бўларди!

Шундай пайтларда анов машъум кечани эсламасликка уринар, аммо қанча уринмасин, хаёлида қайта-қайта жонланарди. Тасодифан рўй берган мудҳиш воқеа ва бу воқеадан ўтакаси ёрилиб кетган Фотиҳ Музаффаровнинг даҳшату саросима ичиде айтган пойинтар-сойинтар гаплари, пачақ «Жигули» ичиде беҳуш ётган Шоқосимни унга ташлаб қуён бўлганлари эсига тушарди-ю, ранжу аламдан ўртаниб кетарди!.. Меҳринисо ичидан сезар: башарти бу фалокатга Шоқосим сабаб бўлиб, Фотиҳ Музаффаров унинг аҳволига тушганда, Шоқосим ҳеч қачон уни катта йўлда ташлаб қочмас, айниқса ақли-хушини йўқотиб қўйган ожиз аёлни аросатда қолдириб ўзи жуфтакни ростлаб қолмас эди. У албатта, касалхонага ўзи олиб борар, агар авария учун ўн йил берсалар ҳам, агар отсалар ҳам бу ишни қилмас, фалокат сабаб қонга беланиб ётган одамни йўлда қолдириб, ўз жонини асраш пайига тушмас эди.

Ё тавба! Одамни шайтон йўлдан оздиришдан осони йўқ экан! Бўлмаса... наҳот ўзи севиб қовушган, ҳатто ота-онасининг хоҳиш-истакларига қарши бориб, не-не йигитлар орасидан танлаб топишган шундай... бола табиат, оққўнгил, меҳр-оқибатли эри туриб, анов олифтанинг сохта хушомадларига учса?..

Ахир, у Шоқосим акаси билан чиндан ҳам бахтиёр, турмушлари ширин, фарзандлари ундан ҳам ширин, ўзлари бир жуфт кабутардай иноқ эдилар-ку!

Мана қовушганларига беш-олти йилдан ошди. Тўнғич қизи бешга, ўғиллари учга тўлди ҳамки, Шоқосим уни тўйдан аввал қандай алқаб-ардоқласа, ҳануз шундай севиб, алқаб-ардоқлайди. Унинг муҳаббати ҳам қандайдир ўзгача: у бирда меҳри нурдай товланиб, ўзи ёш боладай эркаланса, бирда Меҳринисонинг висоли-ю севгисига тўймай, асов эҳтиросдан шердай жўшиб эркалайди.

Ҳаммаси яхши кетаётган эди, омад ва толе ёр эди уларга! Қай балодан ҳам чиқиб қолди бу қоработир! Тавба! Меҳринисо қачон, қандай қилиб унинг тузоғига илинди? Ширин-шакар гапларига, маккорона хушомадлари ва тилёғламалигига қандай маҳлиё бўлганини ўзи ҳам сезмай қолди. Хайрият, энг сўнгги дақиқада, жар ёқасига борган жойида тақдирнинг ўзи уни тоабат юзи шувут бўлишдан асраб қолди. Бироқ... бироқ, тақдири азалнинг бешафқат ўйинини қарангки, буёқда эри энди «бери қараб», дилларида аранг милтираб турган умид шами лоп этиб, қайта ёнган бир маҳалда, яна бир фалокат юз бериб, қайнонаси оламдан ўтди...

Меҳринисо, гарчи, шўрлик қайнонасини олиб кетган нарса бедаво дард эканини билса ҳам дафн маросимига боришга юраги дов бермади. У ичиде сизди: шу сафар бу мушфиқ-муштипар аёлни олиб кетган нарса фақат ўша давосиз дард эмас, ёлғиз ўғлининг бошига тушган мана бу мусибат ҳам сабаб бўлганини дил-дилидан ҳис этди, бу мусибатга эса... ўзи изн берганини виждони олдиде рад этолмади!..

Одам боласи чиндан ҳам норасо экан: у ҳамма нарсанинг, ҳатто энг азиз кишисининг қадрини ҳам жудоликдан кейин биларкан!..

Меҳринисо, қайнонасининг оламдан ўтганини эшитган кечаси тонг отгунча мана шу зимистон хонада шифтга тикилиб, ўз ёғига ўзи қовурилиб, абгор бўлиб ётаркан, умрида биринчи марта пушаймон ўтида ўртанди. Қайнонасининг меҳрига, унинг қилган яхшиликларига яхшилик билан жавоб беролмаганини, унинг қадрига етмаганини эслаб, овоз чиқаришдан кўрқиб, унсиз бўлаб чиқди.

Қандай бебаҳо хотин эди, қайнонаси Ойсулув! Қандай бебаҳо хотин! Меҳринисони ўз қизидай алқаб-ардоқлар, уни ўтқазिशга жой тополмас, оғзидан: «ўргилиб кетмай, аннонай келинимдан! Илоё умринг узоқ бўлгай, қўшганинг билан қўша қаригайсан, бўйгинангдан онагинанг айлансин!»дан бошқа дуо, бошқа калом чиқмас эди. Меҳринисо шаҳарлик қиз эмасми, бу хонадонга келин бўлиб тушган дастлабки паллада, на сигир соғишни биларди, на нон ёпишни. Хамир қорса хамири буш чиқар, ёпган нони тандирга ёпишмай чўққа тушиб, қора кўмирга айланар, сигир соғса иккиннинг бирида челаги кўлидан тушиб, соғган сутининг ярми ерга тўкиларди. Бироқ раҳматлик қайнонаси бирор марта қовоғини уйиб, ишга нўноқлигини юзига солган эмас, аксинча, «тўкилган бўлса, садқаи сар, келган бало шу бир томчи сут билан кетсин, болагинам, ҳаммамиз ҳам келинликда сендай эдик, ҳеч ким онасидан қайвони бўлиб туғилган эмас, аста-секин ўрганиб кетасан, онанг ўргилсин!» деб, тасалли бергани-берган эди.

Ёдида: тўйда Меҳринисо билан бирга келиб, никоҳ кечасидан кейин Тошкентга қайтиб кетаётганда ўз онаси уни бир чеккага тортиб:

— Мана, ота-онангнинг гапига кирмай ёт элларга келиб қолдинг, болам, — деганди, фиғони фалакка чиқиб. — Ишқилиб, бахтингни берсин, қизим! Сенга биттаю битта насиҳатим: қайнотангни билмадиму, қайнонанг соддагина, меҳрибонгина, очиқ-сочиқ хотин экан. Эринг билан яхши бўламан десанг, қайнота-қайнонангнинг хизматини қилиб, уларнинг дуосини ол. Ширин юзингдан ширин сўзинг яхши, деган эскилар. Ширин сўзингни аяма булардан, болам. Шунда шояд, ўзингдан кўпайиб, бахтингни топиб кетарсан, қизгинам!..

Ойиси шундай деб, гўё Меҳринисони Тошкентдан нари борса уч юз қақирим эмас, дунёнинг нариги чеккасига ташлаб кетаётгандек, йиғлай-йиғлай жўнаб кетганди. Меҳринисо ойисининг насиҳатларини ўрнига қўйишга уриймади эмас, уринди, бироқ, авваламбор, сабаби ёшлик-ғўрлик, қолаверса... қайнонаси уни оғир меҳнатдан авайлагани туфайли келинлик бурчини кўнгилдагидек ўрнига қўёлмади. Қайнонаси унга кўпроқ хизмат қилса қилдики, Меҳринисо қилолмади. Рабочком бўлганидан кейин эса, Меҳринисо бундоқ ўйлаб қараса сувга ҳам қўл урмабди, уй-рўзғор ишлари уёқда турсин, фарзандлари ташвишини ҳам ногирон қайнонасига юклаб қўйибди!

Меҳри дарё мушфиқ аёл, Ойсулув ая шунда ҳам Меҳринисога бир оғиз бир нима демади, бирор марта гина-кудурат қилмади, қариганимда хизматларингни қиламан деб, сочим супурги, қўлим косов бўлди-ку, болам деб, қилган юмушларини юзига солмади! Фақат бир марта, аллақайси бир мажлисдан тун ярмида қайтганида:

— Ярим кечада... ёлғиз қайларда юрибсан, онанг ўргилсин? — деб сўради.

Меҳринисо эса... қайнонасининг гапини қишлоқда тарқай бошлаган миш-мишлардан кўрди-да:

— Қаёқларда юрганим билан нима ишингиз бор? — деб жеркиб берди. — Сиз ўйлагандек... ўйнаб юрганим йўқ! Юрган бўлсам, иш билан юрибман!

Ойсулув ая бошини ғамгин тебратиб:

— Майли, болажоним, — деди ночоргина уф тортиб. — Мен сени иш билан юрмагин демайман. Юргин! Бироқ... мендай кўпни кўрган авом кампирнинг ҳам гапига киргин, қизим: иш орасида эрингдан ҳам бирров хабар олиб тургин. У ҳам эркак, айна қирчиллама пайти! Дала тўла хотин-қиз! Гапимга инон, оинг ўргилсин, эркак зотига ишониб бўлмади!

Ушанда Меҳринисо содда қайнонасининг содда гапларига бир кулиб

қўяқолган, ичида эса: «Дала тўла хотин-қиз бўлса, танлаганини олаверсин, ковушим кўчада қолгани йўқки, уни бировлардан қизғансам!» — деб, такаббурлик қилганди.

У ҳам майли! Ҳазрат Уккоша қабристонини ёнида юзингда кўзинг борми демай, сочган захри, кўрсатган ўйинлари-чи? «Иссиқ сув баҳона, сохта авлиёнинг қабрини зиёрат қилгани келгансиз,» деб шаллақиларча айюҳаннос солиб, дилини сиёҳ қилганлари-чи! Менинг ўсишимни хоҳламай оёғимга болта урмоқчисизлар деб, ҳамманинг олдида чолкампирини изза қилганлари-чи?

Шўрлик қайнонаси шунда ҳам лом-мим демади. Кўзида мўлт-мўлт ёш, «сенинг йўлингга ғов бўлиб, оёғинга болта солгунча, мен ёмон ўлақолганим яхши, болажоним!» деб, машина томон пилдираб кетганлари-чи?

Мана, энди бунинг ҳаммаси дилида унутилмас бир армон бўлиб қолди! Қани энди қўйдайд юввош, беғубор, безабон, умри қора меҳнат билан ўтган, бу меҳри дарё аёл қайта тирилсаю Меҳринисо абадул-абад унга хизмат қилиб ўтса?.. Йўқ, энди бу бахт унга ҳеч қачон насиб этмайди, этмайди! Насиб этса, энди у авваламбор эрига, қолаверса қайнотасига хизмат қилади, ўла-ўлгунча хизмат қилади!..

Қайнотаси шўрлик ҳам тоғи тунов куни Шоқосим ҳушига келиб, сув сўрамагунча, токи қишлоқдан бу шум хабар келмагунча, дарвоза олдидаги скамейкада қимир этмай ўтирди. Меҳринисо бир неча марта узоқдан унинг бўрон буккан дарахтдай икки букилган қадди-қоматига кўзи тушганда, олдида бориб, тиз чўкиб кечирим сўрагиси келди, бироқ журъати етмади, чунки қайнотасининг кўзи Меҳринисога тушганда унинг нигоҳида... йўқ, захру зарда эмас, аллақандай бетаскин бир мунг: «Нима қилиб қўйдинг, келиним-ов?» — деган унсиз бир саволни пайқайди у.

Ажабо: мунг тўла бу унсиз саволни у бир неча бор эрининг кўзларида ҳам кўрди. Шоқосим сўнгги кунлар бир қошиққина бўлса ҳам овқат еб, бир қултум-ярим қултум чой ичадиган ҳолга келди. Меҳринисо буни ўзи қилгиси, чойни ўзи ичириб, овқатни ўз кўли билан едиргиси келар, бироқ врач Соҳиббахон Шоқосимнинг асабийлашишидан қўрқибми, бошқами, ишқилиб овқатни қошиқлаб ўзи едирар, чойни ҳам ўзи ичирадди!

Меҳринисо эса, бундай пайтларда гўё Шоқосимнинг кўзига тушишдан қўрққандек, бир бурчакка тикилиб томоғини бўғган кўзёшларини қулт-култ ютиб, ғужанак бўлиб оларди!

У бир неча марта Шоқосимнинг унга синовчан тикилиб-тикилиб қараганини сезди. Шунда афсус-надоматдан юраги чок Меҳринисо уввос тортиб унга отилмоқчи бўлар, бироқ эри шу заҳотиёқ ё кўзини юмар ё бошини тескари буриб оларди. Ниҳоят бугун, бир ҳафта деганда биринчи бор, кечки овқатдан кейин ёлғиз қолганларида Меҳринисога Шоқосим бошини билинар-билимас қимирлатиб: «Бери кел!» — деб имо қилгандай туюлди.

Меҳринисо юраги қинидан чиққудек гурс-гурс уриб, Шоқосимнинг ёнидаги стулга «аста» ўтирди, сўнг қаердандир, юрагининг тагидан вулқондай қайнаб чиққан кўзёшларини тийолмай, ўзини эрининг кўксига ташлади-да, овозининг борича уввос солди. У нима қилаётганини ўзи ҳам билмас. Шоқосимнинг қоп-қора соқол босган юзи, қоқсуяк кўкракларидан ўпар, қайта-қайта ўпар ва ҳамон ўзини тутолмай ўкириб-ўкириб йиғларди.

Шоқосим, аввал қовоғини уйганича, миқ этмай ётди, сўнг ўнг кўлини аранг кўтариб, Меҳринисонинг тўзғиган сочларини тузатиб, бошини, юзини, бўйинини силади, силади-ю, тўсатдан гўё мудҳиш бир нарса ёдига тушгандай, кўзлари ўт чақнаб, беҳол бармоқлари титраб кетди.

— Бор, йўқол кўзимдан!

Шоқосимнинг бўғиқ овози нафрат аралаш шундай бир қаҳр билан хириллаб эшитилдики, ҳамон ўпқасини босолмай пиқиллаётган Меҳринисо беихтиёр ўрнидан туриб кетди. Шундагина у эрининг: «бу нима?» деган маънода унинг бўйнига ишора қилаётганини кўриб қолди.

Меҳринисо телбаларча чопқиллаб бориб, бурчакдаги алмисоқдан қолган эски шкафни очиб, кўзгуга қаради: офтоб тегмаган оппоқ бўйнида,

арчилган тухумдай силлиқ, дуркун сийнасида кўкимтир қирмизи доғларга айланган тиш излари аниқ кўриниб турарди. «Анави ифлос тишларининг ифлос излари!..»

Меҳринисо, нима қилаётганини ўзи ҳам билмай, гўё эрининг оёқларига йиқилмоқчи бўлгандай, яна унга қараб талпинди. Лекин Шоқосим... аллақачон тескари қараб олган эди!

Меҳринисо, уввос солиб йиғлашдан кўрқиб, ўзини каравотга отди-да, юзини ёстиққа босиб, хаёлан фарёд чекди:

«Менга инонинг, Шоқосим ака! Агар тепада худо борлиги рост бўлса... кўриб тургандир: мен сизнинг олдингизда покман! У номард... Мен энди у нокас билан ҳеч қачон ишлашмайман! У олифтанинг хушоддаларига учганим рост, сиздан гина қилиб адашганларим, уни ҳалол, уддабурро, билағон раҳбар деб, чалғиб юрганларим рост, бироқ... сизнинг олдингизда сутдай оқман! Одамларнинг ёвуз миш-мишлари, мени сизга хиёнат қилди, деган нопок гаплар... ҳамма-ҳаммаси бўҳтон! Бу ифлос доғлар эса... Наҳот умримда йўл кўйган биттаю битта хатойимни кечирмасангиз, Шоқосим ака?»

Эрталаб, доктор Соҳиба опа кирди. Эгнида оқ халат, қўлида қон босими ва юрак уришини ўлчайдиган асбоблар, одатдагидай жиддий ва хиёл безовта ҳолатда кирди, кирди-ю, бир йиғлайвериб кўзлари шишиб кетган Меҳринисога, бир шифтга тикилиб, мум тишлаб олган Шоқосимга қаради.

Меҳринисо дарҳол юзини рўмоли билан ўраб, эски шкаф орқасига ўтди. Соҳибахон ҳамма нарсага тушунди чоғи, бир хўрсиниб олди-да, стулни Шоқосимнинг каравоти томон суриб ўтирди.

— Қалай, яхши ётиб турдиларингми, Шоқосимжон?

Шоқосим эшитилар-эшитилмас товушда:

— Раҳмат, опа! — деб уф тортди.

— Хафа бўлманг, ука! Яхши бўп кетасиз! Жисмингиз пай, мушакларингиз пўлат экан!

Шоқосим негадир хижолат чекиб, йўталди:

— Йўғ-э, опажон! Гап менда эмас, сизда. Агар сиз бўлмаганингизда...

— Майли, — деди Соҳибахон. — Бир-биримизни мақтамай қўя қолайлик. Бироқ, мана, салкам йигирма беш йил хирург бўлиб, сиздай... жисми ва иродаси мустаҳкам йигитни биринчи кўришим! Сиздан бошқа одам бўлганда бу оғриқларга, билмадим, қандай бардош қиларди?

Соҳибахон унинг юрак уришларини, қон босимини ўлчади, бошидаги докаларни ечиб, дори қўйиб қайта боғлади, кейин йўлакдан ҳамшира қизни чақириб:

— Қани, келинг-чи! — деди. — Икковлашиб каравотга ўтқазиб кўрайлик! Қарши эмасмисиз, укажон?

— Менга қолса оёққа турғазиб қўяман десангиз ҳам қарши эмасман, — деди Шоқосим.

Икковлашиб Шоқосимни каравотга ўтқазиб, қўлтиқларига, орқасига ёстиқ қўйишди. Утқазилганларида белигача гипсга солинган Шоқосим, ранги оппоқ оқариб, тишларини такиллатди.

Соҳибахон безовта бўлиб:

— Умуртқа суягингиз оғримадими? Қайта ётқизиб қўяйликми? — деб сўраган эди, Шоқосим бошини чайқаб, кулимсиради:

— Йўқ, йўқ, умуртқам эмас, оёқларим... Майли, зарари йўқ, туришга ўрганишим ҳам керак-ку, аста-секин! Бир умр ётмасман, ахир!

— Бир ойга қолмай туриб кетасиз! — деди Соҳиба ва худди соддадил қишлоқ хотинларига ўхшаб: — Туф-туф, кўз тегмасин! — деб қўйди. Палатдан чиқаётганида у ҳамон шкаф панасида қунишиб, пусиб ўтирган Меҳринисони йўлакка имлаб чақирди.

— Энди сиз кетаверсангиз ҳам бўлади. Ҳар қалай бола-чақаларингиз бор, катта оила, катта рўзғор...

Соҳибахон чамаси, унинг бу ерда бўлиши Шоқосимнинг дардини енгиллатиш уёқда турсин, баттар асабини қақшатаётганини сезган эди. Меҳринисо жон-жаҳди билан:

— Йўқ-йўқ, — деб ёзғирди. — Мен Шоқосим акамларни ўзим олиб келдим, ўзим олиб кетаман!..

У бўғизига келган йиғи фарёдга айланишидан кўрқиб, қўллари билан оғзини босди.

Хайрият, шу пайт ташқаридан Нигора кириб келди-ю, Соҳиббахон у билан кўришиб, бошқа палатага кириб кетди.

Шоқосим уни кўрганда чеҳраси офтоб тушгандай ёришиб:

— Э-э... Нигорахон! — деб хитоб қилди. — Оламда бормисан. Нима бало, қаҳратон қиш бошланганми?

Ҳақиқатан, Нигора, худди шимолий қутбдан келаётган эскимос аёлга ўхшар; оёғида этик, эгнида калта пўстин, бошида сувсар қулоқчин, қўлларида чарм қўлқоп эди. У, ўзини четга олиб, гўё совқотгандай жунжикиб турган Меҳринисо билан бош ирғаб кўришди-да, қўлларидан қўлқопини, бошидан сувсар қулоқчинини, эгнидан пўстинини ечиб, каравотга ташлади.

— Ҳа, кечаси тоғда тиззадан қор ёққан эди, бугун мана, бир соатда эриб йўқ бўлди... Узингиз яхши бўп қолдингизми, Шоқосим ака?

— Кўриб турибсан-ку, жаннатдан жой ваъда қилсалар ҳам у дунёга кетишни истамадим...

— Қўйинг, бунақа деманг. Бирам кўрқдик, бирам кўрқдикки...

Шоқосим сочларини калтагина қирқтириб, худди ёш йигитчага ўхшаб қолган бу кичкинагина бежирим жувонга аллақандай меҳр билан тикилиб:

— Ҳалиям тоғдамидинг, Нигор? — деб сўради.

— Тоғда эдик. Агар қор ёғмаганда... бор-йўғи яна бир-икки ҳафталик ишимиз қолувди-я?

— Шунда нима бўларди? Америка очармидиларинг?

Нигора совуқда қизариб, гул-гул ёнган юзларини қошиқдеккина кафтлари билан ишқалаб кулди:

— Ё Америка очардик, ё америкамиз чиқарди!

Меҳринисо ҳамон нима қилишини билмай, пойгакда турарди. У эри билан бу кўғирчоқдеккина жувон ўртасида азалдан қандайдир жуда илиқ, жуда самимий муносабатлар борлигини билар, ҳатто бир маҳаллар эрини ундан рашк қилган мавридлири ҳам бўлган эди. Бироқ Шоқосим буни эшитиб, қотиб-қотиб кулганди.

— Сен билмайсан, Меҳри! — деган эди Шоқосим ўшанда. — Бўйи бир қаричгина бу қизнинг ичи тўла ақл! Агар тарозига солиб ўлчанса, ақли жисмидан оғир келади. Унинг билмагани йўқ! Сухбати шундай ширинки, гапларига тўймайсан!

Меҳринисо жаҳли чиқиб:

— Унақа бўлса бўйи бир қарич, ақли ўн қарич шу жононга уйланиб қўяқолмабсиз-да! — деб ўпкалаган эди, Шоқосим хотинининг кесатифига шарақлаб кулиб:

— Йўқ-йўқ! Бу дунёда сенга етадиган жонон йўқ! — деб ҳазил-ҳузул билан аранг қутулган эди.

Ҳозир бу гаплар эсига тушган Меҳринисо баттар ўксиб, секин палатадан чиқди.

Йўлак одамга тикилинч, касал кўплигидан бўлса керак, панароқ жойларга ҳам раскладушкалар қўйилган, ҳаммаёқ ғала-ғовур, биров чой қўйган, биров электроплитада овқат пиширган...

Меҳринисо пальтосини кийиш ёдидан кўтарилиб, фақат нимчада чиққан экан, тивит рўмолига ўраниб олди. Ташқарида, боя Нигора айтганидек, офтоб чарақлаб турар, кечаси ёққан қор деярлик эриб кетган, фақат томлар, кўчалар, дарахт шохларининг соя томонларигина оппоқ эди.

Меҳринисо ҳовлида, офтобшувоққа чиқиб Нигорани кута бошлади. У негадир бу митти аёлга ёрилгиси, тунов кунги ҳазрат Уккошада кўрсатган ўйинларидан ўзиям изтироб чекаётганига иқроп бўлиб, юрагидаги дардларини тўкиб солгиси келар, айна замонда, хавотирда эди, назарида, Нигора унга совуқ муомала қиладигандай, дардларига тушунмайдигандай эди.

Нигора ичкарида узоқ ўтирди. Меҳринисо тоқати тоқ бўлиб, қайтиб кираман деб тургандагина, эшикда Нигора кўринди. У тез юриб келди-ю, Меҳринисога синовчан тикилиб:

— Нега бу ерда турибсиз? — деб сўради, фавқулудда илиқ, самимий овозда.

Унинг товушидаги бу ачиниш аралаш хайрихоҳлик Меҳринисонинг юрагини жизиллатиб юборди.

— Нигора опа! — деди у, ҳаяжондан «қулт» ютиниб. — Сизга айтадиган икки оғизгина гапим бор эди...

— Гапингиз бўлса... — Нигора пўстинининг енгини тортиб, қўл соатига бир қараб қўйди. — Кийиниб чиқинг. Совқотиб қоласиз!

— Йўқ-йўқ. Куң илиқ-ку, ҳеч нима қилмайди, — деди Меҳринисо.

— Юринг бўлмаса, холироқ жой топайлик.

Улар шифохона рўпарисидаги ўртасига кичкинагина фонтан ўрнатилиб, атрофига скамейкалар қўйилган гулзор томон ўтишди, бироқ ўтиришмади.

— Эшитаман, Меҳрихон!

Меҳринисо беихтиёр бошини эгди.

— Сиз... сиз мендан ҳазар қилсангиз керак, Нигора опа... Тунов куни ҳазрат Уккошада кўрсатган ўйинларим учун нафратлансангиз керак...

Нигора қўлқопини ечиб, Меҳринисонинг қўлини олди.

— Қўйинг, Меҳрихон. Утган ишларни кўп ўйлаб, кўп эзилаверманг. Энг муҳими — хатоингизни тушунибсиз, бошқаси... ҳаммаси яхши бўл кетади. Сизнинг эрингиз ва қайнотангиз Шораҳим амаки... булар олтин одамлар, Меҳрихон!

Меҳринисо беихтиёр қўйилиб келган кўзёшларини қулт-қулт ютиб, аранг гапирди.

— Биламан. Илгари кўр эканман, бу мудҳиш воқеадан кейин кўзим очилди, Нигора опа! Бироқ буёқда эрим, уёқда қайнонам... ундоқ бўлди. Энди нима қиламан, қайнотамнинг кўзига қандай кўринаман? Шуларни ўйлаб, ўйимнинг тагига етолмайман...

Нигора этигининг учи билан ер чизиб, анчагача сукутга чўмиб турди, сўнг, гўё унга озор беришдан кўрққандай секин гапирди:

— Мен нима ҳам дейман, Меҳрихон? Чамаси, сиз мени ҳамма нарсага йўл топиб бераоладиган доно хотин деб ўйлаяпсиз шекилли, Меҳрихон! Энди билсак, дунёда оиладан нозик нарса, оиладан азиз нарса йўқ экан. Биз бўлсак нуқул иш деб, эрларимиздан қатимиз кам деб, улар билан пойгага тушиб, оилаларимизни, жонимиздан ортиқ кўрган фарзандларимизни гоҳо эсимиздан чиқариб қўямиз. Ҳолбуки оилани қадрлаганда ишни, ишни қадрлаганда оиламизни эсимиздан чиқармаслигимиз керак экан. Кўриб турибман: бу фалокат сизга катта сабоқ бўпти! Сабоқ бўлгани яхши. Қолгани ҳаммаси изига тушиб кетади. Чунки сизнинг эрингиз билан Шораҳим амаки жуда бағри кенг, кечиримли одамлар. Хўп, Меҳрихон, мени одамларим кутиб қолишди. Бўлмаса... қанча десангиз, шунча гаплашардим. Омон бўлинг, синглим!..

Нигора шундай деб, оёқлари учида кўтарилиб, Меҳринисонинг у юзи, бу узидан чўлп-чўлп ўпди-да, дарвоза томон чопқиллаб кетди.

Тик пешонага келган офтоб оламга аллақандай ночор, бироқ илиқ ёғду сочиб, ҳаммаёқни чарақлатиб юборган, завққа тўлган чумчуқлар чирқ-чирқ қилиб, шохдан шохга сакрашар, Меҳринисонинг назарида ҳатто кунчувоқда ўтирган хасталарнинг чехралари ҳам боягидан ёришган эди.

Меҳринисо, гарчи Нигоранинг гапларидан кейин кўнгли хиёл кўтарилса ҳам, қалби ҳануз чок, бир-бир босиб шифохонага қайтди. Йўлакдан журъатсизгина юриб бориб, эшикни очди, очди-ю, дарҳол ёпди. Ичкарида қайнотаси Шораҳим шоввоз билан... Нигоранинг дадаси Расул Нуриддинов ўтиришарди!

Меҳринисо эшикка суянганича, юраги гуп-гуп уриб, анча турди. У бир ўйи эшикни шартта очиб ичкарига киргиси, худди кеча ўзини эрининг бағрига отиб йиғлагандай қайнотасининг оёғига тиз чўкиб, кечирим сўрагиси келди. Бироқ юраги дов бермади...



## ЙИГИРМА УЧИНЧИ БОБ

**Б**еҳзод ёдгорликнинг очилиш тантаналарини кутмасликка аҳд қилди.

Ёдгорлик тайёр эди. Беҳзод ўз шогирдлари билан энг сўнги ишларни тугатган, фақат Марказдан комиссия келиб қабул қилиб олишию, очилиш тантаналаригина қолганди, холос. Лекин Тошкентдан келадиган комиссиядан бир ҳафтадан бери дарак йўқ, негадир ишни пайсалга солишмоқда эди. Бу орада Беҳзод бир неча марта Тошкентга, оғайниси Шерзод Комиловга телефон қилди. У эса гоҳ иш кўплигини, гоҳ комиссия аъзоларини тўплай олмаётганини рўқач қилиб, ишни орқага судрарди.

Бундан икки кун муқаддам Тошкентдан қайнотаси Расул Нуриддинов келганди. Рост, у Беҳзоднинг монументини кўриш учун эмас, қишлоқдаги қайси бир оғайнисининг таъзиясига келганди. Қайтишда ёдгорликни бориб кўрди, кўрганда ҳам эринмай, тоза синчиклаб кўрди. Дам яқиндан, дам олисдан, бирда пастдан туриб, бирда юқорига чиқиб, яна бирда «айланиб-ўргилиб» дегандек, обдон «ўрганди». Охирида негадир кўзига ёш олиб, Беҳзоднинг пешонасидан ўпди-ю, унинг ҳам кўзидан ёш чиқариб юборди. Лекин кетаётганида яна аввалгидай маҳзун ҳолатга тушиб:

— Албатта, асаринг атрофида ҳар хил гаплар бўлиши эҳтимолдан холи эмас, — деди уф тортиб. — Аммо сен буни кўнглинга қаттиқ олиб, азият чекмасанг ҳам бўлади, болам. Чунки ўзинг биласан: катта асарлар катта эҳтирос, катта фикр ва гоҳо катта тортишувлар уйғотиши табиий. Санъатда фақат жўн ва ўртача нарсаларгина силлиққина ўтади. Сен эса... бу асарингга бутун юрагингни жо қилиб, ноёб бир нарса яратибсан! Қолгани бўлаверади. Балки катта мунозаралар бўлар, биров ундай дер, биров бундай, бироқ бу асарни ҳеч ким инкор этолмайди, болам!

Чол Беҳзодни илгарилари ҳам кўп суяган, айниқса, Нигорага уйланмасдан аввал унинг ижодини ўйлаб кўп қайғурар, кўп жон куйдирар эди, бироқ ҳеч қачон бунчалик тўлқинланиб гапирмаган, ўзи ҳам ҳаяжонланиб, Беҳзодни ҳам бунчалик ҳаяжонга солмаган эди!

Қайнотаси қишлоқдаги оғайнисига боғлиқ жуда зарур ишлар чиқиб қолганини, шунга қарамасдан марказдан келадиган комиссияни жадаллаштиришни ваъда бериб, серташвиш ҳолатда жўнаб кетди. Шу ташвиш сабабми, бошқами, қайнотаси на Нигора тўғрисида сўз очди, на неваралари ҳақида! Қайнотаси авваллари ҳам уларнинг оилавий ишларига кўп аралашавермас, бироқ неваралари ҳақида, тўғрироғи, фарзанд олдидаги ота-она бурчи тўғрисида бот-бот гап очиб турарди. Бу сафар негадир неваралари тўғрисида ҳам лом-мим демади. Беҳзод, гарчи кўнги розларини ҳаммадан пиңхон тутса ҳам, сўнги пайтларда Нигорани кўп эслаб, ўғилчаси билан қизчасини жуда соғиниб қолган эди. Шу боис қайнотаси ораларидан ўтган низо-нифоқни суриштириб, Беҳзодни истаганча койишини истаганди, бўлмади.

Кеча Тошкентдан оғайниси Акмал келди. Беҳзод ундан уёқда бўлаётган гапларни зимдан сўраб-суриштирган эди, Акмал чайналиб, аниқ бир жавоб бермади, ҳадеб гапнинг нишабини бошқа томонга буриб, монументни кўрсатишини илтимос қилаверди.

Беҳзод у айтмаса ҳам, Акмалнинг нимага чайналаётганини тушунди, тушунди-ю, ёдгорликка боришга ҳам тоқати етмади. Акмалга ёрдамчиларини кўшиб берди-да, ўзи меҳмонхонада қолди. Ажабо: Беҳзод ўз ёдгорлиги устида кеча-кундуз тинмай ишлаган чоғларида, ҳатто уни тушларида кўриб чиққан пайтларида ҳам, асарининг бўлғуси тақдири хаёлига ҳам кириб-чиқмаган эди. Ижод заҳматлари, «ўлик» тошларга жон ато қилгувчи образлар, айниқса, бу образларнинг болалик эсдалиқларига, севимли бувиси, тоғаси, ойисининг мунгли хотираларига уланиб кетиши унинг хаёлот оламини шунчалик банд этган эдики, Беҳзод асар битгандан кейин, унинг тақдири қандай кечади, бу ҳақида ўйлашга ҳам фурсати бўлмаган эди. Ҳатто чизган эскизлари, келгуси ёдгорлик лойиҳалари қаттиқ баҳс-мунозараларга сабаб бўлганида ҳам ортиқча ташвишланма-

ган, чунки у бир нарсага имони комил эди, у ҳам булса, халқ дилида нутилмаз дард бўлиб ётган, жудаям ҳаётий материал топганини, шу материал сабаб, эл дилида юрган улуғ фожиани ифода эта олишига инонар эди! Машъум уруш сабаб марҳум бувисининг бошига тушган мусибат ҳеч бир инсонни лоқайд қолдирмаслигига, бувиси ва тоғасининг тошга жо қилинган сиймоларида одамлар ўз оталари, ўз мушфиқ-муштипар оналари, бувилари, ака-укаларию, уларнинг ўн гулидан бир гули очилмай қон қақшаб тул қолган севимли маъшуқаларини кўришларига, кўриб ларзага тушишларига имони комил эди! Беҳзод бир неча йил давомида фақат шу битта қалб рози билан — ўзи билган, ўзи севган азиз жигарбандлари ва уларнинг дарду ҳасратларини ифода эта оладими, йўқми — фақат шу ўй, шу хаёл билан банд эди! Буни кечаю кундуз ўйлайвериб, эскизларини қайта-қайта чизавериб, кейин эса, метиндан ҳам қаттиқ тошни йунавериб-йунавериб, ўзи ҳам асарининг «жинниси»га айланиб қолган эди!.. Лекин энди ўйлаб қараса, бу ижод «тўлғоқлари» нотинч ўйлар, оғир меҳнат билан ўтган ўша серташвиш-сермашаққат пайтлар умрининг энг ғанимат, энг бахтиёр онлари экан! У чоғларда ижод ташвишдан бошқа ташвиши йўқ эди унинг! Асар тугаганда нима бўлади, унинг тақдири нима кечади, деган ўй ҳатто тушига ҳам кирмас эди! Мана, энди ижод «тўлғоғи»дан қутулиб, асарини қўлдан чиқарди-ю, гўё билагига куч, белига қувват бериб турган азиз бир нарсасидан айрилган одамдай, кўнгли бўм-бўш бўлди-қолди. Боз устига монументал санъат кенгашида бўлиб ўтган фиску фасод гаплар қўлғига чалиниб, кўнгли хира, чироқ ёқса ёришмай қолди. Эҳтимол, Нигора билан фарзандларини тез-тез эслаб, уларни қаттиқ соғинаётганининг сабаби ҳам шундадир? Шу боис, сўнги кунларда бу ерда комиссия кутиб ўтаётган ҳар бир дақиқа бир йилга татийдиган бўлди. Албатта, машинага ўтириб, ёр этиб, эрталаб Тошкентга тушиб, кечқурун қайтиб келиши ҳам мумкин. Лекин, биринчидан, Нигора, эшитишича, ҳануз шу ерда, тоғда. Кўкламдаги низо-нифоқдан кейин Беҳзод у билан учрашиб, «сулҳ» эълон қилишга сира юраги дов бермайди, чунки Нигора унинг «сулҳини» қабул қиладими, йўқми, билмайди. Болалар эса... қайнонасининг қўлида. Қайнонаси эса ҳамма айбни унга тўнкаб, «қизимни бахтиқаро қилди», деб нола чеккани-чеккан. Шу боис, Беҳзодни уйига киритадими, киритмайдими, масаланинг бу томони ҳам қоронғи. Ҳар қалай, Беҳзод қайнонаси билан юзма-юз келишини ўйласа, юраги зирқирайди!.. Ҳақиқатан, асарини тугатгандан кейин бошланган бу ғурбат олдида ёдгорлик устида ишлаган чоғларидаги ижод «тўлғоқ»лари, жонсиз тошга жон ато қиламан, деб бедор ўтказган тунларини ҳолва деса бўларкан! Шундайким, агар биров ҳозир Беҳзодга: бу ташвишу машаққатларнинг қайси бирини танлаб оласан деса, у бир дақиқа ҳам иккиланмай асари устида ишлаган пайтларидаги илҳом изтиробларини танларди!..

Пешинда ёдгорлик кўришга кетган Акмал кечқурун қоронғи тушганда қайтиб келди.

У келганда Беҳзод, ҳамон ўша ғамгин ўйлар гирдобида, хонада танҳо айланиб юрарди. Акмал эшикда бир зум тўхтаб:

— Каллаварам! — деб бақирди. — Шундай асар яратган одам шу тор хонада мотам тутиб ўтирадими? Осмонга сапчиб, еру кўкка сиғмай яйраб юрмайсанми, дардисар? — Акмал шундай деб, Беҳзодни даст кўтариб диванга отди-ю, эзгилаб олиша кетди.

Сахт-сумбати келишган, самбога тушавериб кўкраклари қаппайиб кетган Акмал нимжон-ночоргина Беҳзодга икки баравар келарди. Беҳзод унинг тагида тузоққа тушган қушдай питирлаб, қучоғидан чиқиб кетишга интилар, овози хириллаб: «Қўйвор, айиқ полвон, қўйвор!» деб, жон-жаҳди билан олишар, бироқ Акмал унинг питир-питирларидан баттар завқланиб, тор ўйни бошига кўтариб кулар ва ҳадеб «Латта! Мен сенинг ўрнингда бўлсам, ҳозир бутун дунёга жар солиб, бутун республикага зиёфат берардим, тентак!» — деб қичқирарди. Ниҳоят, Беҳзод пайт пойлаб туриб, унинг қорнига бир тепган эди, Акмал «ҳмм, ўлдирдинг-ку, даюс», деганича дивандан ағдарилиб тушди.

Беҳзод, уст-бошини тузатиб ўрнидан турди:

— Қалай, шу зиёфат етадимми, ё тағин биттасини ейсанми?

— Номард! — деди Акмал ҳамон қорнини силаб. — Яхшиликка ёмонлик экан-да, бундан чиқди. Бўлмаса, ҳақиқатни билиб қўй, қилтирик даҳо: сариқ чақага арзимаёди қилган ишинг! Ҳалим ширин билан «момақалдироқ» ҳақ, бадий асар эмас; халтура яратибсан, нодон! Комиссия аъзоси сифатида ер билан яксон қиламан бу бачкана асарингни...

— Қўлингдан келганини қил! Сенга ўхшаган истеъдоддан йироқ халтурачилар қачон каминадек буюк талантларнинг қадрига етибдики, энди етасанлар? Ичи қора ҳасадгўйлар!

— Шунақа де? Буюк санъаткор бўлдим де?

Беҳзод яйраб кулди.

— Бахилнинг боғи кўкармас! Қорнингни силайвермай ўрнингдан тур, ичи қора! Рўпарангда тирик даҳо турибди!

Акмал инграб ўрнидан турди:

— Тирик классикнинг уйдан бир пиёла шампан топиладими ё унияма ўзим топиб келайми?

— Классиклар ичкилик ичмайди, нодон! Сенга ўхшаган ўртамиёна буюқчиларга юққан касал бу — шампанхўрлик!

— Йўқ, рост! — деди Акмал жиддий. — Мен бундай асар яратсам... қанот боғлаб учиб кетардим!

Беҳзод бирдан аллақандай рафтори ўзгариб:

— Йўқ, ростингни айт, дўстим! — деди ёлвориб. — Чиндан ёмон эмасми, ишим?

— Ёмон эмасми дейди-я? Айтяпман-ку, бундай асар яратсам, қуш бўлиб осмони фалакка чиқиб кетардим, деб. Менга қара, гений, — деди Акмал, кўзлари муғомбирона чақнаб. — Яна бир, хушxabар айттайми?

— Хўш?

— Суюнчисига нима берасан?

— Ўша ўзинг сўраган бир бокал шампан!..

— Қори ишкамба бўп кет-э, нокас!... Нигора бориб кўриб кетди тўпори асарингни!

Беҳзод бир ҳатлашда унинг олдига бориб, ёқасидан ушлади.

— Рост айтяпсанми? Қачон?

— Боя мен борганда у ҳам келди...

— Қасам ич!

— Қасам эмас, шампан ичаман, — деди Акмал. — Хасис! Плюшкин!

Беҳзод гўё унинг гапларини эшитмагандек:

— Нима деди? — деб сўради, аллақандай энтикиб.

— Нима дерди? Шуям асар бўлди-ю, — деди. — Монумент эмас, йўнилмаган тўнка, деди!..

— Бачкана ҳазилингни қўй! — деди Беҳзод, овози титраб. — Ҳозир мен учун унинг баҳоси сенинг тўпори фикрингдан минг чандон муҳим!

— Муҳим бўлса бориб ўзидан сўра!

— Қани у?

— Ўз хотини қаёқда юрганини билмайди-ю, менга пўписа қилади! Тошкентга кетди «Жигули»сини суриб! Бўлди, кўп ўқрайверма! Хотинингги бунақа яхши кўрар экансан, хўрозқанд талашган боладай аразлашиб юришинга бало борми у билан? Ўпкангни бос: унгаям ёқди асаринг! Ёнидан кетолмай бир соат гир айланиб юрди атрофида!

Беҳзод индамай бориб жойига ётди, ётди-ю, комиссиясини ҳам, бошқасини ҳам кутмай, дарҳол Тошкентга жунашга аҳд қилди.

Эрталаб, хона ҳали ғира-шира пайтида ўрнидан турди. Уйни бошига кўтариб, хуррак отиб ётган Акмални уйғотиб юбормаслик учун «тиқ» этган товуш чиқармай кийинди-да, оёқ учида юриб хонадан чиқди.

Икки кун муқаддам ёққан қордан ном-нишон қолмаган, осмон артилган шишадай мусаффо, офтоб ҳали чиқмаса ҳам, ажиб шаффоф ҳавода олис тоғлар гўё ўн қақирим яқин кепқолган эди!

Беҳзод меҳмонхона ҳовлисида турган «Москвичи» устидан тарашадай

қотиб қолган брезентини аранг «ечиб», машинасини ўт олдирди-да, ҳали жимжит, камқатнов кўчалардан учиб кетди.

Мана, уйқудан энди уйғонган гўдакни эслатувчи сокин шаҳарча орқада қолди, сал ўтмай, анча овлоқда, катта йўл ёқасидаги баланд қоя устига қурилган ёдгорлик кўзга чалинди. Узоқдан у худди паранжи ёпинган аёлга ўхшарди...

Сал ўтмай, уфқдаги нафис бўёқларни ёриб офтоб ҳам юзини кўрсатди, кўрсатди-ю, бутун олам — йўл бўйидаги дарахтлар, эндигина шудгор қилинган далалар, ёдгорлик ортидаги арчазор тоғлар — ҳамма-ҳаммаси маъсум келинчақдай очилиб, яйраб-яшнаб кетди.

Беҳзод машинасини тепалик олдида тўхтатди, яхлит чўнг тошлардан ясалган зиналардан юриб, қоя устига чиқди. Унинг ёдгорлиги учун гўё табиат ўзи яратган бу қоя салкам терак бўйи келар, шу боис унинг устига қурилган, баландлиги беш метрлик монумент пастдан кўз илғамас баланд туюлар, ўзиям худди ҳали битмаган улкан мақбарани эслатарди.

Чамаси кечаси Акмал билан Нигора арқонларни ечиб, брезентни очиб кўришгану, кетишда яхши ёпишмаган, чунки, брезент бир томонга оғиб, арқонлари чатишиб қолганди.

Беҳзод арқонни ечиб ўтириши шарт эмас. Уч йил умрини бахш этган бу муаззам ҳайкалнинг ҳар бир қизғи унинг кўз олдида турар, ўз шеърини ёддан билган шоир каби, у ҳам ўз асарини ёддан биларди.

Тўсатдан Беҳзоднинг кўнглини ҳазин бир туйғу чулғаб олди, у гўё ўз фарзанди билан видолашаётгандай туюлдию, шу маҳзун ҳисга бўйсуниб, чуваллашиб кетган арқонларни ечди. Сўнг, шошилмай брезентни кўтарди, кўтариши билан беихтиёр юраги «жиз» этди. Йўқ, Беҳзод янглишмаган: у дилидаги энг азиз эсдаликлари, болалик чоғларидан бери ором бермай келаётган аламли йўлари, мушфиқ бувиси тўғрисидаги ёруғ хотиралари, урушга қарши нафрати, ҳамма-ҳаммасини бамисоли мунгли, аммо қалбларни ларзага солғувчи жўшқин бир куй янглиғ шу чўнг, ғадир-будир тошга жо қила олганди!

Ана, яхлит тошнинг қоқ ўртасида кўкрагидан ўқ еб, аста қулаётган солдат, йўқ, солдат эмас, ўз тоғаси, ҳаёт бўлганида уни тойчоққа миндириб уйнатадиган кенжа тоғаси! У ҳали қулаган эмас, фақат қўлидаги автомати сирғалиб тушгану, чап тиззаси хиёл букилган, осмонга тикилган кўзларида, тизгинсиз алам чўккан катта-катта кўзларида ҳали ҳаёт уқунлари сўнмаган, ҳали ҳаётдан, оламдан умиди бор унинг!.. Елғиз тоғаси эмас, сууқли фарзанди томон кўшундай талпинган кампирнинг кўкча чўзилган қоқсуяк кўлларида, бир томонга оғиб тушган рўмоли тагидан тўзғиб чиққан сийрак сочларию юзини ювган кўзёшларида ҳам, ҳамма-ҳаммасида тоғасининг кўзлари каби умид шами милтираб турипти! Бу кўзларда: «Тўхта болам, нима бўлди сенга!» деган унсиз бир нидо бор. Фақат ҳайкалнинг пойига тиз чўккан ярадор солдатнинг маъшуқаси билан опа-сингиллари — бири ярадор жигарбандининг этигини қучиб, бири автомат ушлаган бемажол қўлини ўпиб, фарёд чекишмоқда...

Беҳзод ўзи яратган бу хиёл ғамгин, аммо улуғвор «куйга» жимгина тикилиб тураркан, тўсатдан кўз олдига ҳар қуни унинг мактабдан қайтишини кутиб, эшикка тикилиб ётадиган дардманд бувиси келди, унинг: «Нима қилиб қўйдинг, болажоним-ов! Сенинг кўксингга теккан фашист ўлгурнинг ўқи менинг кўксимга тегса бўлмасмиди?» — деган фарёди қулоқлари тагида қайта янграгандай туюлди, туюлди-ю, бирдан тинкаси қуриб, ёдгорлик пойига чўкди.

Уфқда офтоб одам бўйи кўтарилган, катта йўлда уёқдан-бўёққа ўтаётган машиналар кўпайган эди. Баъзан машиналар монумент олдида тўхтар, улардан тушган одамлар қоя пойида хаёлга чўмиб ўтирган Беҳзодга таажжуб билан тикилишар, лекин, унга сўз қотишга нечундир журъат қилмай, йўлларида давом этишарди.

Аста-секин Беҳзоднинг дилидаги ғубор худди офтобда «эриб» кетган тумандай тарқаб, унинг ўрнини аллақандай сокин бир туйғу эгаллади. Сал ўтмай, бу сокинлик умрида ҳеч қачон ҳис этмаган ифтихор аралаш устивор ишонч билан алмашди.

Беҳзод сермашаққат ижод йўлига қадам қўйибдики, бугун умрида биринчи марта ўз истеъдоди ва имкониятидан юксакроқ бир асар яратганига инонди. Бунга бошқаларнинг мақтови, билимдон, нозиктаъб қайнотасию дўсти Акмалларнинг ҳайратомуз хитоблари эмас, йўқ, фақат чин санъаткорларгагина насиб бўлган нозик ички бир туйғу инонтирди уни. Инониши билан эса сўнги кунларда чеккан барча ташвишлару, комиссия келадами, йўқми, келган тақдирда ҳам қабул қиладими ё бирор айб топиб инкор этадими — бунинг ҳаммаси пашшадан ҳам майда, чиркин бир нарса бўлиб кўринди кўзига! Энг муҳими — асар яратилган, унинг қалбида урушга қарши исён ва нафрат, мушфиқ бувиси билан севимли тоғасига боғлиқ болалик эсдаликлари, дарду ситамлари — ҳаммасини ифода эта олган, демак, бошқалар дилида ҳам шундай жўшқин ва эзгу ҳислар уйғотишга қодир ноёб бир асар дунёга келган! Шундай экан, анов майда-чуйда ташвишлару, асарининг тақдири нима кечади, деган нотинч ўйлар кимга керак ўзи? Бу асар олдида Ҳалим Салимович билан «момақалди-роқ»дай ичиқора бахиллар уёқда турсин, Шерзод Комилов каби зоҳиран кулиб туриб, ботинан оёқдан оладиган эски «қадрдон»лари ҳам ўта-версин! «Гиря»дай асарни бунёд қилган одамнинг «момақалди-роқ»дай майда-чуйда ҳасадгўйлардан чўчиб юриши... унда чин санъаткорларга хос ғурур ва ишончининг заифлигидан далолат бермайдими? Беради!..

Марҳамат, комиссия юбориб, асарни қоралаб кўришсин улар! Иғво қилишиб, йўққа чиқариб кўришсин! Беҳзод асари атрофида бўлаётган бу майда гапларни ўз истеъдодига муносиб бир салобат ва сокинлик билан қабул қилиши лозим! Чунки қайнотаси айтганидек, гоҳо чин санъат асари ҳам вақтинча қораланиши, ҳатто инкор этилиши мумкин! Лекин уни ҳеч ким йўқ қилолмайди, давр унга ўз баҳосини беради!

Ўзи учун туриб бера олади, ўзи учун ўзи кураша олади яхши асар! Беҳзод шу фикрга келди-да, шартта ўрнидан турди, тураркан, туйғулари қулф уриб, олам боягидан ҳам ёруғ, осмон боягидан ҳам мусаффо кўринди кўзига. У комиссияни кутмай, шу куниёқ Тошкентга жўнаб кетди.

## ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ БОБ

**Р**асул қишлоқдан қайтадиган куни Шоввоз билан холи ўтириб, узоқ гаплашди. Улар яна маъсум ёшлик чоғларини эслашиб, бир кечаю кундуз ётиб дардлашишди. Аммо... Юраклари дарду ҳасратга тўлиб кетган экан, қанча гаплашмасин, гаплари тугамас эди. Рост, ҳар иккови ҳам, кейинги машъум воқеаларни четлаб ўтишга, уларни эсга олмасликка кўп уринишди. Бироқ ҳарчанд уринишмасин, четлаб ўтолмадилар. Гап айланиб, тагин Ойсулунинг ўлими-ю, ота-бола Фармоновларнинг қилмишларига бориб тақалаверди.

Расул, гарчи Шоввоз сўрамаса ҳам, Музаффар билан учрашганида ораларидан ўтган гапларни гапириб берди. Юзсизнинг сўзи тузсиз дегандек, Музаффарнинг ўша кунги қўрс, такаббур муомаласи, эгасидан ўғриси зўр кепти, қабилидаги ноҳақ гиналарини эсласа Расул жазаваси тутиб, кечалари уйқуси қочиб кетарди, у шуни айтиб, ҳақиқатни юзага чиқаришга астойдил бел боғлаганини, бироқ ишни нимадан бошлашини билолмай, боши қотиб қолганини гапирган эди, Шоввоз аввал миқ этмай узоқ ер чуқалаб ўтирди, кейин дўпписини энсасига суриб:

— Йўқ, — деди, катта, залворли қўлларини Расулнинг тиззасига қўйиб. — Яхшиси, сен бу ишларга аралашмай қўяқол, оғайни! Ҳалиям бўлса курашга ярайди Шоввоз! Аммо... Мен умримда бирор марта бировнинг устидан арз қилмаганман; энди, қариган чоғимда, Музаффарнинг устидан арз қилиб юраманми, Расул?

Расул лолу ҳайрон бўлиб, елкасини қисди:  
 — Кеча бошқача гапирувдинг. Ҳовурингдан тушибсан...  
 — Йўқ, Расул! Бугун ҳам ҳовуридан тушганим йўқ. Мен биламан: бу

*Буна, буна... ахирини... 41*

www.ziyouz.com kutubxonasi

ишлар босди-босди бўлиб кетса... ота-бола бешбаттар ҳовлиқиб, одамларнинг бошига чиқиб олишлари турган гап!

— Бўлмаса, нега кечаги шахтиндан қайтдинг? Бир нарсадан чўчияпсанми ё?

Шоввоз дўпписини пешонасига дўндириб, ўшшайди:

— Ҳозир-ку, бундай зўравонларнинг тагига сув кетган кураш даври! Бу ўпка давру даврон суриб, ҳаммани оёғи билан кўрсатиб юрганида ҳам ундан қўрққан эмас Шоввоз! Бахтига... ношуд зурёдининг омади бор экан. Алам устида қўлимга тушмади тунов куни. Ўзини деразадан ташлаб қочди! Агар, ўшанда қўлимга тушганда борми, билмадим, нима қилардим уни! Парча-парча қилиб, бурдалаб ташлармидим, худо билади! Мен бошқа нарсадан қўрқаман, Расул?

— Хўш?

— Эрта-индин ўғлининг устидан иш қўзғалса... олдимга йиғлаб келиб, оёғимга йиқилади бу номард!

— Ўғлининг устидан иш қўзғалишига ишонасанми? Фарзандининг қилмишларини босди-босди қилиш пайида кечаю кундуз чопиб юрмаганмикан «оғайнимиз»?

Шоввоз, гўё Расул ёмон бир гап айтгандай, унга ўқрайиб қаради:

— Чопиб ҳам кўрсин, қани! Чопганда қаёққа бораркан ҳозир? Корчалон фарзанди совхозга кептики, кўзбўямачилик билан шуғуллансин! Приписка қилмадинг деб, ҳалол одамларни ишдан ҳайдасин! Туппа-тузук келинимни йўлдан уриб, ўғлимни майиб қилсину, тагин у муттаҳам ўз зурёдининг бу қилмишларини ёпиғлиқ қозон — ёпиғлиқ қилиш пайида чопиб юрсин! Бутун элу юрт инсофу адолат деб, оёққа турган шу олов кунларда-я?

Шоввоз, чўяндай қорамтир муштини ҳавода силкитиб, кимгадир ўдағайлади-ю, ногаҳон хиёл шаштидан тушиб, давом этди:

— Йўқ, бу ишнинг босди-босди бўп кетишини ўйлаб, ғам чекаётган Шораҳим йўқ, Расул! Мен қўрқсам... У фирромнинг оёғимга йиқилиб, Гоби саҳросини эслаб оби дийда қилишидан қўрқаман, Расул! Нега де?

— Нега? — деди Расул кулимсираб.

— Негаки, билмадим, нима бало бўлган менга? У даюс ёшлик палламизни эслаб, Хинган тоғларидан гап очса бас, камина... хотин кишидан бешбаттар кўнглим бўшашиб, эриб кетаман, Расул!

Расул Нуриддинов биродарининг дил розларига жимгина қулоқ солиб ўтираркан, умрида биринчи марта бу пок, мард, танти одам билан дўст бўлиш бахтига муяссар бўлганига ичида шукрона қилди. Фақат бир нарса уни қайта-қайта қийнади: Шораҳим билан шунча дўст бўлиб, неча марта унинг болаларча самимий суҳбатлари, сахий дастурхонидан баҳраманд бўлибди-ю, ўзи бирор марта уни ёлчитиб меҳмон ҳам қилмабди. Эзгуликнинг кечи йўқ, албатта: бу ишни энди қилса ҳам кеч эмас, бироқ... шўрлик Ойсулув йўқ энди!

Пушаймон аралаш бу нотинч ўйлар Расулга шаҳарга қайтгандан кейин ҳам тинчлик бермади. Шу боис, қишлоқдан қайтган куни Иван Харитоновичга телефон қилмади, ҳатто ундан олдин қайтиб келган қизи Нигора билан ҳам очилиб гаплашмади. У кечаси ишхонасига қамалиб олиб, қишлоқда юрганида келган хатларни кўздан кечириб чиқди.

Бу хатлар орасида уни айниқса Жаъфар Жавлоновдан келган мактуб лол қолдирди.

«Сизга тўғриси айтиб қўяқолай, домлажон! — деб бошлаган эди Жавлонов. — Афсус ва надоматлар бўлғайким, оғайнингиз Музаффар Фармонов каминанинг ишончини оқламади! Эшитган бўлсангиз керак, бу одам билан унинг ўғли атрофида ҳар хил икир-чикир бемаза гаплар айланиб қолди... Шунга... камина бу одамни умуман китобимдан чиқариб ташлаб, асаримни Сиз ва қадрдон биродарингиз, ҳурматли Иван Харитонович Белобородов каби камтарин, пок инсонларга бағишласам, деган ниятдаман, домлажон!..»

Расул Нуриддинов хатни охиригача ўқишга ҳам бардоши етмай, стол чеккасига суриб қўйди-да хаёлга толди: «Йўқ, Расул Нуриддинов, бу

масалада адибга бир нарса дейишга ожиз. Эҳтимол, у Музаффар тўғрисида Расул билмаган нарсаларни билар, шу боис ёзишдан воз кечиб тўғри ҳам қилар. Аммо... Шу пайтгача қаёқда юрувди? Халққа ақл ўргатадиган одам ҳам шу қадар субутсиз ва қўнимсиз бўладими, ахир?»

Расул Нуриддинов шу ғамгин ўйлар оловида қоврилиб, алламаҳалгача хаёлга толиб ўтирди-да, кабинетидан чиқмай пинакка кетди.

Эрталаб уни Манзураҳон уйғотди. Расул Нуриддинов, рўпарасида турган хотинини танимай қолди. Сурма тортилган кўзларида аллақандай сирли қувонч, тўладан келган юмалоқ юзида мамнун табассум:

— Ҳа, жа-а, кайфлари чоғу, хоним? — деб сўради Расул. — Ижозат этсалар, сабабини билсак?

— Сабаби... арзанда шогирдингиз бош эгиб келдилар!

Расул Нуриддинов ичи чироғ ёнгандай ёришиб кетди.

— Нима, бирор совға-салом кўтариб кептими? Жа, хурсандлар?

— Бе, совға-саломни билармиди шу етимчангиз? — деди Манзураҳон, лабини буриб.

— Бўлмаса, намунча оғизлари қулоқларида?

— Гап менда эмас, қизингизда. Қизингизга ҳайронман, хўжайин!

— Қизимга нима қипти?

Манзураҳон қошларини чимириб, диванга ўтирди.

— Телевизорда шоирлар айтганича бор. Ҳозирги ёшларга сира тушуниб бўлмайди. Бундан олти ой аввал эри билан ажрашаман деб, ҳасратидан чанг чиқиб келган қизингиз... энди эрининг бўйнига осилиб, йиғлаб қарши олса-я?

Расул Нуриддинов, қаҳқаҳ отиб кулди:

— Нима бало? Норозимисан шунга?

— Нега норози бўлар эканман? Шунчаки... Ҳозирги ёшларга ҳайронман деяпман-да!

— Гўё ўзлари ҳеч қачон ёш бўлмаганлар!

— Биз ёшлигимизда...

— Ҳа, ёшликларида ўзларидан иболи, ўзларидан боадаб, мулойим қиз бўлмаганлар! Қўйинг шу гапларни, азизим! Уз ёшлигини мақтаб, ҳозирги ёшларга пўнғиллайвериш — қариликнинг биринчи аломати, жоним!

Расул тўсатдан аллақандай меҳри тошиб, хотинининг елкасидан кучди:

— Ундан кўра, чой-пойингга қара! Бошимиз бир қўшилиб қопти! Биз ҳам одамларга ўхшаб бир яйраб отамлашайлик, азизим!

— Чиқаверинг, ҳаммаси тайёр!

Ҳақиқатан, Манзура айтганича бор: меҳмонхонада хуш-хандонлик авжиди: бурунгидан ҳам қорайиб, эти устихонига ёпишиб қолган Беҳзод устига ўғилчаси билан қизчасини ўтқазиб, «туя» бўлиб, ерда эмаклар юрар, ўғилчаси қўлидаги хипчин билан уни аёвсиз савалаб «чух-чухлар», шунда Беҳзод «бўх-бўхлаб» лўкиллар, болаларга қўшилиб Нигора ҳам қотиб-қотиб кулар, ҳаммаёқ ағдар-тўнтар, тўс-тўполон, бироқ ҳеч ким буни сезмас, хонани хуррам қийқириқ тутганди.

Беш яшар набираси оёнада бувасини кўриб, хушнуд қичқирди:

— Келинг, буважон! Сиз ҳам мининг туямга! Маза қиласиз!

Расул кулгидан ўзини тиёлмади:

— Туянг жуда арриқ экан, мени кўтара олмайди-ёв, болам!

— Кўтаради, буважон, кўтаради! Кўтаролмаса — хипчин билан савалаймиз! Мана, бунақа қилиб саваймиз! — невараси шундай деб, яна дадасини аёвсиз савалай кетди.

Нигора қувончдан порлаган кўзлари билан дадасига қаради, сўнг:

— Бунақада «туя»нгни ўлдириб қўясан-ку! — деб кулди-да, ўғилчаси билан қизчасини шартта кўтариб, хонадан чиқиб кетди. Беҳзод ўрnidан тураркан, пешонасидаги реза-реза терларни артиб, аллақандай гуноҳкорона жилмайди.

— Буларни жа соғиниб қопман, дада.

— Хайрият, — деди Расул. — Мён фарзандларингизни батамом

қалбингиздан ўчириб ташлабсизми, деб ўйлабман. — Хўш, қани, дастур-хонга марҳамат. Ишлар нима бўлди? Комиссия бормадими?

Беҳзоднинг лунжлари ичига ботиб кетган қорамтир юзи баттар қорайиб, ерга қараб пўнғиллади:

— Комиссия борадими, йўқми, мен учун энди ҳеч бир аҳамияти йўқ, дада!

— Нега?

— Чунки... — Беҳзод қайнотасига бир хўмрайиб қаради-да, яна кўзини олиб қочди:

— Уша куни... асарим ҳақида айтган гапларингиз ростми ё шунчаки кўнгил учун мақтадингизми?

— Йўқ, астойдил айтдим, болам.

— Астойдил айтган бўлсангиз... нима аҳамияти бор. Комиссия қабул қиладими, йўқми — барибир эмасми энди?

Расул Нуриддинов куёвига: «бир нима бўлганми бунга ё бургага аччиқ қилиб кўрпага ўт қўймоқчимиз?» — деган маънода зимдан тикилиб қаради.

Йўқ, Беҳзод бургага аччиқ қилаётган одамга ўхшамас, бамайлихотир кулимсираганича пиёласига қанд солиб, аста аралаштирмақда эди.

Расул қўлларини ёзиб, ҳазиломуз кулди. — Бунақа тушкунликка тушишга ҳеч бир асос йўқ сизда, болам!

— Нега, тушкунликка тушар эканман, аксинча...

— Яъни?

— Гап шундаки... — Беҳзод машшоқларнинг бармоқларидай узун, ингичка, бироқ, чамаси, кучли бармоқлари билан пешонасини ишқаб, бир лаҳза сукутга толди. — Гап шундаки, сўнги пайтларда мен ижод ҳақида, санъат аҳли ҳақида жуда кўп ўйладим, дада! Биз ўтган замонларда яшаган улуғ санъаткорлар, улар яратган ўлмас асарлар тўғрисида кўп гапирамузу, бироқ уларнинг инсоний фазилатлари ҳақида кам ўйлаймиз! Мен бу тўғридаги китобларни ўргана-ўргана шу қарорга келдимки, улар биздан фақат истеъдодларининг қудрати билангина эмас, инсон сифатида ҳам жуда катта фарқ қилганлар. Улар санъат йўлида ўзларини фидо қила-олганлар, ижод олдида турмуш машаққатлари уларга пашша чаққандай ҳам таъсир этмаган! Ҳузур-ҳаловат деган хаёлларига ҳам кириб чиқмаган уларнинг!

Беҳзод, озғин, қорамтир юзи ловуллаб, битта-яримта оқ оралай бошлаган қалин сочларини шернинг ёлидай ҳурпайтириб, ўрнидан туриб кетди. — Биз эса (мен авваламбор ўзимни назарда тутяпман!..), нима десам бўлади? Батамом майдалашиб кетдик! Асаримизни тугатмасдан туриб, оладиган гонораримизни ҳисоблаб чўт қоқамиз, ошна-оғайниларни ишга солиб, ўртамиёна асаримизга ҳамду санолар ўқитирамиз! Шон-шуҳрат кетидан чопиб, ўз асаримизга ўзимиз мукофотлар уюштирамиз! Ҳолбуки... — Беҳзод меҳмонхонага оёқ учида юриб кирган Нигорани кўриб, бир он гапидан адашди-ю, яна ўзини тутиб олиб, кутилмаган бир асов эҳтирос билан давом этди: — Ҳолбуки, ҳамма гап асарда-ку, дада! Агар ижодкор яхши асар яратганига имони комил бўлса — шунинг ўзи кифоя эмасми? Яратган асари шу он, шу заҳотиёқ қабул бўладими, йўқми, тан олинадими, олинмайдими, шуҳрат келтирадими, келтирмайдими — чин истеъдодга нима аҳамияти бор бунинг?

Нигора четроқдаги диванда иягини қўлларига қўйиб, эрига жимгина тикилиб ўтирар, унинг теграсига нафис нилий бўёқ суртилган қўй кўзларида меҳр аралаш пинҳоний бир ифтихор жилва қиларди.

Расул Нуриддинов, иягини силаганича, пиёладаги чойга тикилиб қолди.

— Умуман олганда-ку, гапинг тўғри, ўғлим. Аммо мен бир нарсани тушунмадим: сен... анов «момақалдиروقлар» билан курашишни истамаганингдан айтяпсанми бу гапни ё азбаройи яратган асарингнинг баркамоллигига инонганингданми?

— Барибир эмасми, дада?

— Нега барибир бўларкан?

— Чунки... агар мен ҳозир Мардон Зокиров ва оғайним Шерзод



Комилос билан шуҳрат талашиш ниятим йўқ десам... тушкунликка тушибсиз дейсиз, яратган асаримдан ифтихор қиламан десам, манманлик ҳам эви билан-да, деб камтарликка чақирасиз. Қолаверса...

Нигора бир нима дейишга чоғландию, эрининг «қолаверса», деб ғалати кулимсираганини кўриб, ёш боладай кафтлари билан оғзини босди.

— Қолаверса, — деди Бехзод, ҳамон ғалати кулимсираб, — сўнгги пайтларда, айниқса, бу ерга келиб болаларимни кўрганимдан кейин бир нарсга амин бўлдим, дада: тақдир менга Нигорадай... нима дей, бебаҳо ҳаёт йўлдошини инъом этсаю...

— Ташаккур, — деди Нигора дув қизариб.

— Боз устига, шундай ширин-шакар фарзандларимга туя бўлиб, уларни хуррам этиш бахти бор экану, бу бахт олдида нима керак менга бу ташвишу маломатлар? Шон-шуҳрат кетидан чопиб юриш ўзи нима керак менга, дада?

Расул Нуриддинов ёш боладан кулгандай мулойим кулди.

— Гап шон-шуҳрат кетидан чопишда эмас! Ҳар бир инсон ўз салоҳиятини авайлаб, уни эъозлаш керак экан, ўзи учун курашмоқ ҳам истеъдоднинг бир белгиси эмасмикин?

Бехзод унга ёт бир ясама мағрур қиёфада бошини азот кўтариб:

— Агар, — деди аллақандай тантанали овозда. — Агар мен бу тўпориларга қарши курашадиган бўлсам... фақат битта қурол билан курашаман.

— Яъни? — деди Расул Нуриддинов.

— Фақат яхши асар билан!..

Гапга Нигора аралашди.

— Бу тўғри, бироқ яхши асарни тўпорилардан ҳимоя қила олиш ҳам керак-ку, ахир!

— Яхши асар ўзини ўзи ҳимоя қила олади! Хуллас, мен энди Кушон давлатини кашф этиш ниятидан қайтдим, Нигор!

Нигора ёш қизчадай қизариб кулди.

— Ихтиёрингиз! Бироқ, мен кашф этаман! Шунда... мен очган қасрлар, топган ноёб зийнатларни кўрганда... бу аҳду паймонларингиздан пушаймон қиласиз!

— Хуллас, бола-чақа кимнинг зиммасида бўлади? — деди Расул Нуриддинов ярим ҳазил, ярим чин тарзда.

— Камина оламан бу ташвишни! — деди Бехзод. — Кушон давлатини кашф этиш бахтини бу кишига эҳсон қиламан!

— Унда, менинг ҳеч қанақа эътирозим йўқ! Буёғини эр-хотин ўзларинг ҳал қилаверинглар! — Расул Нуриддинов гапини тугатмаган ҳам эдики, Манзураҳон кириб, аллақандай сирли имо билан уни ташқарига чақирди.

Расул Нуриддинов йўлакка чиқиб, хотинининг серташвиш нигоҳига тикилди:

— Ҳа, тинчликми, азизим?

Манзураҳон эрига жавоб бериш ўрнига қўлига сурғуч босилган кўк конверт тутқазди. Хат Музаффардан эди.

— Ким берди буни?

— Танимадим. Бир одам! Музаффар аканинг шофёриман, деди.

— Ўзи шу ердами?

— Йўқ, хатни қўлимга тутқазиб, машинасига ўтириб жўнаб қолди.

Расул Нуриддинов «ғалати бўлди-ку?» деган маънода ёлкасини қисиб, кабинетига кирди, конвертга босилган қалин елимини кўчириб, сатрлари аллақандай эгри-бугри, асабий, титроқ дастхат билан ёзилган мактубни ўқишга киришди.

### ДУСТИМ РАСУЛИ

Бу хатни олганингда мен батамом бошқа жойларда бўламан. Излаб юрма. Бефойда.

Тунов кунни мен аҳмоқ, мастлик ва такаббурлик сабаб, сени қаттиқ ранжитибман. Энди узр сўраб ўтирадиган пайт эмас. Кеча...

Ўғлимни олиб кетишди. Бугун-эрта навбат каминага келади. Тақдир шамшири бўйнимда турган шу маврид, сенга бир илтимос билан мурожаат қилишга журъат этдим. Мен нодон, баайни сен айтгандай, кейинги ўн-ўн беш йилдирки, молпарастлик дардига мубтало бўлиб, каттагина бойлик орттирган эдим. Салкам ярим миллионлик бу бойликни (зеби-зийнату, нодир тилла буюмлар) мен, миясиз эшшак, ўғлимга билдирмай унинг гаражи тагига кўмган эдим. (Эшшак бўлмасам, шу ишни қилармидим, ахир, бу ишим ўз зурёдимнинг буйнига сиртмоқ бўлиб тушиши мумкин-ку?) Сендан илтимос шуки, бу гапни собиқ комбатимиз Белобородовга етказсанг. Пўлат сандиқни қовлаб олиб, ичидаги олтин буюмларни давлатга топширсаларинг. Бу ишни ўзим қилсам ҳам бўлур эди. Бироқ бу бойликдан ўз ихтиёрим билан воз кечганимни жилла қурса собиқ комбат билан Шоввоз учовинг билиб қўйсаларинг, дедим. Шунда, хом сут эмган банда, шояд мен муттаҳамни кечирсаларинг... («кечирсаларинг» сўзи ўчирилган эди). Йўк, мен ўзимни оқламайман. Аммо бир нарсага инон, Расул: мен кўр ҳассамдан қачон айрилиб, қачон боши берк кўчага кириб қолдим, — буни ўзим ҳам билмайман, ўйлаб ўйимнинг тагига етолмайман. Чамаси, ҳаммасига нафс балоси сабаб. Юрагим тарс ёрилиб: «ҳой, одамлар, нафсларингни тийинглар, бундан ёмон дард йўк, дунёда!» — деб «Даштстрой» тепасига чиқиб ҳайқиргим келади. Аммо, шайтонга ҳай беролмай, юзи қора бўлган тубан бир ўғри, қайси юз, қайси виждон билан ҳайқираман деб, бўғзимдаги ҳайқирикни ичимга ютаман. На чора? Қилмиш-қидирмиш экан, қайтар дунё экан — ҳаммаси қайтди! Қийин бўлганда, Соҳибага қийин бўлди. Бирга кечган болалик йилларимиз хурмати, аҳён-аҳёнда унинг ҳолидан хабар олиб туринглар.

Ҳозир нопок, юлғич, муттаҳам, аммо бир даврлар сенлардек ҳалол бўлган («сенлардек ҳалол бўлган», деган сўзлар ўчирилган эди), бадбахт оғайнинг («оғайнинг» сўзи ҳам ўчирилипти!»)

Музаффар.

Расул Нуриддинов, худди хат эмас, чўғ ушлагандай, қўллари дир-дир титраб, турган жойида тош қотди.

## ЙИГИРМА БЕШИНЧИ БОБ

**М**узаффар оғайнисига аталган мактубини Клара Жамолованинг уйида бир ўтиришда ёзаману дарҳол жўнатаман, деб ўйлаган эди. Лекин бир эмас, ўн марта ёзиб, ўн марта йиртиб ташлади ҳамки, кўнгли сира тўлмади. Ниҳоят, охириги нусхасини тугатиб, конвертга солаётганида, хонага қудағайи Клара Жамоловна кириб келди.

Ўз хатидан ўзи эзилиб кетган Музаффар, тик турганча бир қадаҳ коньяк ичиб, хайр-маъзур қилмоқчи эди, бироқ қудағайи кетмайсиз, деб елимдай ёпишиб олди.

Одатдагидай башанг кийиниб, елкасига туя жунидан тўқилган пахмоқ гулдор жемперини ташлаб олган Клара Жамоловна Фармоновнинг бир кеча кўниб кетишини сўраб, шундай илтижо қилди, шундай ялиниб-ёлвордики, Музаффар охири нима дейишини билмай, талмовсираб қолди.

Столда одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса бор, ошхонадан димоғни қитиқловчи гўшт, пиёз, ўткир қалампир ҳиди гуп-гуп урар, эшикда эса, бўялган кўзларини таманно аралаш гинахонлик билан сузиб, Клара Жамоловнанинг ўзи турар, унинг жисмидан ҳар сафаргидан ўн чандон нозик, нафис атир ҳиди уфуриб, Музаффарни ўтиришга ундарди.

Қани энди ўша маъсуд эски кунлар бўлсаю Музаффар гўё ўн гулидан бир гули очилмаган бу ёш, ширинзабон, офатижон жувоннинг суякларини қисирлатиб кучса, гўё ҳали эркак зотининг лаби тегмаган оппоқ сийнаси, лайлакнинг бўйнидай узун, нозик бўйинлари, гул баргидай нимқизил лабларидан тишлаб-тишлаб, тўйиб-тўйиб ўпса!.. Лекин ҳозир, шу топда, Музаффарнинг кўнглига айш-ишрат у ёқда турсин, ҳатто қил сиғмайдиган

бир вазиятда бу ерда қолиш! Йўқ, шу аснода Музаффарга Кларахоннинг нозу карашмалари тугул, онаси ўпмаган соҳибжамолнинг эҳтиросли бўсалари ҳам таскину тасалли беролмасди!..

— Кечирасиз, Кларахон, бошқа кун!.. — Музаффар Клара Жамоловнанинг қат-қат зеби-зийнатлар тақилган қўлларини олиб, навбатма-навбат ўпди, ўпаркан, тўсатдан ўпкаси тўлиб, томоғи ғип бўғилди-ю, эшик томон шошилди. Бироқ Клара Жамоловна кутилмаган бир чаққонлик билан оппоқ момиқ қўлларини Музаффарнинг бўйнига ташлади-да, гулдай нозик, ним пушти ёноқларини унинг пальтосига ишқаб, ўкириб юборди.

— Сиз мен шўрликдан бир нарсани яширяпсиз, Музаффар ака! Нима бўлди сизга? Айтинг, нима бўлди?

— Менга қара, жонгинам. Мен ҳозир сенинг ёнингда қолганимдан, қолганим минг марта яхши. Ишқилиб манови... — Музаффар «бевафо» дегиси келди-ю, аранг ўзини тийди. — Манави оқинчоқ-тақинчоқларни бир жойга яшириб, камтарона юргин, шу кунларда!

— Айтинг ахир — нима бўлди? — фарёд чекди Клара Жамоловна. — Ахир, бунақа эмас эдингиз-ку, Музаффар ака!

Музаффар унинг оппоқ момиқ қўлларини бўйнидан аранг узиб, гулдай нозик лабларидан битта ўпди, сўнг, яна бир пиёла коньяк ичиб, бир бурда нон чайнаганича ташқарига отилди.

Ҳали барвақт бўлса керак (Музаффар соатига қараса чорак кам ўн экан!). Кўчалар ёруғ, гавжум, сершовқин эди. Ҳануз қишдан дарак йўқ, кун илиқ, одамлар, айниқса ёшлар костюм ва жемперларда. Қўлларидаги митти магнитофонлардан қулоқни батанг қилувчи аллақандай ёқимсиз, даранг-дуринг музыка янграйди, қаердадир оркестр гумбирлайди!..

Ёспирай, нахот дунёда ҳамма бахтиёр, қувноқ, қушдай эркину, ёлғиз у, Музаффар, шунчалик бадбахт, бадном ва забун аҳволга тушиб қолса? Нега ёлғиз Музаффар бўларкан, ўғли-чи? Кўришганларида ифтихор қилиб, орқаворотдан ғурурланиб юрган севимли зурёди-чи?

У қаёқда ётипти экан? Нималарни ўйлаяпти экан? Тор ҳибс у ёқда турсин, олам-жаҳонга сиғмай қариллаб юрган, йигитмисан йигит, шўрликнинг аҳвол-руҳияси не бўлди экан, юраги чок, темир каравотда зимистон бўшлиққа тикилиб ётганмикан, ёхуд дарди дунёси қоронғи, тор хонага сиғмай уёқдан-буёққа ураяпганмикан ўзини?!

Музаффар юраги пақ этиб ёрилгудек бўлиб, орқа ўриндиқдаги чарм ёстиққа узала тушиб ётди.

У ўғли Фотиҳнинг қамалгани тўғрисидаги шум хабарни шу бугун эрталаб, ишга борганда эшитди, тагин кимдан эшитди денг — ўз секретаридан, ўша, уст-бошини ҳар куни уч марта ўзгартирадиган, машҳур балет театрининг энг ёш балеринасига ўхшаб кетадиган севимли дўндиқчасидан эшитди.

Кейинги пайтлардаги кўнгилсиз воқеалар, айниқса Расул Нуриддиннинг аёвсиз найзабозлигидан сўнг ичмаса туролмайдиган бўп қолган Музаффар Фармонов кеча «Даштстрой» бошлиғи ишдан кетипти, деган шум хабар тарқагач, унинг биринчи муовини билан тонготар ўлтириш қилишди. Ё алҳазар! Улар, юракка ғулув солувчи бугунги нотинч воқеаларни тилга олмасликка ҳарчанд уринишмасин, от айланиб қозигини топади, дегандай, гап айланиб, яна ўша совуқ миш-мишларга бориб тақалаверар, тақалаверарди. Бу васвасни босадиган биттаю битта нарсаси — олий нав коньяк бўп қолди.

Шу боис, Музаффар кечаси уйига бормаи, «Даштстрой» меҳмонхонасида ётди-да, эрталаб саунага тушиб, аранг ўзига келди. Лекин юраги худди хатарни олдиндан пайқайдиган қоҳиннинг юрагидай нотинч, кўнгли хуфтон, гўё зилзила бўлишини сезган жонивордай безовта эди.

Шундай бўлса ҳам, Музаффар «Даштстрой» биносига одатдагидан ҳам дадил, шахдам қадам ташлаб кириб борди.

Ёр тагида илон қимирласа биладиган шоп мўйлов чол эшикни очиб, ҳар сафаргидай тавозе билан салом берди.

Музаффар, одатда, ҳамма янгиликларни бургага тузоқ қўядиган шу

қари тулладан эшитар эди. Аммо бугун унинг кўзлари аланг-жаланг эканини кўриб, ноҳўш гап топиб қўйганини сезди-да, ёнидан индамай ўтиб кетди. Бироқ ўз қабулхонасига кириб, сеvimли котибасини кўрди-ю, юраги орқасига тортиб кетди.

Одатда Музаффарни тилла тишларини ярқиратиб, таманно билан қарши оладиган котибаси... йиғлайвериб, қош-қовоғи дўмбира бўлиб шишиб кетган, юзига суртилган нафис бўёқлар артилавериб, ёш бола бўяган суратга ўхшаб қолганди. Музаффар ҳали эшикни ёпиб улгурмаган ҳам эдики, котибаси кўзёшларини дув тўкиб, унинг кўкрагига ўзини отди...

— Фотиҳ, — деди у йиғидан бўғилиб. — Фотиҳ акамлар...

Музаффар тирноқларигача зирқираб:

— Нима қипти Фотиҳга? — деди аранг.

— Қамаб... қамаб қўйишипти акамларни!..

Музаффар катта ҳадик-хавотир мавридларида бирдан ҳушёр тортиб, ҳамма куч ва иродасини тўплай олар эди.

Бу сафар ҳам шундай бўлди-ю, бутун вужуди музлаб кетса ҳам:

— Қамалса... бирорта ифвогарнинг туҳмати билан қамалгандир! — деди, кутилмаган бир суруқонлик билан. — Бу қанақа ҳол? Кўзгуни олиб, дарҳол тартибга келтиринг ўзингизни! Одамлар кўрса нима дейди? Ҳа, айтмоқчи, коммутатордаги қизларга айтинг: облмилицияга улаб беришсин телефонимни! Тезроқ!

Музаффар ўз хонасига кириб, эғнидаги чарм пальтосини ечди-да, бошидаги қора кундуз телпагига қўшиб бир чеккага отиб юборди, сўнг, қўлларини орқасига қилиб, катта кабинетини айланишга тутинди. Аввал у «жанг»га тайёрланаётган машҳур боксчидай кўкрагини кериб, беписанд одимлади, лекин аста-секин марказда бошлиғи қўлга олингани ҳақидаги хабар эсига тушиб, юраги бир ҳаприқди, кейин ўз қилмишлари, айниқса ўғлининг гаражи тагига кўмилган пўлат сандиқ кўз олдига келиб, аъзойи бадани совуқ терга тушди.

«Шунчаки анави авария учун тергашаётганмикин ё уйини ҳам тинтув қилишдимикин? Э, фалак, ишқилиб, ўзинг сақлагайсан...»

Сандиқни эслаши билан сўнгги бир ой ичида ўғлига пахта заводидан камида уч юз тонна пахта сотиб олиб бергани эсига келиб, дами ичига тушиб кетди. Рост, бу пахталар ҳеч қаёққа кетмайди, бир балансдан иккинчи балансга ўтади, холос. Қолаверса... Музаффар бу ишни ёмон ниятда эмас, ўғлимнинг келажагига йўл очилсин, ўсиб-унсин деб қилди! Аммо... яхши ният билан қилган бу иши ўғлининг бўйнига сиртмоқ бўлиб тушмаса денг ҳали!

Унинг миясида ғужғон ўйнаётган пойинтар-сойинтар ўйларини телефон овози бўлди. Епирай! Телефон ҳам шундай совуқ жиринглайди-ми?

— Эшитаман!

— Музаффар Фармонович! — деди коммутатордаги таниш қиз. — Область милиция бошлиғини сўраган экансиз.

— Ҳа, қизим, иложи бўлса тезроқ улаб беринг.

— У киши... — қиз чайналди.

Музаффар турган жойида серрайиб қолди.

— У киши... Жойларида йўқ эмишлар, ё... замларини улаб берайми?

— Йў-йўқ, қизим. Ҳа, тўхта... Обл ГАИ...

Қиз аллақандай талмовсираб:

— Билмадим, — деди. — Агар янглишмасам, у киши ишдан олинган эмиш-ку! Тағин билмадим, агар улаб бер десангиз...

— Йў-йўқ, раҳмат қизим, раҳмат...

Ҳозиргина курашга шай турган одам, у фавқулодда нокаутга учраган боксёрдай, турган жойида диванга «шилқ» этиб йиқилди. «Ё алҳазар! Алҳазар!» — Музаффар кўр эмас, албатта. У адолат учун катта кураш бошланаётганини, манман деган не-не одамлар юксак лавозимларидан учиб кетаётганини кунни кеча уни хор қилган Расулсиз ҳам биларди. Аммо, «Даштстрой» деган сўзнинг ўзи унга ҳар қандай хатарни даф қилишга қодир бир қалъа, салкам ўттиз йилда қилинган ишлар эса, ҳар қанақа

майда-чуйда «нуқсонлар»га кўз юмиш ҳуқуқини берувчи бир қалқон бўлиб туюларди. Рост, бундан бир ой муқаддам марказга чақирилган «Даштстрой» бошлиғи ишдан олингандан кейин, кўпларнинг пайтавасига қурт тушиб қолди. Аммо. Музаффар ким бўптики, бу ердаги ҳамма ишларга жавоб берса? Нар и борса, арзимаган битта ОРС бошлиғи экан! Фақат... Кейинги пайтларда жиндек ҳовлиқиб кетиб, пича бойликка ҳирс қўйгани бўлмаса...

Айниқса... анов иши: ўттиз йил йиққан зеби зийнатлари, тилла буюмларни ўғлининг гаражи тагига кўмгани!.. Миясиз эшшак! Эшшак бўлмасанг шу ишни қилармидинг? Пахта-чи? Заводдан олиб берган уч юз тонна пахта нима керак эди унга? Усиз ҳам плани тўлиб қолган эди-ку, ўғлининг! Тергов жиддийлашиб кетмасин, ишқилиб. Жиддийлашиб кетса, бир-бирини судраб чиқаверади бу ноҳалол ишлар!.. Йўқ, ўғлини ўз ҳолига ташлаб қўйиб бўлмайди! Мадад бериш керак унга, мадад! Областанд фойда чиқмайди, чамаси, ундан юқорироқ жойларга, министрликларда ўтирган ёр-биродарларига бош эгиб бориши керак! Бир ёқда... анов тўнка бор, бир ёқда Жаъфар Жавлонов! Ўттиз йил ОРС қозонини қайнатиб, чўмичлаб мой ичганда бир ўзи ичмаган, Музаффар! Бир кунимга яраб қолар деб, ичган-еганини, топган-тутганини баҳамлашган ёр-дўстлари бор! Жилла қурса, шулар қайрилиб қарар, жонига ора кирар, ахир? Ҳеч нарсани кўрмаган бўлиб, дарҳол терс қараб олишмас ҳамтовоқлари!..

Музаффар шуни ўйлади-ю, ўрнидан сапчиб турди. У бояги нокаутдан ҳушига келган, назарида, яна курашга тайёр эди!..

У шиддат билан юриб бориб, чарм пальтосини кийди, бошига қундуз телпагини қўндириб, энди эшик томон йўналмоқчи бўлиб турган эди, телефонлардан бири қаттиқ жиринглаб қолди.

Музаффар телефонга яқинлашишга юраги бетламай ташқарига йўналди, бироқ шу асно, қасдига олиб, афт-ангорини «тартибга келтирган» котибаси кириб қолди-ю, трубкани олишга мажбур бўлди.

Трубкадан аллақандай восвос, бўғиқ овоз эшитилди.

— Бу ким? Фармонов сизмисиз?

Музаффар эндигина таниди: биринчи муовин!

— Ҳа, мен?

— Сизга телефон қилишмадимиз?— Биринчи муовиннинг бўғиқ овози шивирлаш даражасига тушди-ю, Музаффарнинг тиззалари қалтираб кетди.

— Қаердан телефон қилишади?

— Қаердан бўларди? Уша... қадрдонингиз бошқарадиган идорадан! Мен маъна кетяпман... Чамаси, сизга ҳам... келишади. Уёғи... нима қилишингизни ўзингиз биласиз. Ҳар қалай, сақланганини сақлайди, дейишади. Хайр, оғайни!..

Музаффар ҳамон «дув-дув»лаётган трубкани ушлаганича ҳуши бошидан учиб, турган жойида мих бўп қолди. Сўнг, биринчи муовиннинг: «Сақланганини сақлайди, дейдилар. Қолганини ўзинг биласан!» — деган гаплари эсига тушди-ю, бирдан ўзига келди. У шўрлик: эсинг борида этагингни ёп, демоқчидир-да!.. Ҳақиқатан, вақт борида уёқ-буёқни йиғиштириб, тезроқ ҳамтовоқ оғайниларга бу гапларни етказмоғи, агар бирор хатар бўлса, олдини олмоғи лозим-ку, ахир!

Музаффар эшикни қулфлади-да, алпанг-талпанг юриб бориб, сейфни очди. Унда тахи бузилмаган «кўк қоғоз»дан иккитаси бор эди, уларни олиб, папкасига ташлади, дейдилар. Қолганини ўзинг биласан!» — деган гаплари эсига тушди-ю, бирдан ўзига келди. У шўрлик: эсинг борида этагингни ёп, демоқчидир-да!.. Ҳақиқатан, вақт борида уёқ-буёқни йиғиштириб, тезроқ ҳамтовоқ оғайниларга бу гапларни етказмоғи, агар бирор хатар бўлса, олдини олмоғи лозим-ку, ахир!

— Мен совхозларга кетдим, азизим.

— Сўрасалар нима дейман? — севимли котибаси унинг «ҳолатига кирган» чоғи, уланган киприкларидан шаффоф томчилар милтиради.

— Сўрасалар... кечқурун қайтадилар дейсан! — Музаффар қандайдир ички бир туйғуга бўйсиниб, котибасининг пешонасидан ўпди-да, ташқарига отилди, отиларкан, орқадан котибасининг: «акажонимов!» деб секин инграганини эшитди...

...Мана, энди у «Боғи эрам»у, «шаршаралар»да ҳафталаб сафо қилган ҳамтовоқ дўстлари ва суянган тоғларига бориб, қайтиб келяпти!

Лекин... ё алҳазар! На китоб ёзаман, деб уч йил уни сигир қилиб соғиб ичган, «бола баҳона, дийдор ғанимат» деганларидек, китоб баҳона ҳафталаб саунадан чиқмай, пивохўрлик қилган Жаъфар Жавлонов, на бу ердан министрликка ишга ўтказаман деб, ваъдалар берган ва бу ваъдалари учун босволди қовундек тарам-тарам бошига тахи бузилмаган чуст дўппи, эгнига кимхоб тўнлар кийиб кетган анави тўнка, на бошқа инонган тоғлари... — Епирай! — бирортаси ўгирилиб қарашса-чи? Бирортаси жила қурса, ғариб бошини эгиб борган Музаффардан: наmunча ҳолинг забун, деб сўрашса-чи? Сўраш уёқда турсин, уни кўрганда ҳазрат азроилни кўргандай, пана-панага ўришди ўзларини! Ҳафта сайин қатнаб, «Даштстрой»дан, тўғрироғи, «Боғи эрам» билан шаршара тагидаги мармар қасрдан чиқмайдиган Жавлонов эса, ҳовли эшигини очгани кетаётган хотинига: «Анави муттаҳам Фармонов бўлса... мени йўқ, де, хотин, йўқ де!» — деб жавради, жавради-ю, бу гапларни Музаффар эшитиб турганидан беҳабар, ўзини ичкарига урди!..

Фақат битта одам, у ҳам бўлса, бултур ўғлини уйлантирганида Музаффар унга беш минг сўмлик хорижий гарнитур эҳсон қилган оғайниси, у билан хилват жойда кўришишга журъат этди. Лекин журъати ҳам қурсин, энг ёмон, энг шум хабарни ҳам ўша етказди.

— Бошлиғинг билан ораларинг яхшимиди? — деди у, гарчи шаҳар чеккасидаги кўл бўйида танҳо айланиб юрсалар ҳам, атрофига аланг-жаланг қараб.

— Қайси ОРСнинг бошлиғи ўз раҳбари билан ёмон бўлади? — деди Фармонов, оғайнисининг «тўпорилиги»дан ранжиб.

— Бўлмаса тезда, шу бугундан бошлаб ҳаракатингни қилавер. У одам ишдан олинганини биласан!

— Биламан,— Музаффар мадори қуриб, ариқ соҳилига ўтириб қолган эди, оғайниси жеркиб берди:

— Билсанг... наmunча сувга тушган бўлка нондай бўкиб қолдинг! Ўрнингдан туриб, ҳаракатингни қил! Қоғоз-поғозларинг бўлса, ёқ! Ортиқча... — у «пул» дейишга тили бормай, чайналди. — Ортиқча нарсаларинг бўлса — ҳаммасини гумдон қил! қолганини... тақдирингдан кўрасан. Мен бир нарса деёлмайман, оғайни! — қадрдони шундай деб, олисда қолдириб келган машинаси томон йўналди...

Шаҳарга нажот оғлаб борганида Музаффар билан кўришишга журъат этган биттаю битта оғайниси шу бўлса... у ҳам мудҳиш бир гапни айтиб, уни қон қилиб кетди!..

«Бошлиғинг билан ораларинг яхшими эмиш! Яхшиям гапми? Эҳа... ораларидан нелар ўтмаган, нелар кечмаган? Бирда «Боғи эрам»да, бирда «шаршара» қасрининг энг хилват хоналарида қанақа базми-жамшидлар қуришмаганди улар?.. Майли, энди бу гаплардан фойда йўқ. Пулларни ёқишдан ҳам, нарсаларни яширишдан ҳам фойда йўқ! Билъакс, оғайниси берган маслаҳатнинг аксини қилиш керак!»

Яхшиям, Клара Жамоловна бор экан, бир лаҳза бўлса ҳам ором олди. Музаффар қудағайи билан хайрлашар (кўнглида эса видолашар) экан, унга папкасидаги тахи бузилмаган кўк қоғозлардан биттасини бергиси ҳам келди, бироқ бир нарса уни тутиб қолди: у энди ноҳалол пул кишига бахт эмас, бахтсизлик келтиришига амин эди!..

Музаффарнинг хаёлини шофёрнинг:

— Идорага келдик, хўжайин! Нима қилай? — деган саволи бўлди.

— Ҳайдайвер! — деди Музаффар. — Тўхтамай ҳайдайвер!

— Қаёққа?

— Қаёққа бўлса ҳам ҳайдайвер! — деди Музаффар ва шофёрининг «соғми бу одам» деб, қайрилиб қараганини кўриб, қўшимча қилди. — Тоққа! Тоққа қараб, суравер, оғайни!..

Музаффар дераза ойнасини тушириб, кўксини муздай шабадага тутди. Янги ой уфқдаги қорамтир чўққилар устида, худди чархланган ўроқнинг тиғидек ялтиллаб турар, худди ёздагидай булутсиз, тиниқ осмон

юлдузларга тўлиб кетганди. Олдинда, катта йўлнинг ўнг томонида, нимадир муаззам дахмадай қорайиб турарди. Ёдгорлик! Расулнинг куёви Беҳзод Нусратов барпо қилган ёдгорлик!

— Тўхта, ука!

Шитоб билан учиб кетаётган «Волга» тормознинг зўридан қаттиқ зорланиб, ёдгорликдан беш-ўн қадам ўтиб тўхтади.

Музаффар эшикни шарақлатиб очиб, ерга тушди.

— Тошкентдаги Расул деган оғайнимнинг уйини биласан-а?

— Қайси Расул? Анов камгап профессорми?

— Уша! Мана бу хатни эрталаб ўшанга етказасан!

— Сиз-чи?

— Мен билан ишинг бўлмасин! Бу ёғига ўзим пиёда кетаман. Хатни топширгину, эрталаб идорага келавер. Хўп, укажон!.. — у: «қилган хизматларинг учун раҳмат, мендан ўтган бўлса кечир, ука!» дегиси келди-ю, ҳаяжонини билдириб кўйишдан чўчиди...

У, ҳайратга тушган шофёри машинасини буриб, узоқлашиб кетгунча орқасидан қараб турди, сўнг ёдгорлик зинасининг пиллапояларидан бир-бир босиб, юқорилади.

Монументга ёпилган брезентни биров очишга уринганми ё шамол жойидан кўзгатганми, ҳойнаҳой, у бир томонга оғиб, ёдгорлик очилиб қолган. Серюлдуз ойдин кечада монументга ўйилган сиймолар, аллақандай юракни «жиз» эттирувчи бир сеҳр касб этган. Мана, ўртада ўқ еб йиқилаётган солдат, мана, уни ушлаб қолиш умидида ўғли томон жонжаҳди билан талпинган онаизор, унинг атрофида эса бири тизза букиб, бири қўл чўзиб фарёд чекаётган ёш жувонлар, опа-сингиллар!..

Во дариг! Музаффар бу йўлдан шунча юриб, бирор марта бу ёдгорликка синчиклаб қарамаган экан! Ахир, ўқ еб қулаётган манави солдат падари бузрукворининг баайни ўзи-ку? Унга талпинган она — ўз онаси, ер ўпиб гирия қилаётган ёш жувонлар эса ёшлигида кўрган, қорахат олганларида юзларини тирнаб, сочларини юлиб, фарёд чеккан таниш қиз-жувонлар-ку!.. Булар-ку, ёш жувонлар экан. Музаффарнинг ўзи урушнинг иккинчи йили отасидан қорахат келганида, онаизорининг тиззаларини кучиб, доду фарёд чекмаганмиди? Марҳум волидасини юпатаман деб, аммо юпатиш ўрнига унга қўшилиб неча марта кўкка нола қилмаганмиди?

Епирай! У ҳам, Музаффар ҳам, ёшлигида мана шу ўқ еб йиқилаётган йигитдай пок, ҳалол, жисми ночор бўлса ҳам, кўнгли беғубор бир ўспирин эмасмиди? Ойсулвга ошиқ бўлиб, унга пинҳона шеърлар ёзиб юргувчи, Шоввоздан ҳам соддароқ бир йигитча эмасмиди у ўша пайтларда? Қачон янглишди? Қачон бу ноҳалол боши берк йўлга тушиб қолди? Бундан кўра, Хинган тоғларида яшириниб ётган самурайлар полки ногаҳон даралар ичидан отилиб чиқиб, уларни ўққа тутганида... ўнларча солдатларни қийратган битта ўқ нега унга тегмади? Нега унинг кўксини тешиб ўтиб, мана шу навқирон солдатдай чалқанча йиқитмади! Шунда унинг қисмати ҳозирги қисматидан минг марта яхши бўлмасмиди? Жилла қурса, номи қишлоқдаги урушда ҳалок бўлган марди майдонлар қаторидан жой олмасмиди? Ўз падари бузрукворининг номи ёнида турмасмиди унинг номи ҳам? Фарзандлари бўлмаса, жилла қурса жиянлари ўқиб, тоғамиз урушда, самурайларга қарши жангу жадалда мардона ҳалок бўлган, деб ифтихор қилиб юришмасмиди? Энди унинг исми, нафс балосига йўлиқиб, Гоби чўлларида уни опичлаб олиб ўтган ўз дўстига хиёнат қилган бир нопокнинг номи қаерга ёзилади?.. Номингни бадном қилувчи қоғозларни ёқ эмиш! Ўғирлик пулларинг ва йиққан олтин буюмларингни тезроқ гумдон қил эмиш! Йўк, Музаффар бунинг батамом тескарисини қилади! Ноҳалол йўллар билан топган ҳамма пуллари, «Даштстрой»да қилинган ҳамма қинғир ишларни фош этувчи барча ҳужжатларини унинг ўзи, ўз қўли билан олиб бориб топширади! Йўк, у бу ишларни ўзини оқлаш ёхуд енгиллик олиш учун эмас, ўз ёшлигини эслатган мана шу солдат хотираси ҳурмати, онаизорини ёдига туширган мана шу мушфиқ кампир хотираси ҳурмати шу ишни қилади!

Онажон! Умрининг ибтидосини яхши бошлаб, интиҳосини ёмон

тугатган ношуд фарзандингизни кечиринг! На чора? Берган сутингизни оқлай олмадим, онажон! Аммо... жила курса, мана ҳозир, пойингизга тиз чўкиб ичган қасамимни, сизга берган сўнги ваъдаларимни ниҳоясига етказай, шунга мадад беринг, онажон! Биламан, сиз онасиз, ҳатто мендай юзи қора, гуноҳкор ўғлингизни ҳам кечирасиз. Мен бадбахт эсам... сизга «алвидо»дан бошқа айтадиган сўзим йўқ, фақат оғир, аммо оғир бўлса ҳам қилган хиёнатларимни бўйнимга олишга жазм этдим. Бунга ҳали журъат керак! Менга жиндек мадад беринг, онажон, мадад беринг!

## ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ БОБ

**Р**асул Нуриддинов Белобородовнинг қабулига бораркан, гўё ёмон туш кўриб, уни хаёлидан даф этолмаган одамдек, Музаффар Фармоновнинг хатини кўнглидан ҳеч даф этолмас, дилини чулғаб олган ҳаяжон аралаш маҳзун бир туйғудан қутула олмас эди.

Қишлоқдаги «жангу жадал»дан кейин у Музаффардан ҳар нарсани кутса ҳам, бу йўсин мактубни кутмаган эди. Чамаси бу хатга фақат ўғлининг қамалишигина эмас, яна аллақандай ҳадик-хавотир сабаб бўлган, балки, у мудҳиш бир хатарнинг шабадасини сезган. Бироқ ундай деса... куни кеча қишлоқда кўришган Музаффар батамом бошқа одам эди-ку! Унинг кажбахс, қайсар важоҳатида, осмондан келиб гапирган гапларида бу хатнинг садоси уёқда турсин, ҳатто ночоргина шабадаси ҳам сезилмас эди-ку! Ё Музаффарнинг ўшандаги тагдор заҳархандасию, такаббуруна муомаласи қафасга тушган ярадор бўрининг сўнги талвасаси бўлгану, Расул, аччиқ устида буни пайқамаганмикин?

Ким билсин, эҳтимол Расул ўшанда Музаффар билан ўчакишмай унинг забун аҳволига тушунишга уриниб, ўзини сал вазмин тутганида, балки у ҳам одамга ўхшаб ёрилармиди, дарду дунёсини очиб ҳасратлашармиди?

Расул Нуриддинов дам шундай ўйларга борар, дам бу фикрларни рад этиб:

«Йўқ, Расул! — дерди ўзига ўзи. — Сен ҳозир ўз виждонинг эмас, барча зиёлиларга юққан ночор раҳмдиллик касалига бўйсуниб гапиряпсан бу гапларни! Халқнинг ярим миллион сўмлик бойлигини ўмариб, Шоввоздай ҳалол одамларни хор қилиб юрган бу нопокларга шафқат қилишни ўйлаш ўзи гуноҳи азим эмасми?» — дерди Расул ўзини ўзи койиб. Аммо...

Ёпирай! «Бу хатни олгандан кейин мени излаб юрма! Тополмайсан!» дегани нима дегани? Жонимга қасд қиламан деганими ё тегишли идораларга ўз ихтиёрим билан бош эгиб бораман деганими?..»

Шу маъхум гап туфайлими ё «Халқ контроли комитети», деган сўзларнинг ўқтам руҳи сабабми, Расул дилидаги ғулувни ҳеч боса олмас эди. У серфайз, сердарахт кўчанинг шундоқ юзига жойлашган оппоқ муаззам бинога яқинлашиб, эшик олдида турган ўнларча оқ, кўк, қора, ҳаворанг «Волга»лар ёнидан ўтаётганида, тўсатдан бинодан чиқаётган Мардон Зокировга кўзи тушди. Зокиров ҳам уни кўриб бир он тўхтади, сўнг, бошидаги кулранг шляпасини кўтариб, жингалак сочли хумдай бошини тавозе билан эгди:

— Раҳмат, устод! Бошқа идораларга ёзганингизда, ҳурматингизни қилиб, мум тишлаган эдик, бу маҳқамага ҳам ёзибсиз. — Тўсатдан унинг овози дарз кетиб, лаблари аянчли титради:

— Нима ҳам деймиз? Яна ёзинг, яна бошимизга мағзава тўкаверинг! Даврингиз кепти — ҳамманинг устига чиқиб тепаверинг, устод, ҳамманинг юзига қора бўёқ чаплайверинг, чаплайверинг!

Мардон Зокиров шундай деди-да, токи Расул ҳушига келиб, жавоб бергунча, шоша-пиша машинасига ўтириб, унинг ёнидан ғизиллаб ўтиб кетди. Утаётганида Расул унинг ҳамон лаблари титраб, «қулт» этиб ютинганини кўрди-ю, бир зум лол бўлиб қолди: ё алҳазар! Бунга нима бўлган? Ҳеч қачон, ҳеч кимга бош эгмаган, ўзини санъат соҳасининг пири



муршидларидан бири деб билган бу одам нечун бу ночор аҳволга тушиб қолди? Ё зоҳиран забун, ботинан унинг устидан юмалоқ хат ташкил қилиб юрганмикин?

Расул Нуриддинов кўкрагининг чап томони қаттиқ санчиганини сезиб, зина олдида беихтиёр тўхтади, сўнг, уни кутиб ўтирган Иван Харитонович ёдига тушиб: «Қойил, сендай адолат учун курашчига!» деб, ичида бир кулиб кўйди-да, мрамар пиллапоялардан аста кўтарила бошлади.

Яхшиям, Иван Харитоновичнинг кабинети биринчи қаватда жойлашган.

Қабулхонада одам кўп эди, бироқ, чамаси Белобородов секретарь қизга тайинлаб қўйган бўлса керак, Расул ўзини таништириши билан дарҳол ичкарига кириб кетди. Сал ўтмай кабинетдан юзлари ҳаммомдан чиққандай бўғриқиб кетган бир одам чиқди. Кейин секретарь қиз кўринди. У қабулхонада навбат кутиб ўтирганлардан узр сўраб, Расулга ўгирилди:

— Марҳамат. Сиз кирар экансиз, ўртоқ Нуриддинов.

Иван Харитонович «Т» ҳарфи шаклидаги узун ялтироқ столнинг — ҳозир столларга мовут ёпиш расм эмас! — тўрида, нияшиил дарпарда тутилган дераза олдида типпа-тик турарди. Унинг эғнида оҳори тўкилмаган оқ кўйлак ва қизил йўл-йўл қора костюм, оёғида пошнаси баланд қора туфли, бўйнида чиройли гулдор галстук, оқи сезилмайдиган қалин малларанг сочлари ҳурпайган, шунинг учунми, бошқами, у тунов кунни шифохонада забун аҳволда ётган жиккаккина, бемажолгина қария эмас, зуваласи пишиқ, чайир бир спортчини эслатар, фақат кўкимтир кўзлари ҳамон ўша кунгидай хира, ҳорғин боқарди.

— Ке, Расул, — Иван Харитонович узун қоқсуяк қўлини узатиб кўришди-да, чарм ёстиқ қўйилган диванга чўкиб, ёнидан жой кўрсатди.

— Утир. Хўш? Ишлар қалай?

— Ўзингиз тузукмисиз, кўринишингиз яхши, Иван Харитонович! Белобородовнинг лунжлари ичига ботиб кетган сўлғин юзига билинар-билимас қизиллик югурди.

— Ҳа, ўзбеклар айтгандай, сирти ялтироқ, ичи қалтироқлардан бўп қолдик. Қуруқ тасалли бериб нима қиласан, Расул? Ундан кўра уёқдаги гаплардан гапир! Узукни қайтариб бердингми?

— Қайтариб бердим.

— Нима дейди?

Расул индамай ён чўнтагидан Музаффарнинг тўрт букланган мактубини олиб, унга узатди.

— Ўзбекча ўқий оларсиз, агар ўқий олмасангиз...

Иван Харитонович унга жавоб бермай, тилла бандли кўзойнагини тақди-да, хатни очди.

Расул ундан нигоҳини узмай, зимдан кузатиб ўтирди.

Иван Харитонович хатни ўқиб чиққач, бошини осилтирганича узоқ хаёлга толди. Унинг ияги олдинга туртиб чиққан рангпар юзи мумдек заҳил тортиб, пешонасидаги ажинлари қуюқлашди.

— Қачон олдинг бу хатни?

— Шу бугун эрталаб, Иван Харитонович!

— Ўзи опкелдими ё...

— Шофёридан бериб юборибди.

Белобородов лом-мим демай, телефон трубкасини олиб, қаёққадир телефон қилди-да, Музаффарни сўради. Гарчи унинг гаплари, «ҳмм», «ҳа», деган мавҳум хитоблардан нари ўтмаса ҳам, Расул Нуриддинов Музаффарнинг тегишли жойларга бош эгиб борганини тушунди, тушунди-ю, негадир елкасидаги бир қоп юқдан қутулган одамдай «уф», деб юборди.

Белобородов трубкани жойига қўйиб, аста ўрнидан турди, худди кетмон чопиб, силласи қуриган одамдай, бир-бир босиб дераза олдида борди-да, миқ этмай яна узоқ турди. Ниҳоят, унинг бўғиқ, аллақандай дардли овози эшитилди:

— Нима ҳам дейиш мумкин бунга? Ҳар қалай, шу вазиятда, менингча, бирдан-бир тўғри йўлни танлабди у!

Расул беихтиёр ўрнидан туриб кетди.

— Тўғриликка тўғри-ку, аммо...

— Нима аммо?

— Нима бўлгандаям... Юрагинг ачир экансан киши... Биз... бир қишлоқда бирга ўсганмиз!..

Белобородов чўрт бурилиб қаради. Унинг нурсизгина кўзлари қисилиб, мумдай сарғиш юзлари бўғриқиб кетди.

— Бирга ўсган бўлсалар... илгари қаерда эдилар? Бу одам, ўзи иқроор бўлгандек, ҳассасини йўқотиб, боши берк кўчага кириб қолганида нега кўлидан ушлаб, тўғри йўлга чиқазиб қўймадилар?

Расул унинг тўсатдан чарақлаб кетган мовий кўзларидан нигоҳини олиб қочди.

— Бу гапингиз тўғри, Иван Харитонович. Аммо...

— Нима аммо? — деди Белобородов, заҳил юзи қайта унниқиб. — Ё қил ўтмас қадрдонинг халқнинг ярим миллион сўмини ўмарса, виждонсиз фарзанди эса... Шоввоздай лафзи ҳалол меҳнаткаш одамларни оёқ ости қилиб, хорлаб юрсаю, сен билан мен бу корчалонларга раҳмдиллик кўрсатиб, каттароқ жиноятларга йўл очиб берайликми?

Расулнинг ҳайратдан кўзлари катта очилганди.

— Сиз... Шоввозга қилган адолатсизликларини кимдан эшитдингиз? — деб юборди. Белобородовниг юпқа лабларида кинояли табассум жилва қилди.

— Шуниям билмасак, биз нима қилиб ўтирибмиз бу идорада? — Иван Харитонович тинкаси қуригандай ўзини дераза ёнидаги чарм диванга ташлади-да, кўзларини юмди. У шу ҳолда бир тутамгина бўлиб, ночор, хорғин алпозда узоқ ўтирди, сўнг, худди хаёлан ким биландир баҳслашаётгандай, аста-аста, тўхтаб-тўхтаб, гап бошлади:

— Албатта, мен сенинг юрагингдаги ғалаёнга тушуниб турибман. Сен у билан бирга ўсгансан, бирга урушда бўлгансан! Ҳаммасини биламан. Ахир у ҳам бир маҳаллар қўлимда солдат бўлиб хизмат қилган эмасми, менинг ҳам жоним ачийди у аҳмоққа! Аммо... — Иван Харитонович бошини сарак-сарак қилиб, қаттиқ уф тортди. — Аммо на чора? Ҳозир Музаффар Фармондай ноҳалол, нопок одамларга раҳм-шафқат қилиш — бу инсофу адолат учун диёримизда бошланган улкан курашга қарши бориш билан баробар бўлур эди!.. Ё нотўғримми?

Расулнинг тўсатдан силласи қуриб, ўзини рўпарадаги креслога ташлади.

— Тўғри, Иван Харитонович. Мен шунчаки...

— Йўқ, — деди Белобородов кутилмаган бир дағдаға билан. — Шунчаки, пунчаки деган гап бўлиши мумкин эмас бу масалада! Ахир ўзинг йўлаб кўр, Расул! Сўнгги ўн-ўн беш йилда ҳаётда нималар қилмади бу Фармоновлар? Ярим миллион сўмлик бу олтину жавоҳирларни қаёқдан олган бу туллак! Шўрлик пахтакорнинг пешона тери билан топган пули ҳисобига орттирган бойлик эмасми бу бойлик?..

— Тўғри...

— Тўғри дейсану, аммо раҳмдиллик қиласан!.. Қилган ўғриликларини, ўмарган бойликларини ҳам кўйиб турайлик! — деди Белобородов, ҳансираб. — Ҳамма ишда валютаристик йўл тутиб, ерга, тупроққа, табиатга келтирган зарарлари-чи? Бажарилмаган ишларни бажарилди деб, давлатнинг миллион-миллион сўм пулларини кўкка кулдай совурганлари-чи?.. Тагин нима мақсадда де? Фақат битта мақсадда — олий мукофотла-ру, сохта шон-шўхрат ортириш ниятида қилишган бу ишларни!

Собиқ комбатнинг заҳил юзлари ловуллаб, қўллари дир-дир титраганини кўрган Расул, шоша-пиша унга графиндан сув қуйиб берди.

— Мен ҳамма гапингизга қўшиламан, Иван Харитонович. Фақат...

— Нима фақат? — деди Белобородов, урушқоқ хўроздай кекирдаги-ни чўзиб.

— Элимиз номига, нима десам бўлади, бир оз иснод...

— Нима, нима? — деди Белобородов, унинг сўзини бўлиб. — Қанақа иснод ҳақида гапираяпсан? Эл-юртга нима даҳли бор Фармоновдек

виждонини жиғилдонига урган лўттибозларнинг? Кап-катта зиёли одам... Қаёқдаги обивателларнинг гапини гапирасан!

Расул, нима деётганини билмай, бир нималар деб ёўлдиради.

— Иснод эмиш! — заҳарханда қилди Белобородов. — Агар истасанг, бутун умри шу ер, шу ўлкада ўтган оддий бир рус зиёлиси сифатида айтиб қўяй сенга: мен ўзбек деҳқони олдида ҳамиша бош эгиб келганман. Хануз бош эгаман! Чунки биламан: пахтакор меҳнатидай оғир меҳнат йўқ дунёда! Шундоқ экан халқ, умри далада кетмон чопиб ўтаётган халқ, кўнгли пок, дили пок меҳнат аҳлининг дахли йўқ бу ишларга. Улар жавоб бермайди инсофу адолатни унутган бу олғирлар учун!

Расул негадир, эҳтимол Белобородовнинг гаплари унинг ўз ўйларига ҳамоҳанг келгани учундир, тўсатдан томоғи ғип бўғилиб:

— Раҳмат Сизга, Иван Харитонович! — деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.

Белобородов унга ялт этиб қаради-да, қовоғини уйиб:

— Албатта, — деди, — покланиш учун бошланган бу кураш осон кўчмайди... Ҳали кўп қийинчиликлар турипти олдимизда. Фармоновлар ҳам қараб ётмайди. — Белобородовнинг лабларига яна бояги кинояли табассум югуриб, мовий кўзларида шўх учқунлар жилва қилди:

— Мана, ўзларининг устидан ҳам бир даста юмалоқ хат тушди!..

Расулнинг кўз олдига лоп этиб пастда кўрган Мардон Зокиров келди. Хаёлида: «ўша ифвогарнинг иши!» деган гап чақмоқдай чақнади. Лекин унда... агар юмалоқ хатни у ёзган бўлса, нега боя ўксиб гапирди? Нега йиғлаб юборгудек бўлиб, «култ» этиб ютинди.

Расул буни гапириб берган эди, Белобородов:

— Шунга ҳам ақли етмадиларми, ўртоқ профессор? — деб кулди. — Хатарнинг олдини олиш учун келган-да, у тулки. Гап шундаки, сенинг юқори ташкилотга ёзган хатинг айланиб-айланиб, ахир пировардида бизга келди!

— Э, шунақами? — деб юборди Расул.

Белобородов, нимжон кўкрагини аста силаганича жойига ўтиб ўтирди.

— Аммо, тўғриси айтсам, сенга ҳам ҳайронман Расул!

— Нега, Иван Харитонович?

— Негаки... монументал санъат соҳасига шундай ноҳалол одамлар бош суқиб олишган экан, шундай юлғичликлар бўлаётган экан, нега тунов куни борганингда менга бир оғиз бир нима демардинг?

Расул хижолат чекиб, пешонасини ишқади.

— Мен борган куни сиз... бу гапларни эшитадиган аҳволда эмас эдингиз-да, Иван Харитонович!

— Қойил! Бундан чиқди... Каминадан батамом умидини узиб, қўл-силтаб қўйган эканлар-да, Расул!

— Йўқ-йўқ...

— Майли, гап унда эмас, — деди Белобородов, дарҳол жиддийлашиб. — Умуман олганда, биз ҳам бу соҳада бўлаётган қинғир ишлардан, чин санъаткорлар қолиб кетиб, колхоз-совхозларнинг миллион-миллион маблағларини қаёқдаги қаланғи-қасанғи халтурачилар жиғилдонларига уриб кетаётганидан озми, кўпми — бохабар эдик. Аммо, сенинг хатинг масалага жуда катта аниқлик киритди, раҳмат, азизим! Лекин... — Белобородов бир қултум сув ичиб, «пиқ» этиб бир кулиб қўйди. — Хатинг ҳам келди, кетидан устингдан ёзилган юмалоқ хатлар ҳам ёмғирдек ёғилиб кетди! — Иван Харитонович, лабида ҳамон ўша шўх табассум, ўзича кулимсираб ўтирарди.

— Биз ўйлаб-ўйлаб шундай қарорга келдик. Расул: халқ контроли комитети бу масала юзасидан катта комиссия тузади. Комиссияга... ўзинг раис бўласан, Расул!

Нуриддинов пичингдан ўзини тутолмади.

— Каминанинг устидан тушган юмалоқ хатлар-чи? Улар нима бўлади?

— Хотиринг жам бўлсин — улар ҳам текширилади!

— Бундан чиқди, камина... ҳам сохта санъаткорларни тафтиш қиламан, ҳам бу корчалонларнинг сўроғига жавоб бераман!

— Ҳа, чамаси шундай бўлади!

— Иван Харитонович! — ўрнидан туриб кетган Расул силласи қуриб, қайта чарм креслога чўкди. — Мени шу ишдан озод қилинг, илтимос! Белобородов ялт этиб қаради. Унинг касалманд, заҳил юзида аллақандай шафқатсиз, кескин бир ифода зухур бўлди:

— Нега? Ё юмалоқ хатларда ёзилган гаплардан қўрқадиган жойинг борми?

Белобородовнинг заҳархандаси Расулга қаттиқ тегди-ю, бир сапчиб тушди.

— Гап менинг қўрқиш-қўрқмаслигимда эмас, Иван Харитонович!

— Нимада бўлмаса?

— Ахир бу ноҳақ бўҳтонлар, бу ифлос юмалоқ хатлар, бировларнинг нопок қўллари билан уюштирилган бу иғволарга чек қўйиладими, йўқми? Қачонгача давом этади бу тухматлар?

— Токи сену биз бу ишларнинг тагига етмагунимизча, сарагини саракка, пучагини пучакка чиқармагунимизча!

Расул Нуриддинов азбаройи дуди кўкка чиқиб:

— Ахир... ўз соҳамда адолат қиламан деб юрганлардан биттаси мен шўрлик бўлсам... қанақа қилиб сарагини саракка, пучагини пучакка чиқараман? Қачонки, ўзим бу тубан иғвогарлар олдида жавоб берсам? Инсонга, ҳалол одамларга ишонадиган кун келадими ё?..

Белобородов Расулнинг елкаларига қўлини қўйди, кўзига синовчан тикилиб:

— Мен сенга ҳайронман, Расул! — деб кулди.

— Нега?

— Негаки... сенинг устингдан ёзилган шунча имзоли ва имзосиз хатларга қарамасдан, сени республика миқёсидаги катта комиссияга раис қилишимизнинг ўзи — сенга билдирилган ишонч эмасми, азизим?

Расул уф тортиб, бошини қашиди.

— Ишонч бўлса ишончдир, аммо...

— Аммосига ўтма! Агар менга ишонсанг, агар мени ҳурмат қилсанг — у ёғига ўтмай, бизнинг қароримизга рози бўлавер, Расул!

Расул собиқ комбатининг хиёл маъюс ҳорғин кўзларига дош беролмай, ерга қаради.

— Майли! Мен-ку, рози бўлай. Аммо сиз ҳам бир нарсани билиб қўйинг, Иван Харитонович?

— Хўш?

— Агар мен... сиз айтган комиссияга раис бўлсам... сизнинг устингиздан ҳам юмалоқ хат тушади!

— Гўё мен буни билмайман!

Белобородов тўсатдан қаҳқаҳ отиб кулди, сўнг:

— Қачон кўрамиз? — деб сўради.

Нуриддинов унга савол назари билан қаради:

— Нимани?

— Куёвинг яратган монументни... Қачон кўрамиз?

Расул бирдан кўнгли сув ичгандай равшан тортиб:

— Сиз қачон десангиз — шунда! — деди.

— Бўлмаса, эрта-индин хабар бераман. Бу диққинафас кабинетдан чиқиб, даштларни айланиб, бир яйраб келайлик! — Белобородов шундай деб, қўлини узатди:

— Хўп, кўришгунча, Расул!

## ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ БОБ

**Б**угун Мардон Зокировнинг пойга ўйнаса бўладиган кенг, баҳаво устахонаси ҳайкалтарош ва рассомнинг ишхонасидан кўра азиз меҳмонлар кутйлаётган серфайз меҳмонхонани эслатарди. Одатда, устахонада бетартиб қалашиб ётадиган суратлар, битган ва битмаган ҳайкал ва ҳайкалчалар, махсус келтирилган лой, мрамор, цемент

ва буюқлар, ўртада турадиган катта мураккаб дастгоҳ, чарчаганда ором оладиган махсус креслолар — ҳаммаси қўшни хоналарга кўчирилган, ерга новвотранг хорижий ипак полос тўшалиб, ўртага қўшма стол қўйилган, стол атрофига қимматбаҳо юмшоқ стуллар терилган, деразаларга тутилган нимсариқ ҳарир дарпардалар эса бу шинам меҳмонхонани куз офтобининг майин тилларанг жилоси билан йўғирган.

Сахий дастурхон: чинни лаганларга терилган чойнакдай-чойнакдай анорлар, олтиндай товланган нок, беҳи ва уларнинг устидаги ҳусайни ва қора чарослар шундай назокат билан ясатилганки, эшикдан кирган кишига дабдурустдан гениал бир натюрмортни эслатади.

Тўрдаги ҳаворанг хитой гилами тўшалган диванда ғаройиб суратли ипак пижама кийган Ҳалим Салимович ёнидаги пиёз пўстидай нозик ликопчадан писта олиб чаққанича, узала тушиб китоб кўриб ётибди.

Хонада ундан бошқа ҳеч ким йўқ. Жимжит. Фақат бурчакдаги япон магнитофонидан аллақандай йироқ, нотаниш элларнинг нотаниш, бироқ дилни қитиқловчи ғаройиб куйлари оҳиста қўйилмоқда. Бу ерда ҳамма нарса — деворларга осилган ноёб сопол лаган ва лаганчалару ерга тўшалган нимяшил хорижий полослардан тортиб, столдаги гениал натюрмортни эслатувчи нозу неъматлар ва магнитофондан секин қўйилаётган ғаройиб куйгача, қўйингки, ҳамма нарса илҳом ва ижод учун яратилган, шундай яратилганки, буни бунёд этган санъаткорга ҳеч қандай истеъдод ва туртки шарт эмас, илҳом париси ўзи учиб келаверади, келаверади.

Чап қўлдаги қандайдир антиқа мато билан қопланган эшик очилиб икки қўлида икки лаган газак, Мардон Зокиров кўринди. У қадрдон оғайниси Ҳалим Салимовичдан фарқли ўлароқ, четларига генералларнинг «лампас»ли либосларини эслатувчи қизил мато тикилган спортча кийим кийган, кийгану, бақалоқ, миқти одам, худди курашга шайланган самбочи паҳлавонга ўхшаб қолган.

Мардон Зокиров эшикда тўхтаб, норози овозда пўнғиллади:

— Нима бало, ҳалиям дарак йўқми хўжайиндан?

Ҳалим Салимович «момақалдироқ»нинг норози қалдираган овозидан «дик» этиб тушди-да, офтобда тарашадай қотган дароз қаддини ростлади.

— Йўқ!

— Телефон-пелефон ҳам қилмадиларми?

— Йўқ! — деди Ҳалим ширин сал ғилай кўзлари аллақандай тараддуд билан мўлтираб. — Чамаси бугун келмайди-ёв, «шеф»имиз!

— Сабаб?

— Сабаби... Шерзод Комилов сен билан мендай содда, анойи одам эмас, оғайни!..

Мардон Зокиров — қўлларидаги газак тўла лаганларни столга тарақлатиб қўйди.

— Гапингга тушунмадим, оғайни?

— Нимасига тушунмайсан, биродар? «Шеф» ҳозир ғалаба нишаби қайси томонга қараб кетганини яхши билиб турибди! Агарчанд, зафар нишаби биз томонга тўғриланганда эди... ана унда ҳозир тўрингда ўтирган бўларди! — Ҳалим Салимович бошини ликиллатиб, ғалати ишшайиб қўйди.

Мардон Зокиров «натюрморт» ўртасидаги тўрт қиррали нозик шишалардан бирини олиб, пиёлани тўлдириб қўйди-да, бир кўтаришда бўшатиб, столга «тақ» этказиб қўйди, сўнг, лабларини ҳўзур билан силаркан:

— Қани, келмасдан кўрсин-чи? — деб дўриллади. — Ҳамма балони бошлаган — ўша! Рақиби Беҳзод Нусратовга қарши биз гўлларни қайраган ким? Мана шу ичиқора... устаси фаранг Шерзод Комилов! Қани энди ўзини панага уриб кўрсинчи, устидан шундай бир юмалоқ хат битайликки, сичқоннинг ини минг танга бўлсин! Фактлар қалашиб ётибди!

Соғлиғини ниҳоятда қадрлаб, ўз ибораси билан айтганда, «ўтқир суюқликлар»дан қочиб, фақат майин ичимликлар истеъмол қиладиган Ҳалим Салимович, пахта гулли пиёлага шарбат қўйиб, хўпларкан:

— Шу юмалоқ хатларга ҳам ишонмай кўйдим, биродар, — деди хўрсиниб. — Ё биз бу ишни кеч бошладик, ё ҳозир бу ишга эътибор сусайди!..

— Йўқ! — деди Мардон Зокиров ишонч билан. — Ҳали фурсат бор...

— Фурсат бор бўлса... оқибати қани? Юмалоғиниям ёздик, беюмалоғиниям! Қани бирор бир натижаси? Ёзавериб, ёзавериб бир кун лаққа балиқдай қармоққа илиниб, номимиз ифвогар бўп қолмаса деб қўрқаяпман!

— Чап қўлинг соғми ишқилиб? — хандон уриб кулди Мардон Зокиров. — Чап қўлинг соғ бўлса... мингта экспертизаси ўтаверсин! Ҳаёт курашдан иборат деган, донолар. Курашмасанг, бошингга чиқиб кетса булар!

Ҳалим Салимович чўғир қовунга ўхшаш узун, туксиз калласини силаб, чуқур «уф» тортди.

— Кошкийди, бу бош иккита бўлса...

— Э, шу юрак билан ҳали Расул Нуриддиновни йиқитаман, деб юрибсанми? — деди Зокиров, зардаси қайнаб. — Ё докторлик диссертациянгни ёқлаганингда нималар дегани эсингдан чиқдимми? Агар ўша ҳасадгўй, сохта буюк олим бўлмаганида, сен аллақачон академик бўп кетардинг, биродар! Ёдингда бўлсин: фақат ўзим бўлай, фақат ўзим кўкарай дейдиган бу худбин профессор тирик экан, косамиз оқармайди ҳеч қачон. Ё нотўғрими гапим?

— Тўғрилиқка тўғрику-я! Бироқ, қасдига олиб, анов комитетда оғайниси борлигини айтмайсанми!..

— Уни оғайниси бўлса, каминани ҳам оғайним бор ўша комитетда! — деди Мардон Зокиров ва бирдан овозини пасайтириб, шивирлади:

— Лозим бўлса, бу нопокка қўшиб ўша мансабдор оғайнисини ҳам ёзамиз! Чап қўлинг омон бўлсин ишқилиб!

Ҳалим Салимович, нимадандир сесканиб, чап қўлини ушлаб-ушлаб кўрди-да, негадир бўшашиб, диванга чўкди.

— Оғайниси ҳам фаришта эмасдир, ахир! Уни ҳам нозик жойидан ушлайдиган фактларни қидирамиз. Қидирсак топилади! — Мардон Зокиров аллақандай жўшиб, яна тўрт қиррали нозик шишага қўл чўзди. Бироқ шу пайт эшик аста, журъатсизгина тикиллаб қолди.

Зокиров қўлини худди чаёндан тортиб олгандай, шишадан тортиб олди:

— Ким у?

— Мумкинми? — эшик очилиб, остонада Шерзод Комилов кўринди.

— Э... азизим! — Зокиров хандон-хушон жилмайиб, меҳмоннинг истиқболига шошилди. — Пешиндан бери йўлларига тикилавериб, кўзимиз тешилиб кетди-ку, укажон? Қани, қани, юқори ўтсинлар!..

Шерзод Комилов, эгнида ўзига ярашган погонли яшил плашч, бошида сувсар мўйнасидан ўхшатиб пилотка шаклида тикилган телпак, остонада кирсамми, кирмасамми дегандай, аллақандай иккиланиб тўхтади. Мардон Зокиров, калтабақай миқти гавдасига зид бир чаққонлик билан пилдираб бориб, унинг плашчига қўл чўзди:

— Қани, қани, ечинсинлар, Шерзоджон! Қадамларига ҳасанот! Мана, пешиндан бери қозонга гурунчни солмай, маҳтал бўлиб ўтирибмиз, ука!..

Шерзод Комилов гўё кимнидир ахтараётгандай, серҳашам устахонани синчковлик билан кўздан кечириб чиқди, аммо на жойидан жилди, на сувсар телпагини, на плашчини ечди. Буни кўрган Ҳалим Салимович аллақандай ҳадиксираб, оғайниси Мардон Зокировга қаради, сўнг бирдан овози дарз кетиб:

— Сизга нима бўлди, Шерзоджон? — деди ўқсиб. — Ахир, жиллақурса ечининг...

— Йўқ, раҳмат, — деди Шерзод совуққина. — Мен бир жойга шошиб турибман, узр.

Мардон Зокиров кифтини асабий учирди:

— Бундан бошқа яна қанақа жой? Ахир, кеча ётиб бир чақчақлаша-

миз, дардлашамиз, деб аҳдлашиб қўйган эдик-ку, укажон? Бир ёқда ош, бир ёқда кабоб!..

Шерзод Комилов икки қўлини кўксига қўйиб, гуноҳкорона таъзим қилди:

— Раҳмат, раҳмат. Ош бўлса кўп еганмиз, кўп меҳмон бўлганмиз бу табаррук уйда...

Мардон Зокиров гўё эндигина катта, мудҳиш ҳақиқатни англаб етгандай, ранги ўчиб:

— Хўп, ошга-ку иштаҳалари йўқ экан, иш-чи? — деб сўради. — Иш нима бўлади?

Шерзод Комиловнинг мулойим қўй кўзлари маъсум жавдиради:

— Қанақа иш?

— Ие, буниси қизиқ бўлди-ку? — Мардон Зокиров кифтини асабий учуриб, оғайниси Ҳалим Салимовичга қаради, у эса: «Ҳа, боя мен сенга нима дегандим?» — деган маънода чўғир бошини ликиллади.

— Ахир... бугунги йиғилишимиздан мақсад — сизу бизни камситиб, ҳаммани ерга ураётган анов... ифвогар Расул Нуриддиновнинг устидан бамаслаҳат жиддий бир хат ёзиш эмасмиди? Ё собиқ устозлари томон оғмоқ истаги пайдо бўлдимиз азизимда?

Шерзод сувсар телпагини бошидан олиб қоп-қора, силлиқ сочларини силаганича ер остидан бир Мардон Зокировга, бир Ҳалим Салимовичга тикилиб қаради, гўё бу икки оғайнини умрида биринчи марта кўраётгандай, тешиб юборгудай қадалиб қаради, сўнг, кўзлари яна боягидай ғамгин жавдираб:

— Кераги йўқ! — деди секин. — Жонга тегди!

Мардон Зокиров ҳануз бўш келмай:

— Нима жонга тегди? — деб ўдағайлади.

— Нима бўларди? Мана шу хатлар! Имзолар...

Мардон Зокиров бирдан енгил тортиб хушнуд кулди.

— Э, шунга ҳам ота гўри-қозихонами, Шерзоджон? Агар сиз имзо қўйишдан ҳадиксираётган бўлсангиз, ҳалигидақа... беимзо қилиб ёзамиз! Зотан, сиз нимадан чўчийсиз, азизим? Мана, дўстим Ҳалим Салимович чап кўли билан юмалоқ хат ёзишга шунақаям устаси фаранг бўп кетганки, минг битта экспертиза чақиришсаям топиб олишолмайди!.. Қани, Ҳалим Салимович, қоғоз олиб, ҳунарингизни бир кўрсатинг, биродар!

Ҳалим Салимович, негадир хижолат чекиб йўталди, сўнг аллақандай ранжиб:

— Сиз ҳам жа-а ошириб юборасиз-да, Мардон Зокирович! — деган эди, Шерзод:

— Ҳақиқатан, кераги йўқ! — деб уни қувватлади.

— Ё кудратингдан! — Мардон Зокиров, лолу ҳайрон бўлиб, қулочини кенг ёзди. — Бу ёғи қизиқ бўлди-ку, акоси?

— Нимаси қизиқ? — деди Шерзод.

— Шуниси қизиқки, агар бу ишнинг олдини олиб, калондимов устозингизни бадном қила олмасак, ўзимиз бадном бўламиз ахир! Ёки севикли куёвидан бошқа ҳаммани оёқ ости қилиб юрган бу номи улуғ, супраси қуруқ олимингиз... Башарамизга лой чаплайдиган бир папка ҳужжат йиққандан беҳабармилар? Ким қаерда, қандай ёдгорлик қургану, қанча пул ўмарган — ҳаммасидан боҳабар бу нокас! Яна шу нарса эсларидан чиқмасинки, Шерзодвой! — деди Зокиров, хиёл кесатиб. — Бу ҳужжату шартномаларнинг аксариятига ўзлари қўл қўйганлар!

Ҳалим Салимович «афсус, минг афсус» деган маънода бош ирғади-ю:

— Ҳа, масаланинг энг нозик томони ҳам шунда, Шерзоджон! — деди уф тортиб. — Биз ўзимиздан ҳам бурун сизни, сиздай катта истеъдоднинг истиқболини ўйлапмиз, ука!

Шерзод қимматбаҳо телпагини ғижимлаганича:

— Майли, — деди, ҳамон ўша ғамгин ва бефарқ бир алфозда. — Нима бўлса бўлар! Бошга тушганни кўз кўрар дейдилар-ку! Бошга тушганни кўрармиз, ахир!..

У сувсар теллагини пешонасига қўндириб, эшик томон йўналган эди, Мардон Зокиров бақалоқ гавдасига мос тушмаган бир чаққонлиқ билан бир хатлашда унинг йўлини тўсди.

— Ахир, нима бўлди сизга? Нега тўсатдан бунақа айнаб қолдингиз? Лоақал сабабини айтиб кетинг, азизим?

— Сабаби? — Шерзод миқ этмай, ноз-неъмат тўла стол томон ўтиб, тўрт қирралик нозик шишадан бир пиёла май куйди, бироқ ичишдан олдин яна Мардон Зокиров билан Ҳалим Салимовичга ўгирилиб:

— Сабаби дейсизми? — деб сўради. — Сабаби шуки... Мен кеча... Беҳзод Нусратов яратган ёдгорликни бориб кўрдим!

— Хўш, хўш? Кўрсалар нима бўпти? — деди Мардон Зокиров истехзоли кулимсираб.

— Мен, — деди Шерзод Комилов, кутилмаган бир алам билан. — Мен бу ёдгорликни кўриб, шуни тушундимки, шу маҳалгача юрган эканман аҳмоқ бўлиб! — У қўлида дир-дир титраган пиёлани оғзига олиб борди, бироқ ичиш ўрнига, шароб тўла қадаҳни, баланд кўтарди-да, бор кучи билан ерга урди. Пиёла чил-чил синиб, гиламга тўкилган шароб Мардон Зокировнинг юзига сачради.

Мардон Зокиров, аввал нажот сўрагандай кўзлари жавдираб Ҳалим Салимовичга қаради, сўнг, эшик томон йўналган Шерзоднинг қўлига тармашди.

— Менга қаранг, акоси!

— Қараб бўлдим, азиз устод! — Шерзод қўлини унинг қўлидан шахт билан тортиб олди-да, эшикни оёғи билан тепиб очиб, чиқиб кетди.

Мардон Зокиров бир дақиқа тили калимага келмай, лаллайиб турди, сўнг, ундан беш баттар эсанкираб қолган оғайнисига юзланиб:

— Хўш? Намунча қалтираб қолдинг? Ё жаноблари ҳам таслим бўлдиларми? — деб сўради.

— Билмасам энди...

— Йўқ! — деди Мардон Зокиров, кимгадир писанда қилиб. — Осонликча жон берадиган аҳмоқ йўқ бу ерда! Қани, қаламингни ол, чап қўлингга! Ёзамиз! Анов ишонган тоғларига қўшиб, буни ҳам ёзамиз! Камина айтиб тураман, сен ёзасан! Кураш қурбонсиз бўлмайди! Бошқа илож йўқ, оғайни!

Мардон Зокировнинг шижоати чамаси, Ҳалим Салимовичнинг юрагини чўғлантиролмади. У, худди қаноти қайрилган улкан туяқушдай, ғилай кўзлари мўлтираб, мунғайиб ўтирарди.

## ИГИРМА САККИЗИНЧИ БОБ

**Б**у йилги куз, тўғрироғи қиш, жуда ғалати келди. Мана, январь ҳам ўрталаб қолди, аммо ҳали тузукроқ бир қор ҳам ёғмади. Қор у ёқда турсин, бир кун ёмғир ёғса, бир ҳафта ҳаво очик туради, кунлар илиб, яланғоч боғлар, қирлар, ҳатто қуриб-қовжираб қолган гиёҳлар ҳам гўё уйқудан уйғонган гўдакдай ажиб бир майинлик касб этган.

Шораҳим шоввоз шу кунларда яна бир нарсага амин бўлди: оининг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ, деган гаплар ҳақиқат экан. Бундан бир ҳафта муқаддам ўғли Шоқосим касалхонадан тузалиб чиқиб, уйга ўз оёғи билан кириб келди-ю, гўё анчадан бери чироқсиз қолган хонадонларида қайта чироқ ёнгандай бўлди. Рост, ойсининг оламдан ўтганини уйга қайтгандан кейингина билган Шоқосим бир неча кунгача ўзини қаёққа қўйишини билмай, қовурилиб юрди. Ўғлининг изтироблари Шораҳимнинг кўксига хиёл унутила бошлаган дарду ҳасратларни қайта кўзгаб, олам кўзига яна қоронғи кўрина бошлаган эди, кеча ғалати бир нарса юз берди-ю, кўнгли яна сув ичгандай равшан тортди.

Шораҳим Ойсулунинг дафн маросимлари ўтиши биланоқ аҳд қилган ишига киришмоқчи эди. Бу йил жилақурса қабристон атрофидан ариқ



қазиб, топа олса чинор, тополмаса оқ терак, тут ва ўрик кўчатларини ўтқазмоқчи эди. Шу ниятда у Фотиҳ Музаффарнинг ўрнига (Фотиҳ ишдан олиниб, сўроқ бермоқда эди) вақтинча директор қилиб тайинланган Пўлат папкадан ариқ кавлайдиган «Белорусь» машинасини сўраган эди. Бироқ Пўлат папка: «қабристон атрофига дарахт ўтқазиб, уни обод қилиш қандоқ бўларкан, баъзилар бунга бошқача тус бериб, ишлар чалкашиб кетмасми-кан», деган андишада, машина беришни пайсалга солиб келарди.

Кеча Шораҳим шу масалада Пўлат папка билан анча нари-берига бориб, уйга хит бўлиб қайтган эди, бир маҳал Шоқосимнинг ўғилчаси ҳовлиқиб чопиб кирди.

— Буважон-чи, буважон! Дарвозамиз олдига тўртта «Волга» келиб тўхтади. Ҳаммасидан пасон-пасон, «во» одамлар тушишяпти! — деб, бош бармоғини кўрсатди.

Шоввоз апил-тапил ўрнидан туриб, ташқарига чиқди.

Ҳақиқатан, дарвоза олдидаги майдон оқ, қора, ҳаворанг «Волга»-ю, яна бир неча Газик-пазикларга тўлиб кетган, улардан тушган «пасон-пасон», «во» одамлар турнақатор бўлиб, ҳовлига кириб келишарди. Олдинда оғайниси Расул Нуриддинов билан ўрта бўйли, қотмадан келган бир рус киши келар, орқада район катталари билан Пўлат папка!

Бунақа меҳмонларни кутмаган Шоввоз азбаройи нима қилишини билмай гарангсби қолган эди. Расул биринчи бўлиб келиб кўришди-да:

— Бу одамни танидингми, Шоввоз? — деди қотмадан келган рус кишига қараб. Рус киши индамай кулимсираб турарди.

— Нахот танимасанг, Шоввоз? — деди Расул қандайдир афсусланиб. У яна бир нарса демоқчи эди, бироқ рус киши:

— Шошма, Расул! — деб кулди ва Шоввозга юзланиб: — Тошкент дегани нима дегани бўлади? Айтиб бера оласизми, биродар? — деб сўради.

Шоввоз, юраги чўғ теккандай жиз этиб, Белобородов томон талпинди:

— Уртоқ комбат! Товарищ Белобородов! — деди у, дедию, негадир, томоғи ғип бўғилиб, гапиролмай қолди. Белобородов ҳам овози хиёл титраб:

— Бардам бўл, солдат, бардам бўл! — деди елкасидан кучиб.

Шоввоз, азбаройи боши осмонга етганидан, собиқ комбат шарафига дарҳол қўй сўйишни буюрди. Бироқ Белобородов билан Расул вақт зиклигини рўкач қилиб, қўйни сўйдиришмади. Улар ҳазрат Уккоша ёнидаги кўҳна қалъани кўришмоқчи экан, бир пиёла чой ичиб, ўринларидан туришди.

Шоввоз меҳмонларни қоровул тепагача кузатиб чиқди. Улар қоровул тепа этагидаги қабристон ёнидан ўтаётганларида Расул Белобородовга Ойсулув тўғрисида бир нима деди чоғи, «Волга»лар тўхтаб, ҳамма машинадан тушди.

Офтоб тик тепага келган, пастдаги сой, сойнинг икки томонидаги яланғоч боғлар, боғлар орасидаги ям-яшил бедазорлар унинг заиф, бироқ она нигоҳидай мулойим, илиқ нурига чўмилиб, эркаланиб ётар, уйлардан, ҳовлилардан кўтарилган ҳарир тутун ҳавода нимкўкиш из қолдириб, муаллақ осилиб турар, қабристонни тутган чангалзорлар орасида қўйлар, қўзилар, сигирлар ўтлаб юрар, қуриб-қовжираб қолган эски қайрағочлар узра гала-гала оқ қарғалар учиб юрар, борлиқни аллақандай маъсум, осуда бир руҳ асир этганди!..

Белобородов гўристон четидаги бир туп тут тагига дафн қилинган Ойсулувнинг қабри ёнида тўхтаб, пастдаги қишлоққа, қабристон ортидаги «Фортепа» деб ном олган пастаккина қирга ва қир этагидаги кеска қайрағочларга, сойнинг у юзидаги офтобда эркаланиб ётган яланғоч боғларга узоқ тикилиб турди, сўнг, тўсатдан Расул Нуриддиновга юзланиб:

— Қизиқ, — деди хўрсиниб. — Ростини айтсам, дунёда ўзбек диёридай гўзал диёр кам! Бундай майин табиат, бундай қирлар, сойлар, бундай боғларни бошқа ҳеч бир жойда кўрмаганман. Лекин мен бир нарсага ҳайронман: нега шундай кўркем, гўзал бир ўлкада қабристонлар

бундайн хароб? Шундай харобки, тирик жон у ёқда турсин, киши ўлгандан кейин ҳам яқинлашишга кўрқади!..

Орага бир оний сукут чўмди: Кейин Расул Нуриддинов бошини қашиб:

— Ҳамма бало маданият етишмаслигида, — деган эди, Пўлат папка томоқ қириб, эътироз билдирди:

— Йўқ, гап фақат маданиятда эмас! — Пўлат папка гўё катта мунозарага шайлангандай, даврани ёриб, олдинга ўтди. — Масаланинг нозик томони шундаки, бу нарса эскиликка, диндорликка бориб тақалади!

Белобородов унга ялт этиб қаради.

— Гапингизга унча тушунмадим...

— Масал шундаки, — деди Пўлат папка тобора дадиллашиб. — Агар, биз бу ерларга эътибор бериб, қабристонни тузатиб кўядиган бўлсак, диндорлик бундан беш баттар авж олиб кетиши мумкин.

— Нега?

— Негаки... диндорлар бундан ўз манфаатлари учун фойдаланиб қолиш хавфи бор!

— Йўқ, аксинча! — деди Белобородов, бошини кескин чайқаб. — Бошқаларни билмадим, аммо менингча, агар кейинги пайтларда баъзи жойларда динга сиғиниш бир оз авж олган бўлса, бунга қабристонлари-мизни мана шундай хароб ҳолга ташлаб қўйганлигимиз ҳам сабаб бўляпти! Ахир кечаси у ёқда турсин, киши кундуз яқинлашишга чўчийди-ку, бу харобазордан! Агар истасангиз, руҳонийлар жуда усталик билан фойдаланяпти бундан! Улар руҳан ожиз, касал, майиб-мажруҳ кишиларга: «ахир бир кун борадиган жойинг мана шу, деб кўрқитишади!» Эҳтимол, бу ерда ҳам бордир шунақа сохта «вали»лардан?

Шоввоз бутун вужуди яйраб:

— Бор, Иван Харитонович, бор, — деб юборди. — Чўтир дарвиш деб донг чиқарган бир фарибгар бор! Ёзда тоққа, ҳазрат Уккоша томонларга чиқиб «авлиё»лик қилади! Қишда бу ерга тушиб, ҳу анаву «Фортепа» тагига макон қуриб, сиз айтгандай, қаёқдаги майиб-мажруҳларнинг чўнтагини қоқиб ётади, нопок!

Белобородов зардаси қайнаб яна Пўлат папкага қаради:

— Авф этасиз, мен сизнинг кимлигингизни билмадим, аммо-лекин, мана шу оддий деҳқоннинг гапларни қулоғингизга қуйиб, биродар! Қани, ажодлар хотираси учун қабристон атрофига дарахт, ичига гуллар экиб, кечалар чироқ ёқиб қўйинг-чи, кўрайлик, ўша чўтир дарвеш деганларинг бу найранглари қила олармикин, йўқмикан? Хўп хайр, ўртоқлар. Расул иккимизга ижозат берасизлар!

Белобородов Шоввоз билан хайрлашди-да, усиз ҳам аллақандай питирлаб қолган Пўлат папкага қайрилиб ҳам қарамасдан ўз машинаси томон йўл олди. Улардан кейин район раҳбарлари ҳам, ҳар бири ўз машинасига ўтириб, жўнаб кетишди. Пўлат папка, гўё Белобородовнинг гапларига Шораҳим ёбдордай, машинасига ўтираётган бир ўқрайиб қўйди. Шораҳимнинг ёнида Расул, машинасига бирга келган унинг қуёви Беҳзоддан бошқа ҳеч ким қолмади. Шораҳим уни яхши танимаса ҳам унинг рассомлигию, совхоз боғидаги «Садоқат» деган ғаройиб ҳайкалчани шу камтаргина, камсуқум йигитча ясаганини яхши биларди. Йигитча қайнотасидан, қолаверса, хотини Нигорадан Ойсулув ҳақида кўп эшитган экан, қишлоққа келишдан нияти — унинг суратларини кўриб, расмини чизмоқчи экан.

— Раҳмат, болам, — деди Шоввоз, дили чироқ ёнгандай ёришиб. — Кўп эмас, аммо ёшликда бирга тушган бир-иккита сурати бор раҳматликнинг. Кўрсатаман. Аммо суратдан бурун сен катта қизимни кўр, болам. Катта қизим — ўзи ўхшасаям умри ўхшамасин, қуйиб қўйган онаси! Уни кўрганлар Ойсулув ўлмаган, ҳали тирик дейишади...

Беҳзод Шораҳимнинг гапига: «яхши-яхши», деб бош ирғганича қўлидаги қора қутичасини очиб, ундан тўрт оёқлик дастгоҳини олди. Дастгоҳни ерга ўрнатиб, устига дастурхондай қоғоз ёзди-да, қабристон манзарасини қоғозга туширишга киришди. Кейин унинг атрофидан ариқлар «ўтказиб», дарахтлар «ўтқаз» бошлади, ўртасидан эса «хиё-

бонлар», кичик-кичик «гулзорлар» очди. Бир неча жойга митти «шийпон»лар қурди. Шундай бўлдики, бир соат ҳам ўтмасдан қоғозда Шоввоз тасаввур этганидан ўн чандон шинам, сўлим бир жой, қабристон эмас, гўё кўркам бир боғ «барпо» бўлди. Ниҳоят, у қаламни қоғоз устига ташлаб, Шораҳимга қаради:

— Қалай, Иван Харитонович айтган жойга ўхшадими, амаки?

Шоввоз ҳайратдан ёқасини ушлади:

— Ўхшаганда қандай, ўғлим! Агар катталар рухсат беришса, мен бу ерни баайни мана шу суратингдагидек боққа айлантираман.

— У ёғидан хотиржам бўлинг, — кулди Беҳзод. — Бу одам бир нарсани айтдими, ниҳоясига етказмай қўймайди. Сиз бу кишининг кимлигини биласизми ўзи?

Шораҳим: «Э, бу одамнинг кимлигини каминадан сўранг, болам!» — дейишга оғиз жуфтлади-ю, маънос кулиб қўя қолди:

— Ким билади дейсиз, жуда катта одам, дейишади, ўғлим! — У гапини тугата олмади, шу палла, қаердандир орқадан аёл кишининг мулойим, лекин аллақандай журъатсиз овози эшитилди:

— Дадажон!

Қабристон тепасидан ўтган шағал йўлда... пачоқ қанотлари тузатилган, бироқ ҳали бўялмаган «Жигули»лари турар, унинг ичида... бошини осилтириб, Меҳринисо ўтирарди.

Шоввоз Ойсулув оламдан ўтганидан бери келинини узоқдан бўлмаса, яқиндан кўрмаган, у билан бир оғиз гаплашмаган эди. Фақат ўғли ҳам Меҳринисо билан ҳануз ярашмаганини билар, бироқ ота-бола бу тўғрида ҳамон ёзилиб суҳбатлашмаган эдилар.

Кеча Шоқосимни областга чақиришган, қишлоқда уни «директор» бўлармиш, деган миш-миш ҳам тарқаган эди. Ё Шоқосим қайтиб келиб, ораларидан бирор совуқ гап ўтдимикин?

Шоввоз ҳозир, унга тик боқишга журъат этолмай, мунғайиб ўтирган келинини кўрганда хаёлига шу фикр келиб, ёш боладай довдираб қолди.

Меҳринисо ҳам буни сезди чоғи:

— Дадажон! — деб такрорлади. — Шаҳардан... Сизни йўқлаб, Соҳиба опамлар келдилар. Сиз билан гаплашмоқчи эканлар. Кутиб ўтириптилар!

— Майли, сиз бораверинг, амаки, — деди Беҳзод. — Мен кейинроқ ўзим тушиб бораман.

Шораҳим Соҳибанинг исмини эшитиши билан юраги «шиғ» этиб, каловланганича машинанинг орқа ўриндиғига чиқиб ўтирди, ўтирди-ю, негадир бўшашиб, кўзини юмди.

Бундан беш-ўн кун муқаддам, Ойсулувдан айрилганидан бери уни минг азобга солаётган уйқусизлик дарди билан олиша-олиша, тонг чоғи аранг кўзи илинган экан, зум ўтмай, қандайдир шарпадан уйғониб кетди.

Дераза сал ёришган, бироқ хона ҳали ғира-шира эди. Шундай бўлса ҳам, шоввоз пойгакда қаққайиб турган қора кўлагани кўриб, дарҳол таниди: Музаффар!

Унинг сўбҳи-козиб туйқусдан бостириб келиши хаёлига ҳам кириб чиқмаган эканми, Шораҳим апил-тапил қаддини ростлади-да, бош томонидаги чироқнинг тугмасини босди.

Уй ёришиб кетди.

Музаффар, эғнида қора костюм, кўкраги тўла аллақандай медаль ва значоклар (улар орасида нима биландир яхшилаб ишқалаб артилган «Япония устидан ғалаба учун» деган медаль кўз-кўз бўлиб ярқираб турарди!), пойгакда... худди сўроққа келган маҳбусдай гуноҳкорларча бош эгиб турарди.

Шораҳим бу манзарадан ҳали ҳушини йиғиб олмаган ҳам эдики, хонада Фармоновнинг юракни зирқиратувчи нидоси янгради:

— Жонажон дўстим, қирқ йиллик қадрдоним Шораҳим! Мана, олдинга бош эгиб келдим! Эгилган бошни қилич кесмас дейдилар. Аммо сен... бошимни кесмоқ тугул, болта билан чопсанг ҳам майли, жон дўстим!

Шораҳим жойидан жилмади. Музаффар унга томон бир икки қадам

босди-ю, чамаси, яқинроқ боришга юраги бетламай, яна қўл қовуштириб қуллик қилди.

— Аммо... наҳот сен билан биз, шу бахтсиз ҳодиса сабаб, Хинган тоғларини эсимиздан чиқазиб, бир-биримизга душман бўп қолсак!

«Хинган» сўзини эшитган Шораҳим, бирдан ҳушига келиб, кўйлақчанг, ялангоёқ, яланбош, «дик» этиб ўрнидан турди.

— Сен менга уруш йилларини, Гоби саҳросию, Хинган тоғларини эслатма, Музаффар! У йилларни эслатиб, менинг кўнглимни юмшатаман деб ўйлагунча... дилингдаги ниятингни айтиб қўяқол: келишдан мақсадинг нима ўзи?

— Мақсадим... мақсадим нима бўларди, оғайни? Бу беаёв тақдирнинг беаёв ўйини сабаб, мана шу... кўнгилисиз ишлар содир бўлибди. Не чора? Ахир, нима бўлгандаям менинг ўғлим қасддан қилмаган-ку, бу ишларни! Наҳот энди биз, не-не кунларда бир майизни бўлиб ейишган икки оғайни, бир-биримизга кечиримли бўлмасак?..

— Йўқ, тўхта! — деди Шораҳим, унинг нолаи фиғонини шартта кесиб. — Бу қуруқ сафсаталарингни йиғиштир, Музаффар! Ундан кўра... садақа сўраган тиланчига ўхшамай — мард бўлсанг дарди-достонини дангал айтгину, даф бўл бу ердан!..

— Шораҳим, оғайни!..

— Дардингни сен айтмасанг, мен ўзим айтиб қўяқолай! — деди Шораҳим. — Сен кўрқяпсанки, мени сенинг устингдан, қолаверса номард зурёдинг устидан арз қилади деб!

— Шораҳим! — деди Музаффар йиғламсираб. — Дўстим!..

— Лекин сен шуни мияннга қуйиб олгинки, Шораҳим шоввоз бировларнинг устидан арз қилиб юрадиган номардлардан эмас! Одил ҳукумат нимани лозим кўрса — шуни қилади! Менга ўғлим соғ-саломат оёққа турса бас — ўч оламан деб, орқангдан қувиб юрадиган Шораҳим йўқ, Фармонов!

Музаффар икки қўли билан бошини шапатилаб урди.

— Дўстим Шораҳим, кечир мени! Мен сенинг олдингда тоабд қарздорман! Гоби саҳросида қилган яхшиликларинг...

— Сен Гоби саҳросини тилга олма! — деди Шораҳим, чўқмордай муштини боши узра силкитиб. — Сен у муқаддас кунларни тилга олишга ҳаққинг йўқ! Йўқса... инсофу адолатни унутиб юбормас эдинг! Одамгарчиликни оёқости қилмас эдинг! Бу ўпка фарзандингга кўшилиб, ҳамманинг бошига чиқиб олмас эдиларинг. «Қани, қўлларингдан нима келади» деб, ҳаммани ерга урмас эдиларинг!

— Шораҳим! Менга қара, Шораҳим!.. Икки оғиз хат қилиб берсанг бас. Ўғлим тўғрисида икки оғиз хат.

— Кимга?

— Агар бир ҳиммат қиламан десанг... комбатимиз Белобородовга!

— Нима, нима? — деди Шоввоз, ҳайратдан ёқасини ушлаб. — Энди бир қилмаганинг бу ҳаром ишларингга Иван Харитоновични аралаштириш қолувди! Йўқ, Музаффар, мен ҳамма нарсани кечирсам ҳам... бу ўпка фарзандингни кечиролмайман. Бўлди! Сенга айтадиган бошқа гапим йўқ!

Шораҳим шундай деди-да, терс бурилиб олди. Музаффар бошқа гапиришга журъат этмади чоғи, чурқ этмай чиқиб кетди...

Шораҳимни қаттиқ изтиробга солган бу учрашувдан кейин сал ўтмай, Фотиҳ ҳибсга олинди. Бундан уч-тўрт кун муқаддам, Шоқосим касалхонадан чиққан куни эса, қишлоқда Шоввозни ларзага солган яна бир хабар тарқади: Музаффар ҳам ҳибсга тушипти!..

Ҳозир Шораҳим шуни эслади-ю, юраги безиллаб: «Бечора Соҳиба! — деди ичида. — Нимага ҳам келарди? Ўғли учун кечирим сўрагани келгандир-да, шўрлик аёл!»

Шоввознинг хаёлини Мехринисонинг: «дадажон!» — деган овози бўлди. Маслаҳат беринг, дадажон. Мен нима қилай? Маслаҳат беринг!

Қизиқ: Шораҳим, ўзи билан ўзи овора, пайқамай қолибди: машина шағал йўлнинг ўртасида тўхтаб турар, Мехринисо бошини рулга қўйиб, секин титраб, унсиз йиғларди.

Шоввоз келинидан ҳар нарсани кутса ҳам, бундай қилишини кутмаган эди. Шошганда лаббай топилмас, деганларидек, у нима қилишини, нима дейишини билмай узоқ сукутга толди. Кўнглида ҳеч қачон, ҳеч кимга кек сақламаган одам, у бир зумда келинининг ҳамма қилгуликлари ёдидан чиқиб, айбдорларча қунишиб ўтирарди. У бир-икки марта ҳануз титраб йиғлаётган Меҳринисонинг бошини силаб, унга таскину тасалли беришга чоғланди, бироқ ҳар сафар ёш боладай ийманиб, қўлини тортиб оларди.

— Сизга ёлғон... кўкка рост, — деди Меҳринисо, кўзёшларини артиб. — Мен... ўғлингиз, Шоқосим акамлар олдида тариқча гуноҳим йўқ, дадажон. Ёшлик қилиб, у... нокасинг ҳийла-найрангларига учганим рост. Бироқ хиёнат қилмадим, дадажон, хиёнат қилмадим!

Шоввознинг ҳаёлидан: «Дарҳақиқат, бу шўрликда нима гуноҳ? Буни ҳам чалғитган-да, у аблаҳ?» — деган фикр ўтди-ю, юраги чок бўлиб:

— Қўй, қизим, йиғлама! — деди, ўзи ҳам ўпкаси тўлиб. — Қани, Шоқосим қайтсин-чи областдан!

— Майли, дадажон! — деди Меҳринисо. — Агар инонмасалар... менинг ҳеч бир даъвом йўқ у кишига. Мана, идорадан ҳам воз кечдим. Агар ижозат берсангиз боғингизда ишласам... Сиздан қолар гап йўқ, дадажон. Эскилар: «қайтиб борадиган эшигингни қаттиқ ёпма», деб тўғри айтишган экан. Мен ўғлингизни деб, қайтиб борадиган эшигимни қаттиқ ёпиб кетганман. Энди қайси юз билан қайтиб бораман?.. Инонинг, дадажон; йўлимдан адашганим чин, у... номарднинг хушомадларига учганим рост, бироқ... бу миш-мишларнинг бари ёлғон, дадажон, бари ёлғон!..

Меҳринисо қулт-қулт ютинганича, бир он жим қолди. Шоввоз тўсатдан худди елкасидан тегирмон тошини ирғитиб ташлаган одамдай, енгил тортиб:

— Қўй, қизим, кўп эзилаверма! — деди, дили офтоб чиққандай мунаввар бўлиб. — Виждонинг олдида пок бўлсанг бас, болам. Бошқа ҳаммаси изига тушиб кетади. Сен ҳам гапимга инон, қизим: одам боласи борки, авваламбор ўз кўнгли, ўз виждони олдида пок бўлмоғи лозим. Пок бўлса... охири бахайр бўлади, ўксинма, болам, ҳаммаси яхши бўп кетади, ҳаммаси...

Меҳринисо индамай кўзёшларини артди-да, газ бериб; машинани сой томон бурди.

Улар ўз ҳовлиларига яқинлашиб қолганларида дарвоза олдида турган «тез ёрдам» машинасидан... эгнига оқ халат кийиб, бошига оқ тивит рўмол ўраб олган аёл тушди: Соҳиба!

Шоввоз Меҳринисога рухсат бериб, «Жигули»дан тушди-ю, Соҳибани яқиндан кўриши билан юрагига раҳм-шафқат аралаш чуқур бир меҳр бамисоли тошқиндай қуйилиб келиб, этлари жимирлаб кетди. У Соҳибанинг қўлини олишини ҳам, олмаслигини ҳам билмай, бир қадам берида тўхтади:

— Омонмисиз, Соҳибахон! Бола-чақалар, набиралар...

— Раҳмат, Шораҳим ака. Оғайнингиз... собиқ командирларингиз чақиртирган эканлар. Шунга келувдим...

Шоввоз беихтиёр:

— Иван Харитоновичми? — деб юборди. — Тинчликми, ишқилиб?

— Тинчлик қаёқда? Дўстингизнинг қилмишлари кўп экан, охири кўринмаяпти. Ҳали эшитарсиз... — Соҳибахон ердан кўзини узмай, оғир хўрсинди. — Шунга... бир йўла Шоқосимжонни кўриб кетақолай дегандим, областда экан. Жилла қурса, сиз билан кўришиб кетай дедим...

— Кўргани келган одам кўчада турадимиз, Соҳибахон? Қани, ичкарига...

Соҳибахон бошини билинар-билиномас чайқади.

— Раҳмат, Шораҳим ака. Уйда катта қизингиз бор экан, анча гаплашиб ўтирдик. Мана, сизни ҳам кўрдим, энди кета қолай, — деди Соҳибахон ва нигоҳини ердан узиб, пастдан юқорига, Шораҳимга қаради.

Шораҳим эндигина бу хотиннинг сўнгги бир-икки ҳафтада нақадар чўкиб, аллақандай қариб, мунғайиб қолганини кўрди. Соҳибахоннинг юзи

гўё оғир касалдан турган одамнинг юзидай сарғайиб, бир бурда бўлиб қолган, унинг бутун қиёфасига қандайдир бетизгин, беаёв бир дард муҳрланганди!

Шораҳим унга тикилган сайин юраги туз сепгандай ачишиб борар, бироқ нима деб юпатишини, қандай тасалли беришини билмас эди. Ниҳоят, чўзилиб кетган сукутни Соҳибахон ўзи бузди:

— Майли, мен кетай. Ойсулув опамлар бўлганларида, балки ёнларида бир кеча тунаб, дардлашиб кетармидим. На чора? У киши... Хўп, омон бўлинг, Шораҳим ака. Сизга сабот тилайман!..

Соҳибахон шундай деди-да, текис ерда қоқилиб-суришиб, машина томон кетди. Шораҳим шундагина ҳушига келиб, уни тўхтатди:

— Сиз мабодо ўйламамг, Соҳибахон, на мен, на ўғлим Шоқосим, сизнинг фарзандингиз устидан арз қилмоқчи эмасмиз. Қайтага, агар керак бўлса, ҳеч қанақа даъвомиз йўқ, деб хат ёзиб берамиз.

Соҳибахоннинг кўзи жиққа ёшга тўлди.

— Раҳмат, Шораҳим ака, мен бунақа илтимос билан келган эмасман.

— Майли-да...

— Раҳмат, Шораҳим ака! Дадаси, майли, пешонасига ёзилганини кўрар. Қилмиш — қидирмиш, дейдилар. Қилмишига яраша жазосини тортар. Бироқ... Фотиҳ... ёмон бўлса ҳам фарзанд экан. Она эса, ўзидан бурун фарзандини ўйлаб ўтиб кетар экан дунёдан... — Соҳибахон шундай деди-да, тўсатдан кафтлари билан юзини яширганича, машинаси томон чопқиллаб кетди.

Шораҳим, ҳануз юраги бигиз санчилгандай безиллаб, машина кўздан ғойиб бўлгунча, унинг орқасидан тикилиб турди.

Ҳа, ғалати нарса экан бу ҳаёт деганлари! Шораҳим бундан икки-уч ой муқаддам, ишдан ҳайдалиб, мана шу сойда қовурилиб ётганида, бу ишлар етти ухлаб тушига ҳам кирмаган эди. Чиндан ҳам қилмиш-қидирмиш экан, ҳар ким экканини ўрар экан! Аммо... бу шўрликнинг гуноҳи не? Ҳа, Шораҳим нимадир қилиши керак! Бу пок, олижаноб, бегуноҳ, мушфиқ онанинг бошига тушган мусибатни енгиллатиш учун қўлидан неки тадбир келса — ҳаммасини қилиши керак. Ҳаммасини...

Шораҳим шуни ўйлаб, бир оз танҳо айланиб юрмоқчи эди, бироқ сойнинг у юзида пайдо бўлган Пўлат папкани кўриб, дарвоза томон шошилди. Шу топда у аэроилга тоқати бор, бироқ бу писмиққа тоқати йўқ эди! Лекин у бир неча қадам юрмаган ҳам эдики, орқадан Пўлат папканинг:

— Ҳой, Шоввоз, шошма, сенга айтадиган яхши гап бор! — деган овози эшитилди-ю, Шораҳим истар-истамас тўхтади.

Пўлат папка, одатдагидай, қўлтиғида катта чарм папка, қандайдир ишшайиб келарди.

— Қани, атаганинг бўлса бер — ҳозир хушхабар келди областдан!

— Нима? — тушунмади Шоввоз.

— Ўғлинг совхозга директор бўпти. Ҳозир райкомдан телефон қилишди. Чин юракдан табриклайман, оғайни! — Пўлат папка, худди эгасидан суяк кутаётган кучукдай ялтоқланиб, Шораҳимга яқинроқ келди. — Аммо-лекин, омадинг бор экан, Шоввоз. Шу аҳволда... кўнглинг нима тиласа ҳаммасига эришдинг! Бу ёқда ўғлинг директор! Уёқда... Музаффар Фармондай тоғни қулатдинг. Айтмоқчи... бугунги гапни эшитдингми? Анави рус оғайнинг нимага келганини билдингми?

— Қанақа гап?

— Епирай, ростдан эшитмадингми? Анов аблаҳдан туғилган аблаҳ! — собиқ директоримизни айтаман! — унинг уйдан бир сандиқ олтин чиқди-ку!.. Рус оғайнинг билан домла Нуриддинов бунинг ҳидини билиб, махсус тинтув қилгани кептилар! Каминани ҳам гувоҳликка чақирдилар! — Пўлат папка буни аллақандай ички бир ифтихор билан айтди-да, ёқасини ушлаб, давом этди. — Ё алҳазар! Одам деган ҳам шундай очкўз бўладими, а, Шоввоз? Мен анов... қилни қирқ ёрган ота-болани айтаман! Бир ўмарганда давлатнинг ярим миллион пулини ўмариб, тагин ҳеч нарса кўрмагандай

бўп юришган экан, а? Мана энди охири вой бўлди! Ҳақиқат бор экану, дунёда! Аммо-лекин... рус оғайнинг ҳам зўр экан, Шоввоз. Қойил!

— Оғайним эмас, командирим! — деди Шоввоз, қовоғини уйиб.

— Майли-да! — деди Пўлат папка. — Фақат... мени кечирасану, бир ишига унча қойил бўлмадим, Шоввоз.

Пўлат папканинг ошкора хушомадларидан аллақачон тоқати тоқ бўлган Шоввоз истар-истамас:

— Қанақа ишини айтаяпсан? — деб сўради.

— Шундай улуғ одам, келиб-келиб, анов иблис Музаффар Фармоннинг хотинини чақириб, унинг кўнглини кўтариб, тасалли бериб ўтирипти-я?

Шоввоз бирдан қалтироқ босиб:

— Сен писмиқ! — деди бўғилиб. — Сенингча нима қилмоғи керак эди Иван Харитонович? Ё бу бегуноҳ аёлни тепкилаб, ер қилиши керакми-ди у?

Пўлат папка «қовун туширганини» фаҳмлаб, яна қайта жилпанглашга ўтди:

— Энди... бир айтдим-қўйдим-да, Шоввоз! Энг муҳими — ҳақиқат қарор топди. Энди бундан буёғи, насиб этса, қўлни қўлга бериб, ака-ука бўлиб ишлашамиз, оғайни! — Пўлат папка шундай деб, гўё Шоввозни қучоқламоқчи бўлгандай қулоч ёзиб, унга яқинлаша бошлаган эди, Шоввоз уни кўкрагидан шиддат билан итариб юборди:

— Афсуски, Музаффар йиқилса ҳам, ундан юз чандон муғомбир, юз чандон писмиқ, сендай тулки ҳамон қўлга тушмай юрибди! — Шораҳим шундай деб шартта бурилиб кетди.

\* \* \*

Шу оқшом Шораҳим сўнги уч-тўрт ойдан бери биринчи марта мириқиб ухлади. Саҳар палла туш кўрди. Тушида ўғли Шоқосим берган янги «Белорусь»га миниб, қоровул тепа томон йўл олганмиш. Бироқ ҳали қоровул тепага етмасдан, осмонда худди булутдай оппоқ бир оққуш пайдо бўлармиш. Оққуш пастлаша-пастлаша трактор узра чарх урармишу худди Ойсулуннинг овозида:

## •КИТОБ ВА МУТОЛАА ҲАҚИДА•

Китобни бировдан қарз сўрагани  
Оқиллар сафига қўшмай қўя қол.  
У гоҳ қўйнидадир, гоҳ бағрида,  
Китоб эгасининг маҳбуби мисол.  
Биров: «Китобингни бериб тур», деса,  
Аблаҳлар сўзидек келади малол.

Алишер НАВОИЙ

\* \* \*

Китоб билан муносабат — киши маънавий ўсишининг олий ва тенгсиз шаклидир.

Александр ТВАРДОВСКИЙ

\* \* \*

Китобни ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди. Китоб хаёлотга қанот ато қилади.

Астрид ЛИНДГРЕН

\* \* \*

Ашъорингим, шеър оти то бўлғай,  
Табъ аҳли анга волаву шайдо бўлғай,  
Ҳар лафзи дуру баҳри маъоний онда,  
Ким кўрди дуреки, анда дарё бўлғай.

Заҳрирдин БОБУР

— Ҳой, дадаси! — деб хитоб қилармиш. — Қаёққа кетяпсиз? Нима қилмоқчисиз ўзи?

«Вой товба! Сулувжонмисан? Қачон оққуш бўлдинг?» — дермиш Шоввоз лолу ҳайрон бўлиб.

«Ҳа, эсингиздан чиқдими? — дермиш Оққуш-Ойсулув. Иккаламиз полапонларимиз қанот чиқазиб учиб кетгандан кейин, биз ҳам оққуш бўлиб учиб кетган эдик-ку, бир пасда ёдингиздан чиқибди-да, дадаси!»

«Ҳа, энди эсимга тушди, — дермиш Шоввоз. — Бироқ тоғлар оша учиб кетаётганимизда сени анави номард Музаффар отиб йиқитган эдик-ку! Мен бўзлай-бўзлай орқага қайтган эдим-ку, Сулувжон!»

«Йўқ, дадаси, — дермиш Оққуш-Ойсулув. — Ушанда Музаффар Фармоннинг ёнидаги Расулжон акамлар мени уйига олиб бориб боқдилар. Яраларимга малҳам қўриб тузатдилар. Кейин хоҳлаган томонингга кетавер, деб осмонга қўйиб юбордилар. Мен учиб-учиб, сиз ҳам сизнинг олданингизга келдим... Қўйинг, бу ишингизни! Мен сиз ўйлагандек ўлган эмасман. Тракторингизнинг устига чиқиб, бир талпинсангиз, яна оққуш бўласиз. Полапонларимиздан тинчиганмиз. Келинг, бирга-бирга учиб, бошқа ер, бошқа олам, бошқа дарёларни кўрайлик. Дунёни сайр қилайлик, дадаси!»

«Тилгинангдан ўргилай, Сулувжон! — дермиш Шоввоз. — Мен сени ўлди деб, бу ерда не кўйларга тушиб юрибман. Қабрингни обод қилай, ўлсам мени ҳам сенинг ёнингга қўйишсин деб, ташвиш қилиб юргандим. Энди сенинг айтганинг бўлсин, Сулувжон!»

Шоввоз шундай деб, тракторнинг устига чиқар эмиш-да, бир талпиниб, оққушга айланармиш, сўнг, шишадай тиник, мусаффо осмонга, булутдай оппоқ Сулувжоннинг ёнига парвоз қилармиш...

Шораҳим уйғониб кетди. Ажабо: у чиндан ҳам ўзини қушдай енгил сезар, назарида, тўшакни очиб бир талпинса, қанот пайдо қилиб, қушдай учиб кетарди!



Тонг отган. Шоқосим қайтган шекилли, у билан невараси Шаҳлонинг қувноқ кулгилари эшитиларди. Тўсатдан эшик очилиб, невараси қушдай учиб кирди-ю, чопқиллаб келиб, ўзини бувасининг кучоғига отди.

— Буважон, буважон! Сизга каттакон трактор опкелишди. Катта боққа бориб ишлар экансиз.

Шоввоз, неварасининг пешонасидан ўпиб эркалади-да, ҳануз ўзини қушдай енгил сезганича, кийинга бошлади.

1983—86 йиллар.





Абдулла Шер

## БИР ПАРЧА ОСМОН

### Чорлов

Ҳар тонг юртим бўйлаб эсан ҳур сабо  
Олқишлар эркпарвар халқим парвозин.  
Бироқ қалбимизда берар акс-садо  
Қайдадир отилган ўқлар овози.

Ҳа, ўқлар отилар бир зумда, аммо  
Уларнинг тутуни йилларни бўғар.  
Мерганлар алмашар; қўллар доимо  
Ўзгармас қуролни совуққон ўқлар.

Кечаги култепа ёниб битмасдан  
Янги ёнғинларга ўтин уярлар;  
Гренада дуди ҳали йитмасдан  
Ливия кўкидан заҳар қуярлар.

Ноғора чалади кимлар муғамбир,  
Кимлардир телбадек ўйнар шох ташлаб:  
Наҳот, босқинчига бўлиб бир омбир —  
Қадимий Оврupo кирса оташга?

Боқ, замин кўкида қоп-қора соя —  
Оқ уйнинг қанотли рақеталари...  
Советлар ҳақлигин қилур ҳикоя  
Жаҳоннинг сиёсий анкеталари...

Бу бор гап! Биз ҳақмиз! Урушга йўл йўқ!  
Қани, қўлингни бер, толе ёр бўлсин!  
Она-ер бағрини тирнамасин ўқ,  
Адолат бор бўлсин, тинчлик бор бўлсин!



\* \* \*

Ялпизлар ўрнида тўп-тўп чўкиртак.  
Уларни тебратмас хазонтаъм, тинч сув.  
Яна қарғалардан безиллар терак —  
Азондан қор сўраб солишар қий-чув.

Аёз тарайман дер, ўжарлик билан  
Тутларнинг тиккайган хивичларини.  
Отлар дукиллатмас чўчиб сўнадан  
Қировли ўтлоқда қуймичларини.

Сакраб кўкраккача ботар Олапар  
Кечаги қовачак уюмларига...  
Қишлоқи ёшлигим сарпойчан чопар  
Сўз бермай декабрь қуюнларига.

\* \* \*

Сенми эдинг «диёнатли» дўст?! —  
Бунчалар тез кетди диёнат!  
Лабларимни торс ёрар бир сўз:  
Хиёнат! Хиёнат! Хиёнат!

Гарчанд инсон кўникувчандир,  
Лекин инграр, бари бир, гоҳо  
Юрак деган бир парча чандир  
Хувиллаган қовурға аро.

Қўмсагани эзгу тилакки, —  
У отилса чўнг шовваларга:  
Қўмсагани ажиб эртакки, —  
У қайтмаса муқоваларга;

Бу қўмсашни англаб қон қусар  
Ул бадарға виждонинг гоҳ-гоҳ.  
Рўпарамдан ҳайкалдек ўсар  
Шу кунгача мен билмаган Оҳ.

Мана, ул Оҳ қотар тамалда:  
Урилади тошга ўтли лаб —  
Туғёнли мавж совуқ шағалда  
Жон бергандек аста пичирлаб...

Бас энди! Бас! Ўлма, эй орзу!  
Боқ, бахт билан ғам ёндош ташда:  
Икки дунё — икки челақ сув  
Чайқалади мангу обкашда...

\* \* \*

### Абдулла Набиев хотирасига

«Абдулла!..» деб келар бир нидо, —  
Босриқаман ярим кечада;  
Англайман-у исмимни, аммо  
Англолмайман: ёшим нечада? —  
Бешотарлар қарсиллар тунда,  
Қўрғошинлар учар бехато...  
Тоғдан совут кийган Бойсунда  
Олтмиш йилки, кезар акс-садо.

\* \* \*

Ровийларнинг ривоятида  
Бу юрт озод, бой, сулув экан;  
Тилла кампир ҳикоятида  
Тўмариси Ойсулув экан...

Мен шу юртда улғайдим некбахт  
Ўзлигимни англаб курашда:

Ҳар туп гиёҳ, ҳар битта дарахт  
Бу очунда менга синашта.

Мен шу юртда яшайман комрон,  
Сўзларимни шамширдек қайраб.  
Бошим узра бир парча осмон  
Учиб юрар булбулдек сайраб.

\* \* \*

Мен Йогман...  
Омон МАТЖОН

Мен каттакон тақдир дастида  
Майда ҳисни туймаган Йогман;  
Ёнаётган цирк сахнасида  
Орзулари куймаган Йогман.

Товонимдан сачратиб учқун  
Олти куним ўтар ишдаги:  
Мени олқиш қийнаса уч кун,  
Уч кун қийнар залнинг хуштаги.

Қўй, масхара! Имлама, жим тур,  
Бармоқ босма, дўстим, лабингга:  
Истамайман бўлмоқни машҳур  
Ялтоқланиб томошабинга!

\* \* \*

Фикримиздан кути ўчиб, қочгандек сўзлар, —  
Номимиздан суҳбатлашар сўнгги бор кўзлар.

Қорачиғда чўғланади кечиккан ул сўз —  
Нурга ташна тунларимга ёт бўлган юлдуз.

Қорачиғда орзу йиғлар асрий қиссадек —  
Икки лабда етим қолган ёрти бўсадек.

Гоҳ-гоҳ қалқир икки юрак киприклар аро —  
Куйиб кетган муҳаббатдек, аҳдлардек қаро.

Суҳбат борар, сўзсиз суҳбат, оҳангдор суҳбат,  
Видодан ҳам, фарёддан ҳам жарангдор суҳбат.

## Бешиктерватар ҳақида баллада

Қулф уради турфа ўт-ўлан,  
Гуркирайди ям-яшил ўтлоқ.  
То тонггача минг хил куй билан  
Мадҳ этади уни чирилдоқ.

Ҳашоратлар тонгдан ғувиллар,  
Чумолиллар билмайди тиним.

Боларилар шошиб зувиллар,  
Ҳатто қўнғиз ясатар инин.

Фақат жимдир бешиктерватар.  
Яшар мағрур, тўқин-очин у;  
Йироқ уфқдан ҳар куни кутар  
Тақдирдаги қалдирғочин у.

Бу орзуи тинч қўймас уни,  
Ҳатто тунлар юммас кўзини...  
Мана, охир, ёзнинг бир куни  
Юксакларда кўрди ўзини:

Озор бермай меҳрибон тумшук  
Олиб учди уни бир муддат.  
Унга осмон куйлади қўшиқ.  
Дўст тутинди у билан шиддат...

Мана, бўғот, мана, иссиқ ин,  
Аммо титрар тўртта полапон.

Икки човут — иккита чақин:  
Икки кўздан айрилар илон!

Кўр ёвузлик питирлаб шумшук —  
Беланаркан қора тупроққа,  
Қаҳрамонни миннатдор тумшук  
Осмон бўйлаб элтар, ўтлоққа.

Энди унда бешиктерватар  
Яшар бахтли, тақдирдан рози:  
Сўнг кунгача уни тебратар  
Ёвузликни енгган парвози...

\* \* \*

Шоир аҳли давр учун олтин қадаҳда май каби,  
Бағри ўн жойдан тешилган, ё фидойи най каби.

Маст қилар ҳам, йиғлатар ҳам, чорлагай жангларга ҳам,  
Борин элга бахш этарда худди Ҳотамтой каби.

У Ватан, халқу замон деб бир умр куйлар ёниб,  
Гоҳи яшнаб, қовжирар гоҳ нурсевар кунгай каби.

Кимки, Абдулло, тариқдек майда гапдан тоғ ясар, —  
Асти олтин най бўлолмас, жўн у мис карнай каби.

## •КИТОБ ВА МУТОЛАА ҲАҚИДА•

Мен ёлғиз қанотли қушни тасаввур қилсам, шу заҳоти менга унинг фожиаси кўринади: у ўзига илоҳий табиат ато қилган юкни бажаришга қобил эмас. Мен аудиторияси бўлмаган шеърятни тасаввур қилганимда ҳам, шу фожиани яққол кўраман. Агар улўғвор шеърятни ҳеч ким тингламаса, — бу ёлғиз қанотли қушдан ўзга нарса эмас: у ўз бурчини ўтамаган ҳисобланади... Аудиторияси бўлмаган шеърят бир қанотли қушдир. Мен буни хотиржамлик билан айтаяпман, аммо ишонч ва хитоб билан тасдиқлайманки, шеърятни севмаган одам ўзининг тилагидаги орзуларига эриша олмайди. Ҳайҳот, шеърятсиз одамзод бир қанотли қуш бўлиб қоларди.

Ласло НАДЬ

\* \* \*


Китоб — инсоният босиб ўтган йўл ҳақидаги қисқача ҳисобот бўлиб у эртанги йўналишлар учун кишига йўлланма беради... Китобсиз одам улкан, номаълум тунги саҳрода адашиб кетар эди. Фақатгина китоблар қандай қилиб олға боришни, қуйидан чўққига кўтарилишни, софдил одамларга инсонийлик номи билан ерда қандай тутишни, — тўғрироғи, сўнмас бахтга эришиш йўлини ўргатади...

Леонид ЛЕОНОВ

\* \* \*

Китоб — бу васийдир, ўтган асрлар ва барча халқлар маънавий бойлигининг бенуқсон хазинасидир ва болалигимиздаёқ шууримизга синган оламнинг туганмас чашмасидир, бу сигнал ва огоҳлантирув, азоб ва изтироблар, кулги ва қувонч, руҳий кўтаринкилик ва илинждир, бу маънавий кучнинг моддий кучдан устунлиги рамзи бўлиб, қувваи ҳофизамизнинг энг юксакликка эришганини билдиради.

Юрий БОНДАРЕВ



Убайдулла Содиқов

## ОТАХОНЛАР

### Биринчи ҳикоя

Мирзахол Мамажонов болаларининг кўнглига қараб район марказига кўчиб кетганди. Ўғли шаҳарда ўқирди. Кампирининг васиятига кўра «тенги топилса, ичкучуёв қилсам», деган ниятда эди-ю, қизининг раъйига қараб, магазинчига узатди. У яна ёлғиз қолди. Кейин, бор-е, нима бўлса бўлар, деб Дориломонга — муаллимлик қилиб умрининг ширин дамларини ўтказган қишлоққа жўнади.

Мана у колхоз устахонасида қоровул. Тахталарни қўриқлаб ётади. Уззукун болалар атрофида, эрмаги — ғижжак. Колхоздагилар уни Мирзахол тоға ёки «Хол-ғижжак» дейишади. Қилган хизматлари эвазига ойлик (У нафақа пулини ҳам «ойлигим» дейди) олади. Уч кун ўтибдики, ойлигидан дарак йўқ: пулини келтириб, уч сўм суюнчи оладиган ҳазилкаш почтачи кўринмайди. Ўзи бораё деса, почтахона идоранинг олдида — узоқ.

У атрофи чипта қоп билан ўралган сўричада мудраятти. Боши остида қора сатин тўни. Кафтдеккина юзида хотиржамлик, аммо сал шарпа сезилса, ҳатто шабада терак баргларини шитирлатса ҳам юмуқ кўзлари очилиб кетади, тек қотган қорачиқлари олдин устахона эшигига, кейин йўлга қадалади. Кун иссиқ. Тахталарнинг тарақ-туруқи, электр арранинг шиғиллаши эшитилади.

Мактаб томондан, қўлларидан ғўраси мўл ўрик шохи, бир-бирларини қувалашиб келаётган пионер қизлар унинг рўпарасида тўхташди. Мирзахол тоға сергакланди, кўзлари йилтиллаб кетди. Қизлардан бири — кулаётгани ўзини шеригининг панасига олди.

— Сизни директор мажлисга келсин деди, — лабини бармоқлари билан бекитиб гапирди олдиндагиси, Мирзахол тоғага тикилиб.

Мирзахол тоғанинг юзига билинар-билинимас кулги ёйилди,

нимадир мулоҳазага борди шекилли, кўзларини қайта юмди. «Мактаб», «келсин» деган сўзлардан кўнгли яйрамоқда эди. «Унутишмабди... Яна мактабдагилар...» Таклиф этилган жойга бормаслик одати унда йўқ. Мирзахол тоға сарғайиб, оралари очилиб қолган тишларини кўрсатиб илжайди-да, ўрнидан чаққон турдию қизларни ҳайрон қолдириб йўлнинг у бетидаги устахонага кириб кетди.

— Менга қаранг, биргат...

Қалин дафтарга жазвар қўйиб, қалам билан чизиқ тортаётган усталар бошлиғи қоровулга эътибор қилмай, гавдасига мос катта бошини тебрата-тебрата ишини қилаверди. Хўппасемиз бу йигитнинг олдида Мирзахол тоға ушоққина кўринарди.

— Мени мактабга чақиритишптикан. Баъзи усталарингизга кўпам ишончим йўқ, дарди ёғоч. Кўз-қулоқ бўлиб турасиз...

Кулганида кўзларининг ўрнида иккита чизиқча ҳосил бўладиган «биргат» стулни ғижирлатиб, тебраниб қўйди. Мирзахол тоға энгил-бошини қоққан бўлди, калишини ечиб шиппак кийди ва пардани қайириб, дераза тоқчасидан дуррага тугилган ғижжагини олди.

— Оҳон бўларкан-да? — «биргат» товушсиз куларкан, ҳазиллашди.

Мирзахол тоға маъсум илжайди, ташқарига юрди. Кўчада қизлар йўқ, кетиб қолишибди. У бундан оғринди, барибир қўйнидаги ғижжагини ушлаб-ушлаб мактаб томон юрди.

Икки қаватли мактаб биносининг олдида одам кўринмайди. Мирзахол тоға бир қаноти очик темир дарвозадан кириб, тўхтаб қолди, атрофига қаради, кейин эгилиб оёқ остида топталган китоб varaғини олиб чангини қоқди. Шу маҳал этакдан пақир кўтариб келаётган нўғой аёл кўринди. Иккинчи қаватнинг очик деразасидан аёл-эркак кўзга ташланади.

— Қизим, майлисига... қаердан кираман?

— Йиккинчи етажда, — аёл унга қарамай қўли билан тепага ишора қилди. Мирзахол тоға ўша ёққа юрди.

Мажлис бошланибди. Тавақалари очиб қўйилган эшикдан зал, одамлар, гапирётган эркак кўзга чалинади. Шу он қарс-қурс қарсак эшитилди. Мирзахол тоға ғижжагини сийпаб эшикка яқинлашди, ичкарига мўралади. Залу президиум тўла одам. Унга кўзи тушиб қолган дўмбоқ аёл ёнидаги мактаб директорини туртди. Кўзойнакли директор бармоғи билан уни имлади. Мирзахол тоға энди кирмоқчи эди, «тўхтанг» деган товушни эшитиб қолди. Олдига қўлларини ён томонга сал кўтариброқ чаққон юрадиган вожатий қиз югургилаб келди.

— Тоға, сиз Мамажонов тоғамисиз?!

Мирзахол тоға қизнинг оппоқ, думалоқ юзига маъносиз тикилди, хижолат тортди, киприксиз кўзлари пирпиради.

— Сизни фахрий пионерликка қабул қиламиз. Кетиб қолманг, бўптими?

— Хўп-хўп...

Мирзахол тоға бирдан суюниб, ичкарига кирди. Ўрнидан туриб олган жиккак директор ўтирганларга имо қилиб қўл кўтарган эди, гулдурос қарсак чалишди. Уни қандай ўтқазиб қўйдилар, билмайди. Севинчидан кўзида ёш. Деворларга ҳар турли алвонлар, плакат-расмлар осилган. Президиумда вазалар тўла гул. Қизчаларнинг байрон-бийрон қўшиқ айтиб, пилдираб ўйнашлари уни сеҳрлаб олди. У тўлиқиб, шодликдан карахт бўлиб ўтирарди: «Қара-я, қанақа кунлар-а!...»

Мирзахол Мамажонов муаллимлик қилган йиллар бу ерлар тўқай эди. Одам келишга чўчирди. Усиқ қамишлар орасида бўри, тулки, тўнғизлар изғирди. Большевиклар қувғин қилган Иброҳим понсоднинг йигитлари ҳам шу тўқайга яширинган. Понсод совет тарафдорларини ушлаб олса, сўйиб юборарди... Бунақа мактаб, зал, ўйин-кулги, мажлис қаёқда?! «Ўқитувчи келибди» деган гап эшитилдими, тамом, Кала-

муштепада бола қолмасди. «Мени ўқитиб қўядийкан», деб қамишлар ичига қочиб қолишарди.

Бу ерга муаллимлик-агитаторликка юборилган, ўзи қаролдан чиққан Мирзахол Мамажонов куну тун Қаламуштепадаги қапа-мактабни безаш, ўқув қуроллари тайёрлаш билан банд. Қоғоз қопларни узунасига йиртади-да, ҳафсала билан буклаб-буклаб, «дафтар» ясайди. Унинг чодир устунига қоққан фанери — доска, тахтадан ясалган эшшаги — парта, куйдирилган юлғун — бўр; мактаб анжомлари шулар. Яна ҳар куни ўйин-кулги, чодир-мактаб олдида ғижжак, дутор чалади. Шундагина болалар бекинган жойларидан чиқишади, ғижжакка ажабланиб қарашади, қўл тегизишиб кўришади-да, «Кичкинажонга чалайми, болалар?!», «Ҳа-ҳа...»

У болаларни шундай қилиб бошини қовуштирган, шундай қилиб ўқитганди...

— Туринг,— Мирзахол тоға ўнлангунча бўлмайд қўлтиғидан ушлаб турғизиб қўйишди. Рўпарасига келиб қолган жажжигина қизалоқ қўлини пешонасига қўйиб, гапни шеър қилиб айтганда залдан кучли қарсақ кўтарилди.

— Энгашинг,— кимдир этагидан тортиди.

У энгашди. Пионер қиз бўйнига галстук боғларкан, негадир тиззалари қалтираб кетганди, мактаб директори унга стул суриб, «ўтиринг» деди. Мирзахол тоға эшитмади. Қарсақ кучаярди. Президиумдан икки метрча олдинроқда гоҳ тиз чўкиб, гоҳ тик туриб ҳали залдагиларнинг, ҳали президиумдагиларнинг суратини олаётган йигит тез келиб эсанкираб қолган тоғанинг елкасидан босди.

— Тўхтанг, суратга оламиз. Бу қиз яна галстук боғлаётган бўлиб турсин. Энгашинг, йўқ, сал кўтарилинг. Мамнун одам қиёфасида туринг. Кулинг, ҳа-ҳа, мана-мана... Стоп!

Йигит «ширқ» этказиб сурат олди-да, залнинг бурчагига қараб кетди. Мактаб директори йиғилишни бошқараётган район вакилидан, қулоғига оғзини яқин келтириб, «Бобойни гапиртирмай қўяверамизми?» деб сўради. «Гапиртирмасак бўлмас, опа сўзлатиб туриб ҳам суратга олинглар, залнинг кираверишига осамиз, деган». Директор болаларга қўшилиб чапак чалаётган Мирзахол Мамажонов томонга бурилди, енгидан тортиб, «қисқароқ қиласиз-да», деди. Мирзахол тоға гапни эшитмади; болалар меҳридан шодланиб, ўзини мутлақо унутган эди. Мактаб директори кулиб, мажлис раисига юзланди, у эса ўрнидан турди.

— Хўш... ўртоқлар, ҳурматли ўқувчилар, эндиги сўзни отахон ўқитувчиларингиз Мирзамон бува... Йўқ... Мирзахол бува Мирза-а-холовга берамиз. Марҳамат!

Вужуди роҳатдан эриган Мирзахол тоға кўзларини дастрўмол билан артиб бепарво ўтирар, унга сўз берилганини ҳам фаҳмламасди. «Навбат сизга!»— директор қўлтиғидан ушлаб минбарни кўрсатди. Шундагина у гап нимадалигини фаҳмлади, ғижжагини олиб ўрнидан тураётганди, директор қўлидан олиб қўйди.

— Чалмийманми?

— Гапирасиз.

— Гапираман?! Майли, бу-чи?!— у ғижжакка имо қилди. Ҳозир жуда хурсанд бўлиб кетганидан болаларга ғижжак чалиб бермоқчи эди.

Мирзахол тоға директор етагида минбарга чиқиб олди, гапиришга чоғланиб, залга тикилганича ютиниб туриб қолди. Йўталиб, соқолсиз жағини сийпалади. «Қандай гапирсам бўлади? Сизлар билмайсизлар, бизлар мактабда...» У бир бошлаб гапирар деб оғиз жуфтлаган эди, ҳаяжон босиб томоғидан, аллақандай чинқириқ овоз чиқди. Зал бурчагидан қиз боланинг пиқирлаб кулгани эшитилди. Унга бошқалар ҳам қўшилди. Мирзахол тоға довдираб, аянчли илжайди.

— Кулманглар, болалар. Мен оталарингни... ўқитганман, тарбия берганман ҳў у вақтлар...

Бирдан унинг ҳеч нарса дегиси келмай қолди. Залга жимлик чўкди. Кулгидан ўзини аранг тийиб ўтирган директор қўлини юқори кўтариб, ўрнидан турди.

— Ҳурмагли ўқувчилар, тинчланинг. Бугун мактабимизда байрам, бу анжуманимизда ҳали айтганимдек, ҳурмагли район вакиллари, шу мактабнинг ветеранлари иштирок этмоқдалар...

Мирзахол тоға гапни чўзаётган директорга, кейин залга кўз тикиб турди-да, бошини солинтириб олди. Шу пайт ўзининг номини ҳам эшитди. Ҳушёр тортди, ғашланди. Негаки, директор баъзи гапларни бичиб-тўқий бошлаган эди. У ўзини таҳқирланган, калака қилинган ҳисоблар, бетоқатланарди. У мактабни йўқдан бор қилган одам. Не кўйларга тушмаган?! Болаларни тўплаб бир нарса ўргатгунча ўзини ҳар балогоа урган: уларга қўшилиб даста ўйнаган, дўппи тепишган, тўр кўтариб балиқ овига борган. Ҳў, бу кунларга етиб келиш осон бўпти-ми?!

Унга алам қилди. Аламини сиртга чиқаргиси ҳам йўқ. «Бирок, болалар бу нарсаларни билиб қўйишлари керак...» Шу хаёллар билан ўтирганида, мажлис тугаб, одамлар тенгдан кўзғалиб қолди.

Мактаб дарвозасидан тажанг бўлиб чиққан Мирзахол Мамажонов юраги тошиб, устахонага етиб боргунча ҳам бўлмай, йўл бўйига ўтириб, ғижжагини қўлига олди. «Бари бир чалиш керак, — деди у ўзига ўзи. — Куйни, куйманишни бири тушунмаса бири тушунади...»

## Иккинчи ҳикоя

Иброҳим ота толиқди. У тоққайчини белбоғига қистирди-да, қўйнидан дастрўмол олиб намланган кўзларини артди ва бироз нафас ростлаш ниятида ерга ўтирди. Шу пайт ҳамма ёқни чуғур-чуғур овоз босиб кетди. Иброҳим ота кафтини пешонасига қўйиб оғзини хиёл очганча осмонга қаради. Осмонда зағча галаси ёйилиб учиб ўтарди. У соқолини тутамлаганича қанот силкиб, кунчиқар томонга сингишиб бораётган зағчаларга тикиларкан, ўтирган ўрнида тиззаларини, белини ўқалади. «Жониворлар... Эрталабдан буён беш-ўн тўдаси ўтди. Салқин тушиб қолди-да! Ишқилиб, одамларнинг бахтига колхоз ҳам ёғин-сочинга қолмай ҳосилни йиғиштириб олсин...» Уқийдиган невараси Бехзод ҳам кўрак теришга чиққан, даладан жўнайди. Бир қўлида пахта, бир қўлида сумка. Мусобақада биринчиликни оламан дейди. «Ёғин-сочин бўлмай тургани мана шу болаларнинг ҳам бахти. Буёқда ҳаво ҳам айланишиб қоляпти...»

Иброҳим ота кесилган ток новдаларию сарғайган япроқларга, осмоннинг ҳар жой-ҳар жойида тўдалаб қўйилган пахтадай сузиб юрган оқиш булутларга назар солиб турди-да, кафтига туфлаб ўрнидан кўзғалди.

Ҳар куни кичкиналарнинг қий-чуви билан куннинг ўтгани сезилмасди. Бир ҳафтадан бери, қимирлаган жон борки, теримда. «Охири оғирроқ бўляпти, яна озгина пахта бўлса, колхоз бажаради-ку, бўлавермаяпти-да». Узининг ҳам ғайрати кўзиб, «Мадад бригада»га қўшилиб, пахтага чиқиб кетмоқчи ҳам бўлди-ку, бироқ совуқ тушиб қоляпти. Шериги Ҳамровойни ҳам мададга олишиб, боғ бир ўзига қараб қолди. Ток деган жонивор нозик нарса, вақтида кесиб, вақтида кўммасанг, дарҳол «аразлайди», ҳосилнинг баракаси учди.

Иброҳим ота тоққайчини белбоғига қистириб, тортаётган новдасини қўйиб юборди-да, чўзилиб барглар орасида қолиб кетган шингилчани узиб, ўша жойнинг ўзига чўкди. Сап-сарик узум доналарини яктагига суртиб-суртиб оғзига солди, танасига маза югургандай бўлди. У нарироқдан дув кўтарилган чумчуққа диққат қилди, боғ этагидан хазонларни шарт-шурт босиб кимдир келарди. Ота ҳушёрланиб, мижжа қоқмай, ўзига яқинлаб қолган бригадирга хавотирланиб тикилди. Бригадир отанинг тепасида тўхтади.



— Ҳорманг!

— Бор бўл, — Ота унинг кўришиш учун узатган қўлини хушламайгина олди.

— Нозикроқ меҳмонлар келиб қолишди. Пича узум берасиз энди.

Иброҳим ота «ё пирим» деб ўрнидан туриб, ток боғламига қўл чўзди, бригадир унга яқинлашиб, юкни олмоқчи бўлди, Чол «Қоч, йўлимни тўсма!» дегандай қўл силтаб, юкни елкасига олди, йўталиб бўш кафтига туфлаб олди-да, олдинга тушди.

— Мусавойдан дарак йўқми?

Иброҳим ота истар-истамас бош тебратди.

Ўғил-қизлари ўзларидан кўпайишиб, тиниб-тинчишиб ўтиришибди. Невараларининг ўзидан қанчасини уйлаб, қанчасини куёвга берди. Олди ўғил-қизлик, эвара-чеваралари-чи... Фақат шу Мусаси сал ёввойироқ чиқди. Уйланганига олти йил бўлипти-ю, эр-хотин умрини ўтказиб аллақайси юртларда тентираб юрибди. «Ўқиймиз» эмиш. Ҳе, фарзандсиз умр умрми? Умрнинг лаззати мана шу чурвақалар билан-ку!..»

Ота ертўлага осган узумларидан яктаги этагига солиб чиқди.

— Белбоғингни бер, — деди у бригадирнинг бетига қарамай. Бригадир атрофга жавдираб, қўйлар сув ичадиган челақни қўлга олди.

— Мана бунга солаверинг, пақирингизни қайтариб юбораман. «Сенларда белбоғ нима қилсин!»

Чол этагини бўшатиб, унинг «раҳмат»ига парво ҳам қилмай, яктаги остидан қўлларини орқасига чалиштирганча хиёл бош эгиб турди-да, шарпасини сезиб қимирлаб қолган қўйлар томонга юрди. Беҳиға боғданган сигир кавшаниб ётар, бузоқчаси тумшуги билан исканиб, куртиллатиб ем кавшарди. У олдин молнинг, кейин қўйларнинг охурига ўт солди. Қўйлар бир-бирини суришиб охурга энгашишди.

— Ҳа, жониворлар, е!..

Иброҳим ота қолган ўтти похол босилган бостирма тагига киргизиб қўйди. Юраги сиқилди. Ҳақназар одамларини олиб қўшни районга кетган. Уларнинг плани тўлибди, пахтаси ҳали ҳам бор эмиш. Сайёра дўхтирхонада, туғриқда. Бир томонда қора совлиқни чўмилтириш керак. Жуни ўсиб, жуда қирлаб кетибди. Чақирдига атаб қўйган. Фурсат бўлмаётди. Бирини қилсанг, бири қолиб кетади. Ваҳорда Қўчқорвой Мавжудасини узатади. Биринчи қиз чиқариши. Бува бўлиб, унга ҳам қўй етаклаб бормаса бўлмайди. Майли, қўй — топиладиган матоҳ, тўй бўлаверсин!

У бироз паршон турди-да, қўл силтаб, уйга кирди. Чироқни ёқди, телевизор устига ёпилган оқ пардани қайириб, симини улади. Телевизор кўрсатмай турди ва кейин жимирлаб, липиллай бошлади. У тўшакчали стулни телевизор рўпарасига суриб, ўтирди. Хира кўринаётган одамларнинг гўнғир-гўнғиридан ҳеч нарса уқмай оғзини хиёл очганча тикилиб турди. Кейин, ғалати, ўта шовқинли музика чалиниб, муз устида сирпаниб юрган эркак билан аёл кўринди. Улар тиззаларини букиб, оёқларини ўйнатишиб, айланиб-буралиб сирпанишарди. Бирдан эркаги аёлнинг белидан ушлаб баланд кўтарди. «Товба, товба!» Иброҳим ота ғудирлаб ўрнидан туриб кетди ва телевизорни ўчириб, ташқарига юрди.

У айвонга чиққанида қошигача тушириб дурра боғлаган набираси Марғуба кирза этигини дўкиллатганича кириб келди. Иссиқда, совуқда юравериб қорайиб кетибди.

— Ассалом, дада, ҳорманг! — деди у айвонга юриб.

— Бор бўл, қизим, ўзинг ҳорма... Бувинглар қани? — деди ота қўли билан тиззасини чангаллаганча зинадан тушаркан.

— Билмадим. Тўлаган тоғам билан Ҳақназар поччам сизга салом айтишди.

— Саломат бўлишсин, уларни қаерда кўрдинг?

— Хирмонда. Барақада ишлашяпти.

Ота айвонга осилган челақдан сув олиб ютоқиб ичаётган набирасига зимдан тикилди: «Буни ҳам тезроқ эгасига топшириш керак!»

— Пахтаиғлар нима бўляпти ўзи? Планинг тўлай деяптими?

— Оз қолди.

— Эллик-олтмиш деб кучанмай, борини топшираверсанглар бўлмайдами?

— Э, сиз тушунмайсиз... Мен идорага кетяпман. Қобилжон келса, тоғамларга нон-чой олиб берсин!— Марғуба чопиб чиқиб кетди.

«Тушунмайсиз эмиш...— Ота, иззат-нафси оғринқираб, шовуллаб-чайқалиб барг тўкаётган терақларга ўйчан қараб қолди.— Нафсиламрини айтганда, буларни уқиб ҳам бўлмайди. Қуни кеча эди, Қўчқорвойлар ўн беш-йигирма топширдик деб боши осмонга етарди. Булар эллик, юз дейди... Ундай десанг, телевизорлар ҳам гапиряпти. Ерлар, пахталар, машиналар... унумли бўлиб кетган бўлса керак-да?!»

Кеч кузнинг муздек шабадаси ҳазонларни шилдиратиб дам кучаяр, дам сусаяр, дарахтлар тинимсиз чайқалиб қолган-қутган япроқларини ҳам тўкарди. Гоҳ-гоҳ кўриниб қолаётган қуёш нурининг тафти йўқ. Ҳазинликни кучайтириб аллақайда «Қий-увв, қий-увв» деб қуш сайрайди.

«Әҳ-хе, майли-да, энди, ахир планлари тўларкан-ку!..»

Иброҳим ота ўрнидан туриб, этагини силтади, вақт кеч бўлиб қолганга қарамай, токнинг қолганини кесиш учун боққа ўтиб кетди.




## Рассом альбомидан

Рассом А. Мамажонов.

«Жезкийик» китобига  
ишланган суратлар





Душан Файзий

## БИР ЮРТКИ, УНИНГ МЕҲРИ ҚОНИМИЗДАДИР

### Биз ўтган сўқмоқлар

Торим, қирқ йилдирки, куйлайсан қўлимда,  
Қирқ йилдирки, сен-ла, биргамиз иккимиз.  
Ҳамиша ҳамнафас, ҳамроҳсан йўлимда,  
Ташвиш бир, бир хилдир елкада юкимиз.

Ҳамонки, қулоғимда биринчи оҳанг,  
Биринчи қўшиғинг қалб аро яширин.  
Ўша гулгун олам, ўша баҳорий ранг,  
Ўша алиф Лайло, Фарҳод ила Ширин...

Олисларда қолди биз ўтган сўқмоқлар,  
Ҳаёт синовларики, этди имтиҳон.  
Порлаб турар экан, биз ёққан чироқлар,  
Кўнгилни тарк этмади ишончу имон.

Эсингдами, менинг биринчи севгимни,  
Изҳор этувдинг ўша — чилвирсоч қизга?  
Муҳаббатнинг олови куйдирмас кимни,  
Не бўлса аёнди фақат иккимизга.

Эсингдами, ўша — қаттол жангу сурон,  
Юрт учун, эл учун жонни тиккан кун?  
Иккимиз ҳам ўн еттида эдик у замон,  
Нажот излардик Ватан тақдири учун.

Эсингдами, нонга зор, етмас — ночорлик,  
Йўллар бўйлаб оёқяланг кезганимиз?

Адабиёт мухлислари  
Улуғ Ватан уруши қатнаш-  
чиси шоир, драматург,  
олим, Ўзбекистон ССРда  
хизмат кўрсатган санъат  
арбоби Душан Файзий  
ижоди билан яхши таниш.  
У ўз ижодини хандақларда  
битилган сатрлардан бош-  
лаган, қурол ва қалам  
билан Ватанимиз бахт-сао-  
дати учун курашга кирган  
эди. Ватан эрки, истиқболи  
кейинчалик ҳам адиб ижо-  
дида марказий мавзу бў-  
либ қолди.

Шу кунларда 60 ёшга  
тулган Душан Файзийни  
кўп минг сонли журнал-  
хонлар номидан қўтлаб,  
унга янги ижодий  
зафарлар тилаймиз.

Умидларга айланиб кечаги зорлик,  
«Ғалаба»ни қизил рангда ёзганимиз.

Не бир деворларга тегмади бошимиз,  
Китоблар бағрида кездик дунёни.  
Атомни парчалашга етди қурбимиз,  
Йўлдошлар ҳам учирдик кўзлаб самони.

Нимани амр этдики менинг виждоним,  
Сен уни оламга баралла куйладинг.  
Ватаннинг меҳри дея куярди жоним,  
Мен неларни ўйласам, сен ҳам ўйладинг.

Сен куйладинг:

сулув юрт — Ўзбекистонни,

Бир юртки, унинг меҳри қонимиздадир.  
Ўзбекистон!

Она ер — жону жаҳони,

Бир жаҳонки, не қон, ул жонимиздадир.

Ҳали умидимиз кўп ёруғ дунёдан,  
Қанча гулу гулнора кўз тутар бизга.  
Қўшиғимиз безангай нуру зиёдан,  
Шодлиги ҳам, ташвиши ҳам — иккимизга...

Ҳали хизматингдан улгурмадим қониб,  
Сен дунёда ёлғиз бойлигим ва борим.  
Ҳар қалай ҳақиқатни куйладинг ёниб,  
Ўтинчим — мендан олдин синмагин, торим!

## Турналар қайтган кеча

Олчазор боғингда кутдим,  
зор ўлиб, ўтган кеча.  
Саф бўлиб, олис сафардан  
турналар қайтган кеча.  
Зориқиб кутдик сени:  
осмонда юлдуз, ерда мен,  
Тун ўтиб, ул тонг отарда  
ой ботиб кетган кеча.  
Васли рухсор иштиёқи  
айлади ҳолим забун,  
Қон бўлиб гул шохида  
булбул фиғон этган кеча.  
Ошкор этди мени  
боғ ичра ойнанинг шуъласи,  
Мен хаёлан юзларингга  
юзларим суртган кеча.  
Ҳафталар ўтди, баногоҳ  
бир келиб кетган эдинг,  
Завқи ишқдин ўртаниб  
мен бир ғазал битган кеча.  
Лоладан гулхан ёқилди  
ул жунун саҳросида,  
Сен билан сайр айлашиб биз,  
сўнгра тонг отган кеча.  
Қолмагай Файзийда армон  
ташриф этсанг бир нафас,  
Мушкин ул сочингни сийпаб  
васлинга етган кеча.



# Менга сўз беринг

Менга сўз берингиз!  
Матлабим менинг —

ТИНЧЛИК!

Шу матлабни ёқламоқ учун —  
Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг  
Олий минбаридан сўзлайман бу кун!

Эслатай:

Гудериан танклари ўша тонг —  
Брест қалъасига ҳамла қилган чоқ,  
Ҳарбий ноғоралар урганида бонг,  
Чўчиб уйғонганда, борлиқ — ҳаммаёқ,  
Мен-ку, ўн уч ёшли бола

ва шу диёр,

Бир тўфон ичра,

«Омон бўл!» аросатда қолиб,  
Ёдимдан чиқмагай зинҳор,  
Оталар жўнади жангга, саф бўлиб.  
Сўнг,

ғилдираклар айланиб тинимсиз,

Қалқиб турди бирдек замин ва замон.  
Инсонки, жонсарак

ҳамда қўнимсиз,

Оловлар ичида кезди.

Ер, осмон —

Баравар ёнарди сув ҳам,

тупроқ ҳам,

Ёнарди боғларнинг нимранг гуллари.

Дарёларда оқди қонлар,

дард-алам.

Сталинградда,

Ватаним ўғиллари,  
Фашистнинг бурнини қонатган чоқда,  
Дунё бир қалқиди.

Булутлар аро —

Қизил шуъла таралиб ҳаммаёқда,

Умид учқунлари чақнади гўё...

Сўнг

эса,

ўн етти ёшли ўспирин,  
Ёшлиги, севинчи хазон бўлган жон:  
Асрамоқ учун отамерос ерин,  
Душман нишонига бўлганча қалқон,  
Бир қўлида милтиқ,

бир қўлда байроқ,

Европани кезиб қадам-бақадам,  
Рейхстаг қуббасига кўтарилган чоқ,  
Кўзларда қувончга айланди олам.  
Қаранг,

йиллар ўтди,


энди оптимизда,

Унутилмас тарих келар изма-из.

Масофалар турса ҳам орамизда,

Гаплашмоқ галидир бугун юзма-юз...





Нормурод Норқобилов

## БАҲОР ОҚШОМИДА

Учинчи қаватдаги ойнаванд айвончадан ташқарига паришон термилиб турган Шухратнинг кўзлари қувончдан порлади: «Ойим!» деди ўзича ирғишлаб. Аммо тезда яна хомуш тортиб қолди: узоқдан ойим деб ўйлагани — ўрта бўйли қотма аёл, торгина йўлакдан қўшни бино томон бурилиб кетди.

Бола ўткинчиларни кузатишдан зерикди. Ичкарига кирди. Уй ичи қоронғи эди. Оёқлари тагига ўриндиқ қўйиб чироқни ёқди. Уткир нурдан кўзлари қамашиб, бирпас тек туриб қолди, сўнг пастга сакраб тушиб, бурчакдаги стол остида ётган қўнғир айиқчани қўлига олди. Уйинчоқлари ичида айиқчани кўпроқ ёқтирар, уни бир ҳафта бурун беш ёшга тўлиши муносабати билан отаси совға қилган эди. Шухрат айиқчани бағрига босиб, қўшни хонага ўтди. Бу хона дадаси билан ойисининг мук тушиб ишлайдиган жойи — икки бурчакда иккита ёзув столи, уларнинг устида биттадан яшил қалпоқли лампа, шифтга қадар чўзилган жавон турли китобларга лик тўла. У хонага кирди-да, азбаройи зериккан кезларида ўйнайдиган эрмагига тутинди.

— Сен ойм бўласан, — деди бағридаги айиқчани ойисининг ўриндигига ўтқазиб қўяркан. Ўзи эса дадасининг ўрнига жойлашди, — Мен — адам...

У жимжимадор нақш чизилган мис идишдан йўғон бир қаламни олиб, отаси каби жиддий қиёфага кирди, опшоқ қоғоз бетига алланималарни чизган бўлди. Бир оздан сўнг қоғоздан бош кўтариб, айиқчага юзланди:

— Мавжу, битта чой қўйиб юбой!

Унинг тили чучук, «р»ни айтолмасди. Шундан сўнг, айиқчанинг «зиммасидаги вазифа»ни ҳам ўзи ижро этишга киришди. Дарҳол столга мук тушди: гўё ойиси каби берилиб ишламоқда эди. Сўнгра, секин бошини кўтариб, иягини чап кафтига тиради-да, сал зардали оҳангда деди:

— Ҳозий...

У яна ўз ўрнига ўтди:

— Ҳозийнинг нимаси?

Шу ўринда ойисининг жавоб гапини эсига туширолма, пича ўйланиб қолди. Ниҳоят эслади. Гапиришдан олдин қўлидаги қаламни жаҳл билан стол устига улоқтириб, қаттиқ уф-ф тортди:

— Одамни ҳеч ишлагани қўймайсиз-а, Тоҳий ака! Ичийиз бунчалик той бўлмаса?!

Шу гапдан сўнг ошхонага йўналиши, чойнак-пиёлани шиқирлатиб, «чой дамлаб кириши» керак эди. Чой устида ҳам анча-мунча гап-сўз бўлиб ўтарди, шубҳасиз. У энди ошхонага чиқмоқчи бўлиб турган эдики, ҳарир парда тутилган дераза бирдан ёришиб, момақалдироқ гумбурлади. Шухрат чўчиб тушди ва антиқа ўйинни ҳам унутиб, айвончага югурди.

Ташқарида жала қуяр, уч бола ҳавасга соябон кўтариб кўлмак кечиб юрарди. Ун уч-ўн тўрт ёшлар чамасидаги бир қиз, туфлиси қўлида, ялангоёқ, яланбош, юзини илиқ ёмғирга тутганча, завқ-шавқ оғушида йўлак бўйлаб сайр қиларди.

Кўчадагиларга Шухратнинг ҳаваси келди.

— Эй-й! — деб қичқирди у қўлини тўлаб.

Қиз ялт этиб тепага қаради. Аммо завқли ҳолатини бузгиси келмади шекилли, индамасдан йўлида давом этди. Шу пайт қаршидаги бино деразаси шарақлаб очилди-да, бир аёл бош чиқариб шанғиллади:

— Роҳила, нима бало, сени жин урганми?! Қани, дарров уйга кир, шамоллаб қоласан...

Қиз ғойиб бўлгач, Шухратнинг кўнглида бир ҳавас туғилди. У ҳовлига тушиб, анави болалар билан бирга кўлмак кечиб ўйнамоқчи бўлди. Эшик томон ошиғич юрди. Аммо дадасининг топшириғи ёдига тушиб, бўшашиб қолди. Унг думбаси жижиллаб ачишгандай бўлди. Бир гал уйни очиқ қолдириб, кўчага «дайдиб» кетганида, дадаси ингичка камар билан яхшигина савалаган эди. У кийим илгичда осилиб турган энсиз камарга хўмрайиб қараб қўйди.

— Шухратбек, уйдан чиқмай ўтир, — тайинларди дадаси ҳар кун ишга отланаётиб, — бўлмаса, қаттиқ хафалашиб қоламиз.

— Эшикни Зухра холангдан бошқа ҳеч кимга оча кўрма, — қўшимча қиларди ойиси.

Улар шу кетганларича кечқурун қайтишарди. Ойиси кела солиб қозон-товоққа уннайди, дадаси диванга чўзилиб, бирпас телевизор кўрган бўлади-да, сўнг мук тушиб ўтирадиган хонасига қамалиб олади.

Уззукун уйда ёлғиз қолиб зериккан бола, улар келиши билан кўнгли чоғланиб, тўпалон қилишни бошлайди. Дадаси шовқинни ёқтирмайди, хонасидан туриб дағдаға қилади: «Мавжу, камар қани?!» Бунинг эшитган Шухрат бўйинини қисиб ойисининг ёнига боради. Аммо у ҳам ўглининг оёқ остида ўралашишини хуш кўрмайди: «Бор, мульттик кўргин!» дея ошхонадан ҳам чиқариб юборади...

Кечки таом пайти бола учун янада зерикарли бир тарзда кечади. Дадаси билан ойиси нуқул ўз ишлари юзасидан гаплашадилар, кейин баҳсга тушиб кетадилар, баъзан эса кимларнингдир гўрларига гишт қалайдилар.

Буларнинг баридан зериккан бола бир гал дастурхонга атайдан шўрва тўкиб юборди. Шундагина дадаси билан ойиси унинг хонтахта четида мунгайиб ўтирганини пайқашди.

— Нима қип қўйдинг?! — деди ойиси. — Кечагина ювган эдим-а!

— Бунинг овқат егиси йўқ, — деди дадаси қовоқ уйиб. — Бор, ухла!

— Ейман, — деди бола минғирлаб ва яримлаб қолган овқатини ичишга тушди.

— Аслида аспирантурада сиртдан ўқимаслик керак экан, — дея яна ўша суҳбатини давом эттирди дадаси. — Нима бўлсаям кундузги — кундузги-да! Шундагина кўзланган мақсадга тез етса бўларкан.

— Узингиз-ку, шуни танлаган, — деди ойиси.



— Бу қадар чўзилишини қайдан билибман, — зорланди дадаси шўрва ҳўплай туриб. — Баҳодирнинг гапига учиб...

— Унинг «суянчиқ»лари борлигини билардингиз, — ойиси бўнаган косасини нари суриб қўйди. — Сиз кимингизга ишонасиз, хайронман. Ҳжарсиз-да! Аро йўлда мен ҳам сарсон...

— Ана шу-да, — дадасининг қошлари чимирилди, — сен билан юракдан гаплашиб бўлармиди! Дарров юзга соласан... Дарвоқе, сенга сиртқида ўқигин демагандим, шекилли?

— Демагансиз-а! — ойиси баттар гинахонлик қилди. — «Болали хотинга кундузгида бало борми?» деган ўзлари эмасмиди?!

— Э, дардинг кўп экан-ку! — дадаси қаттиқ тикилиш қилди. — Шу гапни айтган одам, «қолингни билиб, мактабингда дарсингни бериб юравер», дейиши ҳам мумкин эди-ку!

Ойиси, одатдагидек, бирдан паст тушди...

«Камар» ёдидан кўтарила бошлаган Шухрат оёқларини ликилла-тиб, уларнинг гашига тегишга тушди. Бу ҳолдан дадасининг тоқати тоқ бўлди.

— Э, обориб ётқиз! — деди жаҳл билан.

Ойиси, ҳар галгидек, алдаб-сулдаб жойига ётқизди. Аммо у тинчий қолмади: «Эйтак айтиб бейинг», деб хархаша қилди. Она шўрлик эртақ айтиб кўрмаган, шундай бўлса-да, ўзича алланималарни тўқиди. Лекин қовушиқсиз гап Шухратга ёқмади: «Бу қизиқмас-ку, бувимнинг эйтагини айтиб бейинг», деди. Ойисининг жаҳли чиқди: «Ухла, агар яна унинг чиқса, адангга айтаман».

Бола ярим тунда зарурат юзасидан уйғониб кетди. Қоронғида тимирскиланиб ишини битирди-да, қия очиқ эшикдан ичкарига мўралади. Дадаси билан ойиси бош кўтармай ишлаб ўтиришган экан. Ҳар иккисининг ҳам кўриниши чарчоқ ва асабий...

Шухратнинг уларга раҳми келди. Жавондаги китоблар кўзига ёмон кўриниб кетди. Шу маҳал дадаси қаддини ростлади ва бутун суякларини қисирлатиб узоқ керишди, олдида турган чойнақдан пиёлага чой сирқитиб ичди. Нафси қонмади, шекилли: «Мавжу, битта чой қўйвор», деди. Ойиси тезда қўзғала қолмади, пича ади-бади айтишди. Кейин бўш чойнакни қўлига олиб эшикка юрди. Болакай ура қочди. «Вой-й, саними, — деди ойиси унинг орқасидан пўписи қилиб, — пойлоқчига ўхшаб юришини қаранг!» Ичкаридан дадасининг зардали овози эшитилди: «Шухратми? Ухламасдан нима қиб юрибди?»

У энди чинакамига ўксиди: «Ҳадеб бақийишади!» Бориб жойига ётди. Ёнига келган ойисига ўпкаси тўлиб деди: «Мен ҳечам аспилант бўлмайман, Явшан амаки бўламан». Ойиси кулиб, юз-кўзидан ўпди. У аразлаб, тескари ўгирилиб олди. Кўзи илинаётиб тагин гудранди: «Мен Явшан амаки бўламан».

Равшан амаки — ён кўшни. Қайси бир ташкилотнинг каттакон автобусини ҳайдайди. Шухрат — унинг ўртанчи ўғли Асад билан ўртоқ. Равшан амаки жуда болажон одам. Қилиқлари ҳам болаларни-кига ўхшайди. Болаларидан бирига ўйинчоқ машина сотиб олса, аввал обдан ўзи ўйнайди, сўнг боласига беради. Яна бир қилиғи: футбол «жинниси». Телевизорда футбол бошланиши билан беихтиёр дивандан гилам устига сирганиб тушиб, чордана қуриб ўтириб олади-да, ўйин давомида бақириб-чақирганча телевизор томон силжиб боради. Ўйин якунида телевизорга бетма-бет туриб қолади. Айтаверса, унинг қилиқлари кўп. Энг муҳими, уни ҳовлидаги барча болалар яхши кўришади. У болаларни машинада айлангириб, тез-тез кўнглини овлаб туради-да...

— Маза, шуларга маза, — деб қолади дадаси баъзан нимадандир хуноб бўлганида, айниқса Шухратнинг бирор ножўя қилиғи туфайли қўшнилардан гап эшитганида. — Хоҳласа соатлаб телевизор томоша қилади, хоҳласа бошқа нарса... Муҳими, бизга ўхшаб, бировларнинг қош-қовоғига қараб яшамайди, ўзи хон кўланкаси майдон...

Ойиси нимадир деб эътироз билдиради. Аммо дадаси тинчий қолмайди, қўлларини чалиштирганча, бир нуқтага тикилиб «файласу-фона фикр» юритишда давом этади:

— Менимча, зиёли эр-хотиндан бири, гапнинг очиги, эр фан йўлида заҳмат чекмоғи, хотин эса у жафокашни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турмоғи лозим.

Ойиси индамайди. Дадаси гапираверади, тинмай гапираверади. Бунақа пайтда уни тўхтатиш қийин. У оналик бурчи ҳақида узоқ вайсайди. Ниҳоят, ойисининг бардоши тугайди.

— Шунақами?!— дейди у чимирилиб. — «Мавжу, фан эшиги ҳар иккимиз учун ҳам ланг очиқ! Иккинчи даражали нарсаларга алахсимай, бу даргоҳга қўлтиқлашиб қирмоғимиз жоиз», деган сиз эмасмидингиз, а?!

Дадаси — бурчакка турғазиб қўйилган «иккинчи даражали нарса» — Шухратга ишора қилиб дейди:

— У пайтда қўлтиғингда манови хулиган йўқ эди-да.

У вақтда, яъни бир яшарлигида Шухрат бувисининг бағрида эди. Шаҳар четидаги кенг ҳовли, катта оиланинг эркатойи саналар эди. Уни ҳамма севарди, у ҳам... Амакилари қувноқ эди, аммалари меҳрибон. Кейинчалик амакилари уйланишиб, уларнинг ҳам ўз болалари пайдо бўлгач, бола назардан четда қола борди. Лекин бувиси, тўнғич невараси эмасми, уни жондан ортиқ кўрарди. Ёз оқшомлари ҳовлидаги сўрида, бувисининг кучоғида эркаланиб ётаркан, кўкдаги тўлин ойга тикилиб, юзинчи, балки мингинчи марта сўрарди: «Буви, оймоманинг юзи нега унақа?» Бувиси болага ёд бўлиб кетган ривоятни юзинчи, балки мингинчи марта қайта ҳикоя қиларди: «Оймома билан қуёш опасингил экан. Оймома босиқ, оқила, қуёш эса тезоб ва ҳасадчи бўлиб, опасининг чиройини кўролмайдураркан. Бир куни ораларидан гап қочиб, у оймоманинг юзини тирнаб олипти. Оймома шўрлик, вой феълинг қурсин-а, деб бетига пахта ёпиштириб қўйибди. Унинг бетидаги доғлар ўшандан, болам». Бола оймоманинг юзидаги доғларга тизлаов тикилиб, яна савол бераверади: «Буви, унинг юзи қачон тузаловди?» «Бир кун келиб тузалиб қолар». «Кейин нима бўлади?» «Кейинми? Кейин қоронғи кечалар янаям равшан тортиб кетади». «Вуй-й, одамлай қандай қилиб ухлайди?» «Бошига кўрпани буркаб ухлайверадида», дея бувиси Шухратнинг устини ёпади. У бўлса кўрпани тепкилаб ташлаб, яна сўрайди: «Буви, зйтак айтиб бейинг?» «Қайсинисини?» «Ҳалиги-чи... тошга қочиб кийган қиз бой-ку...» «Ёрилтошми?» Эртак айтганда, бувисининг овози товланиб, сирли тус олади. Шухрат бувисининг кучоғига сингиб, гоҳ ҳаяжонланиб, гоҳ бадани жунжикиб эртак тинглайди. Тинглаб туриб, бирдан сўраб қолади: «Буви, буви, «қаламқош» дегани нима?» «Қаламқошми?— дейди бувиси ўйланиб.— Рисолат аммангни қошига эътибор берганмисан? Ҳа, ўшани «қаламқош» дейди». Эртаси у аммасининг қошларига атай тикилади, унинг гўзал эканини пайқайди. Умуман, бувисининг эртақларида талқин этилган сифатларни у аммалари ва амакиларида кўради. Кўрибгина қолмай, баъзан билафонлик қилиб мақтанади ҳам: «Амма, сизнинг қошингиз — қаламқош!» Аммаси, негадир, лоладай қизаринади. Бу нарса Шухратга хуш ёқадди.

Аммо дадаси билан ойиси бувисининг эртақларидаги қаҳрамонларга сира ўхшамайди, улар аллақандай тажанг, дилгир одамлар, доимо нимадандир норози юришади.

Уч ой бурун сирпанчиқ учаман деб, Шухрат чап қўлини синдириб олдию унинг қишлоқдаги завқли кунлари барҳам топди. Ойиси бувиси билан қаттиқ жанжаллашиб, болани шаҳарга олиб келди.

— У бизга халақит бераётгани йўқ,— деди ойиси гезариб.

— Халақит бермаётган эмиш,— унинг гапини кесди дадаси,— ахир ўша туфайли қўшнилар билан сан-манга боряпмиз-ку! Бугун

биттасининг ойнасини синдирибди, эртага, ким билади, яна қандай ҳунар кўрсатади? Уйда тинчликмикан, деган ташвиш сира ҳаёлимдан аримайди.

— Нима қил дейсиз?

— Қишлоққа юбориш керак, вассалом.

— Қўйинг-чи, бирор фалокат орттириб олмайлик тагин.

— Ҳеч нарса қилмайди...

Улар шу тарзда узоқ тортишадилар.

Лекин баъзан учовлашиб сайрга ҳам чиқишади. Бундай пайтда дадаси ҳам, ойиси ҳам тамомила бошқа одамларга айланадилар — юзларида меҳр, кўзларида нур порлаб одимлайдилар. Шухрат беш-олти одим олдинда конфет шимиганча кетаверади. Афсуски, бундай қувончли дамлар онда-сонда бўлиб туради. Болакай шу кунларни лаззатли туш каби хотирлаб юради...

\* \* \*

Шухрат айвончага қайтди. Қоронғи туша бошлаганига қарамай, ҳамон кўлмак кечиб юрган болаларни, ёмғирдан қочиб бораётган ўткинчиларни кўрар экан, эшик қўнғироғи жиринглагандай бўлди. У югура бориб эшикни очди. Қоронғи йўлак бўм-бўш эди. Юқори қаватда эшик очилиб-ёпилди. Шухрат адашганини англади. Бир зум эшикка суяниб турди. Шу дам ташқаридан машина овози эшитилди. «Ура, Явшан амаки!» деганича бола пастга отилди. Йўлак оғзида юк машинаси турар, иккинчи қаватда яшовчи бадқовоқ, семиз амаки бир қоп нарсани орқалаганча зина томон келарди.

— Нари тур! — деди у оғир пишиллаб.

Шухрат уни четлаб ўтиб, ҳовлига чиқди. Уёқ-буёққа аланглаб, Равшан амакисининг автобусини қидирди. Бироқ автобус кўринмади. Шухрат уйга қайтиб киргиси келмади. У кўлмак кечиб юрган болалар ёнига борди. Улардан бири оёғи билан сув сачратиб юборди. Шухрат хафа бўлиб терс бурилди. Узоқдан келаётганлар ота-онасидай туюлди. У бундан ботирланиб, сув сепган болани бошлаб масхаралади-да, соябон тутганлар томон югурди. Аммо келаётганлар бошқа кишилар бўлиб чиқди. Бола ўртада сарсон туриб қолди, ортига қайтай деса, масхараланган боланинг қўли мушт, олдинга юрай деса... Пича ўйланиб турди-да, ота-онасини учратиш умидида, олдинга қараб кетаверди.

Катта кўчага чиқиши билан унинг кўз олдида ранг-баранг олам намён бўлди: кўча сутдек ёришган, баланд-баланд бино пештоқларида турли рангдаги ёзувлар тўлқинсимон жилваланади, ҳўл асфальтни шитирлатиб машиналар қувлашмачок ўйнашади. Болани одамлар ўз оқими билан номаълум томонга олиб кетди.

Шухрат юра-юра икки қаватли ойнаванд магазин қаршисидан чиқиб қолди. Бежирим кийинган ака ва опалар ойналар ортидан тикилиб туришарди. Бола ўнғайсизланиб, ҳам қизиксиниб уларга яқинлашди. Бу одамлар кийинтирилган кўғирчоқлар эканини кўриб, қийқириб кулиб юборди. Шу аснода ортидан кимдир тикилиб турганини ҳис этди. Ўтирилди. Ингичка мўйловли ёшгина милиционер йигит кўзларини ундан узмас эди.

— Нима қилиб турибсан?

Болакайнинг ранги оқарди. Унинг чўчиганини кўрган милиционер жилмайди. Шухрат ҳам жилмайди.

— Адашиб қолдингми? — деди милиционер юмшоқ оҳангда.

— Йўқ, ўйнаб юрибман, — деди бола.

— Ивиб кетибсан-ку, — деди йигит меҳрибонлик билан. — Дарров уйингга кир, ота-онанг кутиб ўтиргандир. Бор!

Бола теvarакка бесаранжом аланглади.

— Адресингни айт, обориб қўяман, — деди милиционер воқеага тушуниб.

Болакай ночор ерга қаради.

— Энди нима қилдик?

Милиционер унинг иягидан тутди, ҳўл сочини силади. Бола шумшайиб тураверди.

Емғир деярли тинган. Улар милиция биноси томон яёв боришарди. Шухрат бидирлаб милиционер йигитни саволларга кўмиб ташлар, у эса шошилмай жавоб берарди. Милиционер бугун жуда бахтиёр эди, икки соат бурун хотини ўғил кўргани ҳақида хабар эшитиб, бу қувончини кимга айтишни билмай турган эди, беихтиёр мақтаниб қолди:

— Биласанми, мен бугун ўғил кўрдим!

— Ўғил?

— Ҳа, ўғил! Уч килою саккиз юз...

— Оти нимайди?

— Оtimi? — Милиционер йигит ўйланиб қолди. — Оти йўқ ҳали.

Шухрат қийқириб кулди:

— Э, оти йўқ болаям бўладими?

— Сани отинг нимайди?

— Шухрат.

— Чиройли экан,— деди йигит ҳавасланиб.— Мен ҳам Шухрат кўйсаммикин, сен нима дейсан?

— Йўқ, Асад кўйинг.

— Нега?

— Асад менинг ўйтоғим-да.

Милиционер кулди.

— Ҳай, Асад бўлса, Асад-да...

Шухрат тўсатдан тийганиб, тўпиғигача қўлмакка тушиб кетди. Туфлиси сувга тўлди. Йигит уни шартта елкасига кўтариб олди. Болакай милиционернинг бошидан шапкасини олиб бошига кийди:

— Мен милициянейман!..

Иккиси ҳам бениҳоя хурсанд эди. Томчилаб турган баҳор ёмғири иккисига ҳам хуш ёқарди.


## ● КИТОБ ВА МУТОЛАА ҲАҚИДА ●

Сен менга нима ўқиётганингни айтсанг, мен сенга кимлигингни айтиб берман. Одамнинг кутубхонасига қараб, унинг ақли ва тийнатиға тўлиқ баҳо бериш мумкин.

Шарль БЛАН

Китоб — бир авлоднинг иккинчи авлодга васиятидир, жон бераётган мўйсафиднинг ҳаётга қадам ташлаётган ўсмирга маслаҳатидир, дам олишга кетаётган соқчининг ўринбосар соқчига берган буйруғидир. Инсониятнинг бутун ҳаёти китобларга жо бўлган: одамлар, авлодлар, давлатлар ғойиб бўлди, китоблар эса қолаверди. У одамзод билан униб-ўсмоқда, унда ҳамма билимлар — ақлни тонг қолдирган ва қалбларни ҳаяжонга солган эҳтирослар шаффофланиб қолди; унда инсониятнинг барча улкан қизғин ҳаёти сирлари, улкан дастхатлари битилдики, бу бутунжаҳон тарихи деб аталади. Лекин китобларда фақат ўтган воқеалар битилган эмас; у ҳужжат бўлиб, шу ҳужжатлар асосида биз азобларда топилган, баъзан қон тўкишлар ҳисобига киритилган тўғрилиқ ва кучларнинг йиғиндисини ҳамда ҳақиқатни билишга киришамиз; у — келажак режаларидир.

Александр ГЕРЦЕН



Муҳаммадали Қўшмоқов

## БУҒДОЙ БОШОҒИДЕК ЕТИЛАР ҲАЁТ

### Гулласин тинчлик

Бу кунлар коинот қуш уйқу:

асаби —

Созланган танбурнинг торидек таранг.

Бандидан узилган ҳар япроқ

насаби —

Ҳаётнинг куйидан ажралган жаранг.

Бу кунлар қуш уйқу инсоний шўрлик ёд:

Юраги тутилган офтобдек адо.

Наздида, турналар «қурре»си — коинот:

Оламда бор дилдан чиққан бир садо.

Турна «қурре»сига айланган шу олам,

Қулоғим остида янграган йиғи,

Айт, ҳаёт барқ урсин, гулласин тинчлик ҳам,

Кундек равшан бўлсин халқ қорачиғи!

\* \* \*

— Сепин юлдуз қилиб ёйди умид.

— Юлдуз қилиб ёйди!..

— Дунё юзин сутга чайди умид.

— Сутга чайди!..

— Оқсув уч ой арқирайди-шарқирайди.

- Арқирайди-шарқирайди!..
- Сўнг-сўнг: қораяди, кумланар куз пайти.
- Қумланар куз пайти!..

- Умид ўтган йўлда  
қизли уйдагидай фаришта бор.
- Умид ўтган йўлда алла кулар.
- Умид билан ўтган умр омадга ёр.
- Қанддак бўлар!..

## Онлар

Юрак

олдида Сир  
гўё оқизок,  
Гўёки эшигин чертолмас қадар.  
Олдиндаги умр  
туюлар узоқ —  
бўса билан  
бўса ораси  
қадар...

Оқ сут-ла сабза жонга  
сингиган Ҳаёт  
кунни қонга қўшиб  
ийлаб-ишлайди;  
танглайин  
Ватан меҳри  
кўтарган от  
қулундаги товуши-ла  
кишнайти...

II

Ҳаётга  
улуғ мақсад эҳтиросин бахш этар,  
уни  
ҳамкору ҳамнафас айлар қуёшга  
ҳар асл коммунист,  
ҳар ҳалол меҳнаткаш  
виждонида, ишида тирик  
этиқод —  
халқнинг кўксидаги  
юрак.  
Халқ  
билар:  
устида жомакор — қуюв цехида  
бугунни ва келажакни  
қуяётган  
ишчидир,  
орзу иморатининг  
деворларин тиклаётган  
ёруғ кундай ғиштчидир,  
ғўза поялари орқали  
тупроқ остидаги офтобни  
чаноқлар юраги устига  
чиқараётган  
пахтакордир,  
ҳеч қачон  
душмани қаршисида  
туя каби  
тиз чўкмаган ордир,  
ҳаётни  
буғдой бошоғидай  
етилтирган  
эзгулик-ғаллакордир,  
қуёш супрасида

этиқод зуваласин ийлаётган  
нонвойдир,  
қуёшнинг  
беғараз ҳамкори —  
ойдир,  
ҳар куни  
ип каби  
умид игнаси кўзидан  
минг бора ўтаётган,  
тинчлик либоси қатимларига  
уланиб кетаётган  
инсоний меҳнатдир,  
саҳро сўқмоқлари  
боғ йўлига йўллаган  
ошиқона хатдир,  
Улуғ Ватан уруши фронтларида  
ўқ вулконида  
кўкрагини қалқон қилиб,  
ҳужумга кўтарилаётган  
ўн саккиз ёшли аскардир,  
қоинот қалби —  
айланиб турувчи қону  
юракдай шардир,  
фазолардан  
қоинотга:  
жонталашиб ётган  
онаси бошида  
бор жаҳони  
икки кўзига қалқиб  
тикилаётган ўғил каби —  
термилаётган фазогирдир,  
то ҳануз  
биронта бастакорга

этагин тутқазмаган —  
қўл билан ушлаб бўлмас,  
паймонаси мангу тўлмас,  
Навойй айтган улуғ ирдир,  
ўтда ёнмас,  
сувда чўкмас,  
пўлат сандиқларга қамаб бўлмас  
ёмғирдан кейинги ҳаводир,  
муҳаббатдек, жасоратдек  
тирикликка раводир,  
эл ичра  
дилни бошлаб юрган доҳий сўзидир,  
ҳаётнинг,  
ҳалқнинг ўзидир,  
кўрар кўзидир Ҳақиқат!

### III

Халқнинг  
бу эътиқодини кўриб,  
кулар эди мийиғида —  
бармоқ билан санарли,  
аммо  
ўзини,  
оғзининг ҳовури билан  
дарёларни қайтариб  
оқизгувчи сеҳргар, деб  
билганлар:  
«Ҳи-хи...  
Аввал бошда,  
шулар сиғинган Ҳақиқат  
булоғини қазганлар  
мабодо гўридан тирилиб келсаю  
кўрса бизнинг қилган ишларни...  
юраги  
тарс ёрилиб,  
яна тирилмайдиган бўлиб  
ўлар...  
Ҳи-хи...»  
Қаттиқ янглишдинг, бир ҳовуч муртад.  
Биз — кўпмиз,  
биз — ҳақмиз,  
биз — халқмиз.  
Қилич дамидан  
сув ичиб ўрганган  
бизнинг Ҳақиқат.  
Янглишдинг.  
Адолатли қаҳр  
илдизига урилган болта,  
деб ўйладинг  
меҳрни.  
Ваҳоланки,

меҳр ҳуқуқини қилиб равон,  
унинг пайини қирқадиганларнинг  
шоҳтомирини кесди  
Дзержинский каби  
адолатли қаҳр...

Ҳис қилдик,  
ақлга бовар қилдик:

чала —  
адолат бўлмас,  
пусиб  
яшай олмас Ҳақиқат!  
Шунда,  
кўзимизга кўринди;  
муваққат кимнингдир  
носоғлом райи билан

қилдек манфаати учун  
филдек умумхалқ мулкени  
совураётганлар,  
келажакнинг уруғларини  
эрмак қилиб чаққани  
қовураётганлар,  
давлат тегирмони дўлини  
ўз жиғилдонига қараб  
буриб олганлар,

юлдузларни  
ким ошди бозорига солганлар,  
жигрови  
сағрисиға  
бўш ташлаб қўйилган —  
пишқирган  
порахўрлик айғирлари,  
ишқирган  
юлғичлик байталлари...

#### IV

Биз — кўпмиз,  
биз — ҳақмиз,  
биз — халқмиз.  
Биз қутурган уммоннинг  
пўртаналарига ҳам  
сола биламиз кишан;  
кўзимиз тоймас,  
қалтирамас қўлимиз.  
Мана,  
ташладик  
қабоҳат селлари йўлиға  
тўғон...  
Биз — кўпмиз,  
юмушимиз ҳам кўп.  
Ғайратимизни  
ҳол-жонига қўймас  
нондек бутун ишончимиз.

Шимардик  
енгимизни,  
чамаладик-чўтладик  
сўмимиз, мингимизни.  
Мироб билан бирға  
ҳашар тепасида туриб,  
неча йилдир қаровсиз ётган  
арикларни  
қаздирдик керагича —  
йўноқлаб қолди  
сув.  
Эътиқодни бошлаб юриб,  
аслиға қайтсин деб:  
моғор босган  
имонларни,  
ақлларни олиб чиқиб,  
ёйдик

офтобрўяға...  
Синчков боқди Ҳақиқат кўзимизға.  
Илдизи ерга теккан —  
экилган кўчат каби  
кучға тўлди туйқусдан  
мақсад.  
Аёллар юзидаги табассум  
гуллади қийғос,  
гўдақларнинг  
қиқир-қиқир  
бувиларнинг қордек сочларида,  
буваларнинг оппоқ соқолларида  
сирғалди офтоб нурини,  
ой зиёсини етаклаб...  
Баҳор  
табассуми бўлиб  
оёққа қалқди одам.  
Ханда бўлиб балқди олам.

#### V

... Потрар  
чилла ичра,  
чимилдиқ ичра  
каптар юрагидек тинмағур жонлар.  
Тун-кун айқаш-уйқаш —  
бўсадек кечар.  
Сел каби  
бетийиқ кечади  
онлар...



\* \* \*

Афғонистон, синглим, зулмат чўлида —  
Қолдирмасман сени токи жоним бор.  
Хуррият офтобинг олис йўлида —  
Тўкилган бир қошиқ тоза қоним бор.

Зулму тажовузга қўярмизу чек,  
Кунга табассумни айлармиз ҳамкор.  
Меҳримиз, вафонинг кўчатларин эк,  
Тинчлик боғларига баҳорни эт ёр.

Шу ол қон тўкилган тупроғинг аро  
Буғдойзор барқ урар элинг бахтига.  
Душманларинг юзи бўлади қаро,  
Муштарий суқлангай юртинг тахтига.

Бешик тебратасан, тўқийсан алла,  
Тандирни тўлдириб нон ёпасан шод.  
Ўшанда, сел бўлиб сен айтган ялла —  
Қурбон жонларимни тирилтирур ёд.

## ● КИТОБ ВА МУТОЛАА ҲАҚИДА ●

Халқ ижоди, айниқса, халқ дostonлари бошдан-оёқ севги, ишқ-муҳаббат сувлари билан сўғорилгандир. Бу ишқ можаролари одамнинг яшashi учун лозим бўлган энг яхши сифатларни ўз ичига олади. Dostonлар қаҳрамонлик, душман қаршисида енгилмаслик, ўғилларнинг қул, қизларнинг канизак бўлмаслиги ғамини олувчи, ҳар қандай оғир кулфатлар бошга тушганда ҳам умидсизликка тушмай, бошлаган ишни охирига етказувчи ўғил-қизларни тарбиялаш воситасидир.

Ғафур ҒУЛОМ

\* \* \*

Китобларга бўлган муносабатимиз худди одамларга қилган муносабатимиздек гап. Гарчи кўплаб китоблар билан танишсак-да, аммо бир нечтасинигина дўст сифатида, ҳаётдаги йўлдошимиз сифатида танлай оламиз.

Людвиг ФЕЙЕРБАХ

\* \* \*


Китобни варақлаш, унга тикилиш — бу ўқиш дегани эмас. Китобни шундай ўқиш керакки, худди бировнинг ошқора сирини тинглаётгандек китобни теранлик билан ўқиш керак. Ана шундагина у ўзидагини намоён қилади ва сен асарнинг гўзаллигини фаҳмлай оласан.

Константин ФЕДИН

\* \* \*

Яхши китобни биринчи бор ўқиганда янги дўст орттиргандек ҳис қиламиз. Уқилган китобни қайта ўқиш — эски дўстни қайта кўриш демакдир.

ВОЛЬТЕР



## ҲАЖВИЯЛАР

### Бироқ энди...

«Пул орттирма — дўст орттир»...

Донобой бир улуғ одам билан хизмат юзасидан учрашганидан кейин шу мақол миясидан кетмай қолди. У кўпдан буён катта лавозимларда ишлайдиган танишлари бўлишини орзу қилиб юрарди. Қизиқ-да, у олий маълумотли, ўзига яраша обрўси, ҳурмати, мартабаси бор-у, мундоқ бировга мақтаниб кўрсатадиган таниши йўқ. Донобой айрим одамларга ҳайрон қоларди. Улар чаласавод, касблари — сотувчи, қассоб, омборчи ёки шунга ўхшаган бир нима. Лекин танишларининг номини эшитса ҳатто ҳўкиз ҳурқади. Қанақа қилиб танишиб оларкан улар?

Кўпинча маҳалла чойхонасида кимдир бирорта машҳур одам билан танишлигини айтиб, керилиб қолар ва баҳс бошланиб кетарди. Керилган киши гапини исботлаш учун «машҳур»нинг бола-чақаси номигача санар эди. Аммо бошқалар ҳам бўш келишмасди, керилган кишидан кўра яқинроқликларини кўрсатиш мақсадида, ўша шўрлик «машҳур»нинг пинҳона қилиб юрган ишларигача очиб ташлашарди. Гурунг авжга чиқар ва сира чеки йўққа ўхшарди. Охири ҳамма умид билан Донобойга муружаат қилишарди:

— Донобой, мана, сиз айтинг. Б. ака Қашқар маҳаллада турадилар, а?

— Энг кичкина ўғлининг оти Шоҳжаҳон, тўғрими? Яқинда ўшанга тўй қилдилар, а?

— Э, йўқ, оти Алишер, билдингизми? Хўп, қани, Донобой айтсинлар.

— Оббо, мен биламанми, сизми? Хотинлари опокдадамизнинг кўшнилари бўлганлар. Отлари Клара, тузукми?

Донобой бўлса машҳур одам тўғрисида унинг фамилиясидан бўлак ҳеч нарса билмаган бўлиб чиқар эди. Шунинг учун дув қизарар, гўлдирарди, холос. Бу ҳол унинг аламини кўзирди. «Мен тортинчоқ бўлсам керак, — ўйлади у. — Танишиш учун имкониятим бор. Лекин фойдаланишни билмайман. Энди шу Иззатовни кўлдан чиқармай. Ўзи ҳам яхши одамга ўхшайди. Шундай катта одам кирганимда ўрнидан туриб кўришди, чой қуйиб берди. Аммо қандай танишсам экан? Тўппа-тўғри кириб, «Сиз билан танишмоқчийдим, ака-ука бўлиб юрсак» десаммикин?...» Умрида ҳатто қизларга айтолмаган бу гапни. Хотини билан ҳам опаси таништириб қўйган эди. Хўп, Иззатовнинг ёнига кирсин ҳам. «Хизмат!» дея сўрайди у. Донобой нима дейди? Гунг бўлиб, ўшшайиб тураверади-да.

Донобойнинг боши қотди. «Э, кўй, ўша Иззатовсиз куним ўтмаяптими, — ўйлади у. — Нима қиламан ўзимни қийнаб? Лекин бошимга бирор мушкул иш тушиб қолса, ким ёрдам беради? Албатта, таниш-билишда. Хўш, менда ким бор? Иззатов билан яқинлашиб олишим шарт. Юзимга чарм қоплаб бўлса ҳам... Борди-ю, у ўшанда менга ишхонам ҳурмати юзасидангина мулозимат кўрсатган бўлса-чи? Ахир, унинг таниш-билиши

тикилиб ётгандир, улардан қоғиб юргандир? Иззатовга эса мендақанги танишнинг сира кераги йўқ, ҳеч кимга муҳтож эмас».

У Иззатов билан танишиб олишни туну кун ўйларди. Минг ҳайдасин, бу ўйни сира калласидан чиқара олмади. Бир неча марта Иззатовнинг идораси томон отланди ҳам-у, юраги бетламай ярим йўлдан қайтди. Бироқ айрим тенг-тўшларининг фаолиятини мундоқ тарозуга солиб кўрса, аксарият ишларини улар аллақандай раҳнаمولари орқали битираркан... У ёқ-бу ёққа юрди, бўлмади, охири Иззатовнинг қабулхонасига секин мўралади. Қабулхонада котибадан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Донобой чуқур-чуқур нафас олиб ўпкасини босди ва дадил эшикни очди. Котиба қиз жавоб бермагач, илондай сирғалиб ичкарига кирди ва:

— М... мумкинми? — деди ияги қалтираб.

— Ким керак? — сўради ранг-баранг телефонлар орасига кўмилиб ўтирган котиба.

— Из... затов бормилар?

— Шахсий иш биланми?

— Ҳм...

— Бир ҳафта кечикдингиз, — деди котиба тирноғига тикилиб. — Кейинги душанбада келсангиз, ундан кейинги ҳафтанинг пайшанба кунига рўйхатга ёзиб қўяман.

Донобой ўзи киришга кўрқиб, келганига пушаймон бўлиб турганди, суюниб кетди. Ташқарига чиққач, қафасдан қутулгандай яйради. Аммо миясида: «Барибир у билан танишишим керак, — деган ўй ғимирлашини қўймасди. — Мана, келса бўларкан-у, ҳеч ким ҳайдаб юбормас экан».

Кейинги ҳафта у қабулга ёзилди. Ана энди қабул кунини кутишни кўрсангиз! Нақ жинни бўлиб қолаёзди. Ниҳоят, Донобой учун тарихий кун ҳам етиб келди. У айтмоқчи бўлган гапини минг бора такрорлаб, қабулхонага кирди. Одам кўп эди. Донобой ҳам юраги дукирлаганча чеккадаги стулга омонатгина жойлашди. Ич-этини таталовчи даҳшатли кутиш дамлари бошланди. Айтадиган гаплари ҳам аралаш-қуралаш бўлиб кетди.

Иззатовнинг олдидан биров хафа, биров хурсанд бўлиб чиқиб турарди. «Ҳе, манави чол, кампирлар тортинмай юрибди-ю, менинг кўрққанымни қара». Шу пайт ичкаридан кимдир чиққанди, уни кутиб ўтирган одам шошиб сўради:

— Ҳа, ҳал бўлдими?!

— Э, йўқ! Иззатовнинг ўзи «майли» дегандай эди-ю, ёнидаги комиссия аъзолари қаршилиқ қилишди.

«Уҳ, комиссия бор экан-да! Кирсам, нақ шарманда бўларканман-у!» деган фикр Донобойнинг миясига урилди. У секин сирғалиб қабулхонадан чиқди-да, ҳовлиқиб жўнаб қолди.

Кейин бир неча марта, ўзи таниб қолармикин, деган умидда пастда кутди. Иззатовни учратди ҳам. Аммо у ҳеч кимга қарамай, қора «Волга»сига ўтириб кетворди. Шундай қилиб, Донобой Иззатов билан таниша олмади.

Орадан кунлар ўтди. Бир куни Донобой хизматдан қайтаркан, аллақандай таниш юзга кўзи тушди. У ўйлаб-ўйлаб, охири эслади. Уша «буюк» Иззатов экан! Донобой бир зум довдираб қолди. Иззатов бир қўлида тўрхалта, бошқасида абонемент, ҳамма қатори автобус бекатида ўтирарди. «Мана энди бемалол танишишим мумкин», деб ўйлади у. Лекин ўзини қанчалик зўрламасин, Иззатовнинг ёнига яқинлашишга сира-сира оёғи тортмади. Чунки, ҳозир танишиш имкони бор эди-ю, бироқ бунинг кераги йўқ эди.

## «Буюк» одам

Солижон институтда ўқиб юрган пайтларида қишлоққа келса биров кўришиб, биров кўришмас эди. Уқишни тугатгач, шаҳарда катта лавозимга минди-ю, дўстлари шунақа кўпайиб кетдики, асти кўяверасиз. Ҳар гал

самолётдан тушиши билан беш-олтита дўсти қучоқ очиб югуриб келарди. Шунда Солижон: «Мен уларга боришим ҳақида хабар бермовдим-ку?» дея ҳайратланарди. Униси ҳам гўрга, оёғининг тагига қўй сўйганларига нима дейсиз! Яна кўчага олиб чиқиб-а! Солижон қишлоққа келганида бирор кун уйда, ота-онасининг олдида туролмасди. Қаёқда! Бунга дўстлари йўл қўяди деб ўйлайсизми. Ҳали боққа судра, ҳали тоққа, ҳали дарёга:.. Тандир кабоб, гумбаз палов, сойдан балӣқ ўрнига ароқ тутишларнинг кети кўринмасди. Солижонни ҳар доим қўярда-қўймай давранинг энг тўрига чиқариб қўйишарди. У эса ўзидан катталардан юқорига чиқиб кетганига ниҳоятда хижолат чекар, буни дўстларининг ҳазили деб билар, хоҳолаб кулар эди. Шундан сўнг суҳбат бошланарди.

— Сиз шаҳарнинг устунни бўлиб қолдингиз, Солижон, — дерди дўстларидан бири.

— Сиз ҳақиқий миядор, буюк одам экансиз. Бўлмаса... сизга ўхшаб институтни битирганлар пашшадай ғужғон ўйнаб ётибди, — дерди иккинчиси.

— Шу пайтгача бизнинг қишлоқдан сизга ўхшаш даҳо чиқмаган, — дея уни маъқулларди. бошқаси.

Солижон бу гаплардан янада баттароқ хижолат чекар ва нима қиларини билмай хоҳолаб кулар эди.

...Орадан йиллар ўтди. Кунларнинг бирида Солижонни учратиб қолдим. Аммо у аввалги Солижоннинг бир тукига ҳам ўхшамасди. Қорин қўйиб баҳайбат бўлиб кетган, тўрт қават бағбақаси нақ кўксига тушарди. У давранинг тўрида кеналиб ётар, хириллаб нафас олар, тинмай пешона ва бўйнидаги терларини артарди.

— Сувдан узат, — деди у бир пайт ўтирганлардан бирига. Кейин шишанинг оғзидан «ғулт-ғулт» сув ютди-да, қолганини идиш-пидиши билан ариққа думалатди. — Ароқдан қуй. Қовурилган тил йўқми?.. Э, расво бўпти-ку!

Шу пайт болалар билан ўйнаб юрган беш яшар ўғилчаси келиб қолди.

— Дада, пул беринг?

— Пулни нима қиласан?

— Писта оламиз.

— Ма, — Солижон ёнидан яхлит битта эллик сўмлик чиқариб берди. — Бола-да, бола! Бўлмаса ҳалигина йигирма беш сўм берган эдим. Дарров гумдон қилибди, — деди ўтирганларга қарата ўғилчаси кетгандан кейин. Аслида ўғилчаси пулни олиб уйларига яшириб қўярди, ўзи тайинлаганди.

— Шаҳарда қандай янгиликлар бор? — сўраб қолди даврадагилардан бири.

— Э, қандай янгилик бўларди. Уша шаҳар турибди-да... Кеча денг, битта ошнам келибди. Дабдурустдан, қани, қўлни ташла, дейди. Нима гап, олдин айтгин, десам унамади. Охири қўлни ташладим. Биласизми, сизни «Облпотребсоюз»га ишга тавсия қилиб юбордим, дейди. Ол-а, ўзимдан сўрамай-нетмай қилган ишини кўрмайсизми! Роса таъзирини бердим... У ерда нима қиламан?! Утадиган бўлсам, аллақачон ўтиб кетардим. Минг жойдан ишга чақиришди.

— Ҳа, албатта, яхши бўлса иссиқ жойни совутмаслик керак, — деб қўйишди кўнгли учун бир-икки киши.

Солижон фильтри зарҳал сигарани лабига қистиргач, ёнидан ялтироқ зажигалка чиқарди. Аслида ўзи чекмас эди.

— Қаранглар-а, олтиндан зажигалка ясашибди. Бир ошнам чет элга борган эди, совғага олиб келди, — зажигалка қўлдан-қўлга ўтди. — Носирвой, бу кампир боқиб қўйган қўйлардан борми?

— Бор, — деди Носирвой.

— Олиб чиқиб биттасини сўйвор-е! Тил емасам бўлмайдиганга ўхшайди.

— Борликка бор-у, лекин бўғоз эди, — жавоб берди Носирвой.

— Ҳа, майли, фермага звонок қилармиз... Бу ёққа келишимдан бир кун олдин қизиқ воқеа бўлди-да. Тилпонда Ленинград билан гаплашаё-

тувдим, бирдан эшик тақиллаб қолди. Уф, гапнинг белига тепган ким экан деб эшикни очсам, илжайиб Раҳмонқул турибди. Қўлида гилам. Ичкарига киритдим.

— Қайси Раҳмонқул, ўзимизнинг тракторчи Раҳмонқулми? — сўради ўтирганлардан бири.

— Бе, тракторчи эмиш! «Облпотребсоюз»да ишлайдиган Раҳмонқул... Нима гап, деб сўрасам, ака, шу учтагина гилам униб қолди, мана, иккитаси кичкина, биттаси катта, бирини танлаб олинг, дейди. Буни танлаб ўтирадим, ўша катта биттасига иккита кичкинасини ўраб беравер, дедим. Қалай, боглабманми?

Ўтирганлар зўрма-зўраки кулишди. Тез орада палов сузиб келинди. «От-от» қизиб кетди. Солижон кўпроқ «отиб» қўйди шекилли, ҳеч кимга гап бермай, чулдирай бошлади:

— Ҳов, мен шаҳарнинг устуниман! Мен буюк одамман! Бўлмаса менга ўхшаб институтни битирганлар пашшадай ғужғон ўйнаб ётибди. Аммо юришибди итнинг кейинги оёғи бўлиб. Қишлоғимиздан битта мен шундай буюк одам бўлиб чиқдим. Ҳов!..

Солижоннинг дўслари бу гаплардан ниҳоятда хижолат чекишар ва нима қилишларини билмай, пикир-пикир, ҳиринг-ҳиринг кулишар эди.

## Балойи нафс

Омонулло англадики, судратма ўғли минг қилса ҳам ўз «кигиз китоби», яъни калласи билан институтга киролмайди. Шундан кейин кўпчилик қатори ирим-сиримини қилишга мажбур бўлди. Оғайнисининг битта домла таниши бор экан, тўрхалтани тилбурар лаш-лушларга тўлатишиб, ўшаникига силлиққина кириб боришди. Эртароқ ҳаракатнинг фойдасими, бошқасими, ишқилиб, домла, Омонуллоевич Дўлтабойни итар-итар қилиб юборишга кўнди. «Соққаси»ни беш мингга келишилди.

«Бешта кетса кетибди-да, — ўйлади Омонулло ўзини юпатиш учун димоғида тўнғиллаб. — Йўқ эди, бор бўлди, тағин йўқолди. Агар ҳамманикига кирган пул чиқмай тураверса... Ваҳ-ҳа-ҳа, тасаввур қилай-а!.. Пул топилади, лекин институтга киришда тамом бўлган мия ҳужайралари қайта тикланмайди. Хў-ўш, бундан ташқари, ҳар ойда стипендия ҳам олади-ку! Ойига, айтайлик, қирқ сўмдан. Ун ойда тўрт юз сўм, тағин икки ойда саксон — тўрт юз саксон сўм. Боринг, ана, беш юз. Демак, хўш деганингиздан билсак, беш йилда икки ярим мингини қарсиллатиб қайтиб оларканмиз. Бизнинг Дўлтавой икки ярим мингга дипломли бўлса, ёмонми?»

Омонулло овунма фикрларни ўйлашга ўйларди-ю, лекин бекордан-бекорга беш мингни санаб бериш барибир алам қиларди. Шундай кунларнинг бирида тўсатдан ғивир-ғивир гаплар юриб қолди: «Нима дейсан, фалон институтнинг уч-тўрт домласи пора билан кўлга тушганмиш!» «Аллақачон тумшуғидан илиниши керак эди улар». «Ҳакалак отган нафсларининг ҳовурини босиш учун оғзига беш панжаси тугул оёғигача тикқандан кейин...» «Мана энди йўғон-йўғон еганларини турмада кавш қайтариб ҳазм қилишаверади» ва ҳоказо ва ҳоказо...

Миш-мишлар ҳаммани шошириб қўйди. Омонулло ҳовлиқиб ўзи гаплашган домлани суриштирди; тўрга тушмапти. Унинг кўнглида аллақандай умид учқунлари милт-милт этди. «Бизнинг Дўлтавойнинг моади бор экан шекилли, — деб ўйларди у, — мен гаплашган домла бошқаларнинг пари тўкилганидан кўрқиб қолган бўлса, Дўлтавой текинга ўқишга кириб кетса-я, ҳали? Яшаб ташласин! Боринг, ана куруқ бўлмасин деб минг сўм олар. Ҳай, майли, икки мингга ҳам розиман. Хўш, уч минг деса нима қилти? Лекин уч мингдан бир мири ҳам ошиш йўқ. Бир бориб билишим керак».

У қуп-қуруқ йўлга чиқди. Чунки шундай нозик пайтда лозиманда қилиб бориш хавфлидай кўринди. Домланинг уйи кўча томондан томи

ерга теккудай бўлса-да, ичкариса нақ эртақдаги Қора девнинг қасри экан. Омонулло қиз кўриб юрган совчилардай ичкарига мўралади. Домла сўрида кўчага қараб ўтирган экан, уни кўриб қолди ва «кираверинг» деди. Омонулло ингичка бўлиб ичкарига суқилди. Эгнида йўл-йўл, ялтироқ пижама, қўлида пашшакалтак ушлаган домла оёғига шиппагини илиб, у томонга икки қадам юрди.

— Келинг, келинг, — деди домла, — қани, сўрига чикинг.

Омонулло қўшқўллаб кўришиб, сўнг сўрига чиқди.

— Соғ-саломатмисиз, домла? Бир кўриб кетай деб... ихм-ихм, — ҳол-аҳвол сўради Омонулло.

— Раҳмат, раҳмат. Ўзингиз яхши юрибсизми? — деди домла унинг отини эслашга уриниб Омонуллога қараркан.

— Тузук... Шу энди, қуруқ келавердим. Ҳалигини...

— Э, жуда тўғри қилибсиз. Замон нозик бўлиб қолди.

— Институтдаги гаплар ростми, домла?

— Рост.

— Шунга хавотир олиб келувдим, — деди Омонулло омонат ўтирганидан қийналиб қимирларкан.

— Энди, Олимжон ака, — деди домла ниҳоят Омонуллонинг отини эслагандай, — ҳаммаси тухматдан бўлди-да. Тухмат жуда ёмон нарса.

— Сизларнинг ишларинг ҳам қийин-да.

— Э, нимасини айтасиз?

— Бу, ҳалиги гапимиз қандай... — дея чайналди Омонулло.

Домла бирдан жонланди, қаддини тиклади ва хитоб қилди:

— Бўлмайди, Олимжон ака, бўлмайди! Сира иложи йўқ. Аҳволни кўриб турибсиз-ку.

Омонуллонинг кўзи олма-кесак териб қолди. Кейин бир амаллаб тилини гапга айлантирди:

— Домла, жон иним, шу бола бир куни биздан домангир бўлади. Ишидан ҳар қийналганда биздан кўради. Онаси қизларга, «ўғлим институтда ўқияпти», деб юрибди.

— Олимжон ака, тушунинг ахир! — деди домла астойдил. — Ҳозир ҳар биттамининг орқамиздан қоровул қўйилган. Босган қадамимиз ҳисобда. Қўлимдан келса, нима, ўзимни аравага соладиган келинчакманми? Бунинг устига дўстим орага тушган бўлса. Э-э, Олимжон акаей!

— Энди, домла, бизда ҳам қолиб кетмас. Бола-чақангизнинг орзу-ҳавасини кўринг...

— Биладан, Олимжон ака, биладан. Аммо айтдим-ку. Иложи бўлса эди, ўзингизни ҳам қўшиб киритиб қўярдим-а, ҳе-хе-хе, — домла қўлидаги пашшакалтак билан бир пашшани думалатди. — Буни қаранг-ей, қишлоқларда пашша, чивин йўқ. Шулар ҳам шаҳарга кўчиб келяпти, нима бало! Буларнинг дастидан кун кўриб бўлмай қолди-я! Кечаси уйку йўқ — деразани очсанг яъжуж-маъжуждай ёпирилади, ёпсанг — дим.

Омонулло домланинг диққатини тортиш учун муштига йўталди ва мўлтираб илтижо қилди:

— Домла, биз учун бир йўқ деманг энди! Ҳалиги айтганингизни, ҳалиги «бешта»ни тайёрлаб қўювдим... Бу...



— Тагин тушунмаяпсиз, Олимжон ака.

— Энди, иним, яхшилигингизни аяманг!

— Бўлмайди, Олимжон ака, «бешта»га бўлмайди. Аҳволни кўриб турибсиз, вақт нозик. Энди «ўнта»сиз иш битмайди.

Омонулло бу гапдан худди куни битгандай беҳол кўзини юмди.





Юсуф Жумаев

## СЕНИ СЕВГАНИМ КАБИ

### Москванинг кўли

Қайдаки интилиш бор тузлик сари, эрк сари,  
Қайдаки қулай бошлар ҳақгўйга тикланган дор,  
Ваҳим ичра бақироқ юртим муҳолифлари  
Дейдилар: ўша ерда Москванинг кўли бор!

Уларга қолса буткул дунё бўлса жаҳаннам,  
Ўчоғин тўлдирсалар гўдакларнинг кулидан.  
Кунпаякун бўларди аллақачон бу олам  
Улар ҳайикмаганда Москванинг кўлидан!

Башарни фашизмдан қутқариб қолди бу кўл,  
Шу кўл атом жабридан элларни қилди озод.  
Шу кўл боис, ям-яшил чопон кийди Мирзачўл,  
Шу кўл боис: кубалик кастрочилар дилшод!

Беканор очун учун Москва дасти тиргак,  
Москва дасти йўқми олам ишлари вожгун.  
Москва, кўлинг бўлсин, мудом қиламан тилак,  
Ўзбек пахта хирмонин толаси каби узун!

Шу кўл узун бўлсин, деб қон кечган ўктам Чапай,  
Бўлган не-не жувонмард Набиевлар жувонмарг.  
Сибир миллион неъматин юртга берар пайдар-пай,  
Қозоқ ери дон берар, ҳар қаричдан бир этак!

Шу даст узун бўлсин, деб Собир Раҳимов адо,  
Ҳабиб Абдулла қисқа умрин ўткарди бедор.  
Бир ёнда Жайхун фидо, бир ёнда Сайхун фидо,  
Йироқдир ҳаловатдан қадоқ кўлли пахтакор!

Биз, ўзбеклар, шу кўлнинг зафарларидан шодмон,  
Танлаганларданмиз-ку улўф Ленин йўлини.  
Сени севганим каби севаман, Ўзбекистон,  
Қардошлик узайтирган Москванинг кўлини!

\* \* \*

Эй сен, ваъз айтувчи, қилма ташвиқот,  
Пахтакор халқимга, тер тўк, деб ҳечам.  
Жаңгига жанг ҳақда сўйлайди, наҳот,  
Жаңгнинг нималигин билмаган одам.

Аждоди манглайин терини тўккан —  
Ерини қолдирмас қаровсиз ва хор.  
Сен йўқ маҳаллар ҳам, у пахта эккан,  
То абад пахтасин экар пахтакор!

Ҳар йил чигит қадар ва ҳар йил терар,  
Қалби пахтасининг ранги каби оқ.  
Пахтакор туфайли юксалаверар  
Юртим пахтасидан тўқилган байроқ!

## Фарғона гўзалига

Ҳазил

Сочингни белингдек, эй сен, инжабел,  
Инжа-инжа қилиб, қирқ ўрим ўрдинг.  
Васлинг билан сийла, менга раҳм қил,  
Йўқса, кўзёшимга ғарқ бўлар юртинг.

Гўзал Фарғонангни, боғ-роғларингни  
Дийдам шўробининг ҳубоби ютар.  
Мени сийламасанг, ҳув тоғларингни  
Ашким Бухорога оқизиб кетар!



## Жавобини кутаётган сўроқ

Тенгдошлар, қолмадик ҳеч вақт оч-юпун,  
Зор-зор йиғламадик, ғамга ботмадик.  
Жўяқдан чиқмасдан мудом биз учун  
Ота-Ўзбекистон қилди оталик.

Бахтимизни ўйлаб қадди эгилган,  
Ҳар йили кўтариб тоғлардек хирмон,  
Бизга мўлليون карра оталик қилган  
Ватанга фарзандлик қиламиз қачон?!

\* \* \*

Ёрим шафқатли экан, ҳижронин раво кўрди,  
Жонимни ўртагувчи — фиғонин раво кўрди.

Айтай унга салламно: бошимга битган бало,  
Бахтимни қилган қаро — армонин раво кўрди.



Пойига садқа бошим, жоним байтул ҳазанда,  
Менга ғами — оламнинг зиндонин раво кўрди.

Қуллик ёрга, дийдорин қўмсаб-қўмсаб ўларман,  
Қўмсаб-қўмсаб ўлишдек, имконин раво кўрди.

Елғон ваъда берди, деб ношукур ўлма, Юсуф,  
Йўлин чангин кўзга сурт, ёлғонин раво кўрди...

\* \* \*

Мен йил календарин тузсам мабодо,  
Барча варақларин қилардим қизил.  
Уриб тураркансан ушбу дунёда —  
Ҳамма кунлар байрам, унутма, эй дил.

Майли, ғамлар билан жисмимни ёққин,  
Майли, кўзларимдан аритмагин нам.  
Қуёш календари — уфққа боққин:  
У ҳар куни қизил, ҳар кунинг байрам...

## Афсус

Ҳазил

Сенга бағишлаб шеърлар  
Ёзолмайман, гулузор.  
Ҳар сўзим тафтиш бўлар,  
Ахир, уйда хотин бор.

Имкони бўлгандами,  
Битар эдим дostonлар.

Ичимда кетар, эсиз,  
Қанча-қанча армонлар.

Шоирнинг шўрлик боши  
Хотиннинг дастидадир.  
Не қилай, фикрларим  
Назорат остидадир.

## • КИТОБ ВА МУТОЛАА ҲАҚИДА •

Кимки қисқа сўзда дейди кўп маъно,  
Равонлик бобида ўл киши аъло.

ФИРДАВСИЙ

\* \* \*

Қачонки, ўз атрофимда бўш вақтини қандай ўтказишни  
билолмай энг жирканч машғуллар билан кўнгилхушлик қилаётган  
одамларни кўрсам, мен китоб қидиришга тушаман ва ичимда  
такрорлайман: китоб бутун бир умрга етадиган «овунчоқдир».  
Фёдор ДОСТОЕВСКИЙ

\* \* \*

Адабиёт асарларни ўқиганимизда бизда туғилган гўзаллик  
ҳисси ҳар бир асардан ўзимизга тегишли хулоса чиқаришга ёрдам  
беради. Биз ўқиган асарларимиздаги яхши образларга эргашиб  
уларга ўхшашга, ёмон образларга эса аксинча, сира ўхшамасликка  
интиламиз. Адабиётнинг шу хусусияти жуда катта аҳамиятга  
эгадир... адабиёт кишига масъулият ва лаззат бериш билан бир  
қаторда китобхонларда тўғри, фойдали хулқ ва ахлоқнинг  
мустаққамланишига, камчилик ва нуқсонлардан қутилишга ёрдам  
беради.

Мақсуд ШАЙХЗОДА



Мирзоҳид Мирзараҳимов

## БЕГОНА

Неврология бўлимининг учинчи палатасида беш киши ётарди. Дераза олдидаги каравот бу ерга ҳаммадан олдин келган Гриша тоғаники. Бир қарашдаёқ қулоқ-бурнининг ниҳоятда катталиги яққол кўзга ташланиб турадиган, тепакал бошида «т» ҳарфига ўхшаш чандиғи бор, сийрак киприк-қошлари сап-сарик бу қария эртадан кечгача ухлагани-ухлаган. Ухласа майли-я, кўзи илиниши билан шундай хуррак бошлардики, хонада тинимсиз бульдозер ишлаётгандек бўларди.

Каравотлари ёнма-ён бўлган Жапар оға хонанинг «шефи» ҳисобланарди. У тунги билан оёғининг томири тортишиб, тўлганиб чиқишига қарамай, саҳарлаб бошқалар ўрнидан тургунча тоза ҳавода бир айланиб келиш одатини қанда қилмайди. Ёши олтмишлардан ошиб қолган, жуссаси кичкина, овози чийилдоқ. Бу руҳи тетик, серҳаракат мўйсафидни хонада ҳамма ҳурмат қилади-ю, фақат Ёстиқ полвоннинг жини ёқтирмайди.

У одати шунақами ёки хуррак тортишидан хижолат бўлибми, катта парёстиқни боши остига эмас, устига қўйиб ётгани учун Ёстиқ полвон лақабини олган. Бу лақабни, табиий, унга Жапар оға ёпиштирган. Бу ҳам етмагандай танбеҳ бергани-берган.

— Нима бало, тагингни қуритяпсанми, тур, ўрнингдан! — дўқ аралаш буйруқ қилади у. — Салқинда қолган чирмовиқдай саргайиб ётавермай офтобга чиқсанг, отдай бўлиб кетасан.

Бир куни «уф» тортигани учун, бошқа куни бўлса овқатни чимчилаб егани учун роса таъзирини берди.

— Э, касалингдан ўргилдим, — деди у, — сен, бола, ўзингга-ўзинг душмансан!

Ёстиқ полвон анграйиб қолди.

— Мен врач бўлганимда сени бу ерда бир минут ҳам ушлаб турмасдим. Қўлингга кетмон тутқазиб, далага ҳайдардим у отдай кишнашингни ўшанда кўрардим.

Ҳақиқатан ҳам Ёстиқ полвоннинг ҳеч қаери оғримасди. Лекин бу ерда ҳавасга ётгани йўқ. Қон босими паст. Иштаҳаси, мадори йўқ, боши айланиб, кўзи тинади. Жапар оға буни яхши билади, бироқ, унинг эртадан-кечгача «уф» тортиб, сўлиб ётишини ҳам ҳазм қилолмайди. Беморнинг ўзи руҳан бардам бўлмаса, соғайиш учун курашмаса, фақат дори билан даволаниб бўларканми. Ҳар қалай, хона «шефи»нинг гаплари қулоққа қўпол эшитилса ҳам, замирида жонкуярлик, меҳрибонлик бор эдики, шунинг учун ҳам ҳамхоналари уни ҳурмат қилардилар.

Хонадаги тўртинчи киши — ўттиз беш ёшлар чамасидаги ўрта бўй, қорачадан келган, қалин қора сочларига икки чеккасидан оқ оралай бошлаган журналист йигит эди. Чамаси, асабдан бўлса керак, юзи қийшайиб, даволанишга келганди. Дастлабки кунлари деворга ўғри-

либ олганича, ҳол сўраб келувчилар ҳузурига ҳам чиқмай, овқатга ҳам бормай мук тушганча ётди. Уч ҳафта ўтиб, биров ўзгариш юз бердию кундан-кунга унинг юзи ўз аслига қайта бошлади. Энди у соғайишига кўзи етганидан, тез-тез ойнага қараб, юзини аллақандай мой билан силагани-силаган. Бироқ, ҳали ҳам ёнидагилар билан очилиб гаплашмас, саволларга қисқа жавоб қилар, қачонки ён қўшниси Ҳамро ака. таклиф қилсагина шахмат ўйнарди.

Гриша тоға ошхонага бормасди; овқатни ҳам, тувакни ҳам шу ерга олиб келишарди. У негадир орғиб қолган нон бурдаларини эҳтиётлаб қоғозга ўрар, тумбочкасига яшириб қўярди. Бари бир ҳар куни эрталаб оқ халатли қизлар жаврай-жаврай тумбочкасини тозалаб кетишарди. У бунга парво қилмас, одатини ташламасди.

— Бу урушнинг асорати, — чуқур хўрсиниб дерди Жапар оға, — унинг боши бекорга айланмайди...

Ҳамхоналари кийим алмаштираётганида баданида «урушнинг излари»ни кўришган, лекин унинг ўзи буни ҳеч қачон эътироф этмасди. Яхши бир одати: кўзи илинса, бас, ҳамма нарсани тамом унутар, худди гўдак сингари беғубор жилмайиб уйғонарди.

— Мана, масалан, сиз журналистсиз, — деди Гриша тоға бир куни туйқусдан, — қани, айтинг-чи, инсофнинг ўзи нима?

Эрталабки газеталарни варақлаб ўтирган журналист ўзига берилган саволга анчагача жавоб бермади. Кейин, газетадан бош кўтармай деди:

— Мен ҳалол яшаб, ҳалол ошайдиган одамни инсофли, одамгарчиликни пучак пулга сотадиган кимсаларни инсофсиз деб биламан.

— Тўғри гапираётганингизга аминман, — деди у хаёлга чўмиб, — лекин, унча аниқ эмас. Масалан, бир воқеани айтиб берай. Бир маҳаллар, сиз айтмоқчи, мен сабр-қаноатли, топиш-тутишим дурустгина эди. Қўшним биздан ҳам дуруст яшарди. Мендан қобилиятлироқ эди-да! Лекин, у урушдан қайтмади, тўрт боласи етим қолди. Менда биргина қиз. У ҳар куни телевизор олайлик, деб хархаша қиларди. Бунга, пулимиз бўлишига қарамай, кўнмадим. Негаки, қўшнимнинг болаларидан уялдим...

У жимиб қолди.

— Нимага? — сўради журналист.

— Уларникида телевизор йўқ эди.

Ҳеч ким чурқ этмади. Журналист газеталарни бир четга суриб, ўрнидан турди.

— Билмадим, — деди у хонада уёқдан-буёққа юриб, — балки, буни инсофдан кўра андиша дейиш тўғрироқ бўлар...

— Мутлақо нотўғри! — худди ҳақоратлангандай чолнинг авзойи бузилди. — Мен ўтакетган андишасиз, бақироқ одамман!..

Палатага врач кириб, баҳс узилиб қолди.

...Эртасига янги бемор келди. Кўринишидан қирқ-қирқ беш ёшларда. Ниҳоятда қадди-қомати келишган: қош-кўзлари хотинларники каби чиройли, икки юзи қип-қизил... У кирибоқ тишларини ялтиратиб, қўлини кўксига қўйган ҳолда хонадагилар билан бир-бир кўришди-да, жойига бир оз ижирганиброқ ўтириб, атрофга қаради. Унинг нигоҳи эшиқдан кираверишда илиниб турган халатлар, Жапар оғанинг офтобда сарғайиб кетган қоғоз дўпписи, журналист тумбочкаси устидаги стаканга солинган бир даста райҳон, девордаги «9-балл» картинасидан ўтиб, Гриша тоға каравоти остидаги тувакка келиб тўхтади...

Ҳар ким ўзи билан ўзи овора бўлса ҳам, аслида янги меҳмонни зимдан кузатар, унинг кимлиги, қандай одамлигини тезроқ билиб олишга ҳаракат қиларди. Орадан ўтган жуда қисқа муддатда хатти-ҳаракатидан бирон-бир қусур топмаган бўлсалар ҳам, бари бир, ҳамхоналарга ёқмади. Бунга, балки бегона кишининг ҳамма қатори касалхона кийимида эмас, спорт кийимида бўлганлиги сабабдир, балки сертавозелигида аллақандай сунъийлик сезишгандир.

Эртасига уни кўргани жуда кўп одам келди. Баъзи бирларини ҳисобга олмаганда аксари кўпчилиги билан деразадан туриб гаплашди. Шунда хонадагилар унинг таъминот ходими эканини, касалхона шароитига кўника олмаётганини, бугун туни билан мижджа қоқмай чиққанию бу аҳволда тузалиб кетишига кўзи етмаётганини билиб олишди. Врач билан ўрталарида бўлган суҳбатдан яна шу нарса маълум бўлдики, янги меҳмоннинг асосий касали бедорлик экан. Уйда ҳатто соатнинг чиқиллаши ҳам халақит бериб, уни қўшни хонага чиқариб ташлабди. Бу ерда бўлса, Гриша тоға туни билан худди «тракторга ўхшаб ер ҳайдаб чиқаркан».

— Ҳечқиси йўқ,— деди врач одатдаги бепарволик билан,— уйқу келганда ҳеч нарса халақит бермай қолади. Бедорлик қачондан бошланди ўзи?

— Икки ой бўлди,— деди у, кейин бир қанча муҳтарам зотларнинг номини айтиб, улар маслаҳати билан бу ерга нажот сўраб келиб қолганини қўшимча қилди.

Касаллик асосан учинчи марта уйланганидан бир ҳафта кейин бошланибди. Йигит киши қўшгани билан қўша қарисин эмиш. Унинг пешонаси шўр экан.

— Келин ёшми? — сўради врач.

— Ёш, жудаям ёш.

— Ҳм... Тушунарли, болалар борми?

Пешонасининг шўри шундан экан. Бутун умиди бу хотинидан эмиш.

Врач чиқиб кетаётганда у ҳам орқасидан эргашди. Одамлар олдида айтиб бўлмайдиган қандайдир дарди борлигини ўзларича тушунган ҳамхоналар бир-бирларига маънодор қараб қўйишди.

— Буниям касали бедаво кўринади,— деб қўйди унинг орқасидан Жапар оға.

— Юрагини ваҳима босибди,— ўзича диагноз қўйди Ҳамро ака. — Ёш хотиннинг ёнида ётиб, бирдан қариб қолганини сезиб қолган бўлса ажабмас.

— Ҳа, баракалла, тенг-тенги билан, тезак қопи билан, бемалол ухлайман десанг, кўрпангга қараб оёқ узат,— хулоса чиқарди Жапар оға.

Эртасига ҳам, индинига ҳам янги меҳмоннинг каравоти туни билан ғижирлаб чиқди. Кундузлари уни кўргани келувчиларнинг кети узилмасди. Унинг кўпинча қоғоз халта кўтарган ҳолда оқ халатлилар орқасидан эрчиб юрганини кўриш мумкин эди. Ҳамхоналарини ҳам тез-тез сахийлик билан мева ейишга таклиф қилиб турарди.

Ниҳоят, тўртинчи куни ҳамшира қиз кириб, Гриша тоғага иккинчи палатага ўтиши кераклигини айтганда бир четда шахмат ўйнаб ўтирган журналистнинг юзи оппоқ оқариб кетди.

— Нимага?

Қадди-қомати келишган, новча, хипчабел ҳамшира қиз ялт этиб қарадию журналистнинг ўзига тикандай қадалган кўзларини кўриб, гўё ели чиқиб кетган шардай бўшашиб деди:

— Билмадим, буйруқ шунақа.

— Ким буюрди?! — йўқ, журналист бақирмади, бироқ бу овозда шунчалар ғазаб ва нафрат жам эдики, қизга у ҳар қандай ваҳшиёна ўкирикдан ҳам даҳшатлироқ туюлди.

— Бўлим мудирини,— жавоб қилди у зўрға.

— Бориб айтинг ўша мудирингизга, Гриша тоға ҳеч қаёққа чиқмайди!

У ўрнидан турганда шахмат доналари ер билан битта бўлиб сочилиб кетди. Қиз коптокдай ташқарига отилди.

— Керакмас,— деди Гриша тоға ўрнидан туриб ўтираркан, ҳаммасига ўзини айбдор ҳис этиб,— нима кераги бор, асабийлашишга арзимамайди.

У соддалигидан ўзининг кўчишида ҳеч қандай ғайритабиийлик

сезмайми, сезса ҳам парво қилмайми, нарсаларини йиғиштира бошлади. Балки у «ўз айби»ни билгани учун ҳам шундай йўл тутаётгандир.

— Ахир мени ҳеч ким ҳайдаётгани йўқ, — деди у хонада асабий юраётган журналистни ростдан ҳам шундай бўлаётганига ишонтиришга ҳаракат қилиб, — бу хонадан у хонага кўчиришяпти, холос, бунинг нима аҳамияти бор, бари бир эмасми?

— Бари бир эмас! — Энди росмана қичқириб юборди журналист.

— Сизга нима бўлди, домла? — боядан бери ҳеч нарсага тушунмай анграйиб турган ҳалиги киши энди ўзига келиб, ачинган бир қиёфада журналистга яқинлашди. — Жудаям асабингиз бўш экан-ку.

— Ҳа-ҳа, шунақа бўш! Менга темир асабнинг кераги ҳам йўқ!..

— Жуда қизиқ одам экансиз, — нафсонияти озор чеккан қиёфада ҳафсаласизлик билан деди у, — ўз фойдангизни билмас экансиз.

— Ҳа-ҳа! — унга жуда яқин келиб, шундоқ башарасига қараб қичқирди журналист, — топдингиз, ўз фойдасини билмаган аҳмоқман, акс қолда сизни бир минут ҳам бу ерда қўймаган бўлардим.

— Ана холос, — кифтини қисиб, таажжубланган бўлди ҳалиги киши, — мен нима қилдим сизга, хуррак отиб оромингизни буздимми ё ётган еримда...

— Бас! — унинг сўзини бўлиб, қичқирди журналист, — Сиз... сиз... ўзингиз йўқолинг бу ердан!

Палатага бир зумда касаллар, оқ халатлилар тўлиб кетди...

Кейин ҳаммаёқ тинчиди. Шунда Гриша тоға журналист йигитнинг бир кўзи олайиб, юзи дастлаб келган кундагидан ҳам баттар қийшайиб кетганини кўрдию қаттиқ бир сесканди. Кейин ўзини ўринга ташлаб, кўзларини чирт юмган баравар кечгача қайтиб очмади. У кўзларини маҳкам юмиб ётса ҳам ухламаётганини ҳамма билиб турарди.

Кечқурун ётар паллада Гриша тоға ўрнидан туриб, эшик томон йўналди. Жапар оға хавотир олиб, унинг орқасидан юрди. Чунки, келганидан бери ташқарига биринчи бор чиқиши эди.

— Яхши бўлмади, — деди Гриша тоға йўлакка чиққанларида Жапар оғага, — бекорга ўзига жабр қилди. Мен энди албатта соғайишим, тезроқ оёққа туришим керак, мана шу бола учун... Тушундингми?

Жапар оға ҳамроҳининг биллагини маҳкам қисиб қўйди.

— Тузал оғайни, энди тезроқ тузалмасанг бўлмайди.

Тун қоронғи ва ниҳоятда узун эди. Палатага чўккан совуқ сукунат кўзга уйқу йўлатмас, кўнгилни хижил қиларди. «Энди ухласа бўларди, — ўзича ўйлади Жапар оға, — хуррак ота қолса олам гулистон эди».



## ҚАЛДИРҒОЧЛАР ШЕЪР ЎҚИЙДИ БИЗНИНГ БОҒЛАРДА

Ҳамроқул Ризо

### Отам

Ота, сўзлашайлик иккимиз бир он,  
Кураш бўлсин ушбу суҳбатга мавзу.  
Шеърхон севиб қолган дostonдай равон  
Сиздаги шижоат, сиздаги орзу.

Қалбимга куёшнинг нуридай сингди  
Инқилоб фидоси — сиз қилган меҳнат.  
Очликнинг изғирин шамоли тинди  
Ерни яшнатганда инсоний қудрат.

Бугун менинг иссиқ томирларимда  
Қонингиз кезади, қайнаб, жўш уриб,  
Гулдурос ларзалар айлар тантанан  
Ва жасорат сари чорлар ҳайқириб.

Қонимда қонингиз ҳаққи, ҳурмати —  
Мен буни ўзимча туйганим ҳар дам,  
Кўзимда жонланар суюк сурати —  
Суйиб, суйганингиз — юртимиз отам.

Мен шу ҳиссиётни кўксимга жойлаб,  
Ҳаёт уммонига синггум ҳар нафас.  
Заррача бўлса ҳам юртга бериб наф,  
Фарзандлик бурчини ўтай олсам, бас...

\* \* \*

Зоминдаги бир қишлоқ  
Юрагимга ёр эди,  
Бу қишлоқда бобомнинг  
Бўз бияси бор эди.

Шаҳарни тандир каби  
Қиздирганда саратон —  
Қимиз ичишни ўйлаб,  
Борардим қишлоқ томон.

Сийларди қимиз билан  
Шунда мени Норбобом.  
Яшаш лаззатлигини  
Англаб етардим тамом.

Ушлаб олгим келарди  
Қишлоқнинг шамолини,  
Севинчдан силар эдим  
Бўз биянинг ёлини.

Йўл олдим шу қишлоққа  
Саратонда бу йил ҳам.  
Қарши олди Норбобом,  
Аммо мен сездим алам:

Бияни пуллаб, мошин —  
Олибди бобом, қаранг.  
Шошмай ўлтирар рулга,  
«Запароже»си кулранг.

Чиннини артган каби  
Уни артади нуқул.

Бобомдан қимиз эмас,  
Бензин ҳиди келар, бил!

Энди қишлоқ эшитмас  
Биянинг кишнаганин,  
Бобомга ёқимлидир  
Моторнинг ишлагани.

Шаҳарга қайтдим шу кун  
Дилда ўкинч ва малол:  
Энг азиз нарсасидан  
Айрилган одам мисол...

\* \* \*

Кемада суздинг сен ўзга қирғоққа,  
Нигоҳим эргашди сен кетган ёққа.  
— Етиб борсин кеманг қирғоққа омон,—  
Деб тилак тиладим сенга шу замон.  
Чунки соҳилдаги бир разил кимса,  
Фарқ бўлсин, деганди, сузган дам кема...

## Азиз Абдураззоқ

### Икки дарахт

Қари дарахт ва ёш кўчат  
Қўшни турар йўл устида;  
Шамол турса қумлар кўчган,  
Чувиллаган чўл устида.

Икковининг шодлиги-ю  
Азоби ҳам бир хилдадир.

Иккаласи тенгдош гўё,  
Сухбатлари бир тилдадир.

Мақсадлари — шу чўлда ҳам  
Аҳил бўлиб, яшаб ўтмоқ,  
Мевалари оз бўлса ҳам  
Бошга соя ташлаб ўтмоқ.

\* \* \*

Тап-тап элак, тап элак,  
Сенда кўпдир гап элак.  
Сен — тозалик, сен — соғлик,  
Келтирасан наф элак.

Тап-тап элак, тап элак,  
Келтирганинг наф элак.

Сени қўлга олмасам,  
Ишим бўлар чап элак.

Тап-тап элак, тап элак  
Шоирларга ҳам керак:  
Шеъримизни эласак,  
Ярми — ун, ярми — кепак.

### Қалдирғочлар

Қалдирғочлар шеър ўқийди бизнинг боғларда,  
Тўла-тўқис вазнлари, қофиялари.  
Қувноқ шеърлар ўқиб улар биз шод чоғларда,  
Обод этар кўп онларни, сонияларни.

Қора кўзли, қора қанот қалдирғочларнинг  
Шеърларидан англагайман бир ажиб маъно.  
Шеър ўқишиб тўйдиради қалби очларни.  
...Эрта шундоқ шеър ўқийди бутун Африко.

Тўлқин

## Бекинмачоқ

Оқшом қўнган хиёбонга,  
Кўкда юлдуз чамани.  
Анҳорнинг-чи, шўх-шўх куйи  
Мафтун этар ҳаммани.  
Бекинмачоқ ўйнаб, яйрар  
Кула-кула болалар,  
Мурғаккина юрагида  
Шодлик тўла болалар.

Карим бу гал бўлиб қолди  
Кўзи боғлоқ пойлоқчи.  
Бу ўйинда кўкда ой ҳам —  
Боқиб турган бир соқчи.

Наргиза қиз беркинади,  
Топиш гали Каримда.  
«Ҳеч ким фирромлик қилмасин!»—  
Деган фикр ҳар кимда.

Ху, чинорнинг соясида  
Қизча жим-жим туради.  
«Тополмасин у мени!»— деб  
Қалби дук-дук уради.

Бутун боғни айланса ҳам,  
Чарчаб, ҳориб ҳар қалай,  
Тополмади қизалоқни  
Излаб-излаб болакай.

Уртоқлари мазах қилиб,  
Кулдилар: «Ҳой, тез-тез чоп!  
Мунчалар ҳам ландовурсан,  
Наргизани изла, топ!»

Излаб-излаб тополмади  
Қанча қилса ҳам бола.  
Ўша оқшом юрагида  
Қолиб кетди бир нола.

Йиллар ўтди, аммо-лекин  
Ўйин давом этади.  
Йигит излар, қиз бепарво  
Хиёбондан ўтади.

Болаликда бир нав экан,  
Карим энди қўймайди.  
Ҳаёт уни севги деган  
Бир дард билан қийнайди.

\* \* \*

Бир қизча оқ гулни кўксига босар,  
Хушбуйдан қалбига киради ҳузур,  
Гўёки қуёшдай тиниқлик сочар,  
Бу гул гўзалликка айтиб ташаккур.

Майлига, бағринга босиб-босиб, тўй,  
Қувонгил, элимнинг эркатой қизи  
Ва лекин, сен гулни севгач, билиб қўй:  
Бўлмасди шунчалар чиройли; хушбўй,  
Гуллар бўлмасайди — ернинг юлдузи...

Дадахон Ҳасан

\* \* \*

Ургилай, кўркам диёрим, давру давронингдан-эй,  
Давру давронинг таратган шўхрату шонингдан-эй.



Шухрату шонингни куйлаб, бўзлаган тўрғай мисол,  
Чарх уриб, асло кетолмам тоза осмонингдан-эй.

Тоза осмонингда сайраб, яйраса кўнглим менинг,  
Айлашиб, минг ўргулурман лаҳза, ҳар онингдан-эй.

Лаҳза, ҳар онингга минг бор жон фидо қилгим келур,  
Сен ўзинг бахш айладинг бу туйғуни жонингдан-эй.

Эй, она юртим, сени деб жон видо қилган куним —  
Сен десанг, бас, қаҳрамоним, қайнаган  
қонингдан-эй...

## Кўчамиздан ўтиб турсанг бас

(Кўшиқ)

Ўтиб кетдинг кўчамдан, жонон,  
Мен ортингдан қолдим термилиб,  
Яна ёниб кўйингда бу жон,  
Яна қолдим ҳисларга тўлиб.

Билсанг эди, сен ўтган ҳар он  
Олам қайта яшнаб кетади.

Мени қутлаб, ҳаттоки осмон  
Юлдузларни ташлаб кетади.

Билсанг эди, сен ўтган ҳар он  
Қувончларим тутар самони.  
Бағримдаги оташ-ҳаяжон  
Кўшиқ бўлиб ёқар дунёни...

\* \* \*

Ўттиз йил бошимдан учиб эсу хуш,  
Қайдасиз, отам, деб ёндим, бўзладим...  
Сени фақат сўкиб, қарғаб сўзладим —  
Сенга лаънатларим бўлсин, эй уруш!

Топаи, деб отамнинг бир сиқим хокин,  
Ярим Россияни кездим мен бадар.  
Кўнглим чеккаймиди дунё фироқин,  
Элга, эл, юртга юрт ёв бўлмаса гар.

Ўттиз йил ўртаниб, талпиниб, чоғиб,  
Англлар-англамасга дардимни айтдим.  
Ниҳоят, бир сиқим тупроқни тоғиб,  
Отажон, дедиму юртимга қайтдим.

Мана шу бир сиқим тупроқ отамдир,  
Кафтимда турибди, тани, онажон!  
У мену сен учун тирик одамдир,  
Сенга топшираман уни, онажон!...

Усмон Тоштемир

## Акам айтиб-айтолмаган сўз

Ўқ бехос қулатди мени, дўстларим,  
Ротам рейхстагни мўлжал олганда.  
Юмилиб бормоқда, ана кўзларим  
Ғалабага икки ё бир кун қолганда...

Ким қулоқ солади дилда дардимга,  
Айтинглар, энди мен нима қиламан?

• Ёлғончи бўлдим-ку она-юртимга,  
Дегандим, албатта, қайтиб келаман!

Ана, кўзларимга парда тушмоқда.  
Мудҳиш ўлим қора отига минди...  
Қайтаман, дегандим она-қишлоққа,  
Ёлғончи аталиб қоламан энди.

Не ҳол, олиб кетгум дилда ноламни,  
Деҳқон. эдим наҳот, бу иш менга эп?  
Мен энди кўрмайман пахта-даламни,  
Ахир, сўз берувдим, қайтиб келгум, деб!

Ётсам ҳам бемалол сиғиб гўримга,  
Сигдириб бўларми унга бу ҳисни:  
Энди мен ёлғончи она-еримга,  
Бағрига борганда юммадим кўзни...

Қайтиб кўролмайман Аравонимни,  
Юрмайман бир одим кўчасин босиб.  
Алдадим отажон, онажонимни,  
Менга юз кўришмоқ қилмагай насиб!..

«Мени кут. Келаман. Сенга онтим бу»—  
Жўнар чоғ шу сўзлар келган тилимга.  
Дўстлар, мен ёлғончи бўлиб қолдим-ку  
Илк бўсасин менга тутган келинга...

Қорахат эртага Ўшга йўл олар...  
Ўша қорахатни тутқизгани он —  
Ота-онам олдида ёлғончи бўлар,  
Олимжон келади, деган почталён.

Ёвуз ўк, мен мангу жангчиман, тушун,  
Ғалаба — биз фидойи одамлар гимни.  
Укам... мени кўрмай қолгани учун —  
Бир кун ёзар, балки монологимни!

Балки, мен қоларман элим қалбида,  
Ўйлашар, эслашар кўзларида нам...  
Чунки, мен Ғалаба, бурчим олдида —  
Ёлғончи бўлмадим бирор марта ҳам!

Шамси Одил

## Тоштулпор

Шимолий Кавказдаги Осетия АССРда  
жойлашган Кўртатин овулида, Улуғ Ватан  
уруши йиллари ўз қишлоғига суворийсиз  
қайтган арғумоққа, ғалабадан сўнг юртдош-  
лари (от эгаси хотирасини абадийлаштириш  
мақсадида) ҳайкал ўрнатганлар...

1

...Баланд тоғлар ошиб,  
Овули томон  
Эгасиз, бош солиқ, келар арғумоқ.  
Овулига етгач, кишнар ногаҳон,  
Суворий қаллиғи биларки, шу чоқ —

Арғумоқ келмоқда.  
Унинг кишнаши —  
Жувонга танишдир, азал-азалдан.  
Тулпорнинг не хилда қадам ташлашин  
Сезар эди, санам, товуш зарбидан...

## II

...Уруш. Йигитлар бир-бир йўл олди.  
Куртатин қишлоғи қолди ҳувиллаб.  
Мустафо ҳам қатъий қарорга келди —  
Саманини миниб, чиқди ловуллаб.

Хотини жиловни  
Қўйвормай бир он:  
«Жонгинам Мустафо,  
Кетмагин, — деди. —  
Ҳолимиз не кечар тополмай имкон,  
Уғлинг ва қизингни эзар ғам дуди».  
«Йўқ, эркам, топтади  
Душман Ватанни —  
Фашистни қирмасам бўлмайди, асло!  
Жонимдан ҳам ортиқ кўраман сизни,  
Ватан озодлиги юксакроқ аммо!..»

## III

Болалар йиғласа,  
Тинчитди она:  
«Отангиз келади, тулпорин миниб.  
Қўрқмангиз у ботир — арслон мардона,  
Бугун-эрта қайтар, қаҳрамон бўлиб!»

## IV

Минг афсус, Мустафо  
Тирик қайтмади...  
Суворийсиз қайтди овулга оти.  
Хотини аламдан чидай олмади.  
Жонивор ҳам ғамноқ...  
маъюс бош эгди.

Саманнинг ёли қон,  
Олд бўксаси қон,  
Қон қотиб қолганди, гўё қизил жез.  
Узоқдан кўринар, мисоли алвон,  
Бу — йигитнинг қони, билишдилар тез.  
Етиб келди-ю от ўз сакласига,  
Остона оша у, кишнади бир бор.  
Сўнг, бирдан, «гурс» учди узунасига,  
Жон берди, лаҳзада бу эсли жонвор.

Куртатин, Дзуарик  
Кампир — чоллари  
Тулпор ёлин силаб, тутдилар  
Мотам.  
Қарор қилди Мустафо қадрдонлари:  
«Саманга қўямиз бир ҳайкал токи  
Кавказлик ёдидан, чиқмасин мангу  
Жангда ҳалок бўлган суворий ёди.  
Мужда олиб келган асил тулпор бу —

<sup>1</sup> Сакла — уй, қўра.


Мустафодан қолган,  
Ноёб ёдгор бу!!!»

V

Дерлар: кўпдан  
Кутулмас куён.  
Шу кун ишга тушиб қари-ёш,  
Карткилар ҳам олиниб чаққон  
Чўнг қояни танлар сангтарош...

Суворийсиз тоштулпор ўксик,  
Кўзларидан оқиб ҳалқа ёш,  
Олд оёғин кўтариб шўрлик,  
Бошин эгиб, турар бейўлдош...

Саманнинг ёли қон,  
Олд бўксаси қон,  
Қон қотиб қолганди гўё қизил жез.  
Узоқдан кўринар, мисоли алвон,  
Бу — йигитнинг қони, билишарлар тез...  
Овулга қайтганди ёлғиз арғумоқ...



## Она қишлоқ

Мовий ранг осмони кенг,  
Юлдуз макон доврўғли Жом.  
Кўрмадим кент унга тенг,  
Нури жаҳон, ол туғли Жом.  
Уфқи кенг, бир неча қишлоқ,  
Дерсизки, мисли шаҳар,  
Бунда тинмас ёрудўстлар,  
Сухбати шому сахар.  
Тоғлари осмонўпар,  
Боғларда булбул куйи ванг,  
Булбулига бас келолмай,  
Қарқуноқлар кўп тажанг...  
Қизларин зулфи узун,  
Гул лоладек бет олу ранг,  
Бир кўриб, ошиқ бўлиб,  
Йиллар ўнутгайсиз аранг...  
Мен бўлиб ўғлон диёрда,  
Шу чаманни танладим,  
Гулшаним порлоқ ҳамиша,  
Тўқ улус, йўқ, ҳоли танг.  
Эй ёронлар, шунда жам  
Меҳнатсеварлар сараси,  
Жом эзур бир турфа маскан,  
Шамс кўзининг қораси...

Рафиқамга

Бағринг ўзга тортар бешик,  
Сочинг тортар пилдиروق.  
Остонангга келиб-кетар  
Баҳору куз бесўрок.

Сен ўртада, чўнг бир тоқат  
Мурғаккина жуссада.  
Аҳён-аҳён келар отанг  
Суянганча ҳассага:

«Куёв ҳали келмадимми?»  
Қандай оғир бу сўрок.  
Бешик биғлар, кўрпачани  
Хўл қилади пилдиروق.

Сен ўртада, қизу ўғлон  
Бир ўзингга қолгудай.  
Сен ўртада, еру осмон  
Исканжага олгудай.

Сен ўртада, киприкларинг  
Оловланар чироқда.  
Сен ўртада... Отанг қари.  
Куёв эса йироқда...

...Ошиқарман жилаётган  
Автобусда тик туриб.  
Қўлтиғимга шанба билан,  
Якшанбани қистириб.

Орзиқтирар юрагимни  
Ёргудайин остонам.  
Сен айтмасанг-айтма,  
айтар  
Иссиқкина, шўртак таъм.

Бу оламда, сен, борсанки,  
Мен-чун ҳаёт муҳтарам.  
Сен сабабсан бўлсам неки,  
Сен сабабсан, рафиқам!

\* \* \*

Талпинар дил сен томон,  
Бахтимга бўлгил омон.  
Бинафша бўй сочлигим,  
Сен яхшисан, мен ёмон.

Бамисоли ёр девор —  
Қучма мени чор девор.  
Учгим келур ёр томон,  
Қўйгин, қўйивор, девор.

Бунча олис манзил-ей,  
Бунча эзилдинг, дил-ей.

Бинафша бўй ёр сочин  
Шамол эмас, мен силай.

Тугади-ку бардошим,  
Эзилди ичу тошим.  
Айни баҳор ёшимда  
Қорга беланди бошим.

Талпинар дил сен томон,  
Бахтимга бўлгил омон.  
Бинафша бўй сочлигим,  
Сен яхшисан, мен ёмон.

Самандар Воҳидов

Болаликдан қолган  
бир армон

Тўртинчида ўқирдим...  
Бир кун,  
Танаффусда тарқалди шу гап:  
«Кино... кино келармиш бугун!...»  
Қий-чувлардан титради мактаб.

Андрюшка — киночи эски  
Аравадан ашқол-дашқолни —  
Тушираркан,  
қоқиб шапкасин,

Қичқирарди:

«Қани, кеп қолинг!

Уруш кино... «Ёш гвардия!»  
Билет бир сўм...  
Беш сўм — районда.  
Арзон қилдим қишлоқликларга...  
Кўрмай яна,  
қолманг армонда...»

...Мен армонда қолдим ўша кун,  
Чўнтак титсам — бори ярим сўм.  
(У пайт бир сўм топиш кўп қийин),  
Уйга чопдим, қисиб нафасим.

Онам касал,  
Дадам далада,  
Уйдан бирор нажот унмади.  
Мен ҳансираб қайтган паллада,  
Кинонинг ҳам ярми ўтганди.

Киночига жавдираб боқдим,  
Йўлатмади ёпиқ эшикка.  
Бармоғини кўрсатар:  
Бир сўм!...  
Ярим сўмга пашмак е, ука...

Ночор қолдим кўчада якка,  
Таскинга зор орзуим билан.  
Қафтим аро — терлаган танга,  
Қалбимда-чи, йиғлаган алам.

Хуллас, шу кун мен сиғмай қолдим  
Ҳамма сиққан бу кенг дунёга.  
Тангаларни сочиб юбордим,  
Киролмагач, шундай кинога.  
...Ичкарида эса шу лаҳза,  
Янграр эди, хушнуд хитоблар:  
(Ҳар бир товуш — ботади ханжар),  
— Балли, Олег!..  
Ульяна, бопла!..

Жондан севган қаҳрамонларим,  
Завқимдай жон узиб қалбимда,  
Ўзимгами, уларга раҳмим —  
Келиб, шўр таъм туйдим лабимда.

Учқур руҳим — ярадор сайддек,  
Ер тирнаб, зор мўлтирар эди.  
Олеглари — душман,  
Мени — лоқайдлик  
Аямасдан, ўлдирар эди...



## Орамизда


Халқ йўлида

Орамизда фақат Зоминсой эди,  
Бир ҳатлашда ўтса бўлар жой эди,  
Гар узатсак қўлни қўлга ногаҳон,  
Бир-бирига бемалол етгай эди.

Сой гоҳо жўшқин эди, гоҳо пойда-я,  
Унгу чап соҳил — йўқ эди сойда-я  
Бир соҳил — Ғурур эди, бири Димоғ,  
Молгузарда мен эдим, сен Ойда-я.

Ўтди сойдан қанча сел тош оқизиб,  
Қанча йиллар ўтди-ку ёш оқизиб.  
Аммо қалбим тубида армон тоши,  
Не қилай, ҳеч кетмади мавжда сузиб.

Бахт экан-ку орада сой оққани,  
Гарчи армон, у ажойиб вақт қани?  
Энди денгиз чайқалар сой ўрнида,  
Ажратар денгиз бугун сендан мени...



## Гулистон Матёқубова

\* \* \* \*

Сен кетдинг...

Шамолнинг тинчи бузилди,  
Дарахтлар баргини тўкди бир зумда.  
Юлдузлар осмонга чўғдай тизилди,  
Тун ҳам тиниб қолди қора кўзимда.

Кўёшга тўёлмай қолган боғлардай,  
Соғинчларим йиғлар бағримда тўлиб.  
Сен-ла изларимиз қолган йўлларга  
Хазонлар тўшалган, ўйларим бўлиб.

Соғинч-ку, юпанар шу ўйлар билан,  
Юракда меҳрдан ўт нигоҳларинг.  
Лек қандай юпатиб, қандай алдарман —  
Йўлингга термилиб қолган боғларни...

## Нормурод Норқул

\* \* \*

Булутлар чодрасин кўкда ёйсалар,  
Вужудим, қақшама бекорга нолиб:  
Ховлиқиб бўй чўзган кузги майсалар,  
Аёзнинг қаҳридан чиққан-ку ғолиб?..



\* \* \*

Ойнинг ой жамолига  
Ярашибдир холлари.  
Лалмикор шамолига  
Пайвастандир ёллари.

Суйгулимнинг кокилин  
Толим-толим силайди.  
Қадим Қашқа соҳилин  
Нур селига белаиди.

Бошоқлар қулоғига  
Сирли-сирли пичирлар.  
Қирга қўнган чоғида —  
Қовурғаси ғижирлар.

Мудраб ётган борлиқни,  
Бедорликка чорла, Ой!  
Рухимдаги дардларнинг  
Малҳами сен, ҳойнаҳой.


Нур тўкилган бу оқшом  
Ойдин шаҳрим, Чироқчи,  
Бир зум олай, деб, ором,  
Ой, кўйнингга кирмоқчи...

## Фарид Усмон

\* \* \*

Севгини мен англадим,  
аввал Ватандан бошланар,  
Севги, инсон улғайиб,  
ўсган чамандан бошланар.  
Севгидан сўзлар она,  
тупроқдаги ҳар бир гиёҳ,  
Лолаю райҳону сунбулдан,  
сумандан бошланар.

Уйласам, порлоқ у офтоб  
севгининг дебочаси,  
Тўрт фаслдан — қишдаги  
оппоқ тумандан бошланар.  
Барча уй — ҳар хонадон  
чин севагининг илк мактаби,  
Ота-она — икки жондан,—  
икки тандан бошланар.  
Севги — бу дўстларни англаш,  
севги — бу халқни таниш,  
Ҳаммамиздан — сиз ва биздан,  
сен ва мандан бошланар.  
Эй Фарид, қалбингга ишқ  
берган Ватанга таъзим эт,  
Севги, инсон улғайиб,  
ўсган чамандан бошланар...







Уильям Фолкнер



1

Энди Жефферсонда душанба куни ҳафтанинг бошқа кунларидан зиғирча ҳам фарқ қилмайди. Чунки шаҳарга сон кириб қолди — кўчаларга тош ётқизилган; телефон ва электр компаниялари эман, акас, қайрағоч каби серсоя дарахтларни кесиб, ўрнига ғуж чироқли темир устунлар ўрнатяпти. Шаҳарда кир ювиш корхонаси қурилиб аллақачон ишга туширилган. Душанба куни эрталаб турлитуман машиналар кўзни қамаштириб шаҳар кўчаларини айланиб юради; ҳафта мобайнида йиғилиб қолган кир уст-бошлар ортилган бу машиналар чийиллаганча ғизиллаб ёнгинангиздан ўтиб қолади. Эски урф-одатларга кўра оқ танлиларнинг эгни-бошини ювиб тирикчилик қиладиган занжи аёллар ҳам ҳозир кирларини машиналарга ортиб кетадилар.

Аммо бундан ўн беш йил муқаддам душанба куни осойишта бўлар, соя-салқин, тупроқ кўчалар эрталабданоқ каттакон тугунни рўмол танғилган бошларига қўйиб кўтариб бораётган занжи аёллар билан тўлиб-тошар эди. Бу хотинлар роса бир той пахтадек тугунни бошларида шундай кўтариб ўтишардики, оқ танлилар уйдан то занжилар маҳалласидаги қулбаларига бирор ерда тугунга қўл теккизмасдан етиб борар эдилар. Нэнси бошининг қоқ ўртасига тугунни қўяр, тугун тепасига эса қишу ёз бошидан тушмайдиган похол шляпасини ташлаб олар эди. У бадқовоқ, ялпоқ юзли, тишлари тўкилиб битганидан лунжи сал-пал салқиган, бўйчан аёл эди. Кўпинча бизлар кўчанинг у бошигача, баъзан ундан ҳам узоқроққа, ўтлоқнинг нариги чеккасигача, тугунни осонгина кўтариб кетишига қойил қолиб, ортидан эргашиб борардик: тугуннинг қоқ тепасидаги шляпа у зовурга тушаётгани-

да ва қайта юқорига чиқаётганида ҳам, ҳатто чий орасидан ўтаётганида ҳам, оғиш тугул, қимир этмасди. Нэнси бошини орқага ташлаб тешиқдан эмаклар ўтар экан, тугун қилт этмай, худди ҳаво шаридек боши узра турарди; сўнгра у қаддини ростлар ва яна йўлга тушар эди.

Онда-сонда кўйлак-иштонларни олиб кетгани кирчи хотинларнинг эрлари келарди, аммо Иисус бундай ишга қўл урмасди; илгари дадам уни уйимизга қадам бостирмай кўйганидан аввал ҳам, ҳатто кейинроқ Дилси оғриб, унинг ўрнига Нэнси бизникида пазандалик қилиб юрганида ҳам ақалли бирон марта бўлсин Иисус кир ташимаганди.

Деярли ҳар кун эрталаб тезроқ нонушта ҳозирлагани чақириб келиш учун Нэнсининг уйига боришга тўғри келарди. Отам, Иисус билан — у пакана, чандиқ юзли ҳабаш эди — ади-бади айтишиб ўтирманлар, деб қаттиқ тайинлаганидан зовур ёқасида тўхтардик ва ўша ердан туриб, то остонада яп-яланғоч Нэнсининг қораси кўринмагунча уйга тош отаверардик.

— Бир ками тош отишларинг қолувди, — дерди Нэнси. — Нима керак сизга, шумтакалар?

— Тезроқ бориб нонушта тайёрлар эмишсан, дадам шундай деяптилар, — дерди Кэдди. — Нонушта шусиз ҳам ярим соат кечикипти экан, шунинг учун ҳозироқ йўлга тушар эмишсан.

— Ҳе, нонушталаринг ордона қолсин, — дерди Нэнси. — Буларнинг дастидан тўйиб ухлай ҳам олмайсан-а!

— Сен мастсан шекилли? — дерди Жейсон. — Дадамнинг гапига қараганда, сен маст экансан. Шунақами, Нэнси?

— Кимдан чиқди бу гап? — дея тўнғилларди Нэнси. — Уйқуниям ҳаром қилдиларинг, э, нонуштангизданам ўргилдим.

Яна бир неча тош ирғитгач, кейин уйга қайтиб кетардик. То Нэнси судралиб етиб келгунча анча вақт ўтар ва мен мактабга кечикардим. Биз ҳаммасига виски сабаб бўлган деб ўйлاردик. Бундан аввалроқ уни ушлаб қамоққа олиб кетаётганларида, йўлда банк кассири, бағтистлар черковининг мубошири жаноб Стовель учраб қолиб, Нэнси уни кўрибоқ ёпишиб олган:

— Қачон менинг ҳақимни берасиз, мистер? Қачон пулимни берасиз, мистер? Меникида уч марта бўлибсиз-у, ҳалигача бир цент берганингиз йўқ... — дея бақираверган.

Жаноб Стовель жаҳл устида уни бир урган, Нэнси ағдарилиб тушган, аммо шунда ҳам жағи тинмаган.

— Қачон пулимни берасиз, жаноб? Меникида бир эмас, уч марта бўлсангиз ҳам ҳалигача... — деган.

Шунда жаноб Стовель хотиннинг юзига тепиб юборган, шериф уни ажратиб олган, аммо Нэнси ётган ерида кулаверган. Сўнг юзини четга буриб, қон аралаш тишларини тупуриб ташлаб:

— Меникига уч марта кириб, бир тийин ҳам бермади-я, — дея тўнғиллаган.

У мана шу тариха тишсиз қолган эди. Ўша куни ҳамманинг оғзидан Нэнси билан Стовель тушмади, қош қорайганда эса қамоқхона девори ёнидан ўтган-кетганлар дам ашула айтиб, дам дод-вой солаётган Нэнсининг овозини эшитган эди. Деразадан унинг панжарани чангаллаб олган қўллари кўринар, девор ёнида эса оломон тўпланган эди. Ҳамма унинг бўкиришини ҳам, назоратчининг, овозингни ўчир, деб ўдағайлашини ҳам эшитиб турарди. Бироқ Нэнси овозини ўчирмади, кечаси билан дод солиб чиқди. Тонготар олдидан назоратчи тепада нимадир деворни дукурлатиб, тирнаётганини эшитиб қолибди. Юқорига чиқиб қараса, Нэнси дераза панжарасида осилиб турганмиш. Кейинчалик назоратчи, гап вискида эмас, балки кокаинда, ҳабаш зоти кокаин ҳидламагунча ҳеч қачон ўз жонига қасд қилмайди, модомики кокаин ҳидладими, бас, ҳабашлигини унутади-қўяди, деди.

Назоратчи уни сиртмоқдан чиқариб олгач, ҳушига келтириб, роса дўппослаган. Нэнси кўйлагини йиртиб ўзини осиб қўя қолган эди. Ҳибсга олишганида унинг эғнида кўйлагидан бўлак уст-боши йўқ эди, қўлини боғлагани ҳеч нарса тополмай, ноилжликдан дераза панжарасини чангаллаб осилиб тураверган. Назоратчи худди мана шу пайтда шовқинни эшитган, югуриб юқорига чиқиб, қип-яланғоч Нэнсининг панжарада осилиб ётганини кўрган.

Дилси касалга чалиниб, Нэнси бизникида овқат пишириб юрган чоқда фартуғининг остида қорни тўлишиб бораётганини ҳаммамиз пайқаб қолдик; бу ҳали отам Иисусни уйимизга киритмай кўймасидан аввалроқ содир бўлганди. Иисус ошхонадаги плита ёнида ўтирарди, унинг қоп-қора юзидаги чандиқ изи исқирт тасмани эслатарди. Нэнсининг қўйнида тарвуз бор, деди у бизга. Ҳолбуки, ўша кез қиш фасли эди.

— Тарвузини қишда қайдан олдинг? — деб сўради Кэдди.

— Бу меники эмас, — деб жавоб берди Иисус. — Мен берганим йўқ уни.

XX аср жаҳон адабиётининг забардаст адиби Уильям Фолкнер ижоди билан озми-кўпми танишишга муяссар бўлган китобхон унинг асарини ўқиш, ўқиб тушуниш осон эмаслигини, бильакс, ҳаддан зиёд мураккаб, оғир ва бир қарашда чўзилиб кетган, зерикарли, чигал эканини сезади. Лекин, шунга қарамай, бу асарларни яна ўқишга, диққат билан, сиңчиқлаб мўтолаа қилишга иштиёқ сезади: ҳар сафар Фолкнер қаҳрамонлари билан ҳаётнинг бутун машаққатлари, ранжу аламларини бирга татигандек бўлади, шунда беихтиёр руҳиятида кучли ўзгаришлар туяди, ҳаётга, ҳаётнинг жирканч ва шафқатсизлигига очик кўз билан тик, кўрқмай қараш лозимлигини, инсон умридаги қийинчиликларга дош бериб, уларни енга олиши кераклигини англаб етади.

Уильям Фолкнер ўзининг асарлари билан XX аср адабиётида жуда катта бурилиш, том маънода инқилоб ясаган санъаткордир.

У бутун умри давомида 19 та роман, юздан ортиқ повесть ва ҳикоялар ёзди. «Шовқин ва ғазаб» (1929), «Сарторис» (1929), «Муқаддас эҳром» (1931), «Август ёғдулари» (1932) ҳамда «Қишлоқ», «Шаҳар», «Кўрғон» трилогияси Фолкнер ижодининг гултожи сифатида тилга олинади.

Гарчи асримизнинг ўттизинчи йилларидаёқ унинг Жеймс Жойс, Марсель Пруст, Франц Кафка, Томас Манн, Стефан Цвейг, Рабиндранат Тагор, Кнут Гамсун сингари буюк адиблар даражасидаги жуда катта истеъдоди борлиги сезилган бўлса-да, аммо шу чоққача унинг ижодига турлича нуқтаи назардан қараб баҳо берилади.

Жаҳонга қудратли романнавис сифатида доврўф таратган Уильям Фолкнернинг жуда кўп ҳикоялари ҳам маълум маънода ўша машҳур романларининг узвий қисмига айланиб кетган. Шунинг учунми, Фолкнер ҳикояларини ўқиганда баъзан улар композицион тарқоқдек, чўзиқдек туюлади. Жуда сертафсилотга ўхшайди. Аммо Фолкнер ижоди билан яқиндан таниш китобхон учун ҳар бир ҳикоя адиб яратган катта оламнинг бўлакчаларини ташкил этишини Фолкнер тасавури яратган дунё — «Йокнопатофа»ни бу ҳикоялардаги воқеаларсиз ва уларнинг қаҳрамонларисиз тўла тасаввур этиб бўлмаслигини ҳис қилади.

«Кўёш заволи» ҳикояси Америка жанубида яшовчи ҳабашларнинг ҳаддан зиёд бенажот аҳволи ҳақида аниқ тасаввур беради. Барча воқеалар бечора аёл Нэнси билан боғлиқ ҳолда кечади. Унинг даҳшатли тақдир Кэдди, Квентин, Жейсон сингари болалар нигоҳидан тасвирланади. Оқ танлиларнинг Нэнсига ёрдам беролмасликлари, ночорликлари туфайли Нэнсининг серташвиш ҳаёти янада фожiona тарзда бўртиб кўринади.

Аммо-лекин мениким, бошқаниким, бари бир, бир куни шартта оламану сўйиб ташлайман.

— Нега болаларнинг олдида бунақа нарсаларни гапиряпсан? — деди Нэнси. — Нега ишлагани қўймаяпсан? Ошхонада лақиллаб, болаларнинг олдида бўлар-бўлмас гапларни вайсаб ўтирганингни Жейсон кўриб қолишига кўзинг учиб турибдими?

— Нима деяпсан ўзи? Нэнси, у нима деб вайсапта? — дея сўради Кэдди.

— Мен учун оқ танли одамнинг емакхонасида лақиллаб ўтириш мумкин эмас, — деди Иисус. — Менинг емакхонамда эса оқ танли одам лақиллаб ўтирса майли. У хоҳласа меникига киради, мен эса унга келмагин деёлмайман. Қачон оқ танли уйимга келса, ўзим уйимда ортиқча бўлиб қоламан. Майли, унга келма дейишга ҳаққим бўлмай қўяқолсин, аммо у мени уйимдан асло ҳайдаб юборолмайди. Йўқ, бу унинг қўлидан келмайди.

Дилси ҳамон бетоб эди. Отам Иисусни бизникига киргизмай қўйди. Дилси ҳамон кўрпа-тўшак қилиб ётарди. У ҳадеганда тузалавермади. Кунлардан бирида, кечки овқатдан кейин, отамнинг хонасида ўтиргандик, онам:

— Нэнси бўлай деб қолдими? — деб сўради. — Назаримда шу вақт ичида идиш-товоқларни ювиб улгуриш мумкин эди.

— Квентин бориб хабар олақолсин, — деди отам. — Квентин, қара-чи, Нэнси ишини тугатибдими-йўқми? Унга айт, уйига кетаверсин.

Мен бориб ошхонага бош суқдим. Идиш-товоқлар ювилиб, жой-жойига тахланган, плитанинг алангаси ўчирилган, Нэнси аллақачон совуб улгурган плита ёнидаги курсида ўтирар эди. У менга назар ташлади.

— Ишларингни тугатдингми-йўқми, ойим сўраяптилар, — дедим.

— Ҳа, бўлдим, — деди Нэнси. У менга бошдан-оёқ разм солди. — Тугатдим, — дея яна кўзимга қаради.

— Нэнси, нима гап ўзи? Сенга нима бўлди? — дея сўрадим.

— Мен бор-йўғи бир ҳабаш хотинман, — деди Нэнси. — Лекин минбаъд бунга мен айбдор эмасман.

У похол шляпасини кийиб, совуган плита яқинидаги курсида ўтирганича мендан кўз узмасди. Мен хонага қайтиб бордим. Ким билсин, плита ўчиб қолгани учунми, емакхона жуда файзсиз эди, чунки одатда емакхонага кирган одамнинг кўнгли очиларди, ҳаммининг димоғи чоғ, доимо иссиқ ва ғала-ғовур бўларди.

Ҳозир эса плита ўчган, идиш-товоқлар йиғиштирилган ва айна овқат ейдиган маҳалда ҳеч ким овқатланишни ўйламас эди.

— Хўш, тугатибдими? — деб сўради онам.

— Ҳа, ойи, — деб жавоб бердим.

— Ундай бўлса, нима қилаётган экан?

— Ҳеч нима. Ўтирибди.

— Мен қараб келаман, — деди отам.

— У балки, кузатиб қўярди, деб Иисусни кутаётгандир, — деди Кэдди.

— Иисус кетиб қолди, — дедим мен.

Нэнси менга бир кун эрталаб ўрнидан тургани ва Иисуснинг дом-дарагини тополмагани ҳақида гапириб берганди.

— Мени ташлаб кетди, — деди Нэнси. — Мемфисга жўнаб кетган бўлса керак. Ушоқларда полициядан яшириниб юрганга ўхшайди.

— Минг қатла шукрки, ундан кутулдинг, — деди отам. — Менимча, бедарак кетган.

— Нэнси қоронғидан кўрқади, — деди Жейсон.

— Нима бўпти, ўзинг ҳам кўрқасан, — деди Кэдди.

— Ҳечам кўрқмайман, — деди Жейсон.

— Кўрқоғ-ей, — деди Кэдди.

— Ҳечам-да, — деди Жейсон.

— Кендейс! — дея дашном берди онам.

Отам кирди.

— Нэнсини пича кузатиб қўймасам бўлмайди, — деди у. — Айтишига қараганда, Иисус қайтиб келганмиш.

— Ўз кўзи билан кўрибдими? — деб сўради онам.

— Йўқ, аллақандай ҳабаш Иисусни шаҳарда кўрганини унга етказибди. Мен тезда қайтаман.

— Сен то Нэнсини кузатиб қўйгунингча мен уйда ёлғиз ўтираманми? — деди онам. — Сенга ҳабаш хотиннинг тинчи менинг тинчимдан кўра зарурроқ шекилли.

— Бораману қайтаман, — деди отам.

— Анави ҳабаш шу атрофда дайдиб юрган бўлса ҳам, болаларни ёлғиз қолдириб кетишга кўзинг қиядимми?

— Мен ҳам бораман, — деди Кэдди. — Борсам майлими, дада?

— Сенинг болаларингга унинг кўзи учиб тургани йўқ, — деди отам.

— Мен ҳам бораман, — деди Жейсон.

— Жейсон! — дея бақирди онам. Буни отамга қарата айтгани унинг авзойидан сезиларди. Шу билан у гўё, қандай қилиб бўлмасин юрагини кўпроқ сиқиш учун кун бўйи турли баҳоналар ахтарган эди, мана, ниҳоят ниятига етди, демоқчи эди. Мен нафасимни ичимга ютиб ўтирардим, чунки онам пайқаб қолса, шак-шубҳасиз, мени ташлаб кетишини хоҳлаб қолажагини отам иккимиз яхши билардик. Шунинг учун отам мен томонга ақалли бир марта ҳам қарамади. Болаларнинг тўнғичи мен эдим. Кэдди мендан икки ёш кичик — еттида, Жейсон эса беш яшар эди.

— Бекор гап! — деди отам. — Биз тезда қайтиб келамиз.

Нэнси аллақачон шляпасини кийиб олганди. Биз тор кўчага чиқдик.

— Иисус доим менинг кўнглимга қарагани қараган эди, — деди Нэнси. — Неча пул топишдан қатъий назар, ярмини менга берарди.

Биз тор кўча бўйлаб борардик.

— Шу тор кўчалардан чиқиб олсам бўлгани, — деди Нэнси, — у ёғи икки қадам.

Тор кўча худонинг берган куни зимистон эди.

— Азиз-авлиёлар куни Жейсон мана шу ерда роса кўрққанди, — деди Кэдди.

— Ҳечам кўрқмагандим, — деди Жейсон.

— Рейчел хола ҳам ҳеч нарса қилолмайдими уни? — деб сўради отам.

Рейчел хола жуда қариб қолган эди. У Нэнсининг уйидан сал наридаги кулбада ёлғиз яшарди. Унинг сочлари оппоқ оқариб кетган, аллақачонлардан бери ҳеч ерда ишламас, ҳар куни эрталабдан кечгача бўсағада ўтириб трубка чекишдан бошқа ишга ярамас эди. Одамларнинг орасида, Иисус унинг фарзанди, деган миш-мишлар юрарди. Рейчел холанинг ўзи баъзан бу гапни тасдиқлар, баъзан эса, мутлақо бўлмаган гап, у ҳеч кимим эмас, деб туриб олар эди.

— Ёлғон, сен кўрқиб кетгандинг, — деди Кэдди. — Фронни у ёқда турсин, ҳар қандай ҳабашдан кўра беш баттар кўрққандинг.

— У ҳеч кимнинг сўзига кирмайди, — деди Нэнси. — Узининг айтишича, мен унинг жинини қўзғатиб юборганмишман, шунинг учун то мени бирёқли қилмагунча кўнгли жойига тушмасмиш.

— Ҳечқиси йўқ, — деди отам, — гапираверади. У жўнаб кетди, энди кўрқмасанг ҳам бўлаверади. Фақат оқ танлилар билан ўчакишмаса бас.

— Нима қилиб ўчакишади? — деб сўради Кэдди. — Қанақа оқ танлилар билан?

— У ҳеч қаерга кетмаган, — деди Нэнси. — Кўнглим сезяпти, у шу ерда. Манови тор кўчада яширинган. Нима деяётган бўлсак ҳаммасини эшитиб турибди. Беркиниб олиб кутяпти. Мен уни кўрганим йўқ, кўрсам ҳам, атиги бир марта, қўлида устара билан кўрсам керак. Устарани у бўйнига осиб юради. Мабодо кўриб қолган тақдирда ҳам сира ажабланмасдим.

— Мен сира кўрқиб кетмагандим, — деди Жейсон.

— Агар орқа-олдинга қараб юрганингда, ҳеч нарса юз бермаган бўларди, — деди отам. — Аммо бўлар иш бўлди. Эҳтимол у ҳозир Сент-Луисдадир, аллақачон бошқа хотинга уйланиб, сени эсидан ҳам чиқариб юборгандир.

— Мабодо шундай бўлса ҳам, — деди Нэнси, — менинг билмаганим яхши. У ҳолда, кўнглингизни тўқ қилаверинг, кунини кўрсатардим. Ушани кучоқлаб бағрига босиб кўрсин-чи, қўлларини чопиб ташлайман. Мен уни қонига ташна қилиб қўяман, қорнидан дарча очиб қўяман, мен уни...

— Жим! — деди отам.

— Кимнинг қорнидан, Нэнси, — деб сўради Кэдди.

— Мен сираям кўрқиб кетмагандим, — деди Жейсон. — Тор кўчадан бир ўзим юра оламан, бўптими?

— Кўйсанг-чи, — деди Кэдди. — Биз бўлмасак, бу кўчадан етти чақирим наридан юрардинг.

## II

Дилси ҳамон бетоб ётарди. Биз ҳар куни кечқурун Нэнсини уйига кузатиб кўярдик. Охири онамнинг сабри чидамади.

— Бу қачонгача давом этади? — деди у. — Токай мен ҳувиллаган уйда ҳар куни кечқурун сўппайиб ўтиравераман, сен восвос ҳабаш хотинни кузатиб қўяверасан?

Ошхонада ётар деб, Нэнсига тўшак солиб бергандик. Бир кун кечаси зимзиё тун қўйнида зинапоа тагидан келаётган, ашула деса ашулага, нола деса нолага ўхшамайдиган аллақандай товущадан уйғониб кетдик. Онамнинг хонасидаги чироқ ёниқ эди. Отам йўлакка чиқиб, кейин махфий зинапоа томонга ўтганини пайқадикда, Кэдди икковимиз ҳам коридорга югуриб чиқдик. Пол муздек эди. Биз эшитилаётган товуща жимгина қулоқ солиб тураверганимиздан оёғимиздан совуқ ўтиб, бармоқларимиз увишиб қолаёзди. Бу ашулага ўхшарди, бироқ айни чоқда ўхшамасди ҳам. Бу ҳабашларга ҳайронсан, нималар қилишмайди-я.

Кейин у жим бўлди, отам зинадан пастга туша бошлаганини эшитиб, биз ҳам зина панжараси ёнига бориб қарадик. Зум ўтмай энди зинапоаянинг ўзидан, секингина яна боғги товущ келди ва девор ёнидаги пиллапояда Нэнсининг кўзлари кўринди. Унинг кўзлари бамисли мушукнинг кўзларидек ёнар, худди девор тагида баҳайбат мушук яшириниб олиб, бизга тикилиб турганга ўхшарди. Бизлар бир неча поғона пастга тушгандик, Нэнсининг уни ўчди ва, биз то ошхонадан тўппонча билан отам чиқмагунча, ўша ердан жилмай туравердик. Отам Нэнси билан пастга тушиб кетди, зум ўтмай Нэнсига тегишли тўшакни қўлтиқлаб бирга қайтиб чиқди.

Уни болалар бўлмасига тўшаб бердилар. Онамнинг хонасидаги чироқ ўчганида Нэнсининг кўзлари ёна бошлади.

— Нэнси, — дея шивирлади Кэдди. — Ухламаяпсанми?

Нэнси бир нималар деб шивирлади, нима деганини мен тушунмадим. Шивир-шивир, худди у ерда Нэнсининг ўзи тугул арвоҳи ҳам йўқдек ва ўз-ўзидан туғилаётгандек, қоронғилик қўйнидан келарди; бу ялтираган кўзлар эса қуёшга узоқ қараб, сўнг кўзларингни юмганингдагига ўхшаб, шунчаки, боя зинапояда ўта диққат билан тикилганим учун, қорачиқларимда суврати қолганлиги учун кўринаётгандек эди.

— Вой, худойим-ей, — дея хўрсинди Нэнси. — Вой худойим-ей!

— Иисус бор эканми ўша ерда? — дея шивирлади Кэдди. — У ошхонага кирмоқчи бўлдими?

— Худойим-ей, — деди Нэнси. У то нафаси тугагунча чуқур хўрсиниб: «худойимейийий!» деди.

— Нэнси, сен бизларни кўряпсанми, — дея шивирлади Кэдди. — Сен ҳам бизнинг кўзларимизни кўряпсанми?

— Мен бор-йўғи бир ҳабаш хотинман, — деди Нэнси. — Худого ҳаммаси аён, ҳаммаси аён...

— Ошхонада нима бор экан? — дея шивирлади Кэдди. — Ким кирмоқчи бўлибди?

— Худо билади, — деди Нэнси. — Худо билади. — Бизга унинг кўзлари кўринарди, холос.

Дилси касалдан турди. Қозон-товоқни ўз қўлига олди.

— Сен яна бирон кун ётатурсанг бўлармиди, — деди отам.

— Нима фойдаси бор? — деди Дилси. — Худо кўрсатмасин, яна бир кун ётсам, уйнинг чанги бошингизга чиқиб кетади. Қани, энди чиқинглар ошхонадан. Сал одам кирадиган қилиб қўймасам...

Кечки овқатни ҳам Дилси тайёрлади. Қош қорайди, деганда ошхонага Нэнси кириб келди.

— У қайтиб келди, деб ким айтди сенга? — деди Дилси. — Уз кўзинг билан кўрдингми?

— Иисус — қоратаппи, — деди Жейсон.

— Кўнглим сезяпти, — деди Нэнси, — у ўша зовурда яшириниб ётибди, кўнглим сезяпти.

— Ҳозирми? — деб сўради Дилси. — Ҳозир ўша ердами?

— Дилси ҳам — қоратаппи, — деди Жейсон.

— Ул-бул еб олсанг бўларди, — деди Дилси.

— Ҳеч нарса егим йўқ, — деди Нэнси.

— Мен қоратаппи эмасман, — деди Жейсон.

— Қаҳва ич, ҳеч бўлмаса, — деди Дилси ва қаҳва қуйиб узатди. — Сенингча у ҳозир ҳам ўша ердами? Қаердан биласан?

— Билмасам гапирармидим, биламан-да, — деди Нэнси. — У ўша ерда, мени пойлаяпти. Шунча йил бекорга яшаганим йўқ. Ҳар доим нима қилишини олдиндан билардим.

— Қаҳвадан ҳўпла, — деди Дилси.

Нэнси пиёлани лабига яқин келтириб пуфлади. Лунжи салқиб, худди қаҳвани совутаман деб ҳамма бўёгини пуфлаб юборгандек, лаблари кулранг тус олди.

— Мен қоратаппи эмасман, — деди Жейсон. — Сен-чи, Нэнси, қоратаппимисан?

— Мен худонинг қарғишига учраган хотинман, — деди Нэнси. — Ҳадемай ҳаммасидан қутуламан. Қаердан келган бўлсам, ҳадемай ўша ерга қайтиб кетаман.

### III

Нэнси қаҳва ичишга чоғланди. Иккала қўли билан пиёлани кўтариб ётган чоғида яна ҳиқиллай бошлади.

Нафасидан қаҳва чайқалиб кетиб, Нэнсининг қўлига, қўлагига тўкилди. Кўзлари бизда эди. У тирсақлари билан тиззасига суянганча, пиёлани қўлидан қўймай, пиёла оша бизга тикилиб ўтираркан, кўксидан шундай товуш чиқарди.

— Нэнсига қара, — деди Жейсон. — Дилси тузалгани учун у энди овқат пиширмайди.

— Бирпас жим тур, — деди Дилси.

Нэнси пиёлани кафтларида тутиб бизга қарар, гўё бир эмас, хонада икки нафар Нэнси ўтиргандек туюларди; бири бизга қараб турар, иккинчиси эса товуш чиқарарди.

— Нега мистер Жейсон телефон қилиб шериф билан гаплашини хоҳламаяпсан? — дея сўради Дилси.

Қоп-қора, косовдек қўлларидан пиёлани қўймай ўтирган Нэнси чурқ этмади. Қаҳвадан ҳўпламоқчи бўлган эди, лекин қаҳва чайқалиб кетиб, қўли билан тиззасига тўкилдию у пиёлани секин столга қўйди. Жейсон унга қараб турарди.

— Томоғимдан ўтмаяпти, — деди Нэнси. — Ютяпман-у, аммо ўтмаяпти.

— Ҳозир меникига бор, — деди Дилси. — Фрони сенга жой солиб беради. Мен эса орқангдан етиб бораман.

— У дуч келган ҳабашдан кўрқади деб ўйлайсан шекилли, — деди Нэнси.

— Мен ҳабаш эмасман, — деди Жейсон. — Дилси, мен ҳабаш эмасман-а?

— Балки шундайди, — деди Дилси. У Нэнсига кўз ташлади. — Балки кўрқмас ҳам. Лекин ўзинг нима қилмоқчисан?

Нэнси бизларга қаради. У қимир этишга ҳоли келмайдигандек ўтирар, бироқ худди бирон нимани кўрмай, пайқамай қолишдан чўчигандек, кўзлари тинмай аланг-жаланг қиларди. У бир вақтнинг ўзида учовимизни назардан қочирмасликка уринарди.

— Хонангизда сизлар билан тунаб қолганим эсингиздами? — деди Нэнси.

У эрталаб ўрнидан тургач қандай тўполон қилганимизни гапира бошлади. Биз то отам уйғониб Нэнси нонушта ҳозирлагани пастга тушиб кетгунича унинг тўшагида роса ўйнаган эдик.

— Бугун ҳам сизлар билан тунаб қолишимни онангиздан сўранг, — деди Нэнси. — Менга тўшак ҳам керакмас. Яна бирга ўйнаймиз.

Қадди, орқасидан Жейсон онамининг ёнига югуриб чиқиб кетди.

— Қаланғи-қасанғи ҳабашлар менинг уйимда тунашга йўл қўёлмайман.

Жейсон йиғлаб юборди. У то онам, агар ҳозироқ хархашангни тўхтатмасанг, уч кунгача ширинлик емайсан, деб койимагунча йиғлайверди. Бироздан сўнг Жейсон, агар Дилси шоколадли торт пиширса, йиғламайман, деди. Отам ҳам ўша ерда ўтирарди.

— Нега сен бирон чора кўрмаяпсан? — деди онам. — Бизнинг полиция нима билан шуғулланапти?

— Нэнси Иисусдан нега кўрқади? — деб сўради Кэдди. — Ойи, сиз-чи, сиз отамдан кўрқасизми?

— Полициянинг кўлидан нима келарди? — дея эътироз билдирди отам.

— Нэнси, ҳатто уни кўрмаган бўлса, ўзинг айт-чи, уни қаердан излаш керак?

— Унда нега бунчалик кўрқади?

— Ўзининг гапига қараганда Иисус бу атрофда юрганмиш. Буни кўнгли сезаётганмиш. Айтишича, бугун ҳам шу яқин орада эмиш.

— Нималар учун солиқ тўлаяпмиз полицияга, ҳеч тушунолмадим, — деди онам. — Сен қаёқдаги ҳабаш хотинларни кузатиб кўйишинг, мен эса ҳувиллаган уйда ёлғиз қолишим яхшими?

— Мен ўлдираман деб сени пойлаб юрганам йўқ-ку, тушунсангчи?! — деди отам.

— Агар Дилси шоколадли торт пиширса, йиғламасдим, — деди Жейсон. Онам бизларга, боринглар энди, деди, отам эса, Жейсон шоколадли торт ейдими, емайдими, билмайман-у, лекин ҳозирдқ хонадан чиқиб кетмаса, таъзирини ейди, деди. Бизлар ошхонага йўл олдик. Кэдди Нэнсига юзланди:

— Отам сен уйингга бориб эшикни тамбалаб олсанг, ҳеч ким тегмасмиш, деди. Ким тегмайди, Нэнси? Иисусми? Сен уни хафа қилдингми? — деди.

Нэнси ҳамон тирсақлари билан тиззасига таяниб, кўлидаги пиёлани тиззалари орасидан осилтириб, ушлаб ўтирар, пиёладан кўз узмас эди.

— Иисуснинг жаҳлини чиқарадиган нима иш қилувдинг? — дея сўради Кэдди.

Пиёла Нэнсининг кўлидан тушиб кетди. Пиёла синмади, фақат қаҳва тўкилди, Нэнси ҳамон қўлларида пиёла бордек кафтларини ҳовуч қилиб ўтирарди. У яна, паст овозда ҳақиллай бошлади. Бир қарасанг, ашулага ўхшайди, бир қарасанг ўхшамайди. Ҳаммамиз унга қараб турардик.

— Сени қара, бўлди энди, — деди Дилси. — Етар. Бунчалик куйинаверишдан фойда йўқ. Шу ерда ўтира тур, мен бориб Вершга айтай, сени кузатиб кўйсин. Унгача шу ерда қимирламай ўтир.

Дилси чиқиб кетди.

Ҳаммамиз Нэнсига қарадик. Унинг елкалари титради, аммо чурқ этмади. Биз унга қараб ўтирардик.

— Иисус сени нима қилмоқчи? — деб сўради Кэдди. — У жўнаб кетган шекилли?

Нэнси бизга назар ташлади.

— Мен сизларникида тунаб қолганимда роса мириқиб ўйнагандик, тўғрими?

— Ҳечам, — деди Жейсон. — Мен сира ҳам мириқиб ўйнамагандим.

— Сен ухлагандинг, — деди Кэдди. — Сен биз билан ўйнамагандинг.

— Кетдик бизникига ҳозир. Яна ўйнаймиз, — деди Нэнси.

— Онам рухсат бермайди, — дедим мен. — Кеч бўлиб қолди.

— Сизлар рухсат сўраманглар, — деди Нэнси. — Эртага айтсанглар аччиғи чиқмайди.

— Онам рухсат бермайди, — дедим мен.

— Ҳозир унга билдирманглар деяпман-ку, — деди Нэнси, — қайта-қайта сўраб безор қилиб юборманглар.

— Онам, борманглар, деб айтмаганлар, — деди Кэдди.

— Биз сўраганимиз йўқ-ку! — дедим мен.

— Агар кетсанглар айтиб бераман, — деди Жейсон.

— Биз ҳаммамиз роса ўйнардик-да, — деди Нэнси. — Фақат менинг уйимга бориб олсак бўлгани. Онангининг аччиғи чиқмайди. Мен ахир шунча пайтдан бери сизникида ишляпман-ку, отангиз билан онангиз урушмайди.

— Мен кўрқмайман, — деди Кэдди. — Жейсон кўрқади. У оймга айтиб беради.

— Мен кўрқмайман, — деди Жейсон.

— Йўқ, сен кўрқасан. Сен оймга чақиб берасан.

— Чақиб бермайман, — деди Жейсон. — Мен кўрқмайман.

— Жейсон ёнимда бўлса, ҳеч нарсадан кўрқмайди, — деди Нэнси. — Тўғрими, Жейсон?

— Жейсон оймларга айтиб беради, — деди Кэдди.

Тор кўча зимистон эди. Биз бориб орқа эшикдан ўтлоққа чиқдик.

— Агар бирон нарса дарчадан сакраб тушса борми, Жейсон кўрққанидан додлаб юборарди.

— Ҳечам додлаб юбормасдим, — деди Жейсон.  
Биз йўлга тушдик. Нэнси шанғиллаб, баланд овозда гапирарди.  
— Нега бунча бақириб гапиряпсан, Нэнси? — деб сўради Кэдди.  
— Ким? Менми? — деб сўради Нэнси. — Ол-а, Кэдди, Жейсон билан Квентингларнинг гапини кўринг! Гўё мен бақириб гапирётганмишман.  
— Сен шундай гапиряпсанки, худди орамизда яна биров, бешинчи киши бордек, — деди Кэдди. — Худди дадам биз билан бирга кетаётгандек.  
— Ким бақириб гапиряпти? Мен бақириб гапиряпманми, жаноб Жейсон? — деди Нэнси.

— Нэнси Жейсонни «жаноб» деяпти, — деди Кэдди.  
— Қаранг, Кэдди, Жейсон ва Квентинлар нима дейишяпти? — деди Нэнси.  
— Биз ҳеч нарса деётганимиз йўқ, — деди Кэдди.  
— Сендан бошқа ҳеч ким ҳеч нарса демаяпти, худди дадам...  
— Секин, — деди Нэнси. — Секинроқ, жаноб Жейсон.

Аввал зовурдан, сўнгра Нэнси доимо бошида тугуни билан ўтиб юрадиган ғов орасидан ўтдик, у бутун йўл бўйи жавраб борди. Ниҳоят, уйига яқинлашдик. Биз жуда тез етиб келгандик. Нэнси эшикни очди. Уйда ўтириб қолган ҳид гўё чироғу Нэнсининг баданидан уфураётган ҳид бамисли пиликдек, улар яна ҳам кучлироқ ҳид анқитиш учун бир-бирларини кутаётгандек эди. Нэнси чироқни ёқди. Эшикни ёпиб тамбалади. Шундан кейин шанғиллашдан тўхтаб, бизга қаради.

— Энди нима қиламиз? — деб сўради Кэдди.  
— Нима қилмоқчисизлар? — деди Нэнси.  
— Уйнаймиз, дегандинг.

Нэнсининг уйида бир кўнгилсизлик шарпадек кезиб юргани худди ҳид сингари сезиларди. Буни ҳатто Жейсон сезди.

— Мен бу ерда қолишни истамайман, — деди у. — Уйга кетгим келяпти.  
— Кетсанг кетавер, ким қўлингдан ушлаб турибди? — деди Кэдди.  
— Бир ўзим кетмайман, — деди Жейсон.  
— Мана, ҳозир бошлаймиз, — деди Нэнси.  
— Қанақа ўйинни бошлаймиз? — деб сўради Кэдди.

Нэнси эшик олдида турарди. У бизга тикилди, бироқ ҳеч нимани кўрмаётгандек кўзлари маънисиз боқарди.

— Ўзингиз нимани хоҳлайсиз? — дея сўради у.  
— Яхшиси бизга эртак айтиб бер, — деди Кэдди. — Эртак айтишни биласанми?

— Айта оламан, — деди Нэнси.  
— Ундай бўлса, айт, — деди Кэдди.  
Биз Нэнсига қарадик.

— Сен биронта ҳам эртакни билмайсан шекилли? — деди Кэдди.  
— Нега ахир, биламан, — деди Нэнси. — Ҳозир айтиб бераман...

У бориб ўчоқ ёнидаги курсига ўтирди. Ўчоқда кип-қизил чўғлар кўринарди. Нэнси яхшилаб пуфлаган эди, лоп этиб аланга олди. Ут ёқишнинг ҳожати ҳам қолмади. Нэнси алангани гуриллатиб юборди-да, эртак айта бошлади. У шундай гапириб, шундай қарар эдики, худди овози ҳам, кўзи ҳам ўзиники эмас, бировникидек, ҳатто ўзи ҳам бу ерда йўқдек эди. Гўё бошқа бир ерда эдию ўша ерда ниманидир кутарди. У уйда эмас, балки ташқарида, қоронғилик қўйнида юрарди гўё.

— ... Ниҳоят, малика ёвуз одам яширинган зовур ёқасига келибди. У зовурга тушибди-да: «Агар зовурдан ўтолсам эди», дебди.

— Қанақа зовур? — деб сўради Кэдди. — Бизникига ўхшаганми? Нега у зовурга тушади?

— Уйга етиб олиши учун, — деди Нэнси. — Ундан бошқа борадиган йўл йўқ экан.

— Уйга бориб нима қиларди? — деб сўради Кэдди.

#### IV

Нэнси бизларга тикилган кўйи, ҳикоя қилишдан тўхтади. Жейсоннинг оёқлари калта иштончасидан чиқиб турарди. У ҳали ёш бола бўлганидан калта иштон кийиб юрарди.

— Ёмон эртак экан, — деди у. — Уйга кетгим келяпти.

— Айтганча, бўлди, уйга кетамиз, — деди Кэдди ва ўрнидан турди. — Бизлардан хавотир олиб қидиришаётган бўлмасин яна, — дея у эшикка қараб юрди.

— Тўхта, — деди Нэнси, — очма.

У сапчиб ўрнидан турди-да, Кэддининг олдидан тўсиб чиққани эшик томон талпинди. Аммо эшикка ҳам, тамбага ҳам қўл урмади.



— Нега? — деб сўради Кэдди.

— Юр, чироқ ёнида яна бироз ўтирайлик, — деди Нэнси. — Уйнаймиз, ҳали кетишга эрта.

— Узоқ қолиб кетсак бўлмайди, — деди Кэдди. — Қолишга арзигулик нарса бўлмаса, нимаям қилдик.

Улар Нэнси билан бирга ўчоқ бошига қайтишди.

— Уйга кетгим келяпти, — деди Жейсон, — ҳаммасини айтиб бераман.

— Мен яна битта жудаям қизиқ эртакни биламан, — деди Нэнси.

У Кэддидан кўзини узмас, худди бурнининг учига чўпни яқин келтириб, пастдан қарагандагидек, кўзлари ғилайлашиб кетарди. Кэддига тепадан пастга қарашга тўғри келса ҳам, Нэнсининг кўзлари шундай эди.

— Эшитишни истамайман, — деди Жейсон, — мен полни тапиллатиб ўтираман.

— Буниси жуда қизиқарли эртак, — деди Нэнси. — Ановинисидан анча қизиқроқ.

— Нима ҳақда у? — деб сўради Кэдди.

Нэнси чироқ ёнида турарди. Қўли билан чироқ шишасини ушлади. Чироқ нурида унинг қўли яна ҳам узунроқ ва қорароқ кўринди.

— Сен шишасини ушляяпсан, — деди Кэдди. — Қўлинг куймаяптими?

Нэнси қўлларига қаради ва истар-истамас қўлини чироқ шишасидан олди. У Кэддига назар солатуриб, қўлини чунонам айлантирдики, худди қўли арқон билан осиб қўйилганга ўхшарди.

— Келинглар, яхшиси бошқа бирон нима билан шуғулланамиз, — деди Кэдди.

— Уйга кетгим келяпти, — деди Жейсон.

— Менда жўхори бор, — деди Нэнси. У Кэддига, кейин менга, сўнгра Жейсонга, яна Кэддига қараб чиқди. — Келинглар, жўхори қовурамиз.

— Жўхорини ёмон кўраман, — деди Жейсон. — Мен конфетни яхши кўраман.

Нэнси Жейсонга назар солди.

— Мен жўхори пишираётганимда сен товани ушлаб турасан, хўпми?

У ҳамон қўлини айлантитарди. Узун, қоп-қора қўли худди бесуякка ўхшарди.

— Бўлти, — деди Жейсон. — Агар товани ушлаб турсам, қоламан. Кэдди товани ушлаб туришни билмайди. Агар товани Кэддига берсанг, уйга кетаман.

Нэнси пуфлаб-пуфлаб оловни алангалатди.

— Ҳатто, Нэнси оловни ушляяпти! — деди Кэдди. — Сенга нима бўлди, Нэнси?

— Менда жўхори бор, — деди Нэнси. — Озгина бор.

У каравот тагидан товани олди. Тованинг дастаси синиқ эди. Жейсон йиғлаб юборди.

— У ҳеч нарсага ярамайди, — деди у.

— Энди уйга кетмасак бўлмайди, — деди Кэдди.

— Шошманглар, — деди Нэнси. — Шошманглар. Мен уни ҳозир тузатаман. Наҳотки, менга ёрдам беришни истамасанг?

— Мени жўхори егим келмай қолди, — деди Кэдди. — Кеч бўлди энди.

— Унда сен ёрдам бер, Жейсон, — деди Нэнси. — Сен менга ёрдам берасан, тўғрими?

— Йўқ, — деди Жейсон. — Мен уйга кетаман.

— Ундай қилманглар, — деди Нэнси. — Керакмас. Қара, мен нима қиламан.

Ҳозир уни тузатаман-да, кейин Жейсон товада жўхори қовуради.

У бир бўлак сим билан тованинг дастагини маҳкамлади.

— Э, барибир бўлмайди, — деди Кэдди.

— Бўлади, — деди Нэнси. — Мана кўрасан. Ана энди жўхори тозалаймиз, қани, қарашиб юборинглар.

Жўхори ҳам каравот тагида эди. Биз уни сўтасидан ажратиб товага солишга тутиндик. Нэнси эса Жейсоннинг товани оловда тутиб туришига кўмаклашди.

— У ёрилмаяпти, — деди Жейсон. — Мен уйга кетаман.

— Шошма, — деди Нэнси. — Ҳозир бодрай бошлайди. Жудаям қизиқ бўлади.

У ўчоқнинг ёнгинасида ўтирарди. Чироқнинг пилиги жуда баландлатиб қўйилганидан, тутай бошлади.

— Нега пилигини пасаётириб қўймаяпсан, — деб сўрадим.

— Ҳеч қиси йўқ, — деди Нэнси. — Қоракуяни кейин артиб оларман, ана, қара, ҳозир ёрила бошлайди.

— Сира ёриладиганга ўхшамаяпти, — деди Кэдди. — Лекин барибир уйга кетишимиз керак. Хавотир олишади.

— Йўқ, — деди Нэнси. — Ҳозир ёрила бошлайди. Дилси уларга мен билан бирга кетганингизни айтиб қўяди. Сизларникида шунча пайт ишлаб келдим. Меникига келганингизни эшитса, уларнинг жаҳли чиқмайди. Шошманглар. Кўз очиб юмгунча ёрила бошлайди.

Дафъатан кўзига тутун кирдию Жейсон йиғлаб юборди. У товани оловга ағдарди. Нэнси ҳўл латтани олиб Жейсоннинг юз-кўзини арта бошлади. У эса йиғлашдан тўхтаб демасди.

— Вой-бў, бўлди қилақол, — деди Нэнси. — Бўлди қилсанг-чи.

Аммо Жейсон йиғлайверди.

Кэдди товани оловдан тортиб олди.

— Ҳаммаси куйиб кетибди, — деди у. — Нэнси, яна жўхоридан борми?

— Сен товага ҳаммасини солганмидинг? — деб сўради Нэнси.

— Ҳа, — деди Кэдди.

Нэнси унга хомуш боқди. Сўнгра товадаги куйган жўхорини этагига солиб, узун, қоп-қора бармоқлари билан битталаб ажрата бошлади. Биз уни кузатиб турардик.

— Бошқа жўхоринг йўқми уйда? — деб сўради Кэдди.

— Бор, — деди Нэнси. — Бор. Мана, ҳаммаси куйиб кетмаган экан. Фақат булари...

— Мени уйга кетгим келяпти, — деди Жейсон. — Ҳаммасини айтиб бераман.

— Овозингни ўчир! Жим!

Биз нафасимизни ютиб атрофга қулоқ солдик. Нэнси ўша заҳоти эшикка юзланди, унинг кўзларида чироқнинг қизғиш шуъласи акс этарди.

— Кимдир келяпти? — деди Кэдди.

Шунда олов ёнида тиззаларининг орасидан қўлларини осилтириб ўтирган Нэнси паст овозда яна ҳиқиллай бошлади: дафъатан унинг юзидан йирик-йирик тер томчилари юмалай бошлади, томчилар иягига оқиб тушаркан, бу томчиларнинг ҳар бирида ўчоқдаги аланганинг оловли ҳалқалари акс этарди.

— У йиғламайди, — дедим мен.

— Мен йиғламайман, — деди Нэнси; унинг кўзлари юмиқ эди. — Мен йиғламайман. Бу келаётган ким?

— Билмадим, — деди Кэдди, сўнг эшикдан бошини чиқариб қаради. — Оббо, энди уйга кетмасдан бошқа иложимиз қолмади. Отам кептилар.

— Мен ҳаммасини айтиб бераман, — деди Жейсон. — Мен бормайлик дегандим, сизлар мени зўрлаб олиб келдингиз.

Нэнсининг ёноқларидан ҳамон томчилар оқиб тушмоқда эди. У ўтирган ерида ўгирилди.

— Менга қаранглар, унга айтинглarki... Биз шу ерда бирга ўйнаймиз, денглар. Нэнси эрталабгача бизлар билан бирга ўйнайди, денглар. Нэнси биз билан кетсин, деб илтимос қилинглар. Ерда бўлса ҳам ётавераркан, денглар. Менга тўшак ҳам шарт эмас. Биз эрталабгача роса ўйнардик. Эсларингдами, ўтган сафар қанақа маза бўлганди?

— Мен сира ҳам маза қилмагандим, — деди Жейсон. — Сен мени урдинг. Сени деб кўзимга тутун кириб кетди.

## V

Отам кирди. У бизларга қаради. Нэнси ўрнидан турмади.

— Унга айтинглар, — деб илтимос қилди у.

— Мен бормайман дегандим, — деди Жейсон, — Кэдди мажбур қилди.

Отам ўчоқ тепасига келди. Нэнси бошини кўтарди.

— Рэйчел холагникига бориб, ўша ерда тунасанг бўлмайдами? — деб сўради отам. Нэнси қўлларини тиззаси орасидан осилтириб ўтирган кўйи унга разм солди. — Бу атрофда ўзи тугул арвоҳи ҳам йўқ унинг, — деди отам. — Бўлса мен кўрардим. Бу атрофда тирик жон кўринмайди.

— У зовурда, — деди Нэнси. — Зовурда яшириниб ётибди.

— Бекор гап, — деди отам. У Нэнсига тикилди. — Уша ердалигини сен қаердан биласан?

— Менга ишора қилишган, — деди Нэнси.

— Ким ишора қилган?

— Билмадим. Уйга кирганимда стол устида ётарди. Гўштидан қони оқиб турган чўчка суяги. У столда, чироқ ёнида ётарди. У ўша ерда. Сиз кетишингиз ҳамоно мана бу эшикдан кирадио, қарабсизки, куним битди деяверинг.

— Куним битади нима дегани, Нэнси? — деди Кэдди.

— Мен чақмачақар эмасман, — деди Жейсон.

— Бекор гап! — деди отам.

— У ўша ерда, — деди Нэнси. — Кетишингизни кутиб ҳозир деразадан қараб турибди. Кетдим, дейишингиз биланоқ куним битади.

— Бўлмаган гап! — деди отам. — Қани, эшикларни тамбала-чи. Сени Рэйчел холаникига обориб қўямиз.

— Нима фойда, — деди Нэнси. У отамга бошқа қарамади, аммо отам унинг учун, териси ҳилвираган қоп-қора қўлларидан кўз узмай турарди. — Чўзишдан нима фойда?

— Сен ўзинг нима қилмоқчисан? — деб сўради отам.

— Билмайман, — деди Нэнси. — Қўлимдан нима ҳам келарди. Яна озгина чўзиш мумкин. Лекин нима фойдаси бор! Пешонамга ёзилгани шу экан. Пешонамдагини кўраман.

— Нимани кўрасан? — деб сўради Кэдди. — Пешонамга нима ёзилган экан?

— Буларнинг ҳаммаси қуруқ сафсата, — деди отам. — Сизлар эса ҳозироқ бориб ухлашингиз керак.

— Мен бормайман, дегандим, Кэдди келишга мажбур қилди, — деди Жейсон.

— Тўғри Рэйчел холаникига бор, — деди отам.

— Бундан нима фойда, — деди Нэнси. У тиззасига таяниб, узун қўлларини оёқлари орасида осилтирганча ўчоқ ёнида ўтирарди. — Тўғриси, уйингизда, сизга қарашли ошхонада тунасам ҳам нажот йўқ. Башарти, борингки, болалар хонасида, мана шу кичкинтойларингиз хонасида ётган тақдирда ҳам, эрталаб қарасангиз, танамни тилка-пора қилиб...

— Бас! Жим! — деди отам. — Ичкаридан эшикни қулфлаб, чироқни ўчиргинда, ётиб ухла!

— Қоронғидан кўрқаман, — деди Нэнси. — Мен бу воқеа кечаси юз беришини хоҳламайман.

— Нима, кечаси билан чироқ ёнида ўтириб чиқасанми? — дея сўради отам.

Нэнси ўчоқ ёнида узун қўлларини тиззалари орасида осилтириб ўтирганча яна ҳиқиллай бошлади.

— Э, қуриб кетсин! — деди отам. — Қани, миттивойлар, марш уйга! Ётар вақти бўлди.

— Сизлар кетгандан кейин менинг куним битди деяверинг, — деди Нэнси. — Эртага менинг ўлигим чиқади шу уйдан. Улимлигимни йиғиб қўйганман, жаноб Лавледига тўлаб қўйганман...

Жаноб Лавледи ҳабашлардан омонлик ҳақини йиғувчи ўрта бўйли, доим исқирти чиқиб юрадиган одам эди: ҳар шанба кун эрталаб у ҳамма кулбаларни айланиб, ҳабашлардан ўн беш центдан чиқарди. У хотини билан мусофирхонада яшарди. Кунлардан бир кун хотини эрталаб ўзини-ўзи ўлдирган эди. Уларнинг қизчалари бор эди. Хотини ўз-ўзини ўлдиргач, жаноб Лавледи боласини олиб жўнаб кетган эди.

Орадан кўп ўтмай у қайтиб келди. Шанба кунлари эрта билан, кўпинча, тор кўчаларда кетаётганда уни кўриб қолардик.

— Бўлмаган гап! — деди отам. — Бемаза хаёлга берилма.

— Насиб қилгани бўлади. Аммо нима насиб этади, ёлғиз эгамга аён.

## VI

Нэнсининг уйдан чиқаётганимизда у ҳамон ўчоқ ёнида ўтирарди.

— Эшикни тамбалаб ол, — деди отам. Нэнси қимир этмади. У бизга қайрилиб ҳам қарамади. Биз жўнаб кетдик, у эса ўчоқ ёнида қолди: эшиги ланг очиқ хонада липиллаб лампа ёниб турарди.

— У нимадан хавотирланяпти, дада? — деди Кэдди. — Нима бўлиши керак экан?

— Ҳеч нима, — деди отам. Жейсон унинг елкасида ўтирар, шунинг учун ҳаммамиздан баландда эди. Биз зовурга тушдик: мен қилт этган нарсани кўздан қочирмаслик учун индамай атрофни кузатиб борардим. Бироқ, ой нури соялар билан уйқашиб кетган ерларда бирон нарсани ажратиш олиш амри маҳол эди.

— Агар Исус шу ерда яшириниб ётган бўлса, у бизни кўриб турибди, тўғрими? — деди Кэдди.

— У бу ерда эмас, — деди отам. — У аллақачон жўнаб кетган.

— Сен мени мажбур қилдинг, — деди Жейсон ўзининг «тахтиравони»дан туриб; осмон фонидан отам худди бири кичкина, бири катта икки бошли одамга ўхшаб кўринарди. — Менинг эса боргим келмаганди.

Ҳаммамиз ёлғизоёқ йўл билан зовурдан кўтарилдик. Бу ердан ҳали ҳам эшиги ланг очиқ Нэнсининг уйи кўринар, аммо Нэнсининг ўзи — ўчоқ ёнида бир аҳволда ўтирган, кутавериб тоқати тоқ бўлган Нэнсининг ўзи кўринмасди. «Чарчадим, —

деди у ортимиздан. — Уф, шундай чарчадимки, мен бор-йўғи бир ҳабаш аёлман. Ахир бунинг учун мен айбдор эмасман».

Аммо унинг овози ҳамон эшитилиб турарди, чунки бизлар зовурдан чиққан ҳамоно у яна ўша — ашула деса ашула эмас, куй деса куйга ўхшамайдиган — товушда ҳиқиллай бошлаганди.

— Энди киримизни ким ювиб беради, — деб сўрадим мен.

— Мен қоратаппи эмасман, — деди Жейсон отамнинг боши узра қалқиб, турган «минора»дан.

— Сен ундан баттарсан, — деди Кэдди. — Сен чақмачақарсан. Агар бирон нарса чиқиб қолсами, сен ҳар қандай қоратаппидан баттар кўрқиб кетган бўлардинг.

— Ҳечам-да, деди Жейсон.

— Сен додлаб юборган бўлардинг, — деди Кэдди.

— Кэдди! — деди отам.

— Мен ҳечам додлаб юбормасдим, — деди Жейсон.

— Кўрқоқ! — деди Кэдди.

— Кэндейс! — деди отам.

Рус тилидан О. Отахонов таржимаси



## Буюроқ Китоблар ҳаётидан

«Декамерон»нинг муаллифи Жованни Бокаччо дастлабки шеърларини олти ёшда ёзган эди.

Итальян шоири Торквато Тассо ўн тўрт ёшида шеърятдаги истеъдодини синаб кўрган, яъни кўплаб шеърый асарлар битган.

Ғеё етти-саккиз ёшларида ўзи тўққан эртаникни ўртоқларига айтиб берган. Пушкин саккиз ёшида кувноқ комедия ёзишни режаллаган экан.

Лермонтов бизгача етиб келган «Туркнинг шикоят» шеърини ўн тўрт ёшида битган.

Блок олти-етти ёшида шеърлар ёзишни машқ қилган.

Флобер ўн бир ёшидан қоғоз қоралай бошлаган.

Баъзи машҳур адибларнинг илк ижодий қадамлари ота-оналарининг тўсқинликларига дучор бўлган.

Улуғ итальян шоири Франческо Петрарканинг отаси ўғли қўлдан қўймай ўқийдиган китобларини оловга ташлаб юборар, шеърый машқларини масхара-ларди. У фарзандига сердаромад соҳа — юристикни танлаш лозимлигини ўқтирарди.

Француз драматурги Расиннинг ота-онаси ўз меросхўрларининг католик черкови бағрида тарбияланиб, руҳоний бўлишининг тарафдори эдилар. Аммо, театрга, адабиётга зўр иштиёқ иқтидорли йигитни тамомила бошқа бир йўлдан боришга ундади. Жан Расин трагедия жанрини юксак поғонага олиб чиққан драмалари билан Европада шуҳрат қозонди.

Фридрих Шиллер шеър машқ қилаётганини кўрса, отаси газаб отига минарди — у фарзандининг медицина соҳасини танлашини хоҳларди. Шундай ҳам бўлди: Фридрих врач бўлиб етишди, ҳарбий полклардан бирида хизмат қила бошлади.

Лекин, зўр истеъдод уни адабиёт майдонига етаклади. Дастлабки фожией асарлариёқ («Макр ва муҳаббат», «Қароқчилар») Шиллернинг номини бутун Германияга танитди.

Улкан сўз санъаткорлари ўзларининг дастлабки ижод намуналарига ғоят талабчанлик билан баҳо берганлар, кўплари эса уларга шунчаки бир машқ деб қараганлар.


Гоголь «Диканька яқинидаги қишлоқ оқшомлари» китоби тўғрисида ёзган: «Мен салмоқли, улуғроқ бир бадий асар ёзганимга қадар булар номаълум бўлиб қолаверсин!»

Ваҳоланки, бу китоб Гоголни рус китобхонларига танитиб, Пушкин томонидан юқори баҳоланди. Уша вақтда Гоголь йигирма уч ёшда эди.

Лермонтов дастлабки шеър ва поэма-лар тўпламига атиги ўттизга яқин шеър ва бир-икки поэмасини киритган.

Аелида эса шоир шу вақтгача юзлаб шеърлар, ўндан ортиқ поэма ва саҳна асарлари ёзган эди. Лекин у буларни оддий бир машқ деб билган.

Дастлаб эълон қилинган асари — «Ҳож» Абрек» поэмасини шоирнинг яқин дўсти Лермонтовга айтмаган ҳолда «Библиотека для чтения» журнаliga келтириб берган.



Шокирали Нуралиев

# ГАП ҚАЛОВИНИ ТОПИШДА ҚОЛГАН

Очерк-тадқиқот

Режаларимиз ва вазифаларимизни амалга оширишнинг муваффақияти бошқарувни ва хўжалик юритиш усулларини такомиллаштириш билан чамбарчас боғланган. Аввалги усуллар ва эски ташкилий шаклларни янги шароитларга ва иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги талабларига мувофиқ кескин қайта қурмай туриб, ишлаб чиқаришни ҳар томонлама жадаллатиш йўлига буриб юбора олмаймиз. Бу соҳада қисман ўзгартишлар эмас, балки... туб ислохотни амалга ошириш лозим.

(КПСС XXVII съезди материалларидан.)

«Республикамиз районларидан бирида ўқувчиларни дала ишларига жалб этмасликка қарор қилинди!»

Бу хабарни ўқиганимизда, очиқ гап, бизда шубҳа уйғонган эди. Шунинг учун унча парво қилмаган, «омон бўлсак кўрармиз», деб қўя қолган эдик. Ахир, бундай «ташаббус билан чиқиш»ларни, кейин эса «табиат инжиқлиги», «ишнинг қисталанг келиб қолиши» ва ҳаказо «объектив сабаб»ларни рўқач қилиб, аҳдларини унутиб юборганларни кўп кўрган эдик-да.

Орадан тўрт ой ўтди. Пахта йиғим-терими айни авжига чиққан пайтда матбуотда яна бир хабар босилди. Мазмуни қуйидагича эди: Фалон район пахта тайёрлашда областда олдингилар қаторида бормоқда. Ўқувчилар эса машғулларни одатдагидек давом эттирмоқдалар».

Гап ўша район ҳақида борар эди.

Яна бирмунча вақт ўтгач, телевизорнинг кечки ахборотида хабар қилинди:

«Район ғалаба рапортига областда биринчилардан бўлиб имзо чекди. Муваффақиятнинг диққатга сазовор томони яна шундаки, хирмон ўқувчиларнинг ёрдамсиз чош этилди».

Ўқувчиларнинг ёрдамсиз! Демак, охиригача унутишмабди! Қарангки, ёрдамсиз ҳам планни биринчилардан бўлиб бажаришибди! Бўлар экан-ку!

Хуллас, йўлга тушдик.

Аслида сўраб-суриштиришни автобусдаёқ бошлаб юбордик. Етиб келгач эса, идоралар, қишлоқлар, далалар ва мактабларда бўлдик. Самимий суҳбатлар, расмий савол-жавоблар қилдик. Хужжатлар билан танишдик...

Ҳурматли журналхон, сезиб турибмиз, Сиз шошяпсиз. «Мақсадга кўчинг, хўш, нима гап экан!» — деяпсиз. Нима гап эканини бир сўз билан айтиш қийин. Агар қисталанг жавоб керак бўлса, текширувлардан кейин қандай кайфиятга тушганимизни айтишимиз мумкин: хомуш тортиб қолдик.

Ўйлаймизки, бу жавоб бари бир Сизни қаноатлантирмайди. Муфассал, жавоб талаб қиласиз. Унда эшитинг, гап мана бундай экан.

1

Районнинг катта-кичик раҳбарларини йиғиб, ўртага шундай масала ташлаибди:

«Ўртоқлар, биласизки, болалар — келажагимиз. Уларни авайлашимиз зарурлиги ҳаммамизга аён. Шундай экан, келинлар, авайлайлик. Катталар ишласин, кичиклар ўқисин.

Тўғри, катталар ҳозир ҳам ишлашяпти, қишлоқ хўжалик ишларига ёрдам беришяпти. Лекин энди биз 22 мингдан ортиқроқ ўқувчининг ёрдамидан воз кечар эканмиз, демак, катталарнинг қишлоқ хўжалик ишларига иштирокини кучайтиришимиз, пахта ҳосилини етиштириш ва йиғиштириб олишда уларнинг масъулиятини оширишимиз лозим. Гап ана шу ҳақда кетяпти».

Мақсадни ҳамма тушунибди, албатта. Хўп, дейишибди. Катталар кичикларни деб бир пайтлар жангга киришган, қон тўкишган, ҳатто жонларини фидо қилишган. Унинг олдидан бу иш нима деган нарса, майли. Лекин... иштироки қандай кучайтирамиз? Масъулиятни қандай оширамиз? Қолаверса, бу кучайтириш, бу ошириш 22 мингдан ортиқ ўқувчи берадиган ёрдамнинг ўрнини боса олармикин? Боса оларкан.

Районида 10 минг 410 гектар пахта майдони бор. Пахтакор, ишчи 5250 нафар. Энди дала ишларида қатнашиши мумкин бўлган уй бекаларини, ишга яроқли отахон ва онахонларни, ўзи қишлоқда яшаб туриб, шаҳарда, район ташкилотларида ишлаётган ўртоқларни ҳисобга олинг. Биз ҳисобладик. Ҳаммаси 36 минг 390 нафар. Деҳқону катта ёшдаги ёрдамчи — жами 41 минг 640 нафар. Ҳар бирига 0,25 гектардан ер тўғри келади. Ҳар бирига шунчадан ер беришга қўйишни назарда тутяпмиз. Биркитиб қўйсак, шугина ердаги ишни эплатолмайдими?

Бу ҳисоб-китобдан ҳамма ҳайратга тушибди. «Наҳотки, — дейишибди, — ахир, 0,25 гектар майдондаги иш бир киши учун ҳатто айтишга ҳам арзимайдиган иш-ку?»

Қарангки, районда пахта тайёрлаш режасининг бажарилиши учун катта ёшдаги ҳар бир киши бутун мавсум бўйи бор-йўғи 850 килограммдан пахта териши керак бўларкан, холос. Машинанинг ёрдами ҳисобга олинмаганда шунча. Ҳисобга олинса-чи? Унда қўлда теришга қанча пахта қолади? Киши бошига 400 килограмм, 500 килограмм... Агар ҳосилнинг 75 фоизи машиналарда териб олингудек бўлса, қўлда териш учун киши бошига 212 килограммдан пахта қолар экан. Бунча пахтани киши эрмакка териб қўяди-ку! Шунчалик бўлса, болаларни дарсдан бир соат ҳам қолдирмаганимиз бўлсин-а!

Йиғилишнинг қарори шундай бўлибди. Бундай йиғилиш барча қишлоқ, маҳалла, бригада, идора, ташкилотда бўлиб ўтибди. Таклиф ҳамма жойда бир овоздан маъқулланибди. Ер биркитиш бошланибди. Ҳеч ким 0,25 гектардан олишни истамабди. «Берсангиз кўпроқ беринг», дейишибди. 1—2 гектардан олишибди. Кўпларга ер етмай ҳам қолибди. Ҳар ким ўзига қарашли ердаги ғўзани парваришлабди. Ҳосилини териб топширишибди. Мактабларни вақтинча беркитиб, ўқувчиларни дала ишига жалб этишга зарурат туғилмабди. Шундоқ ҳам план ҳар қачонгидан барқат — 25 октябрь кунини ортиғи билан бажарилибди. Умуман олганда, бор гап шу.

Ана энди журналхонлардан баъзи бирлари бизга таъна қилиши мумкин: агар шундай бўлган бўлса, бу — зўр-ку! Нега энди гўё қониқмагандек: «Хомуш тортиб қолдик», дейсиз? Сизга яна нима керак?

Бизга нима кераклигини айтаемиз, албатта. Аввал бир нарсани ойдинлаштириб олайлик.

## 2

Хўш, бу гаплардан Сиз «Ҳамма ишни катталар қилишипти-ю, кичиклар умуман далага чиқишмабди», — деб ўйлаяпсизми? Дарвоқе, матбуот хабарларининг мана бу ўринларини ўқиган киши шундай хаёлга бориши шубҳасиз «Бу йил ғўзани яғана қилишда мактаб ўқувчиларидан бошқа ҳамма иштирок этди». «Илгари болалар кирган далаларда яғана чала, чопиқ сифатсиз бўларди. Ғўза парваришида катта ёшдагилар иштирок этгани учун бу йил мўл ҳосил етиштирилди». «...Терим агрегатларидан самарали фойдаланилгани туфайли бу йил биринчи маротаба ҳосилни мактаб ўқувчиларининг ёрдамисиз териб олишга эришилди»...

Ҳақиқатан ҳам шундаймикин? Ҳосил ҳақиқатан ҳам ўқувчиларнинг иштирокисиз етиштирилди-ю, уларнинг иштирокисиз йиғиштириб олинди? Йўқ, жуда бунчалик эмас. Ўқувчилар ўтган йилларда қанча ҳажмда иш бажарган бўлсалар, бу йил ҳам қарийб шунча ҳажмда иш бажардилар. Фарқи — бу ишни энди дарс ўрнига, ўқитувчиларнинг бошчилигида эмас, балки дарсдан ташқари пайтда, ота-оналарининг бошчилигида қилдилар. Ер олган қайси катта ёшдаги кишидан сўраманг, масалан, яғанани, чопиқни, ўтоқни бола-чақаси билан бажарганини айтади. Шундай экан, ҳосил ўқувчиларнинг иштирокисиз етиштирилди, йиғиштириб олинди, дейиш мумкинми? Йўқ, албатта. Ўқувчиларни дала ишига жалб этишнинг шакли ўзгарди дейилса, унда бошқа гап. Ушанда бу — тўғри бўлади. Хўш, ана шу ўзгариш Сизни қаноатлантирадими?

Майли, дарров узил-кесил жавоб талаб қилмайлик. Уйлаймизки, ўзингиз ҳам дарров жавоб берақолмайсиз. Аввало гапимизга ишонмайсиз. Шубҳа деган нарса сизда ҳам бор, ахир! Биздан яна у-буни сўраб-уриштирасиз. Масалан, мана бундай дейсиз: «Матбуот хабарларидан англашилишича, колхозда асосан ўқувчиларни дала ишига жалб этмаслик ҳисобига 150 минг сўм тежамга эришилди. Сиз бўлса, ўқувчилар ўтган йилларда қанча ҳажмда иш бажарган бўлсалар, бу йил ҳам қарийб шунча ҳажмда иш бажардилар, деяпсиз. Унда тежам қаердан бўлади? Ўқувчиларга ҳам ҳақ тўланади-ку, ахир? Ишлатишмагандирки, бўлгандир-да?»

Ҳа-я, қаердан пайдо бўлди бу тежам? Мухбир ўртоқларимиз айтишганидек, техника воситаларидан самарали фойдаланилгани учун, десак, бунга фактлар йўл қўймайди. Бу йил ҳосилнинг кўпроқ қисми (кўпроқ деганимиз бор-йўғи 28 фоизи, ўтган йили шунга ҳам етмаган экан) машинада терилгани ҳисобга олинмаса, техникадан фойдаланиш борасида қарийб ўзгариш бўлгани йўқ. Сухбатдошимизнинг фикрича, гўё ўқувчилар ишлатилмагани, аниқроқ айтганда, кичиклар бажариб келган ишни энди катталар бажаришгани учун тежам пайдо бўлгандек. Аммо, ахир, катталар ҳам ишни бекорга бажаришмайди. Бажаришган бўлса, бунинг учун тегишли ҳақларини олишди, бинобарин, бунда тежам юзага келмайди. Бўлмаса бу тежам қаердан юзага келди?

Эҳтимол, сухбатдошимиз «катталарнинг иши сифатли бўлади, шу туфайли «қайта ягана», «қайта чопиқ» сингари ишлар қисқаради», деган мулоҳазага асосланаётгандир? Иш ҳақиқатдан ҳам сифатли бўлди. Лекин ишни нуқул катталар бажаришгани учун эмас, балки кичиклар энди катталардек ишлашгани учун унга эришилди. Нега улар бу йил бундай ишлашди? Сабаби — аввал сифатсиз ишлашгани учун ёки умуман болалик қилишгани учун ота-оналари эмас, ўқитувчилари жавоб беришарди. Ўқитувчи юзлаб болалар ичида ким сифатсиз ишлаётганини аниқлаши қийин бўлар, аниқлар тақдирда ҳам сифатсиз ишлаган ўқувчига танбеҳ беришдан нарига ўтмас, ўтолмас эди. Энди эса вазият ўзгарди. Ота-она қайси ўғли ёки қизи сифатсиз ишлаётганини аниқлаши осон.

Гапни бошладикми, энди охирига етказиб қўяйлик. Сиз айтган тежам фақат иш сифатли бўлгани учун пайдо бўлгани йўқ, чамаси. Худди ўша колхоз раҳбарларидан бири тақдим этган мана бу справкага эътибор беринг: «Яганалашга, чопиққа, ўтоққа ва теримга жами 116 минг 450 сўм сарфланди. Агар шу ишлар ўқувчилар ҳисобига бажарилганида 20 фоиз, яъни 23 минг 290 сўм ортиқ сарфланар эди. Ҳақиқатда шу сумма иқтисод қилиб қолинди».

Гап нимада эканини тушунгандирсиз?.. Амалдаги тартибга кўра, болалар учун камайтирилган иш нормаси белгиланади. Бошқача айтганда, бир миқдор ишни бажарганлик учун катталарга 100 сўм тўланадиган бўлса, болаларга 20 фоиз ортиқ — 120 сўм тўланиши керак. Демак, авваллари хўжалик (агар ҳақиқатан ҳам қондага риоя қилган бўлса, биз кўп жойда риоя қилинганини кўрмаганмиз) ўқувчилар ёрдамидан фойдалангани учун ҳар бир норма иш ҳисобига 20 фоиз ортиқ иш ҳақи сарф қиларди. Ишни ёрдамчисиз бажаришни таъминлай олмагани — маҳсулот таннархини қимматлаштириб юборгани учун танбеҳ эшитарди. Янги усулда танбеҳ эшитмайди. Чунки 20 фоиз ортиқ иш ҳақи сарфланмайди.

— Хўжалиқда нима айб? — дейишингиз мумкин. — Ота-оналар болаларни дала ишига жалб этмасликка, ҳамма ишни ўз кучлари билан бажаришга ваъда беришган эди. Амалда эса жалб этишибди. Ваъдаларининг уддасидан чиқишмабди. Уддасидан чиқишнинг иложи бўлганида чиқишарди. Афсуски, иложи йўқ. Ўзингиздан қиёс қилинг. Айттайлик, район марказидаги идоралардан бирида бухгалтер бўлиб ишлайсиз. 1 гектар эмас, яна, бор-йўғи 0,25 гектар ер олгансиз. Ягана қилишингиз керак. Ўзи арзимас иш. Лекин қачон қиласиз? Дам олиш куни қилишингиз мумкин. Аммо бунинг учун яқшанбани кутиш керак. Бригадир хафа бўлади. Ишдан ташқари пайтда — эрталаб, кечқурун қилишингиз мумкин. Бироқ 0,25 гектар ягана — тахминан бир норма иш. Саккиз соатга мўлжалланган. Сиз эса асосий ишингиздан ташқари бир кунда 8 соат вақт ажратолмайсиз. Ишни кунда кунда бажарасиз. Яши деганда, 2—3 кунда тугаллайсиз. Бу бригадирни қаноатлантирармикин? Қаноатлантирмасачи? Мана бундай деса-чи? «Қўшниларингиз қилиб бўлишди. Фақат сизга қараб қолдик. Шу бугун ўғит солмоқчимиз. Илтимос, тезлатсангиз». Нима қиласиз? Бола-чақангизни олиб чиқасиз. Тезлатасиз. Ер олган кишиларнинг фурсати, имконияти ҳар хиллиги, бир-бирига мос эмаслиги доимо шундай иш тутишни тақозо этади. Акс ҳолда агротехникага путур етади.

Энди айтинг-чи, ота-оналарни ваъдага вафо қилмаганликда, эл-юрт ишига шахсан жон куйдирмаганликда айблаш мумкинми? Бизнингча, мумкин эмас. Улар фарзандларини далага ваъдаларини унутиб қўйишгани учун эмас, аксинча, заруратни тўғри тушунишгани, давлатга пахта етказиб беришдан иборат асосий ваъдаларини унутишмагани, эл-юрт ишига чинакам жонкуяр бўлишгани учун олиб чиқишди. Бошқача айтганда, катталарни дала ишига жалб этишнинг ташкилий жиҳати уларнинг шахсан намуна кўрсатишларига имкон бермади. 1—2 гектардан

ер ажратиб олиш, ана шу ерларда шахсан намуна кўрсатиш агротехника талабларини қаноатлантирмаслиги маълум бўлиб қолди.

Хўш, болалар жалб этилганидан кейин қаноатлантирдими? Йўқ, ўшанда ҳам тўла-тўқис эмас. Фараз қилинг, 5 гектарлик ер. Беш киши. Ҳар бири бир гектардан ер ажратиб олди. Ёзани ўташга киришди. Бола-чақаларни жалб этишганда ҳам бари бир улاردagi фурсат-имконият ҳар хиллиги у ёки бу даражада сақланиб қолаверади. Ишни бири олдинроқ, иккинчиси кейинроқ, учинчиси кечроқ ва ҳоказо тугаллайди. Унгача ёзани ўғитлашни тўхтатиб туришга тўғри келади. Қўшни пайкалда ҳам шундай. Наригисида ҳам шундай. Район буйича шундай. Одатдаги усулда қандай эди? Бригадининг ҳамма аъзоси битта пайкалда ишларди. Бир ёки икки кунда бу пайкални ўғитлашга тайёрлаб бериб, нариги пайкалга ўтарди. Парвариш кетма-кет эди. Янги усулда ана шу кетма-кетлик бузилди. Бундай бузилиш ишни ташкил этишда ҳазилакам ташвиш туғдиргани йўқ.

Аммо ташвишнинг асосийси ҳақида энди сўзлаймиз. Пахта етиштириш ва йиғиштириб олиш аввал қандай иш эди? Сиз учун қўшимча иш, иқтисод тили билан айтганда, қўшимча даромад манбаи, пахтакор учун эса асосий иш, асосий даромад манбаи эди. Энди бу иш пахтакор учун ҳам асосий иш, асосий даромад манбаи бўлмай қолди. «Қўшимча»га айланди. Шундай экан, деҳқон нима қилади? Табиийки, рўзгорни тебратиш учун бошқа чора-тадбир кўришга мажбур бўлади. Қўради ҳам. Қарабсизки, пахтачилик, ҳарбий тил билан айтганда, мунтазам кўшиндан маҳрум бўлган тармоққа айланади. Пахта етиштириш, йиғиштириб олиш, кўплашиб бажариладиган иш, ўшанда ҳам моддий манфаатдорлик нуқтаи назаридан эмас, балки кўпроқ эл-юрт ишига жонкуярлик нуқтаи назаридангина бажариладиган иш бўлиб қолади. Республикамиз иқтисодининг асосини ташкил этадиган тармоқни шундай ҳолга солиб қўйиш мумкинми? Бундай «ташаббус»ни бошқаларга ибрат қилиб кўрсатиш мумкинми?

Иқтисодни, хўжалик ишини нуқул одамларнинг жонкуярлигига, хизмат кўрсатишларига асосланиб юритиб бўлмаслиги ҳақида доҳиймиз Ленин 1920 йилдаёқ огоҳлантирган эди: «... Фақат ғайрат, руҳланиш ва қаҳрамонлик билан революция ишини охиригача олиб бориш мумкин эмас, уни тўла ғалабага етказиш мумкин эмас. Душман бизга ҳужум қилиб бўға бошлаган вақтда ғайрат, руҳланиш ва қаҳрамонлик билан душманни даф қилиш мумкин бўлди, бу билан қонли курашда ғалаба қозониш мумкин бўлди, лекин ишни охиригача етказиш учун булар камлик қилади... Вазифанинг бу иккинчи ярмида ишчи ва деҳқонларнинг ғайрат кўрсатишлари ва жонларини фидо қилишга тайёр туришларигина кифоя қилмайди, чунки бу иккинчи вазифа — жуда қийин, ижодий вазифадир, бунёдкорлик вазифасидир»... «Халқ хўжалигининг ҳар қандай йирик соҳасини шахсий манфаатдорлик асосида қурмоқ керак».

Н. райони ташаббуси, усулининг пировард натижаси, у нақадар яхши ният билан қилинган бўлса-да, ана шундай ўзгариш ва яқунлардан иборат бўлди. Ана шундай ўзгариш ва яқунлар Сизни қаноатлантирадими? Аслида бу сизу бизни ҳатто ташвишга солиб қўймайдими?

Бизга нима кераклиги ҳақида энди сўз юритсак бўлади. Бизнингча, ҳозир шior: «Катталар кўпроқ ишласин, кичиклар ўқисин!» тарзида эмас, балки «Ҳар ким ўз ишини қилсин!» тарзида қўйилмоғи лозим. Ҳар ким ўз ишини қилсин. Шу жумладан деҳқон ҳам. Техника кўпроқ ишласин. Пахтакор унга суяниб, ўқувчиларнинг, бошқа касбдаги кишиларнинг ёрдамисиз ҳам ҳосилини етиштириб, йиғиб-териб оладиган бўлсин! Емонми шундай бўлса? Уйлаймизки, буни ҳеч ким ёмон демайди. «Ундай бўлса-ку, қани энди...» дейишига ишончимиз комил. Фақат ўртага шундай шior қўйиш, уни бажариш учун ҳозир шарт-шароит этилганми-йўқми, бажаришни талаб қилиш мумкинми-мумкин эмасми — ана шу масалада иккиланади, холос. Биз эса иккиланмаймиз. «Н. райони сингари хўжаликларда шарт-шароит этилган, бажаришни талаб қилиш мумкин, ҳатто зарур!» — деб ҳисоблаймиз. Бироқ шундай деб ҳисоблашнинг ўзи билан иш битмайди, албатта. Буни асослаш керак. Асослашга ҳаракат қиламиз.

### 3

Ҳозир пахтачилик моддий жиҳатдан қизиқтирувчи тармоқ бўлиши учун ҳар бир пахтакор ишчига 2,5—3 гектар ер тўғри келиши лозим. Шунда унинг ўртача ойлик иш ҳақи 100—120 сўмни (фондда қўшимча 25 фоиз ҳақ тўлашни ҳам назарда тутилишини ҳисобга олсангиз, 125—150 сўмни) ташкил этади. Ишчи то ҳосилни етиштириб, йиғиштириб, давлат билан яқуний ҳисоб-китоб қилгунича, рўзгорини тебратиб тура олади. Умумдаромади эса қанча, ҳосил етиштиришга боғлиқ бўлади. Чамадагидан қанча кўп ва сифатли ҳосил етиштирса, умумдаромади ҳам шунча ортаверади. Аъзоларининг умумдаромади ойига 250—300 сўмданга тўғри келаётган бригадалар ҳам оз эмас. Энди ўша районга келсак, бу ерда ҳар бир



деҳқон ҳисобига бор-йўғи 1,9 гектардан ер тегади. Бошқача айтганда, ишчи кучи кўп. Киши бошига 2,5 гектардан ер тўғри келиши керак, деб ҳисобланса, 1086 нафар ортиқ: 4164 киши ўрнига 5250 киши ишляпти. 4164 ишчига мўлжалланган иш, ҳақ 5250 кишини қаноатлантирадими? Қаноатлантирмайди. Рағбатлантирмайди ҳам. Кишилар ўзларини пахтачиликдан четга тортишаётгани, тақдирларини томорқалари ва халқ ҳўжалигининг бошқа тармоқлари билан боғлашаётганини, пахта ишини эса ўртада, эл-юрт ишига жонкуяр бўлганликлари туфайлидан бажаришаётганин шундан. Ишчи кучи аслида кўп экани ҳолда амалда етишмаётгани, тармоққа қўшимча куч жалб этишга тўғри келаётгани ҳам шундан.

Кўриб турибсизки, деҳқоннинг моддий манфаатлари тармоққа қўшимча ишчи кучи жалб этишни эмас, балки, аксинча, мавжуд кучларнинг ҳам бир қисмини бу ердан олишни, қолган қисмига эса ҳосилни ўз кучи билан етиштириши ва йиғиштириб олиши учун шарт-шароит яратиб беришни тақозо этмоқда. Пахтачилик ривожининг ҳозирги босқичида 1 ишчи 2,5—3 гектар майдонда чама талаб қилган даражада ҳосил етиштириш ва йиғиштириб олиш имкониятига эгами? Гап аслида ана шу масала устида: биз, «пахтакор бундай имкониятга эга», деб ҳисобляпмиз. Ҳозир пахтачиликда техника, кимё ёрдам бермайдиган иш қолгани йўқ. Фақат ҳали лозим даражада такомиллаштира билмаганимиз, боз устига, фойдаланишни ҳали лозим даражада ўзлаштириб олмаганимиз орқасида техника, кимё ишни тўла эмас, қисман бажаряпти. Шу даражада «қисман»ки, 2,5—3 гектар ерда ундан қоладиган ишни 1 киши бемалол бажариб улгуриши мумкин, деяпмиз.

Шу райондаги ҳўжаликлардан бирининг бригада бошлиғи билан гаплашдик. Бригада 50 кишидан ташкил топган. 113 гектар пахта майдони, яна 10 гектардан ортиқ маккажўхори зори, қизилчазори бор. Хуллас, киши бошига 2,5 гектардан ер тўғри келади. Изоҳ бериб қўяйлик: экин майдони колхоз марказидан анча узоқда. Шунинг учун районда бошланган ташаббус бу бригадага дахл қилмади. Узоқдан ким ер оларди, дейсиз. Олмади. Бригада буни сўрамади ҳам. Ҳар йили ўзи қилиб келган ишни қилаверди. Туксизлантирилган чигит олиб келди. Шопириб, саралади. «Румин» сеялкасида 90×10 схемасида битта-битталаб экди. (Бу усулда Тошкентда чиқарилаётган сеялкада ҳам экса бўлаверарди. Бироқ маккажўхори, қизилча ҳам экадиган бўлишгани, «Румин» сеялкаси бу ишларга ҳам ярайвериши туфайли бригада шу сеялкани олиб келган эди). Шундай қилиб, ғўзани яганалашга ҳожат қолмади. Кўздан кечириб чиқиш керак бўлди, холос. Вақтдан, кучдан ютилгани учун бегона ўт авж олиб кетишига йўл қўйилмади. Чопиқ, ўтоқ маромида бораверди. Чеканкалаш ҳам машинада ўтказилди. Фақат машина пичоғидан яшириниб қолган шохларни чилпиб ташлаш қўлда бажарилди, холос. Давлатга 399 тонна ўрнига 460 тонна пахта топширилди. Шундан 67 фоизи машиналар билан териб олинди. Қарабсизки, ўқувчиларнинггина эмас, катталарнинг ҳам ёрдами керак бўлмади. Идорада ҳужжатлар билан танишишдан ташқари, бориб пайкалларнинг ҳолатини — ғўзанинг жойлашишини, бўйини, терим машиналарининг ишини ҳам кўрдик. Техникадан бизга сўзлаб беришган даражада фойдаланилганига ишонч туғилмади. Шундан кейин бизда йилни ёрдамчисиз яқунлашганига шубҳа туғилмади. Чунки техникадан бу даражада фойдаланмай туриб ҳам ишни ёрдамчисиз уддалаётганларни кўрганмиз.

#### 4

Бир кашфиётни дунёнинг икки чеккасида яшовчи, бир-бирини мутлақо танимайдиган, билмайдиган икки олим қарийб бир пайтда қилганига мисол тарихда кўп. Бошқа ҳўжаликдаги бригадада ҳам худди шундай иш қилинди. Иккала бригадир бир-бирини танимайди, билмайди, аммо бир хил йўл туттишди. Бу йўлни осонликча топшигани йўқ.

Маълумки, кашфиёт дабудурустан олимнинг калласига келиб қолгани учун туғилмайди. Аввал ана шу кашфиётни қилиш зарурати туғилади, уни қилиш имконияти юзага келгани учун ҳам туғилади. Бригадирларимиз шуурида ҳам кашфиёт зарурати туғилди. Яъни қишлоқ ҳўжалиғи, хусусан, пахтачилик ривожланиб, шундай босқичга келиб етдики, энди гектар бошига аввалдагидек 15—20 центнер эмас, балки 30—35 центнер ҳосил ундириш талаб қилинмоқда. Яна бунча ҳосилни нуқул маблағ сарфини кўпайтириш ҳисобига эмас, балки боридан самарали фойдаланиш ҳисобига етиштириш талаб қилинмоқда. Бундай шароитда бир-иккита одамнинг хатоси, масъулиятсизлиғи, ўқувсизлиғи кўпчиликнинг орасида билинмай кетавермайди. Билинади. Киши шошқалоқлик қилиб бир чопиқда 100 туп кўчатни нобуд қилса, уч чопиқда 300 туп йўқотади. Агар бригадада шошқалоқдан бешта бўлса борми?.. Амалда шундай бўлади: шошқалоқ шошгани, ғўзани нобуд қилгани учун... бошқалардан кўра кўпроқ манфаат кўради: Аввало, нормани кўпроқ бажаради, кўпроқ ҳақ олади. Кўпроқ ҳақ олишга ўтдимиз, демак, йил охирида мукофотга ҳам кўпроқ ҳиссадор бўлади. Чунки мукофот деҳқон ва

ишчига йил давомида олган ҳақиқа қараб тақсимланади-да. Кишининг ўзида инсоф бўлмаса қийин. Бригадир қайси бир чопиқчининг тепасида турсин. Бошқа иши йўқми унинг. Бундай шароитда, чилги чилгини кўриб чумак уради, деганларидек, шошқалоқ кўпайиб кетмайдими?

Шу орада «Оилавий пудрат» деган гап чиқиб қолди. Биз айтаётган район ташаббуси аслида ана шу усулни бутун район бўйича, аҳолининг аксар қисмини жалб қилган ҳолда жорий этишдан иборат бўлди. Буниси биров бизбопга ўхшайди, деб ўйлашди улар. Ҳар кимнинг кучи, хоҳишига қараб ер тақсимлаб берасан. Ҳар ким ўз ерида ишлайди. Фойдаси ҳам ўзига, зиёни ҳам. Ким зиён кўрай дейди, астойдил ишлайди-да. Мабодо ишламаган тақдирда ҳам, ери тайин, одами тайин, назорат қилиш осон. Бироқ, юқорида айтганимиз — икки бригадир кўпни кўрган, ишига пишиқ кишилар эмасми, бу усулнинг баъзи камчиликлари борлигини, энг асосий камчилиги — куч сочилиб кетиши, парваришнинг кетма-кетлиги бузилишини дарҳол сезишди. «Йўқ, — дейишди. — Бошқачароқ қилиш керак. Майли, ер олсин. Лекин ерни битта картадан эмас, ҳамма картадан олсин. Бугун ҳаммаси келиб, шийпоннинг орқасидаги ерни қўлдан чиқариб берсин, эртага каналнинг ёқасидаги ерни, ундан кейин наригисини... шундай қилиб иш шу тартибда бораверсин. Унда бошқа гап!»

Бригадирлар худди шундай қарорга келишди. Бунда ким қандай ишлаётгани ойнадагидек кўриниб туради. Киши сифатли ишлашга мажбур. Ҳам ўзи манфаатдор. Айтайлик, биринчи ўтоқни сифатли қилган бўлса, иккинчи ўтоқда жони қийналмайди. Бир кунлик ишни ярим кунда бажариб, дамини ҳам олади, пулини ҳам олади. Тарбияляпти бу усул».

Ҳа, ҳосилни ёрдамчисиз етиштириш, йиғиштириб олиш учун техникадан самарали фойдаланиш билан бирга ана шундай ташкилий-тарбиявий ишларни ҳам амалга ошириш керак. Ҳатто шундай қилинган тақдирда ҳам бари бир ишни ёрдамчисиз уддалаб бўлмайди, деб ўйлайсизми? Энди нима деб ўйласангиз ихтиёр сизда. Лекин шунга айтиб қўйишимиз керакки, биз ўзимиз суҳбатлашган хўжалик раҳбарларининг кўпчилигидан «уддаласа бўлади», деган жавоб эшитганмиз.

Бу гапдан кейин мана бундай савол беришингиз аниқ:

— Уддаласа бўлади дейишдими? Шундай дейишган бўлса, нега унга амал қилишмайди? Еки улар бу сирдан беҳабар эканларми? Бирга яшаб, ишлаб туриб-а?

Бир пайтлар «қозиқ усули» деган бир усул чиққан, иш бермаслиги маълум бўлиб, унутилиб кетган эди. Ҳозир «оила пудрати» деган ном яна тирилди. Унинг ўзига хос хусусияти, кўриб ўтдикки, ер (карта) ажратиб олиш ёки агар карта катта бўлса, қозиқлаб тегиш ажратиб олишдан иборатдир. Биз айтган усулнинг ўзига хос хусусияти эса тегиш барча картадан олинишидир. Бригададаги ҳар бир ишчининг ҳар бир картада ўз чеки бор. Шунинг учун бу усулни «қозиқ усули» ёки «оила пудрати»дан фарқлаш учун чек усули деб атаймиз.

Узаро суҳбатларимиздан маълум бўлдикки, хўжалик раҳбарлари чек усулининг қаерда қўлланаётганидан хабардорлар. Лекин уни бутун хўжалик бўйича жорий этишмайди. Уларнинг қўлини бир нарса боғлаб турибди.

Кўриб ўтдикки, бу усул киши бошига 2,5—3 гектардан ер тўғри келгандагина иш беради. Агар шундай қиламан дейишса, масалан мақола бошида айтилган районда 1086 нафар кишини пахтачиликдан бошқа тармоққа ўтказишлари керак. Бошқа тармоқнинг ўзи борми? Бор: чорвачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик, чорва учун озуқа етиштириш, чорва учун озуқа тайёрлаш, маиший хизмат ва ҳоказо. Хуллас, бор. Лекин бунча ишчи кучини сиғдиrolмайди. Кўп деганда 100 тасини сиғдирар, 200 тасини сиғдирар. Қолгани нима иш қилади? Нима билан тирикчилик қилади? Қолаверса, пенсионерлар-чи? Уларга ҳам ахир қўшимча даромад керак. Далага фақат «ёрдам» деб чиқишаётгани йўқ. Бир томони «ҳарна, бир камимизга ярайди», деб ҳам чиқишяпти. Болалар-чи? «Байрам пулини ўзи ишлаб топса ҳам рўзғорга ёрдам-да». Бунинг тарбиявий аҳамияти ҳам бор. Юрадим бекор. Ҳамма бебошлик бекорчиликдан чиқади...

Раҳбарларнинг қўлини боғлаб турган нарса ана шу. Нима қилиш керак?

Нима қилиш кераклиги ҳақида ўйлашган, албатта. Ўйлай-ўйлай қўйидагича қарорга келишган: қишлоқларда завод-фабрикаларнинг филиалларини кўпайтириш керак!

— Колхозимизга филиал қуриш зарурлиги ҳақида депутатга наказ берганмиз. Лекин ҳали филиалдан дарак йўқ, — дейди хўжаликлардан бирининг партком секретари.

Ҳа, ҳали филиалдан дарак йўқ, демак, чек усулини жорий этишнинг ҳам ҳали иложи йўқ. Ҳақиқатан ҳам шундаймикин? Муаммони ҳал этишнинг йўли фақат қишлоқларга филиал қуришдан иборатми? Аввало, филиал қуришни кўпайтириш умумдавлат, умумжамиyat нуқтаи назаридан. қараганда мақсадга мувофиқ

бўлармикин? Филиал қуришни кўпайтириш — маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, демакдир. Ҳозир жамятга, айтилик, пойабзал ишлаб чиқаришни кўпайтириш керакми ёки уни сифатлироқ ишлаб чиқариш керакми? Ишончимиз комилки, бу саволларга жавоб мана бундай бўлади:

— Э... пойабзал шундоқ ҳам ўзи магазинларда, омборларда қалшиб ётибди.

Сон кетидан қувавериш бас энди. Сифатни ҳам ўйлаш керак.

Хўш, сифатга қандай эришиш мумкин? Энг замонавий техника, энг илғор технологияни қўллаш тўғрисида. Филиалда қўллаб бўлармикин? Йўқ. Филиал қанча кўпайган сари, шунча майдалашиб, замонавий техника ва илғор технологиягина эмас, уни ҳатто оддий эҳтиёт қисм билан таъминлаш ҳам шунчалик қийинлашиб бораверади. Коммунистик партиямизнинг XXVII анжумани завод-фабрика қуришни кўпайтиришдан кўра, борларини реконструкция қилишга эътиборни кўпроқ қаратгани ҳам шундан.

Бу билан нима демоқчимиз? Демоқчимизки, фақат филиал қурилишини кутиб ўтирмаслик керак. Муаммони ҳал қилишнинг бошқа йўллари ҳам бор. Биз «бор» деганда баҳсдошларимизнинг қўлларига тайёр дастуриламал тутқазиб қўйишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўймаймиз, албатта. Фақат, ўйласа, илғор топилади, деган фикрга асосланамиз. Уйлаётган, излаётган ва... топаётган хўжалик раҳбарларининг тажрибасига таяниб, баъзи таклифларимизни баён қиламиз, холос.

**БИРИНЧИДАН...** Айтиб қўйишимиз керак бўлган нарсани шуки, «ишчи кучи ортиқ» деяётган ўртоқларимизнинг хўжаликларидида ишчи кучи фақат пахтачиликда зиёд. Бошқа тармоқларда-чи? Етишмайди. Баъзиларида ҳатто йўқ дейиш мумкин. Масалан, кўп хўжаликларда ток асосан кексаларнинг ёрдамида қирқилади. Узум парваришlash қарийб шундангина иборат. Кейин бу ерга фақат кузда узум узишга кирилади. Узиш ҳам ҳашар йўли билан бўлади. Энди қанча, қандай ҳосил чиқишини изоҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Бундай мисолларни бошқа тармоқлардан ҳам келтириш мумкин. Хуллас, пахтачилик ишчи кучи ортиқчилигидан, бошқа тармоқлар эса ишчи кучи етишмаслигидан жабр кўряпти. Жабр кўраётган — тармоқлармикин? Йўқ, баҳсдошларимизнинг ўзи. Аслида улар ҳам эмас. Уларнинг маоши тайин. Бор-йўғи 1,7 гектарга кўз тикиб ўтирганларга қийин. Ван-техниканинг ёрдами тузук-қуруқ бўлмагач, шугина ерда ҳам қийинчилик билан ҳосил етиштираётганларга қийин.

Кўриб турибсизки, оламшумул нарсани эмас, оддийгина нарсани — ишчи кучларини тармоқлараро тўғри тақсимлашни таклиф этяпмиз, холос. Наҳотки шугина нарсани ҳам ўзлари билишмаса, дейишингиз, ҳайрон бўлишингиз мумкин. На илож, билишмаганидан кейин, билишмайди, деймиз-да. Билишса, қилишмайди-ми, ахир?

Тўғри, билиб туриб қилмайдиганлари ҳам бор. Улар мана бундай дейишади:

— Пахтакор бригадаларга 2,5—3 гектар ер ҳисобидан ишчи биркитсангиз, район бўйича минглаб одам ортиб қолади. Бошқа тармоқлар бунча одамни бари бир сиғдиролмайди. 100 нафарини сиғдирар, 200 нафарини сиғдирар. Қолгани нима иш қилади? Нима билан тирикчилик қилади? Қолаверса, пенсионерлар-чи? Уларга ҳам ахир қўшимча даромад керак.

**ИККИНЧИДАН...** Шахсий томорқа хўжалиги қандай хўжалик эканини биласиз. Бу хўжалик эл-юрт дастурхонини тўкин қилишда катта қўшимча манба экани маълум. Шунингдек, бу хўжаликни юритиш пенсионерлар, уй бекалари ва ўқувчиларнинг кучи, шарт-шароитига жуда мос экани ҳам маълум. Фақат уларга бир оз ёрдам керак. Молни боқишда ем-хашак, томорқани ишлаш, экинларни парварийшлашда техника, ўғит, химикат, маҳсулотни сотгани олиб бориш учун транспорт ва ҳоказолар даркор. Бундай ёрдамни колхоз-совхозлар аввал ҳиммат юзасидан берарди. Чунки ёрдам бергани учун бир тийинлик ҳам манфаат кўрмасди. Зеро, томорқа хўжалиги ўзича иш тутадиган хўжалик эди. Эндичи? Энди гап бу хўжаликни жамоат хўжалигининг ёрдамчисига, аниқроқ айтганда, унинг тармоқларидан бирига айлантириш устида кетяпти. Бунинг учун моддий-ташкилий шарт-шароит яратилган. Шунингдек, совхозларга, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига қатъий ихтиёрий асосда чорва ва паррандаларни парвариш қилиш ҳамда харид этиш тўғрисида аҳоли билан шартнома тузишга рухсат берилган. Шартнома асосида харид қилинган маҳсулот, айна пайтда, бу хўжаликларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш давлат плани бажарилишига қўшиладиган миқдор ва сифат кўрсаткичлари қўшимча ҳақ тўланадиган ҳиссадир.

Шартнома тузишдан ким қандай манфаат кўради?

Украина ССРнинг Ивано-Франковск области партия комитетининг биринчи секретари И. Скиба бундай дейди:

«Авваллари хонадонлар колхозларга жуда оз миқдорда маҳсулот топширишарди. Шунинг учун бу маҳсулотни қабул қилишга сарфланган ҳаражатларнинг рентабеллиги ҳақида сўз юритиш ҳам қийин эди. Ҳозир эса фақат

йилнинг биринчи чорагининг ўзида давлат ресурслари хонадонлардан қабул қилинган сут ҳисобига 5 минг тоннадан ортиқроққа кўпайди. Маҳсулот биринчи сортга топширилди. Энди фойдани ҳисоб-китоб қилинг! Биринчидан, колхоз-совхозлар сифатли маҳсулот топширганликлари учун кўшимча даромад оладилар. Иккинчидан, амортизацияга ҳеч қандай чиқим қилмайдилар. Ахир, колхоз-совхоз кўшимча сут олиш учун янги фермалар қурганлари, уларни механизмлар билан жиҳозлаганлари, сув, электр қуввати сарфлаганлари йўқ-да».

«Хўш, бундай кооперациянинг аҳолига фойдаси қандай? — давом этади секретарь. — Авваллари кўплари бозорга сут сотгани борарди. Сут, маълумки, бозорда қиммат туради. Аммо транспортга, четдан ем сотиб олишга кетган харажатларни ҳисоб-китоб қилсангиз, яна: шаҳарга бориш ва ем излашга сарфланган вақтни назарда тутсангиз, ортиқча маҳсулотни қишлоқнинг ўзида сотиш ўнғайроқ. Бизда ҳозир колхоз-совхоз билан кооперацияга киришмаган хонадон йўқ».

Шундай қилиб, Иваново-Франковск областида, «КПСС XXVI съезди» колхозининг раиси Н. Степанова айтганидек, чорвани жамоат чорваси, аҳолининг чорваси, деб ажратиш барҳам топди. Ҳар иккала чорва кўшилиб, умумий бўлиб кетди. Биз баҳсдошларимизни ҳам шундай тутишга чақирамиз. Чақирамиз-у, лекин дарров рози бўлиб қўя қолмасликларини ҳам биламиз!

— У-ў-ў, — дейишади. — Ўзи фермадаги моллари боқишга зўрға ем топялмизу хонадонларга қандай тарқатамиз?

Аҳоли билан хўжалик ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш тўғрисида гап борганда, Волинск областининг Луцк районидаги хўжалик раҳбарлари ҳам шундай дейишган. Район партия комитети ҳам худди биз сингари уларнинг ўртасида тушунтириш олиб боришга тўғри келган эди.

— Ахир, энди фарқи йўқ-ку. Новвос фермада боқияпти нимаю хонадонда боқияпти нима. Аксинча, ишга бундай ёндашилса, айтايлик, бир килограмм комбикорма уйдаги озиқ-овқат қолдиқлари билан кўшилиб, қайтага кўпроқ самара беради. Қолаверса, хўжалик кўшимча молхона, емхона қуриб ўтирмайди...

Луцкликлар тушунишган эди, бизнинг баҳсдошларимиз ҳам тушунишар деб умид қиламиз.

Тушунишар-у, лекин, барибир, бу таклиф-тадбирнинг ўзи меҳнат ресурсларини ишга тўла жалб этишга камлик қилиши мумкин. Бунинг учун эса...

**УЧИНЧИДАН...** Ёдингиздами, авваллари колхоз-совхозлар етиштирган маҳсулотларини фақат тайёрлов идораларига топширишлари керак эди. Тайёрлов идораларининг омборхоналари эса уларнинг ҳамма маҳсулотини сифдирилмас, оқибатда қанчадан-қанча сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева-чева пайкалнинг ўзида, йўлда, тайёрлов идораси дарвозаларининг олдида нест-нобуд бўлиб кетарди. Энди-чи? Энди ҳар қалай бунинг олдини олиш мумкин бўлиб қолди. Янги тартибга кўра, биринчидан, давлатга сотилиши керак бўлган маҳсулотнинг (ширालи узум, пиёз ва саримсоқ пиёздан ташқари) ўндан бир қисмини ва чамадаги ортиқча маҳсулотни кооперация ташкилотларига ва колхоз бозорларида келишилган нархларда сотишга ижозат берилди, иккинчидан, бу маҳсулот давлат харид плани бажарилишида ҳисобга олинадиган бўлди, учинчидан, маҳсулотни бундай усулда сотишни давлатга маҳсулот топшириш билан бир пайтда амалга ошираверишга йўл қўйилди. Тадбиркор хўжалик раҳбарлари аллақачон бозорларда, район ва шаҳарларнинг гавжум жойларида дўконлар қуриб олдилар. Пензионерлар маҳсулот сотишда колхоз-совхозларга катта ёрдам беришяпти. Шартнома асосида хонадонлардан қабул қилинган маҳсулот эса бу дўконларнинг ассортиментини бойитишга катта ҳисса бўлиб қўшиляпти. Ана шундай хўжалик раҳбарларидан ибрат олмоқ керак.

**ТҮРТИНЧИДАН...** Дарвоқе, бу таклиф ҳам аллақачон расмий ҳужжатда баён этиб қўйилган. Биламиз, бу ҳужжат «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари» деб аталади. Унда шундай сатрларни ўқиймиз:

«Колхоз ва совхозларда қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлаш бўйича ёрдамчи саноат ишлаб чиқариши ва устахоналари, шунингдек, асосан маҳаллий хом ашёдан ҳамда саноат чиқиндиларидан қурилиш материаллари тайёрлаш ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш таъминлансин».

Шундай мазмундаги кўрсатма партияimizin XXVII съездида ҳам берилди. Қўряписми, ишлаб чиқаришни завод-фабрикаларнинг хом ашё фонди ҳисобидан эмас, балки «асосан маҳаллий хом ашё ҳамда саноат чиқиндилари» ҳисобидан кенгайтириш кўзда тутиляпти. Баҳсдошларимиз эҳтимол саноат чиқиндисида камбағалроқдирлар. Лекин маҳаллий хом ашёга-чи? Масалан, ғўзапоя ҳам маҳаллий хом ашё. Майдалаб, тойлаб, ундан ажойиб тахта-фанер тайёрлаш мумкин. Ҳозир эса, кўп хўжаликларда ғўзапоянинг ақсарий қисми шудгор тагида қолдириб юбориляпти. Ваҳоланки, бундан қурилиш ускунаси

сифатида фойдаланилса, зиён қилмас эди. Бинобарин, депутатдан завод-фабриканинг филиалини эмас, балки, бизнингча, ғузапоядан тахта тайёрлайдиган завод қуриш илтимос қилинса, мақсадга мувофиқроқ бўларди.

Мана, оддий тупроқни олайлик. У маҳаллий хом ашё эмасми? Хом ашё. Ҳар йили ариқ-зовурларни қозишда қанча тупроқ чиқади? Тўғри, у экин майдонларига ўғит сифатида солинади. Лекин унинг бир қисмидан гувалак тайёрлаш ҳам мумкин. Гувалак ҳам қурилиш материали. Ҳар йили колхозчилар қўлда лой қилиб, гувалак юмалатишга қанча куч, вақт сарфлайдилар. Ваҳоланки, шу ишни колхоз ўз зиммасига олса, лой қилишдек оғир қўл меҳнатини ҳарна меҳанизациялаш мумкин булар, гувалак колхозчиларга ҳарна арзонроқ тушар эди. Аслида ҳозир ҳам бульдозерчи, транспортчи, автоюклагич ҳайдовчилар билан тил бириктириб, лойни тракторда қориш расм бўлган. Шу ишни хўжалик йўли билан ошқора йўлга қўйиш мумкин эмасми?

Асосий йўналишлардан келтирилган кўчирмада маҳаллий хом ашё ҳисобига халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш тўғрисида гап кетади. Хўш, супурги истеъмол моли эмасми? Колхозчилар ҳар йили бозордан қиммат нархда нечта супурги сотиб олишади? Колхознинг ўз эҳтиёжи — идораси, боғчаси, клуби, ҳаммоми ва ҳоказолари учун нечта супурги сотиб олади? Нега ўзи ва аъзолари учун супурги тайёрламайди? Хом ашё йўқми? Бўлмаса, экинг. Пахта майдонларининг чор атрофига бир қатор қилиб экиб, ўзини ва аъзоларини супурги билан бемалол таъминлаётган хўжаликларни биламиз. Сиз ҳам шундай қилинг. Ишчи кучи етарли, ҳатто зиёд-ку!

Дўппи, қийик, тўн, кўрпача, кўрпа ва ҳоказолар халқ истеъмоли моли эмасми? Далада ўтоқ-чолиқ қилаётган қиз-жуваонлар орасида шундайлари ҳам борки, таглик топиб берсангиз, бундай моллар билан бутун колхоз аҳолисини таъминлашади. Таглик — маҳаллий хом ашё йўқми? Бозорни дўппи, қийик билан таъминлаётганлар хом ашёни қаердан топишяпти? Уз районингиз, областингиз матлубот жамиятларига қарашли магазинлардан топишяпти. Ана шу хом ашёни бозорчиларга эмас, колхознинг чеварларига бериш ҳақида матлубот жамияти билан шартнома тузсангиз бўлмайдими? Бўлар? Район, областнинг маҳаллий ҳукуматлари бунга ёрдам беришар, ахир? Ишончимиз комилки, ёрдам беришади. Бошқалар ёрдам беришяпти-ку.

Бироқ... Меҳнат ресурсларини ишга тўла жалб этиш учун бу тадбирлар ҳам камми? Унда эса...



## Тўғри Кўчирилган ҳаётимдан

Гончаров биринчи романини нашр этдиришга жазм қилишдан аввал учта қисса ёзган, аммо кўнгли тўлмаи ўзи уларни «брак»ка чиқарган. Шундан сўнг орадан ўн уч йил ўтгач, 1845 йили «Современник» журналида адибнинг «Замона зайли» романи босилиб чиқди. Бу асар Гончаров номини Россияга танитди. Белинскийдек даҳо мунаққиднинг таҳсинига сазовор бўлди. Гончаров ўша вақтда 35 ёшда эди.

Гёте «Ёш Вертернинг изтироблари» романини ёзганида йигирма уч ёшида эди.

Пушкин «Борис Годунов» тарихий драмасини яратганида йигирма беш ёшда бўлган.

Лермонтов рус реалистик адабиётида психологик йўналишни бошлаб берган «Замонамиз қаҳрамони» асарини нашр этдирганида 26 ёшда эди.

Достоевский «Камбағал кишилар» қиссасини ёзиб, Белинский таҳсинига сазовор бўлганида йигирма беш ёшларда эди.

Лев Толстой илк асари — «Болалик»ни йигирма тўрт ёшида яратган.

Зоя дастлабки китоби — «Нинон эртақлари»ни йигирма тўрт ёшида чоп этдирган.

Жек Лондоннинг биринчи ҳикоялар тўплами — «Бўри фарзанди» босилиб чиққанида у йигирма икки ёшда эди.

Томас Манн 700 бетлик «Будденброклар» романини йигирма олти ёшида ёзган.

Максим Горький йигирма саккиз ёшида икки жилдлик ҳикоялар тўпламининг муаллифи эди.

Александр Фадеевнинг дастлабки машҳур романи «Тор-тор» нашр этилганида у йигирма олти ёшда бўлган.

Леонид Леонов ўттиз уч ёшида «Бўрсиклар», «Ўғри», «Соть», «Скутаревский» романларининг муаллифи сифатида шухрат қозонган эди.

Унинг биринчи китоби — «Майда одамнинг инқирози» босилиб чиққанида йигирма икки ёшда бўлган.

**БЕШИНЧИДАН...** Филиалдан ҳануз дарак йўқ, деб зорланган баҳсдошимизнинг колхози бундан 6—7 йил аввал қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашда ишлатиш учун қарийб 100 минг сўмлик химикат сотиб олиб, ишлатар экан. 1985 йилда эса бор-йўғи 7 минг сўмлик ишлатибди. Бошқача айтганда, ҳосилни биологик усул билан ҳимоя қилиш қарийб ўзлаштириб олинбди. Бу — яхши, албатта. Лекин шунинг ўзи билан иш битармикин? Тадбиркорлар, йўқ, битмайди, бу — чала тадбиркорлик, дейишяпти. Тўла тадбиркорлик қанақа бўларкин? Ишларига разм солсангиз биласиз. Улар биологик усулни ўзлаштиришни асаларичиликни ривожлантириш билан қўшиб олиб боришяпти. Ана бунини чинакам тадбиркорлик деса бўлади. Бу тармоқ қанча ишчи кучини сиғдиради? Дастурхонимизга қанча шифобахш неъмат беради? Колхозга келади деган даромади-чи? Биз аслида ана шундай тадбиркор бўлишни таклиф қилмоқчимиз. Аслида биз юқорида айтган таклифларни шундай тадбиркорлик бўлгандагина амалга ошириш мумкин. Кейин иш ўз-ўзидан юришиб кетаверади. Аввало, бир тармоқда тежалган ишчи кучлари янги тармоқда ишловчиларга, янги маҳсулот яратувчиларга айланишади. Колхоз бойиди, демак, ҳозиргидан кўра кўпроқ ва йирикроқ маданий-маиший бинолар қуради. Ҳозиргидан кўра кўпроқ, сифатлироқ маданий-маиший хизмат турлари барпо этади. Масалан, дала шийпонига ҳозирдагидек битта қоровул эмас, балки данғиллама шийпонга алоҳида хизматчилар — фаррошлар, боғбонлар тайинлайди. Бунинг учун ишчи кучи ҳам, моддий имконияти ҳам етади. Ана унда дала шийпони, муҳбир ўртоқларимиз ёзишаётганидек, колхозчиларнинг чинакам оромгоҳига, иккинчи уйига айланади.


Ҳатто шунда ҳам пахтачиликда тежалган, тежалаётган ишчи кучларини тўла жойлаштиришнинг иложи бўлмайди, дейсизми? Унда-чи...

**ОЛТИНЧИДАН...** Аслида бу таклиф ҳам партия ва ҳукуматимиз томонидан аллақачон ўртага қўйилган. Гап яна филиал ҳақида боради. Бироқ энди завод-фабрикаларнинг филиали ҳақида эмас, балки колхоз ва совхозларнинг, қишлоқ ва маҳаллаларнинг филиали ҳақида. Мирзачўлда районларнинг колхозлари, совхозлари, қишлоқлари, маҳаллалари филиалларини яратдилар. Чўлни ҳам гулистонга айлантдилар, айлантормоқдалар. Фарғонадан, Андижондан, Намангандан минглаб кишилар оилалари билан Сирдарёга, Жиззахга, Қашқадарёга, Ноқоратупроқ зонага йўл олишди. Уларнинг сафи тобора кенгайиши лозим. Мамлакатимизни иқтисодий ва социал ривожлантириш манфаатлари ана шуни тақозо этмоқда. Бу зоналарда бир пахтакор ишчига 7—8, ҳатто ундан ҳам ортиқ гектар ер тўғри келади.

Кўрдингизми, қанча иш қилишимиз керак. Қиламан деган одамга иш яна топилади. Ҳаммасига ишчи кучи зарур. Баҳсдошларимиз эса, ишчи кучини қаерга жойлаштирамиз деб, қишлоққа филиал қуриб берилишини кутиб ўтиришибди... Ҳафа бўлиб кетасан, киши. Уларга қараб, партиямиз XXVII съездида айtilган мана бу сўзларни қайта-қайта такрорлагинг келади:

«... Ўртоқлар, экономиканинг резервлари жуда катта. Уларнинг кўпларидан фойдаланишга биз ҳали чинакамига киришганимиз йўқ... Ҳаёт талабларидан келиб чиқиб, айрим назарий тасаввурлар ва концепцияларга янгича назар ташлаш керак».





Акрам Аминов

## ҲИСОР ЛАВҲАЛАРИ

Ҳисор тоғи этакларида Ҳисор тоғ-арча қўриқхонаси, Китоб геология қўриқхонаси, Яккабоғ, Шаҳрисабз, Китоб, Қамашӣ районлари ўрмончилик хўжаликлари фаолият кўрсатяпти. Буларнинг орасида Ҳисор тоғ-арча қўриқхонаси йирик хўжалик бўлиб, у Ҳисор тизмалари ва ён бағирликларида жойлашган. Хўжалик тасарруфида 88 минг гектар майдон бор. Денгиз сатҳидан 2000 — 4000 метр баландликда барқ уриб яшнаётган зарафшон ва туркистон арчалари 30 минг гектар майдонни эгаллаган. Табиат бағридаги мевали ва мевасиз дарахт ҳамда ўсимликларнинг 620 хили, ёввойи ҳайвон ва паррандаларнинг 150 тури, шифобахш гиёҳ ва ўсимликларнинг юздан ортиғи шу ерда асраб-авайлаб кўпайтирилмоқда.

Ҳисор тоғ-арча қўриқхонаси ва унинг узлуксиз давоми бўлган район ўрмончилик хўжаликлари тасарруфидаги тоғ, қир-адир ва кенгликларда табиатнинг мафтункор манзараларини, турли ажойиботларни кўриш мумкин.

### 1. «Ота иси, она иси»

Боғот ўртасидаги ялангликда тип-тиниқ жилға яйраб оқаяпти. Ҳавода тоғрайхон, оққуврай, анғиз ва бошқа ўсимликлару турфа гулларнинг муаттар ҳиди. Диққатимни жилғадан ўн қадамча нарида бир гилам ўрнида ўсган, қулупнай баргини эслатса-да, аммо япроқлари сийрак ўсимлик тортди. Япроғидан биттасини узиб, ҳидлаб кўрдим. Иси ниҳоятда хушбўй, ҳозиргача мен билган, ҳидлаган ҳеч қайси гул ёки ўсимликнинг исига ўхшамайди.

— Бу ўсимликнинг номини «ота иси, она иси» деб юритишади, — дейди кекса ўрмончи Алиқул бобо. — Ҳиди кишида хуш кайфият уйғотади. Ота-онанинг ҳидидек ягона деб бу номни тоғликлар қўйишган. Яна уни «меҳр гули» ҳам дейишади. Бу ҳақда афсона ҳам бор. Айтишларича, ота-онани унутиб, олисларга бош олиб кетган тошбағир бир йигитга ана шу ўсимликнинг гулини олиб боришибди. Йигит гулни ҳидлаб, дарҳол ота-она ҳузурига равона бўлибди. Гулнинг ҳиди унинг тош бағрини юмшатиб, қалбига ота-она меҳрини солибди. Ана кўрдингизми, «ота иси, она иси» дейилиши бежиз эмас.

— Бежиз эмас, — дейман ўйчан ва ўрмончи бободан орқароқ қолиб мулоҳазага бериламан. Ҳисор тоғларида ўсаётган шифобахш гиёҳ ва ўсимликларни хаёлимда санайман: кийикўт, қоқи, анқара, иприқ, ялпиз, оқ бойчечак, сувмурч,

#### «Қадрли редакция!

Мен табиат муҳофазаси ва экологик муносабатларга доир очерк, мақола ва лавҳалар ўқиб боришни ёқтираман. Бу мавзуга қизиқишимизнинг тўғилиши бежиз эмас, албатта. Биринчидан, биз ўзимиз табиат фарзандимиз, иккинчидан, илмий-техника инкилоби авж олган сайин табиатга яна яқинлашгимиз, уни тагин ҳам қадрлагимиз келади. Шундай экан, севимли журналимиз саҳифаларида табиатнинг сирли ола-

ми билан бизни таништириб борувчи мақолалар ёритилиб турилса, айти муддао бўлур эди. Айниқса ўлкамизнинг тоғ, дарё соҳиллари ва чўлларида ташкил этилган қўриқхона, қатагон ҳамда табиат ёдгорликлари ҳақида билгимиз, юртимиздаги ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини авайлаб асраётган жонкуяр одамлар тўғрисида ўқигимиз келади.

Файрат БЕРДИЕВ,  
Тошкент Политехника институти-  
нинг студенти.

тоғрайхон, момоқаймоқ, сунбул, наъматак, қуврай... Номларини билмаганларим яна ҳам кўп. Қўриқхона тасарруфидаги ерларда юздан ортиқ шифобахш гиёҳ ва ўсимлик ўсади. Айтиш керакки, улар ҳар жойда ҳам унавермайди. Унга ҳам, мабодо, иқлим ва табиий шароит тўғри келмаса, дориворлик хусусиятини йўқотади. Ана шу шифобахш ва камёб гиёҳларни, ўсимлик илдизи, пояси ва меваларини йиғиб олиш ҳамда дори-дармон саноатида фойдаланиш мумкин. Фақат иш режали ташкил этилса бас.

— Бундай тадбирларни оз бўлса-да, амалга оширяпмиз, — дейди Яккабоғ ўрмон хўжалиги бошлиғи Қўқон Бердиев. — Ишни режали ташкил этиш эса келажакнинг иши. Ҳозирча бир неча турдаги доривор гиёҳ ва ўсимликларни етаклаб бериш бўйича керакли ташкилотлар билан шартнома тузганмиз. Шунга кўра, ҳар мавсумда бир неча тоннадан шифобахш гиёҳ териб топширяпмиз. Масалан, ўтган йили салкам 5 тонна наъматак меваси, 4 тоннага яқин зира ва зирк ҳамда бошқа турдаги шифобахш ўсимликлардан етказиб бердик.

Яна бир мулоҳаза. Бугунги кунда қарийб ҳар бир районда ўрмон хўжаликлари фаолият кўрсатяпти. Ҳар бир областда бир қанчадан қўриқхона ва қатағон мавжуд. Аммо доривор гиёҳ ва ўсимликлардан фойдаланишни йўлга қўйишда ҳафсализлик кўзга ташланмоқда.

Қашқадарё область дорихоналари бошқармасининг бошлиғи Камол Холиқов билан суҳбатлашганимизда у мана бундай деди:

— Областда наъматак, маккажўхори попуғи, зубтурум, сув қалампири ва яна бир неча хил шифобахш гиёҳлардан ўн тонна атрофида йиғиб-териб олинмоқда. Бу — кам, албатта. Шифобахш ўсимликларни ўз вақтида йиғиб-териб олиш, қуритиш ва сақлаш ишлари талаб даражасида эмас. Бундай камчиликларга барҳам бериш вақти етди. Зотан, ҳар битта областда шифобахш гиёҳлар етиштириб берувчи хўжалик ташкил этиш лозим. Ана шундай хўжаликка 40 — 60 гектар тоғ ён бағирларидан ер ажратилса, хўжалик ҳисоби бўйича самарали фаолият кўрсатади. Унда юзга яқин шифобахш ўсимлик ўстириш, махсус биноларда узоқ вақтгача сақлаш, лабораторияларда эса дори-дармон тайёрлаш мумкин.

Ҳар бир областда биттадан алоҳида хўжалик! Бу амалга оширилиши лозим бўлган тақдир. Фақат мутасадди ташкилотлар ўзаро бақамти келишиб, бу эзгу ишга дадил киришсалар, айти мурдадо бўлур эди.

## 2. Беназир неъмат

Ҳисор тоғи ён бағирликларини кезсангиз, 300 — 400 йиллик улкан ёнғоқ дарахтларини кўплаб учратасиз. Бу «бобо» дарахтлар яқин-яқинларгача қишлоқ одамларининг номи билан аталиб келинди: мана бу беш туп ёнғоқ — Бобохўжаники, мана бу саккиз туп Раҳимбойники, нариги қирдаги 10 туп Бадриддинники ва ҳоказо. Бобохўжа ҳам, Раҳимбой ҳам, Бадриддин ва бошқаси ҳам ҳар йили бу дарахтлардан 200 — 250 килограммлаб ёнғоқ териб олишар, аммо дарахтларни парваришлаш, ҳаттоки қуриган шохларини буташ ҳақида асло ўйлаб кўришмаган. Бу дарахтлар ўз саховатларини аямай, инсонга беминнат хизмат қилди: танаси бешик бўлди, меваси — дори-дармон, гули — асал, шох-шаббаси — ўтин, япроғи — ҳузурбахш ҳаво. Энди эса улар қариди. Қўриқхона тасарруфига олиниб, ҳар уч йилда бир марта маҳаллий ўғит билан озиқлантирилса-да, бари бир, энди бу дарахтлар қариб, инсон ва табиат олдидаги ўз бурчини ўта бўлди. Атрофда эса табиий ҳолда ўсган 50 — 80 йиллик дарахтлар яккам-дуқкам кўринади. Тартиб билан экилган ёш ёнғоқлар эса ҳозирча 10 килограммдан мева бериш қувватига эга. Қариб-чириб бораётган 300 — 400 йиллик бободарахтлар эса 200 — 250 килограммдан ёнғоқ берарди. Албатта, боғдорчилик фани тараққиёти бундан ҳам кўпроқ ҳосил олиш имконини берар, аммо биз, барибир, узоқни кўзлаб, ёнғоқ дарахтларини ҳозирдан ўтқаза бошлашимиз керак.

Албатта, республикамизда ёнғоқзорлар бор. Уларнинг майдони 10 минг гектардан зиёд. Бу ерларда ёнғоқнинг юзга яқин навини ўқратиш мумкин. Бироқ 100 минг гектарлаб тоғ ён бағирлари бўш ётибди. Биргина Ҳисор қўриқхонасида ёнғоқзорларга айлантирса бўладиган минглаб гектар қир ва тоғ ён бағирликлари бор. Ҳозир Ҳисор тоғи этакларида жойлашган Яккабоғ, Шаҳрисабз ва Китоб ўрмон хўжаликларида атиги 185 — 200 гектар ёнғоқзор барпо этилган. Ваҳоланки, бу ўрмон хўжаликлари ўн иккинчи беш йилликнинг ўзидеёқ бу рақамни минг гектарга етказиши мумкин. Чунки ўрмон хўжаликларида ҳали фойдаланилмай ётган ерлар анчагина.

Биз нега ёнғоқ мавзусига яна қайтдик? Бунга сабаб — ёнғоқнинг инсон ва табиат олдидаги бебаҳо хизматларидир. Табиатшунос олим М. Тўйчиев ўзининг «Ёнғоқ» рисолисида ёзади: «Ёнғоқ ажойиб биологик ва экологик хусусиятларга эга. У ер танламайди: тоғларда ҳам, чўлларда ҳам, боғларда ҳам ўсаверади, табиий



офатларнинг қалқони, турли дардларнинг давоси бўлиб келмоқда. Ёнғоқ ўсган ер кўкаламзор бўлиб, шамолдан, селдан, гармселдан, тупроқ эрозиясидан сақланади. Бу дарахт (баргидан то илдизигача) халқ хўжалигида, медицинада ниҳоятда қадрланади».

Ўзбек Совет Қомусида ёнғоқнинг мағзидан тортиб пўстигача фойдали эканлиги битилиб, унга яхши таъриф-тавсиф берилган. Ёнғоқ мевасининг таркибида 45 — 77 фоиз ёғ, 8 — 21 фоиз оқсил, турли-туман дармондорилар бўлиб, унинг мағзи истеъмол қилинади ва қандолатчилигимизда қўлланилади. Барги ва мева қобиғи медицина ва атторликда, мағиз мойи эса озиқ-овқат саноатида, шунингдек лок тайёрлашда, юқори сифатли совун, босмахона сиёҳи ва тушь олишда, ёғочидан эса мебель, автомобиль ва машинасозлик саноатида, дурадгорликда фойдаланилади. Барги, пўстоғи ва мевасининг яшил қобиғидан ошловчи моддалар, жигарранг бўёқ тайёрланади. Шуни ҳам айтиш кераки, ёнғоқ асалли ўсимликлардан саналиб, унинг манзарали боғдорчиликда ҳам аҳамияти катта.

Кўришиб турибдики, ёнғоқнинг турган-битгани бебаҳо бойлик экан. Асрлар оша инсонга беминнат хизмат қилиб келган бу қадимий дарахтни кўпайтириш, борларини парваришlash эътибордан четда қолмоқда.

Эсимда: бундан йигирма йил аввал бозор оралаб ўн тийинга 15 — 20 дона ёнғоқ сотиб олинар эди. Энди-чи, бу ёғи ўзингизга маълум. Афсуски, ёнғоқнинг кадри ошса-да, уни етиштириш асло кўпаймаяпти.

Ёнғоқ ёруғсевар ўсимлик бўлгани учун ҳам Ўзбекистон шароитида яйраб ўсади ва мўл ҳосил беради. Пайванд қилинган ёнғоқ дарахти 4 — 6 йилда ҳосилга киради, орадан чорак аср ўтгач, ундан 100 килограммча ҳосил олиш мумкин. Фақат тоғ ёнбағирларида учрайдиган ёввойи ёнғоқ дарахтларини серҳосил навлар билан пайвандлаш ишларини йўлга қўйиш керак. Республикамизда районлаштирилган бўстонлик, ғалвирак, антиқа, эртапишар каби серҳосил маҳаллий нав ёнғоқларни уруғидан ва пайвандлаш йўли билан кўпайтириш лозим. Ҳисор тоғи этакларида ҳам бу навлар жуда тез ҳосилга кириб, баравж ўсиб-унади.

Олимларнинг ҳисоб-китоб қилишига қараганда, бир килограмм ёнғоқ мағзининг тўйимлилик даражаси уч килограмм нонга, тўрт килограмм гўштга, беш килограмм балиқка, етти килограмм картошкага, ўн беш литр сутга, бир ярим килограмм асалга ва ўн икки — ўн беш килограмм мевага тўғри келади. Шунинг учун ҳам космонавт ва астронавтлар фазода кўпроқ ёнғоқ мағзига мурожаат қилишади. Сайёҳларнинг айтишича, Японияда ёнғоқни дори ўрнида ҳар бир жон бошига биттадан тарқатишар экан.

Ёнғоқ дарахти атроф-муҳитнинг экологиясига самарали таъсир кўрсатади. Ёнғоқ дарахти булоқ ва чашмаларга сув йиғиб узатиш хусусиятига эга бўлиб, бу сувдаги маъданлар таркиби бошқа сувлардагига нисбатан анча бойдир. Бундай булоқ ва чашмалар сувини ичганда, беморлар турли дардлардан тез фориғ бўлишади. Ёнғоқзор ҳавоси кислороддан ташқари эфир мойи, турли хил фитонцидлар, йодлар ҳосил қилиб, ҳавони мусаффо сақлайди. Шу сабабли қадимда ёнғоқзорлар зиёратгоҳларга айлантирилган ва қадамжолар атрофига, албатта, ёнғоқ дарахти экканлар.

Хуллас, ёнғоқ сахий дарахт. Бу дарахтни кўпайтириш, борларини асраб-авайлаш лозим.

### 3. Зира ва зирк

Дарадан шарқираб оқиб келаётган сойнинг сўл соҳилини баланд бутасимон ўсимликлар қоплаган. Сарғиш гуллари чаппар урган бу дарахтсимон буталар — зиркдир. Ҳисор тоғларида меваси қора, қизил ва оддий зирк турлари ўсади. Ҳар бир бутадан 50 — 60 килограммдан зирк олинади. Зирк асосан Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё областларининг тоғ ён бағирликларида кенг тарқалган. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, зирк дарахтларини режали экиб, уларни кўпайтириш, плантациялар ташкил қилиш ҳали ҳеч кимнинг хаёлига келганича йўқ. Зира ҳақида ҳам худди шу фикрни айтса бўлади.

Яхши биламизки, таомни хушхўр қиладиган зира ва зиркдир. Улар қадим-қадимдан халқ табobatiда қўлланиб келинган. Абу Али ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари»да ёввойи ва боғда ўсадиган зиранинг уруғи ва ширасининг дориворлик хусусиятларига муфассал тўхталиб, унинг қирққа ярқин касалликларга даво эканлигини баён этади. Улуғ ҳаким ёзади: «Зира кўп турли бўлади... Ёввойиси ва боғда ўсадигани бўлади». Шундан сўнг аллома зирадан инсон организмидagi турли касалликларни даволашда фойдаланиш йўл-йўриқларини айтади. «Тиб қонунлари»да Миср, Рум, Форс, Набат, Кермон зираларининг ҳам шифобахш

хусусиятлари талқин этилган. Бундан ўша даврда «боғда ўсадиган» зиралар мўлкўл бўлганлигини билиб олиш қийин эмас. Энди-чи?

Ибн Сино зирк ҳақида ҳам ёзади: «Бунинг (зиркнинг — А. А.) пастте-кисликларда ўсадиган, меваси думалоқ, қизил хили бор: қўлми ёки тоғли ерларда ўсиб, меваси қора чўзинчоқ бўладиган хили ҳам бор. Мана шуниси кучлироқ бўлади... Уни қўйиб боғласа, иссиқ шишларда фойда беради. Сафрони егиб, уни яхши ҳайдайди. Меъда ва жигарни кучли қилади: чанқовни дуруст қондиради...»

Эндиликда ана шундай ноёб ўсимликларни ўстиришни ўз ҳолига қўйиб бўлмайди... Уларни кўпайтириш ва мўл-кўллигини таъминлаш бугунги куннинг талаби бўлиб қолмоқда.

## 4. Искандар арчаси


Арчалар... Йил-ўн икки ой сўлиш, сарғайиш билмаган эзгу дарахтлар. Уткир бўйи кишини маст қилади. Арчазорларни кезиб, ҳар бир дарахтни қўчгинг, умр бўйи яшнаб турадиган қаддига тўйиб термилгинг келади. Уларнинг сони беадоқ: 30 минг гектар майдонни эгаллаган. Ҳисор кўриқхонаси ходимлари ана шу майдонлардаги арчаларни муҳофаза қилиш, уларни кўпайтириш йўлида ибратли ишларни амалга оширмоқдалар.

Маҳаллий арча фақат уруғидан кўкартиради. Бу катта сабр-тоқат ва тадбиркорликни талаб қилади. Ўрмончилар ҳар йили бир неча минг дона арча уруғини экишади. Арча ниҳолларини уч йилдан сўнг бошқа ерга олиб ўтказиш мумкин. Ушанда унинг бўйи 10 — 15 сантиметрдан ошмаган, ёйиқ томири эса бир метр чуқурликда илдиз отган бўлади.

Бу гўшанинг номини ўрмончилар Шақшақ, деб юритишар экан. Атаманинг номини ҳар ким ҳар хил изоҳлайди. Шақшақда беш-саккиз асрни кўрган арчалар беҳисоб. Аммо биз уларга чуқур ҳайрат билан боқмадик. Чунки ҳаёлимиз ёши 2000 йилдан ошган деб таърифланган Искандар арчасида эди. Ана у — баландлиги 100 метр, танасини 7 — 8 киши қўлма-қўл бўлиб базур қучоқлайдиган улкан бобоарча. Тарвақайлаган шохлари бутун бир қирга соя солган, пўстлоқлари кўчиб, танаси асрлар шамолида сайқалланган бобоарча ҳамон пурвиқор ўсиб турибди. Одамларнинг нақл қилишича, жаҳонгир Искандар Зулқарнайн ана шу арчанинг тагида чодир тикиб, дам олган эмиш. Шу боисдан уни Искандар арчаси деб аташганмиш.

Кези келганда, арчалар муҳофазаси ҳақида икки оғиз сўз айтгимиз келади. Ҳали арча уруғи уч йилдан сўнг униши, қалам бўйи арчанинг 8 — 10 метрга бўй бериши учун асрий вақт зарурлигини эслатиб ўтган эдик. Бундан кўриниб турибдики, туркистон ва зарафшон арчаларининг муҳофазасини тўғри уюштиришимиз лозим бўлади.

Афсуски, арчалар муҳофазаси яхши йўлга қўйилган, деб бўлмайди. Ҳисор тоғи этакларида жойлашган ўнлаб қишлоқларда истиқомат қилувчилар ўтин ва қурилиш ускуналари ўрнида ана шу ноёб арчалардан фойдаланишмоқда. Ҳовли ва молхоналарни ўраб олган четан ва тўсиқларга, қурилаётган уй ва кўприкларга арча ёғочи аёвсиз ишлатилмоқда. Шуни унутмаслик керакки, олимларимизнинг ҳисоб-китобича, битта дуркун арча мавсумда бир неча юз кубометр ширин сўв йиғиб, булоқларга узатади. Бундан ташқари, тупроқни эрозиядан жуда яхши сақлайди, ҳавони тозалаб, атрофга озон таратади. Демак, арчанинг турган-битгани инсонга беминнат хизмат қилишдан иборат. Бу эзгу хизматнинг қадрига етиш керак.



## 5. Айиқ неға үч олди!

Бу воқеа етмишинчи йилларнинг бошида содир бўлган эди. Ҳисор тоғларининг баланд яйловларида отарини боқиб юрган чўпон айиқнинг уясига дуч келиб қолди. Уя олдида иккита айиқча бир-бири билан шўхчан ўйнар, она айиқ эса яқин атрофда кўринмас эди. Чўпон ҳар иккала айиқчани қўлидаги ирғай таёқ билан уриб ўлдирди. Терисини шилиб олиб, ўлжадан мамнун ўтовига қайтди. Айиқчалар териси ўтов қозикларида бир неча кун ел еб ётди. Кейин эса чўпон улардан бирининг ичига хашак тиқиб, беш яшар ўғилчасига тулуп тикиб берди.

Оқшом сурувини ҳайдаб яйловдан қайтган чўпонга шу атрофда баҳайбат она айиқ пайдо бўлганлигини хотини ҳаяжон билан сўзлаб берди. Тунда ўтов ёнида қандайдир шарпа кезиб чиқди. Чўпон катта ўлжа илинжида милтиғини қўлдан қўймади. Аммо айиқ эҳтиёткор экан шекилли, ҳадеганда қўлга тушавермади.

Ҳафта ўтиб яйловга сарғиш туман (тоғликлар уни сассиқ туман деб аташади) тарқалди. Қуюқ туманда беш қадам нарини ҳам кўриш қийин.

Шу куни чўпоннинг ўтов ёнида ўйнаб юрган беш яшар ўғилчаси сас-садосиз ғойиб бўлди. Уни айиқ кўтариб кетганди. Чўпоннинг қон-қардошлари жам бўлиб, болани узоқ қидиришди. Минг афсуски, улар боланинг мурдасини топишди. Боланинг жасади харсанг тош остига бостириб қўйилган экан. Бу айиқнинг иши эди. Она айиқ бегуноҳ болаларининг хуни учун чўпондан ана шу тарзда ўч олган.

...Эндиликда Ҳисор тоғлари ўрмонларида табиат мавжудотларини бемақсад йўқ қилишга қатъий чек қўйилган. Ҳисор қўриқхонасида ўрмон ҳайвонлари муҳофаза қилинади. Ҳозир қўриқхонада юздан ортиқ ноёб ҳайвон ва парранда кўпайтирилмоқда.

Ҳисор тоғларининг ҳайвонот олами ранг-баранг. Тоғлар бағрида қоплон, айиқ, архар, кийик, бўрсик, тулки, жайра ва қашқалдоқларни учратиш мумкин. Турна ва оққушлар, ҳилолқаклик ва бошқа кўплаб қушлар шу ерда маскан қурган. 1985 йилнинг апрель ойида ўтказилган ҳисоб бўйича қўриқхонада 40 — 45 айиқ, 20 — 25 силовсин, 2 — 3 оила қоплон, 450 — 500 қизил сўғур, 350 — 400 тўнғиз, 334 кийик, 30 — 35 болтаютар, 18 жуфт оқбош тасқара, 3 жуфт қора ғажир, 20 — 25 бургут, 20 минг қаклик қайд этилган. Улар ўрмон ходимларининг паноҳида йилдан-йилга кўпаймоқда.

## 6. Турналар маскани

Ҳисор тоғларининг бағрида овлоқ Мучин қишлоғи жойлашган. Қишлоқ юқорисида сизот сувларидан ҳосил бўлган кичик кўл, ўт-ўлани белга урадиган кенглик бор. Ҳар йили баҳорда ва эрта кузда ана шу яйловга турналар кўнади. Улар олис сафарга ана шу ерда куч тўплашади, тайёргарлик кўришади.

Қишлоқ аҳли тонгда ҳам, оқшомда ҳам турналарнинг ёқимли овозини, ҳазин «қур-эй, қур-эй»сини эшитади. Аммо турналарнинг оромини ҳеч ким бузишга журъат этмайди. Қишлоқ кексалари: «Турналар кўнган юрт осойишта, қут-баракали бўлади», деб ўгит қилишган.

— Бир неча йилдирки, Мучинда турналар узоқ вақтга қўноқ бўлиб қолишяпти, — дейди табиатнинг мавсумий кўринишларини ёзиб борувчи ўрмончи Эгамберди Тўраев. — Уларга серўт яйлов, сувлоқ ва осойишталик ёққанга ўхшайди. Турналар бежавотир тухум қўйиб, бола очаяпти. Жўжаларини учирма қилиб, иқлимга мослашяпти.



Бу йил баҳорда ҳам турналар учиб келди. Улар ўтган йилдагидан икки ҳисса кўп. Тўда-тўда бу сергак қушлар бир неча турдан иборат. Улар орасида оқ ва кўк турналар бор. Чамаси, улар Мучинда маскан қуришмоқчи. Ҳозирча бу беозор қушларнинг тинчини ҳеч ким бузгани йўқ.

Икки оғиз гап оқ лайлак ҳақида. Маълумки, республикамызда ҳозир 600 жуфт оқ лайлак ин қуради. Шундан 170.— 180 жуфти республикамыз жанубий районлари ҳиссасига тўғри келади. Қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандаларига қарши кўплаб кимёвий дорилар ишлатилаётганидан улар заҳарланиб, камайиб кетмоқда. Қишлоқ болалари бемажол лайлак ва бошқа қушларни парвариш қилиб, кучга киритиб, сўнгра эркинликка қўйиб юбормоқдалар. Шунини ташвиш билан қайд этиб айтамызки, оқ лайлакларни муҳофаза қилиш борасида жиддий ўйлаб кўриш зарур.

## 7. Ҳилолкаклик

Бу қушнинг ноёб хислатлари ҳақида кўп гапиришади, аммо ўзини кўриш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Бу — ҳилолкакликларнинг жуда камайиб қолганидан, албатта. Борлари ҳам денгиз сатҳидан уч минг метр баландликда, овлоқда яшашади. Уларнинг ранг-туси оддий какликдан унча фарқ қилмайди, макиёнининг қатталиги тустовуқдай, эркаги эса кўринишда даканг хўроздай келади. Бўйни узун, оёқлари эддор оғирлиги уч-беш кило атрофида.

— Илғари замонларда, — дея ҳикоя қилади ветеран ўрмончи Эргаш ака Эшев, — ҳилолкакликлар бадавлат хонадонларда бўлган экан. Улар аввалига қафасда, одамга кўникишгач, очиқда сақланган. Ҳилолкакликларнинг ноёб хислати бор. Бу нозиктаъб қушлар уйга келган меҳмоннинг яхши ёки қабиқ ниятда эканлигини, дўст ёки душманлигини сайраб ошкор қилган эмиш. Уй эгаси қушнинг сайрашига қараб, меҳмонни имтиҳон қилган. Ҳилолкакликнинг сайраши оддий какликниқидан фарқ қилади. У тиниқиб сайраса, хуш овози асабларни юмшатиб, дилхушлик бахш этади, мабодо безовта сайраб қолса, бу безовталик дарҳол киши қалбига кўчади.

Ҳа, бир вақтлар инсон билан дўст тутинган ҳилолкаклик энди одамлардан узоқ ва хилватда яшайди. Овчилар хуштаъм гўшт ва ноёб пат дея бу қушни кўплаб овлашган. Чўчиб қолган сезгир қушлар одамлар билан яқин яшашдан воз кечиб, юксак тоғ чўққиларида, инсон қадами етиши қийин бўлган қоялар бағрида маскан қуришди.

Эргаш аканинг ҳилолкаклик ҳақида ачиниб гапиришидан кейин ўйга толдим. Ҳозир бор-йўғи 500 — 550 ҳилолкаклик бор. Бу жуда оз, албатта, «Қизил китоб»га киритилган бу қушнинг тақдири энди бўлакча кечиши керак. Қўриқхона ходимлари ҳилолкакликларнинг тухум очиб кўпайиши, уларнинг тинчлигини ҳеч ким бузмаслиги учун кўз-қулоқ бўлиб туришлари шарт. Ҳилолкакликлар қишлайдиган жойларда улар учун «донхона»лар қуриб қўйиш ҳам эсдан чиқмаса дуруст. Биз бу нозиктаъб ва соҳир қушларга ўз меҳримизни кўрсатайлик. Шундагина, одамлардан ранжиб, узоқлашиб кетган ҳилолкакликлар яна хонадонларга қайтиб келса ажаб эмас!

## 8. Косагар шоввалари

Косагар — Зарафшон ва Ҳисор тоғлари туташган жой. Бодомзор мармар конига етмасдан сўл ёқдаги дарага йўл олсангиз, ана шу мафтункор масканга етасиз. Тоғ булоқлари ва қорликлардан оқаётган муздек зилол сув харсангларни ювиб, қўйига оқади. Тегирмон сув харсангдан-харсангга сакраб, ҳисобсиз шоввалар ҳосил қилган. Шоввадан тушаётган сув метин харсангни ўйиб, тошҳовуз ясаб қўйган. Тошҳовузларнинг энг кичиги бўй ва энига тўрт-беш метрдан, каттаси олти-етти метрдан иборат, чуқурлиги икки-уч метр келади. Тошҳовузга танга ташласангиз, сув ғоят тиниқ бўлганлигидан, тангадаги ёзув ва рақамлар шундоққина билиниб тураверади.

Бир тошҳовуздан иккинчисига сув шовва бўлиб қуйилади. Бундай тошҳовуз ва шоввалар қирқ чоғли. Қуёш нурида шоввалар найкамалак жилвасини ҳосил қилади. Бир қарашдаёқ тўрт-беш шоввадаги камалаклар товланиб, рангин нурлар кўзни қувонтиради.

Субҳидам ва туш маҳали турфа қушлар тўда-тўда бўлишиб, чанқоқ босгани Косагарга келишади. Сувга қонган какликларнинг маст сайроғи бутун дарада акс садо беради. Ёввойи кабутарлар ўзининг оҳиста «ғу-ғу»лаши билан жўр бўлади. Яна қандайдир таниш-нотаниш овозлар қулоқларга илашиб, юракни энтиктиради.

Косагар сойи Қашқадарёга келиб қўшилади. Сой бўйлаб пастга тушар экансиз, табиатнинг бебаҳо, қайтарилмас таровати кўнглингизга кўчади. Бир муддат хаёлчан кайфиятда турасиз, кўп ўтмай шундай мафтункор диёрда яшайтганингиздан фахрланиш туйғуси дилингизни забт этади. Шунда: «Яша, мангу омон бўл, она-юрт!» деб ҳайқиргингиз келади...

Ҳисор тоғи этакларини сайру тамоша қилиб, кўркам шаҳар — Шаҳрисабзга қайтдик. Шаҳрисабз ва Китоб 1982 йилдан буён чет эллик сайёҳлар келиб-кетишига мўлжалланган шаҳарлардир. Шаҳрисабздаги Оқсарой, Жаҳонгир Мирзо, Кўкгумбаз, Китобдаги Улуғбек номидаги Халқаро кенглик станцияси, Ҳазрати Башир ва Қутчи экзотик қишлоқлари, Яккабоғдаги Амир Темур ғори, Муқанна чўққиси ва бошқа қатор табиат ёдгорликлари жаҳоннинг диққат-эътиборида турибди. Афсуски, ҳали бу ажойиботларга борадиган, табиат ёдгорликларини зиёрат қиладиган маршрутлар — манзиллар мукамал белгилаб чиқилмаган.


Шаҳрисабз меҳмонхонаси олдида Испаниядан келган бир сайёҳ билан тилмоч орқали гаплашиб қолдик. Мен унга беш аср муқаддам испаниялик элчи Р. Г. де Клавихо Шаҳрисабзга келиб, ўз эсдаликларида шаҳарни, Оқсаройни таърифлаганини эсига солдим. — «Ҳа, ҳа, — деди у ҳаяжонланиб. — Самарқанд, Бухоро, Хивада ўн йил аввал бўлгандим. Шаҳрисабзга бу йил келдим... Нега келдингиз дейсизми? Шаҳрисабз ҳавосидан нафас олгани келдим. Ватандошим Рью Гонзалес де Клавихо беш аср муқаддам нафас олган, кўрган ва ҳайратланган юртга ташриф буюрдим.»

Чет эллик сайёҳнинг гап-сўзлари мени бир муддат таажжубга солди. Одамлар минг-минглаб қақирим масофаларни босиб, қалб тўла ҳаяжон билан юрт кўргани келишар экан, нега биз бундан фахрланиб, юрт гўзалликларини кўришга арзигулик ҳолатга келтириб қўймаймиз?!

Мана шу лавҳалар Ҳисор тоғлари гўзалликларидан бир нечаси ҳақида мухтасар бир таассуротдир. Ҳисор этакларида яна юзлаб табиат гўзалликларини учратасиз. Бунинг учун эса сафар жабдуғини шайлаб, фақат йўлга чиқилса, бас.

**Жамоатчилик, ёзувчиларимиз ер-ни, ерости бойликларини, кўллар ва дарёларни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини жуда авайлаш масаласини ўртага қўйиб, тўғри иш қилмоқдалар.**

**(КПСС XXVII съезди  
материалларидан)**



Николай Буканов

## САДОҚАТ ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Маҳматқул Курбоновга

1

Изғирин,  
Юзларга шамол урар ниш,  
Жаранглаб турибди буйруқлар бот-бот.  
Вазифа:  
«Ҳалокат ҳалқасин ёриш,  
Ленинградни этмоқ ўлимдан озод!»  
Портлашлар чанг пуркар,  
Қораяди қор.  
Батарея тортар ғазабкор наъра.  
Қўзғалар пиёда...  
— Ёвни эт тор-мор! —  
Пиёдалар узра ҳайқириқ янграр.  
Кўчки кўчар  
Олов жаласи сари.  
Ўлим итдай изғир  
Оқиб сўлаги,  
У ҳужум қилади —  
Ватан аскар.  
У — Ватаннинг битта тирик бўлаги...  
Қарағай остидан фашист очар ўт —  
Асл дуб ёғочдан  
Тўшама девор,  
Тириллар пулемёт,  
Ўрир пулемёт,  
Ундаги душманни йўқотмоқ душвор.  
Қанча довюрраклар берди жангда жон —  
Ваҳший тусга кирди  
Фашистлар тугал.  
— Сержант!  
Ёв нуқтасин этгали вайрон  
Граната ҳозирла,  
Энди сенга гал!

Командир буйруғи —  
Бу, темир қонун,  
Бутун куч-қудратни жамламоқ даркор...  
Сенда она-ватан умиди бутун,  
Азиз абадият  
Ўтга қарши бор!

Эмакла, тур, чоп, ёт, —  
Фақат олға бос!  
«Уянгда тўнғиз қўп!» —  
Отди Маҳматқул.  
Ўт очаётган нуқта тўхтади бехос,  
Янграб кетди «Ура!»  
Кўтарилди кул...  
Урмон ҳам тебранди...  
Жангчи суриниб,  
Қўлдан  
Автомати учди шу айём...  
Уфқ кўзларига қирмиз кўриниб,  
Йиқилди Маҳматқул,  
Уйлади: «Тамом!..»

2

Кўз очди.  
Палата.  
Атрофи оппоқ...  
Аста шивирлади:  
— Ҳамшира, ёрдам...  
Девордир ўнг ёни,  
Девордир сўл ёқ...  
Йўқ эди ўнг оёқ,  
Э воҳ, чапи ҳам...  
Бунда жон талашар ўлим ва ҳаёт —  
Дилни эзиб ўтар  
Қайғунинг йўли.  
У қўл чўзмоқчийди столга,  
Ҳайҳот —  
На-да чап қўли бор,  
На-да ўнг қўли...

Мизғир.  
Азобланар босириқ тушдан:  
Бомбардимон,  
Портлаш,  
Оппоқ қор ва қон...  
Овоз:  
«Келасанми қайтиб урушдан,  
Собит турасанми севгингга ҳар он?»  
Тутун аро аста  
Жонланар Ургут —  
Униб-ўсган уйи бўлса-да пастак:  
Кўклам — қизғалдоқлар томида барқут,  
Ойнаси ёнида шағиллар терак.  
Енгилгина кўйлак  
Кийган кўркам қиз  
Унинг кўзларига тик боқиб  
Бир дам  
Деганди онт каби:  
— Доим биргамиз...  
«Нима қилмоқ керак энди, Муаззам?!»

3

Қайғурар Муаззам,  
Кўз кўрмаган ғам.  
Оғир сукунатга чўмган тилсиз тун.  
На сўзга,  
На тушга

Ишонар бу дам...  
 Улдими?  
 Фашистлар этдими тутқун?  
 Қайда Маҳматқули,  
 Нечун йўқ хабар?  
 Ва ёки бўлмасми мангу ном-нишон?  
 О, қанча баҳорни кутмади  
 Зафар!  
 О, қанча жангчилар қайтди ногирон!..  
 Ногаҳон  
 Самодан кетди юмалаб,  
 Юлдузлар тўпидан  
 Бир мовий юлдуз...  
 «Ўлим бормасин-да уни чамалаб,  
 Фалокат келмасин унга юзма-юз!»  
 Гумбурлар қайдадир Буг ортида жанг,  
 Кунлар ошиқади  
 ҒАЛАБА сари.  
 Дивизия олислар, ёвнинг ҳоли танг,  
 Олға босар қўрқмас совет аскари.  
 Эҳтимол, у ҳам шу мустаҳкам сафда  
 Одимлар,  
 Қўлида тутиб ол байроқ.  
 Кўзларида умид — ҳайиққан каптар,  
 Муаззам хат кутар,  
 Хат келмас бироқ.  
 Кўз кўрмаган қайғу —  
 Йил бўйи сукут,  
 Садоқат себгини ардоқлар фақат.  
 Хат ташувчи солди  
 Ҳийга булут:  
 Ёзуви бегона — кимдан экан хат?..  
 «Сенинг Маҳматқулинг  
 Тошкентда ётар,  
 Қўлу оёғидан ажраган тугал.  
 Замполит хат ёзиб бермоқда хабар,  
 Дўст бўлсанг қисматин  
 Ўзинг этгил ҳал...  
 Сир тутмоқ истар у...  
 Шу эрур ўйи:  
 Хат кутмас, жўнатмас —  
 Бўлсин дер унут!..»  
 Мана, оғир кечган  
 Узоқ йил бўйи  
 Нечун ўжарона сақлаган сукут...  
 Мана, не келтирди  
 Унга бахтсиз тонг —  
 Қисмат билан қурди юзма-юз суҳбат.  
 Ловиллаб ёнаркан ишқ ўти ҳамон,  
 Бундай содиқ қалбга  
 Шартмас маслаҳат.  
 Йўқол, иккиланиш  
 Ожиз учун — у.  
 Шубҳага берилмоқ мумкинмас асло!  
 Унга насиб этган  
 Энг юксак туйғу:  
 Ақл билан юрак — ҳамроҳ доимо.  
 Бир меҳр тўлдирди аёлнинг кўксин,  
 Ишқ ўти  
 Тўлдирди қалбини



Шу кез —  
Энди у яшолмас,  
Усиз олмас тин...  
Отлангил поездга,  
Поездга чиқ тез!

4

Баҳор кулган Ургут,  
Маҳматқулни кут,  
Эски уй —  
Қизғалдоқ хандон отган том,  
Ойнадан зорланган терак,  
Бағринг бут —  
Маҳматқул  
Сизларга келтирди салом.  
Маҳматқулдан салом;  
Ҳаётбахш булоқ —  
У олис йилларни тебратган бешик.  
Муздай куйчи ариқ  
Куйлаган тупроқ,  
Апрель лолалари — алвон ранг қўшиқ!  
Чиқиб турсин доим  
Бу уйдан тутун,  
Фароғатга тўлсин  
Маҳматқулни кут!  
Ватан юлдузлари тўлдириб бутун  
Порлаб тураверсин бошингда, Ургут!  
О, аёл!  
Сабрингга тошлар ҳам обид,  
Бизга шундай азиз  
Кўзингдаги нур...  
У ўз ваъдасига  
Туролди собит,  
Муаззам севгиси денгиздан чуқур!  
Ватанга садоқат  
Севгини безар,  
Ғалабага бошлар бизни садоқат!  
Ўртоқ,  
Бориб қолсанг  
Ургутга агар,  
Маҳматқул уйига  
Қўниб ўт фақат!

Эргаш МУҲАММАД таржимаси.

# QILQIL TALAP

1. Бифинги асарингизнинг эвлон қилиниши тарихини гапчириб берсангиз.
2. Тревосита ёзили жаъаёни Сизда қай тарихқа кезади? Узжодда „тубтки“ деган тушунга бор. Масалан, Лев Шолстой синиб ётган бутакузни кўриши билан қалбуда, шуурида тўсатдан „чакмоқ чакқану“ сўзу биз яхши биладиган „Хожимурод“ деган аъжойиб асарини ёзган экан. Сизнинг таърибангизда ҳат шундай ҳолатлар бўлганми? Қайси асарингизда?
3. Қайси асарингиз ўзингиз узун айниқса қадрли? Қайси буридан кўнглингиз тўллаган?
4. Узжодда қилни устоз деб биласиз?
5. Ёзувчининг актив фразданлик позицияси деганда нималарни тушунасиз?
6. Ҳаётингиздаги энг бахтли дамлар қайсию энг бахтсиз кун қайси?
7. Ўқаяётган асарларингизнинг қайси қамчилиги Сизни айниқса таъбирига солади? Уз узжодингизда ҳат қамчилик сезасизми?
8. Инсондаги қайси фазилатларни қадрлайсиз? Қандай қусурларни ёмон кўрасиз?
9. Баъзи журналистонлар „фалон китобнинг фалон қажратани ҳаётда борми ёки уни ёзувчи узидан тўқиб чиқорганми?“ деб сўрашади. Ҳаёт ҳақиқатининг баъдий ҳақиқатга айланганини уз узжодингиздаги айрим мисоллар билан айтиб берсангиз.
10. Танқидга муносабатингиз? Ўзингиз танқидчи бўлсангиз нима қилардингиз?
11. Ҳозир қандай асар устида ишляпсиз?

Ушбу сонда ёзувчилар **Мақсуд ҚОРИЕВ** ва **Ўктам УСМОНОВ**нинг анкета саволларига жавобларини ўқийсиз.

## Мақсуд Қориев

Кўпинча китобхонлар билан учрашувларда ҳам, биринчи асарингизнинг эълон қилиниши тарихини сўзлаб берсангиз, деб сўраб қолишади. Менимча, биринчи бадий асар ҳар бир ёзувчининг ҳаётида ўчмас из қолдиради, гўё оилангизда биринчи фарзанд дунёга келгандек...

Ёшлар, студентлар ҳаётига бағишланган биринчи қиссам «Ойдин кечалар» 1968 йилда босилиб чиққан. Асар устида ишлаб юрган кезларимда унинг номи «Севги кўшиғи» деб аталарди, айрим бобларини ҳамкасб дўстларимга ўқиб бердим. Ишдан бўш вақтларимизда узоқ фикрлашардик, мулоҳаза қилишардик. Қисса муҳокамаси ҳам, ҳеч ёдимдан чиқмайди, жонли ўтганди. Кейин билдирилган фикрлар асосида унга тузатишлар киритдим. «Асар қаҳрамонларининг бир-бирларига ёзишмалари кўпайиб кетган» деган мулоҳаза кўп айтилди. Лекин «Ойдин кечалар» даги мактублар севги йилларида ёзилган хатларнинг асл нусхаси бўлганлиги учун уларни қисқартиришга қўлим бормади. Шундай бўлса ҳам, «қаттиққўл» муҳаррирлар мактубларнинг айрим жойларини олиб ташлашган эди. Кейин мен атоқли адабиятши Комил Яшинга қиссани тугаллаганлигимни билдириб, маслаҳат сўрадим. Яшин ака: «Гулистон журналда чиқаринг, деб маслаҳат берди. Шундай қилиб, «Севги кўшиғи» қиссаси дастлаб журналда босилиб чиқди, кейин алоҳида китоб тарзида «Ойдин кечалар» номи билан эълон қилинди.

Асар анчагина мулоҳазаларга сабаб бўлди. Матбуотда турли фикрлар билдирилди. Аммо мен учун энг муҳим мезон — ўқувчиларнинг эътибори эди. Бу мақтаниш эмас, ўртоқлар мени тўғри тушунсалар керак деб ўйлайман, «Ойдин кечалар»га китобхонлардан жуда кўп мактуб олганман. Менимча ана шу эътибор, мулоҳазали мактублар ижодимга қанот бағишлаган бўлса ажаб эмас.

Прозанинг йиллик муҳокамасида танқидчилардан бири: «Келадиган хатларнинг аксарияти адабиётни яхши тушунмайдиган ўқувчилардан келади», деб айтганди. Мен шунда ҳайрон бўлдим, бу қанақаси, ўқувчи қўлига қалам олган экан, уни бирор нарса ёзишга ундаган бўлса керак. Уз асарига ўқувчилардан бирорта ҳам хат олмайдиган, китоблари магазинда йиллаб чанг босиб ётадиган ёзувчиларга қанчалик оғир эканлигини кўз олдингизга келтиринг. Еки бўлмаса кутубхоналарда бирорта одам ҳам олиб ўқимай, чиққанидан бери очилмай ётган роман ва қиссалар-чи? Афсуски, ана шу асарларга мақтов тўла тақризлар ёзилди. Хуллас, китобхон билан танқидчининг фикрлари бошқа-бошқа чиқиб қолди.

«Ойдин кечалар»га қадар менинг анчагина ҳикояларим босилган эди. Айниқса, «Митти ҳикоялар» устида кўпроқ ишладим. «Правда» газетасида «Қалдирғочлар баҳорда келади», «Қарс икки қўлдан» деган ҳикояларим эълон қилинганди.

Газетада адабий ходим бўлиб ишлаб юрган кезларимда комсомол-ёшлар ҳаётидан материаллар ёзиш учун бир заводга бордим. Шунда мени конструкторлик бюросида ишлайдиган бир қизнинг ҳаёти қизиқтириб қолди. Уша лобар ўтюррак комсомол қиз ҳаётидан очерк ёзмоқчи бўлиб, бир неча бор заводга боришга тўғри келди. Аммо очерк қаҳрамони шамоллаб қаттиқ касалга йўлиқиб, тўсатдан вафот этди. Шундан кейин мен очерк ёзмадим, қалбимдаги ўтли чақмоқ «Ойдин кечалар» қиссасига туртки бўлди.

Ижодкордан қайси асарингиз ўзингизга ёқади ёки ёқмайди, деб сўрашганда ҳеч бир киши ўз асарини ёмонламаса керак, деб ўйлайман. Ахир қўнғиз ҳам ўз боласини «оппоғим», дер экан. Мен ҳам ўз китобларимни шундай дегим келади, улар кўп қусурлардан ҳоли бўлмаса ҳам... Бир оиладаги фарзандлар бир-биридан фарқ қилгандек, ёзувчи яратган асарнинг яхши томонлари ҳам бор, нуқсонлари ҳам бўлиши мумкин. Мен олти повесть, битта роман, жуда кўп ҳикоялар ёздим. Уларнинг ҳар бирида танқидчига «нишон» бўладиган жойлари кўп. Бадий маҳорат устида астойдил ишлашим керак.

Ёшлигимда М. Ю. Лермонтов ва А. С. Пушкиннинг прозасига жуда қизиқардим. «Замонамиз қаҳрамони»ни қайта-қайта ўқирдим. «Дубровский»-чи? «Кавказ асири» ёш қалбимда умрбод ўчмас из қолдирган. Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романи, А. П. Чехов ҳикоялари қўлимдан тушмаган. Абдулла Қодирий асарлари ҳаёлим кўзгусидан ҳеч қачон кетмайди. Биз, ўзбек совет ёзувчилари учун ана шу буюк устозларимиз ҳамиша, ҳаммавақт раҳнамо бўлишиди. Биз улардан турмушга чуқурроқ ёндашиш, қайноқ ҳаёт ичида бўлиш, замондошларимиз орзу-умидлари билан яшашни ўргандик.

Ҳаёт жуда мураккаб, воқеаларга бой, хилма-хил. Одамларнинг тақдири, кураши, меҳнати, севги-садоқати, туриш-турмуши, яшаш шароити ўзи бир дунё. Жамиятимизда юз бераётган буюк ижтимоий ўзгаришлар негизда замондошларимиз образини тўлақонли, юксак бадий маҳорат билан ифодалаш вазифаси кўндаланг бўлиб турибди. Ҳозир ҳар бир адабдан ҳаётга фаол муносабатда бўлиш талаб этилади. КПССнинг XXVII съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди ҳаётигимизда муҳим воқеа бўлди. Жамиятимиз тараққиётида туб революцион ўзгаришлар рўй бераётган ҳозирги даврда ёзувчиларнинг ижтимоий ҳаётда тугган йўли, гражданлик позицияси алоҳида аҳамият касб этади. Ҳалол, фидокорона

меҳнат қилиб эл-юртимизни кийинтираётган, моддий бойликлар бунёд этаётган, ўз ахлоқ-одоби, юриш-туриши билан ҳаммага, айниқса ёшларга ўрнак бўлаётган ажойиб замондошларимизнинг тўлақонли образлари адабиётимизнинг асосий мавзуси бўлиб қолади. Олға силжишимизга тўғаноқ бўлаётган салбий ҳодисаларга нисбатан бефарқ қараб бўлмайди. Биз ижтимоий адолат байроғига содиқ қолишимиз, ҳамма нарсани ҳақиқат тарозисига солиб, жамиятимизга доғ тушираётган муттаҳамлар, порахўрлар, амалпарастлар, ошириб ёзувчилар, ифвоғар, кўзбўямачиларга нисбатан шафқатсиз бўлишимиз керак. Адолат, ҳақиқат, самимият, принципиаллик — қалам соҳибининг граждандлик позицияси ҳам ана шунда!

Мен китобларимдаги камчиликларни жуда яхши ҳис этганман. Уйлаб қарасам, ёзган қиссаларим, ҳикояларимда нуқсонлар анчагина бор, буни мен ҳеч қачон ёддан чиқармайман. Бошқаларни ҳам, айниқса ёшларни ўз ижодларига танқидий муносабатда бўлишларини истардим. Ўзимизга нисбатан талабчанлик қилмасак ижодда эзгуликка эриша олмаймиз.

Анкетанда «Инсондаги қайси фазилатларни қадрлайсиз, қандай қусурларни ёмон кўрасиз», деган савол бор. Бу ҳам жуда зарур ва муҳим масала. Ҳаётда кўп аччиқ-чучук нарсаларни кўрдим, узоқ йиллар журналистика соҳасида ишладим, катта мактабдан ўтдим. Очиқ гапни айтганда, ишларнинг юришиб турган пайтда атрофингда «дўстларинг» жуда кўп бўларкан. Тинимсиз телефонлардаги мақтов гаплар, босилиб чиққан янги асаринг, китобинг, мақоланг ҳақида фақат ижобий фикрлар айтиш, кўкларга кўтариб мақташлар ҳам бўлади. Афсуски, бу ҳолат айрим ижодкорларимиз фаолиятида ҳамон давом этмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий комитетининг тарихий XVI пленуми ҳушомадгўйлик энг ёмон қусур эканлигини очиб ташлади. Шу боисдан биз ижодкорлар ижтимоий адолат тарозисини маҳкам ушлаб, асар автори ким бўлишидан қатъий назар ўз ҳақиқий фикримизни рўй-рост айтиб, унга яқиндан ёрдам бермоғимиз даркор. Мавқеингга қараб сенга муомала қиладиган ҳушомадгўй «ижодкорлар»ни жиним ёқтирмайди, улардан нафратланаман. Гўзаллик оламида ана шундайлар учрамаса ижод гулшани яна ҳам кўркам, чиройли бўларди.

Икки оғиз сўз асар қаҳрамонлари ҳақида.

Учрашувларда, ўқувчилардан келаётган хатларда асар қаҳрамонлари ҳаётда борми ёки уни ўзингиз тўқиб чиқарганимиз, ҳаёт ҳақиқати бадий ҳақиқатга айланишини ижодингиздаги айрим мисоллар билан сўзлаб берсангиз, деб саволга туттишди.

Шу муносабат билан бир воқеани сўзлаб бермоқчиман. Уруш тугагач, Матъуф акам отпускага келиб қолди. У офицер бўлганлиги учун ҳақиқий хизматдан бўшамаган эди. Гапдан-гап чиқиб, акам бирга жанг қилган дўстини сўраб қолди. Мен у киши министр лавозимида ишлаётганлигини айтдим. Акам қувониб кетди. Уларнинг дўстлиги қон билан мустаҳкамланган, бир-бирлари билан ака-ука тутинишган экан. Хуллас, бирга министрликка бордик. Котибага: «Министрнинг фронтда бирга жанг қилган дўсти» дедим фахр билан. У министр ҳузурига кирди-да, бирпасда қайтиб чиқди. Мен ҳозир министрнинг ўзи чиқиб, акам билан қучоқлашиб кўришиб, ҳузурига олиб кириб кетса керак, деб кутдим. Аммо, котиба «бироз кутиб турар экансизлар» деди. Оқибат биз ўйлагандек бўлмади. «Акамнинг дўсти» деб номланган ҳикоямнинг юзага келишига мана шу учрашув туртки берди. Ҳикоя кейинчалик Москвада босилиб чиққан «Повесть ва ҳикоялар» тўпламига ҳам кирган.

«Турналар баланд учади» қиссасидаги қаҳрамонлар ҳам ҳаётдан олинган. Рашид образи катта механик олим Ҳалимжон Усмонхўжаевнинг тимсолидир. У узоқ йиллар пахта териш машинаси учун янги шпиндель яратиш устида илмий иш олиб борди, бу йўлда жуда катта қийинчиликларга дуч келди. Қиссага ана шу воқеа асос қилиб олинган.

Танқидга муносабатингиз қандай деб сўрашади ёзувчидан. Қандай бўларди, яхши эмас, асарингни танқид қилган одамни ёқтирмайсан. Бу, албатта, бизнинг баъзан дангал айтадиган ҳазил-мутойба сўзимиз. Агар танқид ҳалол, чуқур асосланган бўлса, ижодкор учун катта сабаб, келтириб бериладиган ўқун йўл-йўриқ беради. Бир ақлли-хўшли одам сизни олдига ўтқазиб панд-насихат қилди, ибратли фикр-мулоҳазалар билдирди, дейлик. Балки характерингиздаги камчиликлар, қусурларни йўқотишда ана шу доно одамнинг гаплари катта аҳамиятга эга бўлар. Иzzат-нафсингга тегмаган ҳақ гап балки сенинг ҳаётингга бурилиш нуқтасига айланар. Қани энди ҳамма танқидчилар ҳам биз ёзувчиларга ана шундай маънавий дўст бўла оلسа...

Баъзан ўз асаринг ҳақида тақриб ўқиб қоласан. Ёки бирорта мавзуда ёзилган катта мақолада, докладда сени «туртиб» ўтиб кетишади. Баъзи тақризларда бўлса узундан-узоқ асар мазмуни ҳақида гап юритилади. Ҳўш, бундай танқидий мақола кимга фойда келтиради? Фикримча, адабиёт ҳақидаги ёзилган мақолалар, асарлар, тақризлар илмий мулоҳоза, мунозаралар асосига қурилса яхши бўлар эди. Ахир В. Белинский айтганидек: танқид — адабиётнинг ойнасидир. Баъзи танқидчиларимиз ўзларини жуда принципиал, асарларга адолат билан баҳо берувчи ҳакам деб ҳисоблашади. Шундай вақтлар бўлдики, улар эътиборли ёзувчиларни кўкларга кўтариб мақташди, адабий мақолаларида, йиғинларда чиқишларида биринчи бўлиб ўша «хўрматли» ёзувчилар ҳақида мароқ билан сўзладилар. Эсимда бор, уларнинг асарлари муҳокама этилганда фақат ижобий томонлари мақталди. Китоб босилиб чиққандан кейин эса уни ҳеч ким ўқимади. Қани бу ерда эътиқод, ижодкорнинг адолатли, холис фикри? Нега биз ўз бурчимизга, виждонимизга қарши бордик?... Бу ерда фақат мунаққидлар айбдор эмас, албатта. Лекин танқидчилар ҳар қандай шароитда, ҳар қандай вазиятда ҳам ёзувчининг кимлигидан қатъий назар, принципиал йўл туттишини, граждандлик бурчига содиқ қолишини истардим.

Танқидчи бўлганимда нима қилардим? Бу жуда оғир соҳа... Агар шундай бўлса, фикр айтишга шошилмасдим. Асар ўқувчилар ўртасида тарқалиб, ўқилгач, кўпчиликнинг мулоҳазаларини эшитиб, кейин қўлимга қалам ушлардим. Адабий асарларнинг қай даражада ўқилиши, ҳатто сотилишини ҳам ҳисобга олардим. Кутубхонада қўл тегизилмасдан, магазинда сотилмасдан ётган бадий асар ҳақида ижобий мақола ёзмасдим.

Ҳозир замонавий мавзуда асар ёзапман...

1. Биринчи ёзган, тўғрироғи, босилган асаримнинг тарихи қизиқ бўлган. У пайтларда, янгилишмасам, институтнинг ё иккинчи ёки учинчи курсида ўқирдим. Кўпчилик қатори мен ҳам ижодни шеърдан бошлаганман. Ургамчик, аммо, энди билсам, самимий шеърлар экан улар. Иккита қалин дафтар тўла. Унда-бунда ҳозир ҳам ўқиб кўраман-да, ёшлик туйғуларининг ғоят жўн ва тиниқлигидан таъсирланаман. Матбуотда чиқаётган баъзи шеърларга қараб, ўша илк машқларимни хиёл таҳрирдан ўтказиб, тўплам шаклига келтирворай дейман-у... Хуллас, ижодни поэзиядан бошлаганман. «Пахтазорда» деган шеър ёзиб, район редакциясига («Коммунизм тонги») юбордим. Шеърим газетанинг биринчи бетида босилиб чиқди. Ўзимни қаерга қўйишни билмайман (Рости ҳам, сен ёзган гаплар босма ҳарфда терилса-да, уни юзлаб, минглаб одамлар ўқиса!). Аммо қувончим узоққа бормади. Район марказида «катта»лардан бири, айниқса ўзини «идеология ишининг мутасаддиси» деб юрган масъул кишини учратдим-у, тарвузим қўлтигимдан тушди. «Ўқидим шеърингни. Бошдан-оёқ пессимизм! Редакторга ҳайфсан бердик. Хўш, нега пахта тераётганда бел оғир экан?! Биз ҳаммавақт пахтани «оқ олтин» деганмиз, нега сен уни кумушга ўхшатиб, ерга ургансан?!» Ҳазил десам — ҳазил эмас; кап-катта одам, бунинг устига жавобгар одам гапиряпти шу гапларни. Шерикларим олдида мулзам бўлдим, дабдурустан берилган бу саволга жавоб тополмай қолдим. Ўша киши ҳали ҳам ҳаёт, пенсияда; лекин ҳозир номини айтиб дилозорлик қилиб ўтирмайман, чунки ўзи аслида ҳалол, тўғри одам эди-ю, вазифаси нуктаи назардан адабиётга аралашшга мажбур эди; адабиёт, ижод жараёнини қай даражада тушуниши эса юқоридаги сўзларидан кўриниб турибди... Аммо унинг гапи юрагимга қаттиқ ботган эканми, эртаси кунни тўсатдан «Танқидчи» деган сатирик шеър ёза бошладим. Каттагина шеър. Таваккал билан «Муштур»га жўнатдим; юзаки, расмиятчи кимсалар устидан қулинган эди унда. Орадан сал ўтмай, шеър ҳатто вергули ҳам ўзгартирилмасдан журналнинг 1959 йил февраль сониде босилиб чиқди. Шу шу республика, район, область матбуот органларида тез-тез қатнаша бошладим.

2. Теодор Драйзернинг «Америка фожеаси»ни ўзбек тилига таржима қилишни ёзувчи сифатида менга катта сабоқ берди... Масалан, бир воқеани ёзмоқчи бўласан, сюжетни мианга деярли тайёр. Лекин ёза туриб, маълум бир жойга бозорда одам ўзидан-ўзи негадир совийди, тёзроқ охирига етсам, деб шоша бошлайди. Драйзерда аини шу воқеани сабр-қаноат билан тасвирлаш санъатини кўрдим.

Албатта, ижодкор қўлига қалам оларкан, унга нимадир «туртки» бўлганми яхши. Шунда асар ҳаётинроқ чиқади. «Қани, бугун ҳам ҳар кунги нормамни бажариб қўяй-чи» деган услубга ўтилдими — ўз-ўзидан салбий маънодаги «профессионаллашиш» касали юзага келади. «Гирдоб»нинг ғояси, сюжети, коллизияси дилмида ўн йиллар давомида пишиб юрган эди. У пайтларда «Совет Ўзбекистони» газетасида ишлардим. Аввалига пахтанинг янги навлари ҳақида одатий очерклар ёзиб юрдим. Кейин ўша янги нав муаллифининг

мен мутлақо билмаган дарди, алами, «қўли калталиги» очила борди-ю, аста-секин олимлар дунёсига кира бошладим. Қисса ёзмоқчи бўлдим; ўн-ўн беш қоғоз ёзганимдан сўнг... ташлаб юбордим. Орадан етти-саккиз йил ўтди... Бир кун қарасам, рафикам таниш бир ёзувчининг романини ўқиб, йиғлаб ўтирибди. «Ҳа, нима гап?» У китобни кўрсатиб, ёшли кўзлари билан қулади. Мен ҳам ўқий бошладим. Яхши роман. Лекин кўп жойлари, назаримда, сохтароқдек туюлди. Адиб эҳтирос билан бутун китоб давомида тарғиб қилган масала аслида анча чайналган ва у қадар муҳим муаммо ҳам эмас; хуллас, Тургенев таъбири билан айтганда, «чумчүкка қарата замбаракдан ўқ узилган» эди. Жиддий ўйланиб қолдим: «Ахир, мен билган анави воқеалар бунга қараганда қанчалар даҳшатлику?! Янгилик учун курашган олимнинг бошига тушган не-не кулфатларнинг олдида бу китобда «кўтарилган проблема» ниҳоят даражада майда-ку?! Наҳотки, ёзолмасам?!» Роман воқеалари кўнглимда тугилиб, пишиб юргани учунми, ўша, бундан етти-саккиз йил олдин бошланган жойидан давом эттириб кетавердим ва бир йил ичида қора нусхасини тугатдим. Кейин узоқ вақт ишладим... Рус тилида «Белая зависть» деган яхши ибора бор, у ғайирлик эмас, инсоний ҳавас. Аммо у ғайирликка ўтса...

3. Ҳозирча маъқули «Гирдоб» романим ва «Бировга қолган кунинг», «Ота», «Қоляска», «Соғиниш» сингари ҳикояларим. Аммо... йирик ёзувчиларнинг асарларини ўқийсан, классикани ўқийсан; ёш улгайиб, ҳаётга анча-мунча файласуфона назар ташлайсан-да... дунёда, меҳнатка халқ орасида қанча-қанча эҳтирослар, севинч ва ҳаяжонлар, дарду-ҳасратлар тўлиб-тошиб ётганини сезиб, кўриб, ёзган нарсанг, ёзилаётган нарсалар нақадар ғариблигига тобора ишона борасан. Адашмасам, Ньютон айтган эди шекилли: «Биз, олимлар қирғоқда майда тош ўйнаб юрган болакайларга ўхшаймиз, ваҳоланки, рўпарамизда буюк сирлар океани ястаниб ётибди.»

4. «Ижодда кимни устоз деб биласиз?» Айтиб юбориш осон-у, ўзи қийин савол. Йиллар давомида тажриба орттирганимдан сўнг, бутун умрингни тарозига солиб кўраётганингда айтсанг арзийди устозинг кимлигини. Чунки ҳаётда ҳали устозлар жуда кўп учрайди. Аммо конкрет асар масаласига келсак, бу бошқа гап. Менга ҳам ёрдам қўлини чўзган, қимматли маслаҳатини аямаган, асарларимни керак бўлса қисқартирган ёки алоҳида боблар қўштирган ёзувчилар, муҳаррирлар анчагина. Уларнинг номларини санаб ўтириш шарт эмас деб ўйлайман, чунки ўша ёзувчилар ва муҳаррирларга ҳам кимлардир худди шундай кўмаклашган... Мен Китобни устоз демоқчиман. Китоб — устоз! Болалигимдаги бир воқеа эсимдан чиқмайди сира. Бўстонлик районидеги Сойлиқ қишлоғида яшардик. Эндигина уруш тугаган йиллар. Дадам билан Исқандар посёлкасига тушдик. Дадам бозор-ўчарини қилиб олгач, чойхонага кирдик. Кета туриб, негадир чойхона ёнидаги китоб магазинига ҳам бош суқиб ўтдик. «Қорбобо» деган китобга маҳлиё бўлиб қолдим. Секин дадамга айтсам, пули тугабди, йиғлагудек бўлдим. «Янаги тушганимизда албатта олиб бераман.»

Бора-боргунимча мени юпатиб, уйга чиқишимиз билан оймидан пул олиб бердилар-у, шунда кўнгиллари тинчиди дадамнинг. Бир ҳафта қандай ўтганини билмайман. Яқшанба куни «Аксига ҳаво совуқ эди. Машина ҳам, арава-парова ҳам йўқ. Пиёда кетдим. Етти чақирим йўлни ўйнаб-ўйнаб босдим, чўнтагимдаги пулни ёғимлаб олганман. Ярим йўлда қор уриб берди. Терлаб-пишиб етиб борсам, китоб магазини берк! «Қорбобо» шундоқ кўргазмада турибди. Қор тагида яна етти чақирим пиёда юриб, ҳў алламаҳалда уйга етиб борганман... Уша пастаккина бино ҳозир ҳам бор. Уни кўрсам, юзларим жимирлашиб кетади ҳалия: гўё сирлар оламига қадам қўяётгандай сезаман ўзимни...

5. Яқинда Микробиология институтида адабий ураршув бўлди. Минбарда Абдулла Орипов. Бир фан доктори — салобатли аёл шеър-га шунчалик берилганидан ёнидагилардан ҳам уялмай, йиғлаб ўтирибди. У завқининг зўридан, сўзининг сеҳридан йиғлар эди... Дарҳақиқат, замондошинг қалбига киролсанг, улари ҳаяжонга сололсанг, дилига чироқ ёқиб, кўнглига яхши ниятларни жо этсанг — иждокорнинг фаол граждонлик позицияси шу! Партиямиз ҳозир сифат ширини ўртага қўйди. Адабиётда бу сув-ҳаводек керак масала. Ваҳоланки, баъзи ёзувчилар гўё бирор янги мавзу чиқиб қолишини поиллаб тургондек туюладилар менга. Оғизга тушган мавзуга бағишлаб, кўз очиб-юмгинингча асар ҳам ёзиб ташлайдилар; кейин йиғилишларда номлари доим тилга олинишини, президиумларга сайланишини истайдилар нуқул. Аслида эса ёзган нарсалари бадий ҳижатдан — «брак». Ҳозир фақат нимани эмас, кўпроқ қандай ёзиш муаммоси ҳақида бош қотириш зарур. Бу ҳам, менимча, ёзувчининг граждонлик позициясини белгилайди. Китобхонни севинтириш, ғамгин тортириш, ўйлатиш учун талант керак! Ана шунда сен буюк ишлар юз бераётган ҳозирги давримизда одамларга, жамиятга кераксан. Мана шу граждонлик позициясидир, мана шу фаолликдир.

6. Ҳар бир киши ҳаётида маълум чорраҳалар учраши муқаррар. Шунда бу йўлдан эмас, наригисидан юрилса, киши умри мутлақо бошқа изга тушиб кетиши аниқ гап. Менга, масалан, ҳаётимда Мирсаид ака Раҳимбердиевдек адабиёт ўқитувчиси учраганидан, бир йил институтга киролмай, не азоб билан янаги йили кирганимдан; оғир ичтерлама дардига мубтало бўлганимда марҳума онамининг зўри билан омон қолганимдан; адабиётга яқин соҳага ишга олганларидан; доно, кўмакдош рафикага йўлиққанымдан... хуллас, бахтиёрлик онларим сон-саноксиз. Бундай пайтда одам кўзоинагини йўқотиб қўйган кампирга ўхшайди гўё. Қидириб-қидириб топса — шундоқ ёнида экан. Бахт ҳам кўпинча оёғинг остида ўралашиб юради-ю — кўрмайсан... Бахтсиз онларим ҳам бўлган, албатта. Уларни айтиб, нолиб ўтиришимнинг ҳожати йўқ. Аммо дўст деб юрган одамнинг сенга хиёнат қилса — бу дунёда энг оғир бахтсизлик шу. Қолгани...

7. Руссо ўзининг фалсафаси «Тавба» асарида қизиқ йўлдан боради. У қалбидоги энг юксак ва энг тубан туйғуларигача яширмай ёзади. «Мени ўзимчалик ҳеч ким билмайди», деган хулосага келади. Чиндан ҳам шундай... Кейинги қиссамдан («Қисмат») унча кўнглим тўлмади. Унда муҳим мавзунинг ёритишини мақсад қилиб олдим-у, масалани бутун мураккаблигича, ўзаги билан кўрсатолмадим,


«ичига киролмадим», чўзиб-чўзиб, «қўлим бўшаган» пайтларда ёздим... Бир қатор ҳикояларим — информацион характерда, персонажлар хира... Лекин энг катта камчилигим — қанча-қанча ижодий режаларим ва шунга яраша эҳтирос-туйғуларим мавжудлиги ҳолда — кам ёзаётганим, кунт, сабрнинг етишмаслиги.

8. Катта иш қилиб қўйиб, бир четда камтарона юрган одамнинг руҳий олами чинакамига бой. Унинг беминнат, беғуборлигига қойил қолиш керак. Мен шундай одамларни бутун вужудим билан севаман. Ва аксинча...

9. Мақтаняпти, деб ўйламанлар-у, «Гирдоб» романи юзага келгандан сўнг республикада ўнлаб кишиларнинг «Маҳамат чатоқ — менман, менинг ҳаётим ёзилган бу китобда» деган сўзларини эшитганман. Биттагина мисол: Тошкент областидаги «Коммунизм» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маҳмуд ака Исматовни «Маҳамат чатоқ» дейишса, у киши қулиб, маъқуллайдилар. Бундай қаҳрамонларни Сирдарёда ҳам, Хоразмда ҳам, Фарғонада ҳам кўрганман. Уларнинг гапидан, рости, пинҳона ҳузурланганман ҳам. Аслида эса бу образга Тошкент область Оржоникидзе районидоги Байитқўрғон қишлоғида яшовчи «Маҳамат чатоқ» деган бригадир «туртки» бўлган эди. У киши ҳозир марҳум бўлиб кетдилар, аммо жуда куюнчак, одамзодга ғоят қаттиққўл одам эдилар. Ёки Азиз образини олайлик. Азизга ўхшаганлар ҳам жуда сероб экан ҳаётда. Папка-папка хатлар бор қўлимда. Шулардан хулоса чиқариб айтманки, одамларда севинч ҳам, дардалам ҳам, самимият-у, ғаламисликлар ҳам кўп экан асли. Буни кейинги йиллардоги ҳаётимиз кўзгудек кўрсатиб берди.

10. Не ажабки, тажрибали танқидчилардан бири яқинда катта минбардан туриб, «палончи бўш асарни палончи танқидчи мақтаб қўйди; энди биз уни қандай танқид қиламиз?» — дея нолиди. Мантиқни қаранг! Адабиётимиз бошига тушган жамики кўзбўямачиликлар аслида мана шундай «принципиал» танқидчилар туфайли юз берган. Мен агар танқидчи бўлганимда, шундай дейишга уялардим! Яхшиямки, алломаларнинг бири айтганидек, баъзан «танқиднинг ўзи танқидга муҳтож». Яна бир гап. Ёзувчини танлаб ёзишдан мутлақо йироқ юрардим.

11. «Турккомиссия» деган қўламли роман устида иш олиб боряпман. Шу мақсадда республикамиз ва унинг партия ташкилоти тарихини ўрганар эканман, бир нарса айниқса диққатимни тортиди. Ижтимоий тараққиётимиздаги ҳар бир муҳим, ҳал этувчи босқичда КПСС Марказий Комитети ҳаммиша Ўзбекистон коммунистларига жуда улкан, беғараз ёрдам бериб келган экан. Ҳозир ҳам аини шу жараён содир бўляпти. Турмушимизда кейинги йилларда юзага келган салбий ҳодисаларнинг оқибатини тугатиш ҳам фақат КПСС Марказий Комитети кўрсатган катта ёрдам туфайли амалга оширилмоқда. Шу сабабли Ўзбекистон Коммунистик партиясининг таркиб топиши ва бу йўлдаги тасисиз курашлар тарихини, ленинча ҳақиқат учун кураш тарихини бадий ифодалаш — шу кўннинг энг долзарб проблемасидир, дея инонганим учун ҳам бу масъуляти, мураккаб масалаларга қўл уришга журъат этдим.



Очил Тоғаев

## БАДИЙ ПУБЛИЦИСТИКА УФҚЛАРИ

Кейинги йилларда бадий публицистикамизнинг қамров кўлами кенгайиб, ҳаётга тобора яқинлашиб бораётгани кўзга ташланмоқда.

Қишлоқ хўжалигига доир муаммоларни тасвирлаш адабиётда ҳам, бадий публицистикада ҳам етакчи мавзу ҳисобланади. Бунинг сабаби маълум. Пахтачилик, чорвачилик ва бошқа тармоқлар республикамиз экономикасида муҳим ўрин тутаетди. Пахтачилик мавзуга бағишланган тўпламлар нашр этиш анъанага айланиб қолди.

Сурхондарёлик журналист Норкул Ҳайитқуловни ўзи яшаб турган район деҳқончилиги муаммоларининг жонкуяр тадқиқотчиси, деб аташ мумкин. Муаллифнинг «Бешинчи фасл» тўпламида ҳам пахтачилик ташвишлари, унга раҳбарликни такомиллаштириш масалалари ҳақида фойдали мулоҳазалар баён қилинади. Борис Пармузиннинг «Пахта» деб аталган публицистик китоби адабиётимизда бу мавзунинг ўзига хос янги жиҳатларини ёритувчи асардир. Адиб 20—30 -йилларда ўзбек пахтаси учун халқаро миқёсда олиб борилган сиёсий-синфий кураш воқеаларини тарихий ҳужжатлар асосида ёритади. Бу кураш миллий мустақиллик, ҳозирги вақтда эса жаҳонда тинчликни барқарор этиш воситасига айланади.

Бу ўринда марказий матбуот журналисти Валерий Осиповнинг «Знамя» журнали саҳифаларида босилган «Ўзбекистон ён дафтари» (1981) деб аталган очеркларини алоҳида қайд этиш лозим. Маълумки, сафар таассуротларида ҳодисанинг моҳиятини чуқур ёритиш имконияти бирмунча чегараланган бўлади. Публицист ўзбек пахтакорининг ғоят машаққатли меҳнатини астойдил ҳис этади, унга мафтун бўлиб, дилдан шарафлайди. «Ҳамма нарса, кечаю-кундуз, еру осмон, ота ва она, ўғил-қиз, муҳаббат ва рашк, уйқу ва таом бари унутилади. Одамларнинг бутун сўзлари фақат Ҳазрати Олийлари Пахта билан банд бўлади. Ҳамма нарса унга — «Оқ олтин»га қаратилади. Фақат инсон пешона тери билан, баъзан теримда тобланган, қотиб қадоқ бўлиб қолган, тилинган инсон қўли билангина «оқ олтин»га айланади».

Тематик тўпламлар тузиш адабиётимизда узоқ йиллардан бери ўзига хос анъана бўлиб келмоқда. Улар орасида пахтакорлар ҳақидаги очерклар алоҳида аҳамиятга эгадир.

Бу тўпламларда қишлоқ хўжалигининг заҳматкаш ташкилотчилари, илғор пахтакорлар, механизаторларнинг портретлари учрайди, экономика тараққиётига доир фикр-мулоҳазалар баён этилади, айрим муаммолар ҳақида муҳокама юритилади.

Нурали Қобулнинг «Рассом ҳақида кўшиқ», Расул Раҳмоновнинг «Менинг дунём», Маъруф Жалилнинг Юнус Ражабий ҳақидаги, Мирзакарим Пирматовнинг «Сехр» очеркларида ҳам аниқ мақсадли ифодали портретлар чизилган. Отаёбнинг «Мен қуёшни кўргали келдим» эссесига Миртемирнинг оригинал образи яратилган. Шоирнинг руҳий-адабий оламига чуқур кира олганлиги, юракдан ҳис этиб тасвирлаганлиги асарнинг муваффақиятини таъминлаган.

Тажрибали публицистлар портретни инсоний, ижтимоий муаммолар талқини йўналишида кўрсатадилар. Асқад Мухтор, Нурали Қобулнинг «Фарзанд» очерки қаҳрамони — Жиззах чўл қурилиши бошқармаси бошлиғи Ўриш Мажидовдан «Шу

ишингиз сиз учун амалми ё касб?» деб сўраганларида: «Билмайман», деб жавоб қилади. Бу энг тўғри жавоб эди, деб таъкидлайди муаллифлар. Касб ва амал (инженер ва бошлиқ)нинг бирлашиб кетганлиги, бири-иккинчисини тақозо қилиши ҳозирги илмий-техника инқилоби даври раҳбарлари фаолияти ҳамда қиёфасига хос янги хусусият экани кўрсатилади.

Асқад Мухтор, Нурали Қобул одамларнинг янги ерда муқим жойлашиб қолишига ҳалал бераётган «психологик тўсиқ»ни бартараф қилиш, янги жойда одамлар рўҳиятида азалдан шаклланиб келган кўникмаларга айна мувофиқ шароит ҳозирлаш, ерни «тирилтириш», яъни шўр ювишнинг индустриал усули ҳақида муҳокама юритадилар. «Бир-икки гектарлик полларда ярим метр қалинликда сув уч ой давомида турарди. Бу деҳқончиликдаги оддий шўр ювиш эмас... Оддий шўр ювиш тупроқни даволашдир. Бу эса — ўлик ерни «тирилтириш».

Очеркларимиздаги қаҳрамонларнинг аксариятини раҳбарлар ташкил этади. Бизда раҳбарлар ҳақидаги адабиёт пайдо бўлди, деб киноя қилган эди мутахассислардан бири. Бу таъна, биринчи навбатда, бадий публицистикага тааллуқлидир. Хўш, раҳбарлар ҳақида асар яратиш айбми, дейишлари мумкин. Раҳбарлик — юртга етакчилик деган сўз. Раҳбар элнинг энг яхши фазилатларини — одамийлик, донишмандлик, узоқни кўзлаб иш юритиш, халққа меҳрибон — инсонпарварлик каби хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган типик шахсдир. «Омма билан чамбарчас боғланган, ғоявий эътиқодли, ташаббускорона фикрловчи, фаол раҳбар бугунги кунда ҳар бир партия ташкилотига бошчилик қилиши керак. Одамлар ўзлари яшаётган конкрет реал ҳаётдаги ҳамма ютуқ ва камчиликларни раҳбарга, аввало партия раҳбарига боғлашларини эслатмасак ҳам бўлар... Оддий меҳнаткаш партия комитети ҳақида, бутун партия ҳақида район, шаҳар ёки область партия комитетининг секретарига қараб мулоҳаза юритади», — деган эди М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVII съездида Сиёсий докладида.

Халқ билан ижтимоий, маънавий боғланган, унинг дили ва тилига айланган, меҳрини қозонган раҳбар ҳақида асар яратиш халқ фарзандини эъзозлаш, фазилатларини улуғлаш, демакдир. Йўлдош ота Охунбобоев, Усмон Юсупов, Бузрукхўжаев, Чўли Бегимқулов халқ меҳрини қозонган раҳбарлардир. Биз ана шундай катта шахсларнинг хизматларини чуқур очиб берувчи ҳужжатли асарлар яратиб, инсоний хислатларини кенг ташвиқ этишимиз лозим. Халқ хўжалигига раҳбарликни яхшилаш долзарб масала қилиб қўйилган ҳозирги даврда бунинг аҳамияти катта.

Бироқ раҳбарлик лавозимига номувофиқ, ҳатто халққа моддий, маънавий зиён етказган шахслар ҳақида ҳам портретлар мавжудлигини эътироф этмоқ керак. Қўшиб ёзиш, сохта довруғ кетидан қувиш ҳодисаси сохта қаҳрамонларни яратди.

КПСС XXVII, Ўзбекистон Компартияси XXI съездлари республикамиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётида муайян даврда юз берган нохуш майлларни, уларнинг сабаб ва натижаларини ҳаққоний кўрсатиб ўтди. «Республика партия ташкилотида», — дейилади М. С. Горбачевнинг XXVII съездида Сиёсий докладида, — интизом бўшашиб кетди, принципсизликни, ўз хузур-ҳаловатини ўйлашни ва амалпарастликни бирдан-бир асос қилиб олган шахслар ҳурмат кўра бошлади. Лаганбардорлик, «мартабаси улуғ кишиларни» беҳад мақташ кенг ёйилди».

Халқ қалби, кўз-қулоғи бўлган публицистларнинг бурчи мана шу салбий ҳодисаларни ўз вақтида бадий идрок этиб, фош этиш ва уларни тузатишда фаоллик кўрсатишдан иборат эди. Бироқ кўпгина қаламқашлар воқеликка ижодий ёндашиш ўрнида битта йўналиш — кўрсатма асосида иш кўрдилар. Улар олинган жабҳани, шахслар фаолиятини фақат ижобий жиҳатдан намойиш этиш, мақтов билан шарафлашни мақсад қилиб қўйдилар. Бу эса ижодда ғайритабiiийликни келтириб чиқарди, ҳаёт ҳақиқати тўла очилмади, воқелик андавалаб кўрсатилди. Хуллас, сохта бошлиқ-раҳбарлар фаолиятида кечган кўзбўямачилик иллати бадий публицистикага ҳам кўчиб ўта бошлади. Бунинг асосий сабаби айрим адибларнинг ҳақиқий ҳаётдан йироқлашиб қолганлиги оқибатидир.

Очеркчиликгимизда шундай кўникма вужудга келгандики, маълум жабҳани ўрганмоқчи бўлиб борган адиб ёки журналист фақат раҳбарлар билан учрашади. Раҳбар ёнига ўтириб, машинада хўжаликни айланади. Колхоз, совхоз ёки қурилишга фақат бошлиқ кўзи билан қарайди, бошлиқ сўзи ва мулоҳазаси билан фикр юритади. Унинг мезони билан жабҳага, одамларга баҳо беради, улар ҳақида хулоса чиқаради. Раҳбарнинг ўз фаолияти, ўзи бош бўлган ташкилот ҳақидаги баландпарвоз гапларини соф ҳақиқат, деб тўла ишонч билан қабул қилиш соддадиллик бўлур эди. Чунки ишбилармон ҳақиқий раҳбар ғоят камтар, камсуқум бўлади. У ортқича дабдабани ёқтирмайди. Ўзи ҳақида эмас, меҳнаткаш, оддий кишилар ҳақида кўпроқ сўзлайди.



Хуллас, одамни унинг сўзларига қараб эмас, амалий фаолиятига қараб баҳолаш керак, деган ленинча принцип унутилганда, очеркда сохта қаҳрамонлар, сохта муҳокама ва мулоҳаза келиб чиқади.

Тўплamlарда пахтачиликдаги чинакам аҳвол ҳақида озми-кўпми маълумот берадиган, чуқур ўйлашга даъват этадиган очерклар, афсуски, кам учрайди. Кўзбўямачилик, кўшиб ёзиш илллати ҳукм суриб келган йилларда яратилган бир қанча бадиий публицистик асарларни ҳақиқат, ростгўйлик нуқтаи назаридан кўздан кечирганимизда, анча-мунча нуқсонлар аён бўлади.

Ҳақиқий заминдан ажралган баландпарвозлик бамисоли сароб, хавфли бўшлиқ. У — инсонни сохта ютуқлар, жимжимадор шон-шавкатлар гирдоби ичра таназзулга маҳкум этади. Ҳалол одам унга учмайди.

Сохта баландпарвозлик бадиий-публицистик тўплamlарнинг сарлавҳасидаёқ кўзга ташланади: «Олтин чўққи», «Олтин чўққи», «Олтин чўққи», «Янги уфқлар»... Қарши чўлини ўзлаштиришга бағишланган очерклар тўплами «Дашт баракиси» деб аталади. Ундаги кўпгина материаллар расмий ҳужжатлардаги тайёр маълумотни юзаки қайд ва дабдабали сўзлар билан ифодалашдан иборат. Куруқ мақтов ва мадҳия! Заррача нуқсон, камчилик тилга олинмайди, ҳаммаси ютуқ, ҳаммаси дурдона, боғу роғ, ҳаммаёқ шинам иморату яшил пахта далалари. Бетон ариқлардан пахтазор сари таралаётган зилол сувлар... Ҳамма одамлар зарбдору шеркелбат чўлқуварлар, ҳаммаси довюрак ва донишманд, ҳаммаси ҳеч бир адашмайдиган фариштамисол шахслар, пахта чамасини ошириб бажармаган биронта ҳам хўжалик йўқ.

Қарши чўлида канал ва ариқларнинг жуда катта қисмига бетон ётқизилмай ёки чамадаги дарахт кўчатлари ўтқазилмай кўзбўямачиликка йўл қўйилганлиги ҳақида ҳатто марказий матбуот материалларида кўтарилган камчиликлар ҳам очеркчи адиб ва журналистларнинг назаридан четда қолган.

Бир очеркда 690 кўйнинг ҳар юзидан 280 тадан кўзи олингани ҳақида айтилади. Ҳозирги давр нуқтаи назаридан қараганда, ана шу сохта муваффақиётлар учун олинган кўпгина орден ва мукофотларнинг ҳам миси чиқди.

Областнинг пахта тайёрлаш ҳақиқий имкониятлари кейинги соғлом ўзгаришлар асосида ҳаққоний аниқлангач, бутун мамлакатга доврўғ солиб келинган ҳосилнинг бир қисми ошириб ёзишлардан иборат эканлиги маълум бўлди.

Бундай камчиликлар юқорида эслатганимиз бошқа тўплamlарда ҳам мавжуддир.

«Олтин чўққи» тўпламдаги очерклардан бирида муаллифлар тушган машина Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Бухоро областлари бўйлаб кезиб юрибди. Жойлардаги хўжалик раҳбарлари адиб ва журналистлар ёнига дамба-дам ўлтириб олиб, бирга ўн кўшиб сўзлайдилар, муаллифлар эса эшитганларига янада сайқал бериб, кўпайтириб ифодалайдилар. Очерк кенгайиб кетаверади, саҳифама-саҳифа ўқиб чиқишга мажбур бўлсангиз, бошлиқлар ҳақидаги ахборот-қасида вужудга келганлигига амин бўласиз. Бу публицистик ахборотга қаҳрамон сифатида киришга муассар бўлган ҳеч бир хато қилмаган, бирор марта ҳам камчиликка йўл қўймаган, ҳамиша тўғрисўзли, тўғри тадбирли, тўғри фикр ва мулоҳазали шахслар сифатида таъриф-тавсифланадилар.

Бўка районида айрим колхоз ёки совхоз олти кунда, бригада эса тўрт кунда пахта топшириш планини бажарганликлари ҳаяжон билан иншо этилади. Жиззахдаги «Москва» колхозининг бир кунда планнинг олти фоизи миқдорида пахта топширганлиги қайд этилади. «Ростми шу?» деб савол беради муаллиф, «Рост!» деб қатъий таъкидлайди мутасадди шахслар.

Муаллифлар бу маълумотларнинг ростлигини оддий одамлар меҳнати мисолида текширишни хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Умуман, меҳнаткашлар билан учрашишга уларнинг фурсатлари йўқ, олдинда қанча масофа кутиб турибди, ахир!

Шуни қайд этиш керакки, далада бир марта очилган ҳосилни ҳам уч кун ёки бир ҳафтада териб улгуриш мушкул. Мабодо биринчи теримда план бажарилган бўлса, у қарийб уч баравар ошириб бажарилар экан-да, бинобарин, гектарида совхоз 40 центнер, бригада 50 центнер ўрнига 100—150 центнердан пахта топширар экан, деган мантиқий хулоса келиб чиқади. «Бизга район бўйича кунлик пахта топшириш графиги планнинг уч фоизи миқдорида белгиланган бўлса, — деган эди ўша вақтдаги район мутасаддиларидан бири, — ҳар қандай оби-ҳаво шароити ва бошқа сабабларга қарамасдан кунлик графикдаги пахта тўла равишда топширилаётганлиги ҳақида ахборот бериб боришимиз шарт». Графика етмай қолган кунлар пахтаси қарз ҳисобланиб, охирида бараварлаштирилар эмиш.

Биз кўзда тутаётган совхоз, бригада планларининг қисқа муддатда бажарилганлиги ҳақидаги хабар ҳам ана шундай расмий кўникмага айланган кўзбўямачиликнинг оқибати эди.

Пахтакор райони раҳбарларидан бири одамлар ҳақида бундай муҳокама

юритади: «Бизнинг давримизда инсон нон ташвиши учун, мукофот ташвиши учун ишламайди, одамлар пахтазорларда юрт бойлиги учун кунни тунга улашмоқда. Фидойиликка фидойилик уланмоқда, жасоратга жасорат қўшилмоқда» («Олтин чўққи» тўплами, 258-бет).

Бу баландпарвоз сўзлар соҳиби ишлаб чиқаришни ҳаракатга келтираётган асосий куч — меҳнаткашларни моддий ва маънавий рағбатлантиришдан маҳрум этиб келинаётганини фидойилик ва жасорат ҳақидаги сохта тушунчалари билан хаспўшлашга интилмоқда.

К. Маркс ва Ф. Энгельс ўз вақтида «Нон ва гул учун курашамиз» деган шиор ташлаган эдилар. Бу сўзларда синфий-сиёсий курашда кузатилган бош мақсад — жамиятда инсоннинг моддий ва маънавий ҳаётини таъминлаш синфий-инқилобий асосий масала эканлиги мажозий тарзда лўнда-ифодалангандир. К. Маркс яна бир ўринда одамларни манфаатдорлик ҳаракатга келтиради, деб ёзади.

Моддий ва маънавий рағбатлантириш амалга оширилмаган бир шароитда одамларни қандай қилиб ишга жалб этиш мумкин?! Битта йўл қолади. У ҳам бўлса, маъмуриятчилик йўлидир... Ана шундай вазият ҳукм сурган йилларда бюрократ ва кўпол бошлиқлар пайдо бўлган эди. Район мутассадисининг юқоридаги баландпарвоз сўзлари одамларни маъмуриятчилик йўли билан ишлатишга интилишдан бошқа нарса эмас.

Хуллас, очеркда беш область пахтачилигидаги юксак муваффақиятлар оғиз кўпиртириб таъриф-тавсифланган. Хўш, шундай катта ютуқлар, мажозий қилиб айтганда, «Олтин чўққи» ҳеч бир қийинчиликсиз, хато ва камчиликсиз, ҳатто бирон нуқсонсиз амалга оширилдимикан? Қийинчилик ва нуқсонларнинг кўрсатилмаслиги, уларни четлаб ўтишнинг ўзи ҳам бу муваффақиятларнинг ростлигига шубҳа уйғотади. Ахир, шундай юксак чўққига осонлик билан чиқиб бўлмаслиги ўз-ўзидан аён-ку?

Район раҳбарлари, хўжалик бошлиқлари пахта фронтининг асосий қаҳрамонлари ҳисобланиб, ҳамма муваффақиятлар, оддий одамларнинг меҳнат самаралари улар номига келтириб боғланади. Очеркда оддий меҳнаткаш пахтакорлар кам учрайди. Улар бегона даврага тушиб қолган тасодифий кишилардек, бир кўриниб ғойиб бўладилар. Тўпламлардаги очеркларда халқ ҳаёти, маънавиятига доир долзарб муаммолар тадқиқ этилмайди. Ҳолбуки, бу пахтачиликнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболи билан боғлиқ бўлган асосий муаммодир. Халқ орасига кириб бормаган, у билан нон-туз емаган, ҳамсухбат бўлмаган публицист ҳаётни ҳаққоний ифодалаши, эл дардига малҳам бўлиши мумкин эмас. Улуғ рус мутафаккири Герцен «публицист шифокор бўлиши шарт эмас, бироқ дарди бўлиши шарт», деган эди.

Партия ижтимоий-сиёсий ҳаётда ҳақиқатга қатъий амал қилиш зарурлигини кўрсатди. М. С. Горбачевнинг КПСС XXVII съездида Сиёсий докладида уқдирган қуйидаги сўзларининг мазмуни ғоят терандир. «Агар Биз янгича ишлашни ўрганиб олмасак, ҳар қандай кўринишдаги қолюқликни ва консерватизмни бартараф эта олмасак, агар вазиятга ҳолисона баҳо бериш жасоратидан маҳрум бўлиб қолсак, уни қандай бўлса, шундайлигича баҳолайолмасак, бир қадам ҳам олға боса олмаймиз. Масъулиятсизлик ўтмиш қаърида қолиб кетиши учун ҳамма нарсани ўз номи билан аташни, бор гапни рўй-рост айтишни қонда қилиб олишимиз зарур. Талабчанлик ва ҳалоллик, партиявий виждон билан иш қилиш керак бўлган жойда ноўрин кўнгилчанлик қилишга барҳам бериш пайти келди. Лениннинг жиддий огоҳлантириб айтган қуйидаги сўзларини унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ: «Ёлғон гап, ёлғон мақтанчоқлик — ахлоқий жиҳатдан ҳалок бўлиш демакдир, сиёсий жиҳатдан ҳалок бўлишнинг ҳақиқий кафилидир».

«Янги уфқлар», «Садоқат» тўпламларига ҳам савия жиҳатидан паст бир қанча асарлар киритилган.

Турғун Жамолов, Самариддин Сирожиддинов каби муаллифлар портретларга муайян маъно юклаш ҳақида кам ўйлайдилар. Шу тўғрисида фактлар сараланмай аралаш-қуралаш баён этилаверади. Муаллифларнинг оддий ҳақиқат тарзидаги мулоҳазаларини ўқиш зерикарли. Лавҳа ва ҳатто корреспонденция тахлит бундай жўн материалларни махсус тўпламларда очерк, деб эълон қилиш жанрга нисбатан ҳурматсизлик белгисидир.

Журналист Жаҳонгир Исмоиловнинг «Туташ тақдирлар» (1985) китоби Ноқоратупроқ ерларда меҳнат қилаётган ўзбекистонлик кишлоқ хўжалик мутахассислари, ишчилар, қурувчилар ҳақидаги репортажлардан иборат. Репортажларда номлари қайд этилган кишиларда Ноқоратупроқ ерларга бориб ишлаш фикри қандай туғилганлиги, Ўзбекистондан қандай сабабларга кўра, қай йўсинда бу ерга келишга қарор қилганликлари муфассал баён этилади. Автор қаҳрамонларнинг Ноқоратупроқ ерлардаги оғир ва мураккаб фаолияти, уларнинг ташвиш ва қийинчиликларни қандай қилиб енгиб, ютуқларга эришаётганлигини аниқ-равшан кўрсатиш, янги ерни ўзлаштириш билан боғлиқ иқтисодий, ижтимоий,

маънавий-ахлоқий муаммоларни кўтариб чиқиш ва уларнинг Ўзбекистон ташкилотлари билан боғлиқ жиҳатларини тадқиқ этишга киришмайди. «Бахтга ташналик» деб аталган лавҳада зикр этилган бекободлик Турсунпўлат деган йигитнинг бахти нимада? «Тошкент-1» махсус кўчма колонна мелиораторлари ўтган беш йилликда олти минг гектар ерни қуритиб, Шимск райони хўжаликларига топширдилар», Турсунпўлатнинг бахти ана шу улкан ишга муносиб улуш қўшганлигида, деб таъкидлайди муаллиф. Китобчада шу колонна бошлиғи Мемидиминовнинг номи келтирилади. Турсунпўлатнинг у билан яқин мулоқотда бўлиб иш олиб борганлиги айтилади. «Литературная газета»да босилган суд очеркида Мемидиминов бошлиқ колонна ярим миллион сўмлик бажарилмаган ишни қўшиб ёзиб, давлатнинг 102 минг сўм маблағини ўзлаштирганлиги фош этилади.

Китоб муаллифи марказий газетада кўтарилган жиноятни фош этиши керак эди, демоқчи эмасмиз. Бироқ журналист жабҳага чуқурроқ разм солганида, айрим далилларни тадқиқ этиб, жиддийроқ мулоҳаза юритиб кўрганида, колоннада содир бўлаётган кўзбўямачиликнинг айрим белгиларини, лоақал ишларнинг сифатсиз бажарилаётганлигини пайқаши мумкин эди. Шунда «Бахтга ташналик» сарлавҳаси ўрнига, балки бошқа иборани қўллаган бўлармиди?

Муайян соҳа — мавзу бўйича туркум очерклар яратиш, яъни публицистларнинг ихтисослашуви аъъанаси айрим муаллифлар томонидан давом эттирилмоқда. Бундай ихтисослашув икки томонлама — ҳаёт учун ҳам, ижодкор учун ҳам фойдалидир. Публицист бутун ижодий имкониятларини конкрет бир соҳага йўналтиради, уни чуқур ўрганиб, янги жиҳатларини намоён этади. Шундай ижодий ва маърифий пухта тайёргарлик асосида яратилган бамаъни тадқиқот очерклари ҳаётга фаол таъсир кўрсатади. Назир Сафаровнинг пахтакорлар ҳақидаги туркум очерклари, Иброҳим Раҳим, Ҳаким Назирнинг республикамиз газ саноати кишилари, Суннатилла Анорбоевнинг чорвадорлар ҳаётини ёритишга бағишланган очерк китоблари 60-йиллар воқеалигига фаол таъсир кўрсатган асарлардир.

Суннатилла Анорбоев «Яйлов гурунглари» очеркларида чорвачилик ҳамда чорвадорларнинг моддий ва маънавий ҳаётига оид муаммоларни қайд этиб ўтади. Чорвадорлар ҳаёти манзараларини чизади, уларнинг ифодали портретлари кўзга ташланади. Қарияларнинг нутқ индивидиаллигига ҳам эътиборни жалб этади. Бу манзараларни ўқиган китобхон «мақсад нима?» деган савол беришга ҳақлидир. Чорвадорлар шундай яшайдилар, деган тушунчани ифодалашми? Бадиий адабиёт асарлари ҳаётни кўрсатиш билангина кифояланмасдан, уни ўзгартиришга хизмат қилмоғи керак. Бунинг учун ҳаётдаги муаммолар чуқур тадқиқ этилиши, ҳар бир манзара ва портрет тасвири муайян ғояни теран очувчи ҳаёт сабоғи бўлиб хизмат қилиши лозим.

Табиат муҳофазаси мавзуи ўзбек бадиий публицистикасида янгиликдир. Хоразмлик ёзувчи-публицист Раҳим Бекниёз «Дерсу узала изидан», «Темиртирноқ» ва бошқа китобларига кирган воқеий ҳикоялари, очерклари орқали табиатнинг сир-асрори билан таништиради, турли ҳайвонларнинг хусусиятлари ҳақида ҳаётий воқеалар ҳамда ривоятларга асосланиб қизиқарли ҳикоя қилади. Унинг асарларидаги ўзига хос юмор руҳи табиатга меҳр уйғотади.

Табиат бизнинг онамиз ва мураббийимиздир. Эмин Усмоновнинг «Ер—коинот гули» китобида, матбуотда босилган турли мақола ва очеркларида бу ҳақиқат эҳтиросли граждандлик руҳи билан талқин ва ташвиқ этилади. Табиат, гўзаллик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, дўстлик туйғуларини тарбиялашда таянч нуқтадир. «Табиийки, — деб ёзади муаллиф, — гўзалликни ҳис этмаган одам тошбағир; маънавий қашшоқ бўлади. Хоин ҳам, золим ҳам, дўст-биродарларга оқибатсизлик ҳам фақат шундай одамлардан чиқади».

Табиат — ўрмон ва океан, дарё ва саҳро, тоғу тошлар бамисоли ҳаракатдаги тирик организм. Унга нисбатан эҳтиётсизлик билан қилинган ҳар бир хатти-ҳаракат оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Хуллас, табиатга ёвузлик бевосита ёки билвосита инсонга ёвузлик, табиат ҳақида ғамхўрлик эса инсон ҳақида ғамхўрликдир. Академик Энгельгартнинг таъкидлашича, табиат муҳофазасининг аҳамияти ер юзида уруш балосининг олдини олишдан сира кам эмас.

Муаллиф табиатга масъулиятсизлик билан лоқайд муносабатни қораловчи таъсирли далиллар келтиради. Табиат неъматларининг талон-тароҳ қилинишига қарши норозилик билдиради, техника экинларига қўлланадиган захарли химикатларнинг табиатга зарарини йўқотадиган фойдали таклиф ва тадбирларни олға суради.

Эмин Усмоновнинг мақола ва очеркларида табиат муаммолари кенгроқ кўламда умумлаштирилиб, чуқурроқ тадқиқ этилганда уларнинг ҳаётга ижтимоий-эстетик таъсири янада ошар эди.

«Биз ҳозирги даврда яшаб турувчилар табиат учун авлодлар олдида, тарих олдида жавобгармиз», дейди М. С. Горбачев КПСС XXVII съездига Сиёсий

докладида. Бу сўзлар ёзувчилар зиммасига жуда катта гражданлик ва ижодий масъулият юклайди. Табиатни муҳофаза қилиш мавзуи бизда қишлоқ ҳўжалиги, пахтачилик, сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, умуман, иқтисодий ҳаётимиз билан чамбарчас боғланган кўламли муаммодир.

«Ўтмишга ҳўрмат — юксак маърифатнинг белгиси», дейди А. С. Пушкин. Тарихий-этнографик очерклар халқимизнинг моддий, маънавий, руҳий рбидасини қайта тирилтурувчи асарлар саналади. Сурхондарёлик Менгзиё Сафаров «Она ер қўшиғи» очерк рисоласида бир ярим минг йиллик тарихга эга бўлган Холчаён ёдгорлиги тўғрисида, уни очган, юзага чиқарган олимлар ҳақида ҳикоя қилади. Ўтмиш тарих ва ҳозирги замоннинг ўзига хос учрашуви юз беради. Муаллиф ҳар бир катта-кичик обидани бадий публицистик конкретлаштириш асосида уларнинг ижтимоий-эстетик моҳиятини очади.

Тарихий-этнографик мавзу ёзувчи Евгений Ефимович Березиков ижодининг етакчи хусусиятига айланган десак, хато бўлмайди. Унинг «Чиял бозори», «Касби кулоллари» каби очерклари республикамиз маданияти ва санъати тарихининг янги жиҳатларини ойдинлаштиради. Унинг «Касби кулоллари» очеркида қадимий сув сақлайдиган иншоот — сардоба халқнинг илмий-ижодий тафаккури, ҳаётий донишмандлиги, буюк санъати тимсоли бўлиб гавдаланади. «Касбидаги сардоба ҳажм жиҳатидан Пулково обсерваторияси гумбазидан бир неча бор каттадир, — деб ёзади Е. Березиков «Касби кулоллари» очеркида. — Цилиндрининг диаметри 16 метрдан узун. Унга ишлатилган ғишлар жуда катта иссиқликда пиширилган ва сувда уваланмайдиган ҳолатга келгунга қадар қиздирилган... У махсус усулларда қорилиб куйдирилган, узоқ муддат оловга қўйилган, сўнгра бир йиллаб офтоб еган. Ғишларни териш учун ишлатиладиган қоришма ҳам алоҳида усул билан ишланган, яъни унга ҳайвоннинг сути ва туянинг юнги қўшиб тайёрланган. Ана шундай қоришма сувга чидамли бўлиб, иншоот мустаҳкамлигини таъминлаган ҳамда сувни филтрлаб тоза сақлаган. Сардобанинг учдан икки қисми гумбаз шаклида ер сатҳидан юқори чиқиб турибди, қолган қисми ернинг остида. Емғир сувлари оқиб кириши учун ёнларидан дарчалар қўйилган ва улар сувни шамоллатиб туриш вазифасини ҳам бажаради». Бундан кўриниб турибдики, муаллиф ўзи қаламга олган мавзунини атрофлича ўрганган.

Дадахон Нурийнинг «Шаҳар ўртасида бир туп оқ ўрик» ва мармар заводи қурилиши ҳақидаги публицистик мақолаларида шаҳар маданияти, этнографик қурилишига доир долзарб муаммолар фаол гражданлик руҳи билан қизғин ташвиқ этилди. Унинг чиқишлари фаол муносабат уйғотди. Бироқ долзарб масалаларни ижтимоий, иқтисодий далиллар билан чуқур исботлаш етарли даражада эмаслиги бу очеркларнинг ҳаётга таъсирига бир мунча монелик қилади.

Тарихий-этнографик очерклар халқ даҳлини улуғлаш воситасида ўтмишдаги соғлом анъаналарни ҳозирги замон хизматига йўллайди, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ифтихор руҳида тарбиялайди.

Публицистикамизда ахлоқий-тарбиявий йўналиш ҳам салмоқдор ўрин эгалламоқда. Марҳум ёзувчи Мирзакалон Исмоилийнинг бу борадаги самарали ҳиссасини алоҳида қайд этиш керак. Адиб «Одамийлик қиссаси», «Инсон ҳўсни», «Қизлар дафтари» каби китобларида ҳозирги ёшларимиз ахлоқий қиёфасидаги долзарб масалалар, оилавий турмушда қиз-йигитнинг бурчи ва масъулияти хусусида фикр юритади, фойдали мулоҳазаларни илгари суради.

Мирзакалон Исмоилий публицистикасида панд-насиҳат, дидактик руҳ устун бўлса, Ўткир Ҳошимов айрим ёшлар ва зиёлилар қиёфасидаги маданий интеллект-уаллик билан мешчанликнинг зиддияти таҳлилига эътиборни қаратади. Унинг «Оқ камалак» китобига кирган талай публицистик мақолалари фикримизнинг далилидир.

Ҳабибулло Қодирийнинг «Турмуш сабоқлари» (1985) китоби ахлоқий мавзуидаги таъсирли асарлардандир. Жамол Шаропов, Қодиржон Собиров, Мурад Мансуров, Санъат Маҳмудова, Т. Расулов, Т. Тошев, М. Комилжонов ва бошқа публицистларнинг ёшлар маънавияти, севги ва турмуш ҳақидаги мақолалари матбуот саҳифаларида босилмоқда, китоб қилиб чиқарилмоқда.

Ахлоқий публицистикамизда педагогик йўналишнинг муҳим ўрин эгаллаганини таъкидлаш лозим. Қумри Абдуллаева, Ойша Тўраеванинг матбуотда ёритилаётган мақола ва очерклари диққатга сазовор. Тажрибали устоз педагог, профессор Раҳимжон Усмоновнинг «Дилнома» (1982), «Ҳаёт устоз, халқ муаллим» (1983), «Одобнома» (1985), «Саодатнома» (1985) китоблари педагогик публицистикамизда муҳим ҳодисадир. Бу рисоалар устознинг шогирдга оқилона ўғитлари тарзида ёзилган. Раҳимжон Усмонов публицистикасида халқ донишмандлиги коммунистик ахлоқ асослари билан ажиб бир уйғунлик касб этади.

Марҳум олим Воҳид Зоҳидов публицистикамизда чет эл мавзуи йўналишига асос солган адиблардандир. Унинг Осиё, Африка, Америка, Европа мамлакатлари ҳақидаги сафарномалари синчков мушоҳада ҳамда таҳлилий тафаккурнинг

чуқурлиги, фалсафий умумлашма қуввати билан алоҳида ажралиб туради. Адибнинг бу мавзудаги сўнги китоби «Бемор Америка жароҳатлари» (1981) сафарномаси ана шундай жозибали услубда ёзилган асардир. Бу мавзу Аҳмаджон Мелибоев, радиожурналист Шуҳрат Қосимов каби публицистлар томонидан давом эттирилмоқда. А. Мелибоев «Умидли дунё» (1982), «Бир заминда яшаймиз» (1984) асарларида чет элдаги халқларнинг тинчлик учун олиб бораётган кураши ҳақида, империалистларнинг ёвуз кирдикорлари тўғрисида ёзади. Фактларнинг эмоционал образли, таҳлилий ифодаси чет элдаги синфий-сиёсий кураш воқеаларига фаол муносабат уйғотади.

Сафар Остоновнинг спорт мавзудаги, Абдуқодир Ниёзовнинг Тошкентда метро қурилишига бағишланган публицистик китобларининг муҳимлигини қайд этиш керак.

Бизда ишчи синфи ҳаёти ва меҳнатини ёритишга бағишланган публицистик асарлар кам. «Мен ишчиман» ва бошқа тўпламларга кирган очерк ва лавҳалар республикамиз ишчи синфи улۇғвор ишларини ёритишга кифоя қилмайди. Бу мавзу — фаол граждандлик руҳига эга бўлган ўзининг ихтисосли публицистларини кутмоқда.

Республикамиз зиёлилари ҳақида бир қанча очерклар ёзилди, тематик тўпламлар чиқарилди. Бу асарларда фанда кашфиёт қилган алломалар, мактаб, маориф намояндалари, санъат арбоблари, медицина ходимлари ҳақида ҳикоя қилинади. Биз бу асарлар хусусида аввалги ишларимизда фикр билдириб ўтган эдик.

Анвар Жўрабоевнинг жаҳонга таниқли адиб, шоир ва кинорежиссёрлар — М. Шолохов, Г. Марков, С. Михалков, Евг. Евтушенко, С. Бондарчук каби ўттизга яқин маданият, санъат арбобларидан олган интервьюлари «Совет Ўзбекистони санъати» журналида босилди. М. Шолохов Анвар Жўрабоевни «Жасоратли журналист» деб бежиз атамаган эди. Ижод ва ижтимоий фаолият билан қаттиқ банд атоқли шахслар билан учрашув осонликча бўлмаганлиги, журналист бу суҳбатларга пухта тайёргарлик кўрганлиги, суҳбатдошининг диққатини асосий муддаога моҳирлик билан йўналтира олганлиги, суҳбатдош билан журналист орасида табиий интеллектуал мулоқот юз берганлиги суҳбатларнинг муваффақиятини таъминлаган. Суҳбатлар маданият, санъат ва адабиётимиз арбобларининг маънавий тафаккур дунёси, ижодига хос муҳим хусусиятлар билан таништиради. Анвар Жўрабоевнинг интервью жанрини ўзига хос янги ижодий йўналиш сифатида давом эттираётганлиги таҳсинга лойиқ.

Улуғ Ватан уруши йилларидаги оммавий халқ жасорати халқимизнинг буюк маънавий хазинасидир. Урушда фидойилик кўрсатган жангчиларимизнинг жасоратини миққоллаб излаб топиб, элга намойиш қилишнинг ўзи ҳам жасоратдир. Марҳум адиблар Назир Сафаров, Адҳам Раҳматнинг бу борадаги ижодий изланишлари ана шундай аҳамиятга эга. Назарматнинг ҳарбий мавзудаги мақола ва лавҳалари, Ҳамид Тожибоевнинг ҳужжатли асарлари ҳам диққатга сазовор.

Республикамиз фарзандларидан 300 дан ортиқ кишига Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилган. Ўзбек ва рус тилларида нашр этилган «Жасорат» деб аталган уч китобга олтмишга яқин қаҳрамон ҳақидаги очерк ва лавҳалар киритилди. Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ҳақида очерклар яратиш анъанаси, негадир давом эттирилмапти.

Қонли жангларда иштирок этиб, ғолиб қайтганларнинг тақдири ўзига хос мўъжизадир. Жамол Шаропов «Жангда жасур, меҳнатда фидойи» китобида ана шундай мўъжизавий тақдирга эга тўққизта уруш ветерани ҳақида ҳикоя қилади. Узоқ йиллар давом этган уруш асорати — хасталиқдан халос бўлгач, ўзи яратган боғ мевалари ва асални одамларга текин тортиқ этиб, умр кечирган Дехқон Файзиев ҳақида муаллиф самимий ҳикоя қилади. «Афсонавий тўп командир» очеркининг қаҳрамони ҳам қизиқарли тақдир эгасидир. Жангда ҳалок бўлган, деб ҳисобланган, аммо тирик қолган Солижон Алимов ва бошқалар тақдири ҳам фавқулодда қизиқарлилиги билан эътиборлидир. Асосий муддаога даҳли йўқ, ортиқча ҳолатлар учраганига қарамай, Жамол Шароповнинг уруш ветеранлари тақдирини ёритишга жиддий қўл ураётгани хайрли ишдир. «Садоқат» («Еш гвардия», 1985) тўпламига ҳам унинг уруш ветеранлари ҳақидаги лавҳалари киритилган. Борис Пармузиннинг «Барханлар оралаб» (Москва, 1984) китобининг «Бирлик» бобида Туркистон Ҳарбий округи жангчиларининг жанговар ҳаёти, «Хотира» қисмида эса Европа мамлакатларини халос қилиш учун курашда Ўзбекистонлик жангчилар кўрсатган жасорат ҳақида таъсирли ҳикоя қилинади.

Таҳлилий тафаккурнинг чуқурлашуви саксонинчи йиллар ўзбек бадиий публицистикасидаги муҳим аломатлардандир. Қўқонлик журналист Шокирвали Нуралиевнинг жиддий мақолаларини адабиётимизда янги ҳодиса деб баҳолаш мумкин. Шокирвали Нуралиев ижтимоий, иқтисодий бошқарув тармоқларидаги эски шакл билан янги мазмун қарама-қаршилигини тадқиқ этишга алоҳида эътибор

бермоқда. «Район ташвишлари», «Тайёрлов пунктларида», «Кўқон шамоли», «Бозор», «Қурилишда нима гап» ва бошқа очерк ва мақолаларида жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётидан астойдил манфаатдор гражданин — публицист қиёфаси гавдаланади. Ҳар бир масаланинг манфий ва мусбат жиҳатларини етарли далиллар асосида тадқиқ этиш, таҳлил ва умумлаштиришнинг изчил ва баркамоллиги, мантиқий ва образли ифоданинг ўзаро мувофиқлиги муаллиф услубининг ўзига хос белгиларидир.

Таҳлилий тафаккурга эга журналистлардан яна бири Нусрат Раҳматовдир. Унинг «Замондош ўйлари» китоби одамлар дилини безовта қилаётган муаммоларнинг фаол талқини, долзарблик пафоси билан ажралиб туради.

Навбатдаги вазифа — бадий публицистикамизнинг ҳаёт ва ижтимоий фаолиятдаги муаммоларга фаол муносабати, таҳлилий тафаккури, долзарблик-гражданлик пафосини оширишдан иборат. Ҳозирги бадий публицистикадаги чинакам аҳвол ҳаётимиз ривожига, жамиятимизнинг янги тараққиёт одимларига айна мувофиқ, деб айтишга ҳали эрта.

Озиқ-овқат программасини бажариш борасидаги умумхалқ ҳаракати қанчадан-қанча долзарб муаммолар ҳал этилишини кутмоқда. Маҳсулот етиштиришдан тортиб, уни аҳолига етказиб беришга қадар бўлган жараён публицистнинг фаол назоратида бўлиши лозим. Халқ истеъмолига айна мувофиқ зигир, кунжут, нўхат, ловия каби экинлар майдони тобора қисқариб бораётганлиги, полиз экинларининг сифати кўтарилмаётганлиги публицистни ташвишлантириши зарур бўлган масалалардандир.

Республикамизнинг жанубий районларида экилаётган ипак пахта муаммолари — селекцияси, экиш ва парвариш қилишдан тортиб теримига қадар ўзига хос механизациялаштириш масалаларини чуқур тадқиқ қилиш талаб этилади. Умуман, пахта териш машиналарини кескин такомиллаштиришни партия муҳим ижтимоий-сиёсий вазифа сифатида қатъий белгилади. Бу ҳол журналист-публицистлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Алмашлаб экиш, сув ва суғориш системалари, чорвачилик, биофабрикалар қурилиши, кутубхона ва бошқа маданий-маиший ишлар — публицист чуқур муносабат билдирадиган муаммолар сирасига киради.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев ўз нутқларида жамиятимизни сифат жиҳатдан ўзгартириш, экономика, маданият, ижтимоий соҳалар, ҳаётнинг барча томонларини такомиллаштириш вазифасини партия қатъийлик билан амалга ошираётганлигини алоҳида таъкидлади. Бу ҳол ёзувчи-публицистнинг ижтимоий ва гражданлик масъулиятини янада оширади.

Бадий публицистика индивидуал ижод жараёни, албатта. Бироқ ижтимоий буюртмалар билан йўналтиришга кўпроқ мойиллик билдирувчи ижод туридир. Шу сабабли бадий публицистика ижодкорларини мавзу ва муаммоларга ташкилий йўналтириш тадбирларини аниқ ишлаб чиқиш зарур. Фақат шундай уюштирувчилик асосида ҳаётнинг барча соҳаларини чуқур ва изчил ёритишга эришиш мумкин.



## Тўғроқ Кўнгуллар ҳаётидан

Бир куни Жюль Вердан сўрашди:

— Қайси пайтларда ҳаёлингиз янада ўткирроқ ишлайди?


— Ҳар куни эрталаб уйғонган маҳали, яна ўн дақиқагина мизғиб олсам, деб ўйлаганимда, — дея жавоб берди буюк адиб.

Бир куни кўнгли ғаш Сукрот кечки овқатга ўтираётиб, хотини Ксантипага шундай деди:

— Жонгинам, тўйимиз олдидан «Сенинг кўлингдан бир қадаҳ захар ичинга ҳам тайёрман», деган эдим. Лекин бу қадаҳни ҳар куни уч марта — новуштада, тушлик ва кечки таом пайтида ичаман, деб сира ўйламаганман...

Машҳур рус химиги А. М. Бутлеров камдан-кам одамларда учрайдиган жуда катта жисмоний кучга эга бўлган экан. У бир куни ўртоғиникига йўқлаб борибди. Ўртоғи уйда йўқ экан. Бутлеров хона ичига кўз югуртирибди ва бир бурчакда ётган темир косовни кўриб қолибди. У ўша косовни икки қўли билан эгиб, «Б» ҳарфи шаклига келтирибди-да, кейин жойига қўйиб, уйдан чиқиб кетибди. Уйга қайтган ўртоғи эса бундай «ташриф белгиси»ни кўриб, уни ким қолдириб кетганини дарров фаҳмлабди.

Тўловчи Зикрилла Эгамбердиев



Умарали Норматов

# АДАБИЙ ТАНҚИД ЖОНКУЯРИ

Кўплар қатори эсимни таниб, хат-савод чиқариб дунёдаги етти хазинанинг бири саналмиш сўз санъати намуналари билан таниша бошлаган пайтдан бошлабоқ бу ҳайратомуз мўъжизаларнинг ижодкорлари, улар яратган қаҳрамонлар аслида қанақа одамлар экан, дея ўй суриб, ёзувчи-адибларнинг китоблардаги суратларига термилиб узоқ хаёлларга толардим... Шу орада илк бор ҳам тирик ёзувчини, ҳам тирик қаҳрамонни кўриш шарафига муяссар бўлдим.

Улуғ Ватан уруши йиллари эди. Қўшни қишлоқдан чиққан, ўша кезлари номи тилларда дoston бўлиб кетган Совет Иттифоқи Қаҳрамони Аҳмаджон Шукуров жангдан қисқа муддатли отпуссага келиб бир гуруҳ ҳамроҳлари билан қишлоғимизга ташриф буюрди. Аввал қишлоқ гузарида Қаҳрамон шарафига катта учрашув тантанаси — митинг ўтказилди, сўнг бизникида зиёфат берилди, ўша даврга хос камтарона дастурхон ёзилди. Успирин мезбон сифатида хизмат юзасидан меҳмонхонага кириб-чиқиб турардим, фурсат келиши биланоқ пойгакроқда дадам ёнига чўкка тушиб уй тўрида ўтирган тирик қаҳрамон — кўксида Олтин Юлдуз медали ярақлаб турган Аҳмаджон ака-ю, тирик ёзувчи — чарм куртка кийган, миқтидан келган истараси иссиққина одам — Абдулла Қаҳҳорга ҳайрат ва ҳаяжон билан тикилардим. Аҳмаджон ака жангдаги саргузаштлари — гоҳ шиддатли ҳодисалар, гоҳ ғаройиб, бир оз кулгили воқеалар ҳақида берилиб гапирар, гоҳ қишлоқдаги таниш-билишлар, жангга кетганлар, уларнинг бевалари, бола-чақалари ҳол-аҳволини суриштирар, гоҳо бир дам ташвишларидан андак узоқ кетиб, урушдан бурунги, хусусан Катта Фарғона канали қурилиши даври хотираларини эсга олар, болаликда Рапқонга келганда ўзи гувоҳ бўлган қизиқ-қизиқ ҳангомалардан сўзлар, гоҳо суҳбатга бошқа гапга чечан ҳамқишлоқларимиз қўшилиб даврада аския, кулги-қийқириқ янграрди. Хуллас, Аҳмаджон ака тун ярмидан оққунга қадар даврани тўлдириб, бир уй одамни ўз оғзига қаратиб ўтирди. Ёзувчи Абдулла Қаҳҳор эса ўзига ярашадиган бир сиполик билан суҳбатга қўшилмай, аммо ичдан яйраб-ёзилиб, даврадагиларнинг ҳар бир гап, ҳатти-ҳаракатига зимдан разм солиб, хаёлга толиб ўтирарди: даврада аския, кулги-қийқириқ янграган пайтларда эса хиёл жилмайиб қўярди...

Меҳмонларни кузатгач, эртаси дадам: «Ёзувчи-шоир гапга чечан одам бўлади, деб юрардим. Болалигимда қишлоғимизга шоир Муқимий келган эди, гузардаги чойхонада қизиқ ҳангомалар айтиб, шеър ўқиб тонггача ҳаммани ўзига ром этган эди... Бу Абдулла Қаҳҳор бўлса, шунча ўтириб бир оғиз гапирмаса-я!» — деб қолдилар. Орадан кўп ўтмай Абдулла Қаҳҳорнинг «Олтин Юлдуз» повести чиқди, дадам уни ўқиб: «Буни қаранг-а, нега ўшанда Абдулла Қаҳҳор сира гапга аралашмади десам, нуқул гап териб ўтирган экан-да... Ҳамма ёзганлари шундоққина одамларнинг оғзидан олингандек! Аҳмаджон ҳам қуйиб қўйгандек ўзгинаси... Қойил!» — дедилар.

Дарвоқе, дадам инқилобдан бурун мадрасада таълим олган, араб, форс тилларини яхшигина билар, янгича имлоларни мустақил ўрганган, кўп китоб мутолаа қиладиган одам эдилар; шунга кўра қишлоқ аҳли уни «Қори ака» деб аташарди; қишлоқда совет ҳокимиятини барпо этиш, колхоз тузиши ишларида фаол қатнашган, ҳукумат орден ва медаллари билан мукофотланган, ўша кезлари қишлоқдаги «Совет» колхозига раислик қилар эдилар... Аҳмаджон ака отпуссага

келганида уйига бориб уруш даври жабрини чекавериби паймонаси тўлиб кетган қишлоқ аҳлини жанг қаҳрамони билан таништириш, одамларнинг руҳини кўтариш ниятида уни ва у ҳақда ёзиш пайида ҳамроҳ бўлиб юрган Абдулла Қаҳҳорни қишлоққа таклиф этиб келган эканлар...

Уша-ўша бир бор уйимизда меҳмон бўлган бу ёзувчи бир умр уйимизнинг энг азиз кишисига, ўз одамига айланди. Ушанда даврада сўзи билан эмас, кейинроқ ёзган асари, асаридаги сўзлари, санъати билан фақат дадамнигина эмас, кўпларни қойил қолдирган Абдулла Қаҳҳорнинг ҳар бир янги асарини интизорлик билан кутиб, иштиёқ билан ўқиб, у ҳақда газета ва журналларда нимаики чиқса, барчасини кўзатиб борадиган бўлдим: «Қўшчинор» теварагидаги бахслардан, уларда айтилган ўринсиз аччиқ гаплардан ўқиндим, «Шоҳи сўзана» доврўғидан беҳад қувондим, Қўқон театрида сахнага қўйилганида яёв бориб томоша қилдим. Конибодом педбилим юртида ўқиб юрган кезларим ҳаваскор талабалар бу асарни сахналаштирганларида Одилов ролини ижро этганман, комедия шаҳар клубида бир неча бор намойиш этилиб, ўзбек, тожик томошабинларининг олқишига сазовор бўлган эди...

Орадан йиллар ўтди, Тошкентга келиб университетда, филология факультетида ўқиш, сўнгра аспирантурада таълим олиш nasib этди. Университетда, Ёзувчилар союзида Абдулла Қаҳҳор иштирок этган учрашувлар, ҳар хил адабий анжуманларга қанда қилмай борар, бу аллома адибнинг тўла мағизли, ниҳоятда зарур ва нишонга беҳато урадиган, гоҳ омбурдек узиб оладиган, даврани тўлқинлантириб юборадиган нутқларини мароқ билан эшитар эдим. Абдулла Қаҳҳорнинг ҳар бир чиқиши шаҳар адабий жамоатчилиги оғзига тушиб кетар, яхши маънодаги шов-шувларга сабаб бўларди... Бу одамга бутун вужудим билан талпинсам, бошлаган илмий ишим — ҳикоячилик масалалари бўйича Қаҳҳордек ҳикоя устасидан баъзи нарсаларни сўраб олиш, у билан маслаҳатлашишни кўнгилга тугиб юрсам ҳам, унинг яқинига боришга, ҳатто унга хат ёзиб вақтини олишга журъат этолмас эдим.

Матбуотда баъзи танқидий машқларим, ҳикоя ҳақидаги мақолаларим чиқиб, ўзимча қувониб, ўзгалар, хусусан ёзувчилар бу ҳақда нима дер экан, дея ҳадиксираб юрган пайтларим — 1960 йили кутилмаганда Абдулла Қаҳҳордан мактуб келиб қолса бўладими... Хат қисқа, лўнда эди, «Ўзбекистон маданияти»да чиққан ҳикоя ҳақидаги бир мақолам, айниқса ундаги айрим бўш ҳикоялар хусусида билдирган танқидий мулоҳазалар маъқул бўлгани айтилган эди... Ушанда қандай ҳолатга тушганлигимни таъриф-таъсиф этишга қаламим ожизлик қилади, бунинг учун фақат ёзувчи бўлиш керак...

Шундан кейин дадилроқ бўлибми ёки бир оз ҳовлиқибми, кетма-кет мақолаларни қалаштириб ташлай бошладим; танқид тифини хийла кескинлаштириб, кўпроқ беозор ёшларга қаратар эдим. Шу орада Ёзувчилар союзида қандайдир адабий йиғин бўлди-ю, Абдулла Қаҳҳор сўз олди; жумладан, ёшлар ижоди ва адабий танқидчилик хусусида тўхталиб, кутилмаганда: «Менинг ёш танқидчи Умарали Норматовдан умидим катта эди, мен уни ҳалол, объектив мунаққид деб билардим... «Маданият»даги кейинги мақоласини ўқиб қаттиқ ранжидим. Умарали худди цирк паҳлавонлари каби енг шимариб майдонга тушибди-да, иккита улўғга таъзим қилиб, сўнг кучи етадиган ёшларни роса дўппослабди...» — деса бўладими...

Бу сўзларни эшитиб аъзон-баданимдан тер чиқиб кетди. Абдулла Қаҳҳор ҳақ эди, ўша мақоламда иккита мансабдор ёзувчининг ўртачароқ асарлари кўкларга кўтариб мақталган, ҳали суяги қотмаган ёшларнинг ҳикоялари эса хийла танқид қилинган эди. Бу дакки мен учун унутилмас сабоқ бўлди.

Сал фурсат ўтмай Абдулла Қаҳҳор мени устозим Озод Шарафиддинов орқали уйига — Дўрмондаги боғига таклиф этдилар. Мен у кишига рўпара келишим биланоқ Озод акага қараб: «Умарали шуми, ўзим ҳам шундоқ бўлса керак, деб юрардим», — дедилар, сўнг бизни айвонга таклиф қилдилар. Стол теварагида узоқ суҳбат бошланди, Озод ака ўзига хос одамшавандалик билан гапни гапга улаб турди... Билдимки, Абдулла Қаҳҳор даврада мен илк бор уйимизда кўрганимдагидек ўта «индамас» одам эмас экан; аммо гурунгда узундан-узоқ сўзлаш, ҳикоя қилишни эмас, суҳбатдошларини гапга солишни, кўпроқ уларни тинглашни хуш кўрар экан. Ўзига гап келганда лўнда, жонли, образли қилиб гапирар, гап-сўзлари ҳамиша ҳикматларга бой, лекин дидактикалар, панд-насиҳатлардан холи ва, албатта, юмор, пичинг, киноя-кесатиқлар билан йўғрилиб кетар, гапирганда ҳеч қачон овозини баланд кўтармас, эҳтиросга берилмас, бироқ кўнглидаги эҳтирос, ҳис-ҳаяжонларни суҳбатдошига тўла етказа олар экан. Унинг сўзлаш оҳанги, даврадагилар билан суҳбат, мулоқот тарзи менга шундоққина ҳикояларидаги персонажлар нутқи, диалогини эслатади.

Ушанда суҳбатимиз асосан адабий танқид тустиде борди. Абдулла ака ўзбек адабий танқидчилиги чинакамига оёққа туриб келаётганлиги, Матёқуб Қўшжонов,



Лазиз Қаюмов; Озод Шарафиддинов, Салоҳиддин Мамажонов, Норбой Худойбергенов мақолалари, уларнинг яхши фазилатлари хусусида гапирди. Танқид учун энг муҳими — истеъдод, катта билим, шу билан баробар ҳалоллик ва объективлик эканлигини алоҳида таъкидлади. «Танқид, танқидчи ҳаммадан бурун ҳалол бўлиши керак, — деган эди у ўша гурунгда. — Танқид ниҳоятда покиза бир майдон. Биласизларми, мусулмонлар назарида масжид покиза даргоҳ саналади. Таомилга кўра бу даргоҳга кирадиган одам ювинган-таранган бўлиши шарт. Бир оз эриш туюлса-да, танқид майдонини ҳам шунга қиёс қилиш мумкин. Бу майдонга қадам қўйган одам ҳам ўта покиза, ҳар қандай ғуборлардан, шахсий таъма, ғаразлардан бутунлай холи бўлиши шарт; бу майдонда у фақат бир нарсани — адабиёт, халқ манфаатларинигина ўйлаши керак. Шахсий таъма, ғараз ёки бошқа субъектив майллар аралашдими, иш тамом деяверинг. Танқид майдонида эътиқоддан салгина бўлсин четга чиқишнинг реал, хунук оқибати бор. Бундан ёзувчи, танқид, адабиёт, қолаверса халқ зарар кўради...»

Бу гапларни у албатта, бўлиб-бўлиб, орада неча бор суҳбатдошлари. Луқмасини тинглаб, уларни шунга ундаб туриб айтди.

Шу даврада Абдулла ака айтган яна бир гап ёдимда қолган. Ўша кезлари танқидчиликда жавлон урган, деярли ҳар куни газеталарда қулоч-қулоч мақолалари билан чиқиб турадиган, адабий мажлисларда албатта сўзга чиқиб узоқ гапирадиган, нуқул аравани қуруқ олиб қочадиган бир мунаққид ҳақида сўз очиб: «Бу одам танқидчилик ҳунарини нуқул ёзиш-чизиш, газета-журналларда мақола чиқаришу минбарда булбулгўё бўлиб сайраш, деб билади шекилли. Мажлисларда унга разм солсам, гапирмаган пайтлари ҳам оғзи очилиб-ёпилиб турар экан, ичда тинмай сайраса керак... Ҳолбуки танқидчи ҳам худди ёзувчи, шоир каби кўнглида айтадиган зарур гапи, кўпчиликка керакли фикри бўлса, кўнгли дардини ёрмаса туролмайдиган ҳолга тушсагина гапириши, кўлига қалам олиши керак-ку, ахир! Белинский билан Добролюбов мақолаларини ўқиб кўринг! Улардаги гапларни айтмаслик, ёзмаслик мумкинмиди?! Асло! Қандай ҳолда ва нима мақсадда ёзиш, гапириш кераклигини ана ўша алломалардан ўрганиш лозим!» — деган эди.

Бу суҳбат менинг адабий танқид ҳақидаги содда тасаввуримни алғов-далғов қилиб юборди. Авваллари танқидчилик табиати, принциплари ҳақида анча-мунча нарсалар ўқиган бўлсам ҳам ўшанда илк бор танқиднинг асл табиатини, танқид ва танқидчининг ёзувчи, адабиёт, халқ олдидаги ниҳоятда катта масъулияти, танқидчининг юксак инсоний ва граждонлик бурчини юракдан ҳис этгандай бўлдим.

Абдулла Қаҳҳорнинг ўзи танқидчилик фаолиятида шу принципларга риоя этишнинг яхши намунасини кўрсатган. Унинг марказий матбуотда, хусусан «Литературная газета»да, қолаверса ўзимизда босилган қатор мақолалари, адабий анжуманларда сўзлаган нутқлари, ҳамкасб дўстлар даврасида айтган гаплари бунинг ёрқин далили. Адибнинг ўз вақтида матбуотда чиққан, кейинчалик тўпламларидан жой олган мақолалари, катта адабий йиғинларда тингловчиларни тўлқинлантирган нутқлари кўпчиликка аён. Мен саккиз йил давомида Абдулла аканинг гоҳ шаҳар ҳовлисида, гоҳ Дўрмондаги боғида у киши билан яккама-якка учрашувларда, кўпинча Саид Аҳмад, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддиновлар, шунингдек, мен тенги ва мандав ёшроқ танқидчи, ёзувчилар — Улмас Умарбеков, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаев, Учқун Назаров, Норбой Худойбергеновлар иштирок этган гурунгларида айтган айрим характерли танқидий гап-сўзларини, мулоҳазаларини эсга олганимда, ҳаммиша бу одамнинг юксак эътиқодига, ҳалол ва принципааллигига ич-ичимдан тан бераман.

Ҳар гал унинг хонадонига борганимда адибнинг умр йўлдоши Кибриё опа биринчи бўлиб эшик очар, очик чеҳра билан қарши олар, Абдулла аканинг ҳузурига бошлаб кирар, ниҳоятда дид билан дастурхон тузаб, сўнг суҳбатга халақит бермаслик учун бўлса керак бизни холи қўяр эди.

Абдулла аканинг ҳар бир адиб — ўзига тенгдош ёзувчилари, шогирдлари, истеъдодли ёшлар ҳақида аниқ-равшан қараш бор эди. Айниқса у ўзига тенгдош улкан талентларни ниҳоятда юксак кадрлар эди. Бир гал Ойбек ҳақида сўз очиб шундай деган эди: «У ўзбек адабиётида бамисоли ҳамма томондан барчанинг кўзига ташланиб турадиган улкан, салобатли қоя. Булутли кунлар довуллари ҳам, серғалва давр зилзилалари ҳам бу қояни қулата олмади. Аммо, афсус, ўша довулу зилзилалар пайтида унга дарз кетди. Шунга қарамай у ҳамон қоядай бардам туриб, тинмай ижод қиляпти».

Ғафур Ғулом вафотидан сўнг ҳам афсус, ҳам ғурур билан деган эди: «У мислсиз истеъдод эгаси эди. Афсуски ўзидаги шу улкан истеъдоднинг ҳаммасини тўла ишга соломмай, тўқсон фойизини ўзи билан олиб кетди. Аммо шу

ишга солинган истеъдод маҳсули билан ҳам у адабиётимизда классик бўлиб қолаверади».

Мақсуд Шайхзоданинг дафн маросимидан қайтаётганимизда бир гуруҳ адабиётшуносларга қараб: «Мақсуднинг шоирлиғи, драматурглиғи бир ёққа кўйиб турганда ҳам, адабиётшунос-танқидчи сифатида ўзбек адабиётшунослиғининг ярмини ташкил этарди. Афсус, шундай одам кетди. Энди қолган ярмини ўзаро бўлишиб оласизлар», деганди.

Абдулла Қаҳҳор адабиётдаги янгиликларни, ҳар бир ёзувчи ижодини синчиклаб кўзатиб борар, улар-истеъдоди, ижодига хос бош хусусиятларни, уларнинг ютуқ ҳамда камчиликларини аксари бехато белгилаб олар, ютуқлари ҳақида қувониб, камчиликлари тўғрисида эса куюниб гапирар эди. Мабодо асарида жиддий хато, камчилик кўрса, ким бўлишдан қатъий назар, бор гапни хоҳ юзига, хоҳ мақоласи орқали, хоҳ минбарда туриб дангал айтаверар эди.

У Саид Аҳмадни ўзига ниҳоятда яқин олар, асарларидаги миллий руҳни, халқчил юмор ва жўшқин эҳтиросни хуш кўрар, шу билан баробар: «Бир оз шошилади, керакли ўринларда эҳтиросини жиловлай билмайди, гоҳо китобхон кулавермаса қитиклаб кулдиришга, йиғлайвермаса кўзига пиёз суртиб йиғлатишга уринади», — деб койирди. «Уфқ» романи, «Турналар» ҳикояси ўзбек адабиётининг юзини, бугунги бўй-бастини кўрсатадиган, жиддий таҳлилларга арзийдиган асарлар, деб атаганини ва ўша ўзи ардоқлайдиган адибнинг матбуотда бўш ҳикояси ёки ҳажвияси чиқиб қолганида эса қаттиқ ранжиганлигини кўп кўрганман. «Саид Аҳмаднинг «Микроб»ини ўқидингизми?» — деб сўраб қолди бир куни ва ўзи давом этди. — Ҳар нарсадан жирканавериб асаб касалига мубтало бўлиб қолган одам устидан кулиб ёзибди. Касал одамни ҳажв қилиб бўладими? Ҳажвчи тан, асаб касали эмас, социал жароҳатлар устидан кулиши керак-ку!.. Сиз — танқидчилар бунақа ҳолларга бефарқ қарамасликларинг лозим...»

Одил Ёқубов билан Пиримуқул Қодировни у янги типдаги билимдон, ҳозирги рус ва жаҳон тараққийпарвар адабиётидан чуқур хабардор, чинакамига русча таълим кўрган ёзувчилар деб биларди. «Аммо уларнинг тил ва ифодаларида бир оз шира, ўзбекона руҳ етишмайди... Улар гоҳо русча ўйлаб, ўзбекча ёзишади», — дерди. «Газетада Одилнинг янги романидан парча ўқидим, — деди у бир гал. — Одил роман қўлёзмасини кўриб беринг, деяпти. «Ўтмишдан эртаклар»ни ниҳоясига етказиш билан овораман... Қўлёзмасини ўқишга сира фурсат тополма-япман... Газетада чиққан парчадан ҳам кўриниб турибдики, асар ёшлик эҳтироси билан ёниб ёзилибди. Бироқ Одил эҳтиросга берилиб гоҳо шеър тилида гапиришга уринибди. Тилдаги инверсия шеърда ўзини оқласа ҳам прозада унча кетмайди. Бунақа тил-ифода Туроб Тўлага ярашади, Одилга эса сира ўтиришмабди... Буни ҳозироқ унга айтиш керак».

Абдулла ака О. Ёқубовга буни айтган бўлса керак, ёзувчи устоз маслаҳатини олиб, асар тили устида ишлагани аниқ, роман, яъни «Эр бошига иш тушса...» журналда тўла чиққанида ўша Абдулла Қаҳҳор айтган камчиликлар тузатилган эди.

Абдулла ака ўзи танқид қилган ёзувчининг яхши асари чиққанига қувона билар эди. Чунончи Мирмуҳсиннинг «Зиёд ва Адиба» романи тўғрисида анча кескин салбий фикр билдирган адиб бир сўхбатда унинг «Араб ҳикоялари» туркуми, аниқроғи, шу туркумдаги «Йўқолган жавоҳир» билан «Искандария кўрфази» ҳақида мамнуният билан: «Буларни асар деса бўлади. Уларда ҳаёт бор, қалб кўри бор, дард, одам боласининг ташвишига ҳамдардлик бор», — деган эди.

«Эркин Воҳидовни шахсан танийсизми?» — деб сўради бир куни. — Жуда ақлли, билимдон, ўта серандиша, етти ўлчаб бир кесадинга йигит кўринади. Буни шеърларидан ҳам билса бўлади... Лекин шеърятда, ижодда ўта эҳтиёткорлик ҳар доим ҳам ўзини оқлайвермайди... Буни Эркинга тушунтириш керак.»

Адибнинг айниқса шоир Абдулла Ориповга ихлоси баланд эди. Шоирнинг «Муножотни тинглаб» шеърини ўқиб, узоқ хаёлга толиб, сўнг шундай деганди: «Ўзи боладай масъум, беозор, осойишта кўринса ҳам юрагида ғалаён жўш уриб туради. Замонлар драмасини, одамлар дардию ғамини бутун вужуди билан ҳис этган... Ҳис-ҳаяжонлари, айтмоқчи бўлган гаплари кўнглидан шаршарадек шитоб билан отилиб чиқса керак, уларни қоғозга туширишда қўли шошилиб қоларов дейман... Бунақа ноёб талантни ёмон кўздан асраш лозим.»

— Ўткир куйиб-ёниб, ўртаниб, завқ билан ёзади... Қани энди шундай истеъдод тезроқ кенгроқ уфққа, Иттифоқ минбарига чиқиб олса! — деди у Дўрмондаги учрашувларимиздан бирида ва «Мухаббат» ҳикоясининг фазилатлари ҳақида гапириб, у ҳақда махсус мақола ёзишни менга маслаҳат берди.

Абдулла Қаҳҳор ўз ижоди ҳақида ёзилган илмий ишлар, мақолалар устида ҳам одилона фикр юритар эди. У ўзининг инсонлик, ёзувчилик шаънини юксак қадрлар, керак бўлганида қаттиқ туриб ўзини ҳимоя қила олар, шу билан бирга ўз ижодидаги яхши ва заиф асарларни фарқлай билар, асарларидаги кам-кўстларни мардона туриб тан оларди.

У афсус-надомат билан деганди: «Лазизхоннинг 1957 йили «Ўзбекистон маданияти»да чиққан мақоласига қадар «Сароб» йигирма йил танқид таъқибида бўлди. «Сароб» илк бор босилганида сочимда бирорта ҳам оқ тола йўқ эди. «Сароб» тўфайли йигирма йил бошимда танқид таъғи синавериб сочимнинг бирор-та ҳам қора толаси қолмади...

«Даҳшат» тўғрисида «Шарқ юлдузи»да босилган мақоламни ўқиб: «Ҳикоядаги лаҳм жойларини сихга тортгандай тизиб чиқибсиз... «Даҳшат» қаҳрамони билан «Ўғри», «Бемор», «Анор» ҳикоялари персонажлари орасидаги фарқни ҳам тўғри топибсиз...» — деди. «Нурли чўққилар» тўғрисидаги мақоламни ўқиганда эса: «Мақтовни ошириб юборибсиз, ҳикояни нурли чўққига чиқариб қўйибсиз», — дея дакки берганди.

Бадий адабиёт нашриёти Абдулла Қаҳҳор туғилган куннинг олтмиш йиллигига бағишлаб унинг ижоди ҳақида монография тайёрлайдиган бўлди. Монографияни ёзиш танқидчи Матёқуб Қўшжоновага топширилган эди. Матёқуб ака мендан китобнинг ҳикоячиликка оид қисмини ёзишни таклиф этди. Китоб дастлаб «Тасдиқ ва инкор устаси» деб аталган эди. Матёқуб ака Абдулла Қаҳҳордан китоб номи хусусида фикрини сўраганида бундай ном унга маъқул тушмади. Сўнг китобни «Маҳорат сирлари» деб аташга қарор қилдик. Буни эшитиб Абдулла Қаҳҳор: «Яхши ном, аммо бундай ном Навоий, Толстой, Чехов ҳақидаги китобларга ярошади. Уларнинг ижоди маҳорат сирларига тўла... Менда «сир» нима қилсин... Иложи борича бошқа одмироқ ном топинглар», — деб илтимос қилди. Бошқа «одмироқ» ном топилмади, китоб «Маҳорат сирлари» номи остида чиқди, аммо уни ёзувчининг ўзи кўрмай кетди. Агар ҳаёт бўлганида китоб шу ном билан чиққани учун ранжирмиди...

«Ўтмишдан эртактлар» университет студентлари даврасида муҳокама этилганида нотиклардан бири асарнинг охириги қисмлари, хусусан «Қўқон харобалари орасида» боби бир оз бўш ёзилгани, тасвир суръати жуда тезлашиб кетгани, бу ерда аввалги бобларга хос жонли, лўнда лавҳалар, ёрқин, тугал характерлар йўқлиги ҳақида тортинмай гапирди. Шунда Абдулла ака қулоғимга шивирлади: «Бу бола бало экан-ку! «Эртактлар»нинг заиф жойини топиб ўқини нишонга бехато урди-я!»

Ҳамиша ҳақ гапни айтгани, ҳақиқат олдида ҳеч кимни, ҳатто ўзини ҳам аямагани учун бўлса керак, ҳақиқий истеъдод эгалари, гарчи ундан қаттиқ дакки эшитсалар-да, барибир унга талпинаверардилар. Абдулла Қаҳҳор бамисоли оҳанрабодек чин истеъдод маъданларини, хусусан ёш истеъдодларни ўзига тортиб турарди. Истеъдоддан маҳрум шухратпараст қаламкашлар эса унинг ҳақ сўзига, аччиқ танқидига дош беролмай пайт топиб ундан ўч олишга ҳаракат қилардилар.

Бир йиғинда шундай кимсалар Абдулла ака айтган ҳақ ва аччиқ гап учун унга қаттиқ ташланганликларини эшитиб, кечқурун кўнгил сўраш учун уйига бордик. Даврада ўтирган ўта андишали, мулоҳазакор ёзувчи — шогирдларидан бири Абдулла ака кўнглини кўтарадиган кўп яхши сўзлар айтди, пировардида умуман олганда катта ёзувчи бунақа жанжаллардан узоқроқ юргани, тинчгина ижод билан машғул бўлгани маъқул, деган маънода гап қилди. Абдулла ака унинг сўзларини жимгина тинглаб бўлиб осойишталик билан Нозим Ҳикматнинг инсон ёнмоғи кераклиги ҳақидаги машҳур сатрларини туркча ёд айтди. Сўнг: «Эс-ҳуши жойида ҳар бир одам кўриб-билиб турган ҳақиқатни мен айтмасам, Сиз айтмасангиз, биров айтмаса, ким айтади!» дея илова қилди.

Адиб хуш кўрадиган танқидчилардан бири ўз мақоласида номдор бир шоирнинг бўш шеърларини танқид қилгани учун дакки эшитиб руҳи тушиб юрганида Абдулла ака унга далда бериб: «бардам бўл, агар ўзини шоир-ёзувчи деб санайдиган одамда озгина истеъдод ва инсоф бўлса, эртами-кечми ҳақ гапга, адолатли танқидга тан беради. Агар унда иккиси ҳам бўлмаса, ҳақ гапинг учун кетингдан болта олиб югурди... Агар шунақа кимсаларнинг болтасидан кўрқсанг, яхсиси, танқидчилик дастгоҳингни йиғиштир-да, вақтида бошқа бирор тинчроқ, ёғлироқ касбнинг этагидан тут!» — деганди.

Абдулла Қаҳҳор бевосита адабиёт назарияси билан махсус шуғулланган ёки шуғулланмаганини билмайман, аммо адабиёт, танқид табиати, қонуниятлари, принциплари хусусида айтган пишиқ-пухта гапларини кўп эшитганман. Бир гал социалистик реализм ҳақида гап кетганда шундай деганди: «Яқинда Польшадан келган адабиётчилар мендан шу хусусдаги фикримни сўрашди. Мен уларга: «Социалистик реализм кўча қодалари йиғиндиси эмас. У ёзувчи йўлини, чин ҳақиқатга элтадиган йўлни ёритиб турувчи маёқ», — деб жавоб қилган эдим, маъқул бўлди шекилли, ён дафтарларига шу сўзларимни ёзиб олишди».

«Танқиднинг энг асосий вазифаси — талантни, талантли асарларни кашф этиш», — деган сўзларни кўп такрорларди, ва танқидчи дўстларини, шогирдларини шунга даъват этарди.

Абдулла Қаҳҳор умрининг сўнгги йилларида Ёзувчилар союзидаги шоир Миртемир бош бўлган ёшлар семинари машғулотларига мунтазам қатнашар, муҳокама, мунозара қатнашчилари, айниқса ёшларнинг сўзларини эътибор билан тинглар, ён дафтарига доимо нималарнидир қайд қилиб ўтирар, аммо ҳар қанча қистовга олишса ҳам бу йиғинларда сўзга чиқмас, гапирмас эди. Мен бунинг сабабини сўраганимда: «Ёшлар ҳаётидан асарлар ёзиш ниятидаман. Ҳозирги ёшлар дили, тили, қайфиятини бизлардан кўра ёш ижодкорлар яхшироқ билади, нозик ҳис этади... Ёшлар олдида гапириб, уларга ўргатиш учун эмас, улардан ўрганиш учун бу ерларда юрибман», — деб жавоб қилган эди.

Булар саккиз йил давомида Абдулла Қаҳҳор билан бўлган мулоқотлар, ўзим гувоҳ бўлган воқеа-ҳодисалар, ўз оғзидан эшитган гапларнинг бир қисми, холос. Афсуски, ўз вақтида кундаликлар тутиб, уларни ёзиб қўймаган эканман. Менинг хотирамда қолган ва юқорида келтирилган унинг гаплари, эҳтимол, айнан унинг ўзи айтгандай эмасдир. Аслида улар мен келтиргандан кўра лўнда, образли, ширали, таъсирчанроқ экани шубҳасиз.

Ниҳоят, Абдулла Қаҳҳорнинг кўп ёшлар қатори менга кўрсатган шахсий ғамхўрлигидан, жонкуярлигидан, маслаҳат ва мададларидан беҳад миннатдор эканлигимни ҳам айтиб ўтишим керак. У менинг оилавий, моддий аҳволим, яшаш, ишлаш шароитим, ўқишим ҳақида доимо суриштириб турар эди. Мени Ёзувчилар союзига ўтишга илк бор маслаҳат берган, бировнинг уйини ижарага олиб ночор туришимни билиб Ёзувчилар союзидаги масъул шахсларни хабардор этган, туриш-турмушимизни билиб келиш учун биз яшайдиган уйга шахсан ўша пайтлари республикамизда яшаб ижод этаётган ёзувчи Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. Карповни юборган, оғир хасталикка дучор бўлганимда ўзига таниш бир тажрибали врачга кўрсатган ва яна кўп ғамхўрликлар қилган бу табаррук зот олдида бир умр маънавий қарздорман. Абдулла Қаҳҳордек буюк сўз санъаткори олтамиш йиллик тўйи арафасида у ҳақда кинофильм яратмоқчи бўлганларида мендек оддий бир танқидчини талай шогирдлари, истеъдодли ёш ёзувчилар қатори суратга тушиш учун таклиф этганида ҳам қувонч, ҳам хижолатдан ўзимни кўярга жой тополмай қолганман.

Устоз Абдулла Қаҳҳор ҳақида ўйлаганимда бир шоирнинг адиблар айтган панд-насиҳатлари билан эмас, ижоди, шахсий ибрати, кўрсатган жасоратлари билан устозга айланадилар, деган сатрлари ёдимга тушади. Абдулла Қаҳҳор бебаҳо, ўлмас асарлари билангина эмас, бевосита амалий ишлари, шахсий ибрати, юксак эътиқоди, метин иродаси, ҳақиқат йўлида жонбозлиги, жасорати билан бизлар учун устоз-мураббий эди ва шундай бўлиб қолаверади.





Худойберди Тўхтабоев

# ШИРИН ҚОВУНЛАР МАМЛАКАТИДА ЁКИ

Саргузашт  
Фантастика

Роман

БИРИНЧИ ҚИСМ

I боб

## Мен Ақром Қовунчи бўламан

Гап қўшмай турсангиз, ҳаммасини бир бошдан сўзлаб бераман, бўлган воқеа қандай юз берган бўлса, қасам ичиб айтаманки, ҳеч нарса қўшмасдан, ҳеч нарсани олиб ташламасдан шундайлигича айтаман. Елғончи эмасман. Елғон гапирган одамни кўрсам, етти кун ҳиқичоқ тутади. Уёғини сўрасангиз, ёлғон гапиришни, бирга ўнни қўшиб сўзлашни Ҳошимга чиқарган. Ҳошимни танийсизми? Ие, Рўзивой аканинг сартарош ўғлини танимайсизми? Йўқ, танийсиз. Ҳозир эсингизга тушираман. Унинг тўғрисида Тўхтабоев деган ёзувчи китоб ёзган. Уша китобни мақтанчоқ ўртоғим Ҳошим яна ҳам мақтаниб юриш учун атайлаб ёздирган. Ёзувчи амаки отпускасини ўтказиш, ширин-шакар меваларни еб, сойларда мазза қилиб чўмилиш учун қишлоғимизга меҳмон бўлиб келувдилар. Ҳошим унинг соч-соқолини текинга олиб қўйган, атирларнинг ҳам энг хушбўйларида сепган бўлса керак. Бундан ташқари, ўша пайтда, Ҳошимларнинг ола сигири янги туққан эди, ёзувчига қатик

олиб ўтганини қишлоқдаги болалар бир неча бор кўришган экан. Бўлмаса, шунча аълочи болалар уёқда қолиб, бориб-бориб мақтанчоқ Ҳошим ҳақида китоб ёзармиди? Бундан ташқари, диққат қилган бўлсангиз, ўша китобдан янги ивигилган қатиқнинг ҳиди келиб туради. Мен ҳидни яхши биламан, минг бир нарсанинг ҳидини минг метр наридан туриб фарқлай оламан. Уша ёзувчи менинг номимни ҳам бир неча бор тилга олиб ўтган. Уқиган бўлсангиз, китобда «Ақром бўри ушлабди» деган боби бор. Бўрининг боласини ушлаб олганим тўғри, уни аравачага қўшиб цирк томошаси кўрсатмоқчи бўлганим ҳам рост. Лекин Ҳошимнинг, Ақром шу бўри боласига маҳлиё бўлиб, яхши ўқий олмай, олтинчи синфда қолиб кетди, дегани ғирт ёлғон. Тўғри, мен ўша йили олтинчи синфдан қолиб кетганман, лекин ёмон ўқиганим учун эмас, йўқ, зинҳор бундай деб ўйламанг. Уша йили сизга очигини айтсам, бутун мактабимиз бўйича «тўрт» ва «беш» баҳолар запаси камайиб қолган экан. Шунинг учун муаллимлар менга нуқул ё «уч», ё «икки» қўяверишган. Уқитувчилар: «Ақромжон, сен ўзи ажойиб боласан-у, лекин, бари бир сенга икки қўйишга тўғри келади-да», — деб бир неча бор уэр сўрашган. Хуллас, айб менда эмас эди. Ҳошим бўлса, бутун айбни мен билан бўрининг боласига тўнкаб, ўзини оппоқ қилиб кўрсатмоқчи бўлган. Хуллас, мана шунақа гаплар. Хўп, нима деётган эдим? Ана холос, ҳаммаси эсимдан чиқди-қолди! Уф, ўзи мен сал шунақароқман. Бир нарса ҳақида гапириб тураман-у, тўсатдан эсимга бошқа нарса келиб қолади. Кейин ўша ҳақда хаёл суриб кетаман. Мана, масалан, география дарсида ўтирибмиз, дейлик. Муаллим йўқламани қилиб бўлгач, ўтган дарсда қайси мавзунини ўтган эдик, деб сўрайди. Ҳамма қўл кўтаради, мен ҳам кўтараман. Муаллим: «Ақром Мадумаров, доскага чиқ», — дейди. Чиқаман. «Демак, Гибралтар бўғозини ўтганмиз, шундайми?» «Шундай», — дейман. «Қани, бошла», — дейди муаллим. Кўзларимни хиёл қисиб, чеккамни қашлаб, бир оз жим тураман-да, бошлаб юбораман. Гибралтар бўғозининг қайси денгизларни туташтириб турганини, бу денгизлар қайси мамлакатга қарашли эканини, бўғознинг юк ташишдаги аҳамиятини айтаман. Кейин миямда «бўғоз» деган сўз айланаверади. Тўсатдан: «сигиримиз бу йил бўғоз эмас, эссизгина, қисир қолди-я», — деб ўйлайман...

— Нега жим қолдинг? — деб сўрайди муаллим.

— Жим бўлганим йўқ, — дейман, ҳамон ўйга толиб.

— Гапир бўлмаса, — дейди муаллим.

— Сигиримиз бўғоз эмас, — дейман.

— Нима?! — дейди муаллим ўрнидан хиёл қўзғалиб.

— Энди сут масаласи чатоқ бўлади-да.

— Нима-нима?! — деб муаллим ўрнидан туриб кетади.

— Ҳошимнинг бувисидан сут сўрагандан кўра... — дея дудуқлана бошлайман.

— Товба! — дея муаллим ёқасини ушлаб қолади.

Синфда гуриллаб кулги кўтарилади. Муаллим ҳам кула бошлайди. Кўпчиликдан қолиш яхшимас деб ўзим ҳам жўр бўламан. Мириқиб-мириқиб куламиз. Муаллим кулгидан тўхтаб, қовоғини уйиб:

— Утир, — дейди, — баҳонг «икки»!

Мана шунақа камчилигим бор. Зарур гапни ўрнида айтолмайман. Шунинг учун ҳам тенгқурларим менга «Қовунчи» деб лақаб қўйишган. Яъни мен тез-тез қовун тушириб турармишман. Лақабим Қовунчи бўлганига қадар «қовун туширди» деган гапнинг мазмунига унча тушунмас эдим. Кейин ўйлаб қарасам, ўрнида айтилмаган ҳар бир гап, ўрнида бажарилмаган ҳар бир юмуш кераксиз жойга қовун туширгандек бир гап экан... Хуллас, мана шунақа гаплар... Уёғини суриштирсангиз ўзим ҳам қовунни ўлгудай яхши кўраман. Лақабим Ақром қовунчи бўлгани учун эмас, йўқ, йўқ, ундай деб ўйламанг, қовун ширин бўлгани, боз устига, еётганда тану жоним яйраб кетгани учун яхши кўраман. Ҳеч ким, ҳатто муаллимлар ҳам қовунни менчалик билмайди. Рост айтаяпман. Бемаза қовуннинг уруғи кўп бўлади, деган мақол бор, тўғрими? Хўш, тўғри бўлса, айтинг-чи, нега унинг уруғи кўп бўлади, нега? Ана, билмас экансиз-ку! Мен биламан. Айтиб берайми? Қулоқ солинг бўлмаса. Қовун гул ташлагандан кейин бармоқдакина хомакча пайдо бўлади. Хомакча палакни сўриб катта бўлади. Томирларда пайдо бўлиб, палаклар орқали оқиб келаётган озиқ сут хомакчанинг оғзига қўйилиб туради. Ана шу сутни уруғлар кўпроқ сўрса, улар кўпайиб кетади-ю, қовуннинг эти бемаза бўлиб қолади. Қалай, билар эканманми? Мен яна қовунларнинг етмиш олти хилини ҳидига қараб ажрата оламан. Кўзимни етти қават дока билан бойлаб қўйиб қовунни орқангизга беркитсангиз:

— Бу босволди, бу чалапишган бегимсуйди, бу банжида бўлган оқуруғ, бу бир ёнга офтоб тегмаган қизилуруғ, — деб, бехато айтавераман.

Маҳалламизда Саври хола деган кампир бор. Бир куни кўчамиздаги болалар билан бас бойлашиб, бир арава қовун ютиб олганимни кўриб: «Суф, суф, болам,

кўз тегмасин. Одамларнинг ақли калласида бўларди, сенинг ақлинг бурнингда экан, бурнингни эҳтиёт қил» — деб насиҳат қилгани ҳали-ҳали эсимда. Ишонсангиз, ўшандан буён гоҳо ёмон болалар билан муштлашиб қолгудай бўлсам калламни эмас, бурнимни эҳтиёт қиламан. Менинг бошқаларда учрамайдиган яна битта фазилатим бор. Айтиб берардим-у, лекин бари бир ишонмайсиз-да! Ҳа, майли, ишонмасангиз ҳам айтаман. Мен қовунни қўлимга олишим билан унинг ичида неча дона уруғ борлигини ҳам бехато айта оламан. Қовунни кафтимга қўйиб кўзимни юмишим билан, кўз ўнгимда телевизор экранига ўхшаш сарғиш бир лаган пайдо бўладию шу лаган сатҳида уруғлар дона-дона бўлиб бир томонга сурилиб ўтаверади. Эҳ-ҳе, бу ҳақда аввал кўчамизда, кейин мактабда, ундан кейин район марказида ўтказилган катта қовун сайлларида неча-неча марталаб баҳс бойланмади дейсиз! Фақат бир мартагина хато қилиб қўйганман, холос. Қирқма қовунни қўлимга тутқазиб:

— Ай! — дейишди.

Кўзимни чирт юмиб, сарғиш экранда намоён бўлган дона-дона уруғларга бир нигоҳ ташладим-да:

— Етти юзу қирқ! — дедим.

— Сўй! — дейишди.

Сўйиб, санаб кўришсаки, етти юзу қирқ битта уруғи бор экан. Роса хафа бўлдим, дунё-дунём қоронғи бўлиб кетди. Уруғларни ўзим қайтадан санай бошладим. Эҳ-ҳа, мана, хато қаерда экан! Уруғлардан бири эгизак, яъни, мақтанчоқ ўртоғим Ҳошимжоннинг тили билан баён қиладиган бўлсак, Ҳасан-Ҳусан экан. Ҳасани яхши ривожланиб, Ҳусанини тагига босиб олгани учун кўз ташлаганимда яхши илғамай қолган эканман...

Хуллас, Ҳошим ўртоғимнинг ёлғон-яшиқ гаплари орқали мен ҳам сизга қисман танишман. Мабодо тоғ орасидаги мана шу Сойбоши қишлоғига йўлингиз тушиб, кўча-кўйдаи, сурнай чалиниб зиёфат берилаётган тўй-маъракадами, ўртабўй, хуппа семиз, чўзиқдан келган юзи сарғайиб пишган ҳандалакка хиёл ўхшаб кетадиган, қоп-қора кўзлари ҳамиша кулиб, чарақлаб, сергўшт лаблари қизик бир нарса айтмоқчидай табассумга мойилнамо қимтибиб турадиган йигитчага дуч келсангиз, ўша — менман! Мана, қаршингизда ўтирибман. Ҳикояни давом эттираверайми? Хўп бўлмаса, жиндай сув ичиб олай, сув ичсам гапим равонроқ кетади-да. Сизга айтадиган энг катта ҳикоямни бошлашдан олдин, яна бир воқеа эсимга келиб қолди. Рухсат берсангиз шунини ҳам тугатиб олсам. Сизга Катта Тағоблик Ҳошимжон билан қандай танишлигимни айтдим-у, ундан қандай ажралганимни ва ажралишганимиздан сўнг бошимда нималар ўтганини айтмабман. Шуларни айтиб берсам майлими, шошаётганингиз йўқми?

## II Боб

### Ойижоним бурнимни кесиб ташламоқчи бўлгани

Тўғри, олтинчи синфда қолиб кетдим, буни ҳеч кимдан яширмайман. Лекин, сабаби, ҳали айтганимдек, ёмон ўқиганим эмас. Балки мактабимизда яхши баҳолар тугаб қолгани учун шунақа бўлди. Ахир ёмон баҳоларни ҳам кимдир олиши керак-ку. Илгари ҳам бир шунақа бўлувди. Тўртинчи синфда ҳам икки йил ўқиб, бошланғич таълим пойдеворини обдан мустаҳкамлаб олганман. Олтинчида ҳам шундай қиларман, деб ўйладиму унча хафа бўлмай қўя қолдим. Лекин бу ниятим амалга ошмай қолди. Нега десангиз, қишлоғимиздан уч чақирим юқорироқдаги, тўрт томони баланд тоғлар билан ўралган Сойбоши деган қишлоққа кўчиб кетдик. Дадам асли ўша ерлик экан-у, бундан йигирма йилми, ўттиз йилми олдин бу ёққа келиб қолган, ойим икковлари шу ерда топишиб, шу ерда турмуш қуришган экан. Катта бобомдан қолган боғ, олти хонали уй, йигирмата мол сиғадиган оғилхона дадамга мерос бўлибди. Ушалар хароб бўлмасин, энг муҳими, бегона одамлар қўлига ўтиб кетмасин, деб, дадам ўша ёққа кўчишга қарор қилган экан...

Бу ерда ишларимиз гумбур бўлиб кетди. Дадам магазинга мудир, ойим сотувчи, ўзим бўлсам саккизинчи синфга эсон-омон жойлашиб олдим. Ортиқали деган чап қўлида олти бармоғи бор ўзим тенги бир бола билан дўстлашдик. Ортиқали, саккизинчи синфга кириб ўқийвер, нега десангиз бу ерда муаллимлар ўқувчиларнинг билимига қараб эмас, далада қандай ишлашига қараб баҳо қўйишади, жуссадоргина экансан, кучинг ҳам бор шекилли, қара, билангиздаги

— Шакларинг ўйнаб турибди, ҳашар пайтида ўзингни бир кўрсатсанг, эҳтимол азлочи ҳам бўлиб кетарсан, олти-етти, дея бошингни оғритиб юрма, деб маслаҳат берди.

— Энг муҳими, прогул қилмасанг бўлгани, — деб тушунтирди янги дўстим, — синфдан синфга ўзлари ўтказиб қўйишаверади... Лекин, Ақромжон, битта нарса сўрасам йўқ демайсан, хўпми?

— Истаганингни сўрайвер, — деб қўйдим.

— Сенинг бурнинг яхши ҳид олармиш, шу ростми?

— Рост.

— Искович итдан ҳам зўрмишсан, тўғрими?

— Тўғри, — дедим, негадир шу пайтда жуда мақтангим келиб, — мен минг хил ҳидни бир-биридан фарқлай оламан.

— Йўғ-э! — деди Ортиқали ишонқирамай.

— Ишонмайсанми?

— Ишонай деяпман-у, негадир ишонгим келмаяпти.

— Уч чақирим наридаги нарсанинг ҳам ҳидини сеза оламан.

— Сен... ғалати экансан-ку! — деб қўйди Ортиқали баттар ҳайрати ошиб.

Уша кун и суҳбатимиз роса қизиб кетди. Лекин қизигани ҳам яхши бўлди, нега десангиз кўчиб келганимизга ўн кунча бўлган бўлса ҳам ҳали биронта бола билан дурустроқ танишиб, мириқиброқ суҳбатлашганим йўқ эди. Шунақа суҳбатни жуда кўмсаб юрган эдим. Суҳбатимиз бориб-бориб Шокирали бобога тақалди. Биз кўчиб келмасимиздан бир кун олдин уйини ўғри уриб кетибди. Иккита ўғли тенгдан армияда хизмат қилаётган экан. Келишса икковининг тўйини бир кунда ўтказамиз, деб, икки сандиқ тўлатиб мол-дунё йиғиб қўйишган экан. Помбархит, мачалкабархит деган ялтироқ матолардан нақ ўн етти кийимлик экан, ҳаммасини уриб кетишибди. Милиция кепти — тополмабди, ром очиршибди — фойдаси бўлмабди, қишлоқ эркакларини йиғиб, обдастагардон қилдиришибди — нафи тегмабди... Чолу кампир ҳозир сал ғалатироқ бўлиб қолишган эмиш...

— Ақром, — тўсатдан жонланиб кетди Ортиқали нимадир эсига тушгандек, — нахотки, чол-кампирга ачинмасанг?

— Ачиняпман, — деб қўйдим.

— Ачинсанг, нарсаларни топишга ёрдамлашиб юбор. Хўп дегин, жон ўртоқ, мен учун хўп дегин. Агар ёрдамлашсанг жонажон ўртоқ бўлиб қоламиз. Иншола-рингга ёрдамлашиб юбораман, ўзим ана шу қўлларим билан ёзиб бераман.

Ўйданиб қолдим. Мен милиционер ҳам, изқувар ҳам эмасман. Буларнинг ишига аралашсам қалай бўларкин? Лекин чол бувага ҳам ачиниб кетяпман. Кампири чилдирма чалиб, ўйинга тушиб юрган эмиш. Демак, сал анақароқ бўлиб қолишгани аниқ. Хўп, ана, аралашдим ҳам дейлик, бирор иш чиқара олмасан-чи? Ахир, ўғрилари ҳам анойи эмас. Аллақачон нарсаларни гум қилиб қўйган бўлишлари мумкин... Агар яқин ўртага беркитилган бўлса, топиш осонроқ. Нега десангиз, ҳар бир нарсанинг ранги, шакли бўлганидек, унинг уфуриб турган ҳиди ҳам бўлади. Ранги, шакли беркитса бўлади, ҳидни беркитиб бўлмайди. Кўмсангиз тупроқдан баҳра олиб, яна тиниқлашади, пуфласангиз ҳаво билан қўшилиб, яна кучаяди. Рост айтаяпман, буни мен бир неча бор синаб кўрганман. Ҳатто ўзимча битта ҳикматли гап ҳам тўқиганман. Ранг — кўркамлиқ аломати, ҳид — ошкорлик аломати, деган гапни ўзим ичимдан тўқиб чиқарганман... Лекин қалай бўларкан, илгари ҳеч ўғирлик мол орқасидан қувмаганман. Ҳид билишимни қовун сайлидан бошқа жойда ишлатиб ҳам кўрмаганман. Тўғри, бир марта сигиримиз адашиб бошқа қишлоққа ўтиб кетганда, елинидан томган сут ҳидини ҳидлай-ҳидлай адашмасдан орқасидан етиб борганман.

— Кетдик, — дедим аста ўрнимдан туриб.

— Ёрдам берасанми? — шошилиб сўради Ортиқали.

— Бир уннаб кўраман, — ланжроқ жавоб қайтардим. Нега десангиз ўзим ўзимга унча ишонмаётган эдим-да.

Шокирали бува ҳовлисидаги катта нок салқинида эски тўшакка ёнбошлаб, ўйланиброқ ётган экан, ҳатто кирганимизни ҳам пайқамай қолди. Яқинроғига бориб, томоқ қириб йўталдик. Йўқ, ухлаб қолганга ўхшайди, кўзини очмади.

— Бува, мен Ортиқалиман, — деди ниҳоят шеригим, келганимизни сездириш учун.

Шокирали бува уйғоқ экан, ёшовраб турган нурсиз кўзларини хиёл очиб:

— Имм, — деб қўйди.

— Узи тузукмисиз, бобо? — негадир бу гап шошилиб сўради Ортиқали.

Бобо жавоб қайтармади-ю, ўрнимдан қўзғалиб, чордана қуриб олди, қўлидаги чорси билан хира пашшаларни елпиган бўлди.

— Нима қилиб юрибсанлар?

— Сизга ёрдам бергани келдик.



— Ёрдам бергани? — назаримда Шокирали бобонинг нурсиз кўзлари каттароқ очилгандай бўлди. — Қанақа ёрдам?

— Уғриларни тутгани, — қатъий бир оҳангда деди шеригим.

— Нима?! — Шокирали бобо ўнг қўли билан ўнг қулоғининг супрасини биз томонга хиёл бургандек бўлди.

— Шеригимнинг бурни жуда зўр, — тушунтира бошлади Ортиқали.

Бобо қўлидаги чорси билан яна пашшасини қўриб:

— Ёрдам бермаган икковинг қолувдинг, — деди-да, бошини яна тиззасига солинтириб олди. Ортиқали бидирлаб, бу ўртоғимнинг бурни яхши ҳид олади, бу хусусда энг зўр итларни ҳам йўлда қолдириб кетади, деган мазмунда гапира бошлаган эди, чол бобо қўли билан «даф бўлинглар» дегандек ишора қилиб қўйди. Жуда ноқулай аҳволда қолдик. Тураверишни ҳам, чиқиб кетишни ҳам билмаймиз, денг. Худди шу пайтда бурнимга ғалати-ғалати ҳидлар гупиллаб урила бошлади. Куюдорининг гаранг қилувчи аччиқ ҳиди, хушбўй ялпизнинг димоқни эркаловчи атри, яхши пишган нонбеҳини иштаха кўзгаб, оғиздан сўлак оқизувчи ҳидига қўшилиб, аралашиб, тўлқин-тўлқин бўлиб димоғимга урилаверди. Миямга ғалати бир фикр келдию кўзларим чарақлаб очилиб кетгандай бўлди. Рўпарадаги икки қаноти ланг очик турган уйга қараб юра бошлаганимни ўзим ҳам сезмай қолдим. Шеригимнинг ўғирланган моллар мана шу уйда сақланади, деган палағда товуши қулоғимга ё кирди, ё кирмади. Ҳа-ҳа, деган ўй яшин тезлигида ўта бошлади бошимдан, келин-куёвларга аталган қимматбаҳо кийимликлар мана шу туя-сандиқларда сақланган. Кампир холамиз бу сандиқларда бир вақтлар беҳи сақлаган бўлса ҳам ажаб эмас. Кейинчалик кийимларни жойлаган. Уларга куя тушмасин деб олдин ялпиз уругини сепган, бўлмагандан кейин район марказидан куядори олдириб келган... Остилиб ташқарига чиқдим. Ичкарида тўғимин аралаш ҳидлар кўринмас ипдек чўзилиб, эшилиб-буралиб боғ томонга ўтиб кетгандек, бамисли бурнимга буровиқ солиб ўша томонга қараб тортаётгандек. Орқамдан ҳаллослаб келаётган Ортиқалининг «Қаёққа югуряпсан, эшик буёқда-ку», деганини эшитдим. Назаримда, мана шу ҳидлардан яралган йўлакча мени тўппатўғри ўғирланган моллар беркитилган томонга олиб борадигандек. Ҳа-ҳа, худди шундай бўладиганга ўхшайди! Бўш келма, ўзингни кўрсат, қадрдон бурним! Сени ҳар куни эрталаб илиқ сувга чайганим бўлсин, устингдан вазелинга ўхшаш юмшоқ мойлардан суртганим бўлсин, лекин мени шарманда қилма. Мана шу дақиқаларда эганнинг тақдирини ҳал бўлади, ё ўғирланган молларни топиб Сойбоши қишлоғи болалари ўртасида номим шону шуҳратга кўмилади, ёки... Қадрдон бурунгинам! Мана шу орқамдан тилини осилтириб югургилаб келаётган оқкўнгил Ортиқали олдида юзимни ёруғ қил, иншоларимни ёзиб бераверсин...

Боғ деворидан ошиб ўтиб, юзасини сариқ чангалу ҳар хил буталар қоплаб ётган, шунинг учун ҳам югуриш хийла қийин бўлган пасту баланд адирлардан чопқиллаб борардим. Гоҳо пастликка тушиб кетаман, тушишим билан аралаш ҳидлар пасайиб, бурнимнинг ичи бўм-бўш қолгандек сезилади. Югуриб юқорига чиқаман, худди чегарачиларнинг итига ўхшаб иягимни юқори кўтариб, куядори, беҳи ва ялпизнинг аралаш ҳиди уфуриб турган изни қайтадан топиб оламан. Олтинчи тепаликдан ўтганимдан кейин энди ҳалиги аралаш ҳидлар орасидан резинка калишнинг ҳиди ҳам кела бошлади. Резинка офтобда куйганда қанақа ҳид чиқарса, бора-бора атрофни ана шундай ҳид қоплаб олди, бошқа ҳидларни босиб кетгандек бўлди. Поёнсиз сайхонликда беҳисоб янтоқ ғарамлари турибди. Қишда қўйларга едириш учун колхозчилар чопиб, уйиб кетишганга ўхшайди. Ғарамлардан бирининг ёнига бориб тўхтадим. Уғирланган мол шу ерда, дедим ўзимга ўзим ва чуқур-чуқур нафас ола бошладим. Ҳар гал нафас олганимда, ишонсангиз, аввалги ҳидлар ёнига яна бошқалари келиб қўшилаверди. Мана буниси амиркоқ маҳсига сурилган лакнинг ҳиди, мана буниси попукли жун рўмолга ишлатилган бўёқники, дея кўнглимдан ўтказиб ҳам турибман, денг.

— Жуда чопағон экансан-ку! — деб қўйди Ортиқали етиб келгач.

— Ҳид олувчилар чопағон бўлади ўзи, — деб кулдим, — ўғирланган мол мана шу ерда, ғарам остида.

— Янглишаётганинг йўқми? — сўради шеригим қувончдан кўзлари парпираб.

Ғарамнинг ён томонидан ярмигача очиб тўртта шакар қоп бир-бирига суяб қўйилганини кўрдик.

— Шу, — деди Ортиқали ирғишлаб. Сўнг, гап йўқ, сўз йўқ, қишлоқ томон ўқдек учиб кета бошлади.

Кўз юмиб-очгунча ҳаммаёқни одам босиб кетди. Шокирали бобо, кампири, иккита куёвю қизлари... Бир маҳал қарасам, янтоқ ғарамлари орқасидан ҳаллослаганча дадам ҳам чиқиб келяпти. Шокирали бобо шакар қоплар атрофида гир-гир айланиб, ҳалол эди, ҳаммаси пешона терга келган эди, ўттиз йил йиққанман-а, ўттиз йил, деса, кампири чўкка тушиб, хўнг-хўнг ийғлаб, худого шукр, ўғилларимнинг пешонаси ярқираган экан, дейди денг. Бошқа бир хотин бўлса, вой

айланай ромчи бувимдан, мол ташқарига чиққани йўқ, дедилар-а, кароматларидан ўргилай деб жавраепти.

Эртасига, ҳай-ҳай, бурнимнинг ҳид олиш хислати ҳақида миш-мишлар шунақанги кучайиб кетдики, ишонсангиз, томоша қилгани келган одамлар дастидан кўчада ҳам юролмай қолдим. Индинига эса мени бутунлай сеҳргарга чиқариб қўйишди. Миш-мишнинг учқур қаноти бор, деганлари паққос рост экан. Қишлоқдан-қишлоққа учиб ўтиб, охири район марказига ҳам бориб етибди.

Кечки пайт эди. Дадам магазинга тавдо қилгани кетган. Ойим супрани кенг ёзиб, майдалаб угра кесаётганди. Мен бобомиздан мерос теккан катта ҳовлини чангитиб супураётган эдим. Милиция формасини кийган, ўрта ёшлардаги, дадамдек норғул бир одам кулимсираганича кириб кела бошлади.

— Акромжон Мадумаров ўзингиз бўлсангиз керак? — деб сўради қаршимда тўхтаб.

— Узимман, — деб қўйдим.

— Қани, бир омонлашиб қўяйлик-чи.

Мен билан, негадир, жуда илиқ сўрашди. Сўрашаётганда кўзлари кулиб, юзларидан нур ёғилиб тургандек бўлди. Сўнг ойижоним уйдан олиб чиққан синиқ курсига ўтириб, ўзини танитгач, гапни жуда узоқдан бошлади. Мендек ўғилни тарбиялаб, вояга етказаётгани учун ота-онамга раҳматлар айтди. Билсак, район милицияси жиноят қидирув бўлим ихтиёрида ғоят зотдор, ғоят ақлли бир искович ит бор экан. Бундан олти ой олдин тўсатдан ўлиб қопти. Уша ўлгандан буён ўғирланган молларни топши мумкин бўлмаётган эмиш. Агар менинг ойим, яъни Сарвинисо Мадумарова рози бўлса, мени, яъни Акром Мадумаровни милиция капитани ўртоқ Эргашев саксон беш сўм маош билан ўзига ишга олмоқчи экан...

Ойижонимнинг қошлари пасту баланд бўлиб кетди. Юзларида ғалати-ғалати тугунчалар пайдо бўлди, лаблари пирпираб уча бошлади. Қўлидаги зувалани тапиллатиб супрага урди-да, шартта ўрнидан туриб:

— Итингиз ўлиб қолибди-да? — деб сўради.

— Ҳа, ўлиб қолди, — деди капитан ачиниб, — кўп ажойиб ит эди-да.

— Демак, менинг ўғлимдан унинг ўрнида фойдаланмоқчи экансиз-да?

— Агар рози бўлсаларинг...

— Демак, мен бола эмас, ит туққан эканман-да! Йўқолинг ҳозир, бўлмаса мана шу пичоқ билан, — ойижоним энгашиб ошпичоқни қўлига олди-да, капитаннинг устига бостириб кела бошлади, — мана шу пичоқ билан аввал сизни, кейин ўзимни чавақлаб ташлайман! Тилаб-тилаб олган боламни искович ит ўрнида ишлатармиш! Йўқолинг, ҳозир йўқолинг деяпман!

Ойижоним мақсадини яхши англатормай ҳангу манг бўлиб қолган капитанни гоҳ биқинидан, гоҳ елкасидан туртиб, нақ кўча эшиккача суриб борди-да, ўша ерга етганда шунақанги қаттиқ итардики, капитан ўзини тўхтатолмай, дадам ишлаётган магазин ҳовлисигача югуриб борган бўлса ҳам ажаб эмас. Сўнг... Уф, буёғини айтгани тилим бормайди... Қўлидаги ошпичоқни ўқталиб, бошимни ғалвадан чиқармаётган ўша бурнини кесиб қутулмасамми, дея мени қувлаб кетди. Ҳарқалай, ўша куни бурним кесилмади-ю, лекин қаттиқ қўрққан эканман чоғи, бир ойгача ухласам икки қўллаб бурнимни қангаллаб ётадиган бўлдим.

### III Боб

## Шиша ичидаги жинлар

Ҳали айтганимдай, бу ерда ишларимиз гумбур бўлиб кетди, дадам магазинни қабул қилиб олгандан кейин ойижонимни ўзига ёрдамчи қилиб олди. Нега десангиз, дадам уёқ-буёққа кетганда магазин беркилиб қолса, харидорлар хафа бўлар экан. Хуллас, ишларимиз гумбур бўлиб кетаётган эди, лекин тўсатдан, ҳа-ҳа, тўсатдан, дадам ичкиликка шунақанги ружу қилиб қолдики, асти қўяберасиз. Йўқ-йўқ, мен дадажонимни ҳечам ёмонламоқчи эмасман. У киши жуда меҳрибон, байрамларда ҳаммамизга янги кийимлар олиб беради, бўлар-бўлмасга уришиб-сўкавермайди ҳам.

Кийим-бошидан терлаган отнинг ҳиди келиб турадиган участка бошлиғи Қўзиев амаки, урушда бир оёғини ташлаб келган, қўлтиқтаёқли Аливой тоға учовлари ичишди. Гоҳо уйга ярим кечаси бир-бирини қўлтиқлашиб, ашула айтиб келишади. Бечора ойижоним йиғлаб-йиғлаб, тонг отгунча уларга хизмат қилади. Кейин... Уёғини айтгани, ишонсангиз, тилим бормайди. Ҳа, майли, кейин бири кўча эшикнинг остонасига бошини қўйганича, бири ҳовлидаги сўрига чалқанча тушиб,

учинчиси ўчоқ бошидаги кир пўстакка думалаб ухлаб қолишади. Гоҳо ойижоним куйиб кетганидан:

— Шишадаги жин бир кунмас-бир кун дадангни бошини ейди-да! — деб зорланади.

Қақажон Муаттар:

— Ойижон, чиндан ҳам шшанинг ичида жин борми? — деб сўрайди.

— Бор, — дейди ойижоним маъюс тортиб.

— Уша жиннинг ола-була кўзлари ҳам борми?

— Бор, қизим.

— Кейин қўл-оёқлари ҳам борми, дадажонимни бўғиб оладими?

Ойим жавоб қайтармайди. Хўрсиниб қўяди. Тўққизинчини битираётган пайтим эди. Уқишлар таққа тўхтаб, яганага чиқиб кетган эдик. Магазинга тўсатдан ревизия келиб қопти. Дадам, ҳисоб-китобга қарашиб юборсин, деб, синф раҳбаримиздан мени сўраб олди. Калта сочлари найзадек тик ўсган, пешонаси кенг, ияги беҳад ингичка, шунинг учун ҳам юзи уясидан мўралаб турган типратиконга ўхшаб кетадиган бир амаки ревизор бўлиб келган экан. Ун бир кун давомида роса текшир-текшир қилди. Мен омбордаги қийшайиб қолган яшиқларни пулга ўтказиш учун уёқ-буёғини тиклаш билан машғул эдим. Тўсатдан дадам икковлари ўртасида қисир-бўғоз овозларини эшитиб қолдим:

— Уҳ-хў, Мадумаров ака, ишлар чатоқ-ку! — деди ревизор амаким.

— Очиқроқ айтаверинг, — шивирлади дадам.

— Камомад жуда катта.

— Йўғ-э!

— Мана, ўзингиз қўл қўйган актлар.

— Қайтадан чўтга солинг-чи.

— Эллик марталаб солиб кўряпман, бари бир жуда катта.

— Сал пасайтиришинг иложи йўқми? — деди дадам ёлвориб.

— Бу сизга боғлиқ... — негадир ревизор амаки томоғини қириб, йўталиб

олди.

— Кўп керакми?

— Минг сўмсиз битмайди.

— Э, сал инсоф қилинг-да, — дадам қўлини кўксига қўйиб, яна ёлборишга тушди, — ахир мен ҳам бола-чақалиман, тўрттаси ейман-ичаман деб турибди.

— Актни топширсам... Сизни қамашади.

— Уф! — деди дадам, — пулни кейинроқ берсам ҳам бўлаверадими?

— Йўқ, ҳозир берганингиз маъқул... Мадумаров ака, мени тўғри тушунинг. Бераётган пулингиздан учдан бири ҳам менга тегмайди. Мен ҳам катталарнинг томоғини мойлаб тураман. Яна ихтиёр ўзингизда. Ҳар эҳтимолга қарши актларни икки хил тузиб борган эдим. Биттасини танланг. Ё уёқлик бўласиз, ё ... Ҳарқалай, бола-чақангизни ўйласангиз яхши бўларди.

Мен илгари «пора» деган сўзни эшитар эдим-у, қанақа бўлишини, қай шароитда, қанақа йўсинда топширилишини билмас эдим. Пора узатаётган кишининг кўзлари билинар-билинемас ёшовраб тураркан, хўрлиги келиб, билинар-билинемас уф тортаркан. Олаётган одам, ҳай-ҳай, кўзлари қувончдан чақнаб, юзлари гулгун яшнаб кетаркан!..

Ғалати аҳволга тушиб қолдим. Қўл-оёғим музлаб кета бошлади, ич-ичимда қалтироқ турди. Дадамга, худди аждарҳо қаршисида турган қуёндек довдираб, ожиз, нотавон бўлиб қолган меҳрибон дадажонимга ич-ичимдан ачиниб кетдим. Чиндан ҳам ревизор кўзимга худди эртақлардаги аждарҳога ўхшаб кўрина бошлади. У ҳозир дадажонимни тириклай ютади, кейин мени, магазиндаги мўлларни юта бошлайди, деб ўйладиму ичимдаги ҳалиги қўрқув аралаш қалтироқ ҳиқичоққа айланиб, томоғига дон тиқилган жўжаҳўроздай нағма қила бошладим. Йўлакдаги синиқ яшиқни жаҳл билан тепиб, кўчага чиқиб кетдим. Кечгача йиғладим. Йўқ, кечаси уйқумнинг ичида ҳам йиғлаб чиқдим шекилли... Бир маҳал уйғониб кетдим. Қарасам, дадам билан ойижоним ухлашмабди. Назаримда магазиндаги саккиз минг сўмлик камомаднинг ўрнини тўлдириш учун кимдан қарз сўрасак экан, деб маслаҳат қилишаётганга ўхшайди.

— Айтмадимми, мана шу ароқ зорманда бир кунни бошингизни ейди деб, — куйиниб шивирлаяпти ойижоним.

— Уҳ! — деди дадам. — Яна дийдиёнгни бошладинг-а!.. Ичсам бир бутилка ичарман, икки бутилка ичарман, айтдим-ку, пулини ўрнига қўйиб борганман, деб. Уф, мени ҳамдам чўлоқ чув туширганга ўхшайди. Пактурани ҳамиша қалбаки ёзади у.

Ҳамдам чўлоқ... танийман уни. Матлубот жамиятида омборчи бўлиб ишлайди. Дадам иккимиз мол олгани борганда неча бор кўрганман. Кўзлари қисик, юзи дум-думалоқ, ўнг оёғини силтаб-силтаб ташлайди. Лекин ўзи жуда ширинсухан, сўзлаганда тилидан чакиллаб бол томади, дадамга ҳамиша «акажон» деб

мурожаат қилади. Фактурага саккиз юзта пахта гулли пиёла ёзади-ю, юзтасини бермай туриб олади. Уч юз метр атлас ёзса, албатта ўттиз метр кам чиқади.

— Уф, — дейди дадам бош қашиб.

— Ундай деманг, жон ака; — дейди Ҳамдам чўлоқ йиғламсираб, — менга ҳам осон эмас. Маълум келса олмай кўяқолинг.

— Ахир мен ҳам планни бажаришим керак-ку, — дейди дадам тутаклиб.

— Беш-ўн қоп туз беришим мумкин, — бўш келмайди Ҳамдам чўлоқ.

— Сойбошида туздан бошқани ейишмайдимми?

— Бўлмаса кир совун олақолинг.

— Хўп, неча яшик беришингиз мумкин?

— Аввал сиз айтинг, акажон, яшигига неча сўм берасиз?

— Уч сўмдан.

Омбор мудури икки қўлини баравар кўксига қўяди:

— Ундан камига бўлмайди.

— Ҳа, майли, уч яримдан бераман.

— Сиз ўзимнинг акамсиз. Майли, тўққиздан берақолинг.

— Тўрт сўмдан.

— Еттидан камига бўлмайди.

— Бешга ҳам йўқми?

— Оббо, акажон-ей, кулиб турганингизни яхши кўраман-да, Ҳа, майли, лекин сизни яхши кўраман. Ҳалол йигитсиз, пок йигитсиз, лекин менга ҳам осон эмас. Тепамдаги аждарҳолар ютаман деб турибди. Жон ака, яна эллик тийиндан қўшинг!

— Уф! — дейди дадам тўхташ жойига аранг етиб келган паровоздек узоқ дам чиқариб...

Уй-хаёлларим худди шу ерга келганда мени яна уйқу элта бошлади. Кўз олдимни қоп-қоронғи туманлик қоплаб келди, туманликлар орасидан олдин типратикан бошли ревизор амаки, кетидан қўлини кўксига қўйиб илжайганча омборчи чиқиб келди-да, қизиқ, бир нафасда даҳшатли аждарҳога айланиб, дадажонимни икки томондан исканжага олишди. Кейин нима бўлганини билмайман, ухлаб қолибман.

Ревизор амаки кузга бориб яна келди. Неча кун текширгани аниқ эсимда йўқ. Лекин кетаётган кунни дадамнинг пул ахтариб, уйма-уй юргани ҳали-ҳали эсимда. Кейин... Кейин дадажоним қамалиб кетди. Тағинам судья амаки инсофли ҳам раҳмдил экан. Тоғамдан уч минг сўм олиб, қамоқ муддатини анчага қамайтириб берди. Яна ҳам қамайтурса бўларди-ю, лекин пулларинг жуда оз экан, дебди.

## IV боб

### Эшак — «Жигули» эмас

Бир амаллаб мактабни ҳам тугатдим. Уқишга бориб, биринчи имтиҳондаёқ оёғим осмондан бўлиб қайтдим. Хайрият, ойижоним хафа бўлмади. Назаримда андак хурсанд ҳам бўлди шекилли. Елкамни силаб, қайтага даданг келгунча ёнимда бўлганинг маъқул, ўқиш бўлса бир гап бўлар, деб қўйди. Айтувдим-ку, Сойбошининг одамлари жуда меҳрибон, жуда раҳмдил деб. Ойижонимни қишлоғимиздаги аралаш боғчага мудир қилиб ўтказишибди. Марҳаматларини мендан ҳам аяшмади. Тўқсон беш сўм ойлик билан почтачи этиб тайинландим. Ўзи аслида дунёда почтачиликдан яхши касб йўқ экан. Эрталаб марказий почтахонадан газета, журналларни, хат-хабарларни оласиз-да, уйма-уй тарқатиб бўлгач, хоҳласангиз — ухлайсиз, хоҳласангиз — Ҳошимжоннинг сартарошхонасига бориб, лақиллашиб ўтираверасиз. Хатларни адаштириб қўйсангиз ёки пенсия пули кечикиб қолса, кампирлар онда-сонда:

— Даданга ўхшаб сен ҳам пиёниста бўп қолдингми, пулни қачон берасан? — деб номигагина хархаша қилиб қўйишади. Бошқа вақтда нуқул маза. Лекин яна ишнинг чатоғи чиқди... Эҳ... айтгандай, сизга айтмабман... Сойбоши қишлоғига олиб борадиган йўл шу йил қишда жарга ўпирилиб тушгандан буён буёқларга машина қатнамайдиغان бўлиб кетган. Асосий транспорт — эшак. Сойбошида эшак кўп бўлгани ва кўпінча бир-бирига ўхшаш бўлгани учун адаштириб қўймайлик дея, одамлар ўз эшагининг пешонасига худди «жигули»никига ўхшатиб номер осиб қўйишади. Уйини ўғри уриб кетган Шокирли бобо нарсаларини топиб берганим учун мени яхши кўриб қолган экан, битта эшагини бериб;

— Лекин, болам бу тулпорни эҳтиёт қил, — деб тайинлади. Тулпор хийла қариб қолган бўлишига қарамай, ҳали бақувват. Ўзиям нақ туяча келади. Қулоқлари узун, оёқлари йўғон, йўрғасини кўрсангиз! Халани қаттиқ босиб, биқинига

иккита ниқтаб кўйсангиз, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, тўртинчи тезликда келаётган «Жигули» ҳам етолмай қолади. Фаросатини айтмайсизми, қайси ҳовлига хат ташламоқчи бўлганимни олдидан сезиб, ўша ерда тўхтаб, ҳанграб, уй эгасини чақириб беради, денг... Мен бора-бора, эшак тоғ орасидаги қишлоқларда «жигули»дан яхши экан, деган фикрга бориб қолдим. Бензин сўрамаса, мени мойлаб қўй, демаса, ремонт талаб қилмаса, энг муҳими, миниб олганингиздан сўнг устида бемалол ухлашингиз ёки истаганча хаёл суришингиз мумкин. Марказий почтахонага кетаётганда устига чўзилиб ётиб қўлларимни осилтириб оламан, қайтаётганда осмонга қараб ётиб, ширин-ширин хаёллар сураман. Қани эди, дейман ўзимга ўзим, эшагим ҳозир вертолёт бўлиб қолса-да, ўнг қулоғини бураб осмонга кўтарилсам, олис-олис элларга саёҳат қилсам, ўртоғим Ҳошим кўрмаган нарсаларни кўрсам, унга айтиб бериб, ҳавасини келтириб, оғзидан сўлақларини оқизиб юборсам... Қани энди, дея ширин хаёлларимни яна давом эттираман, ҳу, жар тубидаги улкан чинорларга оқуруғ қовуңлардан пайванд қилсанг, ҳар биттаси тандирдек келадиган қовуңлар пишса, оҳ, маizza бўларди-да, ярмини ёзда еб, ярмини қишга қоқи қилиб қўярдим-да.

Лекин, ҳали айтганимдай, ишнинг чатоғи чиқиб қолди. Ёзинг қоқ ўртасида тулпоримнинг устини оппоқ яра қоплаб кетди. Етаклаб мол докторига олиб борган эдим, у ёғини кўриб, бу ёғини кўриб иссиғини ҳам ўлчагандан кейин:

— Қўрқма, — дея менга далда берган бўлди, — яғир бўпти. Қадим замонлардан буён ота-боболаримиз эшак яғир бўлса, ёнғоқ босишган. Уйда ёнғоқ борми?

— Қўшнилардан суриштираман, — дедим шоша-пиша.

— Битта ёнғоқни олгин-да, чақиб ярмини ўзинг егин, — маслаҳатини давом эттирди доктор, — ярмини яғир бўлган жойга босгин. Бир ҳафтада ҳеч нарсаси кўрмагандек бўлиб кетади.

«Тулпор»имни етаклаб уйга қайтдим-да, Шокирвали бободан бир этак ёнғоқ олиб чиқиб, худди доктор айтгандай қилиб, яғир босган жойларига малҳам қилиб қўйдим... Эрталаб ўрнимдан турсам... Йўғ-е!.. Наҳотки туш кўраётган бўлсам?! Анграйганимча қотиб қолдим. Кўзларимга ишонмай, ишқалаб кўрдим. Йўқ, ўнгим экан. Югуриб укаларимни чақириб чиқдим. Улар ҳам худди жин чалиб кетгандай оғизлари бир томонга қийшайиб, тарракдек қотиб қолишди... Эшагимнинг устидан катта бир ёнғоқ ўсиб чиқибди. Яна тагин шигил ҳосил тугибди денг. Ёнғоғи ростакамми ёки кечаси жинлар пластилидан ясаб, осиб кетишганмикан, дея, билмоқчи бўлиб, эшагимни етаклаб ҳовлимиз орқасидаги шудгорга олиб ўтдим-да, енгимни шимариб, дарахтга қараб кесак ота бошладим. Қизиқ, на ёнғоқ тушади, на кесак. Икки пайкал ернинг кесагини отиб бўлдим ҳамки, на унисидан дарак бор, на бунисидан. Қани, тепада нима ҳодиса юз бераётган экан, билай-чи, деб, ёнғоқнинг устига чиққан эдим, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, икки пайкал ер пайдо бўлиб, шарқираб сувлар ҳам оқиб ётибди. Ҳаяжондан терлаб кетган эканман, артиниб олай деб чўнтагимдан рўмолчамни чиқараётган эдим, билмадим, қачон солиб қўйган эканман, икки дона қовун уруғи илашиб чиқиб, ерга тушиб кетди. Шу заҳотиёқ униб чиқиб, палак ота бошлади. Епирай, деб, ёқамни йиртворгудай қилиб ушлаб турибман. Палак етти метрга етганда қовуңчалар туга бошлади. Кўзимни юмиб-очишимни биламан, ҳар қовуңлар пишибдики, энг кичкинаси икки юз литр сув элтадиган ёғоч бочкача келади, денг! Бунақанги бочкалар дадамнинг магазини олдида қалашиб ётарди. Чўнтагимдан пичоқчамни олиб чақмоқлаб кўрмоқчи бўлувдим, чўлп этиб ичига тушиб кетса бўладими? Қани нима бор экан деб энгашиб қарамоқчи бўлувдим ўзим ҳам оёғим осмондан бўлиб ичига шўнғиб кетдим.

Билмадим, бир кун саланглаб учдимми, икки кун учдимми, эҳтимол бир ой учгандирман (нега десангиз ўша пайтда мен қаттиқ кўрққаним учунми ўзимдан кетиб қолган эдим), бир маҳал кўзимни очсам, номаълум шаҳар чеккасидаги ташландиқ уйнинг томида ётибман. Хайрият, уй ёнида ўсган олма дарахтининг шохлари томга ёпирилиб тушган экан. Эмаклаб тагига кириб олдим. Меваси — овқат, шохлари — бошпана. Баргидан сидириб остигма тўшаб ҳам олдим. Бу ўлкада ўтказганим бир йилдан ортиқ вақт ичида бошимдан кечган ажойиб ва ғаройиб воқеаларни сизга сўзлаб ўтирмайман. Нега десангиз, кейинги саргузаштларим улардан ўн чандон қизиқарлироқ бўлди. Шаҳарнинг номи Тарвуз деб аталиб, одамлари ҳам бамисли тарвузга ўхшаб дум-думалоқ бўларкан. Кимга асранди ўғил бўлганим, очдан ўлмасин учун қанақанги юмушларни бажарганимни ҳам айтиб ўтирмайман. Бир йил ўтар-ўтмас тилларини ҳам ўрганиб олдим. Сўзлари жуда осон, содда, ё бир, ёки икки бўғиндангина иборат бўларкан. «Та», «ту», «ки», «пи»... хуллас, мана шунақа сўзлар. Одамлари негадир бизнинг қишлоқдагиларга жуда-жуда ҳам ўхшаб кетади денг. Гавдаси, ранги-рўйи, гоҳо кийинишларида ҳам жуда кўп ўхшашлик бор. Фақат еганлари тарвуз ичганлари қовун шарбати бўлгани учунми, диққат қилиб қарасангиз, бири, ҳали айтганимдай,

тарвузгаю бошқаси қовунга ўхшаб кўринади. Лекин ҳаммалари ҳам ширин. Есангиз, кечирасиз, адашиб кетдим... суҳбатлашсангиз мазза қиласиз. Бегона юрт ҳар қанча гўзал бўлмасин, барибир туғилиб ўсган юртингни кўмсайберар экансан. Жуда қийналиб кетдим. Ана шундай кунларнинг бирида шаҳар марказидаги катта ялангликда қовун-тарвузлар кўргазмаси бўлиб қолди. Бу мамлакатда биргина қовуннинг ўзидан етти юз хили ўсаркан. Кўргазмага ангишвонадек келадиган хонақадан тортиб, катталиги росмана уйдек келадиган қовунлар ҳам қўйилган, денг... Томоша қилиб юриб, тўсатдан бир қовун олдида тўхтаб қолдим. Ҳай-ҳай, теппасига қарасангиз дўппингиз тушиб кетаман дейди. «Сеҳрли қовун» дея тахтача ҳам осиб қўйишибди. «Сеҳрли» деган сўз миямга қаттиқ ўрнашиб қолди. Мен ичига тушиб кетган қовун ҳам, назаримда, сеҳрли эди шекилли. Демак, икковининг уруғи бир. Амаллаб ичига тушиб олсам, ўз мамлакатимда пайдо бўлиб қолишим ҳам мумкин.

Кечаси эл ётар пайтида қўшнимизнинг ўн етти поғонали нарвонини келтирдим-да, Сеҳрли қовун устига чиқиб, гўшт чопадиган ўткир болта билан (ўша кунлари мен кушхонада қассобга ёрдамчи бўлиб ишлаётган эдим) уриб, бир амаллаб туйнукча очдим. Нима бўлса пешонамдан кўрдим, дедиму ўзимни туйнукча ичига отдим. Қовун чиндан ҳам сеҳрли экан. Ичига тушишим билан осмондек кенгайиб кетди. Қушлардек енгил уча бошладим. Одам боласининг қўллари зарур бўлганда қанотга айланар, оёқлари эса бирлашиб, яхлит бир дум ҳолига келаркан. Поёнсиз фазода бир неча кун парвоз қилганимдан сўнг, ниҳоят, чарчадим шекилли, дум ва қанотларим ишламай қолиб, бошим билан пастга шўнғиб кета бошладим. Кейин... Ҳарқалай, йиқилган бўлсам керак, анча маҳал беҳуш ётгандек бўлдим. Аста-секин ўзимга келаётганимни сезиб турардим. Лат емадиммикан, деб аввал оёғимни, кетидан қўлларимни силкитиб кўрдим, йўқ, ҳаммаси жойида. Хафа бўлишимни ҳам, хурсанд бўлишимни ҳам билмасдим. Туриб беихтиёр атрофга тикилдим. Кўз ўнгимда ғоят гўзал манзаралар намоеён бўла бошлади. Поёнсиз бўшлиқ, майсалар гуркираб ўсиб ётибди. Осмонда қушчалар учиб чарх уришади. Ҳу наридаги боғлардан булбулларнинг овози келяпти. Борлиқни етилиб пишган ананас қовуннинг ҳиди қоплаб кетибди. Ранг-баранг капалакчалар қувлашиб, гулдан-гулга қўнишади. Ёнгинамдаги ариқда шарқираб оқаётган сув бамисоли ёқимли куй қалаётганга ўхшайди. Ажойиб водий экан, деб ўйладиму бошим оққан томонга қараб кета бошладим. Қанча юрганим эсимда йўқ, бир маҳал мол боқаётган болалар қаршисига бориб қолибман. Қизиқ, бу ерда болалар молнинг устига миниб олиб боқишаркан. Ўзбекчалаб сўрасам тушунишармикан, дея бир оз ўйланиб турдим-да, сўнг Тарвуз шаҳрида ўрганган тилимда:

— Эй бола, — дея, қўрқиброқ мурожаат қилдим.

Сигир устидаги бола мен томонга хиёл бурилгандек бўлди.

— Бу қайси мамлакат? — деб сўрадим яна.

— Ўзинг билмайсанми? — тўсатдан мен ўрганган тилда сўзлаб юборди бола.

— Йўқ, билмайман.

— Нега билмайсан?

— Эсимдан чиқиб қолди.

— Билмасанг, билиб қўй, — бола гапининг қолган қисмини дона-дона қилиб айта бошлади, — бу мамлакатни Ширин қовунлар мамлакати деб аташади.

Бари бир бегона юртдан чиқиб кетолмабман-да, деб ўйладиму хафа бўлганимдан андак бўлмаса йиғлаворай дедим. Сеҳрли қовун мени мамлакатнинг у чеккасидан бу чеккасига келтириб ташлабди, кўрсатган каромати бор-йўғи шу бўпти, холос... Эҳтимол, бола янглишаётгандир, деган фикр ўтди бошимдан. Ҳар эҳтимолга қарши:

— Ширин қовунлар мамлакати дедингми? — деб сўрадим.

— Ҳа.

— Мазза экан-ку?

— Бўлмасам-чи.

— Отинг нима? — дея сўрадим суҳбат бошланиб кетганига хурсанд бўлиб.

— Хо Мак.

— А!

— Қулоғинг карми, Хо Мак деяпман.

— Нега Хо Мак бўларкан?

— Ўзинг билмайсанми?

— Йўқ.

— Аслида қаерликсан?

— Осмондан тушганман.

— Осмондан? — назаримда бола қўрқиб кетгандай бўлди. — Ие, у ерда қанақа мамлакат бор?

— Сойбоши деган мамлакат.

— Ҳеч эшитмаган эканман.

— Ҳошимжон Рўзиев деган болани эшитганмисан? Мен ўшанинг ўртоғи бўламан, — шошмасдан дона-дона қилиб тушунтира бошладим. — Унинг тўғрисида китоб ҳам ёзишган. Эҳтимол ўқигандирсан?

— Биз китоб ўқиш ўрнига телевизор томоша қиламиз.

— Яхши эмас, — насиҳат қилган бўлдим. — Китоб — билим манбаи-ку. Китоб ўқиган бола ақлли бўлади. Телевизорни кўп томоша қилсанг, дангаса бўп қолсан, билдингми?

— Билдим.

— Отинг нега Хо Мак эканлигини айтмадинг-ку?

— Айтдим.

— Айтганинг йўқ.

— Айтдим.

— Айтганинг йўқ.

Нақ ярим соат чамаси тортишдик. Бу бола ҳам ўзимизнинг дунёда қолиб кетган укам Асқарга ўхшаб, «а» десанг, «бе» дейдиган хилидан экан. Охири бир амаллаб кўндирган эдим;

— Майли, яна бир марта айтсам айта қолай, — деди у. — Бизда болаларнинг исмига Мак сўзи қўшиб айтилади. Мак — бола дегани, гўр дегани, билдингми?

— Билдим. Фамилиянг нима?

— Қо Қи.

— А?!

— Кармисан? Қо Қи деяпман.

— Фамилиянг ширингина экан.

— Биз ҳаммамиз ширинмиз.

— Лекин қишда учраганинга еб қўярдим-да, — дедим лабимни чапиллатиб.

— Нима, сен одамхўрмисан?

— Баъзан, битта-иккитасини еб тураман.

Бола мenden шубҳалана бошлади шекилли, тескари ўгирилиб, миниб турган сигирини чу-чулаб нари кета бошлади. Менинг эса ундан ажралгим йўқ, тўйиб-тўйиб гаплашгим, бегона мамлакат ҳақидаги нарсаларни ундан сўрагим келарди.

— Хо Мак, жон ука, тўхта! — деб ёлвордим, — яна битта нарса сўрай.

Бола сигирининг бошини тортиб, елкаси оша менга хўмрайиб қаради:

— Еб қўяман деяпсан-ку.

— Улай агар, ҳазиллашдим.

— Нимани сўрамоқчисан ўзи?

Ростдан ҳам, энди нимани сўрасам бўлар экан? Кўп нарсани билгим бор-у, лекин шу пайтда эсимга ҳеч нарса келмаётганини қаранг. Энди нима қилдим?..

— Сен... сен жуда яхши Хо Мак экансан... — дедим дудуқланиб. — Нега сигирингни миниб олдинг?

— Миниб олмасам қочиб кетади-да.

— Минганиндан сўнг опқочиб кетса-чи?

— Баҳонада катайса қилиб келаман.

— Яхши, яхши. Сен, Хо Макжон, нечанчи синфда ўқийсан?

— Олтинчида.

— Уй вазифаларини бажариб қўйганмисан?

— Бизда уй вазифалари берилмайди.

— Ие, нега?!

— Муаллимларнинг ўзлари ишлаб, ўзлари баҳо қўйишаверади.

— Яхши экан. Айт-чи, мана бу катта йўл қаёққа олиб боради?

— Шаҳарга.

— Шаҳарнинг номи нима?

— Ҳандалак.

— Узиям ширингина бўлса керак-да?

— Илгари ширин бўлган дейишади.

— Ҳозир-чи?

— Пишиб ўтиб кетган дейишади.

— Демак, аққимтирроқ экан-да.

— Шунақа бўлса керак.

Димоғимга наҳорда узилган хушбўй ҳандалакнинг ҳиди гупиллаб урилгандай бўлди. Таним яйраб кетди. Кўзимни юмиб, ширин-ширин энтика бошладим. Тасаввуримда олдин еган ҳандалакларим жонландию оғзимдан сўлак ҳам оқа бошлади... Кўзимни очиб бундай қарасам... Э товба, э товбангдан кетай, бу қанақаси бўлди-а? На бола бор, на сигир бор, на яшнаб турган ўтлоқ! Яйдоқ даштда сўппайиб бир ўзим турибман. Яна сеҳрли воқеа юз берганга ўхшайди, дея ўйлаб кўрқиб кетдим.

— Хо Мак, қаердасан, укажон?! — ваҳима ичида қичқира бошладим.

## Ҳандалак шаҳри

Кимсасиз даштда бақириб-чақириб ўтиришдан ҳеч фойда йўқ. Кечгача Ҳандалак шаҳрига етиб олишим зарур, деб ўйладим-да, катта асфальт йўлга тушиб олдим. Йўқ, асфальт эмас, йўқ-йўқ, хато қилдим, шишадан ишланганга ўхшайди. Шунақа силлиққи, бамисоли хоккей майдони дейсиз. Шунақа тиниққи, қарасангиз аксингиз кўринади. Энгашиб сочларингизни ҳам бемалол тараб олишингиз мумкин. Бир оз юрган эдим, орқамдан ёқимли куй эшитилгандай бўлди. Ўгирилиб қарадим, қизиқ, орқамда улкан бир қовун турибди. Қовуннинг резина филдираклари ҳам борга ўхшайди. Яна ҳам синчиклаброқ боққан эдим — қовун шаклида ишланган автобус эканлиги маълум бўлиб қолди.

— Ҳурматли йўловчилар, қаёққа бормоқчилар? — яна ёқимли куй машинанинг сигнали экан, бизга ўхшаб дудутлашмас экан. Сўнги ёқимли куй ҳойнаҳой шофёрнинг овози бўлса керак деб ўйладим-у:

— Ҳандалакка бормоқчи эдим, — деб қўйдим ўзларининг тилида.

Автобус эшиги овозсиз очилди:

— Марҳамат, чиқсинлар.

Ичкарида беш-олти аёл, етти-саккиз эркак бор экан. Аёллари ойижонимга, эркаклари дадамга жуда-жуда ҳам ўхшаб кетади. Фарқи шундаки, худди тўйга бораётгандек башанг кийиниб олишган. Бирининг ёнида бир челақ узум, бошқасида бир тоғора помидор; ёшгина жувон тўртта товуқни оёғидан боғлаб, бошини ерга қилиб, осилтириб кетяпти. Бозорга боришаётганга ўхшайди, деб ўйладим. Худди шу пайтда ҳайдовчи ўтирадиган кабина очилиб, қўнғироқдеккина бир қиз чиқиб кела бошлади. Қўлида патнис, патнис устидаги стаканларда шарбат борга ўхшайди. Қаршимда тўхтаб, хиёл табассум қилгандай бўлди:

— Кечирасиз, қайси биридан ичадилар?

Юрагим така-пука бўлиб кетди. Қиз ғоят кўркам бўлгани учун эмас, йўқ, овози беҳад ёқимли, бамисли кумуш қўнғироқнинг жарангидек майин бўлгани учун ҳам шундай бўлдим шекилли. Улай агар, бошқа бир пайт бўлганда мен мана шу қизни севиб қолган бўлардим. Лекин ҳозир тўғри келмайди. Ўзим қай аҳволдаман-у, яна севига бало борми?

— Қай биридан ичадилар? — такрор сўради қиз.

Ўй суриб кетганим учун хижолат чекканнамо:

— Кечирасиз, бу ўзи нима? — деб сўрадим атайлаб, билиб турган бўлсам ҳам.

— Шарбатлар.

— Ниманинг шарбати?

— Мана буниси — қовунники.

— Буниси-чи?

— Тарвузники.

— Буниси-чи?

— Олманики.

— Пулим йўқ-да, бўлмаса ҳаммасидан ҳам оз-оз татиб кўрган бўлардим, — дея очик иқрор бўлдим. Рост гапирганим қизга маъқул бўлди шекилли, яна табассум қилди. Табассум эмас, йўқ, бамисоли юзида чиройли бир гул очилгандай бўлди:

— Чанқоқбосди учун бизда ҳақ олинмайди.

— Автобусда қанча тўлайман?

— Ҳандалакка борасизми?

— Ҳа,

— Йигирма тийин.

Бир тангани узатиб, тўрт стаканни пок-покиза туширдим-да, дадамга ўхшаб кафтим билан лабларимни артиб олдим. Автобуснинг ичини томоша қила бошладим. Автобус эмас, келинчаларнинг ясалган уйига ўхшайди. Деразаларга оқ, кўк шоҳилардан пардалар тутилган, оёқ остига гулдор гиламлар тўшалган. Уриндиқларнинг юмшоқлигини айтмайсизми, суянчиқлар пар солинган болишдек, сал орқага ташлансангиз ичига ботиб кетасиз. Оқ садафдан ясалган тугмачани боссангиз, шойи пардалар бир томонга шириллаб сурилиб, ташқаридаги гўзал манзаралар кўз ўнгингизда намоён бўлади. Кўк тугмани босган эдим, приёмник экан, аллақайси хонанданинг «Ўйласам бу дилбарим маккорга ўхшайди-ку!» деган овози гуриллаб эшитила бошлади. Йўқ, қўшиқнинг сўзлари бутунлай бошқача эди, мен сизга уни атайлаб ўзбекчалаб тушунтираяпман. Беихтиёр бошқа бир кишига



шарбат ичираётган ҳалиги қизга кўз ташладим. Чиндан ҳам маккорга ўхшайди, юракдан ёмон олди-ку, севиб қолсам-а?... Бировга айтманг-ку, лекин ўзим ҳам пинҳона, ана шундай бир қизни севсам, дея ширин-ширин орзулар қилиб юрардим. Ҳамонки шу мамлакатда қолиб кетадиган бўлсам, ахир мен ҳам биронтасига уйланиб олишим керак-да, шундай эмасми?

— Гол!!! — орқамдан ўтирган киши бақириб юборди.

Эътибор бермабман, рўпарада, ҳайдовчи ўтирган ойнабанд кабинетнинг шундоққина орқасига телевизор ўрнатишган экан, экрани унча катта эмас, ҳалиги қиз кўтариб юрган кумуш патнисча келади, холос. Футбол ўйини кетаётибди. Жондилим футбол эмасми, қизни ҳам унутиб бутун хаёлим ўйинда бўлиб қолди...

— Кечирасиз, қаерда тушмоқчилар? — кумуш қўнғироқ яна нозик жаранглагандай бўлди.

Эс-ҳушим, ҳозир айтганимдай, футболда эмасми, ўзимга аранг келдим. «Жодугар» қиз тепамда кулимсираб турарди.

— Нима? — деб сўрадим.

— Қаерда тушмоқчилар?

— Менми?

— Ҳа, сиз.

— Мен мусофирман.

— Мусофир бўлсангиз ҳам, бари бир, бирон жойда тушишингиз керак-ку, ахир? — шундай деётганида қизнинг юзу кўзларида ачиниш аломати пайдо бўлгандек бўлди. Қанийди уям мени севиб қолса, қандай яхши бўларди-я, деган фикр ўтди бошимдан.

— Борадиган жойим йўқ.

— Узи қаердан келяпсиз?

— Нариги дунёдан.

Қизгина қайтадан менга разм сола бошлади. Мийиғида кулиб қўйди. Қоп-қора кўзларида ғалати бир нур барқ урди. Назаримда унинг ҳам қалбида илиқ ҳислар тўлқин ураётганга ўхшайди. Овози ҳам янада майинлашиб қолди.

— Ҳандалакда қариндошларингиз йўқми?

— ...

— Бўлмаса... Меҳмонхонага борақолинг.

— Яхши бўларди.

Автобусдан ҳамма тушиб кетиб бўлди. Холи қолганимиздан фойдаланиб, қизни гапга солмоқчи бўлдим. Биласиз-ку, биз қишлоқ йигитлари бунақа пайтда оғзимиздан бол томиб, ўзимиз ҳам эшилиб-буралиб кетамиз. Отини сўраган эдим ё Гу Ли деди, ёки Гу Ла деди, ҳаяжонланаётган эдим-да, яхши эшитолмай қолдим. Навбат эндигина турар жойини аниқлашимга келган эди ҳамки:

— Меҳмонхона бекатига келдингиз, — деб сўнгги саволимга, негадир зардали жавоб қайтарди.

Меҳмонхонага жойлашим анча қийин бўлди. Нега десангиз, бу ерда ҳужжат талаб қилишаркан. Тарвуз шаҳрида бир амаллаб тўғрилаб олган эдим, шошилинчда эсимдан чиқариб келибман. Сойбошида меҳмондан ҳужжат талаб қилишмас эди. Бу ерда, уф, тартиб шунақа қаттиқ эканки, асти қўяберасиз. Мадумаров магазинчининг тўнғич ўғлиман десам ҳам, ҳеч ишонилмади. Хайрият, чўнтагимда Тўлғон холамнинг пенсия дафтарчаси бор эди, бу мамлакатга келганимдан буён уни эҳтиётлаб юрувдим, ўшани кўрсатиб, мана шу кампирнинг набираси бўламан, деб туриб олдим. Биласиз-ку, биз бутун авлодимиз билан қайсармиз, ўлсак ўламитиз-у, аммо гапимиздан қайтмаймиз.

— Ҳа, майли, — деди ниҳоят администратор аёл, — фамилиянгни айт.

— Отахонова, — дедим шоша-пиша.

— Исминг?

— Тўлғон кампир.

— Ахир бу аёл кишининг исми-ку?

— Эркак кишилигимга ишонмасангиз... нима қилай бўлмаса?

Аёл дадамга ўхшатиб келиштириб бир уф тортиб олди. «Отахонова Тўлғон кампирга ўн иккинчи хонадан жой берилсин» деб ёзиб берди. Эсон-омон жойлашиб олгач, овқатланиш ва бегона шахарни бир айланиш ниятида ташқарига чиқдим. Энди нима десам экан, йўқ, бари бир, мен гапга нўноқман. Бу ерда кўрганим гўзалликларни таърифлай олмайман. Кўчаларнинг озодалиги, йўлакчаларнинг саришталиги, иморатларнинг кўркамлиги... унисини айтсам, буниси эсдан чиқиб қолади. Ҳар иморат қаршисида ярим гектарча гулзор, гулзорлар ўртасига рангли фонтанлар ўрнатилган, фонтан эмас, йўқ, ер остида кимдир сеҳрли куйлар чалаётгандек, тепага рангли сув эмас, куй, оҳанг отилиб чиқаётгандек. Дам олиш учун қўйилган столлар, нима бало, шамшод ёки ёнғоқ дарахтидан ишланганми, хуш ҳидлар таратиб турибди. Газ будкаларидан сув эмас, шарбат оқяпти. Машиналар... машиналар ҳали айтганимдай, бири қовун, бошқаси тарвуз нухали.

Қизиғи, юриб эмас, думалаб бораётгандек таассурот қолдиради. Ундан ҳам муҳими, энергияни түппа-түғри қуёшдан олаётгани учун орқасидан тутун ҳам чиқармас экан. Сигнал ўрнига, ҳали йўлда кўрганимдай, нуқул ёқимли куйлар чалиняпти денг! Шаҳар ҳар куни икки марта хлор аралаштирилган совунли сув билан ювилгани учун ярақлайди, на чанг, на ёқимсиз ҳид бор. Кўчалардан ўтиб борар экансиз, бамисоли гулзор ичида ўтириб, тўйиб-тўйиб нафас олаётгандек, ўзингизни енгил ҳис қиласиз...

Бу ерда навбатда туриш деган нарса йўққа ўхшайди. Нега десангиз, магазинлар олдидан ўтиб қолсам, сотувчилар югуриб чиқиб:

— Ҳурматли харидор, молни биздан харид қилинг! — дея ёлвориб йўлимни тўсишади.

— Менга ҳеч нарса керак эмас, — дейман, чўнтагим қуп-қуруқ эканини эслаб.

— Илтимос, ярим баҳосига берамиз, — дея илтижо қила бошлашади яна, — ой охирлаб қолди, планни бажаролмай турибмиз, ул-бул нарса олсангиз, ажойиб массаажчимиз бор, қўл-оёғингизни уқалаб ҳам қўяди, қушдек енгил бўлиб чиқасиз.

Магазиндан бир сўм етмиш тийинга битта нейлон пайпоқ сотиб олган эдим, гаплари рост экан, массаажчи тахта каравотга ётқизиб олиб, суякларимни қисирлатиб уқалаб, сўнг ҳаммомчасига олиб кириб ювинтириб ҳам қўйди.

Лекин бу мамлакатда ҳам кетма-кет қовун тушира бошладим. Ўзи шунақаман. Яхшилик қилган одамга билмасдан ёмонлик қилиб қўявераман. Хурсанд қилган кишининг, кўпинча, дилини хуфтон қилиб юбораман. Таксида шаҳар айланган эдим, тушаётганда бир сўм қирқ тийин ўрнига икки сўм бериб юбордим.

— Қайтимини олинг, — деди ҳайдовчи йигит танга узатиб.

Ўзимизнинг мамлакатда юрганимда дадам билан гоҳо район марказига борардик. Қайтаётганда таксига ўтирсак, масалан, уч сўм кўрсатса, ҳайдовчи тўқназ сўм қилиб олмагунча эшикни очмасди. Мабодо бир амаллаб тушиб олсак, остонамизгача орқамдан қувиб борар эди. Шунини ўйладиму чўнтагимдан яна эллик тийинни чиқариб:

— Бор пулим шу, — деб қўйдим.

— Қайтимни олинг деяпман, — сал қалтирагандай бўлди таксичининг овози.

Икки қўлимни баробар кўксимга қўйдим:

— Йўқ, мен разиман.

— Ол деяпман.

— Розиман, деяпман-ку. Бола-чақангизга мороженое-пороженое олиб берарсиз.

— Олмайсанми?

— Йўқ.

— Шунақами ҳали?

— Манг, мана бу эллик тийинни ҳам олинг-да, менга жавоб беринг.

Шундай дейишмни биламан, таксичи эшикни қарсиллатиб очдию икки ҳатлаб ёнимга келди. Ёқамдан сиқиб, жон-жаҳди билан силкита бошлади:

— Сен мени тиланчи, пасткаш деб ўйладингми, гапир!

— Майли, яна бир сўм бераман, — дедим аранг нафас олиб.

— Нима?!

— Бир сўм, ўлай агар, бор-йўғи пулим шу, мен мусофирман, жон амаки!

— Мени шунақа разил деб ўйладингми-а?

— Ундай эмассиз.

— Қароқчи, ўғри, муттаҳам эканман-да бўлмаса? Куппа-кундуз куни йўловчини талайдиган аблаҳ эканман-да! Йўқ, сен мени ҳақорат қилдинг, судга бераман сени...

Таксичининг тутқаноғи бор экан, оғзидан кўпик келиб, кўзлари орқасига тортиб кета бошлади. Томоғимда турган қўли тарашадай қотиб қолди. Бир силтаниб ёқамни бўшатдим-да, яшил рангга бўялган кўп қаватли иморат орқасига ўтиб, уёғига, яшириб нима қиламан, жуфтакни ростлаб қолдим. Бу шаҳарда уч-тўрт йил яшаганимдан кейин билсам, мен бечора таксичини беҳад ҳақорат қилган эканман. Одамлари шундай пок, шундай ҳалол яшар эканки, бировнинг ҳақиғага бир тийин хиёнат қилиш — кечирилмас гуноҳ, чойчақа олиш — хўрлик ҳисобланиб, аёллар бирон киши билан уришиб қолса, худое бошинг чойчақа олишдан чиқмасин, деб қарғар экан. Буни мен, ҳали айтганимдай, кейинроқ билдим. Ҳозир эса яшил иморат орқасига ўтиб, ит қувган соқовдай қочиб борар эдим. Хайрият, қувламаётганга ўхшайди. Қанча юрганим эсимда йўқ, бир маҳал катта гулзор ўртасидаги ошхона ёнига келиб қолибман. Лаззатли таомлар ҳиди димоғимга урилиб, иштаҳамни қитиқлаб юборди. Ўзиям ҳали автобусда ичиб олганим аралаш шарбатларни ҳисобга олмаганда бу дунёга келганимдан буён туз тотганим йўқ.

Ошхона гулзорнинг қоқ ўртасида, столлар устига ҳар биттаси чинни қосадай бўлиб очилган оқ, сариқ атиргуллар шундоққина эгилиб турибди. Қизил атиргул салом бериб турган столга чўкиб, официантка келишини кута бошладим.

Хўрандаларнинг мен билан иши йўқ, еб-ичиб, чақчақлашиб ўтиришибди. Гоҳо-гоҳо столларига эгилиб турган гуллардан ҳидлаб-ҳидлаб ҳам қўйишяпти денг. Утирган столимда афтидан мендан олдин безорилар бўвқатланишганга ўхшайди. Устига «кабоб», «қовурилган жўжа», «қайнатма шўрва» деб, еган таомларнинг номини қаламтарош билан ўйиб, ёзиб кетишибди. Безорилар ҳамма жойда ҳам топи-ларкан-да, шундай чиройли столни бузишганини қаранг, деб ўйладим-да, чўнтагимда ўзимизнинг дунёдан эсдалик сифатида олиб юрганим конверт қирқадиган қайчи бор эди, ўшани чиқариб, безориларнинг дастхатларини бир бошдан қириб ўчира бошладим. Бараварига икки аёл югуриб келиб:

— Нима қиляпсиз! — дея сўрашди ранги-қутлари ўчиб.

— Безориларнинг хатини ўчирыпман, — деб тушунтирдим.

— Қанақа хат?

— Мана кўринглар, ҳаммаёққа ёзиб кетишибди.

Икки аёл тенгдан кулиб юборди. Кула-кула столдаги ёзувлар сизга тавсия қилинаётган таомларнинг номи, ёзувларни безорилар эмас, бизнинг ўзимиз ёзганмиз, дея тушунтиришган бўлди-да, ориқроғи:

— Хўш, қанақа таом емоқчисиз? — дея мурожаат қилди.

— Қайнатма шўрва, — дедим шу эсимга келганидан хурсанд бўлиб.

— «Қайнатма шўрва» деган ёзувни босинг, — тушунтирди семизроғи.

Айтган ёзувини босган эдим, столнинг чап томонидаги қопқоғи овозсиз очилиб, буғи кўтарилиб турган сергўшт шўрва пайдо бўлди.

— Яна нима хоҳлайдилар? — кесатиброқ сўради ориғи.

— Қовурилган жўжа, — мен ҳам худди ўша оҳангда жавоб қайтардим.

— Энди мана бу ёзувни босинг.

Айтганини қилдим. Қиприк қоққунча муддат ичида столнинг ўнг томонидаги қопқоғи бир кўтарилиб-ёпилгандай бўлди. Қип-қизил қилиб қовурилган жўжа тарелкаси билан мен томонга сурилиб келмоқда эди. Таомлар ердан чиқдимми, осмондан тушдимми, билолмай қолдим. Демак, ҳамма нарса механизациялашган экан, мен бўлсам бунни тушунмай аппаратни ишдан чиқариб кўяёзиман. Яъни, қишлоқчасига айтадиган бўлса, яна битта қовун туширибмиз. Лекин шундай бўлса ҳам сир бой бергим келмай:

— Таомни чайнаб берадиган аппаратларинг йўқми? — деб сўрадим.

— Йўқ, — деди семиз аёл.

— Чайналган таомни ютишга ёрдамлашадиган аппарат-чи?

— Униси ҳам йўқ ҳали, — деди ориқ аёл.

— Орқада қопсизлар, — дея тўнғиллаб қўйдим.

## VI БОБ

### «Адолатли конкурслар»

Эртасига шаҳар айланишни давом эттирдим. Бу ерда томоша қилсанг арзийдиган ҳайратомуз нарсалар кўп. Айланиб юриб, тўсатдан, ҳа-ҳа, тўсатдан «Ростгўйлик ва ҳалоллик тажриба институти» қаршисига келиб қолибман. Ростгўйлик ва ҳалоллик... Бу қанақаси бўлди экан-а, деб ўйладим, мединститутми-кан, пединститутми-кан? Лекин қанақа бўлсаям, айни мен боппи экан. Нега десангиз ўзимизнинг дунёда мендан ростгўй, мендан ҳалол бола йўқ эди. Биласиз-ку, ягона ниятим — институтга кириб ўқиб, катта олим бўлиш. Эҳтимол, бу ерга кириб олсам аълочи ҳам бўлиб кетарман. Ана унда Ҳошимнинг қалбига ўт ёқиб, бир куйдирган бўлардим-да! Дарвозадан ўтиб, қайси факультетга кирсам экан, дея, уёқ-буёққа разм сола бошладим. Чиндан ҳам бу ерда ростгўйлик ва ҳалоллик тантана қиладиганга ўхшайди. Ҳамма нарсани очиқ-ойдин қилиб ёзиб қўйишибди. Қўш қанотли бир эшикнинг тепасига «Дадаси амалдорлар тажриба факультети», иккинчисига «Чўнтаги чуқурлар тажриба факультети», учинчисига эса «Билимдонлар тажриба факультети» деб, ҳозир айтганимдай, очиқ-ойдин ёзиб қўйишибди. Ҳар ёзувларки, боқсанг кўзинг яйрайди. Қалбим қувончларга тўлиб кетди. Тўғри-да, ёзиб қўйишмаганда менга ўхшаб чекка қишлоқдан келган болалар янглишиб бошқа факультетга кириб қўйиши, оёғи осмондан келиши ҳеч гап эмас эди-да. Дадам амалдор эмас, дея ўйлай бошладим, бор-йўғи магазин сотувчиси, яна тагин қамоқда ётибди. Йўқ, буниси бизга тўғри келмайди. Чўнтаги чуқурлар факультети-чи? Бунни қишлоқ тилига таржима қилсак, пули кўплар факультети бўлиб чиқади, шундайми? Э, аттанг, участка бошлиғимиз Анорбой тоғанинг қизи Арофат келганда мазза қиларкан-да. Одамларнинг айтишича, дадаси пулнинг сассиғига ётолмай, кечалари юриб чиқармиш... Демак, мулла Акромий пулдорлар

факультетига ҳам киролмайди. Ароқхўр дадасининг камомади туфайли оиласи кулоғидан қарзга ботиб ётибди.

Бундай ўйлаб қарасам, мен учун энг ўнғайи «Билимдонлар факультети» экан. Сизга айтувдим шекилли, йўқ, айтмаган эканман, ҳа, майли, кейинроқ айтиб берарман. Хуллас, бригадиримизнинг фикрича, мактабимиздаги энг аълочи ўқувчи мен эканман. Шундай бўлгач, билимдонлар факультетига кирганим маъқул, тўғрими? Лекин ишим яна юришмайдиганга ўхшайди, бу факультетдаги имтиҳонлар ҳафтанинг охирида бўларкан. Уша кунгача кўнглим совуб қолса унда нима бўлади, шуни ўйлаб қўрқиб кетдим. Йўқ, деб ўзимга далда бердим яна, унғача бошқа факультетдаги имтиҳонларни кузатиб, кўзимни пишитиб оламан. «Отаси амалдорлар тажриба факультети» қабул комиссияси катта залга жойлашган экан. Худди ўзимизнинг Омон бригадирнинг дала шийпонича келади денг. Уёқ-буёққа аланглаб турган эдим, кимдир ваҳимали овозда «Шар Манда машинадан тушдилар» деб шивирлади. Ҳаммаёқ олатасир бўп кетди. Менга ўхшаб меровланиб турганлар ўзини панага олди. Хужжатларни қабул қилаётган қизчалардан бир хили энгашиб стол остига кириб кетишди. Ҳалидан буён кеккайиб кириб-чиқаётганлар билан димоғида гаплашиб ўтирган, ёши дадам тенги келадиган бир киши, шу залнинг бошлиғи бўлса керак, Шар Манда дейишлари биланоқ тарракдек қотиб қолди. Беркинган жойимдан аста мўралай бошладим. Аввалига одамлар юзиди ўрмалаб юрган ваҳимани кўриб, одамхўр дев келаётган бўлса, битта-яримтасини ютса керак, деб ўйлаган эдим. Хайрият, унақа бўлмади. Эшикдан чиройли кийинган, ўрта бўй, мой суртилган сочлари силлиқ таралган, юзларида табассум ўйнаб турган, фаришталигина бир киши кириб кела бошлади. Шунақанги хушрўй, шунақанги ёқимтойки, югуриб бориб, ачомлаб, ўпиб олгинг келади. Ҳалиги тарракдек қотиб қолган бошлиқ аста-секин ўзига келиб, бошини гулофтобпарастга ўхшаб эгди-да:

— Ассалому алайкум, — дея қўлтиғи тагидан овоз чиқарди.

— Ваалайкум... — деб алик олди Шар Манда. — Хўш, ишлар қалай?

— Ҳаммаси жойида, хўжайин.

— Бизнинг қўзичоқ хўжжат топширдими?

— Топширдилар, хўжайин.

— Хўш, қалай?

— Буюк истеъдод эгаси эканлар, асло ташвишланмасинлар, — Гулофтобпараст аста-секин қаддини ростлай бошлади. Юзи ҳам, ўхшатишни тўғри қилган эканман, гуллагай гулофтобпарастдек қип-қизариб кетибди. — Насиб этса, ҳаммаси жойида бўлади. Муаллимларга махсус кўрсатма берилди. Уғлингиз имтиҳонга келаётганларида чарчаб қолмасинлар деб, алоҳида машина ажратдик. Кун иссиқ, мабодо терлаб қолсалар елпиб турсин деб, бир аёлни биркитиб кўйдик. Утиришлари эҳтимол тутилган курсиларга, ўғлингизнинг юмшоқ жойларига озор етмасин, деб, тўрттадан пар ёстиқ кўйдик. Чанқаб қолсалар танлаб-танлаб ичсинлар деб, ўн тўрт хил шарбат келтиришни буюрдик. Шарбатлар албатта кумуш қадахларда берилади. Иншо ёзаётганларида қўллари толиқиб қолиши мумкин. Буни ҳам ҳисобга олдик. Энг тажрибали массажчимизни навбатчи этиб тайинладик.

— Менга қаранг, — тўсатдан қовоғи уюлиб кела бошлади Шар Манданинг. Лекин қовоқ солганида ҳам ҳар қандай кулиб турган кишидан чиройлироқ кўринар экан, — ортиқча савол бериб уни қийнаб қўйманлар тагин.

— Ҳеч ташвиш тортмасинлар, — Гулофтобпарастнинг қадди яна эгилиб туша бошлади.

Шар Манданинг юзи тўсатдан даҳшатли тус олди. Қисилган кўзлари ўқланган милтиқнинг оғзидай бўлиб кўрина бошлади. Ютиниб ер тепинди:

— Савол берган муаллимнинг тилини суғириб оламан.

— Асло ташвишланмасинлар!

— Уттиз икки тишини қоқиб оламан! — шундай деб, Шар Манда аста бурилиб, чиқиб кета бошлади. Эшик олдида етганида тўсатдан тўхтаб, орқасига ўгирилган эди, ҳай-ҳай, юзлари яна табассум нуридан гул-гул яшнаб кетибди. Кўзларида мулойимлик, самимият чироғи парпираб ёниб турибди. Яна, ишонсангиз, югуриб бориб ачомлаб олгим келди.

— Хўш, бизга қанақа илтимос бор? — сўради у орқасидан эргашиб келаётган Гулофтобпарастдан.

— Яккаю ягона илтимос шуки...

— Хўш?


— Бахтимизга узоқ яшасинлар.

— Яна?

— Уй ичлари билан саломат бўлсинлар.

— Бўладиган гапни айтсангиз-чи?

— Тилим бормайди-да, хўжайин.



H. F. JONES. 1900.

— Айтаверинг.

— Ёшим ҳам ўтиб қолди. Мабодо қазо куни етиб... — Гулофтобпараст бир хўрсиниб олди. — Оламдан кўз юмсам, эгаллаб турган камтаргина лавозимим ўғлимга қолса девдим. Кўриб турибсиз, бу дунёда мендек адолатли, мендек ҳалолу покиза одам бўлмаса керак. Шу ҳалоллигу покликни наслимиз ҳам давом эттирса...

— Бу лавозим аслида катта бувингиздан қолганмиди? — мой сурилган чиройли қошларини ғалати чимириб сўради Шар Манда.

— Йўқ, катта бобомдан мерос тегувди.

— Энди набирамга қолса дейсизми?

— Йўқ, ўғлимга қолса девдим.

— Демак, васиқа керак, шундайми?

— Агар малол келмаса...

— Яхши, васиқани шу бўғуноқ оласиз. Қабулхона котибасидан бериб юбораман, — гапининг уёғини худди қасамёд қилаётгандай бир оҳангда давом эттирди Шар Манда. — Юз йилгача сизнинг авлодингизга биров финг демайди. Финг деганининг тилини суғуриб, ўттиз икки тишини қоқиб оламан.

— Олам тургунча туринг! — қўл очиб дуо қилди Гулофтобпараст.

Қизиқ, қаерда турганим эсимда йўқ, мен ҳам ҳовучимни очиб фотиҳа ўқиб юрибман, денг. Гулофтобпараст васиқанинг дарагини эшитиб, беҳад хурсанд бўлиб кетди шекилли, миннатдорлигини ифодалаш мақсадида бўлса керак, хўжайиннинг орқасидан-кўчага эмаклаб чиқиб, бети билан туфлисининг юзини ҳам артиб қўйди Шар Манда ўғлини «қўзичоқ» деб атаганда мен ҳайрон бўлувдим. Лекин янглишган эканман. Чиндан ҳам, бир хил онасидан эрта ажралиб, сутга тўймай қолгани сабаб танаси кичрайиб, жуни ўсиб кетадиган қўзичоқлар бўлади-ку, ана ўшанга ўхшаркан. Соч демагани, ўсиб бўйинини қоплаб тушибди. Вельвет шими думбасининг икки палласини тарвуздек дўппайтириб турибди. Бел ингичка, оёқ калта, йўқ, тўғри айтибди, бааини сутга тўймаган қўзичоқнинг ўзи, фақат бўйнида кўнғироғи йўқ, холос.

Конкурс қатнашчилари бўлмиш ота-болалар оймқовоқнинг ярим палласига ўхшаб кетадиган шинам машинага ўтириб жўнаб кетишгач, Гулофтобпараст қаддини ростлаб, ичкарига кириб кетди. Энди уёққа киришга ҳеч қизиқмай қолдим. Хўш, кирганимда ҳам нимани кўрардим. Амалдор бўлганидан кейин дўқ уради-да. Дўқ урмаса уни ким амалдор деб ҳисоблайди, тўғрими? Ундан кўра чўнтаги чуқурлар конкурсини томоша қилганим яхши эмасми? Эҳтимол, мен учун фойдали бирон гап ўша ердан чиқиб қолар.

Наҳақи бинога ўтиб аввал кўрганимдан ҳам каттароқ бир залга кирдим. Залнинг ўн тўрт жойига ўн тўрт стол қўйишибди. Ҳар бир стол қаршида қиёфалари жиддий, башанг кийинган, нуроний қиёфали, олимнамо кишилар савлат тўкиб ўтиришибди. Бир-биридан улўсифат денг. Кўзлари шундай мулоийм боқадики, худди кўринмас қўл билан бошингиздан оҳиста-оҳиста силаётгандек. Овозлари ҳам майин. Эшитсангиз яйраб кетасиз. Имтиҳон олувчилар бўлса керак, деб ўйладим-у, негадир яқинроқ боргани юрагим дов бермай, шундоққина эшик олдида тўхтаб қолдим. Қизиқ, ҳар бир муаллимнинг столи устида дорихоналарда ишлатиладиганга ўхшаш кичкина-кичкина тарозилар ҳам турибди, бир килолик, ярим килолик, юз граммлик тошлари ҳам бор. Адашиб бозорга кириб қолдим шекилли, деб ўйлаб, эндигина бурилиб чиқиб кетмоқчи бўлувдим, қулоғимга ғалати бир суҳбат чалиниб қолди. Енгинамдаги стол қаршида ўртоғим Ҳошимжоннинг бувисига ўхшаб бошига катта оқ рўмол ташлаб олган бир кампир тик туриб столнинг нариги томонидаги Оқ Сочли киши билан қаттиқ-қаттиқ гаплашяпти.

— Жон бувижон, тушунсангиз-чи, — деяпти Оқ Сочли ўзини ғоят сипо тутиб. — Айтаяпман-ку, танга пул конкурсга қабул қилинмайди, деб!

— Вой болам, нега ундай дейсиз? Мен бу пуллари қаттиқ сотиб, қаймоқ сотиб, нақ ўн икки йил йиққанман-а?

— Тўғри, лекин, бувижон, бари бир танга пул конкурс шартига тўғри келмайди.

— Хўш, қанақаси тўғри келади бўлмаса?

— Уф, оббо бувижон-ей, минг марта айтаяпман, бели синмаган қоғоз пуллари тўғри келади.

— Бўлмаса, жон болам, қоғоз пулларимни яна тортиб кўр, онагинанг ўргилсан. Ўғлингга тўй қилсанг, келиб ёр-ёр айтиб бераман. Қара, бир халта келади-я. Неварагинам бу пулни тўплагунча нақ адои тамом бўлди-я. Икки йил новвос боқди. Бирам сузонғич эканки, ипини узиб сал бўлмаса чавақлаб кўяёзди. Вой қуриб кетмагурнинг шохи, шох эмас, ханжар экан!... Жон болам, пулни яна бир тортиб кўр.

— Тортдим, бувижон.

— Хўш, қанча экан?  
 — Бор-йўғи тўққиз юз грамм, холос.  
 — Шунча пул ҳам етмаяптими?  
 — Етмайди, бувижон, етмайди. Институтга кириш учун, конкурс шартига кўра, набирангиз йигирма балл олиши керак.

— Хой, болам, онагинанг ўргилсин, менга сал тушунтириброқ айт.  
 — Ҳозиргина пул деяётган эдинг шекилли, энди бол деяпсан.  
 — Бол эмас, бувижон, балл деяпман!  
 — Ишқилиб, асал сўраяпсанми, ахир?  
 — Э, асалингизни бошимга ураманми! Қанақа саводсиз ўзи бу кампир. Балл билан болнинг фарқига бормади-ю, яна набирасини ўқишга киритмоқчи эмишлар!..

— Вой, нега тушунмас эканман, болам? Мен ҳам жуда орқада қолган аёллардан эмасман. Автобусда етти йил паттачилик қилганман. Санок комиссиясига икки марта раис бўлганман. Йиғинларда уч марта гапирганман. Унақа дема, болам. Ҳа, майли, пулнинг устига яна ўқишини битиргунча сенга қаймоқ жўнатиб тураман.

— Нима?  
 — Қаймоқ деяпман. Сигирим туққан, болам. Сути бирам ёғлики!..  
 — Менга пора бермоқчимисиз? Ҳақорат қиляпсиз мени.  
 — Вой, болам, нега қизишасан. Қизишма. Қаймоқ егинг йўқ бўлса, майли, қуюққина дуо қиламан. Ўлгунимча дуо қиламан.  
 — Дуолар замони ўтиб кетган, тушунсангиз-чи, кампир.  
 — Хўп. Ўша конкурсингга яна қанча пул керак?  
 — Яна тўққизта новвос боқасиз.

— Вой болагинам-ей, энди сен мени тушунмаяпсан. Ҳозиргина айтдим-ку, оғилхонамиз тор, деб. Битта мол аранг сиғади, бўйгинангдан ўргилай!..

Бувижоннинг кўзларида ёш айланиб қолди. Биласиз-ку, кўзёшига тоқат қилолмайман. Узим ҳам қўшилиб йиғлаб юборадиган одатим бор. Энди чиқиб кетаётган эдим, эшикнинг тепасида турган микрофондан қиз боланинг:

— Ёғоч базасининг совриндор директори ташриф буюрдилар, — деган майингина овози эшитилиб қолди. Ун тўрт имтиҳончи баравар ўрнидан туриб, бараварига кўлини кўксига қўйди. Бир хиллари ширин таомнинг номини эшитган чақалоқдек лабларини чапиллатиб ҳам қўйишди. Ҳов чеккада ўтирган иккитасининг оғзидан аллақачон сўлаги оқа бошлади. Лекин бағоят маданиятли кишилар экан. Чўнтақларидан шоша-пиша атир ҳиди уфуриб турган рўмолчаларини чиқариб, лаб-лунжларини артиб олишди. Учтаси югургилаб келиб, эшик олдида бир-бирини турта бошлади. Итар-итар қилаётганларнинг юзларида боягина мен кўрган сиполигу улуғворликдан асар ҳам қолмади.

— Бу меники ёш боладай ирғишлаб.  
 — Сенда ўзи инсоф борми? — дейди иккинчиси йиғламсираб.  
 — Икковингни ҳам ҳозир бўғизлаб ташлайман, — дейди Оқ Сочли, — кўриб турибсизлар-ку, эрталабдан буён қуруқ ўтирибман.

Худди шу пайтда, ёғоч базаларида сотиладиган ҳар биттаси тўққиз кубометрдан келадиган ғўлалар бўлади-ку, ана ўшанга ўхшаб кетадиган, оёғидан тортиб бошигача бир текис семирган, юзи ҳам худди ёғочдан йўнилгандай сип-силлиқ, борингки, болаларнинг тушига кириб чиқадиган девларга ўхшаш баҳайбат бир киши эшикдан ёнбош ўтиб, аста-секин кириб кела бошлади. Кўзлари ҳам катта, ҳар биттаси чинни косадай келади, денг. Мўйловини айтмайсизми, бай-бай, буралиб-эшилиб, бўйин томонига ўтиб кетибди. Лекин қориндан ҳам берган экан. Хоҳ кўринг, хоҳ кўрманг, худди мен ичига тушиб кетган сеҳрли қовунча келади-я! Орқасидан хушбичим, хушрўйгина, бўйни тўла шода-шода оқ марварид бир аёл босайми-босмайми, дея, таманно билан юриб келяпти. Товус патидан ясалган ихчам елпигичи билан гоҳо чиройли юзини елпиб-елпиб қўяди. Елпиётганда оламини атир-упа хидлари қоплаб кетгандек бўлади. Аёлнинг бошқа кўлида бизнинг қишлоқларда ҳам расм бўлиб келаётган ва номини негадир «дипломат» деб аташадиган тўрт бурчакли яшил чамадонча.

— Қадамларига ҳасанот, азизим Чинор Чинорий, — таъзим бажо келтирди Оқ Сочли. Сўнг девқоматли кишининг қўлтиғига кириб, ўзи ўтирган ўринга қараб сургай бошлади.

— Ҳа, сен ҳам шу ердамисан? — деб қўйди Чинор Чинорий.  
 — Қани, марҳамат қилиб мана бу курсига ўтирсинлар.  
 — Курсинг кўтаролмайди мени.  
 — Бўлмаса тағларига кўрпача солиб бераман. Ҳар эҳтимолга қарши уйдан кўрпача олиб келадиغان одатим бор. Сизга ўхшаган азизлар келганда шошиб қолмай дейман-да. Қани, ёнбошласинлар.  
 — Ёнбошласам туролмайман.

— Йўқ, йўқ, ўзим турғазиб қўяман.  
— Оббо, қўймадинг-да, Оқ Сочли.  
— Оёқларини андак уқалаб қўяйми? Енгил тортадилар. Қани, қизим, сиз ҳам ўтиринг, ўтирсинлар. Оббо оппоқ қизим-ей!..

Оқ Сочли гапга чечан десам, қўл-оёғи ҳам чаққонгина экан. Массажга шунақа уста эканки, ҳаммомдаги ходмигар унинг олдида ип эшолмайди, десам ишонаверинг. Чинор Чинорийнинг бор вужудини эринмасдан бир бошдан уқалаб чиқа бошлади:

— Лекин, азизим, қизалоқни бизга олиб келиб кўп яхши қилибсиз-да. Имтиҳон пайтида ўзим оталиқ қилиб тураман. Кўринишларидан чинакам ҳуқуқшунос чиқадиғанга ўхшайдилар. Қизим, яйраброқ ўтиринг. Гумоналари борга ўхшайдилар, эсон-омон кўз ёриб олсалар, худо хоҳласа фарзандларини ҳам ўзим кўтариб катта қилиб бераман. Лў-лў-лў... Бола юпатишга жуда устаман-да...

— Бу менинг хотиним бўлади, — деб қўйди Чинор Чинорий.

— Қаранг-а, — ўнғайсизланиб, бир оз жим қолди Оқ Сочли, — лекин жуда ёш кўринадилар. Майли, аёл кишининг кечроқ бўлсаям ўқигани яхши. Ҳуқуқ илмини эгалласалар, нур устига аъло нур! Рўзғорда адолатли тартиб ўрнатилади.

— Ҳой, Оқ Сочли, бунча булбулигўё бўп кетдинг, бу ўқимайди деяпман-ку сенга!

— Унда, азизим, ўзларини ўқитар эканмиз-да. Оқ-оқ, қандай соз, ёғоч базасининг шавкатли директори сиртқи бўлим талабаси бўлса! Ахир, бу биз учун обрў-ку, фахр-ифтихор-ку. Офарин, минг офарин! Ҳуқуқшунос бўлсалар, ёғоч базасидаги маҳсулотлар ҳам адолат нуридан баҳраманд бўлади.

— Кармисан, мен ўқимайман, деяпман.

— А?!

— Қизим ўқийди.

— Э, ҳа, шундай демайдиларми, азизим.

Имтиҳончи ғўлани думалатгандай, Чинор Чинорийни уёқ-буёққа ағанатиб обдан уқалаб бўлгач, елкасига беозоргина қилиб бир-икки шапатилаб ҳам қўйди.

— Қизимиз ташқаридамилар?

— Уйда, — деди Чинор Чинорий, — ухлаб ётибди.

— Лекин ухлаганлари кўп яхши бўпти, — яна гапга тушиб кетди Оқ Сочли. — Қиз бола кўп ухласа юзи ширмондай қип-қизил бўлади. Хўш, конкурсга қатнашадиларми?

— Қатнашаман.

Чамадончадаги пулларни қўйишган эди, тош етишмай қолса бўладими, ўн тўрт курсида ўтирган ўн тўрт имтиҳончи «У-ў-ў!..» деганча ўрнидан туриб кетишди. Сўнг, энг юқори баллни сизнинг қизингиз олди, дейишиб, кетма-кет келиб Чинорий билан хотинини қутлай бошладилар.

## VII боб

# Темир одам билан калла уриштирганим

Ниҳоят, мен имтиҳон топширадиган муддат ҳам келди. Лекин негадир куннинг иккинчи ярмига қўйишибди. Аслида эрталабга қўйилганда соз бўларди. Менинг миям эрталаб яхши ишлайди. Бир неча бор синаб қўрганман. Ўзимни чарчатиб қўямаслик учун, бир хаёлим, имтиҳон пайтигача ётиб ухлайберай ҳам дедим. Лекин уйқуси қурғур ҳам ҳадеб келабермас экан. Ун олти соатдан ортиқ ухлай олмайдиган бўлиб қолганман. Кийиниб шаҳарга чиқиб кетдим. Уёққа алангладим, буёққа алангладим, охири оёқларим толиб, гўзал хиёбонлардан бирига бурилдим. Андак истироҳат қилмоқчи эдим. Кимдир узун скамейкага газета ташлаб кетибди. Олиб уёқ-буёғини кўра бошладим. Шу ерда чиқадиған «Ҳандалак оқшоми» газетаси. Миямни чарчатмаслик учун ўқимоқчи эмас эдим-у, аммо жони-дилим спорт хабарлари. Футбол, хоккей, баскетбол ҳақидаги ахборотларни ўқиганда таним яйраб кетади. Тўртинчи бетини очаётиб, эълонларга ҳам кўзим тушиб қолди. Ўқидим, яна ўқидим. Уф, иш чатоқ бўпти. Наҳотки; шу гаплар рост бўлса? Такрор ўқий бошладим.

## ЭЪЛОН.

Гулгун яшнаётган шахримизнинг барча пок виждонли фуқаролари диққатиға! Утган чоршанба куни Пистапўчоқ кўчасининг муюлишида



қуйидагича воқеа содир бўлган. Таксида келаётган номаълум йўловчи тушиб кетаётганда ҳайдовчи Шамол Шамолийга бир сўм қирқ тийин ўрнига икки сўм узатган. Қайтимини олинг, деганда зарда қилиб, яна эллик тийин ташлаб, кўп қаватли иморат орқасига қочиб ўтиб кўздан ғойиб бўлган. Уттиз йил давомида ҳалол ишлаб, бировнинг бир тийинига ҳам хиёнат қилмаган Шамол Шамолий йигитчанинг бу ҳаракатини ўзи учун ҳақорат деб билган. Ҳақорат азобига чидай олмай ўзини ёнғоқ дарахтига осиб ўлдирган. Пок Виждонли, ҳалқуми тоза дўстимиз Ширин қовунлар дунёсидан кўз юмиш олдидан: «Дўстлар, мени ҳақорат сиртмоғига осган келгинди мақтанчоқни ушлаб, ўчимни олинг, бўлмаса то қиёматгача гўримда тик тураман, алвидо!» — деб жон берган. Аниқланишича, покдомон таксичимизни ҳақоратлаган номаълум шахснинг ёши ўн олти-ўн еттиларда, сариққа мойил юзи етилиб пишган ҳандалакдай дум-думалоқ, бурни ангишвонага ўхшаш, кўзлари кулиб турувчи бир йигитча бўлган. Кўрганлар ёки қаерда яшаб турганини эшитганлар бўлса, зудлик билан бизга хабар қилишларини сўраймиз.

### **Ҳандалак шаҳар соқчилар бошқармасининг жиноят қидирув бўлими.**

Газета қўлимдан сирғалиб тушиб кетди. Бу қанақаси бўлди-а, қанақа дунёга келиб қолдим ўзи? Бу ёқда порани киллолаб олиб туришса, бу ёқда олтмиш тийин учун ўзини осишса, ҳеч тушунолмаيمان. Демак, мени қидиришаётган экан-да, кўлга тушиб қолсам-а! Қочаймикан, хўш, қочганимда нима қилардим, қаёққа бораман, кимдан паноҳ сўрайман?.. Лекин Шамол Шамолий ажойиб инсон экан. Ўлмаганда оёғига йиқилиб, кечирим сўрардим. Сиз ўлгунча мен ўлай, деб ўша ёнғоққа ўзимни осган бўлардим... Йиғлагим келяпти, йўқ, аллақачон йиғлаб ҳам юборган эканман. Кўзларимдан шовиллаб ёш қуйила бошлади. Йиғла, йиғлайбер, мулла Ақром! Қаёқларга келиб қолдинг ўзи, на бир меҳробнинг, кўнгил сўровчи на бир қариндошинг бўлмаса, йиғла, тўйиб-тўйиб йиғлаб ол!..

Лекин булардан нима фойда, тонг отгунча йиғлаганимда ҳам у қайтиб келмайди-ку, энди. Эсон-омон институтга кириб олсам, ҳаммаси эҳтимол унут бўлиб кетар. Ахир мен бу дунёга нуқул қовун тушириш учун келмаганман-ку, ёруғ кунлар ҳам бордир. Оҳ, дўстгинам Ҳошимжон, ҳозир сен ёнимда бўлганимда дардимни олардинг. Тупур, бунақа гапларга, дея кўнглимни кўтарардинг... Йўқ, ўзимни қўлга олишим керак.

Шартта ўрнимдан туриб, кўзёшларимни арта-арта имтиҳон сари отландим. «Билимдонлар факультети» дарвозасидан киришим билан яна бир қизиқ ҳодисага дуч келдим. Хафа бўлишимни ҳам, хурсанд бўлишимни ҳам билмасдим. Ҳайратдан ёқа ушлаб, беш минут чамаси ўтириб қолдим. Бу ерда кириш имтиҳонларини темир одамлар — роботлар олар экан. Тўғри, илгари роботлар ҳақида кўп эшитганман, икки марта кинофильм ҳам кўрганман. Лекин вақти келиб, ўшалар билан юзма-юз бўлиш етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган эди. Омадинг келди-ку, мулла Ақром, дейман ўзимга-ўзим, қишлоққа эсон-омон қайтиб борсанг, хўп мақтанадиган бўлдинг-да, оғайни. Роботларнинг кўриниши сиз билан мендан сира фарқ қилмайди. Юради, гаплашади. Ҳатто биттаси бир-икки марта «ап-ччу» дея акса уриб ҳам олди шекилли. Шунақанги башанг кийинишибдики, ҳай-ҳай, нақ кувёболами, дейсиз. Юрганда сал чайқалиброқ юришаркан. Лекин хонани, электр сими «замекания» бўлганда ғалати бир ҳид чиқаради-да, ана ўшанга ўхшаш ҳид қоплаб кетибди. Кейин билсам роботларнинг ошқозонига гугурт қутисидек келадиган аккумулятор бўлади, ана ўшандан биттадан жойлаб, ҳар куни эрталаб зарядлаб қўйишаркан. Демак, биронтасининг ошқозонида, «замекания» бўлаётганга ўхшайди. Уйланиб турувдим, пешонаси йилтироқ робот мен томон назаримда юриб эмас, сурилиб кела бошлади:

- Хуш кўрдик, йигитча, — деди қаршимда тўхтаб.
- Ваалайкум ассалом, — деб юборибман денг.
- Қайси факультетга кирмоқчисиз?
- Билимдонлар факультетига.
- Қайси бўлимига?
- Тарих бўлимига.
- Фамилиянгиз?

Сўхбатимиз мана шу ерга келганда ўйланиб қолдим. Нима деб жавоб қайтарсам экан. Сизга ҳам айтувдим шекилли. Ҳандалакка келганимдан буён ёнимда ҳужжатим йўқ. Тўлғон холамнинг пенсия дафтарчаси билан юрибман. Ўз исми-фамилиямни айтсам, ҳойнаҳой уни тасдиқлайдиган ҳужжат сўрашади. Ҳандалак — ҳужжатлар шаҳри. Усиз бир одим ҳар юролмайсиз. Болалар отасига

муружаат қилишдан олдин аввало шу одамнинг ўғли эканини тасдиқлайдиган ҳужжат кўрсатиши шарт, эри ишдан қайтганда уйига киришдан олдин хотинига никоҳ гувоҳномасини кўрсатмаса ичкарига қўймас экан...

- Фамилиянгиз? — яна сўради Робот.
- Отахонова, — дедим бошқа иложим қолмагач.
- Исмингиз?
- Тўлғон кампир.
- Тўлғон кампир Отахонова, имтиҳонга тайёрмисиз?
- Тайёрман.
- Марҳамат қилиб орқамдан юринг.

Пешонаси йилтироқ робот мени қоронғи коридорга киритиб юборди. Хаёлимда шув этиб ер остига тушиб кетгандай бўлдим. Беҳисоб лампочкалар ёниб-ўчаяптими ёки кўзларим ичида нурлар чақнаяптими, билолмадим. Назаримда, аввал мени тортиб кўришди, кейин бўйимни ўлчашди, қорнимга лента ўраб, яна ечиб олишгандай бўлди. Турган жойим қоп-қоронғи, шундай бўлса ҳам пешонам билан орқа миямни рентген нурлари орқали қайта-қайта суратга олаётганларини пайқаб турибман... Кейин тўсатдан мен турган кабина шунақанги ёришиб кетдики, қорнимдаги ичак-чавоқларимни, томирларимда чопиб юрган қонларимни аниқ кўргандай бўлдим. Қўрқиб кетганимдан шоша-пиша кўзимни юмиб олдим. Очсам, яна дастлабки кўрганим йилтироқ робот турибди. Ҳали диққат қилмаган эканман, юзлари сип-силлиқ, худди тошдан ясалганга ўхшайди. Кўзлари ҳам ўлган сигирнинг кўзидай ҳаракатсиз.

- Мана олинг, — шундай деб робот кўлимга бир варақ қоғоз тутқазди.
- Имтиҳондан ўтдимми? — шошилиб сўрадим.
- Уқинг, — буюрди робот.

Ҳойнаҳой имтиҳондан ўтганлигим тўғрисидаги справка бўлса керак, деб севинганимдан, ишонсангиз, роботни ачомлаб олибман, денг. Бадани қаттиқ ва яна муздеккина экан, қишлоқчасига бир-икки кўтариб ташлайман деган эдим, ўрнидан кўзгата олмадим. Қизиқ, негадир шу пайтда ойижоним билан Ҳошимжон ўртоғим кўз ўнгимдан ўтгандай бўлди-я, тавба. Нега бунақа бўлди экан?

- Уқинг, — буйруғини такрорлади робот.
- Уқий бошладим.

## РОБОТЛАР КОМИССИЯСИНING ҚАРОРИ

- Исми-фамилияси — қалбаки.
- Асл исми — Ақром.
- Фамилияси — Мадумаров.
- Ёши — ўн еттида.
- Бўйи — бир юзу олтмиш икки сантиметр.
- Оғирлиги — эллик тўрт килограмм.
- Жисмоний ривожланиши — ёшига мос.
- Ақлий ўсиши — олтинчи синф даражасида.
- Фанларни билиши — тўртинчи синф ҳажмида.
- Натижа — имтиҳондан ўтмади.

— Бекор айтибсан, — дея қоғозни гижимлай бошладим, — бекорларни айтибсан! Сенинг ўзинг ҳали ривожланмагансан. Ақлинг паст, миянг ёғочдан, қалбинг темирдан! Тўртинчи синф даражасида эмиш! Елғон! Фанларни қанчалик чуқур ўзлаштирганимни бригадиримиз биладими ё сен биласанми? Дала фанларининг ҳаммасидан «беш» олганман, «беш»!

— Эшикни тополмаяпсизми? — темирдек совуқ бир оҳангда сўради робот.

— Елғон! — қичқириб юбордим у пешонаси йилтироқнинг ёқасидан сиқиб олдим. Ҳозир бўлганимча бўламан. Мен ҳам ҳақоратни кечириб кетадиганлардан эмасман, мени Ақром қайсар дейдилар. Юзига мушт тортиб юбордим, кўлим зирқираб кетди. Буниси билан урган эдим, тирқираб қон чиқди. Йўқ, ўлсам ўламанки, аммо ҳақорат учун ўч олмагунча қўймайман. Югуриб келиб қорнига калла солган эдим:

— Бом-м, — этган овоз эшитилди.

Ҳа-ҳа, ўзининг ичинг бўш экан-ку, ўзинг қуп-қуруқ экансан-ку! Яна калла солишга чоғланаётган эдим, бошқа роботлар чопқиллаб келишиб, мени ҳар томондан қуршаб олишди.

— Акт тузилсин, — деди соч қўйган бадбашара робот.

— Беш йилга кетасан энди, аҳмоқ, — деди соқоли кўксига тушиб турган робот.

— Бош бошқармага телефон қилинсин, — деди торгина жинси шим кийиб олган урғочи робот.

Беш йил дегандаёқ ўзимга кела бошлаган эдим. Тутқаноғим тутган экан,

босилдию кўзларим ярақлаб очилиб кетгандай бўлди. Қовун тушириб қўйдинг, мулла Ақром, деган фикр ялт этиб ўтди бошимдан, қоч, жуфтакни тезроқ ростла энди!

Давра солиб турган роботлар орасидан лип этиб ўтдим-да, ўзимни эшикка урдим. Лекин ўша куни ўзиям жа бошқача бўлиб кетдим-да. Бошқа бир пайтда ўшанақанги куч, ўшанақанги шижоат билан югурсам, ўлай агар, дунё чемпиони бўлиб кетишим ҳеч гап эмас эди.

## VIII боб

# Профессор Дар Даража билан учрашдим

Нимани ўйламай, охирида, йўқ, барибир ўзимни ўлдираман, жонимга тегиб кетди бу диққинафас дунё, деган ўй бошимга келаверди. Тўғрида, бегона мамлакатда сарсон бўлиб юраверишининг менга нима кераги бор, бунинг устига ишим қовун тушириш бўлса! Буёқда соқчилар қидирув эълон қилган, уёқда меҳмонхона мудир, қарзингни тўламасанг кўрпангни кўтар, деб қисталанг қилиб турибди. Енимда бир чақа ҳам йўқ. Будкалар ёнига бориб, текинга қовун шарбат ичиб кун кўряпман. Бунинг устига, кўриб турганингиздек, роботларни ўзимга, ёв қилиб олдим. Ҳаммасига ҳам чап бериб яшайберар эдим-у, аммо ишқ дардига мубтало бўлиб қолганга ўхшайман. Автобусда танишганим қизни ҳеч унутолмайман. Тушимда ҳам, ўнгимда ҳам ўша. Кечалари шундай қаттиқ оҳ ураманки, кўксимдан узилиб чиққан олов меҳмонхона шифтини куйдириб юборай дейди. Ғаму ташвишлар оёғимга чирмовуқдай ўралиб олган. Ширин қовунлар мамлакатидан чиқиб кетишининг эса ҳеч иложи йўқ. Дарвозаси борми, туйнуги қаерда — билмайман. Йўқ, барибир ўзимни ўлдираман! Сувга ташласаммикан? Ёки арқонга бўғилиб ўлганим маъқулми, қизиқ, қайси бирида жон қийналмас экан? Йўқ, ўзимни арқонга осолмайман, томоғимда китиғим бор. Яхшиси — сувга! Лекин бунисиям бўлмайди шекилли. Ташлаганимдан сўнг, мабодо ўлгим келмай қолса, сузишни билмайман, қайтиб чиқолмай, ўлиб қолишим мумкин...

Лекин ўлгандан ўлмаган яхши, шундай эмасми? Улганимни эшитса, ойим роса йиғлайди. У кишининг кўзёшларига ҳеч тоқат қилолмайман. Меҳробоним ҳозир нима қилаётган экан, уларим-чи? Сизларни соғиндим, ўлиб ўлолмайман, юриб юролмайман, бегона юрларда сарсону саргардонман. Қорним оч, уч кундан буён шарбат ичавериб ичим шилдирайдиган бўлиб қолди. Бўйнимда қарз, орқамдан соқчилар қувиб юрибди... Йўқ, яхшиси ўлдираман!..

— Ўлдирмайсан, — деган овоз эшитилди ёнгинамдан. Бир чўчиб тушдим. Гоҳо ачиқ, гоҳо ширин хаёлларга берилиб, ёнимга келиб ўтирган оппоқ сочи жўжанинг патидек майингина бир кишини сезмай қолибман. Соқол-мўйлови йўқ, эгнида кетворган костюм-шим, қўлида дастаси кумуш ҳасса, ҳассага иягини тираганча менга қараб жилмайиб турибди. Қизиқ, қўлида ҳасса-ю, ўзи қирчиллама йигитлардек кўринади, овози ҳам ёш, худди дадамникига ўхшайди. Сергўшт юзида битта бита ҳам ажин йўқ, пишай-пишай деб турган ҳандалақдай сип-силлиқ, лабида табассум бўлгани учунми, юзи ғоят ёқимли кўриняпти. Бутун борлиғидан гупиллаб хушбўй атирнинг хиди ҳам келиб турибди. Сал нарироқ сурилиб олдим.

— Ўлдирмайсан, бўтам, — шундай деб чол бува бир қўлини елкамга ташлаб олди. — Қайтар дунё деб шуни айтар эканлар-да. Бундан етмиш йил олдин мен ҳам худди мана шу ёнғоқ остида ўтириб — унда бу дарахт анча ёш эди, — ўзимни осганим маъқулми ёки сувга ташлайми, деб хаёл қилувдим. Яшагим келмай қолувди-да. Назаримда, юрган йўлим фақат тўсиқлардан иборат, одамларда раҳм-шафқат тугаб кетгандек, ҳаммаси ўзим бўлсам деётгандек, ишим ҳеч ўнгидан келмай қолган эди ўшанда. Тўғри йўлда ҳам қоқинадиган бўлиб қолувдим. Ўзимни ўлдиришга қарор қилдим арқон олиб, мана шу ёнғоқ остига келиб узоқ ўтирдим. Қариндошларимни, негадир, аллақачон оламдан ўтиб кетган бобомни ҳам эслаб кетдим. Ушанда донишманд бобомнинг, агар омад сенга кулиб боқмаса ишни қайтадан бошла, иккинчи бор ҳам омадинг келмаса, унда бахтли бўлишининг биттаю битта йўли қолади, яъни ҳаммасини қайтадан бошлайсан, деб айтган ҳикматлари ёдимга тушди. Қўлимдаги жун арқонни отиб юбориб, ҳаёт учун жанг қилишга қайтадан энг шимардим. То шу кунгача энгим шимарилган. Ҳаёт учун ҳар куни, ҳар соатда жанг қиламан. Аслида, бўтам, насихат тариқасида шуни сенга айтиб қўяй: бу дунё — жангчилар дунёси, унинг шавқу лаззати учун курашмаган инсон бу дунёда яшамагани ҳам маъқул. Лекин шуни ҳам таъкидлаб қўяман,

бўлар-бўлмасга жанг қилмаслик керак, олий ниятлар учун, юксак мақсадлар учун курашган инсон ўзи ҳам олий, ҳаёти ҳам мазмундор бўлади... Юксаклик ва тубанлик... икковининг бошланиши бир жойдан, аммо бири юксакка, бошқаси тубанликка кетади. Сен, бўтам, ҳозир жарга қулаш олдида турибсан.

— Бобожон, сиз ўзи ким бўласиз? — дедим кўрқа-писа.

— Мени бобо дема. Ҳали қариганимча йўқ, эндигина тўқсонга кирдим, холос, — қорнини билинар-билинамас силкитиб кулди номаълум киши.

— Тўқсонга?! — дедим ҳайратим ошиб. — Мен бўлсам сизни олтмишларга кирган деб ўйлабман.

— Демак, хато қилибсан, бўтам, сенда синчковлик етишмас экан.

— Бўлмаса, сизни амаки деб чақирсам майлими?

— Амаки ҳам дема. Бугундан бошлаб менга шогирд тушадиганга ўхшайсан.

Устоз деб мурожаат қилабер, хўпми?

— Хўп.

— Хўш, отинг нима?

— Отим... сал анақароқ-да.

— Қани, айтавер-чи.

— Асли исмим Ақромжон.

— Бизнинг юрдаги исмларга ўхшамас экан.

— Ўзим ҳам бошқа мамлакатдан келиб қолганман.

— Саёҳатчимисан?

— Йўқ, адашиб келиб қолдим шекилли.

— Хўш, қаердан адашиб келиб қолдинг?

— Сойбоши қишлоғидан.

— Эшитмаган эканман.

— Ўлка географиясини ўқимаганмисиз?

— Э, бўтам, ўқишга ўқиганман, аммо бунга саксон йилча бўлди-ёв. Эсда қолибди дейсанми? Хўш, ҳали нима ҳақда гаплашаётган эдик?

— Эсимда йўқ.

— Инсон ўз олдига қўйиши керак бўлган мақсадлар ҳақида сўзлашаётувдик шекилли? Шундай, бўтам, мақсад қанча юксак бўлса, парвоз ҳам шунча юксак бўлади. Мақсад паст бўлса, одамнинг ўзи ҳам кун сайин пасайиб бораверади. Тушунарлими?

— Сал... тушунмайроқ турибман...

— Инсонни кучли қиладиган, уни безайдиган нарса — мақсади, тўғрироғи, мақсадлар бирлиги. Гўзал орзулар билан яшаган одам ҳамиша гўзал бўлади. Энди тушундингми?

— Йўқ, — дедим атайлаб чол бувани кўпроқ гапга солиш мақсадида.

— Хўп, майли, бу гапни ҳозирча қўятурайлик. Қани, Ақром Ақромий, менга очиқ айт-чи, нега ўзингни ўлдирмоқчи бўлдинг?

— Ўлдирмоқчи бўлганимни сиз қаёқдан билдингиз?

— Билдим-да.

— Жон амаки, очиқ айтинг, сиз очиқ айтсангиз, менам ҳаммасини айтиб бераман.

— Мен, бўтам, сеҳрли бир илм эгасиман.

— Роботмисиз?

— Ундай дема, шукрки, мен ҳали қалбимни йўқотганим йўқ. Сенга ўхшаган бир инсонман. Тўғрироғи, сенга ўхшаб адашганларни тўғри йўлга солиш учун енг шимарган бир кишиман.

— Мен йўлдан адашганманми?

— Ҳа, сени адаштиришган.

— Сиз буни дарров қаёқдан била қолдингиз?

— Шошмасанг, бўтам, ҳаммасини тушунтириб бераман. Айтдим-ку, унча-мунча сеҳргарликдан хабарим бор деб.

Бу одамга нисбатан миямда бир хил мулоҳазалар туғила бошлади. Афти-ангори қишлоғимиздаги пенсионер чолларга жуда ўхшаб кетади. Аммо гапларига ҳеч тушунмаяпман. Эҳтимол, анов соқчилар маҳкамасига хизмат қиладиган яширин агентдир, алдаб-сулдаб ушлаб олса-я! Жуфтакни ростлаб қолсаммикан? Лекин унчалик ёвуз ниятлига ўхшамайди, юзидан нур ёғилиб турибди, сўзларида меҳр-шафқатнинг ҳиди бор. Эҳтимол у роботдир?.. Аввалги куни улардан бирига калла солганман, беш йилга қаматиб юбормоқчи бўлишувди. Мени ушлагани келган бўлса-я? Қочиб қолсаммикан?

— Йўқ, бўтам, қочишни ўйлама, — сўзида давом этди чол бува. — Мен сен ўйлаганингдек яширин агент ҳам, робот ҳам эмасман. Аслида соқчиларни хушламайман.

— Мен ҳам уларни ёмон кўриб қолдим, — деб юборибман денг беихтиёр.

— Ана, фикримиз бир жойдан чиқаяпти.

— Амаки?  
 — Амаки дема, устоз де.  
 — Устоз... кечирасиз, устоз амаки, менинг миямдаги фикрларни сиз қандай билиб оляписиз?

— Мен бировларнинг фикрини ўқиб оладиган сеҳрли илм эгасиман.  
 — Сеҳргармисиз? — шундай деб, сал нарироқ ўтириб олдим.  
 — Бутунлай бўлмаса ҳам, ҳарқалай, унча-мунча хабарим бор. Қани, бирор нарса ўйлагин, топа олармиканман?

— Уйладим.  
 — Бу чол бари бир робот бўлса керак, деб миянгдан ўтказдинг.  
 — Вой, топдингиз, худди шундай деб уйлаётувдим, — ҳам кўрқув, ҳам севинч вужудимни қамраб олди. Беихтиёр ўрнимдан туриб кетдим. — Яна ўйлайми?  
 — Уйла, хоҳлаганингча ўйлайвер.  
 — Уйладим.  
 — Оҳ, шу илмни мен ҳам ўргансам қандай соз бўларди-я, деган фикр ўтди бошингдан. Топдимми?

— Амакижон! — шу дақиқаларда мен ҳайрат ҳам қувончим ошганидан бўлса керак, ўзимни йўқотгудек бир аҳволга туша бошлаган эдим. Қотиб қолдимми, сакраб туриб, чол бувани ўпиб олдимми, эҳтимол, унисиям, бунисиям бўлиб ўтгандир, ростини айтсам, билолмай қолдим.

— Етмиш йилдан буён ҳар куни шу ёнғоқ тагига бир келиб кетишим бор, — елкамдан оҳиста-оҳиста силаб давом этди чол бува, — чунки, бўтам, шу ёнғоқ остида мен қайтадан туғилганман. Қалбимда умид чироклари қайтадан ёнган. Бугун ҳам бир келиб, янгитдан туғилишимга гувоҳ бўлган сеҳрли дарахтни бир зиёрат қилай дедим. Келсам, сен ўтирибсан. Миянгдан ҳовур кўтариляпти. Мен, бўтам, инсон вужудидан ажралиб чиқадиган биологик энергияни ўрганиш илми бўйича ҳам мутахассисман. Тўғрироғи, эшитяпсанми, тўғрироғи, шу илмга асос солганлардан бири бўламан. Юзга яқин илмий ишларим эълон қилинган. Ҳойнаҳой, эшитмагандирсан?

— Тўғри айтдингиз, мутлақо эшитганим йўқ.

— Кейинчалик бу китобларни сенга бераман, ўқиб чиқасан... Одам боласи фикрлаётганда, фикрлаш маркази, яъни мияда жуда кўп энергия сарфланади. Ана шу энергиянинг бир қисми мияда қат-қат бўлиб тахланиб ётган сўзларни кўзга, бир-бирига қўшиш, ажратиш учун сарфланади. Энергиянинг бошқа бир қисми эса миядан юқори кўтарила беради. Кўтарилаётганда сўзларнинг шакли билан аралаш-қуралаш бўлиб кўтарилади. Тушуняпсанми?

— Ҳеч нарса тушунмаёпман, — дедим баттар хижолат бўлиб.

— Сен, Акромиёй, ростгўй бола экансан. Тушунмаганингни очиқ айтяпсан. Маня шу фазилатинг менга маъқул келяпти. Умр бўйи ростгўй одамларни ахтараман. Ростгўйлик — қалбнинг поклиги, шахснинг камолоти белгиси. Ростгўй одамлар билан яшаш қувончли бўлади, ҳузур қиласан. Хўш, нима деётган эдим?... Уша миядан кўтарилаётган энергия ўзи билан бирга миядаги сўз шакллари ҳам ташқарига олиб чиқади, чиқадио дарҳол сўна бошлайди. Диққат қилган одам бу сўзларни ўқиса бўлади. Лекин, бўтам, бу хусусият, яъни ҳовурга аралашиб кўтариладиган сўзлар шаклини ажрата билиш ҳислати ҳаммада ҳам учрай бермайди. Минг қатла шукр, табиат шу фазилатни менга ато қилган экан. Лекин инсон боласидаги ҳар қандай фазилат ҳам тинимсиз машқ, эринмасдан ўтказиладиган тажрибалар туфайли камол топади. Ўттиз йил машқ қилдим, тушуняпсанми, бўтам?

— Ўттиз йил деганингизга тушундим-у, бошқасига ақлим етмайроқ турибди.

— Яна ҳақ гапни айтдинг, — деди чол бува жилмайиб. — Оқкўнгиллик ҳам ростгўйлик сингари инсондаги энг яхши фазилатлардан. Бундай кишилар ҳамisha ёқимтой, ҳамisha суюкли бўладилар... Шундай қилиб, ёнингга келганимни сезмай қолдинг. Ичинга ўт кетганми, бошингдан лов-лов аланга кўтариляпти. Аланга аралаш чиқаётган сўзларни ўқий бошладим. Улишим керак, ўлишим керак деб такрорляяпсан. Бир маҳаллар ўзим ҳам мана шунақа аҳволга тушган эмасманми, сенга раҳмим келиб кетди. Бу йигитчани оғир аҳволдан қутқаришим, албатта қутқаришим зарур, деб ўйладим. Бахтсизликка учраган бир инсонга ёрдамим тегмаса, менинг олимлигимдан нима фойда?... Қани энди, бўтам, менга нега ўзингни осмоқчи бўлганлигингни бир бошдан сўзлаб бер-чи. Сўзлайсанми?

— Жоним билан, — дедим шошилиб.

Қасам ичиб айтаманки, мен бу чолни астойдил яхши кўриб қолдим. Сеҳрли илм эгаси бўлгани учун эмас, йўқ, бу илмга ҳали мен унча тушунмайроқ турибман, роботларни хушламагани учун ҳам эмас, йўқ-йўқ, юзидан нур ёғилиб турган бу амакини мендан кўнгил сўрагани, ўзимга ўхшаб ростгўю очикўнгил бўлгани, мени ўзига тенг олиб сўзлаётгани учун ҳам яхши кўриб қолдим. Бирон кишини хуш кўриб қолсам, қулфи дилим очилиб кетади. Ўртоғим Ҳошимжонга ўхшаб

булбулигүе бўлиб қоламан. Эсимни таниганимдан бери хотирамда нима сақланиб қолган бўлса, ҳаммасини бир бошдан сўзлашга тушдим. Ҳеч нарсани яширмадим, ўзимдан ҳеч нарса қўшмадим ҳам.

— Ачинарли, ғоят ачинарли кечинмалар, — деб сўзимни тугатишим билан Дар Даража (бу мўътабар кишининг исми шарифлари ана шунақа экан) — Лекин, бўтам, бунинг учун ўзингни осилинг шарт эмас эди.

— Унда нима қилишим керак эди?

— Ёрдам сўраб, менинг ҳузуримга бормабсан-да.

— Мен сизни танимас эдим.

— Лекин буёғи ҳам бор.

— Амаки?..

— Мени ҳамма устоз деб чақиради.

— Менда ҳам бир ажойиб фазилат бор.

— Қани, эшитайлик-чи.

— Бурним ғоят ривожланиб кетган.

— Яъни?

— Яъни, масалан, минг хил ҳидни бир-биридан ажрата оламан.

— Йўғ-э!

— Улай агар, рост айтаяпман. Ҳатто ўзимизнинг район соқчиси мени искович ит ўрнида хизматга ҳам олмоқчи бўлган. Ойим кўнмаган. Ишонмасангиз синаб кўришингиз мумкин. Айтайми?

Ўрнимдан сакраб туриб, ўн метр нарига бордим-да, икки кўзимни чирт юмиб, бурним орқали чуқур-чуқур нафас олдим:

— Чап елкангизга чипқон чиққанга ўхшайди, озгина атир суртибсиз.

— Лекин бўтам, тўғри айтдинг. Э, тавба!

— Яна айтмайми?

— Қани-қани.

— Қўстюмингизнинг ўнг чўнтагидан тахи бузилмаган қоғоз пулларнинг ҳиди уфуряпти.

— Офарин!

— Шимингизнинг чап чўнтагида атир сепилган рўмолча борга ўхшайди.

— Ёпирай!

— Икки пой пайпоғингиз бир-бирига сира ўхшамайди, — дея яна тўйиб ҳаво симирдим, — бир оёғингизда ип пайпоқ, тузукроқ чайилмаган бўлса керак, кир совуннинг ҳиди бор. Бошқаси — нейлон. Нейлон оёқни кўпроқ терлатади.

Дар Даража шошилиб ботинкасини ечдию қишлоқчасига қилиб айтадиган бўлсак, тарракдек қотиб қолди. Сўнг аста-секин ўзига келиб, қичқириб юборди:

— Уғлим, бўталоғим! — қулочини кенг ёзганча, ялангоёқ ҳолида менга қараб ташланди. — Кел, бир бағримга босай, келақол, ўғлим! Худо ҳаққи, бунақа фазилат эгасини мен салкам ўттиз йилдан буён ахтарардим. Топдим уни, ҳа-ҳа, топдим! Уғлим, биз биргалашиб ишлаймиз энди. Менинг биоток ўқиш қобилиятим билан сенинг ҳид олиш хислатинг қўшилса, буюк кашфиётлар туғилади. Инсоният энгил нафас олади энди. Қани, кетдик бизникига! Бугундан бошлаб менга ҳам суюкли ўғил, ҳам тиришқоқ шогирд бўласан. Истиқболнинг порлоқ, бурнинг қурмағур! Бир эмас, бир неча фанлардан доктор бўласан, профессор бўласан!

— Меҳмонхонадаги қарзим нима бўлади? — тортиниброқ сўрадим ўрнимдан тураётиб.

— Узим тўлайман, ташвишланма, Тўлғон кампир! Қани, кетдик, бизникига борамиз. Бирга яшаймиз.

## IX Боб

### Умрни узайтирадиган институт

Халоскорим профессор Дар Даража чиндан ҳам ажойиб одам экан. Меҳмонхонадаги қарзимни тўлаб, Тўлғон кампир Отахонованинг пенсия дафтарчасини қайтиб олгач, уйга бошлаб кетди. Шаҳар чеккасида тураркан. Тўрт хонали уй, пишган ғишдан тикланган, кўримсизгина. Аммо ярим гектарча келадиган боғига, ҳай-ҳай, гулларни шунақа кўп экибдики, шунақанги хиллабдики, бу дунёда қанча нав бўлса, ҳаммасидан кўкартирибди, десам ишонáverинг. Йўк, барибир таърифлай олмайман. Кўз кўрган билан, тил ожиз бўлганидан кейин одамнинг қўлидан нима ҳам келарди. Бамисоли гул баргидан атир тайёрлайдиган заводга

кириб қолгандай бўлдим. Хуш ҳиднинг мўллигидан ҳам одам боласи маст бўлишини мен ўшанда кўрдим. Рухимга чароғонлик, қалбимга қувонч қўйила бошлади. Ширин-ширин энтикаяпман. Энтикканим сари, назаримда ёшариб бораётгандекман. Гуллар ҳидидан одам ёшарар экан-да, деган фикр ҳам ўтди бошимдан. Чақчақлашиб, ҳайраётган қушларни айтмайсизми. Мен уларнинг номларини билмайман. Овозини ҳам илгари эшитмаганман. Қизиқ, қушлар овозига диққат билан қулоқ солсангиз, бора-бора ўзлигингизни унутиб, уларнинг дунёсига кетиб қолар экансиз. Худди хаёлдек енгил қанот боғлаб учаётгандек, ўшаларга қўшилиб чақчақлашаётгандек ҳис қиларкансиз ўзингизни. Ойижоним, одам боласи бегуноҳ бўлса, албатта жаннатга тушади, анвойи гуллар очилиб, илоҳий қушлар сайраб турармиш, деган эди. Ким билади дейсиз, мен ўлгандирману жаннатга тушиб қолгандирман? Дар Даража маликаларнинг катта бобосидиру мени ўйнатиб юргандир?..

Йўқ, бу гаплар ҳаммаси афсона, ёлғон. Мен ўлган эмасман. Халоскорим ўз қўли билан яратган гўзал боғда сайр қилиб юрибман. Ширин-ширин энтикаётганимни сезиб турибман-ку, ахир.

Устозимнинг жуфти ҳалоли бундан ўн йил олдин рашк касалига чалиниб, оламдан кўз юмган экан.

— У пайтда, — дея негадир изоҳ бера бошлади устозим, — ҳали рашк касалининг давоси топилмаган эди.

— Ҳозир-чи? — дея сўрадим гарчи бу касалнинг маъносига тушунмасам ҳам.

— Ҳозир... ҳал қилганмиз, — ўйчан жавоб қайтарди устозим.

Саксон ёшлиги нишонланаётган куни устозим бегона бир кампир билан бирикки бор кўз уриштирибди. Ўша кампир бир қучоқ гул келтирган экан. Устозим, совғанг учун катта раҳмат, деган маънода кўз қисган экан, хотини, унинг исмини сўраб ўтирмадим, зимдан кузатиб турганми, сен чол ўлгур, мана шу кампир билан юрасан шекилли, кўпинча чўнтагиндан кинонинг қўшалок билетини топиб олардим, яшамай ўлгур, менинг ўша тиши тушган кампирдан қаерим кам, деб жанжал кўтарибди. Бўпти ғалва, бўпти тўполон, юбилей азага айланибди. Рашк ўти ёмон бўларкан-да. Кампир ўша ўт ичида ёниб оламдан ўтибди.

Устозим яккаю ёлғиз қизи ва яккаю ёлғиз Му Ти исмли набираси билан тураркан. Куёви менинг дадамга ўхшаб ароқхўр экан. Дадам-ку, ошқора ичарди, бу бўлса яшириб ичаркан. Дадам ичгандан сўнг ҳовлини бошига кўтариб ашула айтарди. Бу одам бўлса, ичган ҳидини бирова сездирмаслик учун бўлса керак, кафти билан оғзини берkitиб, божрайганча, миқ этмай ўтирабераркан. Бир куни худди шу аҳволда — божрайганча ўлиб ҳам қопти. Бу воқеани мен анча кейин эшитганман. Лекин гап навбати келиб қолгани учун айтаяпман-да. Мавриди келиб қолгани учун яна битта гап айтсам хафа бўлмайсизми? Му Ти ҳақида сўзламоқчи эдим. Шу қизча мени ўлдириб қўяёзди. Эртанки шунақа яхши кўрарканки, ишдан қайтишим билан, қани бошланг, дейди. Овқатга ўтирсам, йўқ, кейин ейсиз, дейди. Ҳатто, кечалари ҳам турткилаб уйғотиб, давомини айтасиз, деб туриб олади. Гоҳо, сиз яшаган мамлакатда қуртни текинга улашадими, мороженоенинг қилоси неча пул, кўғирчоқлар ашула айтишни биладими, дея саволга тутиб, жиғибийронимни чиқариб юборади. Лекин, ўзи жуда ширин. Худди ўзимизнинг дунёда қолиб кетган уйимизнинг булбулчаси — Муаттар синглимнинг нусхасими дейсиз. Кун бўйи бобосининг гулзорида булбулдай чаҳчаҳлаб юради.

Унинг онаси Хол Дор келинойим ҳақида ҳеч нарса айтмайман. Келган куним эртасига қошиқ билан вилкани ишлатишни билмас экансан, деб биқинимни шунақанги қаттиқ чимчиладими, ҳалигача ловуллаб турибди. Шунинг учун ҳам унинг ҳақида ҳечам гапирмайман, ўла-ўлгунимча ҳам гапирмайман.

Хуллас, тўртовлон яшай бошладик.

Эртасига нонуштадан сўнг устозим ишлаётган илмий-текшириш институт томон йўл олдик. Илм даргоҳига биринчи бор йўл олишим, биринчи мустақил қадам ташлашим. Эҳтимол, шунинг учундир, кайфим чоғ, ўзим ҳам қушдек енгил, назаримда юриб эмас, учиб бораётгандекман. Йўл четидаги гуллар эгилиб менга салом бераётгандек, йўловчилар оқ йўл тилаётгандек.

Ашула айтгим кела бошлади:

**Олим бўлсанг, олам сеники,  
 Тақир-туқир меҳнат йўқ.  
 Хурмат-эъзоз жойида,  
 Устинг буту қорнинг тўқ.**

- Нима деб ёнгишяпсан? — деб сўраб қолди бир маҳал устозим.
- Ашула айтаяпман шекилли, — дея очиқ икрор бўлдим.
- Ашулага ҳали эрта эмасмикан?
- Хурсанд бўп кетяпман-да, устоз.

— Яхши ният ҳамиша хурсандчилик келтиради, — дея мийиғида кулиб қўйгандек бўлди устозим.

Институт дарвозаси пештоқига «ИНСОН» деб олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйишибди. Йўқ, олтин суви югуртирилган ҳарфлар эмас, ҳарфларни росмана олтиндан қўйишибди. Қуёш нури тушиб, худди машғалдек ловуллаб ёниб турибди. Дарвозадан ичкари киришимиз билан устозим бир бошдан тушунтира бошлади:

— Институтнинг асл мақсади инсон умрини узайтириш йўллари ахтариб топишдан иборат. Тушунарлими? — сўради устозим.

— Тушундим, — деб қўйдим. Нега десангиз, чиндан ҳам тушунган эдим.

Инсон умрини узайтириш йўллари кўп экан. Одам умрига завол бўладиган, яъни ажалидан беш кун олдин ўлдириб юборадиган сабаблар ундан кам эмас экан. Лекин ўша йўллари ўша сабабларнинг ҳаммасини бир йўла ўрганиш қийин. Ҳатто мумкин ҳам эмас экан. «Инсон» институтининг илмий ходимлари ҳозирча умрни узайтиришнинг бешта усули устида тажриба олиб боришни маъқул қўришибди. Шаҳар маъмурияти жуда катта маблағ ажратибди.

Кўк рангга бўялган бино қаршисида тўхтадик.

— Профессор Дар Моннинг лабораторияси, — таништиришни бошлаб юборди устозим. — Бу ерда инсон умрини узайтиришда витаминларнинг қанчалик роль ўйнаши муаммолари ўрганилади.

Икки бети нақш олмадай қип-қизил, дўмбоқ-дўмбоқ одамлар ҳар хил машғулотлар билан банд. Бирови саватда янги ўзилган олма кўтариб ўтяпти, бирови сабзи арчиб ўтирибди, яна биттаси бақлажонни сиқиб сувини чиқаряпти. Чиройлигина бир аёл қовун шарбатини шишага солиб, силкитаётган экан:

— Қойил, — дедим лабимни чапиллатиб. Нега десангиз шу пайтда қовун егим келиб қолса бўладими!

— Нимаси қойил? — сўради устозим.

— Маза қилиб ейишади-да.

Устозим қўл силтади:

— Таом ейиш билан умр узаядиган бўлса, мечкайлар энг узоқ умр кўрган бўларди.

Гап тамом. Бошқа саволга ўрин қолмади. Нариди кета бошладик. Сариқ рангли бино олдида, умрида овқат емагандек қотма, ёғоч оёқдек новча, лекин шундай бўлса ҳам ранглари тоза, ҳаракатлари енгил одамлар қаршисида тўхтадик. Биринчи қаватдаги катта залда ёшларини аниқлаб бўлмайдиган кампиру чоллар ҳар хил машқлар бажаришяпти. Битта кампир велосипед миниб юрибди. Иккита чол, косовдек ориқ қўллариди чарм қўлқоп, бокс тушаётган бўлса керак, бир-бирларини юзини мўлжалга олиб туришибди. Бошқа бир кампир ҳалиги велосипед минган кампирнинг ёнига келиб, ҳой овсин, тушинг энди, навбат менга келди, деётганини аниқ эшитдим.

Лабораторияга машҳур спортчи, довруғи оламга кетган катта олим Чақ Қон раҳбарлик қиларкан. Унинг, яъни мана шу довруғи оламга кетган олимнинг фикрича, инсон умрини узайтиришнинг бирдан-бир йўли — спорт билан мунтазам шуғулланиш экан. Чақ Қон халқаро симпозиумда сўзга чиқиб соғ танда соғ ақл бўлади, соғлом тана ҳар қандай касалликни тез енга олади, жисми соғлом кишининг дили ҳам равшан бўлади, руҳи пок ва соғлом кишининг хулқи ҳам пок бўлади, деган назарий фикрни олға суриб, олимларнинг олқишига сазовор бўлибди.

— Тушунарлими? — одатдаги саволини такрорлади устозим.

— Йўқ, — дея одатдагидай жавоб қайтардим мен ҳам.

— Нимасига тушунмадинг?

— Симпозиум деганингизга тушунмадим.

— Симпозиум дегани — кенгаш дегани-да, бўтам.

— Руҳи пок деганингиз-чи?

— Буни кейинроқ тушунтираман. Ҳали кўп нарсага ақлинг етмайди шекилли. Лекин шундай бўлсам, айтиб қўяй, профессор Чақ Қон ўзи катта олим-у, назарий жиҳатдан жиндек чалкашликка йўл қўйяпти. Тадқиқотлари асосига жисмоний тарбия олган. Мен бўлсам, жисмоний меҳнатни олган бўлардим. Фақат жисмоний меҳнатгина умрга умр қўшади. Жисмоний меҳнат кишида маънавий қониқиш ҳиссини уйғотади. Маънавий қониқиш кишини қонини тозалаб, кайфиятини созлайди. Яхши кайфият — умрнинг узайиши демакдир. Лекин уёғини суриштирсанг, ўзим ҳар кун спорт билан шуғулланаман. Бунинг хосияти кўп. Лекин спортни бирдан-бир мақсад қилиб олмаслик керак. Ҳа, бўтам, бу машғулот, умрни узайтиришда ёрдамчи восита, деб таърифланиши керак эди.

— Устоз?

— Лаббай.

— Мен барибир спортни яхши кўраман, меҳнатга тоқатим йўқроқ.

— Ҳозирги ёшларнинг кўпчилиги шунақа, бўтам.



— Жон-дилим — футбол.  
— Ош бўлса-ю, иш бўлмаса, деган экан бир дангаса, — устозим чуқур хўрсинди.

— Устоз?..

— Лаббай.

— Нега бу мамлакатда қонунни яхши кўришади?

— Ширин мамлакатнинг таоми ҳам ширин бўлмоғи даркор... Лекин, бўтам, бу саволингни ҳозир ўрганаётган нарсаларимизга дахли йўқ. Бу ҳақда кейинроқ бафуржа гаплашамиз. Қани юр, энди «ОЛИМПАР» лабораторияси билан таништириб кўяй. Кейин вақтимиз бўлмайди.

Бу ерда Ун Вон деган юзлари нуроний, ўзи ҳам ёқимтойгина бир киши бошқош экан. Менга унинг қизиқ бир гап айтмоқчидай лабларини қимтиб, кулимсираб туриши ёқиб қолди. Лекин бир одатини эшитиб, сал ғалатиноқ бўлиб кетдим. Ҳамма унвонларини қолга солиб, ишга келганда ҳам, кетаётганида ҳам елкасида кўтариб юраркан. Мажлисда сўз беришса, унвонларини санаб бўлгунча мажлис тугаб, одамлар тарқаб кетаркан. Лекин шундай бўлса ҳам камтаргина экан, мен билан қўл бериб сўрашди. Ихтиёридаги олимлар ҳам шунақа зўр эканки, устозимнинг қайта-қайта таъкидлашича, агар астойдил тикилишса, тошни ёриб юборишлари ҳам мумкин экан. Ҳаммалари бирлашиб, Ширин қовунлар мамлакатади одамларининг умрини яна ҳам узайтириш учун нималар қилмоқ даркорлиги ҳақида бош қотиришаркан. Уларнинг фикрича, илм одам боласини ич-ичидан ёритиб турадиган машъал эмиш. Спортчига ҳам, витаминхўрга ҳам илм даркор экан. Масалан, витаминхўр витамин ҳақидаги илмларни яхши билмаса, ундан кўп еб қўйиб бўкиб қолиши ёки, спортчи илм орқали ўз танасини яхши ўрганмаса, ортиқча югуриб қўйиб, ўзини ўзи нобуд қилиши ҳам ҳеч гап эмас экан. Гулзор томондаги дераза ёнида ўтирган олим оловни оташкурак билан ушлашнинг фойдаси борлигини аслида халқ топган, лекин шу кашфиёт замирида қандай ҳақиқат ётади, деган мавзуда илмий кашфиётлар қилиб, Ширин қовунлар мамлакатади доврўқ таратибди. Бу олим ҳам камтаргина экан. Кириб-чиқаётганларга ўзини таништириб қимматли вақтини беҳуда совурмаслик учун, пешонасига тахтача осиб қўйибди. Тахтачада: «Профессор, фан доктори, Ширин қовунлар мукофоти совриндори, етти шогирд устози, беш боланинг отаси, хотинининг эри, қайнбувисининг куёви», деган ёзуви ҳам бор.

— Зўр олим экан! — деб юбордим беихтиёр.

— Ҳавасинг келяптими? — кулимсиради устозим.

— Унвоннинг ўзидан йигирмата-я!

— Баъзан унинг кўплиги ишга халақит беради.

— Лекин қанча кўп бўлса, шунча яхши, — дедим шавқу завқимни яширолма, — масалан, профессор Акром Акромий десалар, бунинг нимаси ёмон?

— Лекин, бўтам, сенда ҳам ўшанақа касал бошланаётганга ўхшайди.

— Қанақа касал?

— Унвон касали.

— Ие, — дедим ҳайрон бўлиб. — Шунақа касал ҳам бўладими?

— Бўлганда қандоқ, бўтам!

— Қани, тушунтириб беринг-чи, бўлмаса.

— Вақти келиб ўзинг билиб оласан.

— Бўлмаса энди ўзингизнинг лабораториянгизга борақолайлик.

— Бунча ошиқмасанг?

— Илмий ишни тезроқ бошлаб юборгим келяпти.

— Улгурасан ҳали, — одамнинг жаҳли чиқадиган даражада босиқлик билан давом этди устозим, — энг аввало, бу институтнинг мақсади ва моҳиятига тушуниб ол. Мен қачонки бу ерга шогирд бошлаб келсам, ишни мана шундан, яъни тушунтиришдан бошлайман. Қани, тушунган бўлсанг, айт-чи, институтнинг мақсади нима экан?

— Унвон солинган халтачаларни кўтариб юришдан...

Устозимнинг қошлари пасту баланд бўлиб кетганини кўриб, гапимнинг уёғини айтолмай қолдим. Ишонсангиз, андак қўрқиб кетдим.

— Нима! — дея менга хунук қараш қилди Дар Даража.

— Кечирасиз, хато қилдим...

— Кечирасиз эмиш!.. Бунақа бепарво бўлсанг, — хайрият, устозимнинг юзларида ўрмалаб юрган жаҳл йўқолиб, ўрнини майинлик қоплади. — Хуллас, бўтам, бепарво бўлма. Бепарволик одам боласида бошланаётган лапашанглик касалининг аломатидир. Ҳўш, институтнинг мақсади нима экан?

— Умрни узайтириш йўллари ахтараркан.

— Хайрият, сал яқинлашдинг шекилли. Қани, юр, яна бир лаборатория билан таништираман. Лекин ичига кирмаймиз. Кейинроқ ўзинг ўша ерда ишлаётганлар билан алоқа ўрнатиб оласан. Эҳтимол дўстлашиб ҳам кетарсизлар. Яхши йигитлар

ишлайди. Бир-бирдан дилкаш. Истеъдод, талант қобилият ҳаммасидан ҳам мўл-кўл уларда. Лабораториянинг номини «АДАБИЕТ» деб атаса ҳам бўлади.

— Ватан адабиётими?

— Ҳа, шунга ўхшашроқ. Асосан шоир, ёзувчилар ўтиришади бу даргоҳда. Кечаси ижоду кундузи илмий иш. Умрни узайтиришда бадий асарнинг роли тадқиқ қилинади. Бадий асарлар кишининг маънавиятини бойитади, шундайми?

— Шундай, — дедим, гарчи унча тушунмаган бўлсам ҳам.

— Маънавияти бой одам тез камолотга етади, шундайми?

— Шундай.

— Камолга етган киши ўзини яхши англайди, бунисиям тушунарлидир?

— Тушунарли.

— Ўзини англаган одам, ўзига ўзи ҳукмрон ҳам бўла олади. Ўзига ҳукмрон бўлган одам, фойда билан зарарни фарқлай олгани учун ёмонликдан тийилиб, яхшиликка ривож беради. Рухиятида олижаноб хислатлар ҳукмрон бўла бошлайди. Кўнгли ҳам равшан, умри ҳам узун бўлади. Эшитяпсанми?

— Эшитяпман, — дедиму шоша-пиша сўраб қўйдим, — демак, бу ерда ёзувчилар ўтираркан-да?

— Ҳа, ёзувчилар ўтиради.

— Китоб ёзишадими?

— Бўлмаса ашула айтишармиди. Оббо. Бўтам-ей, ҳамон бепарвосан. Назаримда бурнингнинг ҳид олиш хислатидан бошқа биронта ҳам фазилатинг ривожланмаганга ўхшайди. Хайриятки, менга учраб қолганинг. Бўлмаса, бу юртда роса сарсон бўларкансан.

Ўзимдан ўзим уялиб кетдим. Улай агар, жуда қаттиқ уялдим. Профессор Дар Даражани кеча бир марта яхши кўрган бўлсам, энди икки марта яхши кўриб қолдим. Шундай улуғ бир одам мени ўзига тенг билиб, эринмасдан бутун институт даргоҳини айлантриб чикди-я! Билмаганимни билдириб, хато қилсам, кечириб юборадим-я! Пешингача айландим. Уҳ-хў, бу ерда ажойиботлар шунақанги кўп эканки!.. Кибернетик кабиналар, ҳисоблаш машиналари, қонларни текшириб, таркибини айтиб берадиган аппаратлар, мияни суратга оладиган машиналар, тажриба ўтказиладиган майдончалар, витаминларни қайнатадиган ангишвонадек-ангишвонадек қозончалар, витамин еб семириб ётган аёллар, спорт билан шуғулланиб бир юзу йигирма ёшга кирган эркаклар... Эҳ-ҳе, ҳаммасини санайман десам яна бир кун керак бўлади. Кўпига тушундим, кўпига тушунмадим. Тушунсам хурсанд бўлдим, тушунмасам хафа ҳам бўлмадим. Энг муҳими, таърифлаб бўлмайдиган даражада камтар, худди ўзимга ўхшаган оқкўнгил, ҳеч эринмайдиган, ҳамини эркаловчи бир оҳанг билан сўзлайдиган, сўзлаганда кулиб турадиган устозим Дар Даражани, ҳозиргина айтганимдай жони-дилимдан севиб қолдим. Энди у кишининг этагини қаттиқ ушлайман. Бирон фандан олим бўлиб етишмагунимча қўйиб юбормайман.

## Х боб

### «Сарқитлар қабристони»

Устозим ўзи раҳбарлик қилаётган лаборатория жойлашган бино қаршига келганда, ҳовлидаги душхонага бошлади. Ичкарига кириш олдидан чўмилиб, покпокиза бўлиб, кийимларимизни ҳам алмаштирмоғимиз, боринги, эгнимизга оппоқ халату бошимизга чучвара нусха халтача кийиб олишимиз шарт экан. Бўлмаса, ҳар хил касаллик микроблари ичкари кириб, лабораторияни остин-устин қилиб юбориши ҳеч гап эмас экан. Биласиз-ку, жон-дилим муздек сув, кўрганда балиқ бўп кетаман. Пишқира-пишқира, ярим соат чамаси бошимдан қуйиб турдим.

Ниҳоят, ўзим орзиқиб кутган лабораторияга йўл олдик. Эшик олдида устозим қўлимдан тортиб тўхтатди:

— Энгашиб, остонани ўп!

Ҳайрон бўлиб қолдим.

— Ўп, деяпман, — кескинроқ қилиб деди устозим.

Ҳамон ҳайрон эдим. Тавба, нега бундай қилдирапти экан, дея бир-икки бор елкамни қисиб ҳам олдим. Миямда чарх ураётган фикрларни устозим аллақачон ўқиб олди шекилли:

— Ўғлим, — дея юмшоққина қилиб гапира бошлади, — ҳар бир киши ўзи ишлайдиган даргоҳни муқаддас билиб, унинг остонасини ўпиши шарт. Касбга муҳаббат деган гапни эшитганмисан?

— Эшитганман.

— Бўлмаса, энгашиб остонани ўп. Баракалла, яна ўп. Бу бошқа гап! Қани энди, орқамдан юр. Мана бу зални мен қасамхона деб атайман. Менга шогирд тушмоқчи бўлган ҳар бир йигит-қиз шу ерда қасамёд қилиб олишга мажбур. Девордаги суратларни кўряпсанми? Қани, бир бошдан айт-чи.

— Номларини билмайман-да.

— Яқинига бориб, остидаги ёзувни ўқи.

Суратлар остидаги ёзувларни бир бошдан ўқишга тушдим.

— Йўқ, овоз чиқариб ўқи.

Овоз чиқариб ўқий бошладим. Рўйхатни охиригача етказолмай, э тавба, дея ёқамни ушлаб тек туриб қолдим. Ниҳоят, устозимга юзландим:

— Бу олимларнинг сурати бизнинг мактабимизда ҳам бор эди чоғи, тағин ўғирлаб келтиришган бўлмасин?

Устозим кулиб юборди, узоқ кулди. Мени ғўр, содда, деб кулаётган бўлса керак. Кулса кулаверсин, барибир, ўз фикримда қоламан. Ахир бу суратларнинг кўпини директоримизнинг кабинетига ҳам кўрганман, ўлай агар, бир неча марта кўрганман... Хайрият, устозим кулишдан тўхтади.

— Буюк олимлар, — дея ўз одатича яна босиқлик билан сўзлай бошлади, — барча мамлакатларнинг олими ҳисобланади. Тушундингми? Хўш, нимага келиб тўхтаган эдик? Демак, менга шогирд тушасан, шундайми?

— Ҳа, тушаман.

— Фан йўлига ўзингни бағишлайсан, шундайми?

— Шундай.

Чўкка тушиб, буюклар номига қасамёд қилишим керак экан. Дар Даража нима деса, ўшани мен ҳам такрорлаб турдим. «Менким, Сойбоши қишлоғи фуқароси Ақром Ақромий, илм даргоҳига қадам қўяр эканман, бу даргоҳни ҳамиша муқаддас билиб, уни пок сақлайман. Илм йўлидаги барча машаққатларга чидайман. Буюкларни ҳурмат қиламан. Эгаллаган илмимни жамият равнақи йўлида сарфлайман. Керак бўлса, илм йўлида жонимни қурбон қиламан ва яна қасамёд қилиб айтаманки, меҳнатсевар бўламан, камтар бўламан, каттаю кичикка бир кўз билан қарайман, манмансираб кетмайман, ҳасад йўлига кирмайман...»

Назаримда икки юз мартача қасам ичдим шекилли. Охири нима деётганимни ўзим ҳам сезмай қолдим.

— Энди бу ёққа юр, — деди устозим бошқа бир залга бошлаб. — Бу хонани ҳамкасбларим ҳазиллашиб «Сарқитлар қабристон» деб аташади. Мана бу қолбачалардаги қонлар — сарқитлар намунаси, тушундингми?

— Йўқ, — дедим, чиндан ҳам ҳеч нарсага тушунмай.

— Мана бу — бюрократнинг қони, мана бу — ифвогарнинг қони, мана бу — порахўрнинг қони, — устозим бир юзу етита шижача кўрсатди. Бармоқдек-бармоқдек шишачаларда бир-икки томчидан қон йилтириб турарди. Энг ёмони, бу хонадан чиндан ҳам қабристоннинг ҳиди келиб тургандек, бурним ўз-ўзидан жийрилиб кетаверди. «Менинг ҳам қонимни сўриб олиш учун алдаб олиб келган бўлса-я, кейин одамларга, мана бу ишەқмас келгиндининг қони, деб кўрсатиб юрса-я?» Кўрқиб кетдим. Юрагим гурс-гурс ура бошлади.

— Хўш, Ақром Ақромий, лекцияни бошлаймизми? — хаёлимни бўлди устозим.

— Қанақа лекция?

— Ахир сен бўтам, менга шогирд тушдинг. Демак, сени ўқитишим даркор.

— Неча соат ўқиймиз?

— Чарчагунингча.

— Танаффус ҳам қиламизми?

— Майда-чуйда саволларингни йиғиштириб қўй энди. Қани, жойлашиброқ ўтириб ол... Шундай қилиб, бўтам, Ҳандалак шаҳри маъмурияти меҳнаткашларнинг умрини узайтириш учун барча чораларни кўрмоқда. Негаки, турмуш ширин, ҳаёт гўзал, ҳаммаёқда мўл-кўлчилик, маъмурчилик, одамлар ҳам шунга яраша узоқ яшасам дейди. Тўғри-да, бундай ширин турмушни кимнинг ҳам ташлаб кетгиси келади. Шундай қилиб, маъмурият одамларимизнинг умрини узайтириш учун барча чораларни кўрмоқда. Лекин Ҳариги лабораторияда олиб борилаётган илмий кузатишларга мен гоҳ қўшилмайман. Масалан, спорт билан шуғулланувчини олайлик. Баданга тарбия бериб, умрни узайтирмоқчи. Бу яхши, дейлик, лекин тўсатдан бир ифвогар унинг устидан юқорига туҳмат ёзиб, юборди, дейлик. Туҳмат нималигини биласанми?

— Яхши билмайман, — дедим.

— Ифвогар-чи? Ифвогар яхшими?

— Унақасиниям ҳали кўрганим йўқ.

— Шу икковига дуч келганда одам боласи узоқ яшай оладими?

— Қайдам...

— Баракалла, ўғлим. Тушунмаганингни очиқ айтаяпсан. Мана шу фазилатинг менга маъқул бўляпти. Сени шогирдликка танлаб янглишмаганга ўхшайман. Дунёда заҳарнинг тури кўп, бўтам. Илондан, чаёндан, қорақуртдан олинадиган заҳарлар бўлади. Лекин булардан ҳам ўткирроғи — ифвогарнинг ифвоси, тухматчининг тухматида бўлади. Эшитяпсанми, нега анграясан?

— Бир марта чаён чақиб олувди, ҳозир ўша эсимга тушиб кетди.

— Чаён чаққан эди, дегин?

— Ҳа, урғочиси чаққан эди шекилли, оғриғи жуда қаттиқ бўлган.

— Хўш, оғриқ неча кун давом этган эди?

— Бир кечаю бир кундуз.

— Ифвогар солган заҳар эса бир умр оғриқ беради. Дилингни яралаб, бу дунёни кўзингга қоронғи қилиб қўяди.

Аввалига унча эътибор бермадим. Йўқ, унақа эмас, эътибор бердим—у, яхши тушунмадим шекилли. Бора-бора, фикримга фикр, ақлимга ақл қўшилаётгандек бўлаверди. Бутун вужудим қулоққа айланиб, устозим нима деса, ҳаммасини эхсонамга жойлаб олишга ҳаракат қила бошладим. Инсониятда ифвогарлик, чақимчилик, ичқоралик, порахўрлик, бюрократлик сингари қарзлар кўп бўларкан. Бу ҳодисани лаборатория ходимлари иллат деб таърифлашибди. Устозимнинг фикрича, бу иллатларни бутунлай тугатмагунча одам боласининг умрини узайтириб бўлмас эмиш. Ҳандалак шаҳар маъмурияти ҳам шундай фикрда эмиш. Иллатларга қарши шаҳар маъмурияти бир неча бор қарорлар қабул қилибди. Лекин жуда ғалати бўпти. Ҳалиги, қассоблар канорага гўшт осиб қўйганда қовоғарилар гуриллаб ёпирилиб келади—ку, қассоблар уларни ҳайдамоқчи бўлиб говрон билан урганда битта—яримтаси ўлиб, қолгани учиб кетади—ку, ифвогарлар билан порахўрлар ҳам шунақа бўпти. Қарорлар чиқиши билан битта—яримтаси қўлга тушса тушиб, қолгани гуриллаб учиб кетаверибди. Яъни, устозимнинг қайта ва қайта таъкидлаб айтишича, ўша учиб кетганлар жамият бошига яна ёпирилиб келиб, нозик жойини қайта-қайта қақаверибди.

— Бу ариларни бутунлай қириб ташлаш керак! — устозим шундай деб, жаҳл билан ўрнидан туриб кетди.

— Порахўрни ҳам, — дея мен ҳам ўрнимдан туриб олдим. Нега десангиз, шу пайтда типратикон тумшукли ревизор амаки эсимга тушиб кетган эди.

— Хўш, қандай қилиб тугатамиз уларни?

— Билмайман—да, устоз.

— Бўтам, бир сен эмас, кўпчилик билмайди ҳали. Мен бўлсам, унинг йўлини аллақачон топиб қўйганман. Хўш, Акромий, лекциямизнинг иккинчи қисмининг тинглашга тайёрмисан?

— Тайёрман, кутиб турибман.

— Гап бундай, бўтам, қани яқинроқ ўтир—чи. Ҳозиргина биз сарқитлар деб атаган ҳодисани, бошқа олимлар, руҳнинг ҳолати, яъни хулқ—ахлоқнинг намоён бўлиши, дейишади. Мен бўлсам, йўқ, ҳамқасблар, янглишяпсиз, иллатлар — бу қоннинг ҳолати, яъни жамийи иллатларнинг манбаи қонда бўлади, деб айтаман. Менинг сеҳргарлигим ҳам мана шу ерда. Инсоният қонини иллатлар микробидан тозалаш керак. Тушуняпсанми?

— Йўқ, ҳеч нарса тушунмаяпман.

Мана шу гапимдан кейин, аксига юриб, лекция яна мен тушунмаган томонга қараб оға бошлади. Анграганимча жим ўтира бердим. Бир томчи қонда ўн икки минг заррача бўларкан. Зарралар эса, фойдали ва зарарли турга бўлинар эмиш. Бюрократнинг қонида бюрократлик ҳаракатларини келтириб чиқарадиган зарарли заррачалар кўпроқ тўпланган бўлармиш.

— Гриппга қарши уколлар қиламиз, шундайми? — тўсатдан сўраб қолди устозим.

— Шундай, — деб қўйдим ўйга толиб.

— Ичбуруққа қарши дори ичамиз, шундайми?

— Худди шундай, устоз.

— Хўш, нега энди порахўрга қарши дори ишлаб чиқармас эканмиз?

— Шунақа дорини тайёрласа бўладими?

— Бўлади, Акромий, бўлади. Бунинг учун, ҳали айтганимдай, кўп изланишлар қилишга тўғри келади. Мен бундай дориларнинг кўпини тайёрлаб ҳам қўйганман. Анув кун айтувдим—ку, унча—мунча сеҳргар ҳамман деб. Сеҳримни бу ноёб дориларга қўшиб юборганман. Синовлар ҳам тугай деб қолди. Бугун—эрта буюк сафарбарлик бошлаб, иллатларни бутунлай қириб ташлаймиз. Дорилар — зўр! Ўтган ҳафта шаҳардаги энг ашаддий бир ёлғончини топиб, бир чимдим кафтлатган эдим, ёлғон билан ўтган умрига афсусланиб, хўнг—хўнг йиғлаб берди.

Энди, бўтам, машғулотимизнинг учинчи қисмини бошлаймиз. Яъни сенинг ўзинг мустақил иш боғлайсан. Мен нариги хоналардан бир аҳвол олай, шогирдлар

нима қилаётган экан, кўздан кечириб қўяй. Сен, бўтам, мана бу луғатдан ўзингга ёқмаган, яъни одам боласининг дилини хира қиладиган сўзларни, иллат деб атаса бўладиган сўзларни алфавит бўйича рўйхат қилиб чиқ. Бир вақт келиб бу сўзларни луғатдан бутунлай ўчириб ташлаймиз.

— Бутунлай янги луғат тузар эканмиз-да?

— Эҳтимол, шундай қилишга ҳам тўғри келиб қолар.

Дар Даража кексаларга хос оғир, вазмин қадам ташлаб чиқиб кетгач, анчагача ғалати бир кайфиятда ўтирдим. Юрагимда ғашликка ўхшаш бир нарса кўзгалгандек бўлди. Бир ўзи дунёдаги барча сарқитларга қарши курашмоқчи экан, битта-яримта порахўр ушлаб олиб, ўлдириб қўйса нима бўлади, унда ҳамма иш тамом, шундайми? Ёки бу гапларни мени синаб кўриш учун айтаяптими? Товба, ҳеч тушунолмай қолдим. Лекин нима бўлганда ҳам устозимнинг биринчи топшириғини бажаришим, изоҳли луғатни кўздан бир кечиришим шарт. Шундай деб ўйладиму қалин китобни варақлашга тушдим. Лекин шу пайтда яна бир фикр бошимга келиб қолди. Устозим эрталабдан буён «бюрократ» деган сўзни ўн етти марта тилга олиб ўтди. Қани, изоҳли луғатдан топиб ўқиб кўрай-чи, маъноси нима экан, дея ўйладиму овоз чиқариб ўқий бошладим:

«Ишга, ўз вазифасига расмиятчилик билан қаровчи, ҳаётдан, жамиятдан ажралган, қоғозбоз, тўра, сансоларликни авж олдирувчи шахс. Бундай шахслар раҳбар бўлган идорани худо урган бўлади».

— Уҳ-ху, расво экан-ку, — дедим-да, луғат китобини нарироқ суриб қўйдим. Демак, устозим ана шуларга қарши курашмоқчи экан-да. Мен бўлсам шундай мўътабар бир кишининг ниятига шак келтириб ўтирибман-а. Йўқ, Акромиёй, энди иккиланшга чек қўй. Ёнгни шимариб, ишга киришдим. «Бе» ҳарфини очиб қўйган эканман. Шу ҳарф остидаги бемаза сўзларни дафтаримга кўчира бошладим. Шаҳарда иллатлар батамом тугатилиб, луғат қайта тузилса, шу сўзларни чиқариб ташланглар, дея тавсия киритаман, деб ўйладим.

Борди-ю, бу сўзларни шаҳар луғатидан ҳозироқ ўчириб ташлаб қўяқолсам-чи, луғатда йўқ бўлса ишлатмай қўяқолишади, демак, иллат ҳам ўз-ўзидан йўқ бўлади-қўяди... Ахир бу катта кашфиёт бўлади, шундай эмасми? Қаранг, шунча илму шунча ақл билан устозим билмабди-я! Кашфиёт тўсатдан, кутилмаганда туғилади, деганлари ростга ўхшайди. Тез кунда доврўғим оламга ёйилиб кетса-я, кечагина бир аҳволда юрган йигитча қилди бу кашфиётни дея менинг ҳақимда ҳам китоблар ёзишса-я!

Шишадаги қора тушнинг қопқоғини очдим-да, Ҳандалак шаҳри луғатларидаги ўзимга ёқмаган иллат ташувчи сўзларни бир бошдан ўчиришга тушдим. Узиям бу мамлакатга келганимдан буён берилиб ишлаганим шу бўлса керак. Берилиб ишлашнинг гашти, ўлай агар, бошқача бўларкан. Бир луғатни тугатиб, эндигина иккинчисини очаетган эдим, чўчқура-чўчқура устозим кириб кела бошлади.

— Ап-ч-чу... Хўш, ишлар қалай? — устозим қаттиқ тумов бўлганга ўхшайди, жавобимни кутмасдан яна бир-икки акса уриб олди.

— Аъло даражада! — қувончимни ичимга сиғдиролмай ўрнимдан туриб кетдим. — Кашфиёт қилдим, устоз, кашфиёт! Шаҳар фуқаросини иллатлардан халос этишнинг осон йўлини топдим!

— Ап-ч-чу, ап-ч-чу!..

— Ўзингиз бемаза сўзларни шаҳар луғатидан ўчириб ташлайдиган вақтлар ҳам келади девдингиз-ку: Уша вақтни мен тезлаштириб юбордим.

— Аввал иллатни тугатамиз, девдим шекилли, ап-ч-чу!..

Кашфиётимнинг мазмунини баён қилмоқчи эдим, Дар Даражанинг оқ оралаган қуюқ қошлари гоҳ юқорига кўтарилиб, гоҳ пастга тушиб ўйнай бошлаганини кўриб қолдим. Анча маҳал юзимга маъносиз тикилиб турди. Сўнг, луғатни расво қилибсан, галварс, деди-да, яна бир чўчқуриб ташқарига чиқиб кетди.

Қизиқ, галварс дегани нима экан? Наҳотки буям Ҳандалак шаҳри меҳнаткашларининг оёғини чирмовуқдай ўраган иллатлардан бири бўлса?

Устозим ташқарида туриб кетма-кет чўчқура бошлади: ап-ч-чу, ап-чу...

## XI боб

### Чинакам кашфиёт

Шундай қилиб десангиз, бир кун ундоқ, бир кун бундоқ бўлиб яшайвердим. Бирон ишни қойил қилган куним устозим ҳам, ҳамкасабаларим ҳам раҳмат айтишади. Акром Акромиёй — тиришқоқ йигит, шу кетишда кетаверса каттакон олим бўлади, дея, бир хили пешонамдан ўпиб, бир хили елкамни беозоргина қилаб

қўяди. Кўпинча қовун тушириб қўяман. Бундай пайтда ҳамкасбларимнинг қовоқлари айронхалтадай осилиб кетади. Бир ой деганда ниҳоят менбод бир штат топилиб қолди. Лабораторияда ишлаётган аёллардан бири ҳомиладор экан, туққани кетибди. Урнига мени ўтқазиб қўйишди. Ишим унча қийин эмас. Ун тўртта хонани супириб-сидираман. Йўқ, бу иш менга юклатилмаган. Узим ишқибоз бўлганим учун қиламан. Шишачалардаги қонларни у хонадан бу хонага етказиб бераман. Гоҳо катта олимлар чой сўраб қолишади. Йўқ демайман, атайлаб аччиқ-аччиқ дамлайман. Мендан бошқа бу ерда яна ўн икки ходим бор. Ҳаммаси ҳам яхши. Бир-биридан дилкаш, бир-биридан меҳрибон, бошқа мамлакатдан келганим учунми, менга бошқача меҳр билан боқишади. Профессор Дар Даражанинг суюкли шогирди, деб гоҳо эркалаб қўйган пайтлари ҳам бўлади.

Лаборатория ходимлари қоқ иккига бўлинишган. Бир группаси, ҳали айтганимдай, иллат ташувчи қонларни текширади. Бошқаси яхшилик ташувчи қонларни ўрганади. Оққўнгил, самимий, ростгўй, покиза, раҳмдил, дилбар, қувноқ, меҳрибон, камтар, меҳнаткаш, вафоли... хуллас, шунга ўхшаш одамлардан олинган қонлар устида кун бўйи баҳслашиб ётишади. Кўпига тушунаман, кўпига тушунмайман. Ундоқ бўлгандаям, бундоқ бўлгандаям, барибир, чойни аччиқ-аччиқ дамлайвераман. Группалар бир-бирини мусобақага қақирган, ҳафтанинг охирида яқун бўлади. Мукофотига ананасга ўхшаш қовунлар берилади. Бу юртда қовунни шунақа улуғлашадикки, асти қўяберасиз. Ҳатто мукофотларининг номи ҳам «Ананас», «Оқуруғ», «Босволди» деб аталиб, ўша мукофот медалчаларига ана шу қовунларнинг сурати туширилган бўлади. Қаранг, шунча улуғлашадую, яна тагин еганлари қовун! Наҳотки одам ўзи улуғлаган нарсани ўзи еса, деб ўйланиб кетаман. Хуллас, икки группага бир хилда хизмат қилганим учун, униси ғолиб чиқса ҳам, буниси ғолиб чиқса ҳам мукофотга шерикман. Ҳафтада қовунхўрлик. Ишим яхши, кайфиятим соз бўлгани учунми, ранги-рўйимга ҳам қон югуриб, танимга эт битиб, бир чиройли йигит бўлиб қолдимки, асти қўяберасиз. Ёш-ёш қизларнинг кўзи менда. Турган гапки, Акромий ҳам жим турмайди. Бирининг биқинидан чимдиб, бошқасининг сочидан тортқилаб қўяди.

Хоналардан хоналарга қон томизилган шишачаларни олиб ўтаётганимда кўпинча бурама қопқоғини очиб (биласиз-ку, янги ҳид кашф қилишни жуда яхши кўраман), ичидагисини қайта-қайта, ҳидлаб кўрадим. Бора-бора бу машғулотишга шунақа берилиб кетдимки, бир юзу етти шишачадаги қонларни кўзимни чирт юмган ҳолда, ҳидига қараб, бу — бюрократники, бу — ичиқора одамники, дея бемалол ажрата оладиган бўлдим. Хизмат қилаётганимнинг тўққизинчи ойимиди, ўнинчи ойимиди, аниқ эсимда йўқ, ҳарқалай, баҳор пайти эди. Уша куни устозим Дар Даража бели оғриб, хизматга чиқмади. Иш буюрадиган одам йўқ. Зерикканимдан қонларнинг ўзим тўйган ҳидини дафтарга ёза бошладим. Ҳар нарса бўлай агар, буни мен кашфиёт учун эмас, шунчаки зерикканимдан қилаётган эдим. Ифвогарнинг қонидан сассиқ кўнғизнинг ҳиди келади, порахўрнинг қони сариққа мойил бўлиб, палағда тухумнинг ҳиди бор, бюрократнинг қони рангсиз, айниган мол гўштига ўхшаш ҳид таркатади, дея ёза бошладим. Кечга томон ёзишга қаттиқ берилиб кетган эканман, белини ушлаб, инқилланганча кириб келган устозимни ҳам сезмай қолибман.

— Нима қиялпан, бўтам? — деб сўради тепамга келиб.

— Узингиз айтгансиз-ку, бекор ўтиргунча бекор ишла деб, қонларнинг ҳид орқали фарқланишини ёзаяпман.

— Ҳид орқали фарқлаш ҳам мумкин эканми?

— Мумкин экан.

— Қани, дафтарингни бу ёққа бер-чи.

Устозим ёзганларимни бир ўқиди, икки ўқиди, сўнг анграйганча менга узоқ тикилиб қолди. Кўзи очиқ ҳолда ухлаб қолдимки, уйғоқми, билиб бўлмасди. Бир маҳал столни қаттиқ уриб, қичқириб юборди:

— Оббо, галварсинам-ей!

— Нега уришасиз? — дедим андак чўчиб.

— Буюк кашфиёт-ку бу!

Шундай деб устозим дафтарни бағрига босганча, бел оғриғини ҳам унутди шекилли, йигитчалардек енгил-енгил қадам ташлаб чиқиб кетди.

Эртасига... Ҳа, эртасига шону шуҳратларга кўмилган кунларимнинг бошланиши бўлди. Гап шундаки, Ҳандалак шаҳри олимлари то шу кунгача қонда фақат бир хил ҳид бўлади, деб ҳисоблаб келишаётган экан. Бир йўла бир юзу етти хил қоннинг ҳидига таъриф берилиши ҳаммаларини довдиратиб қўйибди. Лабораториямиздаги катта-кичик олимлар туни билан ухламай, биз ҳам буюк кашфиётнинг тўғилишига гувоҳ бўлайлик, деб, ҳар томонга зар югуришибди. Бири микроскопга ёпишган, иккинчиси қизил ва оқ қон таначаларини фотосуратга олган, учинчиси ҳисоблаш машинасига программ тайёрлаган... Эрталаб келсам, сарқитлар хонасига одам сизмай кетибди, ҳар олимларки, савлатидан от ҳурқади, денг.

Институтимиз директори Устун Устунийнинг кўзлари менга тушиши билан:

— Ана, ўзи ҳам келиб қолди! — дея уймалашиб ётган ходимларни уёқ-буёққа суриб, мен томонга йўл очди.

Эрталаб чақирилган илмий кенгаш бир томондан менинг кашфиётимни тасдиқлаб, жаҳоншумул, деб атабди. Лекин шунчалик буюк кашфиётни мендек оддийгина бир йигитчанинг қилишига андак шубҳа билдириб, тағин бу кашфиётни ўғирлаб олган бўлмасин, ахир одам боласи биргина қоннинг ўзида бир юзу етти хил ҳид борлигини билолмайди-ку, дея пасту баланд гапирган олимлар ҳам бўлибди.

Устун Устуний мени бағрига олиб, ўпиб, табриклаган бўлди-да, сўнг ёнидан жой кўрсатди:

— Марҳамат қилиб ўтирсинлар.

Ҳаммамиз ўтирдик. Ғалати жимлик чўкди. Мен қишлоқлик бир бола эмасманми, бунақанги катта олимлар даврасида биринчи бўлишим эди, андак ўнғайсизлана бошладим. Уялганимдан гоҳ бармоқларимни қисирлатиб уқалайман, гоҳ ҳеч зарурати бўлмаса ҳам қўлларимни чўнтагимга яшираман.

Жимликни Устун Устунийнинг йўғон овози бузди:

— Муҳтарам ёш олим, сиздан бир-икки савол сўрасак малол келмайдими?

— Йўқ, малол келмайди, — дедим ҳамон ўнғайсизланиб.

— Бу кашфиёт ёлғиз ўзингизникими?

— Ёлғиз ўзимники.

— Неча йил давомида қилдингиз бу кашфиётни?

— Кеча эрталаб бошловдим.

— Демак, ҳурматли ҳамкасаба, сиз қоннинг ҳидига қараб, ўша қон эгасининг хулқ-аъворидаги қусурни айтиб бера оласиз, шундайми?

— Худди шундай.

— Синаб кўрсак, малол келмайдими?

— Йўқ, малол келмайди.

Кўзимни етти қават латта билан боғлаб қўйишди. Кимдир қаршимдаги столга шишача келтириб қўйди. Турган гапки, бу шишача устига ёпиштирилган қоғозга кимдир, қачон олингани, ушбу эгасининг хулқида қандай қусур борлиги ҳам қайд қилинган. Шишачанинг бурама қоққоғини очиб, бир-икки ҳидлаб кўрдим:

— Чақимчининг қони.

Бошқа шишачани келтиришди.

— Ҳасадгўй, ичиқора одамнинг қони.

Учинчи шишача келиб тушди:

— Амалпарастники!

Шундан сўнг шишачалар кетма-кет келиб тушаверди. Мен ҳам:

— Мақтанчоқники!

— Қўрқоқники!

— Ёлғончиники!

— Лақманики! — дея, белгисини айтавердим. Бир маҳал, билмадим, қирқинчисига боргандами ёки эллигинчисидан кейинми, чуқур-чуқур нафас олаверганимдан бўлса керак, бурнимнинг ичи худди олов ёқилган тандирдек қизиб кетганини сезиб қолдим. Бўёғи энди қандоқ бўлар экан, деб турувдим, худди шу тариқада томни кўчиргудек гулдурос қарсак янграб қолса бўладими! Кимдир кўзимни еча бошлади. Устун Устуний мени даст кўтариб, юзу кўзларимдан ўпа кетди. Институтимизнинг шону шуҳратини оламга ёядиган бўлдинг, дегани элас-элас қулоғимга чалиниб ҳам турибди.

Ўша куни, ўша заҳотиёқ илмий кенгашнинг қарори ўқиб эшиттирилди. Менга, яъни хорижий Сойбошидан келиб, профессор Дар Даражанинг қўлида таҳсил кўраётган ёш олим Ақром Ақромийга «медицина фанлари кандидати» деган унвон берилди. Яна қарсак янгради, ҳар томондан олқишлар ёғила кетди. Бири ўпиб, бошқаси қўлимни сиқиб табриклашарди. Кимдир биқинимга шунақанги қаттиқ урдик, тилимни тишлаб қолдим. Нега бундай қилганини ҳалигача тўшунолмайман. Тўполонда кимлигини билолмай қолдим. Билганимда ҳам бари бир ҳеч нарса деёлмасдим. Нега десангиз, шундай хурсанд, шундай шод эдимки, калламни олиб қўлимга тутқазиб кетишганда ҳам ғинг демаган бўлардим.

Табрик кечгача тўхтамади. Институтимизда қанча илмий ходим бўлса, ҳаммаси ёпирилиб келаверди. Мен кашфиёт қилганим учун эмас, кашфиёт ўзлари ишлаб турган институтда бўлгани учун хурсанд эди улар. Кечгача маст одамдай довдираб, гандирақлаб юрдим. Нима дейишаётганини, нима қилишаётганини яхши англамасдим. Шунинг учун ҳам эрта ва индинига нечта муҳбир билан суҳбатлашдим, нечта суратга тушдим, булар ўзи қайси газетадан келишди — ана шуларни ҳам пайқамай қолдим. Учинчи куни газеталарда менинг ҳақимда ёзилган мақолалар пайдо бўла бошлади. Оҳ-оҳ, шунақанги ширин сўзлар, чиройли мақтовлар эдики, агар бу олқишларнинг ўндан бири мақтанчоқ дўстим Ҳо-

шимжоннинг шаънига айтилганда, бутун обрўйимни ўртага қўйиб қасам ичаманки, юраги ёрилиб ўлган бўларди. Газеталарда босилаётган суратларим чиндан ҳам ранг-баранг эди. Бирида устозим Дар Даража икковимиз лабораторияда шишачаларга кўмилиб ўтирибмиз. Остига «Устоз ва шогирд» деб ёзиб қўйишибди. Бошқасида ёлғиз ўзим. Иягимни кафтимга тираганча, кўзларимни бир нуқтага тикиб қотиб турибман. Остига «Ёш олим хаёл сурмоқда» деган сўзларни ёзишибди. Учинчисида қовун сўяётган пайтим суратга олинган. Хуллас, газеталар бонг уришда бир-бирлари билан мусобақа ўйнаётгандек эди. Ҳатто шаҳар газетасида мана бундай мақолани ҳам босиб чиқаришибди:

### «КАШФИЁТ ЎЗ БАҲОСИНИ ОЛМАДИ

Ҳеч шубҳа йўқки, «Инсон» институти маъмурияти илмий ходимларнинг унумли ишлаши учун зарур шароит яратиб берган. Аҳиллик — муваффақият гаровидир. Мана шуларнинг натижаси ўлароқ ёш олим Ақром Ақромийнинг илмий кашфиёти бўлди. Аммо оламшумул бу кашфиёт илмий кенгаш томонидан етарли баҳоланмаганга ўхшайди. Ҳандалак шаҳар олимлари дунёда етти хил ҳид борлигини аниқлаганлар. Ҳозир бир ҳид аниқлаганда уни топган олимга фан доктори унвони берилган. Хорижий олим Ақром Ақромий бўлса, бир йўла бир юзу етти хил ҳид борлигини аниқлаган. Асримизнинг буюк кашфиёти бу! Кўп сонли газеталар редакциямизга мурожаат қилиб, ёш олимга берилган илмий даража етарли эмас, деб ҳисобламоқдалар. Институт илмий кенгаш ўз қарорини қайта кўриб чиқиши, ёш олимнинг буюк изланишларини етарли баҳолаши, камида фан доктори илмий даражасини бериши керакка ўхшайди».

Ҳатто кечқурун уйга келганда ҳам газетачилар савол-жавобидан қутулолмадим. Болалар учун чиқариладиган «Дуварак» номли газетанинг муҳбири келиб ўтирган экан. Яхши биламанки, уларга гап қайтариб бўлмайди. Шунинг учун адибади айтишиб ўтирмасдан тайёрлаб келган саволларига шартта-шартта жавоб қайтаравердим.

- Кашфиётга неча ёшда киришгансиз?
- Онамнинг қорнидалигимдаёқ.
- Урта мактабда қандай ўқигансиз?
- Нуқул «беш»га.
- Устозингиз?
- Профессор Дар Даража.
- Севган овқатингиз?
- Чувара.
- Яхши кўрган ҳидингиз?
- Ананас қовуннинг ҳиди.
- Энг яқин ўртоғингиз?
- Ҳошимжон Рўзиев.
- Яхши кўрган кийимингиз?
- Жинси шим.
- Орзунгиз?
- Тарих факультетига кириб ўқиш.
- Ёмон кўрган одамингиз?
- Пешонаси йилтироқ робот.


Сўхбатимиз чала қолди. Ташқаридан машинанинг чўзиб-чўзиб чалган сигнали эшитилди. Нима гап бўлди экан деб энди ўрнимдан тураётган эдим, шу пайт ҳаллослаганича иккита илмий ходим кириб кела бошлади. Илмий кенгаш яна мажлисга тўпланишибди. Боришим шарт экан.

— Тинчликми? — дедим негадир оёқ-қўлим бўшашиб.


— Ташвишланмасинлар, хушxabар бор, — деб қўйишди айтгани келганлар.

Чиндан ҳам мени хушxabар кутаётган экан. Ҳа-ҳа, хушxabарнинг энг каттаси, энг қувончлиси! Илмий кенгаш менинг кашфиётимни қайта кўриб чиқиб, ўн икки варақли дафтарга ёзган қайдларимни докторлик диссертацияси сифатида баҳолабди, менга медалица фанлари доктори илмий даражасини беришга қарор қилибди. Кўзларимдан тирқираб ёш чиқиб кетди. Кечагина эшак миниб, уйма-уй хат тарқатиб... йўқ, уёғини айтмасам ҳам ўзингиз билиб турибсиз. Қизиқ, жуда қизиқ, шундай эмасми? Ҳаяжоним зўридан ўша туни ухлай олмадим. Йиғлаб кўчама-кўча югуриб юрган ойижоним кўз ўнгимдан нари кетмади. Гоҳ укажонларим чопқиллаб келиб, бўйнимга осилишади, табриклашади, гоҳ дадажоним кўзимга кўриниб кетади. Уша куни тушларим ҳам сал ғалатироқ бўлди. Уртоғим Ҳошим икковимиз белига яғир тошган эшагимга мингашиб, пойгага қатнашаётган эмишмиз-у, нуқул орқада қолиб кетар эмишмиз...





## АДАБИЙ ТАНҚИД МУАММОЛАРИ



Абдуғафур Расулов. Танқидчилик уфқлари. Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент — 1986.

Кейинги йилларда адабий-бадий танқид ҳам жиддий баҳслар учун мавзу бўлиб қолди. Албатта, бу соҳанинг ўзи мунозаралар макони бўлганидан, у ҳақдаги фикрлар ҳам хилма-хил тортишувларсиз ўтмайди. Мунаққид Абдуғафур Расуловнинг «Танқидчилик уфқлари» китоби адабий-бадий танқидчиликдаги ана шундай муаммолар талқинига бағишланган. Муаллифини адабий танқид методи, таҳлил принциплари, баҳолаш мезонлари кўпроқ кизиқтиради.

Мазкур жанрга фан деб қараш керакми ёки у бадий ижод турига мансубми, деган муаммо хилма-хил талқин этилмоқда. Чунки танқидчиликнинг хусусиятлари, қонуниятларини чуқур ўрганиш жанр истиқболи учун муҳим роль ўйнайди. Мунаққид бу ҳақда сўз юритар экан, «адабий-бадий танқид илм ва санъатнинг табиий бирикмасидан пайдо бўлган ўзига хос соҳа», деган қарашни қўллаб-қувватлайди. Ҳақиқатан ҳам адабий танқидчилик жанри ҳам илм-фандан, ҳам бадий адабиёт бағридан озиқланади.

Адабий танқидчилик билан бадий адабиёт бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Лекин бадий асарларда ҳаёт ҳодисалари образлар орқали, танқидчиликда эса мантик асосида, қиёслар воситасида талқин қилинади. Лекин ҳар иккисининг ҳам моҳияти бир нарсага — ҳақиқатни, реал турмуш воқелигини бутун қирралари билан акс эттиришга қаратилади. Бироқ танқидчи бадий адабиёт билан адабий танқиднинг методи бир хил эмас, деган мулоҳазани илгари суради. Чунки адабий танқидчиликда бадий адабиётга хос хусуси-

ятлар бўлса-да, у аввало ҳодисаларни таҳлил қилиш, анализ қилиш характериға эға. Бу эса фанға хос илмий методлардан фойдаланишни тақозо қилади. Шунинг учун адабий танқидчиликда адабиётшунослик ва бошқа фанлар фойдаланадиган тарихий функционал, тарихий типологик методлар қўлланилади. А. Расуловнинг бу ҳақдаги мулоҳазалари, келтирган фактлари илмий-назарий характерда.

Бу фактлар бизни умумсовет адабий танқидчилигидаги изланишлардан хабардор қилади. Лекин мунаққиднинг турли таҳлил методлари хусусидаги фикрлари чуқурлаштиришни, мисоллар билан аниқлаштиришни тақозо қилади. Масалан, қайси танқидчилар бу таҳлил методларидан фойдаланмоқдалар ва қандай натижаларға эришмоқдалар, деб савол қўядиган бўлсак, жавоби очиқ қолади.

Бугунги кунда миллий адабиёт ҳодисалариға умумиттифоқ адабиётида эришилган ютуқлар асосида қараш зарур. А. Расулов шунга амал қилиб, адабий танқидчиликнинг табиати, методи, баҳолаш меъёри масалалариға тўхталар экан, етуқ рус совет олимларининг хулосалариға таянади. У К. Аҳмаджонова, Т. Қораев каби тадқиқотчиларнинг шоир Уйғун ҳақидаги китоблариға асосли танқидий мулоҳаза билдиради. Айни пайтда, шеърый асарни таҳлил қилишда нималарға эътибор бериш керагу насрий ва драматик асарлар таҳлилида қандай таҳлил йўлларидан бориш лозимлиги ўзбек танқидчиларининг ижоди мисолида кенг ёритилганида ишнинг салмоғи ортган бўларди. А. Расулов адабиётшунос Бегали Қосимовнинг «Излай-излай топганим» китобини ижобий баҳолайди, лекин у адабиёт илмидаги қандай илмий-назарий проблемаға аниқлик киритиб берганлигини, олимнинг илмий концепциясини очиқ кўрсатмайди.

Маълумки, адабий танқидчилик адабий ҳодисаларни ижтимоий ҳамда эстетик жиҳатдан таҳлил қилади. Муайян асарнинг ижтимоий моҳиятини ёритиш бу унинг ғоявий аҳамиятини кўрсатиш, ижодкорнинг дунёқарашини, мақсадини, партиявий позициясини ҳақида фикрлаш бўлса, эстетик таҳлил гўзаллик қонуниятлариға таянган ҳолда мулоҳаза юритишдир. Танқидчи ана шу мезонда изчил турсагина ижодкорнинг бадий маҳоратини кўрсата олади. А. Расуловнинг бу ҳақдаги кузатишлари диққатға сазовор бўлса-да, лекин уларда муайян фикрий тарқоқлик кўзга ташланади. Масалан, К. Маркснинг гўзаллик ҳақидаги машҳур фикри келтирилган мисолларға сингиб кетган дея олмаймиз. Бу гапни унинг ўзбек адабий танқидчилигидаги ижтимоий ва эстетик таҳлил ҳақидаги мулоҳазалари хусусида ҳам айтиш мумкин. Лекин Ойбек ва Уйғун ижодида табиат лирикисининг ўрни, Темур Пўлатов асарларининг танқидчиликдаги талқини тўғрисидаги фикрлари мунаққиднинг самарали изланишлари сифатида баҳолашни лозим.

А. Расулов китобига 80-йиллар прозаси ҳақида баҳс юритувчи иккита мақоласи ҳам киритилган. Улардан бири 1981 йил роман ва қиссаларнинг обзори бўлса, иккинчиси, прозамиздаги инқилобий мавзунинг янгича талқинига бағишланган. Биринчи мақолада «Машраб», «Илдизлар ва япроқлар», «Оқибат» романлари ҳақида жиддий танқидий мулоҳазалар билдирилади. Лекин танқидчининг қиссачилик ҳақидаги мулоҳазаларида муайян юзакилик кўзга ташланади. Унинг қиссачиликда жиддий изланишлар олиб борилди, деган хулосаси ҳеч бир таҳлил билан исботланмаган. Ваҳоланки, обзор мақола мунаққиднинг ўз сўзлари билан айтганда, мавзу қилиб олинган жанрлар тараққиётидаги янги ҳодисаларни ёритиб кўрсатиши ва мавжуд камчиликларни таҳлил қилиб беришга қаратилмоғи зарур эди. Бу обзорда эса «Дунёнинг ишлари», «Янги қор тушган кун», қиссалари ҳақида айтилган фикрларни ҳисобга олмасак, «Етти зоғора», «Қайтиш», «Дашт», «Томчи» каби қиссалар ҳақида умумий маълумот берилди, холос.

Бу қиссалар мавзу жиҳатидан хилма-хил, қолаверса, уларни яратган ёзувчиларнинг маҳорати, истеъдод даражаси турлича. Шунинг учун мазкур қиссаларни бир-бири билан бараварлаштириб бўлмайди. Масалан, танқидчи «Нажот», «Етти зоғора» асарларида афсоналар орқали замонамизнинг жиддий масалаларига муносабат билдирилган, дейди. Шу ўринда ёзувчилар ҳаётнинг қайси жиҳатларини кўтариб чиқдилар, афсоналарни қаламга олиш орқали қандай ҳақиқатни кўрсатмоқчилар, деган савол туғилади. Ушбу қиссаларнинг моҳияти ёритилганда, бу саволга жавоб олиш мумкин эди. Маълумки, ҳар икки қисса тажрибали ижодкорларнинг қаламига мансуб. Шу маънода ҳам уларни жиддий таҳлил қилиш зарурати сезилади. Танқидчи бу обзорда «1981 йилда Фаффор Ҳотамовнинг «Қайтиш», Нусрат Раҳматовнинг «Дашт», Норкул Ҳайитқуловнинг «Томчи» қиссалари босилиб чиқди. «Қайтиш» қиссасида қаҳрамон характеридаги нозик жиҳатларни илғаб олиш, воқеа ичида воқеаларни тасвирлай билиш, композицион изчилликка интилиш кучли. Н. Раҳматов ва Н. Ҳайитқулов қиссаларида янги ерларни ўзлаштираётган, янги посёлкалар қураётган

ёшлар образлари яратилади», дейди. Лекин бу таҳлил эмас. Негаки, бу ерда мазкур қиссаларнинг босилиб чиққанлиги ҳақида хабар бериляпти, холос. Бунда ҳали танқидчининг мазкур асарларга муносабати ҳам кўринмайди. Муносабат билдириш учун ниманидир ёқлаш, ниманидир инкор этиш керак бўлади. Ҳар бир фикр ўз исботини тақозо қилиши эса табиийдир.

Хусусан, «Дашт», «Томчи» қиссаларида баёнчилик, қаҳрамон тақдирини тайёр схемага айланиб қолган йўл билан ифодалаб беришдек камчилик мавжудлиги ҳақида сўзлаш керак эди. Шундагина бу обзор қиссачиликдаги изланиш ва муаммолар ҳақида муайян тасаввур берган бўларди.

Танқидчининг «Эски мавзунинг янгича талқини» мақоласида ҳам бир қатор асосли, тўғри фикрлар баён қилинган. Жумладан, «Қил кўприк», «Чорраҳада қолган одамлар», «Жар ёқасида чақмоқ» асарларида асосий қаҳрамон масаласи янгича бадий талқин қилинади», дейди у. Дарҳақиқат, бу асарлардаги ижобий қаҳрамонлар ҳаётлиги, инсоний хусусиятлари билан реал турмушга яқин туради. Эски тузумнинг ҳимоячиси бўлган, янги совет тузумига қарши курашган синфий душманлар шу пайтгача бир томонлама талқин этилар, уларнинг ички дунёси очиб кўрсатилмас эди. Мазкур асарларда эса босмачилар ҳаракати ишонарли тарзда мураккаблиги ва ички зиддиятлари билан ифода этилганки, бу инқилобнинг моҳиятини янада чуқурроқ англашимизга ёрдам беради. Мунаққид воқеликка бундай ёндашиш нисрда ҳаёт ҳодисалари ва инсон руҳий дунёсини бутун мураккаблиги билан кўрсатиш жараёни чуқурлашиб бораётганлигидан далолат беради, деб тўғри хулоса чиқаради. Танқидчи аини пайтда бу асарларнинг камчиликлари, пухта далиллашни, психологик таҳлилни тақозо қиладиган жиҳатлари тўғрисида ҳам атрофлича мулоҳаза юритади.

Фаол ва изланувчи танқидчи А. Расуловнинг «Танқидчилик уфқлари» китоби ҳозирги ўзбек танқидчилиги тараққиёти муаммоларини ўрганиш борасидаги муҳим қадам сифатида қадрлидир.

**Абдулла УЛУҒОВ,**  
аспирант.



БУЛИМГА ҒАФУР ҒУЛОМ АСОС СОЛГАН

## Аёвсиз баҳс

БАЪЗИ БИР АДАБИЙ  
СУҲБАТЛАРГА УХШАТМА

Редакциядан: бугун биз таниқли шоир Қайнар Булоқ билан истеъдодли танқидчи Ҳамду Саноевнинг ўзаро баҳсини сиз, азиз мухлис-ларимиз эътиборига ҳавола қиламиз. Марҳамат!

**ҲАМДУ САНОЕВ.** «Асл инсон ҳаётда ўз бурчини ўтайди». Бу талантли шоир Қайнар Булоқнинг эл орасида машҳур бўлиб кетган «Асл инсон...» шеъридан олинди. Биз тенги авлод вакилларининг адабиёт майдонига кириб келишида ана шу шеър билан танглаймиз кўтарилган, десам хато қилмайман.

Қайнар Булоқ деганимизда адабиётимизнинг бешигини тебратган аллома кўз унгимизга келади. Республикаимизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам ҳурматли шоирларимизнинг шеърлари кириб бормаган бирор бир хонадон топилмайди, десам муболаға бўлмас. Бу қадар обрў-эътибор қозониш, тилга тушиш осон иш бўлмаса керак, тўғрими, Қайнар ака?

**ҚАЙНАР БУЛОҚ.** Ҳақ гапни айтдингиз, Ҳамдужон. Ижодкор сифатида бунга сиз ҳам жуда яхши ҳис қилсангиз керак. Бунга мен мақолаларингизни ўқиб, чуқур ишонч ҳосил қилганман. Сиз шоир ёки ёзувчининг ижоди-га, муайян бир асарга, баҳо беришда, образли қилиб айтганда, тирноқ остидан кир қидирмайсиз. Қитмирийга ўхшаган танқидчилар сингари бетгачопарлик қилмайсиз, балки андиша билан, ижодкорнинг адабиёт олдидаги кўп йиллик хизматларини, нуфузини, инсон сифатидаги хислатларини ҳисобга олиб фикр юртасиз. Ростини айтсам, мақолангизни ўқиганда бир қарич ўсаман. Улар, шоирона тил билан айтганда, мусиқийлиги билан ажралиб туради. Сизнинг стилингизни босқа ҳеч бир танқидчининг стили билан адаштириб бўлмайди. Сиз асли шоир бўлишингиз керак эди...

**ҲАМДУ САНОЕВ.** Кечирасиз, домла, гапингизни бўламан. Шоир бўлиш осон эмас. Мана, сиз қарийб 30 йилдан бери ижод қиласиз. Унлаб китобларингиз аллақачон қўлдан-қўлга ўтиб кетган. Лекин... бетга чопарлик деб ўйламанг-у, Қайнар ака, сизнинг катта бир камчилигингиз бор...

**ҚАЙНАР БУЛОҚ.** Хўш, хўш? Қанақа камчилик экан?

**ҲАМДУ САНОЕВ.** Кўнглингизга олсангиз ҳам айтишга мажбурман, бу — менинг бурчим. Сизнинг ижодингизга, қолаверса, адабиётга бўлган чексиз ихлосим ҳаққи, айтишга мажбурман.

**ҚАЙНАР БУЛОҚ.** «Танқид келажакнинг меваси», тортинмай айтаверинг, Ҳамдужон.

**ҲАМДУ САНОЕВ.** Кейинги пайларда газета-журналларнинг баъзиларида шеърларингиз кам кўриняпти. «Ўзбекистон физкультурачиси», «Фан ва турмуш», «Ўзбекистон агитатори», «Тошкентдан гапирамиз», «Кино», «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» каби органлар

орқали эса бирон марта ҳам чиқиш қилганингиз йўқ. Бу билан шеърят мухлисларини қаттиқ ранжиталасиз. Тўғри, бу сизнинг камтарлигингиз нишонаси. Лекин ана шу камтарлигингиз адабиётга қанчалик қимматга тушаётганлиги ҳақида бир ўйлаб кўрдингизми?

**ҚАЙНАР БУЛОҚ.** Дарвоқе, камтарлик! Адашмасам, бу борада сиз ҳам мендан заррача бўлса-да қолишмассиз, Ҳамдужон. Хафа бўлманг-у, энди мен ҳам сизни аяб ўтирмайман, хатонгизни юзингизга рўй-рост айтаман. Қофияли қилиб айтганда, «айтсам тилим куяди, айтмасам — дилим», «дўст ачитиб гапиради, душман кулдириб», «Ер ҳайдасанг куз ҳайда...» Йўғ-эй, кеңирасиз, шоирлик курсин, хаёл қочди. Қисқаси азбаройи сизни ҳурмат қилганимдан танқидий фикримни айтаман. Биринчидан, чиқаётган китобларингизнинг безагига эътиборни қаратмайсиз. Нашриётларга бориб, расомлар билан талашиб-тортишмайсиз. Иккинчидан, китобингизнинг мақолаларингизнинг ҳажми кичик. Сўзни соғитиб олаётганингиз йўқ-ку, ахир!

**ҲАМДУ САНОЕВ.** Сўзи! Чинакам бойлигимиз у! Истеъмол қиладиган таомимиз, устимиздаги кийимимиз у. Қайнар ака, сўздан фойдаланишда шоирлар орасида сиздан ўтадигани бўлмаса керак. Балки талант дегани шудир.

**ҚАЙНАР БУЛОҚ.** Талант дедингиз. У ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Бу борада сизга ҳавасим келади. У кунги матбуотда Қитмирийни шундай бошлабсизки, бай-бай-бай!

**ҲАМДУ САНОЕВ.** Сизнинг энг кейинги ёзилган «Зараркуанда ҳашаротларни қиринг» деган достонингизни чинакам талант маҳсули деса бўлади. О-оҳ-оҳ! Дарвоқе, шу достонингизни қишлоқ хўжалиги журнаliga тақдим этсангиз, жон-жон деб босишади.

**ҚАЙНАР БУЛОҚ.** Яхши фикр, ўйлаб кўриш керак.

**ҲАМДУ САНОЕВ.** Қайнар ака, баҳс чоғида қизишиб кетиб, дилингизни оғритган бўлсам, узр.

**ҚАЙНАР БУЛОҚ.** Мен ҳам аяб ўтирганим йўқ. Хафа бўлмассиз, деган умиддаман.

**ҲАМДУ САНОЕВ.** Минг бор узр, домла.  
**ҚАЙНАР БУЛОҚ.** Мени авф этгайсиз, Ҳамдужон...

Редакциядан:

Ҳурматли журналхонлар!

Сизларнинг номларингиздан мазмунли суҳбатлари учун шоир Қайнар Булоқ ҳамда танқидчи Ҳамду Саноевга миннатдорчилик билдиришга руҳсат этгайсизлар. Ҳурматли шоирларимиз ва танқидчиларимизнинг қизгин баҳси ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни ёзиб юборинг.

Хатларингизни кутамиз.

Баҳсни ёзиб олувчи **Нафас ДУСАНОВ**

# МУНДАРИЖА

|   |     |
|---|-----|
| <b>ЎЗБЕКИСТОН ИЖОДИЙ СОЮЗЛАРИНИНГ БИРЛАШГАН ПЛЕНУМИ</b>   |     |
| Меҳнат билан санъатнинг иттифоқи  | 3   |
| Ўзбекистон ижодий союзларининг бирлашган пленумида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Б. Усмонхўжаев доклади | 5   |
| <b>КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА</b>   |     |
| Уйғун. Муқаддас бурчимиз  | 16  |
| <b>НАСР</b>   |     |
| Одил Ғафуров. Оққушлар, оппоқ қушлар... Роман   | 19  |
| Убайдулла Содиқов. Отахонлар  | 73  |
| Нормурод Норқобилов. Баҳор оқшомида   | 83  |
| Ориф Фармон. Ҳажвиялар  | 94  |
| Мирзохид Мирзараҳимов. Бегона   | 102 |
| <b>ШЕЪРИЯТ</b>  |     |
| Абдулла Шер. Бир парча осмон  | 69  |
| Душан Файзий. Бир юртки, унинг меҳри қонимиздадир   | 79  |
| Мухаммадали Қўшмоқов. Бўғдой бошоғидек етилар ҳаёт  | 89  |
| Юсуф Жумаев. Сени севганим каби...  | 99  |
| Николай Буканов. Садоқат ҳақида баллада   | 146 |
| Қалдирғочлар шеър ўқийди бизнинг боғларда. Мушоира  | 106 |
| <b>ҲИКОЯЛАР ҲАЗИНАСИ</b>  |     |
| Уильям Фолкнер. Қуёш заволи   | 116 |
| <b>ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МУАММОЛАР</b>  |     |
| Шокирвали Нуралиев. Гап қаловини топишда қолган   | 129 |
| <b>ЖУРНАЛХОН ТАКЛИФ ҚИЛГАН МАВЗУ</b>  |     |
| Акрам Аминов. Ҳисор лавҳалари   | 139 |
| <b>«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» АНКЕТАСИ</b>   |     |
| Дилдаги гаплар. Мақсуд Қориев, Уктам Усмонов  | 150 |
| <b>АДАБИЙ ТАНҚИД</b>  |     |
| Очил Тоғаев. Бадиий публицистика уфқлари  | 155 |
| <b>МАҲОРАТ МАКТАБИ</b>  |     |
| Умарали Норматов. Адабий танқид жонкуяри  | 163 |
| <b>САРГУЗАШТ, ФАНТАСТИКА</b>  |     |
| Худойберди Тўхтабоев. Ширин қовунлар мамлакатида. Роман   | 169 |
| <b>ТАҚРИЗ</b>   |     |
| Абдулла Улуғов. Адабий танқид муаммолари  | 205 |
| <b>ГУЛҚАЙЧИ</b>   |     |
| Нафас Дўсанов. Аёвсиз баҳс  | 207 |

На узбекском языке  
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

(Звезда Востока)

№ 7

Орган Союза писателей Узбекской ССР

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана  
Ташкент — 1986

Рассом **Х. Лутфуллаев**. Техник редактор **М. Аҳмедов**. Корректор **А. Ҳайдаров**.

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди.  
Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Теришга берилди 5.05.86 й. Босишга рухсат этилди 9.06.86 й. Қоғоз формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Р-08805. Фотонабор. Офсет босма усули. Физ. листи 13. Шартли босма листи 18,55. Нашриёт ҳисоб листи 20,2. Тиражи 166134. Бююртма 3845.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси. Тошкент — П. Ленин проспекти 41.

© «Шарқ юлдузи», 1986.

Ғафур Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.